

الانبياء والمرسلين

ПАЙҒАМБАРЛАР
ҚИССАСИ

Қуръони Карим
асосида

Кўзгу гуруҳи тақдим этади

Фойдаланилган манбалар манзили:

1. Islom.uz материаллари
2. Ziyonet.uz материаллари
3. Info.islom.uz материаллари
4. Nilol.com материаллари
5. Muxlis.uz материаллари
6. Ziyouz.com материаллари
7. Quran.uz материаллари

**Матнларни йиғувчи ва дизайнер: Музаффар Не
"Кўзгу" гуруҳи модератори**

Мавзулар кўрсаткичи

I БЎЛИМ АНБИЁЛАР ҚИССАСИ

1. Одам алайҳиссалом
2. Идрис алайҳиссалом
3. Нуҳ алайҳиссалом
4. Худ алайҳиссалом
5. Солиҳ алайҳиссалом
6. Иброҳим алайҳиссалом
7. Лут алайҳиссалом
8. Исмоил алайҳиссалом
9. Исҳоқ алайҳиссалом
10. Яъқуб алайҳиссалом
11. Юсуф алайҳиссалом
12. Шуайб алайҳиссалом
13. Айюб алайҳиссалом
14. Зулкифл алайҳиссалом
15. Ҳорун алайҳиссалом
16. Мусо алайҳиссалом
17. Довуд алайҳиссалом
18. Сулаймон алайҳиссалом
19. Илс алайҳиссалом
20. Ал-Ясаъ алайҳиссалом
21. Юнус алайҳиссалом
22. Закариё алайҳиссалом
23. Яҳе алайҳиссалом
24. Ийсо алайҳиссалом

II БЎЛИМ БОШҚА НАБИЙЛАР

25. Ҳизр алайҳиссалом
26. Луқмон Ҳаким
27. Зулқарнайн
28. Узаир алайҳиссалом

III БЎЛИМ КАЗЗОПЛАР

29. Зардушт
30. Моний
31. Маздак
32. Баҳофарид
33. Муқанна
34. Мусайлама ва бошқа каззоплар

IV БЎЛИМ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛГАН ШАХСЛАР

35. Будда
36. Лао Ци
37. Конфутсий
38. Нанак

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ



(Ғарбда Адам)

ОДАМНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Биринчи инсон ва биринчи Пайғамбар бўлмиш отамиз Одам алайҳиссаломнинг яратилишлари қиссаси Бақара сурасида қуйидагича баён этилади: «Эсла, вақтики Роббинг фаришталарга: «Мен ер юзида халифа қилмоқчиман», деди. Улар: «Унда фасод қиладиган, қон тўкадиган кимсани қилмоқчимисан? Ва қолбуки, биз Сенга тасбиҳ, ҳамд айтиб ва Сени улуғлаб турибмиз», дедилар. У: «Мен, сиз билмагани биламан», деди (30 - оят).

Ушбу оятдан Аллоҳ таоло Одамни ўзининг ер юзидаги ўринбосари-халифаси бўлишини ирода этгани маълум бўляпти. Демак, инсонга улкан ишонч билдирилган, у улуғ Аллоҳнинг халифаси бўлишдек олий мақомга лойиқ кўрилган. Бундай марҳаматнинг ўзига яраша буюк масъулияти ҳам бор. Инсон шуни англаган ҳолда, уни халифа қилиб қўйган зотнинг топшириқларини бажармоғи, яратган зот муносиб кўрган олий мақомга доғ туширмасликка ҳаракат қилмоғи керак.

Фаришталарнинг:

«Унда фасод қиладиган, қон тўкадиган кимсани қилмоқчимисан?» деган гапларидан улар ўзларигагина маълум йўл билан инсон ер юзида фасод, бузғунчилик қилиши ва қон тўкишини билишгани, айтиш чоғда, улар фаришталик табиати билан, ўзлари айтиб турган тасбиҳу ҳамдларни ва қилиб турган улуғлашларни ушбу маълумотларнинг яратилиш мақсади, деб билишгани маълум бўлмоқда.

Аммо Аллоҳнинг илми бошқа, фаришталар буни билмайдилар.

«Мен, сиз билмагани биламан», деди Аллоҳ таоло.

Яъни, одамлардан баъзиларининг бузғунчилик қилиши ёки қон тўкиши ер юзида халифа яратиш иродасига тўсиқ бўла олмайди.

Шунингдек, фаришталарнинг тасбиҳ ва ҳамд айтиб, Аллоҳни ҳамиша улуғлаб туришлари ҳам улардан бошқа мавжудодни яратишдан тўса олмайди.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло фаришталарнинг эътирозларига қарамай,

«Инсонни сополга ўхшаш қуриган лойдан яратди». (Роҳман сураси 14 оят)

Бу оятда «инсонни» деганда Одам ота назарда тутиляпти. «Қуриган лой» деб таржима қилган иборамиз оятда «солсол» деб келган. Солсол деб лойнинг қотиб, чертса овоз чиқарадиган бўлиб қолган ҳолига айтилади.

Ушбу оятда зикр қилинган ҳолат Аллоҳ таоло Одамни яратишининг турли босқичларидан биридир. Тупроқдан лой қилиниб, уни одам шаклига келтириб, сўнгра руҳ киритилган.

Қуръон таъкидлашича инсонни йўқдан бор қилган зот уни тупроқдан яратган Аллоҳдир. Ҳозирги замон илми ҳам буни тасдиқламоқда. Илмий тажрибалардан исботланишча, тупроқда қандай моддалар бўлса, инсон жисмида ҳам ўша моддалар бор экан. Тупроқда карбон, кислород, фосфор, гугурт, азот, калсий, хлор, темир, мис, йўд, алюмин каби йигирма хил модда бор бўлса, худди шу моддалар инсон жисмида ҳам бор. Тупроқдан борлиқнинг энг улкан мўъжизалардан бири бўлган инсонни, унинг фикри, руҳи, ҳис-туйғулари, асаблари ва ҳозиргача инсоннинг ўзи ҳам тушуниб етмаган ажойиботлари билан ким ярата олади? Бу ишни фақат Роҳман сифатига эга бўлган қудратли Аллоҳгина қилиши мумкин.

ОДАМГА УЛУҒ МАРТАБА БЕРИЛИШИ

Ҳа, Роҳман сифатли Аллоҳ таоло тупроқдан инсон яратди «Ва У зот Одамга исмларнинг барчасини ўргатди, сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилди. Кейин: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, анавиларнинг исмларини менга айтиб беринг», деди». (Бақара сураси 31 оят)

Аллоҳ таоло одамни Ўзининг ер юзидаги халифаси қилаётган пайтда унга улуғ бир сирни берганлиги ушбу оятдан билиниб турибди. У ҳам бўлса, исмларнинг барчасини ўргатишидир. Яъни, инсон ўзини ўраб турган барча ашёларнинг белгиси сифатида исмни, маънони ишлатади. Ҳис қилинадиган, жисмга эга бўлган нарсаларни фаҳмлаш учун нутқий рамзларни ишлатиш қудрати инсон ҳаётида энг улуғ қудратлардан бири ҳисобланади.

Акс ҳолда, бировга тоғни тушунтирмоқчи бўлсанг, уни тоғнинг олдига олиб бориб, айлантириб кўрсатишдан ўзга чора бўлмасди. Агар Аллоҳ таоло инсонга ушбу қобилиятни бермаганида, ер юзида ҳаётни тасаввур қилиш қийин бўлар эди.

Ривоятларда келишича, бунинг исми от, буниси туя, манави қуёш, бу эса юлдуз, деб ҳатто кичкина нарсаларгача ўргатилган. Яъни, одамнинг ер юзида халифа бўлишининг асосий сабаблардан бири-илм олишга истеъдодининг борлиғидир. Ҳозирда инсон илми ила борлиқнинг сирларини кашф этаётгани ҳам ўшанда берилган қобилият натижасидир.

Аллоҳ таоло одамга исмларнинг барчасини ўргатгандан кейин уларни фаришталарга рўбарў қилди ва, ер юзида фасод қилувчи ва қон тўқувчи кимсани яратасанми, деган даъволаринг рост бўлса, ушбу нарсаларни исмларини менга айтиб беринглар, деди. Фаришталар у нарсаларга исм қўйишдан ожиз қолдилар ва ўз ожизликларини тан олиб:

«Улар: «Эй пок Парвардигор! Бизда Сен билдиргандан бошқа илм йўқ. Албатта, Сенинг Ўзинг билувчисан ва ҳикматли зотсан», дедилар». (Бақара сураси 32 оят)

Фаришталар бу ерда юксак одоб мисолини кўрсатдилар. Билмаган нарсаларини сўзсиз, билмаймиз, деб айтдилар. Билмаган нарсасини тан олиб, вақтида билмайман дейиш ҳам катта одоб, ҳам катта илм ҳисобланади.

Шунда Аллоҳ таоло Ўзининг ер юзидаги халифаси-одамнинг фазлини изҳор қилиш учун:

«Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини айтиб бер», деди. Уларга ўша нарсаларнинг исмларини айтиб берган чоғида, «Мен сизларга осмонлару ернинг ғайбини биламан ва сизлар беркитмагану беркитган нарсаларни ҳам биламан демабмидим», деди». (Бақара сураси 33 оят)

Шу билан Одамнинг фаришталардан устунлик тарафи намоён бўлди. У ҳам бўлса, илм-маърифат. Инсон ер юзида фасод қилиши, қон тўкиши ҳам мумкин, неъматни илоҳий бўлмиш илмни ўз ўрнида ишлатиб, фаришталардан устун бўлиши ҳам мумкин.

ОДАМГА САЖДА ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ФАРМОН

Ушбу мавқифда хусусан одамнинг фазли фаришталар кўз олдида намоён бўлгандан кейин Аллоҳ таоло фаришталарга қуйидаги фармонни берди:

«Эсла, фаришталарга: «Одамга сажда қилинглари!» деганимизни. Бас, сажда қилдилар, магар Иблис бош тортди, мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди». (Бақара 34 оят)

Фаришталарга сажда қилишни буюриб, Аллоҳ Одамга улкан мартаба ато этди. Аммо бу сажда ибодат учун эмас, балки Одамни-Аллоҳнинг улуғ ижодини табриклаш маъносида эди.

Фаришталар дарҳол сажда қилдилар, чунки уларнинг фитратида Аллоҳнинг амрига исён қилиш хусусияти йўқ. Фақат Иблис сажда қилмади. Ушбу иборадан келиб чиқиб, баъзилар: «Иблис аслида фаришталардан эди, аммо амрга итоат этмай, одамга сажда қилмагани учун уларнинг сафидан чиқарилган», дейишади. Аслида ундай эмас. Иблис асли жиндан бўлган, бу ҳақда оят бор. Қолаверса, Қуръони Карим оятида айтилганидек, фаришталарда Аллоҳнинг амрига исён қилиш табиати йўқ. Шундан, Аллоҳ таоло фаришталарни Одамга сажда қилишга буюрган пайтда Иблис ҳам ўша жойда ҳозир бўлган, деб хулоса қилса бўлади.

Ҳа, Аллоҳ таоло Одамга сажда қилишга амр қилганда:

«Бас, фаришталар барчалари жамланиб, сажда қилдилар».

Бу сажда ибодат саждаси эмас, балки табриқдир.

«Магар Иблисгина мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди.

Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, Одамга сажда қилмади. У мутакаббирлик қилиб, ўзини юқори тутди. Шунинг учун кофирлардан бўлди. Аллоҳнинг амридан бош тортди, сажда қилмаганлар кофир бўладилар.

ИБЛИС ГУНОҲИНИ ЭЪТИРОФ ҚИЛМАДИ

Аллоҳ таоло ҳамма нарсани дақиқ жойларигача билгувчи зотдир. У зот Иблиснинг Одамга нима учун сажда қилмаганини билиб турса ҳам унинг дилидагини тилига чиқариш учун сўради.

«У зот: «Эй Иблис, Ўз қўлим билан яратган нарсага сажда қилишингдан сени нима ман қилди?! Мутакаббирлик қилдингми?! Ёки олий даражалилардан бўлдингми?!» деди».

Аллоҳ таоло бутун борлиқни яратган зот. Лекин Ўзи яратган махлуқотлари ичида Одамга алоҳида эҳтимом берганини доимо эслатиб туради. Аввал руҳидан пуфлаганини айтган эди, энди Ўз қўли билан яратганини эслатмоқда. Демак, Одамга сажда қилишга буюриш уни алоҳида илоҳий эҳтимомга сазовор билиш экан. Шунинг учун ўша амрга бўйсунмаган Иблисга таҳдид қилиб, Аллоҳ таоло:

«Эй Иблис, Ўз қўлим билан яратган нарсага сажда қилишингдан сени нима ман қилди?!» деб сўрамоқда.

Қани айтчи! Нима учун Одамга сажда қилмадинг?! Нима?!

«Мутакаббирлик қилдингми?! Ёки олий даражалилардан бўлдингми?!» деди».

Мен Ўз қўлим билан яратган жонга-Одамга сажда қилмаганингни сабаби нима? Мутакаббирлик қилдингми?! Кибру ҳавога берилдингми? Айт-чи, боиси не?! Ёки олий даражалилардан бўлиб, бўйсунмайдиган бўлиб қолдингми?!

Аввал айтилганидек, Аллоҳ таоло нима учун Иблиснинг Одамга сажда қилмаганини жуда яхши билар эди. Аммо Иблисга айбини ўз тили билан эътироф қилдириш учун бу саволни берди. Натижада Иблиснинг дилидаги марази тилига чиқди.

«У: «Мен ундан яхшиман. Мени оловдан яратгансан. Уни лойдан яратгансан», деди».

Бу жавобдан Одамга Аллоҳ таоло томонидан берилган мартабага Иблис ҳасад қилиб, куфрга кетгани билинади.

«Мен ундан яхшиман».

Ҳамма балонинг боши «мен, мен», дейишликда.

Иблис, мен одамдан яхшиман, нима учун ўзимдан паст махлуққа сажда қилишим керак экан, деб бош тортди.

«Мени оловдан яратгансан».

Уламоларимиз Иблиснинг шу жавобига таяниб, унинг жинлар тоифасидан эканини айтадилар. Иблис фаришталардан эди, деган гапларни рад қиладилар. Иблис фаришталардан бўлмаса ҳам, Аллоҳ таоло фаришталарни одамга сажда қилишга амр этганида, у ҳам ўша ерда бор эди. У ҳам амрга дохил бўлган эди. Бадбахт Иблис ўзининг оловдан яратилганини афзал билди. Шунинг учун лойдан яратилган одамга сажда қилмасликни, Аллоҳнинг амрига бўйсунибдан бош тортишни раво кўрди.

«Уни лойдан яратгансан», деди».

Лаънати Иблис ким нимадан яратилгани эмас, балки Аллоҳнинг руҳи билан руҳлангани муҳим эканини тан олгиси келмади. Шунда:

«У зот: «Сен ундан чиқ! Бас, албатта, сен қувилгансан.

Ва, албатта, сенга жазо кунигача менинг лаънатим бўлгай», деди».

Аллоҳ таоло, эй Иблис, сен энди жаннатдан чиқ! Бас, энди сен, албатта, лаънатланган-раҳматимдан қувилгансан! Ва, албатта, сенга қиёмат кунигача менинг лаънатим бардавом бўлгай, деди.

«У: «Эй Роббим, менга улар қайта тирилтириладиган кунгача муҳлат бергин!» деди».

Иблис Аллоҳ таолога ёлбориб, одамлар қайта тирилтириладиган қиёмат кунигача бу дунёда туришга муҳлат сўради. Аллоҳ таолонинг ўзига маълум ҳикмат юзасидан Иблисга ўша кунгача муҳлат беришга У зотнинг иродаси кетди.

«У зот: «Сен муҳлат берилганлардансан,

«Маълум вақт кунигача», деди».

Эй Иблис, сен келиш вақти маълум қиёмат кунигача муҳлат берилганлар қаторидасан.

«У: «Сенинг иззатинг ила қасамки, мен уларнинг барчасини ифво қиламан.

Магар улардан танланган бандаларинггина (ифвога учмас)», деди».

Иблис Аллоҳ таолонинг иззати ила қасам ичиб, Одам болаларини қиёмат кунигача ифво қилишни қасд этди. Шу билан бирга, Аллоҳга ихлос қилган, Аллоҳ таоло танлаб олган бандаларга ифвоси таъсир қилмаслигини ҳам айтиб қўйди. Инсонни шайтоннинг ифвосидан сақловчи қалқон унинг Аллоҳга ихлос билан ибодат қилишидир. Аллоҳга ихлос билан ибодат қилмаганлар эса, Иблиснинг ифвосига учраши турган гап. Иблиснинг ифвосига учганларнинг оқибатини Иблиснинг ўзига ўша пайтдаёқ эълон қилиб қўйган.

«У зот: «Ҳақ шулки, зотан Мен фақат ҳақни айтурман.

Албатта, Мен жаҳаннамни сен ва улардан сенга эргашганлар билан жамлаб тўлдирурман», деди». (Сод сураси 73-85 оят)

Аллоҳ таоло ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиб қўйди. Эй Иблис, сен одамларни ифво қилавер, улардан хоҳлаганлари сенга эргашаверсинлар. Аммо сен ҳам билиб қўй, улар ҳам билиб қўйсинларки, Мен, албатта, сени ҳам, сенга эргашганларни ҳам жаҳаннамга тикиб, уни сизлар билан тўлдираман, деди ва Иблисни жаннатдан қувиб чиқарди.

Иблис билан инсон орасида душманлик шундан бошланади. Бу душманлик, яхшилик вакили ила ёмонлик вакилининг курашига айланди.

ОДАМ ЗАВЖИ ИЛА ЖАННАТДА

Кейин Аллоҳ таоло Одамнинг қовурғасидан унинг жуфти Ҳавони яратди.

«Ва: «Эй Одам, сен ўз жуфтинг ила жаннатда маскан топ. Унда нимани хоҳласаларингиз, енглар, ош бўлсин ва мана бу дарахтга яқин келманглар, бас, у ҳолда золимлардан бўласизлар», дедик». (Бақара сураси 35 оят)

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Одамга яна бир бор улуғ марҳамат қилди: жуфти Ҳаво билан унга жаннатдан жой ато этди ва у ерда фароғатда яшашини таъминлади.

«Мана бу дарахтга яқин келманглар», деганидан, уларга ҳамма нарсадан тановул қилишга рухсат бўлган-у, фақатгина битта дарахтдан тановул қилишга рухсат бўлмагани маълум бўлади. Бу-инсон ҳаётида ман қилинган нарсалар намунасидир. Аллоҳ таолонинг инсонга баъзи нарсаларни ман қилиши-иродани мустаҳкамлаш учундир. Агар ман қилиш бўлмаса, инсон билан ҳайвоннинг орасида фарқ қолмайди. Инсон ўзига жон, ақл, илм берган Аллоҳга аҳду паймон қилган, ўша аҳду паймонга вафо қилиши учун унга сабр-матонат, ирода керак, бу нарсалар эса, ман қилиш билан ҳосил бўлади. Сабр-матонатли, иродали кишилар Аллоҳ ман қилган нарсалардан ўзларини сақлаб турадилар. Ҳавою нафсига банда бўлганларнинг эса, ҳайвондан фарқи йўқ. Улар ман қилинган нарсадан ўзларини тийиб тура олмайдилар.

Аллоҳ таоло жаннатдаги ҳамма меваларга рухсат бериб, фақат биттагина дарахт мевасини ман қилганидек, бу дунёда ҳамма нарсага рухсат бериб, фақат санокли нарсаларни-инсоннинг ўзига зарарли нарсаларни ман қилган.

Ман қилинган дарахт қайси дарахт эканлиги ҳақида узундан-узоқ тортишишлар бўлган. Ҳар ким ўзи билган дарахтнинг номини айтган ва ушбу гапни тасдиқлаш учун далил ва ҳужжатлар келтиради. Аммо тўғриси айтганда, бировга ўша дарахтнинг исмини билиш билан фойда ёки билмаслик билан зарар етмайди. Агар уни билиш зарур бўлса, Аллоҳ Қуръонда ёки Пайғамбаримиз ҳадисларида айтган бўлур эди.

Аллоҳ таоло оятнинг охирида,

«Ва мана бу дарахтга яқин келманглар, бас, у ҳолда золимлардан бўласизлар», дедик», демоқда.

Шундан кўринадики, шариатнинг амридан чиқишлик зулм экан. Зулм эса, катта гуноҳ. Ким Аллоҳнинг айтганида юрмаса, у кимса золимлардандир.

ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

Шайтон ана ўша золимларнинг биринчиси ва энг каттасидир. У ўзига зулм қилгани етмай, ўзининг Аллоҳ таолонинг амридан чиққани етмай Одам билан Ҳавони ҳам Аллоҳ таолонинг амридан чиқишга чорлай бошлади.

«Бас, шайтон икковларининг беркитилган авратларини очиш учун уларни васваса қилди ва: «Роббингиз сизни ушбу дарахтдан фақат икковингиз фаришта бўлмаслигингиз ёки абадий қолмаслигингиз учунгина ман қилди», деди». (Аъроф сураси 20 оят)

Шайтон, асосан, инсонни шарманда қилиш, унинг айбини-авратини очиш учун жидду жаҳд этади. Аммо ниятини яшириб, инсоннинг заиф томонидан ҳужум қилади, ундаги шаҳват ва ҳавас оловини алангалатади. Бу ҳақиқатни ушбу ояти карима исботлайди.

«Бас, шайтон икковларининг беркитилган авратларини очиш учун уларни васваса қилди».

Бурун уларнинг авратлари ёпиғлик ҳолда эди. Аммо, кейин келадиган оятларнинг бирида гувоҳлик берилишича, Одам ва Ҳаво шайтон қутқусига

учганларидан сўнг, уларнинг авратлари очилиб қолди. Албатта, бу ерда ҳиссий авратлари назарда тутилган. Аммо одам зурриётидан ким шайтон васвасасига учса, унинг маънавий айблари ҳам очилади.

Шайтони лаъин Одам билан Ҳавонинг энг нозик жойларидан тутди:

«Роббингиз сизни ушбу дарахтдан фақат икковингиз фаришта бўлмаслигингиз ёки абадий қолмаслигингиз учунгина ман қилди», деди».

Одам доимо қудратли, хоҳлаган ишини уддалайдиган, бошқа нарсалар таъсирига берилмайдиган бўлишни истайди. Маълумки, фаришталарда ушбу хусусиятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам шайтон Одамни васваса қилишда ушбу заиф томонидан келди. Агар ушбу дарахтдан тановул этсангиз, фаришта бўласиз, шу боисдан Аллоҳ сизларни бу дарахт мевасини ейишдан ман этмоқда, деди.

Шунингдек, одам ўзи эришган олий мақомда абадул абад қолишни, таъбир жоиз бўлса, дунёнинг якка-ёлғиз устуни бўлишни доимо орзу қилиб келган. Шайтон унинг бу заиф жиҳатларини яхши билади. Шу сабабли Одамга, жаннатда абадий қолмаслигингиз учун Роббингиз сизни ушбу дарахтдан тановул этишни ман қилди, деб қутқу солди. У ўз васвасасини ҳақиқат суратида кўрсатиш учун:

«Уларга: «Албатта, мен сизларга насиҳат қилувчиларданман», деб қасам ичди». (Аъроф сураси 21 оят)

Яъни, Шайтон ўзининг иғво ва қутқусини Аллоҳнинг номи билан собит этди. Аллоҳ таолонинг номи ила қасам ичиб ўз иғвосини насиҳат, деб атади.

ОДАМ ВАСВАСАГА УЧДИ

Шайтон ўзининг ушбу иғвоси ила:

«Бас, уларни алдов ила паст(ҳолат)га туширди. Икковлари дарахтдан татиб кўришганда, авратлари ўзларига кўриниб қолди ва ўзларига жаннат баргларида тўсиқ тўқий бошладилар. Шунда Роббилари уларга нидо қилиб: «Сизларни ана ўша дарахтдан қайтарган эмасмидим ва, албатта, шайтон икковингизга очиқ-ойдин душмандир, демаганмидим?!» деди». (Аъроф сураси 22 оят)

Шайтон мақсадига етди. Нишонга беҳато урди. Одам ато ва Момо Ҳавони алдаб, ўз йўлига солди ва ниҳоят уларни гуноҳкор қилиб, мартабасини пастлатди. То ўша дамгача уларнинг авратлари берк яратилгани учун кўринмас эди. Шайтонинг иғвосига учиб,

«Икковлари дарахтдан татиб кўришганда, авратлари ўзларига кўриниб қолди».

Бу уларнинг гуноҳкорлик ва айбдорлик белгиси бўлди. Уларнинг нигоҳи бир-бирларининг авратига тушди. Буни сезишлари билан дарҳол:

«ўзларига жаннат баргларида тўсиқ тўқий бошладилар».

Яъни, улар барглари бир-бирига улаб, авратларини тўсдилар. Ана шундай ҳижолатли ва шармандали ҳолда турганларида:

«Роббилари уларга нидо қилиб: «Сизларни ана ўша дарахтдан қайтарган эмасмидим ва, албатта, шайтон икковингизга очиқ-ойдин душмандир, демаганмидим?!» деди».

Яъни, Аллоҳ таоло Одам ва Ҳавога тақиқланган ишни қилиб, гуноҳор бўлганларини билдириб, итоб этди. Бурун Иблис алайҳилаънага ҳам амрини бажармаганини эслатиб, итоб қилган эди.

ТАВБА ҚИЛИНДИ

Аммо Одам билан Ҳаво ўзларини Иблис алайҳи лаъна каби тутмадилар, икковлари дарҳол гуноҳларига иқрор бўлдилар ва:

«Икковлари: «Эй Роббимиз, биз ўзимизга зулм қилдик. Агар Сен бизни мағфират қилмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, албатта, зиён кўрганлардан бўламиз», дедилар. (Аъроф сураси 23 оят)

Улар, Иблис алайҳи лаъна каби, гуноҳ қилиб қўйиб, яна такаббурлик билан баҳона ахтариб, ўзларини оқлаш ва даъво қилишга зўр бермадилар. Балки нажот йўлини ихтиёр қилдилар. Дарҳол айбларини бўйинларига олиб, гуноҳларига иқрор бўлдилар. Ўзларини хору ҳақир тутдилар. Аллоҳнинг Ўзи гуноҳларини кечмаса, уларга раҳм қилмаса, аҳволлари чатоқ бўлишини очиқ-ойдин айтдилар. Аслида, инсоннинг нажот топишига омил бўлган ҳодисанинг ўзи шу. Чунки шайтон алайҳи лаъна ҳам, инсон ҳам даставвал хатога йўл қўйдилар. Аммо оқибат натижа икки хил бўлиб чиқди. Шайтон лаънатга гирифтор бўлди. Инсон раҳматга эришди. Уларнинг бу мартабаларига гуноҳдан кейинги ҳолатлари сабаб бўлди. Гуноҳкор шайтон кейин ҳам кибру ҳавони тарк этмади. Гуноҳига иқрор бўлиб, тавба қилмади. Боз устига, ўз қилмишини тўғри деб даъво қилди. Одам эса, дарҳол тавба қилди ва Аллоҳ таолодан мадад истади. Шундай қилиб, ҳар икковининг ҳам ҳақиқий табиати юзага чиқди. Хусусиятлари намоён бўлди.

ЖАННАТДАН ТУШИШГА АМР

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Одам, Ҳаво ва Иблисга хитоб қилиб:

«У зот: «Бир-бирингизга душман бўлган ҳолингизда тушинглар. Сизларга ер юзида қароргоҳ бор ва маълум вақтгача фойдаланиш бор», деди.

У зот: «Унда ҳаёт кечирасизлар, унда ўласизлар ва ундан қайта чиқариласизлар», деди». (Аъроф сураси 24-25 оят)

Аллоҳ таоло Одам, Ҳаво ва Иблисни жаннатдан ер юзига тушишга амр қилди.

Жуда қадим даврлардан бошлаб, ўша жаннат қаерда эди, қандай эди, каби саволлар ва уларга жавоблар ғоят кўп бўлган. Бунга талай умр, заковат, вақт ва бошқа имкониятлар зое этилган. Бугун ҳам бу масалаларда «ёқа бўғишаман» деганлар хоҳлаганча топилади. Аммо улар бу илоҳий сирнинг сўнгига ета олмайдилар. Фаразан етсалар ҳам, бундан нима фойда? Агар ўша жаннатнинг қаерда эканини, унда шайтон алайҳи лаъна қай ҳолда Одам ато билан Момо Ҳавога қутқу солганини айнан билиш мусулмонларга манфаатли бўлганида, Аллоҳ таолонинг Ўзи бундан огоҳ этар ёхуд излаб топишга амр қилар эди. Аллоҳ таоло бундай қилмади. Демак, уни топишга уринишнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ. Муҳими, уларнинг жаннатдан ер юзига тушишлари экан, Аллоҳ Ўз китобида бу ҳақда зикр қилди. Ана шуни билсак бўлди. Улар жаннатдан ер юзига туширилганларида:

«Бир-бирингизга душман бўлган ҳолингизда тушинглар», дея амр бўлди.

Яъни, Одам алайҳиссалом билан шайтон алайҳи лаъна ер юзига бир-бирларига душман бўлган ҳолларида тушдилар ва қиёматга довур душман бўлиб қолдилар. Шайтон одамнинг сабабидан саждадан бош тортиб, Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлди ва қиёматгача уни иғво қилишга аҳд қилди. Унинг табиати ёмонликдангина иборат. У доимо Одамга душманлик қилади.

Одам шайтоннинг васвасасига учиб, Аллоҳ олдида гуноҳкор бўлди. Сўнгра тавба қилиб, Аллоҳга илтижо этди. Демак, Одамнинг асл табиатида яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бор. Яхшилик йўлини тутса, Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, шайтондан юз буради. Ёмонликни ишга солса, шайтоннинг йўлидан юради. Қиёматгача шундай бўлиб қолаверади. Аллоҳ уларга шуни раво кўрган:

«Сизларга ер юзида қароргоҳ бор ва маълум вақтгача фойдаланиш бор».

Улар қиёматгача ер юзида яшаб, ундаги бор неъматлардан ризқланиб турадилар. Аллоҳ таоло Одам болаларининг ер юзида истиқомат қилиб, умри тугагач ўлиб, қайта тирилишларига ишора этаркан:

«Унда ҳаёт кечирасизлар, унда ўласизлар ва ундан қайта чиқариласизлар, деди».

Шундай бўлмоғи муқаррар. Қайта тирилганларида ер юзида қилган амаллари эвазига мукофот ёхуд жазо оладилар, жаннат ёки дўзахга дохил бўладилар.

ОДАМНИНГ ТАВБАСИ ҚАБУЛ БЎЛДИ

Аллоҳ таоло Одам боласини ер юзида хоҳлаганча кунингни кўравер деб ўз ҳолига ташлаб қўйган эмас, балки унга энг зарур неъматларни ато айлаган, ҳатто тавба қилиш учун зарур калималарни ҳам Ўзи ўргатган:

«Бас, Одам ўз Роббисидан сўзларни қабул қилиб олди, кейин У зот унинг тавбасини қабул қилди. Албатта, У тавбани қабул қилувчи ва раҳмли зотдир». (Бақара сураси 37 оят)

Тафсирчиларимиз, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло шу пайтда Одам алайҳиссаломга илҳом орқали маълум сўзларни берди, Одам алайҳиссалом уларни қабул қилиб олиб айтди, шундан кейин Аллоҳ унинг гуноҳидан кечди, деб тушунтирадилар. Момо Ҳаво ҳам гуноҳ содир этилишида Одам ота билан бирга бўлишига қарамай, бу мақомда зикр қилинмаганининг сабаби–у киши Одам алайҳиссаломга эргашганлиги учун Одамнинг зикри билан кифоя қилинди.

Уламоларимиз, Одам алайҳиссалом Аллоҳ таолодан қабул қилиб олган калималар кейинроқ келадиган: «Роббана заламнаа анфусана» дея бошланувчи ёлбориш калималари эди, деганлар. Оятнинг охирида Аллоҳ таолонинг тавбани қабул қилувчилиқ сифати:

«Албатта, У тавбани қабул қилувчи ва раҳмли зотдир», деб зикр қилинишидан ўша сўзларда тавба ўз аксини топганлиги билиниб турибди.

«Биз: «Ундан ҳаммангиз тушинг. Бас, Мендан сизга ҳидоят келажак. Ким Менинг ҳидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар», дедик». (Бақара 38 оят)

Яъни, Аллоҳ таоло:

«Ҳаммангиз жаннатдан тушинг», деди.

Бу фармоннинг яна бир такрорланиши, таъкид учундир.

«Бас, Мендан сизга ҳидоят келажак».

Аллоҳдан бандаларига келадиган ҳидоят Пайғамбар ва илоҳий китоблардан иборат бўлади. Демак, Аллоҳ ҳидоятга йўллашини, Пайғамбар ва китобларини юбориб туришини аввал бошданок айтиб қўйган. Одамлар ушбу илоҳий ҳидоятга бўлган муносабатларига қараб турли мартабаларга бўлинади.

«Ким Менинг ҳидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар».

Яъни, Ким Аллоҳнинг ҳидоятига–Пайғамбарига ва китобига эргашса, уларга келажакда ҳеч қандай хавф–хатар йўқ ва улар аввал бўлиб ўтган ишлардан хафа ҳам бўлмайдилар.

Аллоҳ таолонинг ушбу ояти каримада:

«Бас, Мендан сизга ҳидоят келажак. Ким Менинг ҳидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар», деганида келажакда Одам алайҳиссалом пайғамбар бўлишларига ишора бор эди ва дарҳақиқат шундоқ бўлди ҳам.

Аллоҳнинг амри ила ер юзига тушганларидан кейин Одам ота ва Момо Ҳаво кўплаб фарзандлар кўрдилар. Ривоятларда келишича Момо Ҳаво ҳар сафар бир ўғил, бир қиз туғар эдилар. Ўша пайтдаги имконлар ҳисобга олиниб, биринчи жуфтликдаги ўғил қизлар иккинчи жуфтликдагилар билан оила қурушлари мумкин эди. Шундоқ тариқа ила одам зоти кўпайиб борди ва оталари Одам ота уларга пайғамбар бўлдилар.

Одам отанинг пайғамбар бўлганларига Қуръони Каримдан ва ҳадиси шарифдан далиллар бор.

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасида айтадики:

«Албатта, Аллоҳ Одамни, Нухни, Оли Иброҳимни, Оли Имронни оламлар устидан танлаб олди». (33 оят)

Тоҳо сурасида эса:

«Сўнгра Робби уни танлаб олди, бас, тавбасини қабул қилди ва ҳидоятга бошлади», деган. (122 оят)

Имом Термизий Абу Ҳурайра розиялоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиёмат куни мен Одам фарзандининг саййидидирман ва фахрланиш эмаску, қўлимда ҳамд байроғи бўладир. Ҳеч бир набий йўқки; Одамми, ундан бошқасими, ҳаммаси менинг байроғим остида бўлмаса. Фахр эмаску, мен устидан қабр биринчи ёриладиган шахсдирман», деганлар.

Ушбу далиллар Одам отани Пайғамбар бўлганларини кўрсатади. У кишининг набий бўлганлари ҳақида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо Расул бўлганларми ёки йўқми, деган саволга уламоларимиз юқоридаги далилларни келтириб, расул ҳам бўлганлар, деган жавобни берадилар.

Одам ота пайғамбар бўлганлари аниқлиги маълум бўлди. Шу билан бирга Одам отага нисбатан осий бўлди, ифвога учди каби Қуръоний лафзлар ишлатилгани ҳам маълум. Аввал ўрганганимиздек, пайғамбарлар маъсумлиги ҳам ҳақ.

Одам ота номли бир пайғамбарнинг ҳам маъсум бўлиши ва ҳам осий бўлиб гуноҳ иш қилишни қандоқ тушунилади?

Бу саволга уламоларимиз бир неча томондан жавоб берганлар;

1-Одам алайҳиссалом дарахт мевасини Аллоҳнинг амрига осий бўлиш учун қасд қилиб эмас, амрни эсдан чиқариб қўйиб еганлар. Эсдан чиқариш маъноси Қуръони Каримда ҳам зикр қилинган.

2-Одам алайҳиссалом бу ишни пайғамбар бўлишларидан олдин қилганлар. Пайғамбар бўлишдан олдин бўлган бундоқ ишлар пайғамбарлик исматига зарар етказмайди.

Одам ота ўз фарзандларига пайғамбарлик қилиб юрдилар. Албатта, у киши уларни тўғри йўлга бошлаб турганлар. Аммо инсончилик баъзи вақтларда атбоъларда таълимотлардан узоқлашиш оқибатида баъзи нолойиқ ишлар содир бўлиб туриши ҳам бор.

Ана шундоқ ишлардан бири Одам отанинг фарзандларидан ҳам содир бўлган. Буни ибрат учун Қуръони Карим батафсил баён қилган. Ўша ҳодиса Одам отанинг икки ўғли қиссасидир. Қиссада мазкур икки шахс Одамнинг ўғиллари эканлигини таъкидлашдан бошқа Одам отанинг алоқалари йўқ. Шундоқ бўлса ҳам бу қисса доимо Одам алайҳиссалом қиссаларига илова қилиб келтирилади. Биз ҳам ана шу анъанага амал қилиб ўша қиссасини келтирамиз.

ОДАМНИНГ ИККИ ЎҒЛИ ҚИССАСИ

Аллоҳ таоло бу қиссани Моида сурасида қуйидагича баён қилади:

«Уларга Одамнинг икки ўғли хабарини ҳақ ила тиловат қилиб бер. Икковлари қурбонлик қилганларида, бирларидан қабул қилинди, бошқасидан қабул қилинмади. У: «Албатта, мен сени ўлдиражакман», деди. Бириси: «Албатта, Аллоҳ тақводорлардангина қабул қиладир.

Агар сен мени ўлдириш учун қўл кўтарсанг, мен сени ўлдириш учун қўл кўтармасман. Мен, албатта, оламларнинг Робби-Аллоҳдан кўрқаман.

Мен, албатта, менинг ҳам гуноҳимни, ўзининг ҳам гуноҳингни олиб кетишингни, шу сабабдан дўзах аҳлидан бўлишингни хоҳлайман. Ана ўша золимларнинг жазосидир», деди. (27-29 оятлар)

Эски тафсирларда Одамнинг бу икки ўғли кимлар эканлиги, нима учун қурбонлик қилишгани, биттасидан қурбонлик қабул бўлмаганлигининг сабаби ва

бошқа тафсилотлар узундан-узоқ баён қилинади. Ҳатто бошқа динларнинг китобларидан ҳам маълумотлар келтирилади. Эҳтимол, ўша устоз муфассирлар яшаган замон тақозоси шу бўлгандир. Эҳтимол, улар яшаган маданий ва маърифий муҳит шуни тақазо қилгандир.

Аммо, аслини олганда, Қуръони Карим ҳидоят китоби, унда келтириладиган қиссалар ҳам кишиларни ҳидоят қилиш ишига ҳисса қўшади. Бу ишда эса, шахсларнинг исми, воқеа бўлиб ўтган жойнинг номи, ер майдони каби чегара ва рақамларга боғлиқ маълумотлар унча аҳамиятсиз. Охирги пайтда ўтказилган илмий текширишлар, хусусан, Қуръони Каримни бошқа самовий китоблар билан солиштириб кўришлар ҳам ушбу фикрни тасдиқлаб чиқди. Шунинг учун замонавий тафсирчиларимиз, мазкур қўшимча маълумотларга берилиб кетмасдан, асосий эътиборни Қуръони Карим зикр этган ҳодисаларнинг моҳиятига қаратишни маслаҳат берадилар.

Ҳақиқатда ҳам ушбу қиссада зикр қилинган

«Одамнинг икки ўғли»нинг исмларини билишдан ҳидоят йўлида бир фойда бўлса, Аллоҳнинг Ўзи айтиб қўяр эди. Шунингдек, қурбонлик қилишнинг сабабини ва нима учун биттасининг қурбонлиги қабул бўлмай қолишининг боисини билиш аҳамиятли бўлганида, Аллоҳнинг Ўзи зикр қилган бўларди.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга соллаллоҳу алайҳи васаллам хитобан, ушбу қиссани кишиларга тиловат қилиб беришни амр қилмоқда.

Одамнинг икки ўғли бор экан, улар қурбонлик қилишибди. Бирларининг қурбонлиги қабул бўлибди. Иккинчиларининг қурбонлиги қабул бўлмапти. Шунда қурбонлиги қабул қилинмаган ўғил қурбонлиги қабул қилинганга ҳасад қилиб, кўра олмасдан, мен сени, албатта, ўлдираман, дебди.

Инсон қалбига ҳасад кирганда шундай бўлади. Қурбонлиги қабул бўлмагани унинг яхши киши эмаслигига далолат эди. Қурбонлиги қабул бўлгани эса, иккинчи ўғилнинг яхши инсонлиги учун эди. Яхши одам доимо яхши бўлади.

Ҳатто қийин ва шиддатли пайтларда ҳам, ҳаёти хавф остида турганда ҳам, яхшилигича қолади. У ўзига тажовуз қилиб турган шахсга қараб, хотиржамлик билан: «албатта, Аллоҳ тақводорлардангина қабул қилади», деди

Инсоннинг яхши амалларининг, жумладан қурбонлигининг Аллоҳ таоло ҳузурда қабул бўлиши, амал эгасининг тақводор эканини англатади. Бу билан у ўзига суиқасд қилиб турган душманни ҳам тақводор бўлишга даъват этди. Кейин эса, янада хотиржамлик билан, биродарининг шаррини кесиш учун:

«Агар сен мени ўлдириш учун қўл кўтарсанг, мен сени ўлдириш учун қўл кўтармайман», деди. Ҳақиқий тақводор, Аллоҳдан қўрққан инсоннинг гапи шундоқ бўлади. У шу билан ёмонликнинг олдини олишга, ҳасадчининг ҳасад оловини совутишга ҳаракат қилмоқда. «Мен, албатта, оламларнинг Робби Аллоҳдан қўрқаман», деди. Яъни, менинг тутган бу йўлим сендан ёки ўлимдан қўрққанимдан эмас, балки бошқа бир инсонни ўлдириш гуноҳ бўлгани учун, Аллоҳнинг олдида гуноҳкор бўлиб қолишимдан қўрққанимдан шундай қилмоқдаман, деди. Бундан кейин эса, биродарини бу ишдан қайтариш мақсадида оқибат нима бўлишини ҳам эслатиб қўйди: «Мен, албатта, менинг ҳам гуноҳимни, ўзингнинг ҳам гуноҳингни олиб кетишингни, шу сабабдан дўзах аҳлидан бўлишингни хоҳлайман. Ана ўша золимларнинг жазосидир», деди».

Яъни, агар сен Аллоҳдан қўрқмай мени ўлдирадиган бўлсанг, мени ўлдирганинг гуноҳини ҳам оласан ва олдинги қурбонлигининг қабул бўлмагани гуноҳини ҳам оласан. Гуноҳ устига гуноҳ қилган бўласан. Оқибатда сенга бериладиган жазо ҳам ортади ва дўзахга тушасан, деди.

Аммо ёмонликка юрган шахсга бу гаплар таъсир қилмади.

«Нафси унга биродарини ўлдиришни яхши кўрсатди. Бас, уни ўлдирди. Шу сабабдан зиёнкорлардан бўлди». (Моида сураси 30 оят)

Ҳавои нафсининг гапига юрса, шунақа бўлади. Унга ҳар қандай насиҳат-эслатмалар кор қилмайди. Ҳалиги биродарга ҳам шунча насиҳат-эслатмалар фойда бермади.

«Нафси унга биродарини ўлдиришни яхши кўрсатди».

Аввал айтганимиздек, бу одам нафсининг амрига қарши чиқа олмади.

«Бас, уни ўлдирди. Шу сабабдан зиёнкорлардан бўлди».

У бу дунёда ҳам шу иши туфайли зиён кўради. Чунки биродари унга ёрдам берар эди. Уни тўғри йўлга чақириб, насиҳатлар қилар эди. Энди у ўлди, насиҳат қилувчи, яхшилик қилувчи ва ёрдам берувчи одам йўқ бўлди. Охиратда эса, ушбу жиноят туфайли, яъни, биродарини ўлдиргани учун дўзахга тушади. Аллоҳ таоло қотилга жиноятдан кейингина унинг ожизлигини кўрсатиб, ҳасрат дарсини берди:

«Аллоҳ ер юзида кезиб юрган қарғани унга биродарининг ўлигини қандай кўмишини кўрсатиш учун юборди. У: «Шўрим қурсин! Мана шу қарғачалик бўлиб, биродарим ўлигини кўма олмадим-а?!» деди. Бас, у надомат қилувчилардан бўлди». (Моидда сураси 31 оят)

Ояти кариманинг сиёқидан кўришиб турибдики, қотил биродарини ўлдириб қўйгандан кейин нима қиларини билмай қолган. Ўликни кўмиш кераклиги хаёлига келмаган. Чунки аввал ўлик бўлмаган. Бу ер юзидаги биринчи ўлик эди. Шунинг учун ҳам нима қилишни билмай, ҳайрон бўлиб қолган. Ривоятларда келишича, шу пайтда Аллоҳ унга ўликни кўмишни ўргатиш учун икки қарғани юборган. Улар қотилнинг олдида урушиб, бири иккинчисини ўлдирган. Сўнгра қотил қарға ўлган қарғани ерни кавлаб кўмган. Бу ҳолни оятда қисқа қилиб:

«Аллоҳ ер юзида кезиб юрган қарғани унга биродарининг ўлигини қандай кўмишини кўрсатиш учун юборди», дейди.

Қарға қарғанинги ўлигини кўмганини кўрган қотил ўзидан нафрат қилди ва:

«Шўрим қурсин! Мана шу қарғачалик бўлиб, биродаримнинг ўлигини кўма олмадим-а?!» деди.

Ўзича ғурурга кетиб, ҳасад қилиб, бегуноҳ биродарини ўлдиришгача етиб борган нобакор, вақти келиб бир қарғачалик бўла олмай қолди.

«Бас, у надомат қилувчилардан бўлди».

Бу қиссадан барча ибрат олиши лозим.

Тарихчилар қотил ўғилнинг исми Қобил, мақтулнинг исми Ҳобил бўлганини, орадаги низо хотин талашиб оқибатида чиққанини айтадилар.

ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ВАФОТЛАРИ

Қуръони Каримда Одам отанинги вафотлари ҳақида гап йўқ. Бу ҳақда тарихчилар ўз мулоҳаза ва илмий изланишарининг натижаларини қуйидагича баён қиладилар. Одам ота минг йил яшаб, сўнгра вафот этдилар. У киши ўзлари жаннатдан биринчи тушган ерлари, Ҳиндистондаги тоғ яқинига дафн қилиндилар. Бошқа бир гапларга қараганда Маккаи Мукаррамадаги Абу Қубайс тоғига дафн қилинганлар. У кишини ювиш, кафанлаш, жанозаларини ўқиш, қабрларини қазиб ва дафн қилиш ишларини фаришталар амалга оширганлар.


ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

МАЙМУН "АВЛОДЛАРИ"НИНГ ТАНАЗЗУЛИ



Эволюция назарияси тарафдорлари томонидан энг кўп муҳокама қилинадиган мавзу инсоннинг келиб чиқиши мавзусидир. Бу мавзудаги дарвинчилар даъвоси замонавий инсоннинг маймун-симон жониворлардан пайдо бўлганлигини асос қилиб олган. 4-5 миллион йил аввал бошланган, деб асоссиз тахмин қилинган бу эволюцион жараён давомида, замонавий инсон ва унинг аجدодлари орасида айрим «ўтиш даври шакллари» мавжуд бўлган, деб фараз қилинади. Бутунлай тасаввурий бўлган бу сценарийга кўра, тўрт асосий «тоифа» санаб ўтилади:

Australopithecus\Homo habilis\ Homo erectus\ Homo sapiens\Ҳозирги қиёфа



Эволюционистлар инсоннинг илк маймунсимон аجدодларини «жанубий маймун» маъносини англатувчи Australopithecus номи билан атайдилар. Бу жонзотлар йўқ бўлиб кетган қадимий маймун турларидан бошқа ҳеч нарса эмас. Англия ва АҚШлик Лорд Солли Зукерман ва профессор Чарлз Окснارد исмли икки дунёга машҳур анатомистлар томонидан турли Australopithecus намуналари устида олиб борилган кенг миқёсдаги тадқиқот бу маймунлар йўқ бўлиб кетган оддий маймун турларига тегишли эканлигини ва уларнинг инсонларга ҳеч қандай ўхшаш томони йўқ эканлигини кўрсатди.



Эволюционистлар инсон эволюциясининг кейинги босқичини «*homo*», яъни «инсон» деб таърифлайдилар. Уларнинг даъвосига кўра, *Homo* сериясидаги жонзотлар *Australopithecus* га қараганда анча ривожланган. Эволюционистлар бу мавжудотларнинг турли қолдиқларини маълум бир тартибда кетма-кет жойлаштириш орқали тасаввурий бир эволюция схемасини туздилар. Бу схема тасаввурийдир, чунки бу турли синфлар ўртасида бирор эволюцион боғлиқлик борлиги ҳеч қачон исботланмаган. Эволюционистлардан бири бўлган Эрнст Майр ўзининг *One Long Argument* (Узоқ бир муҳожа) номли китобида «жаётнинг ёки *Homo sapiens* нинг келиб чиқиши каби тарихий жумбоқлар ўта мураккабдир ва ҳатто яқуний, қониқарли

тушунтиришларга ҳам қарши туриши мумкин», деб таъкидлайди.

Боғловчи занжирни *Australopithecus* > *Homo habilis* > *Homo erectus* > *Homo sapiens* тарзида ифода этиш билан эволюционистлар бу турларнинг ҳар бири бир-бирининг аждоди эканлигини назарда тутди. Бироқ палеоантропологларнинг яқиндаги кашфиётлари *Australopithecus* > *Homo habilis* ва *Homo erectus* бир вақтда дунёнинг турли қисмларида яшаганлигини ошкор қилди. Бундан ташқари, инсонларнинг *Homo erectus* деб таснифланган маълум бир бўғини ҳозирги замонларга қадар яшаган. *Homo sapiens neandarthalensis* ва *Homo sapiens sapiens* (замонавий инсон) бир вақтнинг ўзида битта ҳудудда яшаган.

(*Homo habilis*)

(*Australopithecus*)



(Синантроп: *Homo erectus*)



Мазкур ҳолат, албатта, улар бир-бирининг аждоди бўлган, деган даъвонинг асоссиз эканлигини кўрсатади. Гарвард университетиде фаолият юритувчи палеонтолог Стефен Жей Гоулд, ўзининг эволюционист бўлишига қарамай, эволюция назариясининг бу мушкул аҳволини қуйидагича изоҳлайди: Агар бир-бири билан параллел бир шаклда яшаган уч хил гоминид (*A. africanus* бақувват *australopithecines* ва *H. habilis*) шажаралари бўлса, аниқки уларнинг ҳеч бири бошқасидан келиб чиқмаган, у ҳолда бизнинг шажарамизга нима бўлди? Бундан ташқари бу учаловининг ҳеч қайсиси ўзларининг ер юзидаги жаёти давомида ҳеч қандай эволюцион мойилликни намоён этмайдилар.

Қисқаси, оммавий ахборот воситалари ва дарсликлардан жой олган баъзи тасавурий «ярим маймун-ярим инсон» мавжудотларнинг турли расмлари ёрдами билан, яъни очиқчасини айтганда, тарғибот воситасида «қўллаб-қувватланадиган инсон эволюциясининг сценарийси илмий асосга эга бўлмаган эртақдан бошқа ҳеч нарса эмас. Бу мавзуда йиллаб тадқиқот ўтказган ва Australopithecus қолдиқларини 15 йилча ўрганган Буюк Британиядаги энг машҳур ва эътиборли олимлардан бири Лорд Солли Зукерман,



ўзининг эволюционист бўлишига қарамасдан, ниҳоят, маймунсимон мавжудотларнинг одамга айланишини кўрсатадиган шажара аслида мавжуд эмас, деган хулосага келди. Зукерман, шунингдек, қизиқ бир «фанлар спектри»ни ҳам яратди. У илмий деб ўйлаган соҳалардан тортиб илмий эмас деб ўйлаган соҳаларга қадар уларни бу спектрда акс эттирди. Зукерманнинг мазкур спектрига кўра, фаннинг энг илмий соҳалари (яъни аниқ маълумотларнинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда) кимё ва физикадир. Улардан сўнг биологик фанлар ва сўнгра ижтимоий фанлар келади. Спектрнинг энг «илмий эмас», деб ҳисобланадиган охириги қисмида эса, Зукерманнинг фикрига кўра, телепатия

ва олтинчи сезги каби «ўта сезгир идрок этиш қобилияти» тушунчалари ва ниҳоят «инсон эволюцияси» жой олади. Зукерман ўзининг бундай мулоҳазасини шундай изоҳлайди: Сўнгра объектив ҳақиқатдан чиқиб, ўта сезгир идрок этиш қобилияти ёки инсоннинг суяк қолдиқлари тарихини тушунтириб бериш каби биологик фан деб ҳисобланмиш соҳаларга кирганимизда, эволюция назариясига содиқ кимса учун ҳар нарса мумкин бўлишини ва (эволюцияга) ашаддий содиқ кимсалар баъзида бир вақтнинг ўзида бир қанча қарама-қарши мулоҳазаларга ишона олишини кўраимиз. Инсон эволюцияси эртаги ўз назариясига кўр-кўрона содиқ бўлган бир қатор инсонлар томонидан қазиб олинган баъзи ҳайвон қолдиқларига берилган тахминий тушунтиришлардан иборат, холос.


МАЙМУНЛАРГА ФОРТЕПИАНО НИМАГА КЕРАК?

Инсон онги – моддийчилик ишонарлироқ тушунтириб бера олмаган яна бир ҳодисадир. Моддийчи олимларнинг инсоннинг фикрлаши – унинг миясидаги биокимёвий жараёнларнинг (реакцияларнинг) ҳосиласидир, деган иддаолари жиддийроқ қараганда ҳеч нарсани англамайди.

Маймуннинг миясида ҳам биокимёвий жараёнлар содир бўлиб туради. Бироқ шимпанзе маймуни ва одамнинг ирсий ахбороти атиги уч фоизгина мос келмагани ҳолда нима учун бу жараёнларнинг натижалари бунчалик тубдан фарқланади? Ҳиндистонда маймуни қандай овлашлари ипидан-игнасигача тўлиқ баён этилган: пўртахолни бир яшиққа солиб, яшиқ деворига маймуннинг қўли аранг сиғадиган тешик очиб қўйишади. Пўртахолга қўл чўзган маймун тор тешикдан қўлини тортиб ололмай қолади. У бунинг учун қанчалаб машаққатли уринишлар қилмасин, пўртахолни қўлидан қўйиб юбормайди. Яъни, маймуннинг фикрлаш даражаси шунчалар пастки, воқеъликдан оддийгина (лекин ҳаёти учун ўта муҳим) хулоса қилишга қодир эмас. У ҳолда маймуннинг яқин «қариндоши» саналган одам нега очиқ кўриниб турган нарсага зид, бироқ воқеъликка мувофиқ келадиган хулоса яшаш имконига эгалик даъвосини қилади? Масалан, Магелланнинг дунё бўйлаб сайёҳатидан олдин Ернинг думалоқ экани ҳақида хулоса чиқаришган ва коинотга парвоз қилишдан олдин ҳам Ернинг Қуёш атрофида (лекин аксинча эмас) айланишини билишган. Ёки математик

теоремаларни ишлаб чиқиш, мусиқавий ва адабий асарларни ижод қилиш учун зарур бўлган инсон генлари қанақасига маймун генларидан тасодифан пайдо бўлиб қолиши мумкин? Ваҳоланки, табиий танланиш жараёнида худди шу вақтда яшаб қолиш учун зарур бўлган нарсаларгина танлаб олинади-ку! Қачон ва қайси чангалзорда шимпанзе ёки орангутанг маймунларининг яшаб қолиш мақсадида фортепианода куй чалиш имконини бериш учун зурриётларига ирсий белгиларни топширишлари керак бўлган? Худди шу маънода сунъий салоҳият (интеллект) яратиш йўлидаги кўп сонли бефойда уринишлар ҳам эътиборга моликдир. Бу вазифа унинг қўйилиши вақтида маълум маънода ғирт бемаъниликка ўхшайди: инсон онги ўзининг нима эканига етарли баҳо бермай туриб ўзини ўзи ясашга уринаётган кўринади. Ва яна бир савол туғилади: агар инсон табиий тараққиёт меваси бўлмай, яратиш қудратининг маҳсули бўлган ҳолатда қачонлардир мустақил равишда шундай баҳони бера олармикин? Биохимик М. Беке "Дарвиннинг қора қутиси" номли китобида биологик объектлар ахборий тизим сифатида шунчалик аниқ ишларканки, кимдир уларни математик йўл билан юзага келтирган, деган тасаввур пайдо бўлишига эътиборни қаратди. Ва у онгли ижод йўналишини илгари сурдики, "Дастурчи бўлмаса, дастур ҳам бўлмайди" деган аксиома унинг ғояси бўлди. Бунга суянган математик У. Дембовски шундай услуб ишлаб чиқдики, унинг ёрдамида сунъий ясалган объектларни аниқлаш мумкин эди. Дембовски "текшириб кўрган" одам эса, сунъий яратилганлар рўйхатига тушиб қолди...

Дарвин ўзининг «Турларнинг келиб чиқиши» номли китобини ёзган пайтда, бактериянинг жонсиз материядан вужудга келган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ақида илм-фан оламида кенг миқёсда қабул қилинган эди. Бироқ Дарвиннинг китоби босиб чиқарилгандан сўнг беш йил ўтгач, Луи Пастер узоқ изланишлар ва тажрибалардан сўнг, ўз натижаларини эълон қилди. Бу натижалар Дарвин назариясининг негизи бўлган ўз-ўзидан пайдо бўлиш тўғрисидаги тасаввурнинг нотўғрилигини исбот қилди. 1864 йилда Сорбоннада қилган муваффақиятли



маърузасида Луи Пастер шундай деган эди: «Ўз-ўзидан пайдо бўлганлик тўғрисидаги таълимот бу оддий тажрибанинг қақшатқич зарбасидан ҳеч қачон ўзини ўнглай олмайди.» Узоқ вақтларгача эволюция назариясининг хайрихоҳлари бу кутилмаган янгиликка қаршилик кўрсатиб келдилар. Бироқ илм-фан оламидаги тараққиёт тирик мавжудот ҳужайрасининг мураккаб тузилишга эга эканлигига ойдинлик киритгач, ҳаётнинг тасодифий равишда вужудга келган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ғоя ҳаттоки унданда баттароқ аҳволга тушиб қолди.

Дарвинчиларнинг таснифига кўра, *Homo sapiens neanderthals* билан *Homo sapiens sapiens* замонавий одами ўртасидаги ўтиш даври 60-50 минг йилни ташкил қилади. Яъни Ўрта палеолит даврining ўрталари ва Сўнги палеолитнинг бошларига: тахминан милoddан аввалги 100-90 мингйилликдан то 50-40 мингйилликгача. Биз замонавий космология фанининг илмий маълумотларидан келиб чиқиб, Қуёшнинг умрини яна 5 миллиард йил давом этишини айта оламиз: Қуёш ўзининг водородларини тугатганидан сўнг улканлаша бошлайди. Илмий хулосалардан келиб чиқсак, Қуёшдаги водород миқдори тугашига тахминан 5

миллиард йил вақт кетади. Мазкур илмий маълумотлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, биз ер юзидаги сўнги авлод эмасмиз. Агар шундай бўлса, демак, биз ҳам эволюцион жараёни ўз бошимиздан ўтказишимиз керак бўлади. "Замонавий одам" шаклига 50-40 минг йил бўлди, аммо одамзод шу пайтгача бирор бир эволюцион жараёнга учрагани йўқ. Инсон табиат муҳитига қараб ташқи қиёфасида ўзгаришга учрайди. Ўзи яшаётган муҳит табиатига мослашиб, унинг ранги, кўзи ранги, кўзининг кенг ёки кичиклиги билан фарқланади. Натижада ирқлар, миллатлар шаклланади. Лекин дарвинчилар таъкидлаётганидек, инсон суяклари кескин равишда бошқа турга айланиб кетмайди. Инсон бошқа турдан келиб чиқмаган. Негаки ҳар бир турнинг ўзи каби аجدоди бўлган. Ҳеч қандай тур бошқа бир турдан "табиий танланиш" орқали келиб чиқмаган. Бунга ёрқин мисол қилиб палеозой ва мезозой даврига тегишли бўлган фосил тош қолдиқларни мисол қилиб келтириш мумкин. Жумладан, палеозой эрасининг Девон даврига тегишли бўлган милоддан аввалги 400-380 миллион йил аввалги денгиз юлдузи жониворининг фосил тош қолдиғи ва ёки Мезозой эрасининг Юра даврига тегишли бўлган 150-100 миллион йил аввалги ниначининг фосил тош қолдиғи ҳозирда қандай бўлса шундай шаклда бўлган. Бундай фосил тош қолдиқлардан кўплаб келтиришимиз мумкин, лекин бизнинг ҳозирда асосий мақсадимиз эволюция назариясига қаратилмаган. Шунинг учун фақат инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларни таҳлил ва танқид қилдик, холос.



Неандертал одамнинг
бош чаноғи

ўтиш даври
50-40 минг йил



Homo sapiens sapiens
бош чаноғи

Кўриб турганингиздек юқоридаги дарвинчилар таснифидаги бош чаноқларнинг орасидаги фарқ сезиларли даражада ўзгарган. Бунинг учун 50-40 минг йил вақт кетган. Аммо Homo sapiens sapiens замонавий одамнинг яшаганига 40 минг йилдан ортиқ вақт ўтмоқда. Бироқ кўриб турганингиздек ҳозирги қиёфа "Замонавий одам"идан деярли фарқ қилгани йўқ. Homo sapiens sapiens бош чаноғи ҳам бугунги одамнинг бош чаноғи каби шакл ва ҳажмга эга бўлган. Лекин ҳозиргача эволюцион жараён, яъни ташқи қиёфада ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Бу дегани дарвинчилар тахминий синфлаган аждодларнинг инсонга мутлақо алоқаси



йўқ. Шунини таъкидлаш жоизки, Неандертал ҳам одам бўлган, лекин маймунларга ҳеч қандай жинсий ёки ирсий алоқаси бўлмаган. Қолаверса, дарвинчилар тасниф қилган инсон эволюциясининг асосийларидан бўлмиш *Homo erectus* бўғини ҳозирги даврга қадар яшаганлиги аниқланган. (юқоридаги расм)

Эволюционист олимлар қадимий суяк ва бош чаноқларни топиб, уларга тахминий, очиғини айтганда ҳаёлий шакл бердилар. Уларни одам эти билан қоплаб, бошини эса маймунсимон қилиб яратдилар. Лекин бу суяк эгаларини қандай терида бўлганлигига бирор бир исбот йўқ. Бироқ Шундай бўлсада, ҳеч нарсдан тап тортмайдиган, ҳамма нарсани ўзининг назариясига тўғирлаб оладиган эволюциячилар *Homo erectus*, *Homo neanderthals* одамларини маймунсимон, жундор ёки маймунсифат қиёфада "қайта тикладилар". Аслиятда эса улар ҳақиқий одамлар эканлиги ва бир замонда яшаганлиги аниқланиб, илм-фан томонидан оммага ҳавола этилди. Бундай кутилмаган натижа иккиюзламачи эволюционистларни мазасини қочириб қўйди.

Эволюционист олимларнинг таснифига кўра, инсоннинг икки оёқлаб юрадиган илк аجدоди Австралопитек хисобланади. Холис фаолият олиб борадиган олимларнинг тадқиқотлари Австралопитекни аслида қандай жонзотга қариндош эканлигини аниқлаб, исботлаб берди.



Чап томонда Австралопитекнинг бош чаноғи, ўнг томондагиси шимпанзенинг бош чаноғи. Австралопитек каби топилмалар йўқолиб кетган маймунларнинг бир тури, холос. Ундан аввалги дарахтда юрвчи маймунсимон одамлар, дея тахмин қилинган турлар ҳам асли маймуннинг ўзидан бошқа ҳеч нарса эмас. Афсуски, Ҳозирги кунда мактаб дарсликлари, хусусан тарих фанларида бу фаразлар ҳали ҳанузгача "илмий" ўринда ўқитилиб келиняпти. Шундай бўлса ҳам, заррача ақл юритган киши буларнинг асоссиз мантиққа тўғри келмайдиган бир пуч назария эканлигини анлайди.

Хулоса шуки, дастлабки инсонлар дарвинчилар тахмин қилаётгандек маймунсимон эмас. Бу фаразлар шунчаки қадимий топилмаларга асосланган ҳаёлот махсули, холос. Дастлабки инсон Қуръони Каримда келтирилган Одам алайҳиссалом эканлигини ва у ҳозирги қиёфадаги инсонлар каби бўлганлигини бугунги замонавий илм-фаннинг турли хил соҳалари: биология, генетика, тарих, психология, сотсиолингвистика, физиология, фалсафа – ҳамма фанлар тасдиқлаб турибди.

ОЛИМЛАР ИНСОН ТУПРОҚДАН ЭКАНИНИ ИСБОТЛАШДИ



Инсон танаси... Барча қисмлари ҳозирги кунга қадар ҳам охиригача ўрганилмаган ажойиб, мукамал лойиҳа. Инсон танасининг тузилишини энг замонавий технологик асбоблар ёрдамида ўрганаётган олимлар ақл бовар қилмайдиган кашфиётларга дуч келмоқдалар. Инсон танасидаги тўқималарнинг тузилиши шулар жумласидандир.

Инсон организмидаги тўқималарда 26 хил кимёвий элемент мавжуд. Улардан олтитаси эса бошқаларига нисбатан жуда кўп миқдорда учрайди. Булар – углерод, водород, кислород, азот, фосфор ва олтингугурт моддаларидир. Инсон танасидаги тўқималарнинг 95 фоизини ана шу олти элемент ташкил қилади. Бу эса жуда муҳим бир ҳақиқатни – инсоннинг лойдан яратилганлигини тасдиқлайди.

Инсон танасидаги тўқималарни ташкил қилувчи барча асосий, ноорганик кимёвий элементлар тупроқ таркибида, эркин ҳолатда ёки бирикмалар кўринишида учрайди.

Олимларнинг янги тадқиқотларига кўра, худди Қуръони Карим, Библия ва ҳатто юнонларнинг афсоналарида айтилганидек Ерда ҳаёт лойдан яратилган экан. Олимлар илгари сурган назарияга кўра, лой моҳиятига кўра ердаги минералларнинг уйғун бирикмаларидир (комбинация), яъни ҳужайра ва кимёвий моддаларнинг кўпайиши учун қулай муҳит бўлган.

Миллиард йиллар давом этган жараён ичида кимёвий моддалар бир-бирлари билан реакцияга киришади ва оқсил, ДНКларни ҳосил қилади, охир оқибат эса, улардан тирик ҳужайралар пайдо бўлади, деб тушунтирмоқчи бўлди олимлар. Нью-Йорк шататида жойлашган Корнел университетидеги нанофан факультетининг биомуҳандислари, лой "Ердаги ҳаёт манбаси бўлган", деб ҳисоблашади. Бу назария мана минг йиллардан бери аксар маданиятларда мавжуд бўлиб

келган бўлса ҳам илмий асосга эга эмас эди. Диний матнларда Худо инсонни лойдан яратиб, сўнг унга жон ато қилганлиги айтилади.

Ҳатто генезис (юн.- Γένεσις, Γένεση – пайдо бўлиш, туғилиш, яралиш, Тавротга оид Борлиқ Китобидан (Книга Бытия) келиб чиқади) ҳам инсон турпоқдан яратилади ҳамда вафот этганидан сўнг қайта тупроққа айланади, дея баён қилади, қолбуки олимлар бу сўзни кўҳна иброний тилидан "лой" ёки "Ер" дея таржима қиладилар. Денгиз сувида лой гидрогелга айланади – у қатор компонентлардан ташкил топган бўлиб, улардан бири синч, ичи қуйи молекуляр қоричма билан тўлдирилган бўшлиқдан иборат. Профессор Дэн Ло Корнеллнинг айтишича: "геология тарихининг бошланишида лой гидрогели биомолекулаларни ушлаб қолиш ва молекуляр реакция функцияларининг пайдо бўлишига қулай шароит яратиб берган".

«Ушбу маконда миллиард-миллиард йиллар давомида тўпланиб, ҳеч қаерга чиқиб кетмаган турли-туман кимёвий моддалар бир-биридан мураккаб реакцияларга киришиб, оқибатда оқсил модда, ДНК кабилар шаклланиши, охир-пировардида эса тирик ҳужайра ҳаётининг фаолият юритиши учун зарурий шарт-шароит яратишига олиб келганини рад этиб бўлмайди».

Тадқиқот давомида олиб борилган тажрибаларга асосланган хулосалар синтетик гидрогел, ДНК, аминокислоталар, фермент ва оқсил моддаларни ишлаб чиқаришдаги имитацияларга асосланган.

Умуман олганда дунёвий олимларнинг ҳаққа етишларига анча бор. Уларнинг тадқиқотларида ҳали ҳам эволюция назариясининг излари бор бўлса-да, тўғри тарафга қараб кетаётган бўлсалар ажаб эмас.

Нима бўлганда ҳам фан эркин ҳолатдаги лой ҳам, инсон организмнинг тўқималари ҳам айнан бир хил элементлардан ташкил топганлигини аниқлади. Замонавий фан томонидан аниқланган бу далиллар ўн тўрт аср аввал Каломуллоҳда нозил қилинган оятларнинг ҳақ эканлигини яна бир карра тасдиқлади.

Аллоҳ Таоло биринчи одамзодни – ҳазрати Одам Атони (алайҳиссалом) лойдан ясаган: унга шакл бериб, жон ато этган. Бу мўъжиза Қуръони Каримда шундай баён қилинган: "Эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга деган эди: "Албатта мен лойдан бир одам Яратгувчидирман. Бас, қачон уни тиклаб, унга Ўз руҳимдан пуфлаб киргизганимдан сўнг унга сажда қилган ҳолларингизда йиқилинглар!" "Сод" сураси, 71-72-оятлар.

Бошқа бир оятда Аллоҳ Таоло шундай марҳамат қилади: "(Қасамки), Биз инсонни (яъни, ҳазрати Одам алайҳиссаломни) лойнинг мағзидан яратдик". "Мўъминун" сураси, 12-оят.

ҚУРЪОННИНГ ҲАҚЛИГИ

Ниҳоят, Ғарб тадқиқотчи олимлари Қуръоннинг оятларини эътироф этдилар – "Инсон тупроқдан яратилган", деган хулосага келдилар.

Кейинги йилларда геология ва биология соҳаларида танилган тадқиқотчилар "Инсоннинг тупроқдан яратилиши" масаласини ўрганишга зўр бердилар. Massachusets Teknologі институтидан Хайман Хартман, Калифорния вилояти университетидан Лейл М.Койн, Белгия Liege Пьер Лазио, Glasgow университетидан Грахам К. Смит каби олимлар ана шу тадқиқотчилар жумласидандир.

БАЛЧИҚ НИМА?

"У (Аллоҳ) инсонни (яъни, Одамни) даставвал лойдан яратди" (Сажда, 7). "У зот инсонни сопол каби қуриган қора лойдан яратди" (Раҳмон, 14). Балчиқ деганда, ҳаммамизнинг кўз ўнгимизга чивин босган, юқумли касалликлар уяси бўлмиш ботқоқликлар келади. "Балчиқдан энг гўзал сопол ашёлари қилинади", дегувчилар ҳам бор. Холбуки, балчиқ бўлмаганда, на электроника илми дунёга келарди, на қитаълараро ва сунъий йўлдошлараро алоқа бўларди. Хатто 20 - аснинг улкан кашфиёти бўлмиш компьютер ҳам ишлаб чиқарилмаган бўларди. Электроник унсурларнинг (диод, транзистор, резистор ва ҳ.) асоси бўлган ярим ўтказгичлар балчиқдан бошқа нарса эмасдир. Ўзаро сималоқаларда янги йўл очган "супер ўтказгичлар" ҳам балчиқнинг бир мевасидир. Балчиққа хос хусусиятлар ҳали тугамади. Балчиқ яхши бир катализатордир. Нефтни қайта ишлашда тезлаштирувчи вазифасини бажаради. Заҳарни эмади. Заҳарли моддаларнинг захрини ютиб, уларни зарарсизлантиради. Яна бир муҳим хусусияти - у кучли бир радиактив сўрувчидир. Радиактив унсурларнинг нурларини сўриб, атроф муҳитга бўлган зарарини кесади.

БАЛЧИҚДА ҲЁТ БОР

"Зотан, Биз (инсонларнинг асли-аввали бўлмиш Одам алайҳиссаломни) ёпишқоқ бир лойдан яратгандирмиз" (Вас-софат, 11) Доктор Лейл М. Койне: "Сокин ва турғун бўлиб кўринган балчиқ, аслида, ичи ҳаракатга тўла сирли бир дунёдир. Балчиқнинг бир бўлагига блға билан урдим. Лабораторияда бир ой ултравиол қувват вужудга келтирганини кашф қилдим. Балчиқнинг юксак бир қувват манбаи эканини кўриб, ҳайратга тушдим", дейди. Балчиқ кристалл унсурлардан ташкил топган. Кристалл молекулалари лавҳа ёхуд япроқ шаклида тизмалар ҳосил қилган. Уларда ион тизмаси кўрилади. "Кимёвий реакцияни бошловчи" деган ном берилган бу ионлар балчиқнинг ҳар бир жинсида ўзига хос дастурга кўра ҳаракат қилади. Бу вазифаси билан балчиқ ҳужайралардаги унсурларни эса солади. Чунки унсурлар ҳам ҳужайраларда кучайтирувчи вазифасини бажарадилар.

БАЛЧИҚ ЎЗИНИ ЯНГИЛАЙДИМИ?

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, ташқи таъсирдан балчиқнинг ион тизимлари бузилса, сал муддат кейин кристалл лавҳалар яна қайтадан ион тизимларини тиклар экан. Жейм Глейкнинг фикрича: "Балчиқнинг кристалл лавҳалари устидаги ион тизмаларининг ҳаракати шахмат тахтасидаги тошларнинг мантиқли бир ҳаракати кабидир". Лейл М. Койн эса бундай деб таъкидлайди: "Балчиқнинг кристалл тузилиши собит эмасдир. Молекула тизмаси собит бўлган кристалллар оппоқ қоғоз сингаридир. Атрофдан таъсирланиш фақат ион занжирларининг ҳаракатига, яъни, электрик оқимига боғлиқ бир ҳолатдир. Ҳаётнинг энг оддий фаолияти ҳам атрофдан қувват олиш ва ундан фойдаланишдан иборат. Кейинги босқич эса ўзини янгилашдир. Бу ҳар икки фаолиятнинг балчиқда борлиги ҳаётнинг балчиқдан бошлангани ҳақидаги назарияни янада кучайтирди". Доктор Хартман эса: "Агар кўлимиздаги жихозлар қодир бўлганида эди, биз балчиқни молекула ҳолатида эмас, атомларга бўлиб текширган ва янада кўпроқ маълумотни қўлга киритган бўлар эдик. Бироқ, ишончим комилки, шундай қилган тақдиримизда ҳам ҳаётнинг юзага келиши ҳақида исботли бир жавобни топа олмаган бўлардик, - дея эътироф этди ва сўзларини давом эттирди:

- Менимча, "жаёт ва жонлилик" атом ҳамда ҳужайранинг моддий тузилишидан фарқли бир тушинчалардир. Балчиқ хусусидаги тадқиқотларимиз қанча ривожланса ривожлансин, унга жаёт бериш бизнинг миямиз доирасидан ташқаридаги бир илмий саъвиядир. Унинг ақл бовар қилмайдиган грифт формуласи яратганнинг қўлидадир. Биз фақат фикрлашга туртки бера оламиз, холос, аммо жаётни лабораторияда ярата олмаймиз". Др. Хартман назарда тутган "Жаётга жаёт бағишловчи у нарса" - оят ва ҳадислар билдирган руҳдир. Руҳ ҳаракатининг моҳиятини эса инсон зоти ҳеч қачон тушунолмайди. Зотан, "Ал-Исро" сурасининг 85-оятда айтилганидек: "(Эй Муҳаммад), сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир". Сизларга жуда оз илм берилгандир".

"НЕБРАСКА ОДАМИ"




1922 йилда машҳур палеонтолог, Америка табиати тарихий музейи директори Файрфилд Осборн билан Хород Ж. Гуклар ғарбий Небрасканинг Snake Gook дарёсининг ўзанларидан плиоцена даврига оид бир фосил (тошга айланган) озиқ тиши топилганлигини маълум қилдилар. Баъзи обрўли олимлар, бу тиш шимпанзегга ёки инсонга тегишли, деган фикрни илгари сурдилар. Ўша даврнинг илмий доираларида бу масала катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Шунга қарамай, Осборн эса, шу биргина тишга суяниб, инсон билан маймун оралиқидаги бир махлуққа оид, деб уни "Небраска одами" дея атади. Бироз муддат ўтгач унга "Hesperopithecus haroldcooki", деган илмий ном ҳам топиб беришди. Ўша даврнинг жуда кўп олимлари Осборнни қўллаб-қувватлашди. Бу ҳовлиқма ҳукмлар шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Британиянинг машҳур антролог профессори Эллиот Шмид ўша биргина озиқ тишдан "илҳомланиб" мақола ёзди ва унга "Небраска одами" ва хотинининг (!) суратини илова қилди.

Аслида бу уйдирма топиб олинган бир тўнғиз тишига асосланган эди. Уильям Брайан каби олимлар шошилиш чаро чикармай аввал яхшилаб текшириш кераклигини айтишганида одатдагидек эволюция назарияси сафсатасининг калтафахм тарафдорлари унга шиддат билан қарши чиқишди, уни танқид бўрони билан ўққа тутишди. 1927 йили склетнинг бошқа қисмлари ҳам топилди ва бу тиш маймунсимон махлуққа ёхуд инсонга эмас, бор-йўғи бир ёввойи тўнғизга тегишли эканлиги маълум бўлди. Аниқланишича, тиш аллақачон йўқ бўлиб кетган америка тўнғизи «*Prothennops*»га тегишли экан. Уильям Грегорнинг уйдирмани фох қилувчи "Hesperopithecus инсон ҳам маймун ҳам эмас экан", деб номланган мақоласи «*Science*» журналида босилиб чиқди. Қисқаси, эволюция ғоясини илгари сурувчиларнинг дунёси чўчка тишига қараб бир одам ва хотинининг расмини чиза олишга қадар катта "қобилиятлар" (!) билан тўлиб-тошгандир. Уларнинг бу каби афсунгарликлари фақат ўзларини ишонтиришгагина ярайди!



Дарвин "Инсоннинг келиб чиқиши", деб номаланган китобида турларнинг бошқа турга айланиши жараёнида инсонни маймунсимон махлуқдан келиб чиққанини иддоо қилганидан сўнг, ҳамма эволюциячилар ўша "маймунсимон махлуқ"ни излашга киришиб кетишди. Баъзи эволюциячилар, нафақат бундай махлуқларнинг қолдиқлари, балки дунёнинг турли жойларидан ҳам уларнинг тирик турларини топилишига қаттиқ ишонишар эди. XX аср бошларида шундай

маймунсимон махлуқларнинг тирик турларини излаш ғирт аҳмоқона услуб билан олиб борилди. Ota Benga исмлиқ бир пигмей воқеаси бунга мисол бўла олади. 1904 йили эволюция тарафдори бўлган тадқиқотчи Сэмюэл Вернер Конгода Ota Bengани асирга олади. "Ota Benga" уларнинг тилида "дўст" деган маънони берган ва у уйланган бўлиб, унинг иккита фарзанди ҳам бўлган. Уни занжирбанд қилишиб, ҳайвон каби қафасга солишади ва Америкадаги Авлиё Люис халқаро кўрғазмасига юборишади. Эволюция тарафдори бўлган маҳаллий олимлар бир неча хил маймунларнинг турлари билан уни ёнма-ён жойлашган қафасга солишиб, инсонга энг яқин "ўтиш тури" деб тақдим қилишади. Икки йилдан сўнг, уни Нью-Йоркдаги Бронкс ҳайвонат боғига кўчиришади ва шимпанзе, горилла ва орангутанлар билан бир қаторда одамзоднинг энг қадимий тури деб кўрғазмага қўйишади. Ҳайвонат боғининг раҳбари даҳрий Уильям Хонедей ўз нутқларида "ўтиш тури"га эга бўлган махлуқ билан фахрланишини айтиб юрган. Ҳайвонат боғига ташриф буюрувчилар Ota Bengани ҳайвон деб билишган. Хуллас, у кейинчалик турли хил уқубат ва шармандаликларни кўтара олмай, ўзини ўзи ўлдиришга мажбур бўлган.



Ўнғ томонда орангутан калла суяғи билан инсон ияғини бирлаштириб ҳосил қилинган сохта "Пилтдовн одами"нинг реконструкция қилинган уйдурма макети. (Қуюқ рангли қисмлар фосилларга оид). Чапда эса Пилтдовн одамининг 1913 йили "The illustrated London News" да эълон этилган "жаёлий" сурати. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзларига доим фанни нисбат беришни жуш кўрадиган бу сохтакорлар илм ва фан номидан шу қадар шармандали хиёнатни амалга оширишдан заррача тортинишмаган. Улар бу разилликни илм номидан амалга оширишга уринишган, натижада эса шу илмнинг ўзи уларнинг шармандасини чиқарди. Аслида илм-фан бу каби сохтакорликларга муносиб жавобни бериб бораверади. Муҳими даҳрийларнинг "фан" номи билан дабдабага ўралган пуч иддаоларига алданмаслик керак. Уларни ўзларининг қоронғу ботқоқларида тарк қилиб, маърифат зиёсини кашф қилиш, унинг ёғдусида зиёли боболаримиз каби инсониятга фойдали ишларга уриниш лозим. Зеро сохтакорлик доимо мағлубликка маҳкумдир, самимийлик эса зиёлларнинг йўлидир!

ТОШ ДАВРИ ёки ИЛК АЖДОДЛАР



Илк инсонларнинг ваҳший, ибтидоий ва яланғоч бўлганликлари ҳақида узоқ йиллар биз, хусусан мактаб дарсликлари, бошланғич синфлардаги маъсум фарзандларимиз учун чиқарилган нашрлар илк инсон ва илк пайғамбар бўлган Ҳазрати Одам алайҳиссаломни, инчунун, материалистча қарашга, Аллоҳни инкор қилиш ғоясига суянади. Кейинги тадқиқотлар ҳақиқий илк одамлар ким эканлигини очиқ-равшан кўрсатмоқда. Қадимшунос Симон Нурнбер бошчилигидаги тадқиқот гуруҳи томонидан 1991 йил 19 сентябр куни Австрия – Италия чегарасидаги Тайрол тоғларининг Симилюан музликларидан топилган ва минг йиллар олдин яшаганлиги маълум бўлган Муз Одам устида текширув бир йилга яқин давом этди ва уни, Тош даврига оид, деган баъзи иддаоларнинг уйдирма, сохта эртак эканлигини аниқлади. Айти пайтда Австрия дорилфунуни лабораториясида муҳофаза қилинаётган Муз одам (Hauslabjoch)нинг ёши 25 -35 ларда, бўйи 1м. 60 см., юзидаги чизиқлар (ажинлар) тўғри. Сочлари йўқ эди, бироқ текшириш чоғида кийимларидан 1000 донага яқин қаҳварангсимон соч толаси чиқди. Бу соч толаларининг узунлиги тўққиз сантиметрга яқин эди, бу нарса инсоният биз ўйлагандан анча йиллар аввал сочини қисқартира бошлаганини кўрсатадики, илм ҳам шу хулосага келди. Муз одамнинг кийими тоғ эчкиси ва кийик терисидан бўлиб, ингичка иплар билан тикилган, гўёки бир уста тикувчининг қўлидан чиққандек. Қадимшунос тарихчи Маркус Эгт кийимнинг шаклига қараб, Муз одам бирор шаҳарчада яшаган, деган хулосага келди. Кийимининг устидан Тайрол чўпонлари киядиган жинсдан (турдан) бир калта чакмон кийган. Пойафзали ҳам теридан бўлиб, иссиқ тутсин учун сомон билан қопланган. Овчининг ёнидан тахта сопли ниҳоятда ўткир бир пичоқ ҳам чиқди. Бироқ мутахассисларнинг энг кўп диққатини тортган нарса Муз одамнинг реборд шаклидаги бронза болтаси бўлди. Инисбрук дорилфунуни ректори, профессор Конрад Спинлер бу болтанинг мутлақо бронза даврига оид эканлиги, бинобарин, Муз одамнинг 4000 ёшдалигини таъкидлади. Мутахассислар овчи ишлатган ёйнинг ҳам бугун Ўрта Оврупада ёйчиликда қўлланилаётган энг яхши дарахтдан ясалганини қайд этдилар.

Мутахассислар тош даври эртакларида тасвирланган илк инсон қиёфаларининг "бир хаёл маҳсули" эканлиги ойдинлашаётганини ва бу мавзулардаги сценарийларнинг қайта бор кўздан кечирилиши кераклигини айтишмоқда. Ҳа, илк инсонлар, баъзи тарихчилар ўйлаганидек ёхуд киноларда тасвирланган каби, илмсиз, кўримсиз, яланғоч, гапиришни билмайдиган, "У-у-у" янглиғ уввуллаб юрадиган, ҳаддан ташқари тўпори, маймунсифат ва ваҳший кимсалар эмаслар. Бугун Осиё ва Африка чўлларида ёки Америка ўрмонларида айрим ваҳший тоифалар яшагани каби, илк инсонлар орасида ҳам маълумотсиз ва маданиятдан йироқ ҳолда яшаганлар ҳам бўлган. Илк пайғамбар Ҳазрати Одам алайҳиссалом ва унга иймон келтирганлар жамоатлар ҳолида яшар, ўқиш-ёзишни билар эдилар. Темирга ишлов бериш, ип йигириш, мато тўқиш ва деҳқончилик каби санъатлари бор эди. Археология соҳасида йигирманчи асрнинг энг буюк кашфиёти ҳисобланаётган Hauslabjoch одами ва унга оид ашёлар тарихнинг хира қолган даврларини ёритиб турибди.

Агарчи биз бу масалага Қуръондан ташқари қарайдиган бўлсак, бир мунча ҳақиқатга ва ақлга қарама-қаршиликларни кўрамиз. Дейлик аввалги ибтидо одамлари илмсиз, ақлсиз, гапиришни билмайдиган, онгсиз, яланғоч ва ҳайвонсифат бўлса, унда кейинги авлод қандай қилиб ақлан ўсиб кетиши мумкин? Ахир ўша ақли ривожланган авлод кимдан илм олиб шундай бўлди? Холбуки, аждодлар онгсиз, ақлсиз дейилаётган бўлса... Аслини олиб қараганда, инсонда ақлан ривожланиш учун илмий фундамент бўлиши керак. Модомики одамда илмий фундамент бўлмас экан у ҳеч қанақасига ўзидан ўзи ақлли ва онгли бўлиб қолмайди. Унга қачонки илмли, онгли, ақлли кимса бирор нимани тушунтирсагина, ўшандан кейин унда ақлан ўсиш кузатилади.

Қуйида келтириладиган масала ибтидо даври "эртакларини" асосли равишда, инкор этиб бўлмас даражада пуч эканлигини исботлаб беради. Бу барчамизга аён бўлган – насл қолдиришдир. Келинг, бу масалани ҳам ибтидо "эртаклари" билан солиштириб кўрамиз. Ибтидо давридаги одамлар шунчалик онгсиз, ақлсиз бўлса, унда насл қолдириш, яъни аёл ва эркакнинг қўшиливи натижасидаги аёлдаги хомила бўлиши ва шу аснода фарзанд туғилиш жараёнини қаердан билишди? Бир парча сперматозоиддан бутун бир одам шаклланиб чиқишини қаердан билишди? Холбуки, улар тафаккурсиз, илмсиз бўлса. Эволюционистлар барча мавжудотни битта ҳужайрадан тасодифий равишда тарқалганини иддао қилади. Мана шу тасодиф нега турларни жуфт қилиб тарқатди? Барчамиз биламизки, дарвинчилар барча материя биргина ҳужайрадан тарқалган ва табиий танланиш жараёнида турлар, насллар кўпайган, деб ҳисоблайди. Энди ўринли савол туғилади, ўша "тасодифий" мавжудотлар, шу жумладан, инсон ҳам жинсий қўшилувсиз кўпайиша оладими? Бу жуфтларнинг кўпайиши ҳам оддий жараён эмас. Бу икки жинс қачонки жинсий қўшилсагина насл пайдо бўлади. Бу жинсий қўшилув ҳам тасодифий амалга ошадими? Мана шу саволнинг ўзи дарвинизм тарафдорларини жавобсиз қолдиради. Агар дарвинчилар ҳақ бўлганида эркак ёки аёлнинг ўзи ҳеч бир қўшилувсиз кўпайиш хусусиятига эга бўлар ва бир-бирига мутлақо эҳтиёжи бўлмас эди. Бироқ инсониятнинг бахтига бундай тутруксиз "кўпайиш" (эркакнинг туғилиши ёки урғочининг ўзини хомиладор қилиши каби) мавжуд эмас. Хатто, ҳайвонлар-у қушлардан тортиб ҳашоратлар ҳам жуфт-жуфт бўлиб, насл қолдириш, ўз фарзандларига ғамхўрлик қилиш ва меҳр каби қонуниятга эгалар. Шуларни билиб туриб ҳам, наҳотки ўз аждодларимизни ҳашоратчалик тушунчага эга эмаслар деб, эволюция назарияси "эртакларини" тасдиқласак..! Дунёни тасодифан яратилган пайдо бўлган дейиш, гўёки ўн та вароқни сочиб юбориб ерга тасодифан тахланиб тушади дейишга ўхшайди.

Энди Қуръонда келган бир оят бизга асл ҳақиқатни очиқ беради. Аллоҳ таоло айтади: " Ва У зот Одамга исмларнинг барчасини ўргатди, сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилди. Кейин: "Агар ростгўйлардан бўлсангиз, анавиларнинг исмларини менга айтиб беринг", деди". (Бақара сураси 31 оят)

Юқоридаги оятни инсон аждодларига, хусусан иптидо даври одамларига солиштирсак, нечоғлиқ Каломуллоҳнинг ҳақ эканлигини англаймиз. Бу ояти каримада Аллоҳ таоло одамни ўзининг ер юзидаги халифаси қилаётган пайтда унга улуғ бир сирни берганлиги ушбу оятдан билиниб турибди. У ҳам бўлса, исмларнинг барчасини ўргатишидир. Яъни, инсон ўзини ўраб турган барча ашёларнинг белгиси сифатида исмни, маънони ишлатади. Ҳис қилинадиган, жисмга эга бўлган нарсаларни фаҳмлаш учун нутқий рамзларни ишлатиш қудрати инсон ҳаётида энг улуғ қудратлардан бири ҳисобланади.

Акс ҳолда, бировга тоғни тушунтирмақчи бўлсанг, уни тоғнинг олдига олиб бориб, айлантриб кўрсатишдан ўзга чора бўлмасди. Агар Аллоҳ таоло инсонга ушбу қобилиятни бермаганида, ер юзида ҳаётни тасаввур қилиш қийин бўлар эди. Ривоятларда келишича, бунинг исми от, буниси туя, манави қуёш, бу эса юлдуз, деб ҳатто кичкина нарсаларгача ўргатилган. Яъни, одамнинг ер юзида халифа бўлишининг асосий сабаблардан бири-илм олишга истеъдодининг борлигидир. Ҳозирда инсон илми ила борлиқнинг сирларини кашф этаётгани ҳам ўшанда берилган қобилият натижасидир. Аллоҳ таоло биринчи инсон Одам алайҳиссаломга дунёдаги, борлиқ-табиатдаги барча нарсаларнинг нима эканлигини, уларни қандай англашни, тушунишни ва тушунтиришни, ҳис-туйғуларни, атрофларини ўраб турган ашёларнинг белги-сифатдаги исмни, маънони била олиш қобилиятини ўргатганлигини ҳисобга олиб, илм-фанга, айниқса ақлий ривожланиш масаласи билан боғласак, нақадар тўғри эканлигини кўрамиз. Демак, Одам алайҳиссаломга ҳамма нарсаларнинг илми ўргатилган

бўлса, табиий равишда у киши кейинги авлодга, яъни фарзандларига, фарзандлар эса ўзларидан кейинги авлодга, шу йўсинда бу авлод ҳам ўзидан кейинги авлодга ўз илмидан ўргатиб илмни мерос қилиб кетаверишади. Шундай қилиб инсонда илмий ва ақлий фундамент ҳосил бўлади ва секин-асталик билан бора-бора ақлан ривожланишни бошлайди. Кўриб турибсизки бу нарса ҳаётда ўз тасдиғини топиб турибди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таборака ва таоло биз бандаларига нисбатан “.Ақл юритмайсизларми?” дея хитоб қилмоқда.

ИЛОН ҲАҚИДА



Одамлар орасида Одам ато ва Момо Ҳаввони гуноҳ қилдириш учун жаннатга иблис илон тасвирида ёки илоннинг оғзида кирган, деган ҳар хил гаплар учраб туради. Лекин бу воқеа, яъни иблисни илон тасвирида жаннатга кириши Қуръони Каримда зикр қилинмаган. Бу “Библия”нинг дастлабки қисми Таврот китобида келтирилган. Мазкур воқеа Таврот китоби “Ибтидо” қисмининг 3-бобида қуйидагича ҳикоя қилинади:

Парвардигор Эгамиз ҳамма ёввойи ҳайвонларни ҳам яратган эди. Ўша ҳайвонлар орасида анча айёр илон эди. Илон хотиндан:

— Ҳақиқатан ҳам Худо, боғдаги биронта дарахтнинг мевасидан еманглар, деб айтдимми? — деб сўради. Хотин илонга:

- Йўғ–э, биз боғдаги ҳамма дарахтларнинг мевасидан ейишимиз мумкин, – деб жавоб берди.
- Лекин Худо, боғ ўртасидаги дарахтнинг мевасидан еманглар ҳам, тегманглар ҳам, есаларингиз ўласизлар, деб айтган. Илон эса хотинга:
- Йўқ, ўлмайсизлар, – деди.
- Чунки Худо биладики, сизлар бу мевалардан есаларингиз, кўзларингиз очилиб, сизлар ҳам барча яхши ва ёмон нарсаларни биладиган бўлиб, Худога ўхшаб қоласизлар. Хотин қарасаки, ўша дарахт кўзга чиройли кўринади, мевалари жуда ейишли экан. Хотин: “Қани, энди мевалар менга донолик ато қилсайди”, деб орзу қилди. У дарахтнинг мевасидан олиб еди, кейин ёнида турган эрига ҳам берди. Эри ҳам еди. Ўша заҳоти икковининг ҳам кўзлари очилиб, улар яланғоч эканликларини англаб етдилар, анжир барглари сонлари атрофига тизиб, ўзларига ёпинчиқ ясадилар. Оқшом пайти шабада эсиб турганда, иккови боғда Парвардигор Эгамизнинг юрганини билди. Одам ва хотини Парвардигор Эгамизнинг назаридан қочиб, боғдаги дарахтлар орасига яшириндилар. Парвардигор Эгамиз: “Қаердасан, эй, одам?” деб чақирди. Одам:
- Мен боғда юрганингни билдим–у, яланғоч бўлганим учун қўрқиб, яшириндим, – деди.
- Яланғоч эканингни сенга ким айтди? – деб сўради Худо.
- Мен, еманглар, деб амр этган дарахтнинг мевасидан едингми?
- Одам жавоб берди:
- Ўзинг менга берган хотин ўша дарахтнинг мевасидан менга олиб келган эди, мен ҳам едим. Шунда Парвардигор Эгамиз хотинга:
- Бу нима қилганинг? – деди.
- Илон мени алдади, мен мевадан едим, – деди хотин.

Худо ҳукм қилади

Парвардигор Эгамиз илонга шундай деди:

“Шу қилмишларинг учун

Лаънати бўлгайсан барча жонзотлар орасида

Ва жамики ёввойи ҳайвонлар орасида.

Қорнинг билан судралиб юргайсан,

Умринг бўйи тупроқ егайсан.

Душманлик пайдо қиламан сен билан хотин ўртасида,

Сенинг зотинг билан унинг зоти орасида.

Унинг зоти эзиб ташлайди сенинг бошингни,

Сен чақиб оласан унинг товонини.”

Гувоҳи бўлганингиздек, бу бузилган, ўзгартирилган Таврот китобида ҳикоя қилинган. Қуръони Каримда эса иблиснинг жаннатга илон қиёфасида кирганлиги айтилмаган. Агар Аллоҳ таоло биз бандалари учун иблиснинг қандай қиёфада бўлганлиги муҳим бўлганда, албатта буни бизга англатган бўларди. Биз учун Иблиснинг қай ҳолатда киргани, қандай суръатда бўлгани муҳим эмас. Биз учун асосийси, Қуръонда келтирилган қиссадан ибрат олишдир. Бундан бошқаси муҳим бўлганда Аллоҳ таоло билдирган бўларди. Қуръони Каримдаги қиссалардан мақсад ҳам айнан мана шунда. Валлоҳу Аълам.

ИДРИС АЛАЙҲИССАЛОМ

(Ғарбда Эноч номи билан маълум)

Тахминан неолит даврида 6-4 мингйилликлар оралиғидаги асрда яшаганлар

Қуръони Каримда зикр қилинган пайғамбарларнинг Одам отадан кейинги энг қадимгилари Идрис алайҳиссаломдирлар. Аллоҳ таоло у зот ҳақларида «Мариям» сурасида марҳамат қилиб қуйидагиларни айтади: «Ва китобда Идрисни эсла. Албатта, у сиддиқ ва Набий бўлган эди. Ва уни олий мақомга кўтардик». (56-57 оятлар)

Шунингдек, «Анбиё» сурасида: «Ва Исмоил, Идрис ва Зул-кифлини эсла. Уларнинг ҳар бири сабр қилгувчилардандир. Ва уларни ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, улар солиҳлардандир», дейди. (85-86 оятлар)

Қуръони Каримда Идрис алайҳиссалом ҳақларида бундан бошқа маълумот йўқ. Ушбу зикр этилган ояти карималарда Идрис алайҳиссаломнинг бир неча сифатлари зикр қилинмоқда:

- 1-Сиддиқлик.
- 2-Набийлик.
- 3-Олий мақом соҳиблиги.
- 4-Сабр қилувчилик.
- 5-Аллоҳнинг раҳматига кириш.
- 6-Солиҳлик.

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, Идрис алайҳиссаломнинг насаблари Одам алайҳиссаломнинг ўғиллари Шийс алайҳиссаломга етиб боради. У кишининг оталарининг исми Ёрид, боболарининг исми Маҳлоил бўлган. У зотга Одам ва Шийс алайҳиссаломлардан кейин учинчи бўлиб пайғамбарлик берилган.

Машҳур тарихчиларимиздан Ибн Исҳоқ раҳматуллоҳи алайҳининг таъкидлашларича, Идрис алайҳиссалом қалам билан ёзув ёзган биринчи одамдирлар. Уламоларнинг рожиҳ гапларига қараганда, Идрис алайҳиссалом қадимги Бобил ўрнидаги ҳудудда таваллуд топганлар. Аввал бошда Шийс алайҳиссаломдан мерос бўлган илмни ўрганганлар. Кейинчалик Аллоҳ таоло у зотга пайғамбарликни берган. У зот набий бўлганларидан кейин кишиларни Одам ва Шийс алайҳиссаломлар шариатида даъват қилганлар. У кишининг даъватларини озчилик қабул қилиб кўпчилик қабул қилмаган. Шунда у зот ўзларига эргашганлар билан ўз юртларини тарк этиб ҳижратга чиққанлар. У киши ўз ҳижратлари учун Нил водийсини танлаганлар. Мисрда турган пайтларида одамларни динга даъват қилганлар. Идрис алайҳиссалом биринчи бўлиб маданий ишларни йўлга қўйганлар, одамларга маданиятга оид ишларни, қонун-қоидаларни ўргатганлар. У зотнинг даврларида 188 та ўтроқ турар жойлар (кичик шаҳарлар) қурилган экан. Идрис алайҳиссалом даврларида сопол идишлар ясаш кашф қилинган. Бундан ташқари, тошга ишлов бериш усуллари: силлиқлаш, арралаш, сирлаш ва тешикчаларни пармалаш усуллари қўлланила бошланган. Турар жой бинолари пахса иморатлардан қурилган. Бу даврнинг яна

бир муҳим кашфиёти толалар ва жундан кийим-кечак тайёрлаш тармоғи ҳам йўлга қўйилади. Юқоридаги тарихчиларимиз келтирган маълумотлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, Қадимги Миср иероглифининг (ёзуви) юзага келишида Идрис алайҳиссаломнинг таъсирлари бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Валлоҳу Аълам.

Идрис алайҳиссалом ўз ҳикматлари ила машҳур бўлганлар. Ровийлар Идрис алайҳиссаломдан асар бўлиб қолган баъзи ҳикматларни ҳам келтирадилар:

«Дунёнинг яхшиси ҳасратдир. Ёмони надоматдир».

«Бахтиёр-ўзига назар солган кишидир. Унинг Роббиси ҳузуридаги шафоатчиси амали солиҳийдир».

«Сабр иймон ила бўлса зафар келтиради».

Идрис алайҳиссаломнинг ер юзидаги истиқоматлари саксон икки йил бўлган. Ундан сўнг Аллоҳ таоло у зотни Ўзига кўтарган.



НУХ АЛАЙҲИССАЛОМ

(ғарбда Ноах)

Тахминан мил.авв. 4-3 мингйилликда, энеолит даврида яшаганлар

Қуръони Каримда номлари кўп зикр қилинган пайғамбарлардан бири Нух алайҳиссаломдирлар. У зот каломи илоҳийда қирқ уч жойда эсга олинганлар. Нух алайҳиссаломнинг қиссалари Қуръони Каримнинг бир қанча сураларида муфассал равишда тилга олингандир. Жумладан, Аъроф, Худ, Мўминун, Шуаро ва Қамар сураларида. Бунинг устига каломи шарифнинг бутун бир бошли сураси У зотга аталиб, «Нух» сураси номини олган.

Бу сураи карима бошидан охиригача Нух алайҳиссалом қиссаларига бағишланган. Бу ҳолат Қуръони Каримда бошқа такрорланмайди. Фақат «Юсуф» сурасида шунга ўхшаш ҳолат бор, холос. Аммо Юсуф алайҳиссаломнинг қиссалари бир сурада келган. Нух алайҳиссаломнинг қиссалари эса аввал ҳам айтилагандек бир неча сураларда келган.

НУХ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ НАСАБЛАРИ

Идрис алайҳиссалом Нух алайҳиссаломга катта бобо бўладилар. У кишининг оталарининг исми Ломак, боболарининг исми Мутушлахдир. Нух алайҳиссаломни ажнабийлар «Ахнух» деб номлайдилар.

ОДАМЛАРНИНГ ДИНДАН УЗОҚЛАШИШЛАРИ

Аллоҳ таоло Одам Атони жаннатдан ерга туширгач, унинг зурриётига барака берди. Улар тезда кўпайиб кетдилар, касбу кор ўргандилар. Улар Одам отага келган динга эътиқод қилиб, ягона Аллоҳга ибодат қилишар эди. Одам авлодини хайрли ишлардан қайтаришга онт ичган шайтон бу ҳолга тоқат қила олмади. Кишиларни ширкка чақиришга, буту санамларга ибодат қилдиришга урина бошлади. Одам отанинг дастлабки авлодлари ичида Аллоҳдан кўрқадиган, тақводор, солиҳ кишилар бор эди. Уларни атрофидагилар яхши кўришар, ҳурмат қилишарди. Вақт-соати етиб, улар оламдан ўтганларидан сўнг шайтон қолган кишилар орасида васваса қилиб:

«Агар сизлар вафот этган солиҳ кишиларни ҳақиқатда яхши кўрсаларингиз ва эслаб туришни хоҳласаларингиз, суратларини чизиб қўйинг, эртаю кеч назар солиб турасизлар», деди.

Одамларга бу гап ёқиб тушди. Аввал бошда суратга қараб уларни эслаб туришди, сўнгра суратлар ўрнига ҳайкаллар қилиб, ибодатхона ва уйларга қўйишди. Улар бу ҳайкаллар ҳеч кимга фойда ҳам зарар ҳам келтира олмаслиги яхши билишар эди. Лекин солиҳ кишиларнинг баракаси, деб ҳайкалларни ҳурмат қилишарди. Вақт ўтиши билан ҳайкалларнинг сони ҳам, иззат-икромии ҳам ортиб бораверди. Қайси солиҳ киши вафот этса, унга ҳайкал қўядиган бўлишди.

Кейинги авлодлар ўз оталари ҳайкалларининг улуғлаётганини, уларнинг ҳузурида дуо қилишаётганликларини кўриб вояга етди. Охир-оқибатда кишилар ҳайкалларга сажда қиладиган, улардан ёрдам сўрайдиган ва қурбонлик атайдиган бўлиб қолишди. Шундоқ қилиб, ҳайкаллар буту санамларга айланди. Одамлар уларни худо даражасига кўтариб, уларга эътиқод билан ибодат қила бошладилар. Яратган холиқни қўйиб тошдан, лойдан, ёғочдан бўлган ҳайкалларга сиғиниш катта хато ва зулм эди. Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган улкан гуноҳ эди.

ЯНГИ ПАЙҒАМБАРЛАР ЮБОРИШ ЗАРУРАТИ

Ана шунда Аллоҳ адашган бандаларига раҳм қилиб, уларга тўғри йўлни кўрсатиш учун Пайғамбар юборишини ирода қилди.

Парвардигор бу Пайғамбар одамларнинг ўзларидан бўлишини хоҳлади. Чунки Пайғамбар Аллоҳнинг фармонларини кишиларга етказиш билан бирга ўз ҳаётига татбиқ қилиб ўрнак бўлиши ҳам зарур эди. Агар Пайғамбар фаришта бўлса, одамлар, бу фаришта биздан устунлиги бор, шунинг учун фармонларни бажариши ҳам осон, биз эса бажара олмаймиз, дея баҳона қилишлари мумкин эди. Шунинг учун Парвадигор ўзларидан чиққан, ўзларига ўхшаш бир одам Пайғамбар бўлса, бундай баҳонани пеш қила олмайдилар, деган хулосада шундай ирода қилди.

Шийс ва Идрис алайҳиссаломлар набий сифатида ўз қавмларини хатоларини тузатишга, тўғри йўлга бошлашга ҳаракат қилдилар. Аммо улардан кейин аҳвол янада оғирлашди. Аллоҳ таоло яна янги пайғамбар юборишни ирода қилди.

НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ЮБОРИЛИШЛАРИ

Ўша замону маконда яшаган кишилар ичида бой, задогонлари кўп бўлишига қарамасдан, Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб танлади. Нуҳ карамли, солиҳ, ақлли, ҳалим, тўғри сўз, омонатли, меҳрибон одам эди.

Аллоҳ таоло у кишига ваҳий юбориб, ўз қавмини динга чақиришга буюрди. Нуҳ алайҳиссалом, мен сизга Пайғамбар бўлдим, деб ўз қавмларига мурожаат

қилганларида, баъзилар, «Бу қачондан бери Пайғамбар бўлиб қолибди? Кечагина биз билан юрган эди-ку», дейишди.

Мутакаббир бойлар эса: «Аллоҳ қашшоқдан бошқани топа олмабди-да, нима, бошқалар ўлиб битган эканми?» дейишди.

Бошқа бировлар эса: «Нух шу йўл билан обрў топмоқчи, бошлиқ бўлмоқчи», дедилар.

Шундай қилиб, Нух алайҳиссалом ўз қавмларини иймонга чорлади, санамларни тарк этиб, Аллоҳга ибодат қилишга даъват эта бошлади.

Бу ҳолатни Аллоҳ таоло «Нух» сурасида қуйидагича баён этади:

«Биз Нухни ўз қавмига, қавмингни уларга аламли азоб келишидан аввал огоҳлантиргин, деб Пайғамбар қилиб, юбордик». Нух алайҳиссалом Куфа шаҳри ўрнидаги ерларда яшаган эканлар, ана ўша ер аҳолисига Пайғамбар қилиб юборилганлар. Ушбу эътибордан уламолар, Нух алайҳиссалом Арабистон ярим орлига Пайғамбар этиб юборилган, дерлар. Нух алайҳиссаломни «анбиёларнинг шайхи» деб ҳам аталади. Чунки, У зот алайҳиссалом улул азм беш Пайғамбарнинг биридирлар. Аллоҳ таоло ана ўшандоқ Пайғамбар Нух алайҳиссаломни «қавмингни уларга аламли азоб келишидан аввал огоҳлантиргин», деб юборди. Яъни, агар иймон келтириб, Менга итоат қилмасалар бу дунёда тўфоннинг, у дунёда дўзахнинг аламли азобига қолишларидан огоҳлантиргин, деб юборди.

НУХ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ДАЪВАТЛАРИ

Нух алайҳиссалом бу амри илоҳийни бажаришга киришдилар.

«У: «Эй қавмим, албатта, мен сиз учун очик-ойдин огоҳлантирувчиман.

Аллоҳга ибодат қилинглар, Унга тақво қилинглар ва менга итоат қилинглар.

У сизларнинг гуноҳларингиздан мағфират қиладир ва сизни белгиланган ажалгача қўйиб қўядир. Агар билсангиз, албатта, Аллоҳнинг ажали орқага сурилмайдир»-деди». Бу оятда зикр қилинган, гуноҳларнинг кечирилиши ва белгиланган муддатгача яшаб қолиш, аввалги оятда шарт қилинган Аллоҳга ибодат қилиш, унга тақво қилиш ва Пайғамбарга итоат қилиш ишлари бўлсагина вужудга келади. «Ажал» сўзининг тафсирида уламолар бир неча хил фикрлар айтганлар, Аслида «ажал» сўзи белгиланган муддат маъносини англатади, лекин халқ ичида ўлим муддати маъносида тушуниладиган бўлиб қолган. Агар шу маънони оладиган бўлсак, оятдаги «сизни белгиланган ажалгача қўйиб қўяди» жумласи, «Аллоҳга ибодат қилсангиз, унга тақво қилсангиз ва Пайғамбарга итоат қилсангиз... белгиланган ажалгача яшайсиз, бўлмаса тезроқ бало-қазога дучор бўласиз» деган маънони англатади.

Иккинчи фикр эса, бу оятда «ажал»дан мурод азоб-уқубат муддати, яъни, Аллоҳга ибодат қилиб, Унга тақво қилиб ва Пайғамбарга итоат қилиб юрсангиз, белгиланган азоб-уқубат орқага сурилади, деган маъно чиқади.

Қайси маънога эътибор қилмайлик, мақсад бир. Аллоҳга ибодат қилиш, Унга тақво қилиш ва Пайғамбарга итоат этиш. Буларнинг барчаси яхшиликка, азоб-уқубатдан қутулишига бош сабабдир.

Эндиги оятларда Нух алайҳиссаломнинг жиҳодлари ва ўз қавмларидан саркашлари билан олиб борган даъват ишлари баён қилинади.

«У: «Роббим, мен ўз қавмимни кечаю кундуз даъват қилдим.

Менинг чақиригим уларда қочишдан бошқа нарсани зиёда қилмади.

Ва, алабатта, қачонки мен уларни Сенинг мағфират қилишинг учун чақирсам, улар бармоқларини қулоқларига тикдилар ва кийимларига бурканиб олдилар, ҳамда (кофирликда) собит бўлдилар ва ниҳоятда улкан такаббурлик қилдилар.

Сўнгра, албатта, мен уларни очик даъват қилдим.

Сўнгра, албатта, мен уларга эълон ва сиррий (даъват) қилдим.

Бас, ўз Роббингизга истиғфор айтинг, албатта, У гуноҳларни кўплаб мағфират қилувчидир», дедим». Нуҳ алайҳиссаломнинг тазарруъ ила зорланиб ўз Роббисига қилаётган нидоларидан кўриниб турибдики, у зот алайҳиссалом ўз қавмларини турли услуб билан динга чақирганлар. Келинг, узотнинг ушбу машҳур нидоларини батафсил ўрганиб чиқайлик.

«Роббим, мен ўз қавмимни кечаю кундуз даъват қилдим».

Яъни, тиним билмай, доимий равишда, кечасию кундузи дину диёнатга чақирдим. «Менинг чақирғим уларда қочишдан бошқа нарсани зиёда қилмади».

Мен уларни Сенинг динингга қанча кўп даъват қилсам, улар мендан шунча кўп қочдилар. Даъватим туфайли фақат уларнинг қочиши зиёда бўлди, холос.

«Ва, алабатта, қачонки мен уларни Сенинг мағфират қилишинг учун чақирсам, улар бармоқларини қулоқларига тикдилар ва кийимларига бурканиб олдилар»

Мен уларга, келинлар, Аллоҳга истиғфор айтинглар, У зот сизларни мағфират қилади, десам, улар гапимни эшитмаслик учун панжаларини қулоқларига тикиб, бошларини кийимларига бурканиб олдилар. «ҳамда (кофирликда) собит бўлдилар ва ниҳоятда улкан такаббурлик қилдилар». Улар шу билан бирга ўз куфрларида оёқ тираб туриб олдилар ва мисли кўрилмаган катта такаббурлик қилдилар.

«Сўнгра, албатта, мен уларни очиқ даъват қилдим». Махфий даъватим иш бермагандан сўнгра мен уларни очиқ даъват қилдим. Лекин бу ҳам фойда бермади. «Сўнгра, албатта, мен уларга эълон ва сиррий (даъват) қилдим».

Шоядки, икковини бирга олиб борсам фойда берар, дедим.

Кўриниб турибдики, Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмларини Аллоҳнинг динига даъват қилишда барча имкониятларни ишга солганлар.

Аввал махфий, кейинроқ ошкора, охирида ҳам ошкора ва ҳам махфий даъват қилганлар. Шу билан бирга уларни қизиқтириш учун диндорликдан бу дунёнинг ўзидаёқ келадиган фойдаларни ҳам зикр қилганлар. Буни қуйидаги оятда кўрамиз: «Бас, ўз Роббингизга истиғфор айтинг, албатта, У гуноҳларни кўплаб мағфират қилувчидир», дедим».

Истиғфорниг луғавий маъноси, мағфиратни (гуноҳнинг кечирилишини) сўрашдир. Амалда банда тилида «астағфируллоҳ» ва шу маънодаги калималарни айтиб, дил билан тасдиқлашидир. Умумий маънода эса истиғфор диндорликни ифода этади. Агар бу оятга амал қилсангиз...

«У зот осмондан устингизга кетма-кет барака ёмғирини юборадир.

Ва сизга молу мулк ва бола-чақа ила мадад берадир ва сизларга боғу роғлар ҳамда анҳорларни берадир».

Мазкур оятда истиғфор ва ризқлар бир-бирига боғлиқлигига ишора қилинмоқда. Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида қалб поклиги, диндорлик ва ҳидоятда юришдан ризқнинг мўллиги, фаровонлик ва серобчилик келиб чиқиши таъкидланган.

Жумладан, «Аъроф» сурасида: «Агар шаҳар, қишлоқ аҳолиси иймон келтирсалар ва тақводор бўлсалар, албатта, Биз уларга осмонлару ердан барокотларни очиб қўямиз ва лекин улар (Пайғамбарни) ёлғонга чиқардилар, Биз уларни қилган ишлари туфайли (азобга) олдик...», дейилади.

Шунга ўхшаш оятлар «Моида», «Худ» ва бошқа сураларда ҳам бор.

Демакки, қайси халқ Аллоҳдан қўрқса, яхши амалларни қилса, адолат ва омонликни жорий қилса, Аллоҳ у халқни ер юзида пешқадам қилиб қўяди. У халқ фаровонлик, тараққиёт ва бахтли ҳаётга эришади.

Гоҳида Худодан қўрқмайдиган, иймонсиз халқлар ҳам фаровонликка етишиши мумкин, лекин бу синов учун бўлади. Кейинроқ ҳақиқий ҳолат зоҳир бўлиб, кўзга кўриниб турган фаровонлик ортидаги муаммолар ошкора бўла бошлайди. Бу Парвардигорнинг Ўзидан қайтган бандаларига юборилган азобининг бошланиши бўлади. Яна Нуҳ алайҳиссаломнинг ўз қавмларига қилаётган

хитоблари давом этади: «Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг азаматини ўйлаб кўрмайсизлар?»

Ўки Аллоҳнинг азаматидан (қудратидан) кўрқмайсизлар.

«Ҳолбуки, У сизларни ҳолатма-ҳолат яратди».

Яъни, онангиз қорнида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ва ҳоказо ҳолатлар ўтказиб яратди. «Аллоҳ етти осмонни қандоқ қилиб табақама-табақа яратиб қўйганини кўрмадингизми? «Ва улар ичида ойни нур ва қуёшни чироқ қилиб қўйганини кўрмадингизми?» Ушбу нарсаларнинг ҳаммаси, одамларнинг ҳолатма-ҳолат яратилиши ҳам, етти осмонни табақама-табақа халқ қилиниши ҳам, ойни нур ва қуёшни чироқ қилиб қўйилиши ҳам ҳар бир банда учун Аллоҳнинг чексиз қудратига далил бўлиб хизмат қилиши керак. Ҳар бир банда мазкур нарсалардан ўзига керакли хулосани чиқариб олиб, Аллоҳнинг азаматини ўйлаши, Унга иймон келтириб, итоат ва ибодат қилиши лозим бўлади.

Кейинги оятларда ҳам банда Аллоҳнинг азаматини ўйлаши, Аллоҳ тамонидан унга берилган неъматларни шукрини қилиши лозимлиги ҳақида сўз кетади.

«Ва Аллоҳ сизларни ердан ўстириб чиқарадир».

Одатда ердан ўсимликлар ўсиб чиқади. Лекин оятда бизларнинг ўстириб чиқарилишимиз ҳақида зикр қилинган. Буни шундоқ тушуниш мумкин: ҳозирги замон илмий кашфиётлари ҳар бир жонзот, шу жумладан сиз билан биз инсонлар ҳам ҳаётимизда набототларга ва уларга боғлиқ нарсаларга асосан яшар эканмиз. Ўйлаб кўрайлик, ҳайвон гўштини истеъмол қиламиз, ўша ҳайвон эса наботот еб яшайди. Ҳатто балиққа назар солсак ҳам сисила бўлиб охири ўсимликка бориб тақалар экан. Шундоқ қилиб, Қуръони Карим қисқа қилиб инсон яшаши учун зарур бўлган асосий ғизога ишорат қилган.

Албатта, буни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қила олмайди. Банда ўзини ердан ўстириб қўйган зотга иймон келтириши, Унинг азаматидан кўрқиши, Унга итоат ва ибодат қилиши лозим. Чунки, «Сўнгра сизларни унга қайтаради ва яна чиқарадир». Яъни, Аллоҳ сизларни ўлдириб яна қайта ернинг ичига-қабрга киритади. Сизга ҳаёт берган зот сиздан ҳаётни ҳам олади. Сизни ердан ўстирган зот, сизни яна ерга қайта киритади. Охирада эса, қайта тирилтириб, сизни яна ердан чиқаради. Шунинг учун ҳам сиз доимо Унинг азаматини ўйлаб иш қилишингиз лозим. Бу иш қиёмат куни сизни қайта тирилтириш билан бўлади. Ана ўшанда бу дунёдаги зарра оғирлигидаги яхшию ёмон ҳамма амалларимиз ҳисоб-китоб қилинади. Шунинг учун ҳам Аллоҳга иймон келтириш, Унга итоат ва ибодат қилиш керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Аллоҳ таоло сизни фақат яратибгина қўймаган балки, бу дунёда яшашингиз учун ҳамма шароитни муҳайё қилиб берган. «Ва Аллоҳ сизларга ерни гиламдек тўшаб қўйди. Унда сиз кенг йўллардан юришингиз учун», деб айтди».

Аллоҳ таолонинг бандалар учун «ерни гиламдек тўшаб қўйиши»-худди ўтириш, ётиш, овқатланиш ва бошқа ҳаёт фаровонлиги учун зарур ишларга яхши жой ҳозирлаш учун гилам тўшалгандек, Аллоҳ ерни тўшаб қўйди, деган маънони англатади. Яъни, Аллоҳ ерни кенг, текис ва жиҳозланган гиламдек қилиб қўйди, ўз гилами устида хоҳлаганича ястаниб ётган кишидек, хоҳлаганингизни қилишга мослаб қўйди. Аллоҳ таоло ерни инсон учун, у ҳаёт кечирishi учун маскан қилиб қўйганини эслатганидан сўнг ҳам Нуҳ қавми ўз залолатидан қайтмади.

НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ҲАСРАТЛАРИ

Шунда Нуҳ алайҳиссалом ўз ишларини, дарду ҳасратларини яна тўкиб солдилар.

«Нуҳ: «Эй Роббим, албатта, улар менга исён қилдилар ва моли, бола-чақаси хусрондан бошқани зиёда қилмаганга эргашдилар». Яъни, бойларга эргашдилар.

«Ва ниҳоятда улкан макр қилдилар».

Макр-маҳфий равишда ёмонлик тадбирини қилиш. Нуҳ алайҳиссалом қавмидаги мутакаббир бойларнинг қилган улкан макрлари қуйида келадиган оятда баён қилинади. «Ва улар: «Олиҳаларингизни ҳеч тарк қилманглар, ва, албатта, Ваддни ҳам, Суваъни ҳам, Яғусни ҳам, Яъукни ҳам ва Насрни ҳам тарк қилманг», дедилар».

Нуҳ алайҳиссалом қиссалари шарҳида эслатиб ўтганимиз шайтон васвасаси туфайли кишилар ҳайкалларга сиғинишининг баёни ушбу оятда нозил қилинганининг гувоҳи бўлдик.

Ривоятларда келишича, Вадд, Суваъ, Яғус, Яъук ва Насрлар аҳли солиҳ, тақводор кишилар бўлганлар. Кишилар уларнинг ниҳоятда яхши кўрганлар ва ҳурмат қилганлар. Вақти-соати етиб улар вафот этганларидан сўнг Шайтон васвасасига учиб, кишилар уларнинг суратларини чизганлар, сўнгра ҳайкалларини ясаганлар. Аввал бошда уларни зиёрат қилганлар. Аста-секин дардларини уларга айтадиган бўлишган. Оқибатда вақт ўтиши билан, уларни Худо деб эътиқод қилганлар ва уларга ибодат қилганлар.

НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ДУОЛАРИ

«Дарҳақиқат улар кўпларини адаштирди. Ва Сен золимларга залолатдан бошқани зиёда қилма», деди».

Кўриниб турибдики, Нуҳ алайҳиссаломнинг бу дуолари ниҳоятда аламли дуо. Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмларига қилган ушбу дуоибадни, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло у зотга сенинг қавмингдан ҳозир иймонга келганларидан ўзгаси зинҳор иймонга келмас, деб хабар берганидан сўнг, уларнинг иймонларидан ноумид бўлиб туриб қилганлар.

Кейинги оятда эса очиқ-ойдин жавоб келади:

«Улар хатолари туфайли ғарқ қилиндилар, бас, дўзахга киритилдилар. Бас, ўзларига Аллоҳдан ўзга ёрдамчи топа олмадилар».

Уламоларимиз ушбу оятни азоби қабрга далилдур, деганлар. Чунки Нуҳ алайҳиссаломнинг қавмлари тўфонга ғарқ қилинганларидан сўнг, оловга киритилганликлари ҳақида сўз кетмоқда. Охират олови қиёматда бўлиши ҳаммага маълум ва машҳур. Бас шундан ушбу оятда хабари берилган, Нуҳ алайҳиссаломнинг қавми киритилган оловдан мурод қабр оловининг азобидир.

Сўнгра Нуҳ алайҳиссалом ўз дуоларида давом этдилар:

«Ва Нуҳ: «Эй Роббим, ер юзида кофирлардан бирорта ҳам ҳаракатланувчини қўймагин».

Албатта, Сен уларни тек қўйсанг, бандаларингни адаштирурлар ва фожиру кофирдан бошқа туғмаслар».

Нуҳ алайҳиссалом Аллоҳ таолога бирорта ҳам кофирни қўймай ҳалок қилишни сўраб қилган дуоларидан сўнг, бу дуонинг сабабини уларни тек қўйсанг бандаларингни адаштирадилар ва фожиру кофирдан бошқа туғмайдилар, деб изоҳламоқдалар.

Нуҳ алайҳиссалом бу нарсани қаердан билганлар, деган саволга уламоларимиз узоқ давом этган тажрибадан, деб жавоб берганлар. У зот қавмининг табиатини билардилар, тажрибадан ўтказганлар. Улардан бир одам ўз боласини Нуҳ алайҳиссаломнинг олдиларига олиб келиб, эй болам, манавидан ҳазир бўл, у каззобдир. Отам менга ушбу васиятни қилган эди, дерди Нуҳ алайҳиссаломни кўрсатиб туриб. Шундоқ қилиб катталар, ёшлар бузилиб бораверар эди. Улардан биров иймонга келмасди.

Нуҳ алайҳиссалом ўтган оятда кофирларни дуоибад қилганларидан сўнг, энди келадиган оятда мўминларни дуои жайр қиладилар.

«Роббим, мени мағфират қилгин, менинг ота-онамни ҳам ва уйимга мўмин бўлиб кирганларни ва мўминлару мўминаларни ҳам. Ва золимларга ҳалокатдан ўзга нарсани зиёда қилма», деди».

Нух алайҳиссаломнинг дуолари қабул бўлди. Аллоҳ таоло кофирларни битта ҳам қўймай ҳалок қилди. Чунки улар инсоният баданига тушган қорасон касалидек эдилар. Уларни кесиб ташламаса бўлмас эди.

Қуръони Карим Исломга муҳолифлар билан бўлган тортишувларда ўтган Пайғамбарлар ва уларнинг қавмлари қиссаларини таъсир қилувчи бир ибрат сифатида ишлатган. Шу билан бирга бу қиссалар мушриклардан кўплаб озор еган, машаққат чеккан Пайғамбар алайҳиссалом ва у кишига эргашган мусулмонлар қалбини таскин топтириш ва қувватлантириш учун ҳам зарур бўлгандир.

САРКАШ ҚАВМ ИЛА ТОРТИШУВ

Маъкур ҳолат Нух алайҳиссаломнинг ўзларининг ўта саркаш қавмлари билан олиб борган даъватий жиҳодларининг содда бир кўриниши, холос. Аслида эса У зот узоқ вақт ва турли ҳолат ва шароитларда даъват олиб борганлар. Ана ўша хилма-хилликни яхшироқ англашимиз учун Аъроф сурасидаги Нух алайҳиссалом қиссаларига оид ояти карималарни ҳам ўрганиб чиқайлик.

Аллоҳ таоло бунни қуйидагича баён этади:

«Батаҳқиқ, Биз Нухни ўз қавмига юбордик. Бас, у: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Албатта, мен сизларнинг буюк куннинг азобига гирифтор бўлишингиздан қўрқаман», деди».

Ҳар бир қавмга ўша қавм ичидан танлаб Пайғамбар юбориш-Аллоҳ таолонинг одати. Шу ҳолда бандаларига осон бўлади. Зеро, ўша Пайғамбар ўз қавмининг тилини, урф-одатини, табиатини ва бошқа жиҳатларини яхши билади. Қавмлар ҳам Пайғамбар бўлиб келган зотнинг шахсини яхши танийдилар. Нух алайҳиссалом ўз қавмларига:

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизларга ундан ўзга илоҳ йўқ», дедилар.

Маълумки, Қуръони Каримда «ибодат» лафзи маълум бир диний амаллар тизимини эмас, бутун ҳаётини маълум бир таълимотга, ҳукмга амал қилиб ўтказишни англатади. Шундан хулоса қилиб, Нух алайҳиссаломнинг:

«Аллоҳга ибодат қилинглар», деган кўрсатмаларини, ҳаёти дунёда Аллоҳнинг кўрсатмалари асосида яшанглар, деган маънода тушунамиз. Жамики Пайғамбарлар, асосан, ушбу даъват ила юборилганлар.

«Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ».

«Илоҳ» сўзи ибодатга лойиқ зот, маъносини англатишини яхши биламиз. Демак, юқоридаги маънодан ҳисса: «Сизлар учун, айтганини амалга ошириб, унга бўйсуниб яшашингиз лозим зот Аллоҳ, Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ», дегани бўлади. Яъни, Аллоҳдан бошқа зотнинг ҳукмига бўйинсунмаслик қатъий таъкидланади.

Шу билан бирга, Нух алайҳиссалом ўз қавмига нима сабабдан бундай даъватни қилаётганларини ҳам эслатиб:

«Албатта, мен сизларнинг буюк куннинг азобига гирифтор бўлишингиздан қўрқаман», деди».

Аллоҳнинг, Пайғамбарларнинг ва жумладан, Нух алайҳиссаломнинг ҳам мақсади-қиёмат кунининг азобига бандаларнинг гирифтор бўлмаслиги. Ўшал кун азобига дучор бўлмаслик учун Аллоҳга ибодат қилиш, Унга иймон келтириб, бу дунёда Унинг ҳукмларини адо этиб яшаш керак. Ҳаётнинг ҳамма жабҳасида Унинг айтганларини қилиш, қисқаси, Унинг ҳақ динига мукамал амал қилиш банданинг бирламчи вазифаси. Чунки бу дунёнинг мутлақ ҳокими-Унинг Ўзи.

«Унинг қавмидан бўлган зодагонлар: «Албатта, биз сени очиқ-ойдин залолатда эканингни кўряпмиз», дедилар».

Ҳар бир қавмнинг ўз зодагонлари бўлади. Уларни зодагон қилган, мол-дунёси, пули, куч-қудрати, маккорлиги ва устамонлиги бўлади. Бу зотлар қавм номидан гапириш ҳаққини ўзларига ўзлари берганлар. Шу тоифа зодагонлар Нух алайҳиссалом қавмларида ҳам бор эди.

Улар Нух алайҳиссаломнинг даъватини эшитишлари билан дарҳол ўйламай-нетмай қавм номидан:

«Албатта, биз сени очиқ-ойдин залолатда эканингни кўряпмиз», дедилар».

Кофирлар ҳар қачон иймон, дин ва диёнатни залолат деб номлайдилар. Уларга Аллоҳнинг ҳидоятини олиб келган Нух алайҳиссаломга: «Сен очиқ-ойдин залолатдасан», дейишмоқда.

Ўз қавмидан бундай номаъқул гапларни эшитган Нух алайҳиссалом:

«У: «Эй қавмим, менда залолат йўқ. Балки мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман.

Сизларга Роббимнинг юборганларини етказаман, насиҳат қиламан ва Аллоҳ томонидан сиз билмаган нарсани биламан.

Ўзингиздан бўлган бир кишига, сизларни огоҳлантириш учун ва тақво қилиб, шояд раҳматга эришсангиз деб Роббингиздан эслатма келганидан ажабланасизларми?!» деди».

Пайғамбарларнинг вазифаси кишиларга тушунтириш, даъватни етказиш. Шунинг учун Нух алайҳиссалом қавмларидан ношойиста жавобни эшитган бўлишларига қарамай, уларга ҳақиқатни англатишга ҳаракат қилдилар ва уларнинг кўнгилларини овлаш учун:

«Эй қавмим, менда залолат йўқ...», дедилар.

Яъни, мен сиз ўйлаётгандек, адашганим йўқ. Мен адашувда эмасман.

«Балки мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман».

Ўзимдан-ўзим сизларга сўзлаётганим йўқ. Барча оламларнинг Робби мени сизларга Пайғамбар қилиб юборди. Ўша улуғ вазифани адо этиб мен:

«Сизларга Роббимнинг юборганларини етказаман».

Аллоҳ таоло икки дунё саодатига эришишингиз учун нималар қилишингиз лозимлигини баён қилиб сизларга кўрсатмалар-амрлар, наҳийлар, турли ҳукмлар йўллади. Юборилган бу кўрсатмаларни сизга мен етказяпман, холос. Шу билан бирга, керак бўлиб қолганда, сизларга ўз томонидан:

«насиҳат қиламан».

Чунки мен:

«Аллоҳ томонидан сиз билмаган нарсани биламан».

Худди шу билимим сизларга насиҳат қилиш учун менга имкон беради.

Кейин, оятнинг давомида Нух алайҳиссалом ўз қавмларининг у кишининг Пайғамбар бўлиб келганларидан ажабланганликлари ноўрин эканини ҳамда Пайғамбарликнинг асл мақсадини баён қилдилар:

«Ўзингиздан бўлган бир кишига, сизларни огоҳлантириш учун ва тақво қилиб, шояд раҳматга эришсангиз деб Роббингиздан эслатма келганидан ажабланасизларми?!» деди».

Дарвоқе, кишилар нима учун ажабланадилар? Ахир, ажабланишга ўрин йўқ-ку. Пок, заковатли, ростгўй, ўзида олий инсоний фазилатларни жамлаган бир инсонни Аллоҳ элчи-Пайғамбар қилиб олса, бунинг нимаси ажабланарли? Боз устига, Пайғамбар бўлган инсон уларнинг орасидан бўлса. Улар унинг шахсини яхши билсалар. Бу ҳам етмаганидек, Пайғамбар уларни ёмонликдан қайтариб, Аллоҳнинг раҳматига эришишлари учун жон чекаётган бўлса! Пайғамбар бўлган зот, асосан, одамларга Роббиларидан келган тирик эслатма бўлса! Одатда, ҳар бир инсофли инсонга ҳақиқий мақсад тушунтирилгандан кейин, у бир оз бўлса-да ҳовуридан тушиб, ўзини ўнглаб, ақлини пешлаб, мулоҳаза юритади.

Аммо қалби кўр кофирлар иймон ҳақида ҳар қанча кўп ва хўб панду насиҳат эшитсалар ҳам, ақлларини пешламайдилар, фикр қилмайдилар. Нуҳ алайҳиссаломнинг қавми билан ҳам худди шу ҳол рўй берди. Нуҳ алайҳиссалом уларга куюниб тушунтиришларига қарамай:

Бас, уни ёлғончига чиқардилар. Ҳамда бу ноқулай ҳолат мисли кўрилмаган даражада узоқ давом этди.

«Бас, у улар ичида эллик йили кам минг йил турди» (Анкабут 14)

Нуҳ алайҳиссалом қавмларини тўққиз юз эллик йил давомида иймонга даъват қилдилар. У зотнинг Пайғамбар бўлгунча ҳам, тўфон балосидан кейин ҳам яшаганлари эътиборга олинса, умрлари бундан ҳам узоқ кечгани ойдинлашади.

Бу ҳақда имом Жалолиддин Суютий ўзларининг «Ад-Дуррул Мансур фит-тафсири бил маъсур» китобларида Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломни қирқ ёшлигида Пайғамбар қилиб юборди. У ўз қавмини эллик йили кам минг йил Аллоҳга даъват қилди. Тўфондан кейин олтмиш йил яшади, ҳатто одамлар кўпайиб, кенг дунёни тор қилдилар».

Бир одамнинг минг йилдан ортиқ ҳаёт кечиргани кўпларга ғалати туюлиши мумкин. Лекин бу нарса инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Қуръони Каримда келган хабарни инкор қилган одам кофир бўлади. Аини чоқда, бу ҳол ақл тарозусида тортса бўладиган оддий бир иш. Қадимда кишиларнинг умрлари узун бўлгани ҳаммага маълум. Бунинг устига, оз сонли жонзотларнинг умри узун, адади кўпларники қисқа бўлиши ҳам тажрибада кўрилган. Нуҳ алайҳиссалом инсоният тўфон туфайли қирилиб кетган бир даврда яшаганликлари эътиборга олинса, мазкур умрузоқлик оддий бир ҳол экани билинади. Инсоният деб аташимиздан мурод бутун дунё аҳли эмас, ўша даврда қадимги одамлар манзилгоҳи эндигини ятроқ турмушга ўтган даврлар эди. Шунини ҳисобга олсак, ўша давр учун бу қавм, катта бир бўлак ҳисобланади.

Нуҳ алайҳиссалом даврларидаги синов-имтиҳон Аллоҳ йўлига бировнинг қадам босмай туриб қолишидир. Аллоҳнинг Пайғамбари Нуҳ алайҳиссалом турли йўллар билан тўққиз юз эллик йил даъват қилсалар ҳам, озгина одамдан бошқа ҳеч ким иймонга келмади. Бундай ҳолда кўплар синовга дош бера олмай, қайтиб кетиши мумкин. Аммо ҳақиқий иймон соҳиблари бутун дунё абадий кофир бўлиб ўтса ҳам, ўз иймонларидан қайтмайдилар. Нуҳ алайҳиссаломнинг даврларида ҳам шундай бўлди. Нуҳ алайҳиссалом ва у зотга иймон келтирганлар иймонларида собит қолдилар.

ОХИРГИ ДУОИБАД

Кофирлар эса, шунча йиллар ўтса ҳам, иймонга келмадилар. Уларнинг иймонга келишига ҳеч қанай умид қолмагандан сўнг Нуҳ алайҳиссалом дуоибад қилишга жумладан: «Эй Роббим, шубҳасиз, қавмим мени ёлғончи қилдилар.

Бас, Ўзинг мен билан уларнинг орамизни яхшилаб очгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўминларга нажот бергин» (117-118 оятлар) дейишга мажбур бўлдилар.

Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмининг ўта кетган саркашлигини ҳамда залолатга маҳкам ёпишиб олганини, уларга ваъз-насиҳат таъсир қилмаслигини англаб етдилар. Шунинг учун ҳам илтижо ила Аллоҳ таолога ниҳо айлаб:

«Эй Роббим, шубҳасиз, қавмим мени ёлғончи қилди. Бас, Ўзинг мен билан уларнинг орамизни яхшилаб очгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўминларга нажот бергин», деб дуо қилдилар.

Нуҳ алайҳиссалом аввало ҳолатни баён қилдилар: «Эй Роббим, шубҳасиз, қавмим мени ёлғончи қилди», дедилар. Эй Роббим, мен Сенинг амрларингни етказганимда, ўз қавмим мени ёлғончи қилди. У набокор қавмининг ҳидоятга

юришидан умид узулди. Кейин эса, Нуҳ алайҳиссалом Аллоҳ таолода ўша набокор қавм билан ўз ораларини очик қилиб қўйишни сўрадилар: «Бас, Ўзинг мен билан уларнинг орамизни яхшилаб очгин» Улар билан ормизда ҳеч қандай алоқа қолмайдиган қилгин. Ва ниҳоят, Нуҳ алайҳиссалом ўзларига ва у зотга эргашган мўминларга нажот сўраб: «...ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўминларга нажот бергин», деб дуо қилдилар.

ДУО ҚАБУЛ ВА КЕМА ЯСАШГА АМР

Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломнинг бу дуоларини қабул қилди. «Ва Нуҳга: «Қавмингдан аввал иймон келтирганлардан бошқа ҳеч ким иймон келтирмас ва уларнинг қилмишларидан қайғуга тушмагин. Бизнинг риоятимиз ва ваҳиймиз ила кема ясагин ҳамда зулм қилганлар тўғрисида Менга гап очмагин, албатта, улар фарқ бўлгувчилардир», деб ваҳий қилдик». (Ҳуд сураси 36-37 оятлар)

Керагича даъват қилинди, тушунтирилди, иймонга келадиганлар келиб бўлди. Қолганлар гап-сўз, насиҳат таъсир қилмайдиганлардир. Энди улар иймон келтирмайдилар. Эй Нуҳ!

«Қавмингдан аввал иймон келтирганлардан бошқа ҳеч ким иймон келтирмас ва уларнинг қилмишларидан қайғуга тушмагин».

Сен ўз вазифангни бажариб қўйдинг. Улардан сенга зарар етмайди. Улар нима бўлса, бўлдилар. Уларни Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қил. Ўзинг эса: «Бизнинг риоятимиз ва ваҳиймиз ила кема ясагин».

Кема ясашингни Биз риоямизга оламиз ва Ўзимиз ваҳий орқали ўргатиб турамыз. «Ҳамда зулм қилганлар тўғрисида менга гап очмагин, албатта, улар фарқ бўлгувчилардир». Иймон келтирмаганлар ўзларига катта зулм қилдилар, улар азобга дучор бўладилар, албатта, ҳаммалари фарқ бўлиб кетадилар. Сен эса, уларни кечириб, азобдан сақлаб қолиш ҳақида Менга сўз очма. Уларнинг куни битган. Энди ҳеч нарсани ўзгартиб бўлмайди.

«У кема ясамоқда. Ўз қавмидан бўлган зодагонлар қачон олдидан ўтсалар, уни масхара қилдилар. У: «Агар бизни масхара қилсангиз, биз ҳам худди сиз бизни масхара қилганингиздек сизни масхара қилурмиз. Бас, яқинда кимга шарманда қилувчи азоб келишини ва кимнинг устига муқим азоб тушишини билиб олурсиз», деди». (Ҳуд сураси 38-39 оятлар)

Аллоҳнинг амрини бажо келтириб, Пайғамбари Нуҳ алайҳиссалом «кема ясамоқда». У зот яқинда келадиган тўфондан ўзларининг ва иймон келтирган оз сонли кишиларнинг қутулиб қолишига сабаб бўлгучи кемани ясамоқдалар. Пайғамбар ўлароқ, Аллоҳнинг ваҳийсини қабул қилиб олган шахс ўлароқ, бутун вужуд ила берилиб кема ясамоқдалар. У зотнинг бу ҳаракатлари кофир қавмларга кулгили кўринди. У киши кема ясамоқдалар-у: «Ўз қавмидан бўлган зодагонлар қачон олдидан ўтсалар, уни масхара қилдилар».

Кечагина, Пайғамбарман, Аллоҳдан менга ваҳий келди, деб юрган одам бугун нажзорлик қилиб кема ясаши улар учун кулгили эди. Лекин Нуҳ алайҳиссалом бу ишни ўзларича қилаётганлари йўқ. Кема ясаш ҳам Аллоҳнинг ваҳийси ила бўлмоқда. Шунинг учун у зот мутлақо жиддийлик билан ишламоқдалар ва мутлақо мустаҳкам ишонч ила: «Агар бизни масхара қилсангиз, биз ҳам худди сиз бизни масхара қилганингиздек сизни масхара қиламиз», дедилар.

Чунки у зот Аллоҳдан келган ваҳий орқали ўзларининг қутулиб қолишларини ва масхара қилаётган кофирларнинг ғарқ бўлишларини яхши биладилар. Шунинг учун сўзларининг давомида:

«Бас, яқинда кимга шарманда қилувчи азоб келишини ва кимнинг устига муқим азоб тушишини билиб олурсиз», деди».

Азоб кимга келади, бизгами, сизгами, ўшанда кўрамиз. Ана ўшанда ҳақиқий масхара қилиш вақти келади.

ТЎҒОН

Мана, ўша вақт ҳам келди: Токи Бизнинг амримиз келиб, таннур ғаввора отганда: «У(кема)га ҳар нарсадан бир жуфтдан ва аҳлингни ол, магар аввал сўз кетганни (олма) ва иймон келтирганларни ҳам ол», дедик. У билан бирга иймон келтирганлар жуда оз эди». (Ҳуд сураси 40 оят)

Бунақа ҳолатларда ҳар-хил гаплар бўлиши аввалги тафсирларимизда айтилган. «Таннур» нима, катталиги қанча, ғаввора қандай отилган, кемага нималар чиққану қандай чиққан, қайсиниси олдин чиққану, қайсиниси кейин чиққан ва ҳақозо гаплар кўп. Бунга ўжшаш нарсалар эски пайтда «исроилиёт» деб номланмиш яҳудийларнинг қиссаларидан баъзи китобларимизга ўтиб қолганини муҳаққиқ олимларимиз алоҳида ўрганиб, исбот қилганлар. Бу ишларни тушунган ҳолда улардан иложи борица четланганимиз маъқул. Ишончли бўлмаган хабарга асоссиз турли ривоятларга суяниб, гапни кўпайтиришнинг ҳожати йўқ. Қуръони Каримда айтилганининг ўзи етарли. Тарих, жуғрофия илмларига келганда ижтиҳод қилиш эмас, аниқ маълумотлар керак. Қуръони Карим эса, ҳидоят китоб бўлганидан асл эътиборни ибратга қаратган. Мисол учун, ушбу тўғон ҳодисасида бизга таннурнинг катталиги ёки ундан ғаввора қандай отилиб чиққанлиги эмас, балки нима учун тўғон бўлиб, оламни босдию бу ҳодисадан қандай ибрат олишимиз кераклиги муқим. Агар таннурнинг шакли ёки шунга ўжшаш бошқа маълумот биз учун зарур бўлганда Қуръони Каримда зикр қилинган бўларди. Аллоҳ таоло ушбу оятда тўғон ҳодисасининг бошланишидан хабар бермоқда: «Токи Бизнинг амримиз келиб, таннур ғаввора отганда».

Яъни, тўғон бўлиши ҳақидаги фармонимиз келиб, таннурдан сув отилиб чиқа бошлаган вақтда Нуҳга хитоб қилиб дедик: «У(кема)га ҳар нарсадан бир жуфтдан ва аҳлингни ол, магар аввал сўз кетганни (олма)». Яъни, маҳлуқотларнинг ҳар туридан бир жуфтдан-бир эркак, бир урғочи (қилиб) ол, дедик. Шунингдек, аҳлинг-оила аъзоларингни ҳам ол. Магар, аҳлингдан олдин олмасликка, ҳалок бўлишига сўз кетиб қолганларини олма, дедик. Нуҳ алайҳиссалом оиласидан ҳалок бўлишга сўз кетиб қолганлар-хотини билан бир ўғли. Уларни кемага олмасликни амр қилинди. Шунингдек: «ва иймон келтирганларни ҳам ол», дедик». Бундан кейин Аллоҳнинг ўзи: «У билан бирга иймон келтирганлар жуда оз эди», деб баён қилмоқда. Ҳа, Нуҳ алайҳиссалом узоқ вақт-эллик санаси кам минг йил даъват қилишларига қарамай, саркаш қавмнинг озгинасидан бошқаси иймонга келмади. Шу сабаб ила бу тузалмас дардисарларни дунё танасидан бутунлай кесиб ташлаш учун Аллоҳ ҳаммасини ғарқ этишни ирода қилди. «Ва у: «Кемага мининглар, унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳнинг исми ила бўлур. Албатта, Роббим мағфиратли ва раҳмлидир», деди». (Ҳуд сураси 41 оят) Яъни, Нуҳ алайҳиссалом тўғон бошланганида, ўзлари билан олишлари керак бўлганларга қараб: «Кемага мининглар, унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳнинг исми ила бўлур», дедилар.

Кеманинг ҳар бир лаҳзаси Аллоҳнинг риояси ва ҳимояси остида бўлишига ишоратан айтилган гап. Яъни, қўрқманглар, қанчалик катта ва даҳшатли тўғон бўлса ҳам, бу кемага зарар қилмайди. Аллоҳ таолонинг ўзи уни сақлашни

зиммасига олган, демоқдалар. «Албатта, Роббим мағфиратли ва раҳмлидир», деди». Яъни, Аллоҳ кофирларни ғарқ қилиб, бутунлай йўқ қилиб юбораётган бўлса ҳам, У зотнинг мағфират қилувчилиги ва раҳмлиги сифатлари барқарор, У бизларни-кемага чиқадиганларни мағфират қилади ва бизга раҳмдиллик кўрсатади, дедилар. «Ва у (кема) уларни тоғлардек тўлқинда олиб кетаётганида, Нуҳ бир четда турган ўғлига: «Эй ўғлим, биз билан бирга мингин, кофирлар билан бирга бўлмагин», деди». (Ҳуд сураси 42 оят)

Тўфон даҳшатли тус олиб келарди. Нуҳ алайҳиссалом ва шериклари нажот кемасига минганларидан сўнг, у кема уларни тоғлардек бўлиб мавж ураётган тўлқинлар устида олиб кета бошлади. Шу пайт Нуҳ алайҳиссалом ўғиллардан бирининг бир четда ажралиб турганини кўрдилар. Даҳшатли тўфондан-да оталик меҳрлари устун келиб: «бир четда турган ўғлига: «Эй ўғлим, биз билан бирга мингин, кофирлар билан бирга бўлмагин», деди».

Аmmo оқпадар ўғил, ёшлик ғурури ила жавоб бериб: «У (ўғил): «Тоққа жойлашиб олсам, мени сувдан сақлайди», деди. У эса: «Бугун Аллоҳнинг амридан сақловчи йўқдир. Магар кимни раҳм қилсагина (сақлар)», деди. Шунда ораларини тўлқин тўсди ва у (ўғил) ғарқ бўлганлардан бўлди». (Ҳуд сураси 43 оят) Кофир бўлгандан кейин қийин экан. Улуғ Пайғамбар бўлмиш отанинг гапини эшитиб туриб ҳам, бостириб келаётган даҳшатли тўфонни кўриб туриб ҳам: «Тоққа жойлашиб олсам, мени сувдан сақлайди», деди.

Кофир ўзи ўрганиб қолган тор доирада ўйлайди. Аллоҳнинг амри келганда одатдаги сабаблар иш бермай қўйишини хаёлига ҳам келтира олмайди. Аммо бу ҳақиқатни яхши англаган Нуҳ Пайғамбар алайҳиссалом эса, яна оталик меҳри ила мазкур ҳақиқатни болаларининг қалбига солишга ҳаракат қилиб:

«Бугун Аллоҳнинг амридан сақловчи йўқдир. Магар кимни раҳм қилсагина (сақлар)», деди». Аллоҳнинг азоби келгандан кейин, ҳеч кимни, ҳеч нарса қутқара олмайди. Тоғу тош ҳам, ундан бошқаси ҳам. Кофирларни тўфон балоси ила ҳалок этишга Аллоҳнинг иродаси кетган. Уларни бирортасини ҳам, ҳеч ким, ҳеч нарса қутқара олмайди. Илло, Аллоҳ ўзи раҳм қилган бандаларини нажот кемасида қутқариб қолишни ҳам ирода қилган. Ота-боланинг гапи шу ерга етганида: «ораларини тўлқин тўсди ва у (ўғил) ғарқ бўлганлардан бўлди». Бошқа кофирларнинг барчасини ғарқ қилганидек, уни ҳам тўфон балоси олиб кетди.

ТЎФОН БИТДИ

Вақти-соати етиб, тўфон тинчиди. Дунёни сукунат босди.

«Эй ер, сувингни ютгин, эй осмон, ўзингни тутгин», дейилди. Сув қуриди. Фармон бажарилди ва (кема) Жудий (тоғи)га жойлашди. Ҳамда «Золим қавмлар йўқолсин!» дейилди». (Ҳуд сураси 44 оят)

Ҳаммаси Аллоҳнинг амри ила бўлди. Тўфон вақтида ўзига заррача сув сингдирмаган замин, «Эй ер, сувингни ютгин» хитобига биноан ҳамма сувни ютди. Тўфон вақтида тинмай жала қуйдириб турган само «эй осмон, ўзингни тутгин» амрига биноан ўзини тутди. Ундан бир томчи ҳам сув тушмай қолди.

«Сув қуриди. Фармон бажарилди ва (кема) Жудий (тоғи)га жойлашди».

Эски тафсир китобларимизда Жудий тоғи қаерда эканлиги ҳақида турли ривоятлар келтирилган. Лекин, аввал айтилганидек, илмий асосда исбот этилмагандир. Ҳозир у тоғ бугунги Туркия ҳудудларида экани собит бўлди. Мазкур кеманинг қолдиқлари ҳам топилди. «Ҳамда «Золим қавмлар йўқолсин!» дейилди». Одатда, ёқмаган шахс ёки жамоадан қутулганда шунга ўхшаш гап айтилади. Кофирларни тўфон ғарқ қилиб, улардан мўминлар қутулганда шу гап айтилди. Шу пайт Нуҳ алайҳиссаломнинг оталик меҳрлари яна жўш урди ва:

«Нуҳ Роббига нидо қилиб: «Роббим, албатта, ўғлим аҳлимдандир, албатта, ваъданг ҳақдир ва Сен ҳукм қилгувчиларнинг энг ҳикматлисисан», деди». (Ҳуд сураси 45 оят) Яъни, бу билан Нуҳ алайҳиссалом, эй Роббим, Сен менга аҳлингни қутқараман, деб ваъда берган эдинг, ўғлим аҳлимдан-ку, ўша боламини менга бергин, Ўзинг ҳикмат ила ҳукм чиқаргувчи зотсан, демоқчилар. Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломнинг бу нидоларига қуйидагича жавоб берди:

«У зот: «Эй Нуҳ, албатта у аҳлингдан эмас. Албатта, у яхши амал эмасдир. Ўзингнинг илминг бўлмаган нарсани зинҳор сўрамагин. Мен сенга жоҳиллардан бўлмаслигингни насиҳат қиламан», деди». (Ҳуд сураси 46 оят)

Ушбу оятда Аллоҳ таоло улуғ ҳақиқатни-кишилар орасидаги ҳақиқий боғлиқлик риштаси қон, ирқ, насл билан эмас, балки иймон билан эканлигини баён қилмоқда. У зот Нуҳ алайҳиссаломга хитоб қилиб: «Эй Нуҳ, албатта у аҳлингдан эмас», демоқда. Яъни, у ўғлинг сенинг сулбингдан бўлгани, жигаргўшанг экани билан, аҳлинг эмас. Чунки: «Албатта, у яхши амал эмасдир». Яъни, унинг қилган иши яхши эмас. У кофирлик қилди. У кофирлиги билан сенинг аҳлингдан бўла олмайди. Иймони борлар сенинг аҳлинг бўлади.

«Ўзингнинг илминг бўлмаган нарсани зинҳор сўрамагин». Ўғлингни аҳлимдан деб қутқаришни сўраганингдек. «Мен сенга жоҳиллардан бўлмаслигингни насиҳат қиламан, деди». Билмаган нарсаларингни сўрайвериб, жоҳиллар қаторига қўшилиб қолмагин, дейман. Мисол учун, юқоридаги саволинг билан инсонлар орасидаги ҳақиқий алоқа иймон алоқаси эканидан, аҳл деганда кимни эътиборга олиш кераклигидан, Аллоҳ Ўз ваъдасини қандай бажарганидан беҳабарга-жоҳилга ўхшаб кўринаясан. Ҳолбуки, Аллоҳ иймонли қалблар ўртасидаги риштани ҳар қандай алоқадан устун қўяди, аҳл деганда, иймонли аҳлни кўзда тутди. Аҳлингни қутқазишга ваъда берган бўлса, сенга ҳақиқий аҳл бўлганларни тўфон балосидан халос этиб қўйди. Нуҳ алайҳиссалом шошилиб Аллоҳдан паноҳ сўради. «У: «Роббим, мен ўзимнинг илмим бўлмаган нарсани Сендан сўрамоқдан паноҳ тиларман. Агар мени мағфират қилмасанг ва менга раҳм кўрсатмасанг, зиён кўргувчилардан бўлурман», деди». (Ҳуд сураси 47 оят) Ўзини билган одам учун бир оғиз гап кифоя қилади. Нуҳ алайҳиссалом керакли хулосани чиқариб олдилар. Энди юқоридагига ўхшаш саволларни бермасликка қарор қилдилар. Ҳамда Аллоҳ таолодан мағфират ва раҳмат сўрадилар. Аллоҳ таоло у зотга сўраган нарсаларини берди.

«Эй Нуҳ, Биздан Сенга ва сен билан бирга бўлган умматларга бўлган тинчлик ва баракотлар ила (кемадан) тушгин. Яна бир умматлар бўлур, уларни бир оз ҳузурлантирурмиз, сўнгра уларни Биздан бўлган аламли азоб тутар», дейилди». (Ҳуд сураси 48 оят)

Яъни, сенга ва иймонли умматларга биздан салом-тинчлик ва хайру баракотлар бўлади, кемадан тушиб, истиқомат қилаверинглар. Аммо дунё ҳузурини кўзлаганлар бўлса, уларни бу дунёда истаган нарсалари билан бир оз ҳузурлантираамиз, лекин оқибатда уларни Биз томондан аламли азоб тутди. Тарихчилар таъкидлашларича, Нуҳ алайҳиссалом билан нажот кемасида саксон киши ўз оилалари билан бўлган. Улар кемада бир юз эллик кун бўлганлар. Нуҳ алайҳиссалом мустақил шариат ила келган биринчи пайғамбар бўлдилар. Нуҳ алайҳиссалом ширкдан огоҳлантирган биринчи пайғамбар бўлдилар. Нуҳ алайҳиссалом пайғамбарларнинг шайхи номини олганлар.

Аллоҳ таоло «Анъом» сурасида: «Бундан олдин Нуҳни ҳам ҳидоят қилган эдик. Ва унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо, Ҳорунни (ҳам ҳидоят қилдик). Чиройли амал қилувчиларни ана шундай мукофотлаймиз», деган. Нуҳ алайҳиссалом энг кўп умр кўрган инсон ва пайғамбардирлар. У зот тарихчиларнинг таъкидлашларича Маккаи Мукаррамада, масжидул ҳаромнинг яқинига дафн қилинганлар.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ



Кейинги пайтларда ўтказилган археологик, геологик ва тарихий тадқиқотлар мазкур ҳодисани айти Қуръонда англатилган шаклда содир бўлганлигини исботлади. Қадимга оид кўпгина ўймақори тош ва тахталарда, тарихий ҳужжатларда тўфон воқеаси, киши ва жой номларида бир оз фарқли аммо бошқа кўпгина тамойиллари ўхшаш ҳолда англатилган ва йўлдан озган қавмнинг бошига келган бу балолар бир ибрат ўлароқ замондошларга тақдим этилган. Тўфон ҳодисаси Таврот ва Инжилдан ташқари, Сумар, Оссур-Бобил ёзувларида, Юнон фалсафаларида, Ҳиндистон саталатҳа, Брахман ва Маҳобҳорат дostonларида, зардуштийларнинг муқаддас китоби Авестода, Британиянинг Галлер атрофларида нақл қилинган баъзи афсоналарда, Скандинавия Адна афсоналарида, Литва афсоналарида ва ҳатто Хитойда топилган тош бўртмаларда ҳам ўзаро жуда ўхшаш шаклда ҳикоя қилинган. Бир-биридан ва тўфон содир бўлган жойдан ҳам жуғрофий, ҳам маданий жиҳатдан шунчалар узоқ бўлган жамиятларда "Тўфон"га алоқадор бундай тафсилотли ва ўзаро мувофиқли маълумотлар қандай ўрнашиб қолган? Бу саволнинг жавоби аниқ эски даврларда бу халқлар орасида ҳозиргидек ўзаро алоқа мавжуд бўлмагани ҳолда уларнинг ёзувларида айти ҳодисадан баҳс юритилиши шуни кўрсатадики, демак, аслида бу инсонлар бир илоҳий манбадан маълумот олганлар. Яна демак, тарихнинг энг буюк ҳалокат воқеаларидан бири бўлган Тўфон ҳодисаси турли қавмларга жўнатилган кўпгина пайғамбарлар тарафидан ибрат учун тушунтирилган ва шу йўл ила Тўфон билан алоқадор маълумотлар турли маданиятлардан жой олган. Тўфон воқеаси ва Нуҳ қиссаси кўпгина маданият ва диний манбаларда англатилган, аммо у манбаларнинг бузилиши, уларга ўзгартиришлар киритилиши ва католикларга йўл қўйилиши сабабли анча-мунча аслидан узоқлашган. Тўфон ҳодисаси тўғрисидаги ҳикоялар орасида илмий топилмаларга том мувофиқ келадиган ягона тушунтириш Қуръони Каримдир. Таврот (бузилган матн) да таъкидланишича, бу тўфон умумбашарий бўлган ва бутун дунёни қамраб олган. Аксинча, бунга алоқадор Қуръон оятларидан кўриниб турибдики, тўфон ҳудудий бўлган ва бутун дунё эмас, балки фақатгина Нуҳ Пайғамбар (а.с.)ни

инкор этган қавмига жазога лойиқ, деб топилган. Бу тўфонда ҳалок қилинганлар Нуҳ(а.с.)нинг хабарларини рад этиб, ўз раддияларида қатъий турган одамлар эдилар. Қуръонда мазкур тўфоннинг умумбашарий бўлганлиги қайд этилмаган. Қуйидаги оятларда бу хусусда шундай хабар берилади: Дарҳақиқат, Нуҳни ўз қавмига(пайғамбар қилиб) юбордик. (У деди): «Мен сизларга аниқ огоҳлантирувчиман. Аллоҳдан ўзгага сиғинмангиз! Мен сизларга аламли азоб(келиши)дан қўрқаман.» («Худ» сураси, 25-26-оятлар) Шунда уни ёлғончига чиқардилар. Бас, (Биз) уни ва у билан бирга(имон келтирган)ларни кема ичида(сақлаб, тўфондан) қутқардик ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларни(сувга) фарққилдик. Улар(қалби) кўр кишилар эди. («Аъроф» сураси, 64-оят) Шоҳиди бўлиб турганимиздек, Қуръон бизга бутун дунё эмас, балки фақатгина Нуҳ Пайғамбар(а.с.)нинг қавми ҳалок қилинганлиги тўғрисида хабар беради. Насроний ва яҳудийларнинг муқаддас диний китоблари(яъни Таврот ва Инжил)да бузиб кўрсатилган изоҳларнинг Қуръонда тузатилиб хабар берилиши, унинг бутунлигича Аллоҳ томонидан туширилган бир китоб эканлигини тасдиқлайди. Тўфон содир бўлган, деб тахмин қилинган ҳудудда олиб борилган қазишмалар ҳам тўфон бутун ер юзида эмас, балки Месопотамиянинг бир қисмига таъсир ўтказган кенг кўламли фалокат бўлганлигини кўрсатди. Сувлар пасайгач, кема тўхтади. Қуръонда ваҳий қилинганидек, кеманинг тўхташ жойи ал-Жудий бўлган. Гарчи арабча «жуудии» сўзининг ўзи «баланд жой, тепалик» деган маъноларни англатса-да, у баъзида маълум бир тоғни англатиш учун ҳам қўлланилади. Мана шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, «жуудии» сўзи барча ерларни қамраб олиш эмас, балки фақат муайян бир баландликка етган сувларни назарда тутди. Бошқача қилиб айтганда, биз Қуръондан тўфоннинг (яҳудийларнинг муқаддас диний китоби ва бошқа афсоналарда таъкидланганидек) Ер юзидаги барча ерларни ва ҳамма тоғларни эмас, балки маълум бир жойни ютганлигини билиб оламиз.


ТЎФОННИНГ АРХЕОЛОГИК ДАЛИЛЛАРИ



Агар, мисол учун, табиий офат, тўсатдан рўй берган кўчиш ёки уруш цивилизациянинг барбод бўлишига сабаб бўлса, ўша цивилизацияга оид излар яхши сақланади. Одамлар яшаган уйлар ва улар ўз кундалик ҳаётида ишлатган нарсалар тезда тупроқ остида кўмилиб кетади. Булар шу тарзда узоқ муддат инсон қўллари тегмаган ҳолда сақланади. Ўтмишни ўрганувчи талабалар учун (ожир-оқибат улар маълум бўлгач) улар бебаҳо манбага айланади. Кейинги пайтларда Нуҳ

тўфонига оид кўплаб далилларнинг кашф қилиниши дунёнинг энг машҳур археолог ва тарихчи олимларининг эътиборини тортди. Милоддан аввалги


тахминан 3000 йилда содир бўлган, деб ҳисобланадиган тўфон бутун цивилизацияни йўқ қилди ва унинг ўрнига бутунлай янги цивилизациянинг ташкил топишига имкон яратди. Тўфондан қолган далилларнинг минглаб йиллар давомида сақланиб қолиши ёвузлар олган бу жазодан сўнг келган одамлар учун ибрат бўлади. Месопотамия текислигида ва унинг атрофида содир бўлган тўфонни ўрганиш учун кўплаб археологик қазишмалар амалга оширилди. Бунинг натижасида, Месопотамия текислигидаги тўрт асосий шаҳар: Ур, Урук, Киш ва Шуруппакларда тўфондан қолган аломатларга дуч келинди. Бу шаҳарларда ўтказилган археологик қазишмалар мазкур шаҳарларнинг милоддан тахминан 3000 минг йил аввал тўфон остида қолганлигини кўрсатди. Ур шаҳрини ўрганиш орқали қилинган археологик кашфиётлар у ердаги цивилизация даҳшатли тўфон орқали тўхтатилганлиги ва унинг ўрнига янги цивилизация аста-секин пайдо бўлганлиги ҳақида бизга аниқ маълумот берувчи далилларни ошкор қилди. Леонард Вулли Бағдод ва Форс кўрфази ўртасидаги чўл зонасида Британия музейи ва Пенсильвания университети томонидан олиб борилган ҳамкорликдаги қазишма Ур шаҳрини ўрганиш орқали қилинган археологик кашфиётлар у ердаги цивилизация даҳшатли тўфон орқали тўхтатилганлиги ва унинг ўрнига янги цивилизация аста-секин пайдо бўлганлиги ҳақида бизга аниқ маълумот берувчи далилларни ошкор қилди. Леонард Вулли Бағдод ва Форс кўрфази ўртасидаги чўл зонасида Британия музейи ва Пенсильвания университети томонидан олиб борилган ҳамкорликдаги қазишма ишларига раҳбарлик қилди. Вуллининг қазишмалари немис археологи Вернер Келлер томонидан қуйидагича тасвирланади: «Ур қиролларининг қабрлари» - археологларнинг белкураклари ибодатхонанинг жанубидаги эллик фўтли тепаликда ишга тушиб, тупроқ остида



Археологик топилмаларга кўра, Нуҳ тўфони Месопотамия текислигида содир бўлган бўлиб, унинг шакли ҳозирги кўринишдан жуда катта фарқ қилар эди. Юқоридаги диаграммада текисликнинг бугунги кундаги чегаралари нуқтали қизил чизиқ билан кўрсатилган. Бу чизиқдан ташқарида бўлган кенг ҳудуд ўша пайтда денгизнинг бир қисми бўлганлиги маълум.

қолиб кетган қабрларнинг бир узун қаторини топгач, уларнинг кашф қилинганлигидан хурсандчиликдан жўшиб кетган Вулли шу тариқа чинданда шоҳона шукуҳли Шумер зодагонларининг қабрларини қайта тиклади. Тош ертўлалар ҳақиқий хазина сандиқлари эди, чунки улар қимматбаҳо қадаҳлар, ажойиб шаклли кўзалар, вазалар, бронзадан ясалган овқатланиш буюмлари, садаф кошнлар, ложувардлар билан тўлиб-тошган, чангга беланган жисмлар кумуш билан қопланган эди. Арфа ва чилторлар деворда осилганича турар эди... Бир неча кунлардан сўнг Вуллининг ишчилари унга «биз ертўлага етдик», деб айтганида, у қониқиш ҳосил қилиш учун

қазилган шахта қудуғидан пастга қараб отилди. Даставвал Вуллининг хаёлидан «мана, ниҳоят», деган ўй кечди. У ерни фақат сув орқалигина тўпланиши мумкин бўлган қум, тоза қум босган эди. Улар ковлашни давом эттириш ва шахта қудуғини чуқурроқ қазишга қарор қилдилар. Белкураклар ерга чуқурроқ ва яна чуқурроқ ботар эди: уч фут, олти фут ва ҳануз тоза лой. Ногаҳон, ўнинчи футга келиб лой қатлами қанчалик қўққисдан бошланган бўлса, шунчалик бехосдан ниҳоясига етди. Деярли ўн фут қалинлиқтаги бу гил қуйқаси остида улар инсон яшаган макондан далолат берувчи аниқ далилларга дуч келдилар... Урдаги тепалик остида маконнинг икки даврини бир-биридан аниқ ажратиб турган бу улкан гил қуйқасига нисбатан берилиши мумкин бўлган яккаю ягона изоҳ сув босқини демакдир... Микроскопик таҳлиллар Урдаги тепалик остида ҳосил бўлган бу улкан гил қуйқаси қадимги Шумер цивилизациясини маҳв этишга қодир бўлган катта ва қудратли сув босқини оқибатида тўпланганлигини кўрсатди. «Гилгамеш» достони ва «Нуҳ» ҳикояси Месопотамия саҳроси остида чуқур қазилган бу шахта қудуғида бирлашган эди. Макс Малловен бир зумда бундай улкан аллувий массасининг ҳосил бўлиши баҳайбат сел фалокати натижасида юз бериши мумкинлигини айтган Леонард Вуллининг ўй-фикрларини сўзлаб берди. Вулли, шунингдек, Шумернинг Ур шаҳрини Ал-Убайд шаҳридан (унинг аҳолиси тўфондан қолган сирланган сопол идишлардан фойдаланар эдилар) ажратган сув босқини қатламини ҳам таърифлаб берди. Ур шаҳридаги (бугунги кунда у Талл ал Муққайяр номи билан маълум) цивилизация қолдиқларининг энг эскиси милоддан аввалги 7000 йилга бориб тақалади. Инсон цивилизациясининг



Месопотамия текислигида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида қалинлиги 2,5 метр (8 фут) бўлган лой ва гил қатламининг мавжудлиги аниқланди. Бу қатлам, шубҳасиз, тўфон сувлари орқали ташиб келинган гилдан иборат бўлиб, у фақатгина Месопотамия текислиги остида учрайди.

Месопотамия шаҳри эса ҳозирги кунда Талл ал-Уҳаймер номи билан маълум бўлган шумерликларнинг Киш шаҳридир. Қадимий Шумер қайдно-маларида бу шаҳар «Буюк тўфондан сўнг пайдо бўлган илк сулола манзили» деб тасвирланади. Ҳозирги кунда Талл ал-Фара деб аталадиган жанубий Месопотамиядаги Шуруппак шаҳри ҳам тўфон изларини ўзида акс эттиради. Бу шаҳарда 1920-1930 йиллар орасида Пенсильвания университети ходими Эрик Шмидт

энг қадимий намуналаридан бири бўлган Ур шаҳри биринкетин туғилган ва йўқ бўлган цивилизациянинг макони бўлган ҳудуддир. Бу далиллар Ур шаҳри тўфон таъсири остида қолган жойлардан бири бўлганлигини тасдиқлайди. Немис археологи Вернер Келлер назарда тутилаётган қазишмаларнинг аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. У ўз сўзини давом эттирар экан, Месопотамияда олиб борилган археологик қазишмаларда балчиқли қатлам остида қолган шаҳар қолдиқларининг ҳосиласи бу ҳудудда чиндан ҳам сув босқини бўлганлигини исботлашни таъкидлайди. Тўфоннинг изларини ўзида акс эттирган бошқа бир

томонидан археологик тадқиқотлар ўтказилди. Бу қазилмалар тарихдан илгариги сўнгги йиллардан Урнинг 3 сулоласи даври (мил. ав. 2112-2004 йиллар) гача чўзилган ҳаётнинг учта қатламини ошкор қилди. Энг эътиборга молик топилмалар маъмурий қайдлар ва сўзлар рўйхати келтирилган ёзув тахталари билан бирга яхши қурилган уйларнинг вайронаси бўлиб, улар милоддан аввалги тўртинчи минг йиллик охирида юқори тараққий этган жамиятнинг аллақачон мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Агар зукко олимларнинг фикрлари текшириб кўрилса, аниқки, улар тўфон тафсилотига таянч бўлувчи далил жуда кучли эканлигини таъкидлайдилар. Бу фикрга кўра, ушбу даҳшатли сув тошқини тахминан милоддан аввалги 3000-2900 йилларда содир бўлган. Малловеннинг айтишича, ердан 4-5 метр пастда, Шмидт гил ва қум аралашмасидан ҳосил бўлган (сув тошқини орқали юзага келган) сариқ тупроқ қатламга етган. Бу қатлам қўрғон профилига қараганда текислик сатҳига яқинроқ бўлган ва уни қўрғоннинг ён-атрофида кузатиш мумкин эди. Жамдат Наср даврини Қадимги қироллик замонидан ажратиб турувчи бу гил ва қум аралашмасидан ҳосил бўлган қатламни Шмидт «келиб чиқиши дарёдан бўлган бир қум» деб таърифлади ва уни Нуҳ тўфони билан боғлади. Қисқаси, Шуруппак шаҳридаги археологик қазилмалар сув тошқинининг излари милоддан аввалги тахминан 3000-2900 йилларга бориб тақалишини ошкор қилди. Бошқа шаҳарлар билан бирга Шуруппак ҳам, шубҳасиз, тўфон остида қолган. Тўфон остида қолганлигидан далолат берувчи охириги жой Шуруппакнинг жанубидаги Урук шаҳридир. Бугунги кунда у Талл ал-Варка номи билан маълум. Худди бошқа шаҳарлардаги каби, бу ерда ҳам сув босқини қатлами топилган. Бошқа шаҳарларга ўхшаб, бу сув босқини қатлами ҳам милоддан аввалги 3000-2900 йилларга бориб тақалади. Фурот ва Дажла дарёлари Месопотамияни бу бошидан у бошигача ажратиб туради. Бу ерда шу нарса англашиладики, қадимги даврда бу икки дарё бошқа барча катта-кичик сув манбалари билан бирга, ёмғир сувлари билан қўшилиб, даҳшатли сув тошқинини келтириб чиқарадиган даражада тошиб кетган. Бу ҳодиса Қуръонда қуйидагича зикр этилади: «Биз осмон дарвозаларини тинимсиз) қуйилувчи сув билан очиб юбордик. Яна ердан булоқлар чиқариб қўйдик. Бас, (осмон ва Ер) суви тақдир қилиб қўйилган бир иш узра учрашдилар. Уни (Нуҳни) эса тахталар ва михлар ёрдамида ясалган кемада кўтардик». («Қамар» сураси, 11-13-оятлар) Тадқиқот натижасида қўлга киритилган кашфиётлар яхшилаб ўрганиб чиқилса, тўфоннинг бутун Месопотамия текислигини қоплагани маълум бўлади. Тўфоннинг изларини ўзида акс эттирган Ур, Урук, Шуруппак ва Киш шаҳарлари кетма-кетлигига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг бир чизиқда ётишини кўраемиз. Бундан ташқари, милоддан аввалги тахминан 3000 йилларда Месопотамия текислигининг географик тузилиши унинг бугунги кундаги кўринишидан кескин фарқ қилар эди. У даврларда Фурот дарёсининг ўзани бугунги кундагига қараганда анча шарқ томонда, унинг йўли эса Ур, Урук, Шуруппак ва Киш орқали ўтувчи бир чизиқда ётар эди. Шунинг учун, Фурот дарёси ўз қирғоқларини ёриб ўтиб, бу тўрт шаҳарни вайрон қилган, деган маъно анг-лашилади. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Аллоҳ Нуҳ тўфони хабарларини ўша замонда яшаган одамлар учун ибрат, ундан кейин яшаганларга эса қимматли сабоқ бўлсин учун етказди. Пайғамбар ва китоблар воситасида Аллоҳ турли қавмларга йўриқнома йўллади. Бироқ Унинг пайғамбарлари томонидан одамларга етказилган матнларнинг асли ҳар сафар ўзгартирилар эди. Одамлар тўфоннинг ҳақиқий тафсилотига маданий, мистик ва мифологик унсурларни қўшар эдилар. Қуръон Аллоҳдан эканлиги ва У уни абадий ўз ҳолича сақлаб қолиши туфайли, у ўтмишнинг археологик топилмаларига тўғри келувчи ягона манбадир.

Тарих дарсликлариди, хусусан, қадимги тарих бўлимида бу табиий офатни Фрот ва Дажла дарёларининг ҳар йилги қиш фаслидаги ўзанидан чиқиб кетиб кўтарилиши ва сурункали ёмғирлар бўлиши натижасида юқоридаги табиий офат "Афсона" пайдо бўлган дейилади. Мазкур "Афсона" дея талқин қилинган ходиса аслиятда бўлганлигини биз юқорида археологик далиллар асосида ўрганиб чиқдик. Агар бу кучли ходиса ҳар йили қишда содир бўлаверганда, бу водийда шумерлар ва аккадларнинг жойлашуви бўлмас эди. Бу тошқин ва жалалар ҳар йили бўлган бўлиши мумкин, лекин ваҳимали даражада тус олмасди. Бу пайтда шумерликлар дарёлардан сал узоқроқ жойда дам олишган. Сўнгра ерлар тошқин туфайли суғорилиб бўлгандан кейин одамлар соҳил бўйидаги эрларига келиб экин экиш тараддудини кўрганлар. Агар бу ҳар йилги тошқин шу даражада кучли бўлганда нақ дарёнинг ёнгинасида жойлашган Ур, Урук, Киш ва бошқа шаҳарлар ташкил топмаган бўларди. Нух тўғони эса маълум бир вақтда содир бўлган. Бу табиий офатнинг тафсилотини биз юқорида Қуръони Каримда ўрганиб чиқдик. Бу офатлар тахминимизча, қадимги шумерликларга келган. Мана шу тўғондан сўнг шумерликлар заифлашиб, камайиб кетадилар. Натижада Месопатамиянинг шимолий қисмида жойлашган Аккадларнинг куч-қуввати шумерликлардан устун бўлиб қўлади.

Милоддан аввалги 3000 мингйиллик ўрталарида деярли Аккадлар бутун Месопатамияни эгаллаб олади. Мана шу даврда Саргон I ҳукмронлик қилган. Ҳа, Нух тўғони бўлган воқеа. Бу баъзи материалист тарихчилар айтаётганидек афсона эмас. Бу ҳодиса шунчаки қадимда сувнинг кўтарилиши натижасида ўйлаб топилган уйдурма эмас. Бу Қуръонда келган ҳақиқатдан дарак, ибратдир. Мисол тариқасида, Қадимги Хитойнинг Хуанхе дарёсини "беқарор дарё", "минглаб офатлар дарёси" деб аташган. Чунки бу дарё ҳар икки-уч йилда ўзанидан тошиб кетиб, ҳамма ёқни сувга кўмарди. Хитой халқи эса тоғ тепаларига чиқиб жон сақлаб қолишарди. Бироқ ўзларидан ўзлари бу табиий ходисага "бутун дунёни сув босди" деб афсона тўқимаганлар.

Қуръонда Нух алайҳиссалом ширкка қарши курашганликлари ҳақида хабар берилади. Дарҳақиқат, тарихий маълумотлар ҳам буни тасдиқлади. Қадимги Месопатамия аҳолиси политеистик эътиқодда бўлишган, яъни кўпхудоликка эътиқод қилишган. Улар халқ қаҳрамонларини улуғлаб, зиккурат деб аталадиган ибодатхоналарга ҳайкалларини ўрнатишган. Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, Иштар исми икки юзли аёл тимсолидаги ҳайкалга ҳосилдорлик, севги, уруш ва ғалаба келтирувчи илоҳ сифатида эътиқод қилишган. Бундан ташқари, Сув ҳудоси дея Эа, Ой ҳудоси дея Сина номли бутларга сиғинишган. Шамаш исми бут уларнинг орасида, айниқса, халқ ичида юксак эҳтиромга сазовор бўлган, унга Қуёш ҳудоси дея эътиқод қилишган.

НУХ АЛАЙҲИССАЛОМ КЕМАСИНИНГ ҚОЛДИҚЛАРИ

КЕМА НИМА УЧУН АҒРИ ТОҒИДА ДЕБ ХИСОБЛАНАДИ?

Яҳудийлар ва насронийлар ўзгартирилган китобларининг хабарларига таянган ҳолда, кема Ағри тоғида тўхтаган, деб ишонадилар. Шу сабабли ҳам неча йиллардан бери Ағри тоғида кема қолдиқларини топиш учун тадқиқотлар қилинмоқда. Кеманинг Ағри тоғида эканини исботлаш улар учун ҳам сиёсий, ҳам диний жаҳатдан муҳимдир: у тадқиқотчилар гўё бу билан китобларининг ўзгартирилмаганини исботламоқчилар. Аммо "кема изловчилар" ўнлаб қидириш ишлари қилганларига қарамай, исталган далилларни топа олмадилар. Аслида, текширишлар шуни кўрсатадики, кеманинг Ағри тоғида экани ҳақидаги ишонч

яхудийларнинг ва насронийларнинг Тавротни (Инжилда кема тўхтаган жой белгиланмаган) янглиш изохлашларидан келиб чиққандир. Чунки Тавротда "Арарат" деб номланган у тоғнинг Афри тоғи эканини кўрсатувчи ҳеч бир далил йўқдир. Афри тоғи турли маданиятларда турли шаклда келади: ёқут тилида "Афр", салжукли туркларда "Эгри тоғ", баъзан эса "Афри тоғ" арабларда Катта Африга "Жабалуд Ҳарис", Кичик Африга эса, "Жабалул Ҳуайрис" исмлари берилгандир. Арманлар бу тоғни "Масис" ёки "Масик" дейдилар. Африни фақат Ғарб географлари "Арарат" дейдиларки, бунинг ягона сабаби Таврот "Арарат" деб ном берган тоғни Ғарб тафсирчилари Афри деб ҳисоблашларидир. "Арарат" сўзи Тавротда бир ўлка қироллигининг ва бу ўлкада жойлашган бир тоғ силсиласининг номи сифатида зикр этилади. Шунга кўра, Тавротда номи ўтган Арарат, тарихда Урарту номи ила машҳур бўлган



асли осиелик бир қавмнинг ҳамда бу қавм милоддан аввалги 1000 йилларда Ван шаҳрини марказ қилиб олган давлатнинг номидир. Оссур тилида асли "Урарту" бўлган "Урарту" сўзи ибронийча "Китоби Муқаддас"да янглиш талаффуз натижасида Арарат шаклини олгандир. "Урарту" сўзи "тоғлик ўлка, юксак мамлакат" деганидир. Бу ўлка урартлар яшаган ва Жудий тоғи жойлашган Кордеан ҳудудидир. "Арарат" номи илк бор милоддан аввалги 1274 йилга оид Оссур қироли Салманасарнинг ёзувларида учрайди ва уларда маълум бир давлат ё этник гуруҳдан кўра, кўпроқ Ван кўлининг жануби-шарқидаги тоғлик туманлар қайд этилган. Шундай экан, Тавротда келган "Арарат тоғлари" ифодасини бугунги Афри тоғи деб эмас, балки Ван кўлининг жануби-шарқидаги тоғлар деб англаш тўғрироқдир. Дарҳақиқат, Тўфон билан алоқадор эски Бобил (Вавилёния) ҳикоясида, кема Ниср номидаги бир тоғнинг тепасида тўхтаган, деб нақл қилинади. Бу тоғ жануброқда Оссур тупроқларининг шарқида, Пастки Зап суви билан Дажла дарёсининг шарқи орасидаги майдонда жой олган бўлиб, бу ер Жудий тоғининг ўрнидир. Тавротнинг таквин 8:4 бўлимининг оромий ва сурёний таржималари кема тушган тоғни Туре Карду ўлароқ зикр қиладики, бу ер Ван кўлининг жануби-шарқидаги тоғлардир. Сурёний шархловчилар айтаётган Туре Карду Қуръонда ер сифатида кўрсатилган Жудий тоғидир.

НУҲ КЕМАСИ ЖУДИЙ ТОҒИДА

Қуръони Карим кема тўхтаган ерни Жудий тоғи деб кўрсатади: "Эй ер, сувингни ютгин, эй осмон, ўзингни тутгин", дейилди. Сув қуриди. Фармон бажарилди ва (кема) Жудий (тоғига) жойлашди. Ҳамда "Золим қавмлар йўқолсин!" дейди. (Ҳуд, 44).

Оятдаги "Жудий" сўзи умум ўлароқ Жудий тоғини ифода этиши қабул қилинган. Бироқ баъзи тафсирлар, бу сўз "тоғ" маъносида ҳам келади, шу сабабли, Қуръон бу номни кема тўхтаган жойнинг номи тарзида бермаган, деб таъкидлайдилар. Биз эса, хусусан охириги давраларда баъзи тадқиқотчилар натижасида Жудий тоғидан кема қолдиқлари топилгани сабабли мавзуга Қуръон "Жудий"лари билан хусусан бир жой номини англаган дея қараймиз. Месопатамия текислигининг эски ҳолини қарасак, чеккадан шимолга қараб 600 чақирим чиқилганда, илк учрайдиган катта тоғнинг Жудий номида экани маълум бўлади. Месопатамиянинг шимолидаги Жудий тоғи кеманинг тўфондан кейин



ўрнаша олиши учун ҳар жаҳатдан қулай шароитга эгадир.

Ағри тоғининг 300 чақирим жанубида жойлашган Жудий бугунгача Ағри тоғичалик атрофлича тадқиқ этилмаган. Бироқ ҳали жуда оз тадқиқотлар қилинганига қарамай, кема Жудийда тўхтаганини кўрсатувчи кучли далиллар бор. Аввало, Жудий тоғи, жуғрофий (географик) хусусиятлари жиҳатидан, кеманинг қўнишига анча қулайдир. Жудий тоғи баъзи ерлари тик ва қояли бўлгани

билан, чиқиш ва тушиш жуда осон бўлган бир тоғдир. Жанубий қисмидан Дажлага сел ва ирмоқлар қуйилади. Баландлиги ҳам унча эмас, бунинг устига. Жануб ва шарқ томони жуда кўркам бир кўринишдадир. Қуруқ иқлимли бўлишига қарамай, 500 миллиметрдан зиёда миқдорда ёмғир тушади. Шунинг учун ҳам 1500-2000 метрлар ораси баландликда арча ва дуб ўрмонлари мавжуд. Бунга нисбатан Ағри анча ноқулайдир. Асосан, Ағри тоғи жуда юксак ва тик бўлиб, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган сув дарахт, текис ер-жой каби имконлардан йўқсилдир. Шу туфайли кеманинг у ерга тушган бўлиши мантиқдан йироқдир. Жудий тоғида эса, яшаса бўладиган кўпгина ғорлар бор. Чўққиси ҳам кеманинг тўхташига қулай бир текис ердан иборат. Ҳамда озикланиш имконларига эга. Булар, ҳар ҳолда, кеманинг шу ерга келиб тўхтаганига ишорат қилувчи далиллардир.

АҒРИ ТОҒИДА ЎТКАЗИЛГАН НАТИЖАСИЗ ТАДҚИҚОТЛАР

Баъзи адабиётларда келишича, Ағри тоғида "кема излаш" ишлари 1700 йилларда бошланган. Аммо кўпчилик тан олган маълумот шуки, тоғга бу муқаддас илк чиққан одам Фредик Паротдир. Парот 1829 йили Ағри тоғига чиқиб, Нуҳ кемасининг қолдиқлари бор дея иддао этилган икки юз одим кенгликдаги бир текисликдан бахс юритган эди. Паротдан ташқари 1834 ва 1843 йилларда Антономов, 1845 йилда Вандер ва Эбайч, 1850 йилда Стюарт ва Монтейн каби



Фредрик Паррот

тадқиқотчилар ҳам Ағри тоғига чиққанлар. 1876 йилда Жеймс Брис тоғга чиқди ва 4000 метрлар баландликда лава уюмлари орасида узунлиги 121.92 см. қалинлиги 12.70 см. қилиб рандаланган тахта парчасини кўрдим, деб даъво қилди. Шундай қилиб, ўн тўққизинчи аср бошларидан эътиборан Ағри билан алоқадор тадқиқотлар ортиб борди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Владимир Ростовитский исмли бир рус учувчиси Ағри тоғининг йигирма беш мил шимоли-шарқидаги қияликда бир кема қолдиғини кўрганини, кеманинг 1200 метр узунликда эканини, айрича 6000 йиллик устунлари ҳам мустақкам эканини билдирди. Иккинчи жаҳон уруши мобайнида Ағри тоғи устидан учиб ўтган яна бир рус учувчиси ярмигача ботган бир кема кўрганини айтди. У ерга юборилган тадқиқот гуруҳи кўмирга ўхшаш ёғочдан қурилган, 1200 метр учунликдаги бир кемани топдик, деб иддао этдилар. 1937 йилда Жавдат Сунай ўн беш зобит ва эллик аскар билан бирга Ағри тоғига чиққан. 1968 йилда эса,

Турхон Салжуқ қўшинидаги бир неча зобит ва юз ўн икки аскардан иборат бир гуруҳ такрор Ағри тоғига чиққан. Ҳар иккала гуруҳ ҳам, "кема изловчилар"нинг иддаоларига акс ўлароқ, ҳеч қанақа кема қолдиғига дуч келмаганларини таъкидлаганлар. Ағрига энг кўп ва бутун эътиборининг Ағрига қаратилишини таъминлаган инсон америкалик космонавт Ирвиндир. Ирвин бир неча бор Туркияга келган, кемага оид қолдиқларнинг Ағрида эканини таъкидлаган, ammo фикрларини ҳеч қандай қатъий далиллар билан дастаклай олмаган. Худди шунингдек, кеманинг Ағри тоғида эканини даъво қилувчи ҳеч бир тадқиқотчи бунга доир бирон ашёвий далилни ўртага қўя олган эмас.



КЕМАНИНГ ЖУДИЙ ТОҒИДА ЭКАНИНИ КЎРСАТУВЧИ ТАДҚИҚОТЛАР




Парижда чиқадиган "Франс Соер" газетининг 1949 йил 31-сонида "Нуҳ кемасини кўрдик, аммо... Африда эмас" шаклидаги кутилмаган сарлавҳа остида хабар чиқди. Унда ёзилишича, Жудий тоғида девқомат бир кема кашф этилди.



Тақрибан узунлиги 150 метр, эни 24 метр ва баландлиги 15 метр эди. Икки турк мухбири ҳам аини ерда денгиз ҳайвонларига оид баъзи суякларга дуч келганларини хабар қилган эдилар. Яқин замонларда Жудий тоғида муҳим бир далил бўла оладиган тахта парчалари топилди. 1972 йил 6 феврал куни чиққан газеталар бу кашфни "Нуҳ кемасининг Жудий тоғида экани қайд этилди" сарлавҳаси остида бердилар. Нуҳ кемаси ҳақида бир немис олими тарафидан Umschau in Wissenschaft und Technik жаридасининг 1971 йил декабр сонида чоп этилган бир тадқиқот Оврупадаги олимлар орасида жуда катта қизиқиш ва таъсирлар уйғотди. Олмония Давлат Тадқиқот институти олимларидан Фредрик Вендер Туркияда тадқиқот ва текширувлар ўтказди. Жудий тоғида Нуҳ кемаси кўнган жой сифатида кўрсатилган ва муқаддас ҳисобланган атрофда мумга ўхшаш бир модда билан ёпиштирилган қалин тахта



қолдиқларини топди. Буларни Олмонияга олиб бориб, у ерда хусусий лабораторияда текшириб кўрди. Ниҳоят, мум модданинг эллик минг йиллик ва тахта қолдиқларининг олти минг олти юз ўттиз йиллик экани қатъий қайд этилди. Олимлар бу ҳисобда хато улуши 300 йил бўлиши мумкинлигини билдирдилар. Ҳозиргача кеманинг Африда эканини тахмин қилган Ғарб тадқиқотчилари қодиқлар Жудий тоғидан топилгани заҳоти текширишларини бу манзилга қаратдилар. Хабарни инглиз "Обсервер" газетаси "Нуҳнинг кемаси Жудий тоғи этагида" сарлавҳаси остида берди. Буни Қуръон ҳам аини



шундай деб билдирганини ёзди. Ўша кунлари, яъни 1994 йил январда Mail of Sunday номли инглиз газети икки саҳивани эгаллаган фотосурат ҳам босиб чиқарди. "Майдон" газетаси 1994 йил 2 феврал сонида хабарни "Инглиз тадқиқотчиси Давид Фасолд 20 йиллик тадқиқот ниҳоясида Нуҳ кемасининг Афри тоғида эмас, Жудий тоғида эканини иддао қилди" номи остида босиб чиқарди. Хабарда тадқиқотчи ва гуруҳнинг Жудийда топган қолдиқлари Нуҳ кемасига оид эканидан жуда амин эканлари ёзилди. "Майдон" газетаси хабарнинг давомида: "Тўрт минг йиллик бир ҳодиса аниқланиш арафасида. Жудий тоғида ўтказилган археологик қазиш ишлари мобайнида ўртага чиқарилган кема қолдиғининг Нуҳ кемасига оид эканлигига доир жиддий топилмалар бор. Нуҳ кемасининг муқаддас китобларда белгилангани ўлчовларига



айнан мос келадиган бу қолдиқ барча замонларнинг энг катта археологик топилмаси бўлишга номзоддир", дея изоҳ берди. "Гунойдин" газетаси 1994 йил 19 феврал сонида "Энг буюк хазина" сарлавҳали хабар берди. Мақолада:

“Жудий тоғида топилган ва девқомат бир кемани эслатадиган топилма молекуляр частота тарқатувчи асбоб ёрдамида тадқиқ этилиб, унинг Нух кемаси экани янада қатъийлашди. Чапел фау номли телевизион канали ҳам, қилинган радар тажрибаси натижасида қолдиқларнинг бир кема жасади (скелети) бўлиб чиққанини хабар берди”, дейилади.

АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМАЛАР



Anchor Stones from the Coast of Israel
(courtesy of David Fasold)



ГЕРИ МИЛЛЕР ДЕЙДИ...

Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) денгизчимидилар?

Кунлар ўтган сайин Қуръони Каримга ҳайронлик ортиб бормоқда.



Гери Миллер бир мақоласида шу нарсаларни ёзади: "Қуръонни ўрганган ғайри муслимларни энг ҳайрон қолдирган нарса унинг ўзлари кутганидан фарқли бўлишидир. Уларнинг ҳаёлича, 14 аср аввал араб чўлларида ёзилган эски китоб эди. Шунинг учун улар фақатгина чўлдан, чўлдаги шартлардан, чўлда яшаган инсонлар ва қабилалардан баҳс қилинишини кутган эди. Ҳа, гарчи Қуръон чўл ҳақида ёзган бўлса ҳам, айти пайтда бошқа нарсалардан ҳам, масалан, денгиздан ва денгизда бўронга тутилиш ҳақида ҳам сўз юритмоқда. Бир неча йил аввал Торонто (Канада)да, менга айтилган бир воқеада денгизчилик соҳасида ишлаб, ҳаётини денгизда ўтказган бир инсон бошидан ўтганини баён қилинди. Унга мусулмон бир дўсти Қуръони Каримнинг таржимасини совға қилади. Исломиётдан ва Ислом тарихидан умуман беҳабар бу денгизчи Қуръонни ўқиган ва мусулмон дўстининг ёнига бориб: "Муҳаммад (с.а.в.) денгизчи бўлганми?" деб сўрайди. Чунки у Қуръонда денгиз бўронлари тасвиридаги ҳаққониятдан қаттиқ таъсирланган эди. Дўстининг унга: "Йўқ, у аксинча чўлда яшаган", деб жавоб бериши унинг Ислом динини қабул қилиши учун етарли бўлади. Чунки шахсан ўзи ҳам денгиз бўронига тутилган ва шу вазиятни бошидан кечирган эди. Шунинг учун Қуръон нозил бўлган пайтда Муҳаммад (с.а.в.) ҳам шундай бўронга тутилган бўлса керак деб ҳаёл қилганди. "...устма уст тўлқин ва унинг устида қора булут қоплаб олган денгиз..." (Нур сураси, 40-оят) ифодаси билан берилган тасвир денгиз бўронини кўрмаган, уни ҳаёлида кечирган инсон томонидан ёзилиши мумкин эмас", дейди. Шу ерда биз ҳам бир қўшимча қиламиз: Оятни бошидан ўқиймиз: "Ёки кофирларнинг қилган амаллари устма-уст тўлқин ва унинг устида қора булут қоплаб олган денгиздаги зулматларга ўхшайди. Улар устма-уст зулматлардир: қўлини чиқариб қараса уни кўра олмас. Кимга Аллоҳ нур (иймон) бермаса, бас, унинг учун ҳеч қандай нур йўқдир" (Нур сураси, 40-оят). Бу ифодаларда фақат денгизшунослар тушуна оладиган хассослик мавжуд. Чунки бир неча юз метр чуқурликларга тушгач, қуёш нури етмайдиган қоронғу нуқталар тасвирланмоқда ва инсон бармоғини ҳам кўра олмайдиган нуқталар ҳақида хабар бермоқда. Ҳатто оятнинг охири у ерларда нурга эга бўлган баъзи борлиқларга ишора қилмоқда. Оятнинг ижтимоий ҳаётга, хусусан моддиятчилик тушунчаси ҳукмрон бўлган замонларга ҳам қаратилган ажойиб ишоралари ҳаммага маълум...



(Ғарбда Ҳуд, Ҳебер)

Тахминан мил.авв. 3 – мингйиллик охирларида

Қуръони Каримда Ҳуд алайҳиссаломнинг номлари етти марта зикр қилинган. У зотнинг қиссалари Аъроф, Шуаро, Зарият каби сураларда келган. Қуръони Каримнинг бутун бошли бир сураси у зотнинг номлари билан аталиб «Ҳуд сураси» номини олган. Шунингдек, бошқа бир сура у кишининг яшаган ерлари исми ила «Аҳқоф» деб аталган.

ХУД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ НАСАБЛАРИ

Ушбу пайғамбар алайҳиссаломнинг тўлиқ номлари Худ ибн Абдуллоҳ ибн Рабоҳ ибн ал-Халуд ибн Од. У зотнинг насаблари Нуҳ алайҳиссаломнинг Сом исмли ўғилларига бориб тақалади. Худ алайҳиссаломнинг қавмлари у кишининг катта боболари Од номи билан аталади. Од қавми боида араблардан ҳисобланади. Араблар учга бўлинади. Боида, Оида ва Мустаъраба. Боида араблар энг қадимги араблардандир. Боида сўзининг маъноси ўтиб, тугаб кетган деганидир. Од қавми ҳам ўша араблардандир. Бу қавм ўзининг саркашлиги билан машҳур. Шунинг учун ҳам уларнинг ўз пайғамбарлари Худ алайҳиссалом билан бўлиб ўтган қиссалари Од қавми қиссаси дейилади. Од қавми ҳам иккига бўлинади. Биринчи Од ва иккинчи Од. Худ қавми биринчи Оддирлар.

ХУД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ЯШАГАН ЖОЙЛАРИ

Бу қавм денгиз бўйида, кўчиб юрвчи қумликлар ичидаги Аҳқоф номли жойда, Яман, Уммон ва Ҳазрамавт ўрталиғидаги маконда яшаб ўтганлар. Улар баланд бўйли, кенг ярғинли кишилар бўлиб, ҳайбатли чодирларда яшаганлар. Шунинг учун ҳам Од қавми ўз замонасидаги энг қувватли кишилар деб талқин қилинади. Улар доимо «Қани биздан ҳам кучли одамлар борми?» деб мақтаниб юришар эди. Уларнинг гавдалари катта бўлса-да, ақллари паст эди. Доимо бут ва санамларга сиғиниб, уларнинг ҳимояси учун урушиб юришарди.

ХУД АЛАЙҲИССАЛОМНИ ПАЙҒАМБАР ЭТИБ ЮБОРИЛИШЛАРИ

Аллоҳ таоло уларни ҳидоятга бошлаш учун ўзларидан бўлган Худ алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб танлади. Аллоҳ таоло бу ҳақда «Аъроф» сурасида қуйидагиларни марҳамат қилади: «Ва Одга ўз биродари Худни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Тақво қилмайсизларми?!» деди. (65 оят)

Аллоҳ таоло Од қавмига ўзларининг орасидан биродарлари бўлган Худ алайҳиссаломни элчи этиб юборганини хабар қилмоқда.

Худ алайҳиссалом ҳам қавмларига, худди Нуҳ алайҳиссалом каби, Аллоҳга ибодат қилиш зарурлигини, Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқлигини тушунтирдилар. Шунингдек, уларни тақвога, Аллоҳдан кўрқишга чақирдилар. Зеро, уларни Пайғамбар қилиб юборган Зот ягона, уларга кўрсатма берган зот бир. Хўш, Худ алайҳиссаломнинг қавмлари нима қилди?

ОД ҚАВМИНИНГ ЖАВОБИ

«Унинг қавмидан куфр келтирган зодагонлар: «Албатта, биз сени эси пастликда кўриб турибмиз ва албатта биз сени ёлғончилардан деб биламиз», дедилар». (66 оят) Бу жоҳил қавм олдингилардан ҳам ўтиб тушди. Аввалгилари Нуҳга алайҳиссалом «сен залолатдасан», деган эдилар. Булар эса, ўз Пайғамбарларига: «Албатта, биз сени эси пастликда кўриб турибмиз ва, албатта, биз сени ёлғончилардан деб биламиз», дейишмоқда.

Бу золим қавм Худонинг Пайғамбарига «Сен албатта эси пастсан» ва «сен албатта ёлғончисан», демоқда. Бу чиркин тухмат ҳам аввалгисига ўхшаб жамики Пайғамбарларга ва уларнинг изидан юрган бутун мўминларга нисбатан азал-абад давом этиб келаётган энг ёвуз ғаразлардандир.

САРКАШ ҚАВМ ИЛА ТОРТИШУВ

Ўз қавмидан бундай қабих тухматни эшитган Худ алайҳиссалом:

«У: «Эй қавмим, менда эси пастлик йўқ. Лекин мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман. Сизларга Роббимнинг юборганларини етказаман ва мен сизларга ишончли насиҳатгўйман. Ўзингиздан бўлган бир кишига сизларни огоҳлантириш учун Роббингиздан эслатма келганидан ажабландингизми?! Сизларни Нуҳ қавмидан кейин халифа қилганини ва хилқатингизда куч-қувватни зиёда қилганини эсланг. Аллоҳнинг неъматларини эсланг. Шоядки, нажот топсангиз», деди. (67-69 оят)

Худ алайҳиссалом жоҳил қавмга босиқлик билан, содда қилиб, ҳақиқатни баён қилишга ўтдилар. Ўзларидан эси пастликни рад этиб, оламларнинг Робби томонидан Пайғамбар этиб, юборилганларини ҳамда Пайғамбарлик мақсадларини сўйладилар. «Эй қавмим, менда эси пастлик йўқ. Лекин мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман. Сизларга Роббимнинг юборганларини етказаман ва мен сизларга ишончли насиҳатгўйман». Сўнгра уларни Пайғамбарни ўзларининг орасидан танлагани учун ажабланмасликка чақирдилар. «Ўзингиздан бўлган бир кишига сизларни огоҳлантириш учун Роббингиздан эслатма келганидан ажабландингизми?! Кейин эса, Аллоҳ томонидан уларга берилган имтёзларни эслатдилар: «Сизларни Нуҳ қавмидан кейин халифа қилганини ва хилқатингизда куч-қувватни зиёда қилганини эсланг».

Аллоҳ таоло Нуҳ қавмини оғир гуноҳлари туфайли ер юзидан гумдон қилиб ташлаган эди. Худди шу осий қавмдан сўнг сизларни ер юзидан ўзининг халифаси қилиб танлади. Бу-улуғ неъмат. Бунга, албатта, шукр қилиш лозим эди. «Аллоҳнинг неъматларини эсланг. Шоядки нажот топсангиз».

Фикр қилинг. Аллоҳнинг сизга берган неъматлари жуда кўп. Уларнинг саноғига етиб бўлмайди. Бунинг фаҳмига етиш, тушуниш неъмат берувчи зотга-Аллоҳга шукр қилишга чорловдир. Шукр қилувчи бўлинг, шоядки нажот топсангиз.

Аммо Од қавми ҳам жаҳолатида қаттиқ туриб олди. «Улар: «Сен бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишимиз ва ота-боболаримиз ибодат қилган нарсаларни тарк этишимиз учун келдингми?! Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир!» дедилар». (70 оят)

Улар шу инкорлари билан ўзларининг эси паст одамлар эканликларини ошкор қилдилар. Ҳеч қандай ҳужжат-далилсиз ота-боболари қилган амални Аллоҳдан келган амрдан устун қўйдилар. «Улар: «Сен бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишимиз ва ота-боболаримиз ибодат қилган нарсаларни тарк этишимиз учун келдингми?!» дедилар.

Уларнинг жаҳолатлари шу даражада эдики, ўша ботил нарсаларни деб ҳар қандай азоб-уқубатга тайёр эканликларини билдирдилар ва агар иймон келтирмасалар, Аллоҳнинг иқобига учрашлари муқаррарлигини таъкидлаб турган Худ алайҳиссаломга: «Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир, дедилар». Энди ортиқча гапга ўрин қолмади. Худ алайҳиссалом қатъий қилиб: «У: «Батаҳқиқ, устингизга Роббингиз томонидан азоб ва ғазаб тушди. Мен билан Аллоҳ ҳеч бир ҳужжат туширмаган, ўзингиз ва ота боболарингиз қўйиб олган номлар ҳақида тортишасизларми?! Бас, интизор бўлиб туринглар! Мен ҳам сизлар билан интизор бўлувчиларданман», деди». (71 оят) Яъни, танлаган йўлингиз шу бўлса, тамом, ҳеч қандай шубҳа қолмади.

Аллоҳ таолодан устингизга азоб ва ғазаб тушди, деб ҳисоблайверинг. Гапингизни қаранг-а?! Мен билан нима ҳақда баҳслашаётганингизни биласизми ўзи?! Сиз, биз ва ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган нарсалар, деганингиз нималигини биласизми?! Улар-сиз ва ота-боболарингиз ўзларига «худо» деб тан олган нарсалар аслида ҳеч вақога арзимади. Уларнинг илоҳ эканлигини исбот этувчи ҳеч қандай ҳужжат ёки

далил йўқ. Қилаётган ишингизни қаранг-а!!! Мен ваъда қилган азоб сизларга, албатта, етади. Лекин унинг қачон келишини ёлғиз Аллоҳ билади. Сиз фақат интизор бўлиб кутиб туринг. Мен ҳам интизор бўлиб кутиб тураман. Зеро, мен ҳам бандаман. Азобни юборгувчи эса, ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидир.

АЛЛОҲНИНГ НЕЪМАТЛАРИНИ ЭСЛАТИШ

Ҳуд алайҳиссалом ўз қавмларини йўлга солиш мақсадида турли чоралар кўриб бориш жараёнида уларга Аллоҳ таоло берган неъматларни ҳам эслатдилар. Эй қавмим! «Ҳар тепаликка бир белги бўладиган бино қуриб, беҳуда ўйин қилаверасизми? Ва ҳудди мангу туражакдек «маснаълар» тутасиз». (Шуаро сураси 128-129 оятлар) Ушбу оятдаги «маснаълар» сўзи ҳозирги араб тилида завод-фабрикалар маъносида ишлатилмоқда. Қадимда, албатта, ҳозиргидек иншоатлар бўлмаган. Шунинг учун ҳам қадимги тафсирларимизда бу сўзга баланд қасрлар, сув омборлари, баланд қўрғонлар маъноси берилган.

Асрдош тафсирчиларимиз эса, Од қавми улкан қасрлар қуриш, тоғларни ўйиб ишлаш ва бошқа фахр учун кўтарадиган биноларида фойдаланадиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарадиган ишхоналарга эга эди, «маснаълар»дан мурод ўшалар, дерлар. Биринчи оятда қурилишларга доир очиқ-ойдин маъно бор. Шунинг учун ушбу иккинчи тафсир асослироқ бўлиб чиқади.

Од қавми жисмоний жиҳатдан етук, баланд қоматли, жуда бақувват ва соғлом одамлар бўлганлар. Шунингдек, ақлий жиҳатдан ҳам улар ўткир зеҳнли, теран ақлли бўлиб, ҳамма уларга ҳавас қилган. Аммо улар мазкур неъматларни тўғри йўлда ишлатмадилар. Ғурурга кетиб, ҳовлиқдилар ва: «Биздан кучлироқ ким бор?!» деб мақтандилар. Беш кунлик дунё матоҳига берилдилар. Улар ҳашамат, фахр ва бир-бирларидан ўзиш учун бекордан-бекорга улкан қасрлар, турли керакли кераксиз иншоатлар бино қилдилар. Шундай ишларга берилиб кетиб, Аллоҳни унутдилар ва турли ёмонликларга қўл урдилар. Жумладан, моддий куч-қувватлари ила бошқаларга зулм ўтказдилар. Ҳуд алайҳиссалом сўзлари давомида ана шунга ҳам ишорат қилмоқдалар: «Тутганингизда ўта жабрчи бўлиб тутдингиз». (130) Яъни, бошқа одамларни ушлаган пайтларингизда уларга нисбатан ўта жабр ўтказдингиз. Зулм қилдингиз. Бас, Аллоҳдан қўрқинг ва менга итоат қилинг. Сизга ўзингиз билган нарса ила мадад берган зотдан қўрқинг. (131-132 оятлар)

Аллоҳ сизга нималар ила мадад берганини ўзингиз яхши биласиз, улар олдингизда турибди. Ўша зотдан қўрқинг, Унга тақво қилинг. Агар Аллоҳ сизга нима ила мадад берганини унутган бўлсангиз, эсингизга солай.

«У сизларга чорва ҳайвонлари ва фарзандлар ила мадад берди.

Боғ-роғлар ва булоқлар ила». (133-134 оятлар)

Ушбу ояти каримада Ҳуд алайҳиссалом ўз қавмларига Аллоҳ таоло уларнинг ўзларига алоҳида берган неъматларидан тўрттасини зикр қилмоқдалар.

1 - «чорва ҳайвонлари»

2 - «фарзандлар»

3 - «боғ-роғлар»

4 - «булоқлар»

«Мен, албатта, сизга улуғ куннинг азоби келишидан қўрқаман». (135 оят)

Ҳуд алайҳиссаломнинг тошни ҳам эритиб юборадиган бу сўзларига Од қавми қуйидагича жавоб берди. «Улар: «Биз учун ваъз қилсанг ҳам ёки ваъз қилгувчилардан бўлмасанг ҳам, барибир». (136 оят) Яъни, эй Ҳуд, сен бизга ваъз-насиҳат қиласанми, қилмайсанми бари-бир биз иймонга келмаймиз, сенга эргашмаймиз. «Бу эскиларнинг одати, холос». (137 оят) Сенга ўжшаб турли-туман гапларни айтавериш эскиларнинг одати, холос. Уларга ишониб бўлмайди.

Шунингдек, сен айтаётганга ўхшаб, «Биз азоблангувчи эмасмиз», дедилар». (138 оят) Яъни, бизга қанча гапирсанг ҳам, барибир сен айтган йўлдан юрмаймиз. Қадимдан шундай бўлиб келган. Бу қилмишимиз учун, сен айтаётганингдек, азобланмаймиз ҳам, дедилар.

ТАВБАГА ЧАҚИРИШ

Ҳуд алайҳиссалом уларни тавба қилишга чақириб ҳам кўрдилар. Аммо бу иш ҳам фойда бермади. Бу ҳақда «Ҳуд» сурасида қуйидаги баёнлар келади: Ҳуд: «Эй қавмим, Роббингизга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг, шунда У устингизга осмондан барака ёмғири юборади ва қувватингизга қувватни зиёда қилади. Жиноятчи бўлган ҳолингизда юз ўгириб кетманг», деди». (52 оят) Мўмин-мусулмон инсон доимо истиғфор айтиб-Аллоҳдан гуноҳларини мағфират қилишини сўраб ва қилган гуноҳларидан қайтиб-тавба қилиб туриши зарурлигини ҳамма Пайғамбарлар таъкидлаганлар. Бундан олдин Нух алайҳиссалом ҳам таъкидлаган эдилар. Энди Ҳуд алайҳиссалом ҳам таъкидламоқдалар: «Эй қавмим, Роббингизга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг». Ҳуд алайҳиссалом Аллоҳ таолога ихлос ила истиғфор айтишнинг ва ихлос ила тавба қилишнинг ҳаёти дунёдаги, тириклик чоғидаёқ етадиган улкан фойдасини ҳам зикр қилмоқдалар: «Шунда У устингизга осмондан барака ёмғири юборади». Яъни, истиғфор айтиб, тавба қилсангиз, Аллоҳ сизни қурғоқчилик балосидан халос этади ва юртингизга барака ёмғирини ёғдиради. Ёмғир ҳам турлича бўлади. Баъзилари фойдали. Баъзилари бало-офат. Баъзилари баракотли. Истиғфор айтиб, тавба қилганларга Аллоҳ таоло айнан барака ёмғирини ёғдирар экан. «ва қувватингизга қувватни зиёда қилади». Аввал айтиб ўтилганидек, Од қавми куч-қуввати ила ном чиқарган қабила эди. Истиғфор айтиб, тавба қилсалар, қувватларига қувват зиёда бўлиши ваъда қилинмоқда. Истиғфор ва тавбанинг фойдалари ҳақида бошқа оятларда ҳам гапирилган. Шунингдек, бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалладан ҳам бир қанча ҳадислар ворид бўлган. Ўшандай ҳадислардан бирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким истиғфорни лозим тутса, Аллоҳ унга ҳар бир ғамдан кушойиш, ҳар бир тангликдан кенглик беради ва ўзи ўйламайдиган томондан ризқлантиради», деганлар. «Жиноятчи бўлган ҳолингизда юз ўгириб кетманг», деди». Иймон келтирмасангиз, жиноят қилган бўласиз, жиноятчи ҳолингизда юз ўгириб кетган бўласиз.

ОД ҚАВМИНИНГ ҚЎПОЛЛИГИ

Ҳуд алайҳиссаломнинг бу даъватларига Од қавми саркашлик қилиб, қўполлик билан салбий жавоб берди: «Улар: «Эй Ҳуд, бизга очиқ-ойдин ҳужжат келтирмадинг. Биз сенинг гапинг учун худоларимизни тарк қилувчи эмасмиз ва биз сенга иймон келтирувчи ҳам эмасмиз. Биз фақат, сени баъзи худоларимиз ёмонлик ила урибди, деймиз, холос», дедилар. У: «Албатта, мен Аллоҳни гувоҳ қиламан ва сиз ҳам гувоҳ бўлингки, мен шерик келтираётганингиздан покман. Ундан ўзга. Бас, ҳаммангиз менга қарши ҳийла қилаверинглар, менга муҳлат берманглар». (53-55 оятлар) Ҳуд алайҳиссалом мўъжиза келтирмаганга ўхшайдилар, шунинг учун ҳам Од қавми таъна қилиб: «Эй Ҳуд, бизга очиқ-ойдин ҳужжат келтирмадинг», шу туфайли биз сенинг Пайғамбарлигинга ишонмаймиз ва айтган сўзларингни қабул қилмаймиз, демоқда. «Биз сенинг гапинг учун худоларимизни тарк қилувчи эмасмиз» ва сенинг илоҳинга сиғинувчи эмасмиз. «ва биз сенга иймон келтирувчи ҳам эмасмиз». Сенинг ҳақингда, қилаётган ишингга, айтаётган гапингга қараб бир фикрга келдик. У ҳам бўлса: «Биз фақат, сени баъзи худоларимиз ёмонлик ила

урибди, деймиз, холос», дедилар. Яъни, жинни бўлибсан, деган сўзни бошқачароқ қилиб айтишди. Улардаги руҳий ва маънавий бузуқлик шу даражага бориб етган экан. Ўзларига Пайғамбар бўлиб келган зотни жиннига чиқариб, алаҳсираб ҳар хил гапиряпти, демоқдалар. Ҳуд алайҳиссаломнинг гапларида ҳеч алаҳсираш аломати, жиннилик белгиси йўқ эди. У кишининг ҳар бир сўзлари пурҳикмат эди. Олий маъноларни, ўша қавмни бахт-саодатга етаклайдиган кўрсатмаларни ичига олган эди. У қавм бундай гапларни айтиб турганида, Ҳуд алайҳиссаломнинг ҳам қаттиқроқ гапиришдан, уларни ожиз қолдиришга уринишдан ўзга чоралари қолмади: «Албатта, мен Аллоҳни гувоҳ қиламан». Менинг Пайғамбарлигимга Аллоҳнинг Ўзи гувоҳ. Мен Худонинг Ўзига солдим. Агар ёлғончи бўлсам, мени жазолайди. Сиз гуноҳкор бўлсангиз, унда сизни жазолайди. Лекин ҳозир орани очиқ қилиб олайлик, мен сизларга бир ҳақиқатни айтиб қўяй: «сиз ҳам гувоҳ бўлингки, мен шерик келтираётганингиздан покман. Ундан ўзга». Яъни, Аллоҳга У зотдан ўзга нарсаларни шерик келтиришингизга менинг даҳлим йўқ. Мен ширкка қарши курашиб, сизларни тавҳидга даъват қилиш учун Пайғамбар бўлиб келган эдим. Сизлар менинг даъватимни қабул қилмай, мушриклигингизча қолдингиз. Энди сизлар билан орамиз узилди. Агар мен сизларнинг насабингиздан, ирқингиздан, қабилангиздан бўлсам ҳам, орамизда алоқа қолмади. Чунки асосий алоқа риштаси бўлмиш иймонни сизлар тутмадингиз. Энди биз бошқа-бошқа оламлармиз. Сизлар-кофир мушриклар, мен-мўмин-муваҳҳидман.

«Бас, ҳаммангиз менга қарши ҳийла қилаверинглар, менга муҳлат берманглар».

Бу ҳам Аллоҳга иймони комил инсоннинг ишонч ила айтган гапларидир.

Ўзлари ёлғиз бўла туриб, қаршиларидаги душманга-қуввати, шиддати билан донг таратган бутун бошли бир халққа бу гапларни айтиш осон эмас.

Аммо Ҳуд алайҳиссалом ҳақ йўлда эканликларини бутун вужудлари билан англаб етган Пайғамбар эдилар. Аллоҳнинг хоҳишисиз у кишига ҳеч ким ҳеч нарса қила олмаслигини яхши билардилар. Ҳуд алайҳиссалом яна сўзларида давом этдилар: «Албатта, мен Роббим ва Роббингиз бўлмиш Аллоҳга таваккал қилдим. Ҳар бир ўрмалайдиган нарсанинг пешонаси Унинг чангалидадир. Албатта, Роббим тўғри йўлдадир». (56 оят) Шунинг учун ҳам: «Албатта, мен Роббим ва Роббингиз бўлмиш Аллоҳга таваккал қилдим». Фақат Унгагина суяндим. Ундан ўзга таваккал қиладиган зот йўқ. «Ҳар бир ўрмалайдиган нарсанинг пешонаси Унинг чангалидадир». Ана шунинг учун ҳам мен сиздан эмас, ўша қудратли, ғолиб ва қаҳрли Аллоҳдан қўрқаман ва Унгагина суянаман. «Албатта, Роббим тўғри йўлдадир».

Мен Роббимнинг йўлига юрганман ва Унинг ёрдами ила мақсадга етишимда шубҳа йўқдир. Сиздан заррача қўрқмаслигимнинг боиси ҳам шунда.

«Агар юз ўгириб кетсангиз, батаҳқиқ, мен сизларга нима ила юборилган бўлсам, уни сизларга етказдим. Роббим ўрнингизга сиздан бошқа қавмни келтиради ва сиз Унга ҳеч бир зарар етказа олмасиз. Албатта, Роббим ҳар бир нарсани муҳофаза қилгувчи зотдир», деди». (58 оят)

Яъни, агар сиз мендан юз ўгириб кетмоқчи бўлсангиз, бемалол кетаверинг, менинг қўрқадиган ёки мулоҳаза қиладиган жойим йўқ.

«...батаҳқиқ, мен сизларга нима ила юборилган бўлсам, уни сизларга етказдим».

Аллоҳ таоло менга Пайғамбари сифатида нимани топширган бўлса, ўшани бажардим. Вазифамни шараф ила адо этдим. Энди У зотнинг Ўзи сиз билан ҳисоб-китоб қилиб олади. Агар хоҳласа:

«Роббим ўрнингизга сиздан бошқа қавмни келтиради».

Сиз куфрингиз, бебошлигингиз ила азобга ҳақли бўлдингиз. Шунинг учун У сизни хоҳлаган вақтида ҳалок қилиб, йўқотиб ташлаб, ўрнингизга ўзига иймон

келтирадиган, тақво қиладиган бир қавми келтириши ҳеч гап эмас. Агар шундай қилса:

«...сиз Унга ҳеч бир зарар етказа олмассиз».

Қўлингиздан ҳеч нарса келмайди. Чунки сиз ожиз бир бандасиз.

«Роббим ҳар бир нарсани муҳофаза қилувчи зотдир», деди.

Сиз Ундан қочиб қутула олмайсиз. Биз мўминларни ва динни Аллоҳнинг Ўзи ҳимоя қилиб олади.

Энди мунозара иши тугаб, белгиланган вақт келди.

ОД ҚАВМИГА АЗОБ КЕЛДИ

«Амримиз келган пайтда Ҳудга ва у билан бирга иймон келтирганларга Ўз раҳматимиз ила нажот бердик ва уларни қаттиқ азобдан қутқардик». (59 оят) Ваъда қилинган азобни юбориб Од қавмини ҳалок қилишга амримиз келганида, Пайғамбаримиз Ҳуд алайҳиссаломни ва у билан бирга иймон келтирган мўминларни истисно тариқасида бу азобдан қутқариб қолдик. Қутқарганда ҳам, қаттиқ азобдан қутқардик.

Аммо кофирларни ўша азоб қаттиқ тутди. У қандоқ бўлганини «Аҳқоф» сурасидаги қуйидаги ояти карималар баён қилади.

«У (азоб) ни водийлари томон кўндаланг бўлиб юрганини кўришганда, бу кўндаланг бўлувчи бизга ёмғир ёғдирур, дейишди. Йўқ! Бу ўзингиз орзиқиб сўраган нарса, аламли азоби бор бўрондир».

Ривоятларда келишча, Од қавми қаттиқ иссиққа дучор бўлган, ёмғир ёғмай, қурғоқчилик ва иссиқ таъсиридан ҳаво тандирга айланган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган узун ҳадисда жумладан шундай дейилади:

«...Од қавми қурғоқчиликка учраганида Қийн исмли одамни вакил қилиб юборишибди. У Муовия ибн Бакирнинг олдига борибди ва ҳузурда бир ой меҳмон бўлибди. Ароқ ичиб, Жарадатани исмли икки жориядан қўшиқлар эшитибди. Бир ой ўтгандан сўнг Муҳра тоғига чиқиб, дуо қилиб:

«Эй бор худоё! Ўзинг биласан, мен бир касални даволагани келганим йўқ ёки бир асирни озод қилганим ҳам йўқ. Эй бор худоё! Од қавмини Ўзинг сероб қиладиган нарса ила сероб қилгин», дебди.

Шунда унинг тепасидан бир қанча қора булутлар ўта бошлабди ва улардан: «Танлаб ол», деган овоз чиқибди. У бир қора булутга ишора қилибди. Шунда: «Ол ўшани», деган нидо келибди.

«У (азоб) ни водийлари томон кўндаланг бўлиб юрганини кўришганда, бу кўндаланг бўлувчи бизга ёмғир ёғдирур, дейишди».

Оятдаги, водийлари томон, яъни, Од қабиласининг водийлари томон кўндаланг бўлган нарса ўша азоб булутдир. Албатта, бу ҳолни кўрган қавм, энди қурғоқчиликдан қутуламиз экан, деб хурсанд бўлдилар ва

«бу кўндаланг бўлувчи бизга ёмғир ёғдирур, дейишди».

Лекин илоҳий раддия бошқа хабарни келтирди:

«Йўқ!»

Сиз айтгандек эмас, ўзингиз Ҳуд Пайғамбарга, агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир, деб шошилиб, орзиқиб сўраган эдингиз.

«Бу ўзингиз орзиқиб сўраган нарса, аламли азоби бор бўрондир».

Бу, сиз айтаётгандек, ёмғир ёғдирадиган булут эмас. Бу, ўзингиз орзиқиб сўраган нарсангиз, азобдир. Бу азоб, аламли азобни ўз ичига олган бўрондир, дейилди.

Ушбу бўроннинг васфи ва оқибати келаси оятда баён қилинади:

«У Роббисининг амри ила ҳар бир нарсани вайрон қилур. Бас, масканларидан бошқа нарса кўринмай қолди. Жиноятчи қавмларни шундоқ жазолармиз».

Од қавмига юборилган шамол алоҳида азоб шамоли эди. У Аллоҳнинг амри ила нимага тегса, вайрон (ҳалок) қилиши керак эди.

Шу билан бирга, Пайғамбаримиздан қилинган ривоятда айтилишича, шундай бўлгани билан, бу бўрон бор-йўғи бир узукнинг тешигидай жойдан чиққан, холос.

Дарҳақиқат, шамол Од қавмини ҳалок қилди, у ўтган жойлардан масканлардан (уйлардан) бошқа ҳеч нарса қолмади. Қавмнинг ҳаммаси ҳалок бўлди. Ҳар доим Аллоҳ таоло жиноятчи қавмларни шундай жазолайди. Аммо инсонлар биров шошадилар, холос.

Ушбу воқеа мисолида Аллоҳ Макка мушрикларига хитоб қилиб, Од қавмининг хатосини такрорламасликка ундайди:

«Ва, дарҳақиқат, Биз уларга сизга бермаган имконларни берган эдик. Ҳамда қулоқ, кўз ва қалблар ато этдик. Бас, на қулоқлари, на кўзлари ва на қалблари уларга ҳеч бир фойда бермади. Чунки улар Аллоҳнинг оятларини инкор қилган эдилар. Бас, уларни ўзлари масхара қилган нарса (азоб) ўраб олди».

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Макка мушрикларига хитоб қилиб, уларни ўзларидан аввал ўтган Од қавмига таққослаб кўришга ундамоқда. Од қавми ҳам ўтган замонда ўз Пайғамбарлари Ҳуд алайҳиссаломга Ҳудди Макка мушриклари Муҳаммад алайҳиссаломга куфр келтираётганларига ўхшаб куфр келтирган эдилар. Аммо ораларида фарқ ҳам бор эди.

«Ва, дарҳақиқат, Биз уларга сизга бермаган имконларни берган эдик».

Яъни, Аллоҳ таоло Од қавмига Макка мушрикларига бермаган имконларни берган эди. Ҳа, шунча имконларга эга бўлсалар ҳам куфрлари сабабли ҳалок бўлдилар. Имконлари уларни Аллоҳнинг азобидан сақлаб қола олмади. Энди, улардан кўра имкони оз бўлган Макка мушриклари ўзлари билиб олаверсинлар.

«Ҳамда қулоқ, кўз ва қалблар ато этдик».

Ўша Од қавмига берган имкониятларимиздан ташқари, эшитиб ибрат олсин, деб қулоқ, кўриб ибрат олсин, деб кўз, ақл юритиб ибрат олсин, деб қалблар бердик. Лекин, афсуски,

«Бас, на қулоқлари, на кўзлари ва на қалблари уларга ҳеч бир фойда бермади. Чунки улар Аллоҳнинг оятларини инкор қилган эдилар».

Ҳа, қайси бир инсон Аллоҳнинг оятларини инкор қилар экан, унга на қулоқлари, на кўзлари ва на қалблари ҳеч бир фойда бермайди. Од қавми ҳам худди шундоқ бўлди. Оқибатда:

«Бас, уларни ўзлари масхара қилган нарса (азоб) ўраб олди».

Аллоҳ таоло Од қавмини ана шундоқ тарзда ҳалок қилгандан сўнг Ҳуд алайҳиссалом Ҳазарамавтда ўз қаётларини давом этдирдилар. У зот вафот этганларида Ҳазарамавтнинг Тирийм номли шаҳарига яқин жойга дафн этилдилар.


ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

ОД ҚАВМИГА ТЕГИШЛИ ШАҲАР ҚОЛДИҚЛАРИ


Қуръони карим тарихда ўтган бир неча қавмлар ҳақида хабар беради: "Уларга ўзларидан илгари ўтган кишилар бўлмиш Нуҳ, Од, Самуд қавмларининг ва Иброҳим қавмининг, Мадян аҳолисининг (яъни, Шуайб қавмининг) ҳамда зеру забар бўлган қишлоқларнинг (яъни, Лут қавми қишлоқларининг) ҳоли-хабари келмадими?! Уларга пайғамбарлари очиқ далил-ҳужжатлар келтирган эдилар

(шунда улар пайғамбарларини ёлғончи қилишгач, бу қавмлар устига Аллоҳнинг балолари ёғилган эди). Бас, Аллоҳ уларга зулм қилгувчи бўлмади, балки улар ўзларига зулм қилган эдилар" (Тавба, 70).

Ушбу қавмларнинг аянчли оқибати қазилмалар жараёнида топилаётган ашъвий далиллар билан исботланяпти. Қуръоннинг кўпгина сураларида Од қавми зикр қилинади. Од Нуҳнинг (алайҳиссалом) эвараси Авснинг ўғли бўлган. Авснинг отаси Ирам, унинг отаси Сом, унинг отаси Ҳазрати Нуҳдир.





Қуръони каримда баён этилишича, Од қавми муҳташам саройларга ("Сизлар ҳар бир тепаликка ўйин-кулгу учун бир белги – баланд бино қураверасизларми?!" (Шуаро, 128–129); мол-давлат, чорва ҳайвонлари ва тенгсиз боғларга ("У сизларни чорва ҳайвонлари ва ўғиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку!" (Шуаро, 133–134) эга эди. Шу сабабли ғурур ва кибрга берилиб, бутларга сиғинишди. Аллоҳ таоло Ҳазрати Ҳудни (алайҳиссалом) бу қавмга пайғамбар қилиб юборди. У қавмини огоҳлантириб, Аллоҳнинг уларга берган неъматларини эслатиб, имон келтиришга чақирганида, исён ва инкор қилдилар. Бу қилмишларининг жазоси ўлароқ, Аллоҳ таоло ёмғирларни тўхтатиб қўйди. Натижада уларнинг машҳур Ирам боғлари қуриди. Сўнг улар устига бўронли қақшатқич шамол юборилди. "Бас, қачонки улар ўша (азоб)ни ўз водийларига қараб келаётган бир қора булут ҳолида кўришгач: "Бу бизларга ёмғир келтирувчи булутдир", дедилар. "Йўқ, бу ўзларинингиз шоштирган нарса – бир бўронки, унда аламли азоб бордир. У Парвардигорнинг амри билан барча нарсани вайрон (ҳалок) қилур. Бас, тонг отганида фақат уларнинг уй-жойларигина кўзга ташланар эди. Биз жиноятчи, осий қавми мана шундай жазолаймиз" (Аҳқоф, 24–25). Саккиз кун давом этган бу шамол Од қавмини, Қуръони каримда таърифланганидек, чириб, ичи бўшаб қолган хурмо дарахтлари каби ердан суғуриб, улоқтирди: "Энди Од (қабиласи)га келсак, бас, улар бир даҳшатли, қутурган бўрон билан ҳалок қилиндилар. У (бўронни Аллоҳ) уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳоким қилиб қўйдик, энди у жойдаги қавми чириб, ичи бўшаб қолган хурмо дарахтининг танасидек



қулаб ҳалок бўлиб ётганларини кўрурсиз. Бас, улардан бирон (омон) қолгувчини кўрармисиз?" (Ал-Ҳааққа, 6–8). Бир қанча тарихчи ва муфассирлар фикрича, Од қавми яшаган жойлар ҳозирги Ямандадир. Бу қавм Уммон ва Ҳазрамавт оралиғидаги минтақада яшаган. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида бир қатор машҳур газеталар "Ҳашаматли араб шаҳри топилди", "Қумлар Атлантидаси – Убор" каби сарлавҳалар остида мақолалар эълон қилишди. Ўшанда топилмалар номининг Қуръони каримда зикр этилгани уларни ҳайратлантирган эди. Чунки кўпчилик Од қавми ҳақидаги хабарни афсона деб биларди. 1932 йили инглиз тадқиқотчиси Бертрам Томас "Arabia Felix" номли китоб ёзди. Римликлар Араб яриморалинининг

жанубида жойлашган Яман ва Уммон ерларини Arabia Felix деб аташарди. Бу ерларда яшаган қабилалар ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар келтирган Томас қадим шаҳарнинг қолдиқларини топганини даъво қилиб чиқди. Араб минтақаларида изланишлар олиб бораётганида Бертрам Томас эски бир йўлга дуч келади. Бадавий араблар бу йўл қадимий Убор шаҳрига тегишли эканини айтишади. Мавзуга қизиқиб қолган олим тадқиқотни охирига етказолмай вафот этади. 90-йилларга келибгина ҳаваскор археолог Николас Клэпп қадим шаҳар вайроналарини топишга муваффақ бўлди. Убор шаҳри борлигини исботлаш учун Клэпп иккита йўлни танлади. Аввал бадавий араблар айтган эски йўл изларини топди. НАСАга мурожаат қилиб, сунъий йўлдош ёрдамида шу минтақанинг расмини олиб беришларини сўради. Кейинчалик Калифорниядаги Хантингтон кутубхонасида сақланаётган қадимий қўлёзма ва хариталарни ўрганиб чиқди. Изланишлар натижасида юнон жўғрофия олими Птолемей (Батлимус) милоддан аввалги 200 йилда чизган харитани топди. Харитада бу минтақада жойлашган қадимий шаҳар ўрни ва унга олиб борадиган йўллар кўрсатилган эди.



Бу орада НАСАдан расмлар олингани ҳақида хабар келди. Сунъий йўлдошлар ёрдамида фазодан олинган бу суратларда оддий кўз билан кўриш мумкин бўлмаган йўллар тасвири бор эди. Птолемей чизган харита билан сунъий йўлдош орқали олинган суратларни солиштирган Клэпп иккаласи ҳам бирига уйғун эканини пайқаб қолди. Шундан сўнг қазилар ишлари бошланди ва қисқа фурсат ичида бадавий арабларнинг ҳикояларида айтилган афсонавий шаҳар ўрни топилди. Унга "Қумлар Атлантидаси – Убор" деб ном берилди. Шу ўринда бир савол туғилади. Топилган бу қадимий шаҳарни Қуръони каримда номи зикр этилган Од қавмига тегишли дейиш учун қандай асос бор?

Юқоридаги сунъий йўлдош фотосуратлари Арабистон ярим оролининг жанубида жойлашган Уммоннинг бир қисмини кўрсатиб турибди. 1992 йилда НАСА нинг фазодан туриб олинган Убар шаҳрига оид фотосуратларида қадимий саҳро йўлларида далолат берувчи излар аниқланди. Қуръонда 1400 йил олдин хабар берилган Од қавми, бугунги кун технологик имкониятлари билан Қуръон мўъжизаси сифатида юзага чиқди.

Аввало, топилган шаҳар қолдиқлари ичида Қуръони каримда алоҳида таъкидланган баланд устунлар бор эди: "(Эй Муҳаммад,) Парвардигорингиз (бошқа) юртларда ўхшаши яратилмаган, баланд устун(ли қаср)лар эгаси бўлган Ирам (шаҳридаги) Од (қабиласи)ни қандай (ҳалокатга дучор) қилганини

кўрмадингизми?" (Вал-фажр, 6–8). Қазилма ишларига бошчилик қилаётган доктор Заринс ҳам бу шаҳар бошқа жойларда учрамайдиган баланд устунлари билан ажралиб туришини, шу боис бу устунларни Од қавми яшаган Ирам шаҳрига тегишли дейиш тўғри бўлишини айтади.


Ирам шаҳри ва Од қавми тарихи кўп баҳс-мунозарага сабаб бўлган мавзу. Чунки тарихий манбаларда бундай юксак маданиятга эга халқ ва улар қурган шаҳар ҳақида маълумот учрамайди. Бундай халқ номининг манбаларда учрамаслигини олимлар ғалати ҳол дейишади.

Аслида бу ҳолнинг сабабини Од қавмининг Яқин Шарқ ва Месопотамия минтақасидаги бошқа халқлардан узоқда – Арабистон яриморалининг жанубий соҳилларида яшагани ва бошқа давлатлар билан ўзаро алоқалари ҳам чекли бўлганида кўриш мумкин. Яна бир асосий сабаб ўша даврларда бу давлатда ёзув-чизувнинг оммалашмагани билан боғлиқдир.

ОД ҚАВМИНИНГ БОҒЛАРИ ВА БУЛОҚЛАРИ

Жанубий Арабистонга саёҳат қилсангиз, биринчи навбатда ястаниб ётган кенг чўл эътиборингизни тортади. Ободонлаштириш мақсадида кейинчалик экилган дарахтларни ҳисобга олмаса, бу ерлар минг йиллардан бери буткул қумга кўмилиб ётибди. Қуръони каримда Ҳазрати Ҳуднинг (алайҳиссалом) қавмини огоҳлантириб, уларга берилган булоқлар ва боғлар ҳақида айтилади. "Ва сизларни ўзларингиз биладиган (неъматлар) билан қўллаган-сийлаган Зотдан (Аллоҳдан) кўрқингиз! У сизларни чорва ҳайвонлари ва ўғиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку!" (Шуаро, 132 –134).

Ҳолбуки, бугунги кунда биз Од қавми яшаган жой деб тахмин қилаётган Убор шаҳри бутунлай қум билан кўмилган. У ҳолда Ҳазрати Ҳуд (алайҳиссалом) тилидан итотсиз қавми огоҳлантиришда нега «боғлар ва булоқлар» муборак жумласи қўлланган?



Ҳамма гап даврлар ўтиши билан юз берган иқлим ўзгаришларидадир. Тарихий манбаларда бугун чўлга айланган минтақалар бир пайтлар жуда унумдор ерлар бўлгани қайд этилади. Жанубий Арабистонда, Од қавми яшаган ерларда саволимизга аниқроқ жавоб топамиз. Изланишлар шуни кўрсатдики, бу ерларда яшаган халқлар деҳқончиликда жуда пухта ишлаб чиқилган суғориш тизимидан фойдаланишган. Ҳазодан олинган суратларда ҳам Рамлат ат-Сабъатайн деган жойлардаги турли суғориш каналлари ва тўғонларнинг қолдиқлари акс этган. Бу иншоотларнинг шакли ва тузилиши икки юз минг кишининг сувга эҳтиёжини қондира оладиган даражада катта бўлганини кўрсатади. Тадқиқотларда қатнашган археолог Доэнинг айтишича, Маъриб атрофидаги ерлар жуда унумдор бўлгани сабабли бир пайтлар Маъриб ва Ҳазрамавт ўртасидаги ҳудудларда деҳқончилик анча ривожланган. Қадимги юнон ёзувчиси

Плиний қўлёзмаларида унумдор тупроқлар, дарахтларга бурканган чексиз ўрмонлар ҳақида тўхталиб ўтган. Ҳазрабийларнинг маркази бўлган Сабвоҳ яқинидан чиққан ибтидоий даврга тегишли топилмалардаги ёзувларда бу ерларда қадимдан ҳайвонлар овлангани қайд этилади. Смитсонинг институти

Покистонда олиб борган изланишлари натижасида ўрта асрларда серунум бўлган ерлар 6 метрлик қум остида қолиб кетгани аниқланган. Миср эҳромлари ҳам бир пайтлар қумлар орасидан қазиб олинган эди. Демак, Од қавмига тегишли боғ ва булоқлар қумтепалар остида қолиб кетган деб тахмин қилиш мантиқан тўғри. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тарихий ва археологик топилмалар Қуръони каримда зикр этилган Од қавми ва Ирам шаҳрининг ушбу минтақада бўлганини, оятларда таъкидланганидек ҳалок этилганини исботлайди.

Археологик намуналар





ЭНГ СЎНГИ ТОПИЛМА



2004 йил 22-апрел ойида Саудия Арабистони чегарасига яқин жойда "Сауди Арамко" ғуруҳи томонидан жуда йирик гавдали инсоннинг қabri, суяклари топилди. Газ захираларини излаш мақсадида қазилган ишлари олиб бораётган муҳандислар тасодифан бу суякларга дуч келиб қолишди. Қадимшунос олимлар таъкидлашча, бу суяклар Қуръони каримда айтилган йирик гавдали ва бақувват Од қавми одамларига тегишлидир. Бу ҳудуд, яъни Саудия Арабистонининг жануби-шарқий қисми ҳарбийлар томонидан кучли назорат остига олинган. Бу ҳудуддан топилган шов-шувли археологик топилмалар қаттиқ назорат остида маҳфий сақланмоқда. Бу ҳудудга фақат "Сауди Арамко" тадқиқот ғуруҳининг киришига ружсат берилган. Интернет тармоқларида бу


Ҳақда жудаёам кўплаб миш-мишлар, уйдурмалар, ниҳоятда кўпайиб кетган. Бунга сабаб айрим интернет тармоқларининг маълумот беришича, "ҳарбий верталёт қазилма ишлари олиб борилаётган ердан ўтиб кетаётганда, уни суратга олиб, интернет тармоқларига чиқариб юборган. Кейинчалик бу иш катта ихтилофларга, шубҳаларга олиб келди" Ўша расми эътиборингизга ҳавола этамиз:

Аслида бу ва шу каби фотосуратлар "Worth1000" сайтининг фойдаланувчилари томонидан "Археологик аномалиялар" учун яратилган эди. Мана шу танловда моҳирона фотошоп орқали ясалган суратлар одамлар орасида турли ҳил ихтилофларни, уйдурмаларни келтириб чиқарди. Мухандислар томонидан топилган суякларни суратларини эса интернет тармоғидан топиш амри маҳол. Чунки у ҳудуд маҳфий назорат остида.



Юқоридаги суратни бошқа вариантларини ҳам эътиборингизга ҳавола қиламиз.





Бу суратлардан келиб чиқиб, биз аниқ бир тўхтамга кела олмаимиз. Сабаби нотўғри маълумотларнинг кўпайиб бориши ва бунинг натижасида ишончлиларини ҳам гумонга айлантириши билан баҳоланади. Шунинг учун интернет тармоғидан топилган ҳар қандай маълумотларни Қуръон билан боғлаш Аллоҳнинг ҳақ каломига путур етказиши мумкин. Қуръони Карим, аввало, ҳидоят китоби. У академик илмий асар эмас. Ҳар қандай илмий маълумотни Қуръон билан таққослаш ҳам ярамайди. Қуръони Каримдаги Од қавмига тегишли одамлар бўлган инсонлардир. Лекин интернетдаги улкан инсон суякларини эса бу, яъни Од қавми билан боғлаш нотўғри ишдир. Чунки бу фотосуратларни биз юқорида ёлғон эканлигини кўриб чиқдик.



СОЛИҲ АЛАЙҲИССАЛОМ

(Ғарбда Шалеҳ, Салиҳ)

Тахминан мил.авв. ХХІ асрларда яшаб ўтганлар

Қуръони Каримда Солиҳ алайҳиссаломнинг исмлари тўққиз марта тилга одинган. У зотнинг қиссалари Шуаро, Аъроф, Қамар, Намл, Ҳуд каби сураларда келган.

СОЛИҲ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ НАСАБЛАРИ

Солиҳ алайҳиссаломнинг оталарининг исми Убайд, боболариники Осиф бўлиб насаблари Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғиллари Сомга бориб тақалади. У киши боида араблардан бўлмиш Самуд қабиласига мансубдирлар.

Самуд қавми Арабистон ярим ороли, Ҳижоз диёрининг шимолий қисмида Ҳижр деб аталадиган юртда истиқомат қилар эди. У юрт ҳозир Мадоини Солиҳ, деб аталади. Аллоҳ таоло Самуд қавмига ўз ичларидан Солиҳ алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборди.



Аллоҳ таоло бу ҳақда Ҳуд сурасида қуйидагиларни айтади: «Ва Самудга биродарлари Солиҳни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. У сизларни ердан пайдо қилди ва унга сизни ободлиги учун қўйди. Бас, Унга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг. Албатта, Роббим яқин ва ижобат қилгувчидир», деди. (61 оят) Оятдан кўриб турибмизки, Солиҳ алайҳиссалом ҳам Пайғамбар бўлиб келиб, қавмларига ўзларидан олдинги Пайғамбарларнинг гапларини айтганлар: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқ».

Нуҳ алайҳиссалом ҳам, Ҳуд алайҳиссалом ҳам шу гапни айтган эдилар. Солиҳ алайҳиссалом ҳам худди шу гапни айтмоқдалар. У кишидан кейин

келганлар ҳам айтадилар бу гапларни. Чунки Пайғамбарларнинг ҳаммаси ягона Аллоҳдан келган, Аллоҳнинг эса битта дини бор-Ислом. «У сизларни ердан пайдо қилди ва унга сизни ободлиги учун қўйди».

Эй қавмим, Аллоҳ сизларни аввал-бошда ер жинсидан яратди. Сўнгра ўша ерни обод қилишингиз учун сизни унда қолдирди. Демак, инсоннинг ер юзидаги вазифаларидан бири уни обод қилишдир. «Бас, Унга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг». Бу сўзларни ҳам барча Пайғамбарлар айтганлар.

«Албатта, Роббим яқин ва ижобат қилгувчидир». У истиғфор ва тавбангизни яқиндан туриб эшитади ва билади ҳамда тезда қабул қилади.

Солиҳ алайҳиссаломнинг бу гапларига қавмлари қуйидаги жавобни бердилар:

Улар: «Эй Солиҳ, бундан олдин сен ичимизда орзу қилинган эдинг. Энди бизни ота-боболаримиз ибодат қиладиган нарсага ибодат қилмоғимиздан

қайтарасанми? Албатта, биз сен даъват қилаётган нарса ҳақида шак-шубҳадамиз», дедилар». (62 оят)

Бу ҳам одатдаги ҳол. Бошқа қавмларга ўхшаб Самуд қавми ҳам, ўзларининг ичларидан чиққан Пайғамбарга, у даъват қилаётган динга шак-шубҳа билан қарамоқдалар. Шу билан бирга, улар Солиҳ алайҳиссаломнинг аввалги ҳолларини эътироф қилмоқдалар:

«Эй Солиҳ, бундан олдин сен ичимизда орзу қилинган эдинг».

Яъни, фазилатларинг учун, ақлинг, илминг, ростгўйлигинг, ҳусни хулқинг, омонатдорлигинг учун ҳаммамиз сенга ҳавас қилар, сендек бўлишни орзу этар эдик. «Энди бизни ота-боболаримиз ибодат қиладиган нарсага ибодат қилмоғимиздан қайтарасанми?»

Бу ҳам барча жоҳил қавмларнинг баҳонаси. Ота-бобоси ибодат қилган нарсага ибодат қилишни рўкач қилиб, Аллоҳнинг юборган Пайғамбарини инкор қиладилар. Ота-боболари ибодат қилган нарса ҳақми, ноҳақми-уларга барибир. Ота-бобоси ибодат қилган бўлса, бўлди. Ўзларича ақл ишлатиб кўрмайдилар. Самуд қавми илгари ўзлари ҳавас қилиб юрган одам Пайғамбар бўлиб келиб, Аллоҳнинг амрини етказса ҳам, ота-боболарининг амалини ташлашни эп кўрмасликни баҳона қилиб, Аллоҳнинг динини инкор қиляптилар. Улар Пайғамбарлари Солиҳ алайҳиссаломга:

«Албатта, биз сен даъват қилаётган нарса ҳақида шак-шубҳадамиз», дедилар». Ноҳаққа ўзини урганлар ҳақдан ажабланадилар. Ҳақ ҳақида шак-шубҳага тушадилар. Инсон табиати бузилганда шундай бўлади.

Нобакор қавмининг бу раддиясидан сўнг Солиҳ алайҳиссалом уларга босиқлик билан ҳақиқатни тушунтиришга уриниб кўрдилар:

«У: «Эй қавмим, хабар беринг-чи, агар мен Роббим томонидан очиқ-ойдин ҳужжатга эга бўлсам ва менга У томонидан раҳмат берилган бўлса-ю, мен Унга осий бўлсам, ким менга Аллоҳ (азоби) дан (қутулишга) ёрдам беради?! Бас, сиз менга зиёндан ўзгани зиёда қилмассизлар». (63 оят)

Илгари Нуҳ алайҳиссалом ҳам шу гапларни айтган эдилар.

Сизлар мен даъват қилаётган нарса ҳақида шак-шубҳа қилмоғингиз ҳеч нарсани ҳал этмайди. Сиз ҳар хил нарсада шак-шубҳа қилишингиз мумкин. Лекин дунёнинг ишлари, хусусан Пайғамбарлик, динга даъват қилиш, сизнинг хоҳишингиз ёки шак-шубҳа қилишингизга боғлиқ эмас!

«Эй қавмим, хабар беринг-чи, агар мен Роббим томонидан очиқ-ойдин ҳужжатга эга бўлсам»

Бу очиқ-ойдин ҳужжат У кўрсатган йўл эканини ростмона кўрсатиб турса

«ва менга У томонидан раҳмат берилган бўлса-ю»

У зот, яъни, Аллоҳ таоло Ўз томонидан менга Пайғамбарликни берган бўлса-ю,

«...мен Унга осий бўлсам...»

Унинг айтганини бажармасдан, бошқача амал қилсам, албатта, Унинг азобига дучор бўламан. Ўша азобга дучор бўлган пайтимда

«ким менга Аллоҳ (азоби) дан (қутулишга) ёрдам беради?!»

Сизми? Йўқ! Сиз ёрдам беролмайсиз. Сиз фақат зарар берасиз.

«Бас, сиз менга зиёндан ўзгани зиёда қилмассизлар», деди.

Кўр-кўрона, ҳеч қандай далил-ҳужжатсиз, ўзларича ота-бобосидан қолган бидъат-хурофотларга ёпишиб олган мушриклардан зиёндан ўзга нима ҳам кутиш мумкин!

Минг афсуски, бу гапларнинг барчаси Самудга таъсир қилмади. Шуаро сурасида айтилганидек:

«Самуд қавми Пайғамбарларни ёлғончи қилди».

«Ўшанда уларга биродарлари Солиҳ деди: «Кўрқмайсизларми?!»

Албатта, мен сизларга ишончли Пайғамбарман.

Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглр.

Мен сизлардан бунинг учун ҳақ-ажр сўрамайман. Менинг ажрим фақатгина Роббул олабийн зиммасидадир.

Сиз бу жойдаги нарсаларда омон ҳолда тарк қилинасизми?!
Боғ-роғларда, булоқларда?!
Экинзорлару майин хурмозор ичларида-я?!» (141-148 оятлар)

Аллоҳнинг Пайғамбари Солиҳ алайҳиссаломнинг ўз қавмларига айтаётган ушбу гапларидан, ул қавм ҳам моддапарастликка, молу-дунё ва айшу-ишратга берилган қавм бўлгани кўриниб турибди.

«Ва тоғлардан манманлик-ла уйлар йўнаверасизми?!» (149)

Самуд қавми ҳозирги аҳли дунёларга-моддапарастларга ўхшаб ўзларидаги мавжуд дунё матоҳлари ила манманлик қилишни хуш кўрар эдилар. Уларнинг манманлик қилишларининг кўзга кўринган соҳаси тоғ ёнбағларидаги тошларни йўниб уй қилиш эди. Улар тоғнинг мужассам тошларини йўниб ич томонига кириб уйлар, қасрлар қилишар эдилар. Ана ўша уйлари ҳозиргача сақланиб қолган. Арабистон ярим ороли шимолида саёҳатчилар тамоша қиладилар. Солиҳ алайҳиссалом ўз қавмларига ўша манманлик учун тошдан уй йўнишларини ҳам танқид маъносида эслатмоқдалар.

«Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар». (150 оят)

Эй қавмим, сиз манманлик ва моддапарастлик ҳамда беҳуда айшу-ишратни тарк қилиб, Аллоҳ таолога тақво қилинглар ва менга итоат қилинглар.

«Ва ер юзида исрофчилик қиладиганларнинг ишига итоат қилманглар. Бузғунчилик қиладиган, ислоҳчилик этмайдиганларнинг». (151-152 оятлар)

Солиҳ алайҳиссалом куюниб айтган бу гапларига жиноятчи Самуд қавми қуйидаги жавобни берди:

«Улар: «Сен, албатта, сеҳрланганлардандирсан. Сен бизга ўхшаган башардан бошқа ҳеч нарса эмассан. Агар ростгўйлардан бўлсанг, оят-мўъжиза келтир», дедилар». (153-154 оятлар)

Агар Пайғамбарлик даъвоинг рост бўлса, уни тасдиқлаш учун оят-мўъжиза келтир, дейишди.

Самуд қавмининг бу талабига биноан Аллоҳ таоло Солиҳ алайҳиссаломга мўъжиза берди.

Энди Солиҳ алайҳиссалом Самуд қавмига ўша мўъжизани эълон қилмоқдалар:

«У: «Мана бу туя. Унга (бир кун) сув ичиш ва сизга маълум бир кун сув ичиш. Ва унга ёмонлик етказманглар, унда сизни улуғ куннинг азоби тутадир», деди. (155-156 оятлар)

Бошқа оятларда баён этилганидек, Аллоҳ таолонинг томонидан мазкур туяни тошдан чиқарилишининг ўзи мўъжиза бўлган эди.

Аллоҳнинг Пайғамбари Солиҳ алайҳиссалом Самуд қавмига ўша мўъжиза туяни кўрсатиб:

«Мана бу туя. Унга (бир кун) сув ичиш ва сизга маълум бир кун сув ичиш», демоқдалар.

Энди ўша мўъжиза туянинг Самуд қавми ичида туриш шарти қўйилди. Ўша юртдаги булоқдан бир кун туя, бир кун Самуд қавми сув ичади.

Шу билан бирга яна бир шарт бор.

«Ва унга ёмонлик етказманглар, унда сизни улуғ куннинг азоби тутадир». Қавм туяга мутлақо зарар етказмаслиги керак. Агар бу шартни бузуб туяга зарар етказадиган бўлсалар, уларга азоб етиши турган гап.

Аммо жинояткор қавм шартга амал қилмади.

«Бас, у (туя)ни сўйдилару надомат чекувчига айландилар».

Самуд қавми туғёнга кетиб, туяни сўйдилар. Кейин эса, надомат чека бошладилар.

СОЛИҲ АЛАЙҲИССАЛОМНИ ЎЛДИРИШ ҲАРАКАТИ

Самуднинг яна бошқа жинояти ҳам бор эди. Нобакорларнинг бу жинояти ҳақида «Намл» сурасида қуйидагилар айтилади: «У шаҳарда тўққиз нафарли гуруҳ бор бўлиб, ер юзида бузғунчилик қилишар, ислоҳ қилмас эдилар». (48 оят)

Яъни, Солиҳ алайҳиссалом шаҳарлари бўлмиш Ҳижр шаҳрида тўққиз кишидан иборат бир гуруҳ бўлиб, ўша гуруҳ аъзолари бузғунчилик, фасод ишлар билан шуғулланишарди, яхшиликка, ислоҳ қилишга қўл уришмасди.

Ана ўша тўққиз кишилик бузғунчи гуруҳ аъзолари ислоҳга чақираётган Солиҳ алайҳиссаломдан энг кўп дарғазаб бўлдилар. Ўз жиноятлари билан шаҳар аҳолисини кўрқитиб олган мазкур уюшган жиноятчилар ўзларининг барча ҳамкасбларига ўжшаб шаҳарнинг каттаю-кичик ҳар бир ишига аралашиб турар эдилар.

Солиҳ алайҳиссаломнинг гаплари чиққанидан сўнг улар ишни ўзларича муолажа қилишга ўтдилар.

«Улар: «Аллоҳнинг номига қасам ичинглар! Албатта, у(Солиҳ)ни ва унинг аҳлини тунда ўлдирамиз, сўнгра валийсига, биз унинг аҳлининг ҳалокатига гувоҳ эмасмиз, албатта, биз ростгўйлармиз, деймиз», дедилар». (49 оят)

Ҳамма замондаги бузғунчи, зўравон, жиноятчи, иймонсиз гуруҳларнинг услуби шу-ўзларининг йўлига қарши бўлган, кишиларни фисқ-фасоддан қайтараётган, халқ-халойиққа бузғунчилик, қаллоблик, ҳаром-хариш нималигини англашиб, уларнинг кўзини очаётган шахсга суъиқасдлар уюштирилади; кечаси хоинларча бекиниб келиб, ўлдириб ёки бошқа бирор зарар етказиб кетилади; кейин мазлумнинг тарафдорларига, билмадик, ким қилди экан бу ишни, дея без бўлиб тураверилади.

Солиҳ алайҳиссаломнинг илоҳий даъвати ёқмаган кофир-бузғунчи, тўққиз кишилик жиноятчи гуруҳдагилар ҳам худди шу услубни қўллаш ҳақида маслаҳат қилишди. Энг қизиғи, Аллоҳга иймони йўқ, Аллоҳнинг динига қарши чиқаётган, Аллоҳнинг Пайғамбари ва Унинг аҳлини ўлдиришга аҳдлашаётганлар нима қилиптилар, эътибор беринг-а:

«Улар: «Аллоҳнинг номига қасам ичинглар!» демоқдалар.

Ҳа, бир-бирларини Аллоҳнинг номи билан қасам ичиб туриб, ўша мудҳиш ишни амалга оширишга чорламоқдалар. Аллоҳга куфр келтириб, унга қарши жиҳод қилиб, унинг йўлида хизмат қилаётганларни, унга иймон келтирганларни ўлдириш пайида бўлиб туриб, яна нега Аллоҳнинг номи билан қасам ичадилар?! Ҳа, бу алдамчилик бузғунчиларнинг қонига синган хислатдир. Улар шу йўл билан Аллоҳни ҳам, одамларни ҳам, ўзларини ҳам алдамоқчи бўладилар. Лекин бу алдовга ўзларидан бошқа ҳеч ким ишонмайди. Бу тоифадаги бузғунчилар Аллоҳнинг номи билан қасам ичаверадилар, Аллоҳ, дин, шариат ҳақида, уларга ихлос қилиш зарурлиги хусусида лоф ураверадилар.

Шу билан бирга, Солиҳ алайҳиссаломни ва у кишига уммат бўлганларни кечаси ўлдиришнинг режасини ҳам тузаверадилар. Яна бу режани амалга оширишда бирортаси айниб қолмасин учун Аллоҳнинг номи билан қасам ҳам ичадилар.

Бузғунчи, дин душманларининг иккинчи бир ғаройиб хусусияти оятдаги:

«Албатта, у(Солиҳ)ни ва унинг аҳлини тунда ўлдирамиз», деган гапларидан билинади.

Дин ва диёнат учун хизмат қилаётган кишиларни, диндорларни очикдан-очик ўлдиришга уларнинг юраги бетламайди. Кечаси хоинларча келиб, бировга билдирмасдан ўлдириб кетадилар. Чунки қанчалик кофир, золим, бузғунчи бўлмасинлар, Аллоҳ йўлида юрган одамни шу йўлда юргани учунгина ошкора ўлдиришга ёки бирор зарар етказишга журъат эта олмайдилар. Шунинг учун бирор зарар етказмоқчи бўлсалар, бошқа сабабларни тўқийдилар, ўлдирмоқчи бўлсалар, кечаси ўлдирадилар.

Бузғунчи, дин душманларининг учинчи бир ғаройиб хусусияти:

«Сўнгра валийсига, биз унинг ақлининг ҳалокатига гувоҳ эмасмиз, албатта, биз ростгўйлармиз, деймиз», деган гапларида кўринади.

Ундоқ набокорлар қилар ишни қилиб қўйиб, ёлғонни кўпиртириб, мен ростгўйман, деб қасам ичиб тураверадилар. Бунга Аллоҳни ҳам, одамларни ҳам ишонтирамиз, деб ўйлайдилар. Аммо ҳеч ким ҳеч қачон ишонмайди. Улар фақат ўзларини алдайдилар, холос. Улар ўзларича, одамларни боладик, деб хурсанд бўлиб юрадилар. Аммо охир-оқибат ўзлари бопланиб қолганларини билмай қоладилар.

«Улар макр қилдилар. Биз ҳам улар сезмаган ҳолда бир «макр» қилдик». (50 оят) Яъни, кофир-бузғунчилар ўзларича маслаҳатлашиб, макр-ҳийла ишлатиб, устамонлик қилмоқчи бўлдилар. Биз уларнинг макрининг жазосини бердик.

Ақида бўйича, Аллоҳ таолога макр-ҳийлани нисбат бериб бўлмайди. Намл сурасидаги ушбу оят ва унга ўхшаш бошқа оятларда араб тилининг балоғат-фасоҳат қоидаларидан «мушокала» қоидаси ишлатилгандир. Яъни, лафзларнинг шакли бир хил-у, маъноси бошқа-бошқа бўлади. Оятларда «макр» сўзи бузғунчиларга нисбатан асл маъносида, Аллоҳ таолога нисбатан эса, макрнинг жазосини бериш маъносида ишлатилади.

Ҳа, дин душманлари, бузғунчилар макр-ҳийла қилиб, Аллоҳнинг номи билан қасам ичиши, ўзини диндор қилиб кўрсатиши, ақли иймонга турли найранглар ишлатиб, мусибат етказиши мумкин. Ўзида бор куч-қувват, имконият ва ҳийла-найранглардан қувониши мумкин. Лекин ҳаммасини Аллоҳ таоло кўриб-билиб, ҳисоб-китоб қилиб туради-ку?! Аллоҳ таоло ўша бузғунчиларни ўзларига сездирмай, аҳволини расво қилиб қўйиши мумкин-ку?! Ҳозирча ўша бузғунчиларнинг сўзини ўтадиган, ишини битадиган қилиб қўйиши ҳам сездирмай олишнинг бир йўли-ку?! Мана шуларни унутган бузғунчилар охир-оқибат ҳақиқий ҳалокатга учрайдилар.

«Назар сол! Уларнинг макри оқибати нима бўлди?! Биз, албатта, уларни ва қавмларини, ҳаммаларини ер билан яксон қилдик». (51 оят)

Ҳа, динга қарши бўлган, бузғунчилик қилган, иймон аҳлига зулм ўтказган одамлар қанчалик кучли бўлмасин, қанчалик макру ҳийлаларга ўрганган бўлмасин, барибир охир-оқибатда ҳалокатга учрашлари муқаррар.

«Ана, зулмлари сабабли уйлари ҳувуллаб ётибди! Албатта, бунда биладиган қавмлар учун ибрат бордир». (52 оят)

Зулмнинг оқибати шундай бўлиши турган гап. Бир кун келиб, золимлар ҳалокатга учрайди. Уларнинг ҳашаматли қасрлари, уйлари, турар жойлари вайронага айланиб, ҳувуллаб қолади. Буни ҳар жойда, ҳар диёрда кўриб юрибмиз. Ана ўша золимларнинг аянчли қисматида улардан кейин келганлар учун, агар улар биладиган қавм бўлсалар, ибрат, ваъз-насиҳат ва эслатма бордир. Аммо билмайдиган, жоҳил қавмлар бўлса, яна айнан ўша ҳалокатга учраган золимларнинг хатосини такрорлайверадилар ва оқибатда ўша золимларга ўхшаб ҳалокатга йўлиқаверадилар.

«Ва иймон келтириб, тақво қилиб юрганларга нажот бердик». (53 оят)

Аввалги ўтган мўмин ва тақводорларга нажот берганимиздек, Солиҳ қавмининг ҳам мўмин ва тақводорларига нажот бердик. Улардан кейин келадиган мўмин ва тақводорларга ҳам нажот берамиз.

Солиҳ алайҳисаломни ўлдирмоқчи бўлган мазкур тўққиз кишилик жиноятчи гуруҳни, Самуд қавмидан олдин Аллоҳ таоло осмондан тушган тошлар билан парчалаб ҳалок қилди.

САМУДНИНГ ҲАЛОКАТИ

Самуднинг қолган кофирларини эса турли услубдаги ашаддий азоблар билан ҳалок қилди. Қуръони Карим ўша ҳалок қилиш қандоқ бўлганини ўзига хос услублар ила турли сураларда баён этган.

Азобнинг биринчи тури: «Албатта, Биз уларга бир овоз юбордик. Ва улар кўра қурувчи (йиққан) қуруқ шох-шаббаларга ўхшаб қолдилар». (Қамар сураси 31 оят) Яъни, Самуд қавмини Аллоҳ таоло даҳшатли, кучли овоз билан ҳалок қилган. Улар ҳалок бўлганларидан сўнг қўйбоқарлар қўйхона қуриш учун ишлатадиган қуруқ шох-новдаларга ўхшаб қолган эдилар. Ҳозирги пайтда ҳам сирли суратда ҳалок бўлганларни қаттиқ овоздан кўрқиб ўлган бўлса керак, деб тахмин қилишмоқда.

Азобнинг иккинчи тури: «Бас, уларни шиддатли zilzila олди ва жойларида ўтириб қолдилар». (Аъроф сураси 78 оят)

Азобнинг учинчи тури: «Аmmo Самуд бўлса, бас, Биз уларни ҳидоят қилдик. Улар эса, ҳидоятдан кўра кўрликни афзал кўрдилар. Бас, касб қилган нарсалари туфайли уларни хорлик азоби чақмоғи урди». (Фуссилат сураси 17 оят) Самуд қавми касб қилган куфри ва гуноҳлари туфайли чақмоққа учраб ҳалок бўлди. Бу чақмоқ хорлик азоби чақмоғидир.

Барча қавм ҳалок бўлиб Солиҳ алайҳиссалом билан бирга бир юз йигирма дона мўмингина саломат қолдилар. Солиҳ алайҳиссалом умрларининг охиригача тинч омон яшадилар. У зот Фаластиннинг Рамла шаҳри яқинида дафн қилинганликлари ҳақида ривоятлар бор.


ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ






Самуд қавми Қуръонда қайд этилган бир қабила бўлиб, у ҳақда бугунги кунда кўп маълумотлар мавжуд. Тарихий манбалар кўп йиллар илгари Самуд номи бир қавм мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Самуд қавми ва Қуръонда қайд этилган ал-Ҳижр халқи аслида битта, деб тахмин қилинади, чунки Самуднинг бошқа номи «Ашааб ал-Ҳижр». Шундан келиб чиққан ҳолда, «Самуд» сўзи халқнинг номи бўлиб, ал-Ҳижр эса улар асос солган шаҳарлардан бири бўлиши мумкин. Аслида, бу айнан Юнон географи Плинийнинг таърифлари билан

бир хилдир. Плиний Самуд қавмининг Домоса ва Ҳегра деб аталадиган жойда, бугунги кундаги Ҳижр шаҳрида яшаганлари ҳақида ёзади. Самуд қавми тилга олинган энг эски манба Бобил давлати қайдномаларидир. Улар Бобил подшоҳи Саргон II нинг милoddан аввалги VIII асрда яшаган одамлар устидан қозонган зафарлари ҳақидаги тафсилотларни баён этади. Саргон уларни Шимолий Арабистондаги жангда енгади. Юнонликлар ҳам бу қавм устида тўхталиб ўтганлар ва Арасту, Птолемей ва Плинийлар уларга «Thamudaei», яъни «Самудлар» деб мурожаат қилганлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) давридан, яъни тахминан 400-600-йиллардан олдин уларга оид барча излар тамомила йўқолиб кетган эди. Бугунги кунда Иорданиянинг жануби-ғарбидаги қадимий Петра шаҳрида бу қавм яратган тош асарларнинг энг гўзал намуналарини кўриш мумкин. Самуд қавмидан кейин бу ерда Набатеялар қавми ҳам яшаганлиги тахмин қилинади.









Ҳақиқатан ҳам, Қуръонда Самуд қавмининг тош ишларидаги усталиклари ҳақида шундай сўз юритилади: (Солиҳ у з қавмига деди:) «Сизларни (Аллоҳ) Од (қавми) дан кейинги халифа (авлод) қилгани ва текисликларида қасрлар (қуриб) олишингиз, тоғларидан ўйиб уйлар ясаб олишингиз учун сизларга Ердан жой берганини эслангизлар! Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз ва Ер (юзи) да бузғунчилик қилиб юрмангиз!» («Аъроф» сураси, 74-оят)

ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМ

(Ғарбда Абраҳам, Аврам)
Тахминан мил. авв. XXI-XIX асрларда яшаганлар

Қуръони Каримда исми шарифи кўп зикр қилинган зотлардан бирлари Иброҳим алайҳиссаломдирлар, десак муболаға қилмаган бўламиз. У зотнинг муборак исмлари каломи илоҳий олтмиш тўққиз марта зикр қилинган экан. Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссалари ҳам Қуръони Каримда энг кўп келтириладиган қиссалардандир. Бақара, Марям, Анкабут, Наҳл, Нисо, Анъом, Зарият ва бошқа сураларда Иброҳим алайҳиссалом ҳақидаги ояти карималарни тиловат қиламиз.

Шунингдек, каломи илоҳийнинг бутун бошли бир сураси ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом номлари билан аталишини ҳам таъкидлаб ўтмоғимиз лозим. Албатта, Иброҳим алайҳиссаломга Қуръони Каримда бунчалик катта эътибор берилиши бежиз эмас.

Зотан у зот Халилур Роҳман, Анбиёлар отаси, Улул азм пайғамбарларнинг бири, ҳам яҳудийлик, ҳам насронийлик, ҳам Исломда катта мартаба соҳиби бир зотдирлар. Иброҳим алайҳиссалом Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг катта боболаридирлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Иброҳим алайҳиссаломнинг фазилатлари ва мартабаларини ўрнига қўйишга одам боласи ожизлик қилади. Шунинг учун у зот васфларида келган бир оят ва бир ҳадиси шарифни мисол тариқасида келтириш билан кифояланамиз.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссалом ҳақларида «Марям» сурасида қуйидаги марҳаматни қилади: «Китобда Иброҳимни эсла. Албатта, у сиддиқ ва набий бўлган эди». (41 оят)

Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, Қуръонда Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссасини зикр қил. У сиддиқ-ўзи ҳам, сўзи ҳам тўғри, шунинг баробарида,

набий-Пайғамбар бўлган эди. Иброҳим алайҳиссаломнинг сиддиқлик сифатлари «кўп тасдиқловчи» маъносини ҳам англатади.

Анас розияллоҳу анҳу: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, одамларнинг яхшиси!» деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иброҳим алайҳиссалом ўшандоқдир», дедилар». Муслим, Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Иброҳим алайҳиссаломни энг яхши, энг афзал инсон зоти сифатила кўрганлари билинади. Албатта, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ таолонинг афзал халқи бўлганлари ҳақида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо бу ҳадисдаги гапни У зот алайҳиссалом ўзларининг афзалликлари ҳақидаги хабар келишидан олдин ва ўта камтарлик сифатлари ила айтганлар.

ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ НАСАБЛАРИ

Иброҳим алайҳиссаломнинг оталарининг исми Озар, боболарининг исми Ноҳур, катта боболарининг исми Соруғ бўлган. У зотнинг насаблари Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғилари Сомга етиб боради.

Иброҳим алайҳиссаломнинг кунялари «Абуз Зийфон» бўлган. Бу «меҳмонлар отаси» деган маънони англатади. Иброҳим алайҳиссаломнинг ўз меҳмонлари билан бўлган қиссалари Қуръони Каримдаги энг машҳур қиссалардан эканлиги маълум.

ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ТУҒИЛИШЛАРИ

Иброҳим алайҳиссалом Бобилда таваллуд топганлар. Бобил ҳозирги Ироқ ҳудудида бўлганлиги ҳам ҳаммага маълум. Иброҳим алайҳиссалом таваллуд топганларида оталари етмиш беш ёшда бўлган эканлар. Иброҳим алайҳиссалом бош фарзанд бўлганлар.

У ЗОТНИНГ УЛҒАЙИШЛАРИ

Иброҳим алайҳиссалом илоҳий таълимотлардан узоқлашган бузуқ бир жамиятда ўсдилар. Ўша вақтда Бобилга Намруд исмли мустабид, золим подшоҳ ҳукмдорлик қилар эди. У ернинг одамлари молу-дунё ва айшу-ишратга берилган эдилар. Шу билан бирга ширк эътиқодида бўлиб, буту-санамларга сиғинар эдилар. Қавмнинг эътиқоди бузуқлигидан фойдаланган подшоҳ, ўзини Худо деб эълон қилган эди. Иброҳим алайҳиссалом ўсиб улғайган сари бу номаъқулчиликларга қаршиликлари ҳам улғайиб борди.

ИМОМЛИККА ИХТИЁР ҚИЛИНИШЛАРИ

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга рушди ҳидоят ато қилган эди. Ана шу сабабдан у зот ёшликларидан ширк, зулм ва истибдодга қарши бўлиб ўсдилар. Вақти соати келганда Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни пайғамбарликка танлаб олди:

«Иброҳимни Роббиси калималар ила синаб кўрганда, у уларни батамом адо этганини эсла! У зот: «Мен, албатта, сени одамларга имом қилмоқчиман» деди. У: «Зурриётимдан ҳамми?» деди. У зот: «Золимлар аҳдимга ҳеч қачон эриша олмаслар», деди». (Бақара сураси 126 оят)

Аллоҳ таолонинг Иброҳим алайҳиссаломни синаган «калималар» ҳақида тафсирчиларимиз турлича фикрлар билдирганлар.

Хулоса шуки, бу калималар буйруқ ва қайтариқлар мажмуасидир. Яъни, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга бир қанча ишларга амрлар қилди ва бир қанчаларидан қайтарди. Иброҳим алайҳиссалом вафодор банда сифатида у калималарни кам-кўстсиз адо этдилар. Мукофот тариқасида Аллоҳ таоло у кишига: «Мен, албатта, сени одамларга имом қилмоқчиман», деди.

«Имом» сўзи пешво, олдиндаги, бошловчи шахс маъноларини билдиради. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни одамларга пешво, бошлиқ, раҳнамо қилмоқчи эканини билдирди.

Шу пайтда Иброҳим аллайҳиссаломнинг инсонлик табиатлари ўзини кўрсатди: оддий бир инсон сифатида болалари, набиралари, зурриётларини ўйладиларда: «Зурриётимдан ҳамми?» дедилар.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу саволга бевосита жавоб бермади, балки умумий қоидани айтди:

«Золимлар аҳдимга ҳеч қачон эриша олмайдилар», деди».

«Золимлар» кимлар?

Зулм, золимлик турлича бўлади. Куфр, ширк ва гуноҳ ишлар қилиш билан, диний кўрсатмалардан чиқиш билан ўзига ўзи зулм қилиш ҳам золимлик, ўзга кишиларга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлиб зулм қилиш ҳам золимликдир.

КУРАШГА ШАЙЛАНИШ

Иброҳим алайҳиссалом бу ишлардан кейин ширк ва мушрикларга қарши кураш, тавҳид ақийдасини тарқатиш учун тинимсиз курашга уринишлари керак эди. Бу жиҳодни қилиш учун эса мушрик ва кофирлар билан талашиб-тортишиш, ҳужжат-далил суриштириш керак бўлар эди. Шунинг учун ўз тажрибалари асосида ўша замон ва унинг муҳитида ўзлари дуч келиши муқаррар бўлган баъзи саволларга Аллоҳ таолонинг ўзидан жавоб олиш, баъзи нарсаларни тажрибадан ўтказиб олиш мақсадида Роббил оламинга қуйидаги нидони қилдилар:

«Эсла, Иброҳим: «Эй Роббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсат», деганда, У зот: «Ишонмадингми?» деди. У: Оре, лекин қалбим хотиржам бўлиши учун», деди. У зот: «Қушдан тўртта олгин-да, ўзингга тортиб, кесиб майдала, сўнгра улардан ҳар бир тоққа бўлакларини қўйгин, кейин уларни ўзингга чақир, ҳузурингга тезлаб келадилар», деди. «Ва билгинки, албатта, Аллоҳ азиз ва ҳаким зотдир». (Бақара сураси 260 оят)

Бу оятда Аллоҳ таолонинг энг улуғ Пайғамбарларидан бири Иброҳим алайҳиссалом ўз Роббидан ўликларни қандай қилиб тирилтиришни кўрсатишини сўрамоқдалар.

«Иброҳим: «Эй Роббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсат», деганда»

Бу савол мўмин банданинг ўз Роббининг қудратини кўриб қувониши, иймонига иймон қўшилиши учун бўлган саволдир. Ваҳоланки, Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таоло ўликларни тирилтира олишига ҳеч қандай шубҳа қилмас эдилар. У зотнинг бунга ишончлари комил эди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло: «Ишонмадингми?» деб сўраганида: «У: Оре, лекин қалбим хотиржам бўлиши учун», деди».

Дилда ишонган нарсани, кўз билан кўриб, Аллоҳ таолонинг қудратига қоил қолиб, мўмин банда ўз Роббининг мўъжизаларини кўриб маза қилгандек, маза қилиб, кўнгли хотиржам бўлиши учун сўраганлар.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг қалбларидаги бу шавқни қондириш учун саволга амалий жавоб беришни ирода қилди ва бу тажрибада савол берувчининг ўзини ҳам иштирок этдирди.

«Қушдан тўртта олгин-да, ўзингга тортиб, кесиб майдала, сўнгра улардан ҳар бир тоққа бўлақларини қўйгин»,

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга тўртта қуш олишни ва уларни майдалаб ташлашни буюрди. Ва яна, у қушларни ўзингга торт, деди. Яъни, уларга яқиндан қараб, яхшилаб кўриб, таниб олишни амр этди. Қайси қуш қанақа, ранги қандай, қаноти, думи ва бошқа аломатлари қандай? Буларни таниб олишдан мақсад шуки, кесиб майдалаб ташланган қушлар қайта тирилтирилганда, аломатлари аввалги ҳолатларига мос келишини кўришдир.

Сўнгра кесиб-майдаланган қушларнинг бўлақларни атрофдаги тоғларга сочиб юборишга, аралаштириб, ҳар жойларга тарқатишига амр қилди.

«Кейин уларни ҳузурингга чақир», деди.

Шундай қилса, қушларнинг майдалаб ташланган бўлақлари қайтадан бирлашиб, асл ҳолига қайтиб, тирилган ҳолида тезлаб келишларини айтди.

Шу тариқа Иброҳим алайҳиссалату вассаллом ўз тажрибаларида Аллоҳ таоло ўликларни қандай қилиб тирилтиришини кўрдилар.

«Ва билгинки, албатта, Аллоҳ азиз ва ҳақим зотдир».

У азизлигидан, хоҳлаган ишини қилади, Унга ҳеч бир зот тўсиқ бўла олмайди.

У ҳақим бўлганида, ҳар бир ишни ҳикмат билан қилади. Унинг беҳикмат иши йўқ.

ШИРККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ БОШЛАНИШИ



Барча тайёргарликлар кўриб бўлингандан кейин Иброҳим алайҳиссалом ширкка қарши курашни бошладилар. Бу улкан курашни у зот аввал ўз оилаларидан бошладилар. Иброҳим алайҳиссалом биринчи навбатда ўзларининг мушрик оталарини ширкни тарк қилишга даъват қилдилар. Ота эътироз билдирди. Орада мунозара бўлди. Ана ўша ҳолни «Марям» сурасида қуйидагича васф қилинади:

«Китобда Иброҳимни эсла. Албатта, у сиддиқ ва набий бўлган эди». (41 оят) Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, Қуръонда Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссасини зикр қил. У сиддиқ-ўзи ҳам, сўзи ҳам тўғри, шунинг баробарида, набий-Пайғамбар бўлган эди. Иброҳим алайҳиссаломнинг сиддиқлик сифатлари «кўп тасдиқловчи» маъносини ҳам англатади.

«Қачонки у отасига: «Эй отажон, нима учун эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирон фойда бермайдиган нарсага ибодат қиласан?»

Эй отажон, албатта, сенга келмаган илм менга келди. Бас, менга эргаш, сени тўғри йўлга бошлайман.

Эй отажон, шайтонга ибодат қилма. Албатта, шайтон Роҳманга осий бўлгандир.

Эй отажон, албатта, мен сени Роҳман томонидан азоб тутишидан ва шайтонга дўст бўлиб қолишингдан қўрқаман», деган эди». (42-45 оят)

Ушбу тўрт ояти каримада «Пайғамбарлар отаси» лақабини олмиш зот, Аллоҳнинг улуғ Пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломнинг оталарини ширкни тарк этиб, Аллоҳнинг ибодатини қилишга чақиришлари баён қилинмоқда.

Иброҳим алайҳиссалом оталарини тўғри йўлга даъват этишдан олдин, ота нотўғри йўлда эканини савол йўсинида баён қилдилар.

«Эй отажон, нима учун эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирон фойда бермайдиган нарсага ибодат қиласан?»

Иброҳим алайҳиссаломнинг қавмлари, шу жумладан, оталари ҳам, ўзлари ясаб олган жонсиз бутларга ибодат қилишар эди. Табиийки, бутлар ҳаётсиз бўлганларидан, ҳеч нарсани эшитмайди ва кўрмайди. Шу боисдан ўзига ибодат қилаётган мушрикларни кўрмаслиги, уларнинг дуоларини эшитмаслиги табиий. Жонсиз, ҳиссиз нарса, бировга на фойда, на зиён етказа олади. Иброҳим алайҳиссалом жўяли савол ила ушбу ҳақиқатни оталарига эслатдилар.

Аслида, инсоннинг ибодати унинг ўзидан кўра олий, олим ва қудратли зотга таважжуҳ этиш-юз тутиш ила бўлмоғи лозим. Ана шунда инсон ўз мақомидан чандон юқори мақомга юзланади.

Инсоннинг ҳайвондан ҳам тубан, жонсиз бир нарсага юзланиши, ёлбориши, розилигини топишга уриниши, унга қурбонликлар келтириши ўз қадрини ерга уриш, ўзини жонсиз нарсалардан ҳам паст деб тан олишидир. Бу иш инсоният учун улуғ исноддир.

«Эй отажон, албатта, сенга келмаган илм менга келди».

Яъни, менга ваҳий йўли билан Худони таниш, сифатларини англаш, Унга қандай ибодат қилиш илми-сен билмаган илм келди.

Мулоҳаза қиладиган бўлсак, Иброҳим алайҳиссалом оталарига олий мақомдаги одоб билан мурожаат қилмоқдалар. У зот «Сен кофирсан, мушриксан», каби оғир гапларни айтмаяптилар. Шунингдек, «Мен Пайғамбарман, Аллоҳнинг халилиман», каби ўз шаънларини тавсифлаш ҳам йўқ. Балки, бу гапларни ўзимча тўқиб эмас, менга келган илм асосида гапирмоқдаман, демоқдалар.

«Бас, менга эргаш, сени тўғри йўлга бошлайман».

Чунки мен сен билмаган нарсани биламан.

Демак, дин-диёнат ишида ёши катта ёки ота-бола деган мулоҳаза бўлмас экан. Кичик ўзидан каттага, бола ўз отасига залолат йўлини тарк этиб, ҳидоят йўлида юришни англатиши зарур.

«Эй отажон, шайтонга ибодат қилма».

Яъни, шайтоннинг айтганини қилма, унинг йўлига юрма. Бутга сиғиниш ҳам шайтоннинг иши. Бу ботил амалга шайтон бошлайди. Бинобарин, бутга ибодат қилиш шайтонга ибодат қилишдир.

«Албатта, шайтон Роҳманга осий бўлгандир».

Роҳманга осий бўлган шайтонга банда қандай ибодат қилиши мумкин? У ҳолда шайтондан ҳам тубан бўлиб қолади-ку?!

Ҳа, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилмаганлар, фақат Унинг кўрсатмалари асосида яшамаганлар шайтондан ҳам баттардирлар.

«Эй отажон, албатта, мен сени Роҳман томонидан азоб тутишидан ва шайтонга дўст бўлиб қолишингдан қўрқаман».

Яъни, агар шу тарзда шайтонга эргшиб жураверсанг, албатта, Роҳманнинг азобига дучор бўласан. Унда бир йўла шайтонга дўст бўлиб қоласан. Бу эса, энг ёмон оқибатдир.

Иброҳим алайҳиссаломнинг лутф ила қилаётган куюнчакликлари отанинг тош қотган мушрик қалбига таъсир қилмади. Ўғлининг пурҳикмат гапларига кўполлик, дағаллик ва таҳдид ила жавоб берди:

«У: «Эй Иброҳим, сен менинг худоларимдан юз ўгирувчимисан?! Қасамки, агар тўхтамасанг, сени, албатта, тошбўрон қиламан! Мендан узоқ кет!» деди». (46 оят)

Яъни, «Эй Иброҳим, ҳали сен менинг худоларимдан юз ўгириясанми?! Уларга ибодатдан бош тортяпсанми?! Билиб қўй! Қасам ичиб айтаманки, агар уларни таҳқирлашдан тўхтамасанг, сени ўлим кутади, албатта, тошбўрон қиламан. Йўқол! Кўзимга кўринма! Мендан узоқ кет!» деди.

Бундай қаттиқ таҳдиддан кейин ҳам Иброҳим алайҳиссалом жаҳл қилмадилар. Босиқлик билан гапларида давом этдилар.

«У: «Омон бўл. Энди Роббимдан сени мағфират қилишини сўрайман. Албатта, У менга жуда ҳам лутфи марҳаматлидир». (47 оят)

Яъни, нима десанг ҳам майли, омон бўл. Сен билмай жоҳиллик қиляпсан. Энди мен Роббимдан сенинг гуноҳингни кечиришини, гумроҳлигинг жазоси сифатида залолатда бардавом қолдирмасдан, ҳидоят йўлига ўтишинг учун имконият яратишини сўрайман. У зот доимо менга марҳаматли бўлган. Қачон бир нарсани сўраб дуо қилсам, ижобот айлаган. Бу гал ҳам шундай бўлса, ажаб эмас.

Агар менинг даъватим сизларга ёқмаётган бўлса, сизларнинг орангизда туришимни хоҳламаётган бўлсангиз:

«Мен сизлардан ҳам, Аллоҳдан ўзга илтижо қилаётган нарсангиздан ҳам четланаман ва Роббимга илтижо қиламан. Шоядки, Роббимга илтижо қилиш ила бадбахт бўлмасам», деди». (48 оят)

Яъни, мен сизлардан ҳам, бутларингиздан ҳам четланаман. Узоққа кетаман. Сизлар билан туриш менга ҳавас эмас. Мен ўз Роббимга ибодат қиламан. Албатта, Роббимга ибодат қилиш ила ҳеч қачон бадбахт бўлмайман.

Тафсирчиларимиз, «шояд» сўзи Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилганда «албатта» маъносини англатади, деганлар.

МУШРИК ҚАВМ ИЛА МУНОЗАРА

Иброҳим алайҳиссалом оталарига қилган даъватлари фойда бермаганидан сўнг, оталарига қўшиб қавмга ҳам хитоб қилишга ўтдилар. У зотнинг мушрик қавм ила олиб борган мунозараларидан бир кўринишни «Анбиё» сурасида қуйидагича баён қилинади:

«Батаҳқиқ, илгари Биз Иброҳимга рушди ҳидоятни берган эдик. Биз унинг (қолини) билгувчи эдик». (51 оят)

Яъни, ушбу ҳолдан илгари:

«...Биз Иброҳимга рушди ҳидоятни берган эдик».

Иброҳим Аллоҳ томонидан рушди ҳидоят берилган зотлар ичида аввалгиларидан бири эди. Биз унга рушдни бехосдан берганимиз йўқ.

«Биз унинг (ҳолини) билгувчи эдик».

Биз Иброҳимнинг руши ҳидоятга, Пайғамбар бўлишга лойиқ зотлигини яхши билар эдик.

«Ўшанда у отасига ва қавмига: «Манави сиз ибодатига берилаётган ҳайкаллар нима?» деган эди. (52 оят)

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг рушди туфайли отаси ва қавми сиғинаётган ҳайкаллар-ҳеч нарса эмаслигини ва улар ибодатга лойиқ эмаслигини англаганларидан кейин, уларга ушбу инкорий саволни бердилар.

«Улар: «Ота-боболаримизни уларга ибодат қилган ҳолларида топганмиз», дедилар». (53 оят)

У кишининг оталари ҳам, қавмлари ҳам юқоридаги саволга тўғри жавоб бера олмасди. Чунки нима учун ҳайкалларга сиғинаётганларини уларнинг ўзлари ҳам тушунмасди. Улар ота-боболаридан кўриб, ҳайкалларга ибодат қилмоқдалар. Аммо ақлларини ишлатиб кўришмаган. Иброҳим алайҳиссалом эса, Аллоҳнинг рушди ҳидояти туфайли бу ишнинг-ҳайкалга топинишнинг очиқ-ойдин залолат эканини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам мушриклардан ушбу жавобни эшитганларида:

«У: «Батаҳқиқ, сиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам очиқ-ойдин залолатдасизлар», деди». (54 оят)

Бу дунёдаги ҳақиқат, тўғри йўл ота-боболарнинг қилган иши билан эмас, Аллоҳнинг кўрсатган йўлланмаси билан белгиланади.

Иброҳим алайҳиссаломнинг бундай кескин гапига жавобан:

«Улар: «Сен бизга ҳақ ила келдингми ёки ўйин қилгувчиларданмисан?» дедилар». (55 оят)

Улар, гапинг жиддийми ёки ҳазил қиляпсанми, деб сўрадилар. Эътиқодлари пуч бўлганидан, дарҳол шак-шубҳага тушиб, иккиланиб қолдилар.

Иброҳим алайҳиссаломнинг эса, иккиланадиган жойлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам тўла ишонч билан гапирдилар:

«У: «Йўқ! Роббингиз осмонлару ернинг Роббидир. У зот уларни яратгандир. Мен бунга гувоҳлик бергувчиларданман». (56 оят)

Яъни, сизга ўхшаб иккиланиб ўтиришга ўрин йўқ!

Сиз Унинг ҳақида иккиланиб турган,
«Роббингиз осмонлару ернинг Роббидир».

Ўша зот сизнинг Роббингиз, яратувчингиз, ризқ берувчингиз ва тарбиячингиз бўлгани каби, ҳамма осмонлару ернинг ва улардаги нарсаларнинг ҳам Роббидир.

«У зот уларни яратгандир».

Уларнинг ҳаммасини ўша Робб сифатига эга зот-Аллоҳ яратгандир, йўқдан бор қилгандир.

«Мен бунга гувоҳлик бергувчиларданман».

Ана ўша гапларнинг ҳақлигига гувоҳлик берувчиларданман.

Чунки Иброҳим алайҳиссалом бу гапларни асосий масдардан Пайғамбар сифатлари ила қабул қилиб олганлар. Шунинг учун ҳам тўла ишонч ила гувоҳлик беришга ҳақлари бор.

Сўнгра Иброҳим алайҳиссалом уларга ва бутларига қарши аёвсиз кураш олиб боришларини очиқ айтдилар:

«Аллоҳга қасамки, сизлар ортга ўгирилиб кетганингиздан кейин санамларингизга бир бало қиламан», деди». (57 оят)

Яъни, Иброҳим алайҳиссалом ўзлари билан тортишаётган қавмларига, уларнинг санамларига бир ёмонлик етказишлари аниқлигини қасам ила таъкидлаб

айтдилар. Аммо нима қилишларини очик-ойдин айтмадилар. Араб тилида «санам» деб бош қисми инсон шаклига ўхшатиб ишланган бутларга айтилади.

ЯГОНА АЛЛОҲНИНГ ЎЗИГА ИЙМОНГА ДАЪВАТ

Ўтган умматлар орасида Аллоҳга ширк келтиришда ғоят машҳур бўлган қавмлардан бири Иброҳим алайҳиссаломнинг умматлари эди. Улар нафақат буту-санамларга, балки юдуз, ой, қуёш каби нарсаларга ҳам сиғинишар эди. Иброҳим алайҳиссалом уларга бу нарсаларга эмас, уларни яратган Холиққа-Аллоҳ таолонинг Ўзига иймон келтириб, ибодат қилишга даъват қилдилар. Бу даъватни таъсирли чиқиши учун ўша қавмга таъсир қиладиган турли услубларни қўлладилар. Ана ўшандоқ тасарруфлардан бирини «Анъом» сурасида ажойиб бир услубда баён қилинади:

«Иброҳимнинг отаси Озарга: «Санамларни худолар қилиб оласанми? Мен сени ва сенинг қавмингни, албатта, очик-ойдин адашувда кўрмоқдаман», деганини эсла». (74 оят)

Маълумки, Иброҳим алайҳиссалом ўз қавмлари-Ироқ калдонийлари орасида ўсиб-улғайди. Ақлини танигач, қараса, отаси ҳам, қавмнинг бошқа аҳли ҳам тошдан, ёғочдан ўзлари йўниб-ўйиб ишлаб олган бут ва санамларга сиғинмоқдалар.

Иброҳим алайҳиссалом соф қалби ва онги ила бу иш нотўғри эканлигини, жонсиз тош ёки жонсиз ёғоч одамлар томонидан бир оз ишлов берилгани билан худога айланиб қолмаслигини тушуниб етди. Жонсиз тош ва жонсиз ёғоч, одамлар қанча ишлов берса ҳам жонсизлигича қолади.

Ўзи жонсиз бўлган нарса ўзгаларга қандай қилиб жон ато қила олсин?! Ўзи ақлсиз нарса қандай қилиб ўзгаларга ақл беради?! Ўзидан зарарни қайтара олмайдиган нарса қандай қилиб ўзгалардан зарарни қайтара олади?!

Ушбу ҳақиқатни англаган ёш Иброҳим алайҳиссалом отасини ва унинг қавмини очик-ойдин адашувда эканини ҳам англаб етди. Бу тушунчани уларнинг вакили бўлган ўз отаси юзига очикчасига айтди:

«Санамларни худолар қилиб оласанми? Мен сени ва сенинг қавмингни, албатта, очик-ойдин адашувда кўрмоқдаман» деди.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ана ўша тарихий ҳодисани эслатиш ила Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссаларини бошламоқда. Мазкур қиссанинг тафсилоти қуйидагича:

«Худди шундай қилиб, Иброҳимга аниқ ишонувчилардан бўлиши учун осмонлару ернинг мулкларини кўрсатурмиз». (75 оят)

Яъни, Иброҳимга худди отаси ва унинг қавми очик-ойдин адашувда эканлигини соф қалби ва онги ила кўрсатганимиздек, унга ушбу соф қалб ва онг ила осмонлару ердаги мулкларни, улардаги сиру асрорларни ҳам кўрсатамиз. Шунда у бут ва санамларга ибодат қилишни инкор этиш даражасидан, Аллоҳга шаксиз ишонувчилик даражасига кўтарилади.

Энди Аллоҳ таоло Иброҳимга алайҳиссалом кўрсатган мулклардан баъзилари зикр қилинади:

«Уни тун ўраб олганида юдузни кўриб: «Мана шу Роббимдир», деди. У ботиб кетганида эса: «Ботувчиларни ёқтирмасман», деди». (76 оят)

Бут ва санамлар худо бўла олиши мумкин эмаслиги бир боқишдаёқ аён бўлди. Энди Иброҳим алайҳиссалом ўз қавми худо деб эътиқод қиладиган нарсалардан каттароғларига ҳам бир-бир назар ташлаб, уларга бу нарсалар ҳам худоликка мутлақо ярамаслигини тушинтириб чиқмоқчи бўлди.

Маълумки, калдонийлар юдузни ҳам худо деб эътиқод қилар эдилар. Кишини тун ўраб олганида кўзига яққол кўринадиган порлоқ жисм-юдуз бўлади.

«Уни тун ўраб олганида юдузни кўриб: «Мана шу Роббимдир», деди».

Бепоен осмонда, баланд-баландларда нур сочиб турибди. У ҳаммани кўриб турган бўлиши мумкин.

Иброҳимнинг алайҳиссалом қавми ҳам беҳудага юлдузга ибодат қилмаётгандир? Шунинг учун ҳам юлдуз худо бўлиши мумкинлигини жиддий ўйлаб кўриш керак. Эҳтимол, ҳақиқатдан ҳам мана шу юлдуз Роббдир?! Аммо... аммо... ботиб кетди-ку? Худо бўлса, ботармиди? Худо бўлса, маълум вақтда кўриниб, маълум вақтда кўринмай қолармиди? Вақти келганда чиқиб, белгиланган вақти етганда ботиб кетармиди? Ботувчилар худо бўла олмайди.

«У ботиб кетганида эса: «Ботувчиларни ёқтирмасман», деди».

Хўш, бу ҳам худо бўла олмаса, худо қани? Бошқа ёқдан излаш керак. Қани, бир қараб кўрсин-чи, эҳтимол, топилиб қолар. Иброҳим атрофга қараб:

«Чиқаётган ойни кўрганда: «Мана шу Роббимдир», деди. У ҳам ботганида: «Агар Роббим мени тўғри йўлга бошламаса, албатта, адашувчилардан бўламан», деди. (77 оят)

Иброҳим алайҳиссалом ойни аввал ҳам кўриб юрган эди, аммо бу дафъа унга бошқача назар билан қарамоқда. Юлдуздан кўра ой ёрқинроқ ва улканроқ туюлмоқда. Эҳтимол уни худо деса бўлар? Эҳтимол у ботмас?

«Чиқаётган ойни кўрганда: «Мана шу Роббимдир», деди».

Аммо... аммо у ҳам ботиб кетди-ку! Бу ҳам бўлмади.

«У ҳам ботганида: «Агар Роббим мени тўғри йўлга бошламаса, албатта, адашувчилардан бўламан», деди».

Аллоҳнинг Ўзи, Робби Ҳақиқийнинг Ўзи ҳидоятга бошламаса, иш чатоқ, одамнинг адашиши турган гап. Ёки яна бир бор уриниб кўриш керакми?

«Чиқаётган қуёшни кўрганда: «Мана шу Роббим. Бу каттароқ», деди. У ҳам ботиб кетганида: «Эй қавмим, мен сиз ширк келтираётган нарсадан воз кечдим», деди. (78 оят)

Демак, олдинги уринишлар ҳам-ибодатга сазовор зотни излаш йўлидаги уринишлар ҳам Иброҳимнинг қавми гувоҳлигида бўлган эди. Иброҳим алайҳиссалом улар ибодат қилаётган нарсалар ҳақиқатан ҳам худо бўлиши мумкинми, деган саволга мушрик қавмнинг кўзи ўнгида уларнинг нуқтаи назарида туриб фикр юритган. Шу йўл билан уларнинг очиқ-ойдин адашувда эканликларини амалда кўрсатишга уринган.

Ҳар бир инсоннинг кўзига яққол ташланиб, уни доимо ҳайратга солиб турувчи самовий жисмлардан бири қуёшдир. Эҳтимол уни худо деб эътиқод қилиш, унга ибодат қилиш мумкиндир?

«Чиқаётган қуёшни кўрганда: «Мана шу Роббим. Бу каттароқ», деди».

Аммо у ҳам ботади. У ҳам маълум қоидага бўйинсунади. У ҳам худо бўла олмайди.

«У ҳам ботиб кетганида: «Эй қавмим, мен сиз ширк келтираётган нарсадан воз кечдим», деди».

Демак, қавмнинг худо деб эътиқод қилаётган нарсаларининг ҳаммаси бир пулга ҳам арзимади. Булардан воз кечиш лозим.

«Эй қавмим, мен сиз ширк келтираётган нарсадан воз кечдим».

Менинг улар билан ҳеч қандай алоқам йўқ. Мен улардан покман. Менинг юзланадиган Роббим бор:

«Албатта, мен юзимни осмонлару ерни яратган Зотга, тўғри йўлга мойил бўлган ҳолимда юзлантирдим ва мен мушриклардан эмасман. (79 оят)

Бу иқроп Иброҳим алайҳиссаломнинг мушрик қавмдан ажралиб, ёлғиз Аллоҳ таолога, осмонлару ерни яратган Зотга, мушриклар Унга ширк келтираётган бут ва санамлар, ой-у юлдузлар ва қуёшни яратган Зотнинг Ўзигагина юзланганини эълон қилишларидир.

У кишининг бу юзланишлари, —ушбу йўллари миллатлари ҳанифлик деб номланади. Бу дегани-фақат тўғрилиқка мойил бўлиш, юзланиш, йўл тутиш деганидир.

Албатта, мушрик қавм Иброҳимдан буни эшитиб индамай кетавермади. Одатдагидек, ботил фикрларини ҳимоя қилиб, у киши билан баҳслашишни бошладилар.

«Ва қавми у ила тортишди. У: «Мен билан Аллоҳ ҳақида тортишасизларми, ҳолбуки, У мени ҳидоят этди. Мен Унга ширк келтираётган нарсангиздан қўрқмасман. Магар Роббим бирор нарсани ирода этса, бўлиши мумкин. Роббим барча нарсани Ўз илми ила қамраб олган. Эсласангиз бўлмасми?» деди». (80 оят)

Бузуқ қалб ва онг ҳар нарсани ўз ўлчови билан ўлчайди ва ўз кўзи ила кўради. Ҳар қандай ёмонликни яхшилик деб баҳолаши ва уни ҳимоя қилиши турган гап. Бундай ҳолга тушиб қолганлар уларни тўғри йўлга даъват қилувчиларни ҳам ўзларига душман деб биладилар. Уларга қарши ҳар нарса қиладилар.

Мана, Иброҳим алайҳиссалом ўз Роббига юзланганлигини эълон қилишидан ва ҳали мушрикларга, уларнинг худоларига тил тегизмасидан аввал баҳсга киришдилар. Ўзлари ибодат қилаётган, на фойда, на зиён етказа олмайдиган, тош, ёғочдан ишланган бут-санамлар ва осмон жисмларининг заифлигини, ақидалари пучлигини унутиб, камолот соҳиби бўлган Аллоҳ таоло ҳақида тортиша бошладилар. Ҳақиқий мўмин бўлган Иброҳим алайҳиссалом ҳам ҳақиқий мўминнинг йўлини тутдилар. У киши ўзлари иймон келтирган, Унинг йўлини тутган ягона Аллоҳ таоло ҳақида ишонч ва хотиржамлик, сабот ва кўнгли тўқлик билан сўзлай бошладилар.

«Мен билан Аллоҳ ҳақида тортишасизларми?» деди.

Мени ҳидоятга солган Зот ҳақида мен билан тортишасизларми? Менга У Ўзини танитди. Мен ақлим, виждоним ва бутун вужудим ила Уни танидим. Энди эса, сизлар Уни борми-йўқми деб мен билан гап талашасизларми?

«Мен Унга ширк келтираётган нарсангиздан қўрқмасман».

Ўзингиз ёғоч ёки тошдан ясаб олган бутлардан, юлдуз, ой ва қуёшдан ва шунга ўхшаш сиз худо деб Аллоҳга шерик қилаётган нарсадан қўрқмайман. Уларнинг ҳаммасини менинг Роббим яратган, улар бировга фойда ҳам, зарар ҳам келтира олмайдиган нарсалардир.

«Магар Роббим бирор нарсани ирода этса, бўлиши мумкин».

Яъни, ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси билан бўлади. Шунинг учун Аллоҳдан ўзгадан қўрқишнинг ҳеч ҳожати йўқ.

«Роббим барча нарсани ўз илми ила қамраб олган».

Аллоҳнинг илмидан ташқари ҳеч қандай илм йўқ.

«Эсласангиз бўлмасми?»

Ана ўшанда ширк эмас, якка ва ягона Аллоҳга ибодат келтирган бўлар эдингиз.

«Қандай қилиб мен сиз ширк келтирган нарсадан қўрқай. Ҳолбуки, сиз ўзингизга ҳеч ҳужжат туширмаган нарсани Аллоҳга ширк келтириб туриб қўрқмайсиз-у? Агар билсангиз, айтинг-чи, қайси гуруҳ хотиржам бўлишга ҳақлироқ?! (81 оят)

Оддий мантиқ айтиб турибди. Сизлар худодан қўрқмай, ҳеч қандай ҳужжат-далилсиз, ўзингиздан-ўзингиз баъзи нарсаларни Унга шерик қилиб олдингиз ва яна қўрқмай юрибсиз. Сиз шундай қилганингиздан кейин, ҳақиқий Аллоҳга иймон келтириб туриб, нима учун мен сизларнинг сохта худоларингиздан қўрқай?!

«Агар билсангиз, айтинг-чи, қайси гуруҳ хотиржам бўлишга ҳақлироқ?!»

Ким ўзини эмин санашга ҳақлироқ? Айтинг! Агар сиз айтмасангиз, мен айтай:

«Иймон келтирганлар ва иймонларига зулмни аралаштирмаганлар. Ана ўшаларга хотиржамлик, омонлик бор. Улар ҳидоят топганлардир. (82 оят)

Демак, хотиржам бўлиш, турли азоб-уқубатлардан омонда бўлиш учун иймон лозим ва бу иймонга зулм аралаштирмаслик керак. Ушбу ояти каримадаги зулмдан мурод-ширкдир.

Саҳобаи киромлар бу оят тушгандан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ва ўзаро бир-бирларидан сўраганларида, зулмдан мурод ширк эканлиги аён бўлган.

Албатта, Аллоҳга иймон келтирган, ихлос қилган ҳамда эътиқодда, ибодатда ва амалда Унга ҳеч нарсани шерик қилмайдиганлар ҳар бир нарсага қодир Аллоҳнинг ҳимоясида бўладилар. Ундай Зотнинг ҳимоясидаги одам эса, доим хотиржам ва омонликдадир. Ана ўшалар ҳидоят топганлар бўлади.

«Ана ўшалар, Иброҳимга қавмига қарши (тортишувда) берган ҳужжатларимиздир. Кимни хоҳласак, даражасини кўтарамиз. Албатта, Роббинг ҳикматли ва яхши билувчи зотдир». (83 оят)

Мушрик қавм билан тортишган Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳнинг ўзи «Айт» деган хитоблар билан қавмга қарши қандай ҳужжат-далиллар келтиришини ўргатиб турди.

Аллоҳ таолодан келган ҳужжатларни қўллаган Иброҳим алайҳиссалом тортишувда мушриклардан устун келдилар. Ғолиб бўлдилар. Бу билан Аллоҳ таоло у кишининг даражаларини улуғ қилди.

«Албатта, Роббинг ҳикматли ва яхши билувчи зотдир».

Шунинг учун У кимга ҳужжат беришни, кимни ғолиб қилишни яхши билади ва ҳикмати ила йўлга солади.

АЛЛОҲНИНГ СИФАТЛАРИ БАЁНИ

Иброҳим алайҳиссалом ўз қавмларига фақат Аллоҳ таолонинг борлигини айтиб кифояланмадилар. Балки уларга Аллоҳ таолонинг баркамол сифатларини ҳам батафсил баён қилиб бердилар.

Иброҳим алайҳиссалом ўз қавмларини санамларга ибодат қилиш ва унга боғлиқ барча бидъат-хурофотлардан озод қилиш учун кураш олиб бордилар. У зот уларни ер юзидаги ҳар бир инсон учун лозим бўлган улкан ҳақиқатни-Аллоҳнинг ягона ўзига иймон келтириб, ибодат қилишни англаб етишларига ҳаракат қилдилар.

Ана ўша уринишларидан бир кўринишни «Шуаро» сураси қуйидагича васф қилади:

«Ва уларга Иброҳимнинг хабарини тиловат қилиб бер.

Ўшанда у отаси ва қавмига: «Нимага ибодат қилмоқдасизлар?» деган эди». (69-70 оятлар)

Иброҳим алайҳиссаломнинг оталари ҳам, қавмлари ҳам нотўғри йўлдан бориб, буту санамларга ибодат қилар эдилар. Иброҳим алайҳиссалом буни яхши билар эдилар. Шунинг учун у кишининг:

«Нимага ибодат қилмоқдасизлар?» деган саволлари аслида инкор этиш учун берилди. Иброҳим алайҳиссаломнинг саволларига жавоб қуйидагича бўлди:

«Улар: «Санамларга ибодат қилмоқдамиз. Ва уларга ихлос ила ибодат қилишда бардавом бўлурмиз», дедилар. (71 оят)

Тош ёки бошқа нарсадан юзи инсон юзига ўхшатиб ишланган бутга «санам» дейилади.

Иброҳим алайҳиссаломнинг саволларига у кишининг қавмлари:

«Санамларга ибодат қилмоқдамиз», деб жавоб беришларидан, уларнинг ўзлари худога эмас, санамларга сиғинаётганларини тан олганлари билиниб турибди.

Шу билан бирга, улар залолатдан қайтиш ниятлари йўқлигини фахр-ла эълон қилмоқдалар.

«Ва уларга ихлос ила ибодат қилишда бардавом бўлурмиз».

Улар, Иброҳим алайҳиссалом санамларга ибодат қилишни тарк этишни таклиф қилиб қолиши мумкин, дея олдиндан жавобни айтиб қўймоқдалар. Ақл ишлатмай, бир нарсага муккасидан кетишнинг оқибати доимо шундай бўлади.

Иброҳим алайҳиссалом қавмларидан санамларга ибодат қилишда бардавомлик қарорини эшитгач, уларга қуйидаги саволни бердилар:

«У: «Илтижо қилганингизда улар сизни эшитадиларми?»

Ёхуд наф ёки зарар етказа оладиларми?» деди. (72-73 оятлар)

Худо дегани ҳеч бўлмаганда, ўзига илтижо қилаётган одамнинг сўзини эшитиши керак. Сизнинг санамларингиз:

«Илтижо қилганингизда улар сизни эшитадиларми?»

Яна худо деган зот ўзига топинганларга фойда ёки зарар етказиши ҳам керак, ахир. Унинг фойдасидан умидвор бўлиб, зарар етказишидан эҳтиёт бўлиб, унга ибодат қилса ярашади. Хўш, сизнинг санамларингиз:

«...наф ёки зарар етказа оладиларми?»

Улар Иброҳим алайҳиссаломнинг бу ҳаққоний саволларига тўғридан-тўғри жавоб бермадилар. Чунки жавоб беришса, ўзлари шарманда бўлишлари аниқ. Санамлари уларнинг илтижосини эшитмаслиги ҳаммага маълум. Ўзлари тош ёки ёғочдан йўниб ясаб олган ҳайкаллари нимани ҳам эшитарди?

Шунингдек, у санамлар мушрикларга ҳам, ўзларига ҳам фойда-зарар етказа олмайдилар. Жонсиз нарса қандай қилиб фойда ёки зарар етказсин?

Мушриклар санамларга ибодатлари сабабини пардали қилиб баён этдилар:

«Улар: «Йўқ, биз ота-боболаримизни шундай қилаётганларини кўрдик», дедилар». (74 оят)

Яъни, йўқ, санамлар бизнинг илтижоларимизни эшитмайдилар, бизга фойда ҳам, зарар ҳам етказмайдилар. Аммо ота-боболаримизнинг санамларга шундай ибодат қилаётганларини кўрдик ва биз ҳам уларга ўхшатиб ибодат этмоқдамиз, дедилар.

Бунинг отини кўр-кўрона тақлид дейилади. Ўз ақлини ишлатмай, бировга тақлид қилавериш оқилона тасарруфли одамнинг иши эмас.

Иброҳим алайҳиссалом мушриклардан бу жавобни эшитгач, уларга ўйиб-ўйиб оладиган гапларни айтдилар.

«У: «Нимага ибодат қилаётганингизни билдингизми?!

Сиз ва қадимги оталарингиз?! (75-76 оятлар)

Яъни, нимага ибодат қилаётганингизни ҳеч ўйлаб кўрдингизми ўзи?

«Албатта, Роббул Олабийндан бошқа уларнинг барчаси менга душмандир», деди». (77 оят)

Иброҳим алайҳиссалом санамлар ҳеч бир ишга қодир эмаслигини мушрикларга билдириб қўйиш учун улар ўзларига душман эканлигини кўпчилик олдида ошкора эълон этдилар.

Сўнгра уларга Роббул Олабийн бўлган Аллоҳ таолони васф қилишга ўтдилар:

«У мени яратган зотдир. Бас, мени ҳидоят қиладиган ҳам, Унинг Ўзи». (78 оят)

Мени йўқдан бор қилган зот ўша Роббул Олабийндир. Энди мени тўғри йўлга ҳам ўша зотнинг Ўзи бошлайди.

«Ва мени таомлантирадиган ва суғорадиган ҳам, Унинг Ўзи». (79 оят)

Менинг ризқимни Унинг Ўзи беради. Ўша Роббул Олабийннинг Ўзи мени едириб, ичиради.

«Бемор бўлганимда менга шифо берадиган ҳам, Унинг Ўзи». (80 оят)

Тафсирчи уламоларимиз шу ўринда Иброҳим алайҳиссалом улкан одоб намунасини кўрсатганларини эслатиб ўтадилар. У зот бемор бўлишни ўзларига, шифо беришни Аллоҳ таолога нисбат бердилар. Зотан, банданинг беморлиги ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси ила бўлади.

«Мени ўлдирадиган, сўнгра тирилтирадиган ҳам, Унинг Ўзи». (81 оят)

Бу дунёда жонимни олиб ўлдирадиган ҳам, у дунёда қайта тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзидир.

«Ва менинг хатоимни қиёмат куни мағфират қилишидан умидвор бўлганим ҳам, Унинг Ўзи». (82 оят)

Чунки у кунда Роббул Олабийндан ўзга ҳукмдор бўлмайди. Фақат Унинг Ўзигина ҳукм чиқаради. Бандаларни мағфират қилиш ҳам фақат унинг ихтиёрида бўлади. Демак, мушрикларнинг илтижони эшита олмайдиган, фойда ёки зарар келтира олмайдиган санамларидан фарқли ўлароқ Роббул Олабийн ҳамма нарсага қодирдир. У одамларни ва бошқа нарсаларни йўқдан бор қилиб яратади, ҳидоятга солади, таомлантиради, сув беради, даволайди, ўлдиради, қайта тирилтиради, қиёмат куни мағфират қилади.

Шунинг учун санамлардан воз кечиб, Роббул Олабийнга ибодат қилиш керак. Фақат Унинг Ўзига илтижо этиш лозим.

ПОДШОҲ ИЛА МУНОЗАРА

Албатта, бўлиб ўтаётган бу гап-сўзлар ўша вақтдаги худолик даъвосини қилган подшоҳига етиб борган бўлиши керак. Шунинг учун у Иброҳим алайҳиссаломни мунозарага чорладилар. Анашу машҳур мунозара «Бақара» сурасида қуйидагича васф қилинади:

«Аллоҳ подшоҳлик бериб қўйгани сабабидан Иброҳим билан Роббиси ҳақида ҳужжат талашгани билмадингми? Иброҳим: «Менинг Роббим тирилтиради ва ўлдиради», деганда, у: «Мен тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим: «Албатта, Аллоҳ қуёшни Машриқдан чиқарур, бас, сен уни Мағрибдан чиқаргинчи», деди. Бас, куфр келтирган лол қолди. Ва Аллоҳ золим қавмларни ҳидоятга солмас». (258 оят)

Ушбу ояти карима Иброҳим алайҳиссалом билан у кишининг даврларида ўтган бир ҳукмдор подшоҳнинг тортишувини ҳикоя қилади. Қуръони Карим одатдагидек, у подшоҳнинг исмини зикр қилмайди. Чунки ибрат унинг исмида эмас, балки тасарруфидадир.

Тортишув Парвардигори олам ҳақида бўлган. У кофир подшоҳ, гапига қараганда, Аллоҳнинг борлигига шубҳа қилмайди, балки Унинг сифатларига шубҳа қилади. Аммо уни бундай тасарруфга олиб келган нарса нима? Нима сабабдан шунчалик даражада ноқобул бўлиб, Аллоҳнинг улул азим Пайғамбарларидан бўлган Иброҳим алайҳиссалом билан Парвардигори олам ҳақида тортишди экан?

«Аллоҳ подшоҳлик бериб қўйгани сабабидан...»

Аслини олганда, Аллоҳ унга подшоҳлик, мулк берганига шукр қилиши керак эди. Лекин кофирлик ёмон нарса, шунинг учун кофирга султон, ҳукм, подшоҳлик берилса, ҳаддидан ошади, туғёнга кетади. Ҳатто худолик даъвосини қилади. Ўзининг ожиз банда эканини унутади. Унга неъматни ким берганини билмайди. Шукр қилиш ўрнига, ношукрлик қилади. Бу жуда ҳам ёмон иш.

«Аллоҳ подшоҳлик бериб қўйгани сабабидан Иброҳим билан Роббиси ҳақида ҳужжат талашгани билмадингми?»

Аллоҳ берган катта неъмат сабабидан Аллоҳнинг сифатларини инкор қилиб, Унга қарши чиқиш қандай ҳам ёмон иш! Ояти кариманинг кейинги жумлаларини ўргансак, бу ишнинг нақадар ёмон эканлиги янада намоён бўлади.

«Иброҳим: «Менинг Роббим тирилтиради ва ўлдиради», деганда, у: «Мен тирилтираман ва ўлдираман», деди».

Кофир билан тортишувда Иброҳим алайҳиссалом «тирилтириш» ва «ўлдириш» Аллоҳ таолонинг иши эканини бежиз зикр қилмаганлар. Биз ожиз бандалар ҳар лаҳзада тирилтириш ва ўлдириш ҳолатининг гувоҳи бўлиб турамыз. Кимдир ҳаётга кириб келади, кимдир ҳаётни тарк этиб, ўлимга дучор бўлади. Бу

жараён ҳар лаҳзада такрорланиб туради. Лекин ҳозиргача ҳаётнинг ва ўлимнинг ҳақиқатини ҳеч ким тушуниб етгани йўқ. Ҳаёт асари борлигини кўриб, бу тирик, деймиз: ўлим аломати зуҳур этганини кўриб, бу ўлик, деймиз. Тирилтириш ва ўлдириш фақат Аллоҳ таолога боғлиқ сифат. Бу сифатига ҳеч ким, ҳеч қандай даражада яқин ҳам кела олмайди.

Шунинг учун ҳам Иброҳим алайҳиссалом ушбу сифатларни айнан кофир подшоҳ билан бўлган тортишувда зикр қилдилар. Бу гапни эшитган кофир подшоҳ: «...мен тирилтираман ва ўлдираман», деди».

Подшоҳлик қилиб, ўз халқи устидан ҳоким бўлиб турган одам иймонли, тақводор бўлмаса, туғёнга кетади. Ўзининг айтгани бўлиб турганини кўргандан кейин, ҳаддидан ошади. Фуқароларга маош беришга амр қилиб, мен ризқ беряпман, деб ўйлайди. Бировга мусибатида кўмак берса, уни мен балодан сақлаб қолдим, дейди. Унинг кофирлиги борган сари туғёнга олиб бораверади. Охири, ҳамма иш менинг ихтиёрим билан бўлади, демак, тирилтириш ва ўлдириш ҳам менинг ихтиёримда, дейишгача етиб боради. Худонинг сифатларини ўзига нисбат беради. Одатда бундай кишилар туғёнга кетганлари сабабидан оқилона гапларга ҳам эътибор бермай, ўзларини оқилликда тенги йўқ ҳисоблаб қоладилар. Улар фақат пешоналари тўқиллаб қаттиқроқ нарсага урилгандагина бир оз ўзларига келадилар.

Шунинг учун Иброҳим алайҳиссалом кофир подшоҳга тириклик нимаю ўлим нима эканини майдалаб тушунтириб ўтирмасдан, тўғридан-тўғри пешонасига тўқиллатиб:

«...албатта, Аллоҳ қуёшни машриқдан чиқаради, сен уни мағрибдан чиқаргин-чи?» деди».

Қуёшнинг машриқдан чиқиб мағрибга ботиши доимо такрорланиб турадиган жараёндир. Даврий муддати йигирма тўрт соатдир. Эътибор берилса, бу ҳол улкан мўъжизадир, Аллоҳнинг чексиз қудратига далилдир. Аллоҳ томонидан жорий этилган бу интизомни ким ўзгартира олади? Аллоҳнинг сифатларига шерикликни даъво қилиб, «Мен тирилтираман ва ўлдираман», деб айтиб, ҳаддидан ошаётган кофир подшоҳми? Агар қўлидан келса, даъвоси тўғри бўлса, мана, таклиф бўлди: Аллоҳнинг низомини бузсин-чи. Қуёшни мағрибдан чиқарсин-чи. Ҳолбуки:

«Бас, куфр келтирган лол қолди».

Чунки, таклиф қилинган нарсани амалга ошириш қўлидан келмайди. Жим қолишдан бошқа иложи йўқ. У набокор очиқ-ойдин ишни тушуниб етмади. Таслим бўлиб, иймон келтириш ўрнига, куфр келтириб, талашиб-тортишишди. Адолат йўлида юрмай, зулмни ихтиёр қилди.

«Ва Аллоҳ золим қавмларни ҳидоятга солмас».

Ўлим ва ҳаётнинг сир-асрори ҳақида сўз кетиб турганда, шу маънони таъкидлаш учун яна бошқа бир қисса келтирилади:

У ЗОТНИНГ БУТЛАРНИ ПАРЧАЛАШЛАРИ

Бутлар ҳақидаги тортишувлардан биридан сўнг Иброҳим алайҳиссалом бутларни парчалаш ҳақидаги ниятларини амалга оширишга қарор қилдилар. Иброҳим алайҳиссалом набокор қавмнинг додини бериш, бутларнинг қўлидан ҳеч вақо келмаслигини амалда исбот қилиш мақсадида бошқача тасарруф қилишга ўтдилар.

Бу тасарруфни «ас-Сафот» қуйидагича васф қилади:

«Бас, У юлдузларга бир назар солди.

Ва: «Албатта, мен беморман» деди». (88-89 оятлар)

Тафсирчи уламоларимиз келтиришларича, Иброҳим алайҳиссаломнинг қавмида маълум ва машҳур байрамлар бўлган. Баъзи тафсирчилар мушрикларнинг бу

байрамни, Нийрўз ёки Наврўз бўлса керак, дейдилар. Улар ўша байрамларида боғларга, сайлгоҳларга, ўйин-кулги ва кайфу сафога чиқишар эди. Чиқишдан олдин эса, сохта худолари ҳузурига турли мева-чевалар қолдириб кетишар эди. Ўйин-кулги ва кайфу сафодан кейин келиб, ўша таомларни муборак таом сифатида қайтариб олишар эди.

Нобакор қавмнинг тўғри йўлга юришидан умиди узилганидан кейин Иброҳим алайҳиссалом ўзларича бир режа тузиб, мазкур байрам кунини кутди. У зот ўз қавмидан кўрган нобакорлик, саркашликлар оқибатида юраклари жуда сиқилган, ҳузур-ҳаловатларини йўқотган, қавмлари учун қайғуриб ноқулай ҳолатга тушиб қолган эди.

Байрамга отланиб чиққан қавм аъзолари Иброҳим алайҳиссалом ҳузурларига келиб, у кишини ўзлари билан байрамга чиқишларини сўрашди. Шунда:

«Бас, У юлдузларга бир назар солди...»

Ҳалиги одамларга жавоб беришдан олдин, худди ибодатхонадаги бошқа одамлар каби, осмонга ўзига хос бир назар солди. Бу ҳолатлари суҳбатдошларида, у осмондаги юлдузлардан бирор нарсани билиб олди, шекилли, деган гумон пайдо қилиши мумкин эди.

«Ва: «Албатта, мен беморман», деди».

Юраги сиқилавериб, ноқулай ҳолатга тушиб қолганини айтди. Қавмига куявериб, қалби дардга тўлганини билдирди. Шошилиб турган одамлар бу гапдан кейин дарҳол Иброҳим алайҳиссаломни қолдириб, йўлларида давом этишди.

«Дарҳол, ундан юз ўгириб юриб кетдилар». (90 оят)

Улар кетишганидан сўнг Иброҳим алайҳиссалом олдилари таомга тўла сохта худолар билан ибодатхонада ёлғиз ўзлари қолдилар.

«Бас, тезда уларнинг худоларига бурилди ва: «Қани, емайсизларми?!

Сизга нима бўлди?! Гапирмайсизлар?!» деди. (91-92 оятлар)

Иброҳим алайҳиссалом дарҳол мушрикларнинг ибодатхонасидаги бут ва санамларига қараб, уларнинг олдидаги, одамлар қўйган таомларни кўрсатиб:

«Қани, емайсизларми?!» дедилар.

Бундай дейиши ўша сохта худолар ва уларни худо деб юрган жоҳил мушриклар устидан истеҳзо эди. Олдига қўйилган таомни ҳис қила олмайдиган бут ва санамни худо деб унга сиғиниш, илтижо қилиш, ундан ёрдам сўраб, мағфират кутиш инсоният учун, инсон ақли учун ор-уят бир нарсадир.

Иброҳим алайҳиссаломнинг гапига бут ва санамлар лом-мим дея олмай туравердилар. Иброҳим алайҳиссалом сўзларида давом этиб:

«Сизга нима бўлди?! Гапирмайсизлар?!» деди».

Эй худолар! Сизга нима бўлди ўзи?! Жим турибсиз?! Савол берса ҳам жавоб бермайсизлар?

«Сўнг уларга яқинлашиб, ўнг қўл билан ура бошлади». (93 оят)

Яъни, Иброҳим алайҳиссалом бут ва санамларга яқинлашиб, уларни ўнг қўлидаги болта билан уриб синдира бошлади.

«Бас, уларни парча-парча қилиб ташлади. Магар энг каттасини, шоядки унга қайтсалар, деб қолдирди. (Анбиё сураси 58 оят)

Иброҳим алайҳиссалом ҳамма бутларни парча-парча қилиб ташладилар ва энг катта бутга тегмасдан қолдириб қўйдилар. Бу хабарни эшитган қавм:

«У томон шошиб, бир-бирларини туртиб келишди». (Анъом сураси 94 оят)

Мушриклар Иброҳим алайҳиссалом томон шошиб-пишиб, тезроқ бориш учун бир-бирларини туртишиб-суришиб етиб келишди.

Қавм байрамдан қайтиб келиб, бутларини парчаланган ҳолда кўриб, даҳшатга тушди ва:

«Улар: «Бизнинг худоларимизга ким бундай қилди?! Албатта, у золимлардандир!» дедилар. (Анъом сураси 59 оят)

Ва бу саволга жавоб излай бошладилар. Ана ўшандагина худолари ҳақида уларга ёқмайдиган гап айтиб юрган Иброҳим исмли йигит эсларига келди.

«Улар: «Уларни эслаб юрган бир йигитни эшитган эдик, уни Иброҳим, деб айтиларди», дедилар». (Анъом сураси 60 оят)

Яъни, худоларимизни ёмонлик ила эслаб юрган бир йигит ҳақида эшитган эдик. Унинг исми Иброҳим эди. Эҳтимол, бу ишни ўша Иброҳим қилгандир, дейишди.

«Улар: «Уни одамлар кўзи олдига олиб келинглар. Шоядки гувоҳ бўлсинлар», дедилар. (Анъом сураси 61 оят)

Мушриклар худоларини синдирган шахснинг адабини бериб қўйишга қарор қилдилар. Улар бу жазо чорасининг бошқа одамлар кўзи олдида бўлишини афзал кўрдилар. Шоядки бошқалар кўриб, ибрат олиб, бундан кейин ҳеч ким худоларимизга қўл текизмаса, деб ўйладилар. Ва ниҳоят Иброҳим алайҳиссаломни одамлар қошига келтириб, сўроқ қила бошладилар.

«Улар: «Худоларимизга буни сен қилдингми, эй Иброҳим?!» дедилар. (Анъом сураси 62 оят)

Яъни, худоларимизни парча-парча қилиб ташлаган сенмисан, дедилар.

Уларнинг бу саволига жавобан:

«У: «Йўқ, буни манави, уларнинг каттаси қилди. Агар гапирадиган бўлсалар, улардан сўраб кўринглар», деди. (Анъом сураси 63 оят)

Иброҳим алайҳиссалом: Йўқ, бу ишни ўша худоларингизнинг каттаси қилди, ҳамма кичик худоларни синдириб ташлаб, ўзи бутун қолди. Агар менга ишонмасангизлар, гапирадиган бўлсалар, уларнинг ўзларидан сўраб кўринглар, дедилар.

Иброҳимнинг алайҳиссалом бу гапларида ҳар қандай жоҳилнинг ҳам ҳушини жойига келтирадиган ҳақиқат бор эди. Бутлар худо бўлса, қандай қилиб парча-парча бўлиб кетадилар? Қандай қилиб ўзларини ким синдирганини айтиб бера олмайдилар?

Эй мушриклар, сизлар бутларга худо деб сиғинмоқдасизлар. Лекин парчаланиб кетадиган нарса худо бўла оладими? Ўзини ким синдирганини айтиб бера олмайдиган нарса худо бўла оладими?

Иброҳим алайҳиссаломнинг бу гаплари мушрик қавмига таъсир қилди.

«Бас, улар ўзларига келдилар ва: «Албатта, сизлар ўзингиз золимдирсизлар», дедилар. (Анъом сураси 64 оят)

Иброҳим алайҳиссаломнинг мантиқли саволларидан кейин мушриклар ўзларига келдилар. Ҳеч нарса қўлидан келмайдиган бутларни «худо» деб юрганлари нотўғри эканлигини тушундилар ва бир-бирларига:

«Албатта, сизлар ўзингиз золимдирсизлар», дедилар.

Ҳақиқий Аллоҳ ҳаққиға зулм қилиб, ўзингиз ясаб олган бутларни худо деб юрибсиз, дедилар.

«Сўнгра яна бошлари айланиб: «Сен, батаҳқиқ, буларнинг гапирмаслигини билар эдинг!» дедилар. (Анъом сураси 65 оят)

Ақли жойида одам мушрик бўлармиди? Ақли кирганда ҳақиқатни тан олишди. Ақли кетиб, яна эски ҳолларига қайтдилар ва Иброҳим алайҳиссаломга ҳужумни давом эттирдилар:

«Сен, батаҳқиқ, буларнинг гапирмаслигини билар эдинг!» дедилар.

Шу тарзда Иброҳим алайҳиссаломга осилиб кетишди. Сен худоларимизнинг гапирмаслигини олдиндан билар эдинг. Яна нимага бизларга, агар улар гапирадиган бўлсалар, ўзларидан сўранглар, деяпсан, деб дўқ уришди.

Шунда, Иброҳим алайҳиссалом ҳам очиқчасига ўтдилар:

«У: «Сиз, Аллоҳни қўйиб, ҳеч манфаат ҳам, зарар ҳам бермайдиган нарсага ибодат қиласизми?!»

Сизга ҳам, Аллоҳни қўйиб, ибодат қилаётган нарсаларингизга ҳам суф-э! Ахир, ақл юритиб кўрмайсизларми?!» деди. (Анъом сураси 66-67 оятлар)

Яъни, ўйлаб кўрмайсизларми? Буларнинг нимасига сиғиняпсиз ўзи?! Булар сизга фойда ҳам бермаса, зиён ҳам етказа олмаса, нима учун фойда берадиган, зиён етказа оладиган Аллоҳни қўйиб, буларга топинмоқдасизлар?! Сизга ҳам суф! Аллоҳни қўйиб ибодатини қилаётган «жудо»ларингизга ҳам суф! Ақл юритиб кўрмайсизларми?!

Ақл ва мантиқ бобида мағлубиятга учраган мушрик қавм, одатдагидек, ўз рақибини жисмоний йўқ қилиш йўлига ўтдилар.

«Улар: «Уни куйдиришлар! Агар (бир иш) қиладиган бўлсангиз, худоларингизга ёрдам беринг!» дедилар». (Анъом сураси 68 оят)

Яъни, мушриклар бир-бирларига, Иброҳимни куйдириб, худоларингизга ёрдам беринглар, Иброҳимни куйдириб юборишингиз худоларингизга ҳақиқий ёрдам бўлади, дедилар.

Лекин улар гапларида катта нуқсон борлигини, бу талаблари худоларининг сохта эканини исбот этишини ўйлаб кўришмас эди. Бандасининг ёрдамига муҳтож худо қандай қилиб худо бўлиши мумкинлиги устида фикр юритишмас эди.

«ЭЙ ОЛОВ, СЕН ИБРОҲИМГА САЛҚИН ВА САЛОМАТЛИК БЎЛ!»

Нобакор қавм Иброҳим алайҳиссаломнинг юқоридаги гапларидан тўғри хулоса чиқариб олмади. Кофирларнинг доимий одатлари бўйича, ақлий ва мантиқий баҳсда енгилганларидан кейин куч ишлатишга ўтишди.

«Улар: «Унинг учун (ўчоқ) бино қилинлар, бас, уни гулханга отинлар!» дедилар». (Анъом сураси 97 оят)

Жиноятчи мушрик қавм бир-бирларига, Иброҳимни жазолаш учун катта гулхан ёқадиган жой қуринлар, унга олов ёқиб, Иброҳимни гулханга отинлар, дейишди. Хуллас, мушриклар катта гулхан ёқиб, Иброҳим алайҳиссаломни ўша гулханга отдилар.

«Биз: «Эй олов, сен Иброҳимга салқин ва саломатлик бўл!» дедик». (Анбиё сураси 69 оят)

Олов Иброҳим алайҳиссаломга салқин бўлди, саломатлик бўлди ва унга ҳеч қандай озор ёки зарар етмади.

Аслида, Аллоҳ таоло оловга куйдириш хусусиятини берган. Ёнишга қобилиятли нарсага қачон олов тегса, ёнади. Буни кўрган одамлар, олов фалон нарсани ёндирди, дерлар. Аслида, олов бир сабаб, ҳақиқатда эса, Аллоҳ ёндирган бўлади. Чунки бу дунёда ҳамма нарса Аллоҳнинг амри ила бўлади. Агар ёндириш оловнинг иши бўлса, ҳамма нарсани ёндириши керак эди. Лекин кўпгина нарсаларга олов тегса ҳам, ёнмайди. Шунингдек, ёнишга лаёқатли айрим нарсалар ҳам Аллоҳ хоҳламаса, ёнмай қолади. Бундай ғайритабиий ҳолатлар одамларда, олов ёндиради, деган нотўғри фикр ўрнида, олов Аллоҳ хоҳласа ёндиради, деган тўғри тушунча бўлиши учун пайдо қилинади.

Одатда, олов одамни ҳам ёндиради. Шу боис мушриклар, Иброҳимни оловга ташласак, ёниб кетади, ундан қутуламиз, деб ўйлаб, у кишини оловга отдилар. Лекин оловга ёндириш хусусиятини берган зот унга:


«Эй олов, сен Иброҳимга салқин ва саломатлик бўл!» деб амр этди.

Шунда оловнинг куйдириш хусусияти йўқолиб, ўрнига салқинлик хусусияти келди. Олов Иброҳим алайҳиссалом учун нафақат салқинлик, балки саломатлик ҳам бўлди. Агар олов фақат салқинлик бўлиб қолса, у кишига бошқа озор етиши мумкин эди. Лекин Аллоҳнинг амри ила ҳам салқинлик, ҳам саломатлик бўлди. Ҳеч бир зарар етмади.

«Улар у (Иброҳим) га ёмонлик ирода қилган эдилар. Биз уларни энг зиёнкорлар қилиб қўйдик». (Анбиё сураси 70 оят)

Мушриклар Иброҳимга ёмонликни ирода қилиб, уни оловда куйдириб юбормоқчи бўлган эдилар. Биз Иброҳимни сақлаб қолдик. Мушрикларни эса, зиёнга учратдик. Уларни мислсиз азобга дучор қилдик.

ҲИЖРАТ



Бу ишлардан кейин Иброҳим алайҳиссалом бошқача йўл тутишга қарор қилди.

«У: «Албатта, мен Роббимга боргувчиман. У мени ҳидоят қилур. (ас-Саффот сураси 99 оят) Яъни, мен бу жойларни ташлаб, Роббим амр этган ерларга ҳижрат қиламан. Унинг Ўзи мени тўғри йўлга ҳидоят қилади, деди.

Аллоҳнинг йўлида юриш ҳақидаги даъватлар, тушунтиришлар ва баҳслар отага ҳам, қавимга ҳам таъсир қилмади. Улар бу ваъз-насиҳат ва

даъватлардан фойда олиш ўрнига зулмни кучайтирдилар. Даъватчига турли ёмонликлар қилдилар. Уни ҳам ўзларининг ботил йўлларига юргизмоқчи бўлдилар. Охир-оқибат бориб уни жисмонан йўқ қилишга уриндилар. Чунки унинг тирик юриши ўша нобакор қавм учун катта таълика эди. Оддий халқ унинг орқасидан кетиб қолишидан қўрқардилар. Ана шунда Иброҳим алайҳиссалом: «Албатта, мен Роббимга боргувчиман», деб дину диёнат учун ҳижратга кетишни афзал кўрди.

Аллоҳ учун ватанини, аҳлини, яқинларини, манфаатларини бутунлай ташлаб кетишга қарор қилди. Соф ниятини тушунмаган нобакор қавмдан, эски, ўзлари ўрганиб қолган одатларни тарк этишни хоҳламаётган золим шахслардан воз кечишни хоҳлади. Фақат Аллоҳ билан қолиш, фақат Аллоҳдангина ёрдам сўраш ва фақат Аллоҳ айтганидек яшашни ихтиёр қилди. Шунинг учун ҳам ишонч билан: «У мени ҳидоят қилур».

Аллоҳ Ўзи мени тўғри йўлга ҳидоят қилади. Икки дунё саодатига элтувчи йўлга бошлайди, деди.

Қатода розияллоҳу анҳунинг айтишларича, Иброҳим алайҳиссалом халойиқлардан биринчи бўлиб Биби Сора билан Шом ерларига ҳижрат қилган зотдирлар.

Шундай қилиб ҳижрат юзага келди. Бир ҳолатдан иккинчи бошқа бир ҳолатга ажраб чиқилди. Турли-туман алоқалар ва боғланишлар бутунлай тарк этилиб, улардан ажраб, фақат битта алоқа, битта боғланиш, яъни, Аллоҳ таоло билан алоқа ва боғланиш қолди.

Шу пайтгача Иброҳим алайҳиссалом фарзанд кўрмаган эди. Ҳижрат ёлғизлигида Аллоҳдан фарзанд сўради.

«Роббим, менга солиҳлардан ато эт» деди.

Бас, Биз унга бир ҳалим ўғилнинг хушхабарини бердик». (ас-Саффот сураси 100-101 оятлар)

Ёши бир жойга бориб қолган, бегона юртларда муҳожир бўлиб юрган бефарзанд одам учун жуда буюк бир хушхабар эди бу. Узоқ давом этган фарзандсизликдан кейин фарзандли бўлиш қанчалик бахт! Узоқ давом этган фарзандсизликдан сўнгра, айниқса, ўғиллик бўлиш қанчалик бахт! У ўғилнинг ҳалим бўлиши қанчалик бахт! Бу фарзанд Исмоил эди!

Аммо ўша ҳалим ўғил дунёга келгунча ҳали олдинда анчагина ишлар, саргузаштлар бор эди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Иброҳим пайғамбар алайҳиссалом ҳеч ёлғон гапирмаган. Фақат учта кизб бўлган. Иккитаси Аллоҳнинг зотида; «Мен беморман», деган гапи ва «Йўқ,

буни манави, уларнинг каттаси қилди», деган гапи. Биттаси Сора ҳақида. Бас, у киши бир жабборнинг ерига борди. У зот билан Сора ҳам бор эди. У (Сора) одамларнинг гўзали эди. У зот унга:

«Албатта, манабу жаббор сени менинг хотиним эканингни билса, сен учун мендан устун бўлади. Шунинг учун агар сендан сўраб қолса менинг синглим эканингни айтгин. Албатта, сен менинг Исломдаги синглимсан. Албатта, мен ер юзида мен ва сендан бошқа мусулмон борлигини билмайман», деди.

Улар ўша ерга кирганларида уни жабборнинг аҳлидан баъзилари кўриб қолиб унинг олдига бориб:

«Сенинг ерингга бир аёл келди. У сендан ўзгага муносиб эмас», деди.

У одам юборди. Уни олиб келишди.

Иброҳим алайҳиссалом намозга турди.

У (Сора) унинг олдига кирганда ўзини тутта олмай қўлини унга узатди. Бас, қўли қаттиқ тиришиб қолди. Шунда унга:

«Аллоҳга дуо қил. Қўлимни қўйиб юборсин. Сенга зарар етказмайман», деди. У (айтганини) қилди. У (жаббор) яна (ёмонликка) қайтди. Яна қўли аввалгидан ҳам қаттиқроқ тиришиб қолди. Унга яна аввалги гапини қайтарди. У (айтганини) қилди. У (жаббор) яна (ёмонликка) қайтди. Шунда унга:

«Аллоҳга дуо қил. Қўлимни қўйиб юборсин. Аллоҳга қасам! Сенга зарар етказмайман», деди. У (айтганини) қилди. Бас, унинг қўли бўшади. Уни олиб келганини чақириб:

«Сен менга шайтонни олиб келибсан! Одамни олиб келмабсан! Уни менинг еримдан чиқариб юбор! Унга Ҳожарни бер!», деди.

У юриб кетди. Иброҳим алайҳиссалом уни кўриб (намозни) битирди ва:

«Нима гап?!» деди.

«Яхшилик! Аллоҳ фожирнинг қўлини тийди! Хизматчи ҳам берди», деди.

Абу Ҳурайра:

«Ана ўша сизнинг онангиз бўлади. Эй осмон суви фарзандлари!» деди.

Муслим ва Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдаги «жабборнинг еридан» мурод Миср. Иброҳим алайҳиссалом Биби Сора билан Мисрга ҳижрат қилган вақтларида у ерга золим бир шахс подшоҳлик қилар эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «фақат учта ёлғон бўлган. Иккитаси Аллоҳнинг зотида; «Мен беморман», деган гапи ва «Йўқ, буни манави, уларнинг каттаси қилди», деган гапи. Биттаси Сора ҳақида», деган гапларидан зинҳор ва зинҳор Иброҳим алайҳиссалом умрларида уч марта ёлғон гапирган эканлар деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Бу ердаги «ёлғон»да сиртидан ёлғон бўлиб кўринган, аслида бошқа тарафга буриб юборса бўладиган гаплар кўзда тутилган.

Эсимизда бўлса, Иброҳим алайҳиссалом «Мен беморман», деган гапни мушриклар у кишини байрамга бирга боришга таклиф қилганларида айтган ва сиртда жисмоний беморлик тушинилса ҳам аслида руҳий қийин ҳолатни кўзда тутилган эди.

«Йўқ, буни манави, уларнинг каттаси қилди» деган гапни эса, парчаланиб ётган бутларни кўрган бутпараст қавм, бизнинг олиҳаларимизни ким бундоқ қилди, деганларида айтган эдилар. Унда агар буларни худо деган гапингиз тўғри бўлса, «буни манави, уларнинг каттаси қилди», деган маъно бор эди. Албатта, бу ёмон, гуноҳ маънодаги ёлғон доирасига кирмаслиги ҳаммага маълум.

Сора ҳақидаги «ёлғон»нинг нима эканлиги ушбу ривоятнинг ўзида баён қилиб берилмоқда.

«Бас, у киши бир жабборнинг ерига борди. У зот билан Сора ҳам бор эди.

У (Сора) одамларнинг гўзали эди. У зот унга:

«Албатта, манабу жаббор сени менинг хотиним эканингни билса сен учун мендан устун бўлади. Шунинг учун агар сендан сўраб қолса менинг синглим эканингни айтган. Албатта, сен менинг Исломдаги синглимсан. Албатта, мен ер юзида мен ва сендан бошқа мусулмон борлигини билмайман», деди».

Демак, бу ерда сиртдан насаб бўйича сингиллик бўлиб кўринса ҳам аслда дин қордошлиги кўзда тутилган. Бу ҳам, албатта, ёлғонга кирмайди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг «Ана ўша сизнинг онанингиз бўлади. Эй осмон суви фарзандлари!» деган сўзлари арабларга қаратилгандир. Арабларнинг насаблари маълум бўлганидан шундоқ дейилар экан.

Қиссанинг давоми шулки, Биби Сора золим подшоҳ ўзларига совға қилган чўри Ҳожарни эрлари Иброҳим алайҳиссаломга совға қилдилар. У киши ўзларининг туғмасликларини бир оз бўлса ҳам эсдан чиқариш учун эрлари бошқа аёл билан ҳам турмуш қилиб кўришини ўйлаган бўлсалар ажаб эрмас. Биби Ҳожар ҳомиладор бўлиб Исмоилни туғдилар. Ўша вақтда Иброҳим алайҳиссалом 86 ёшда эканлар.

Аллоҳ таоло ирода қилган ҳикматга биноан Биби Соранинг рашклари қўзиди. Иш охири бориб Биби Ҳожарни гўдаги билан бошқа томонга олиб бориб қўйишга келишилди.

ГИЁҲСИЗ ВОДИЙГА ЗУРРИЁТНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Иброҳим алайҳиссалом йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб ҳозирги Катъбаи Муаззаманинг ўрнига Биби Ҳожар билан гўдак Исмоилни қолдириб ортларига қайтдилар. Маълум бир жойга етиб У киши она болани кўрадиган улар эса у зотни кўрмайдиган жойда туриб Аллоҳ таолога илтижо ила қуйидаги дуони қилдилар:

«Эй Роббимиз, ҳақиқатда, мен ўз зурриётимдан, Сенинг Байтул Ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирдим. Эй Роббимиз, намозни тўқис адо этишлари учун. Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин ва уларни мевалардан ризқлантиргин. Шояд шукр қилсалар». (Иброҳим сураси 37 оят)

Иброҳим алайҳиссалом ўз зурриётидан бўлмиш Исмоил алайҳиссаломни Аллоҳнинг Байтул Ҳароми ёнига, ўсимликсиз водийга жойлаштиришининг бош сабабини намоз демоқдалар.

«Эй Роббимиз, намозни тўқис адо этишлари учун»

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга ибодат қилишлари, намозни тўқис адо этишлари учун зурриётларидан баъзисини машаққатларга тўла, сувсиз, гиёҳсиз, иссиқ чўлнинг ўртасига жойлаштирдилар.

Одатда одамлар гиёҳсиз чўлларга боришни истамайдилар. У ердаги машаққатлардан кўрқадилар. Эй Роббимиз:

«Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин»

Уларнинг қалблари доимо, ўша мен зурриётимдан баъзисини жойлаштирган, Байтул Ҳаром ёнидаги водийга талпиниб турадиган бўлсин.

«ва уларни мевалардан ризқлантиргин».

Яна ўша зурриётимни ва улар билан бирга ўша ерда яшаётганларни мевалардан ризқлантиргин.

«Шояд шукр қилсалар», деб дуо қилдилар.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг бу дуоларини қабул этди. Мазкур юртни, Ҳарами Шарифни омонлик юрти қилиб қўйди. Унинг омонлигига таҳдид соладиганларни ҳалок қилди. У ердагилар Аллоҳга ибодатни тўғри қилиб, намозни тўқис адо этганларида, омонликка қўшиб тўқчиликни ҳам берди. Мусулмон бўлган одамлар қалбини ўша томонга талпиниб турадиган этиб қўйди.

У жойниқ аҳолисини, ерларида ҳеч нарса ўсмаслигига қарамасдан, турли мевалар билан ризқлантириб қўйди.
Иброҳим алайҳиссалом ҳар замонда келиб оилаларидан хабар олиб турдилар.
Исмоил ҳам ўсиб, улғайиб борди.
Кейин нима бўлганини «ас-Саффот» сурасининг қуйидаги оятларидан билиб оламиз:

ҚУРБОНЛИК ҚИЛИШ



«Бас, қачонки (бола) унинг ўзи билан бирга юрадиган бўлганида: «Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман, боқиб кўр, нима дерсан?» деди. У: «Эй отажон, сенга амр этилганни бажар, инша Аллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан», деди». (102 оят)

Бу ояти каримадаги ота-бола ўртасидаги биргина савол ва биргина жавоб инсоният тарихида Аллоҳ йўлида кўрсатилган фидокорликнинг энг юксак намуналаридан биридир. Аллоҳ таолога нисбатан одобнинг энг юқори чўққиси саналади. Аллоҳ таолонинг йўлида ҳеч нарсани аямасликнинг энг юксак намунаси дир.

Умр бўйи жоҳил, мушрик, Аллоҳни тан олмаган, нобакор бир қавм билан жанжаллашиб ўтган, улар томонидан турли жафолар чеккан, ҳатто катта гулханга отилган қари бир одам эди Иброҳим. Ноилоҳ қолиб, ватанини, элини, халқини, яқинларини, уй-жойини, барча манфаатларини тарк этиб, бошқа юртга ёлғизликка ҳижрат қилган бир одам эди Иброҳим. Ёши улғайиб, фарзанд кўришдан умиди узилган бир пайтда Аллоҳ таоло унга ҳалим бир ўғил берди. Иброҳим ўғлини кўз қорачиғидек авайлаб асраб ўстирди. Фарзанд ота-онасининг кўз қувончи бўлиб ўсиб борди. Ота боласини кўриб қувонар эди.

«Бас, қачонки (бола) унинг ўзи билан бирга юрадиган бўлганида...»

Ёлғиз ўғил Иброҳим алайҳиссалом билан бирга юрадиган бўлиб, отасининг ёнига кирган чоғда, тафсирчи уламолар айтишларича, ўн уч ёшга тўлганида, ота боласига қараб:

«Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман, боқиб кўр, нима дерсан? деди».

Кексайиб қолганда кўрган жигарбандини отанинг ўзи сўймоқчи! Аллоҳнинг йўлида сўймоқчи! Тушида шуни кўрибди. Ота тушини Аллоҳнинг амри деб қабул қилди. Чунки Пайғамбарларнинг туши ваҳийдир. Бир марта эмас, бир неча бор кўрибди, шунинг учун ҳам жигарбандига: «Сени сўяётганимни кўрмоқдаман», деди, кўрдим, демади. Бу иш Аллоҳ учун ҳижрат қилган одамга катта синов эди. Умр бўйи дину диёнат йўлида турли синовлардан ўтиб келган шахсга яна бир бор улкан синов рўбарў бўлди. Қариганида топган гулдай жигаргўшасини, эндигина ёнига кириб, ўзи билан бирга юрадиган бўлганда, ўз қўли билан сўйиши керак эди.

Мўмин, мухлис банда Иброҳим алайҳиссалом бу ишни ўзига хос босиқлик, хотиржамлик ва ишонч билан қабул қилиб олди. Иккиланмади, қандай бўлар экан, деб ўйлаб ўтирмади, қутулиш учун бошқа чора изламади.

Лекин масаланинг иккинчи томони бор эди. Сўйилиши лозим бўлган қурбонлик ҳам одам эди. Жони бор, қони бор, эси-ҳуши, ақли бор эди. Иброҳим алайҳиссалом фарзандидаги шу жиҳатларни ҳисобга олиб, Исмоилнинг бу ишга қанчалик тайёрлигини синаб, унга маслаҳат солди.

«Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман, боқиб кўр, нима дерсан?» деди.

Ҳа, бу нафақат отанинг ўзига, балки боласига ҳам синов эди. Ота узоқ умри давомида кўпгина синовлардан ўтган. Ўғил эса, энди биринчи бор жиддий синовга рўбарў бўлаётган эди. Шу билан бирга, ўғил Аллоҳ таоло у туғилишидан олдин хабар бериб қўйганидек ҳалим ўғил эди. Ҳар қандай оғирликни ҳам чидам билан қарши олишга тайёр фарзанд эди. Шундай бўлди ҳам,

«У: «Эй отажон, сенга амр этилганни бажар, инша Аллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан», деди».

Эй отажон! Сенга мени сўйиш амр қилинган бўлса, мени сўй; болажонимни сўйсам, у нима қилар экан, деб ўйлаб ўтирма; мен Аллоҳ хоҳласа, сабр этаман, сабр қилувчи бандалардан бўлишга ҳаракат қиламан, деди.

Нақадар буюк жасорат! Нақадар улкан одоб! Нақадар Аллоҳнинг амрига ажойиб итоат! «Икковлари таслим бўлиб, уни пешонасича ётқизганида. Биз унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим!

Батаҳқиқ, сен тушни тасдиқ қилдинг! Албатта, Биз гўзал иш қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз». (103-105 оятлар) Ота-бола қуруқ гап билангина кифояланмадилар фидокорликларини оғзидагина бажармадилар. Амалга ўтдилар. Ота-бола: «Икковлари таслим бўлиб...»

Аллоҳнинг амрига бўйинсуниб, итоат қилиб, амрни адо этишга тайёр эканликларини тилда айтганларидан сўнг, уни амалга оширишга ўтдилар ва ота: «уни пешонасича ётқизганида...»

Сўйиш вақтида кўз кўзга тушмасин деб болажонини ерга қаратиб ётқизиб, уни сўйишга шайланиб, бўйнига пичоқ тортаётган бир пайтда:

«Биз унга нидо қилдик: Эй Иброҳим! Батаҳқиқ, сен тушни тасдиқ қилдинг!»

Сен тушингда кўрган амрни тасдиқлаб амалга оширдинг. Аллоҳнинг амрига таслим бўлиб, болангни сўйишга жазм қилдинг. Амрдан кўзланган мақсад ҳосил бўлди. У ҳам бўлса, бандаларнинг тамомила Аллоҳга таслим бўлишлари эди. Ҳар бир ишда Аллоҳнинг амрига итоат этишлари, фақат Унинг розилигини кўзлаб иш қилишлари эди. Ана ўша мақсад амалга ошди. Аллоҳга бандаларнинг жони керак эмас. Аллоҳга бандаларнинг қони ҳам керак эмас.

«Албатта, биз гўзал иш қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз», деб унга нидосини давом этдирди Аллоҳ.

Ҳа, Аллоҳ таоло Пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломга нидо қилиб, дедик: Эй Иброҳим, биз доимо гўзал иш қилган бандаларимизни сенга ўхшатиб мукофотлаймиз. Уларни турли синовлар учун танлаб олишимиз ҳам мукофотдир. Чунки шу синовлар орқали улар ажр-савобларга, олий мартабаларга эришадилар, бундан ортиқ мукофот борми? Сени ҳам ўғлингни қурбонлик учун сўйиш орқали синовга дучор қилдик. Юзаки қараганда, бу синов бало-офат ва мусибат бўлиб кўринади. Аммо, аслида эса, мукофотдир. Олий мақомларга эришиш омилидир. Шу синов бўлмаганида, сен қиёматгача фидокорлик тимсоли бўлиб қолмас эдинг. Ҳаммага ўрнак бўлмас эдинг. Илоҳий китобларда зикр қилинмас эдинг. Номинг ибодатларда тиловат этилмас эди.

«Албатта, бу очиқ-ойдин синовнинг айни ўзидир». (106 оят)

Яъни, Иброҳимга ўғлини қурбонликка сўйиш амри очиқ-ойдин синовнинг айни ўзидир, бошқа нарса эмасдир. Бу синовдан у яхши ўтди. Унинг ўғли саломат қолди. «Биз унинг ўрнига катта қурбонлик фидо қилдик». (107 оят)

Яъни, биз Исмоилнинг ўрнига жаннатдан чиқарилган катта бир қурбонликни фидо қилдик. Иброҳим қурбонлик учун боласини сўйишга тайёрлигини билдирди. Уни ётқизиб, бўйнига пичоқ тиради. Аммо Аллоҳнинг мақсади Исмоилнинг қонини оқизиш бўлмагани учун пичоқ ўтмади. Шунда Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга юқоридаги нидони қилди ва Исмоил алайҳиссаломнинг ўрнига сўйиш учун жаннатдан катта бир қўчқорни ато этди. Иброҳим алайҳиссалом ўша қўчқорни қурбонликка сўйди. Бу ишлар Минода-ҳозир мусулмон ҳожилар қурбонлик сўядиган жойда бўлиб ўтди.

Инсоният тарихидаги ўша буюк фидокорлик ҳодисаси ҳар йили такрорланадиган ибодатга айланди. Ҳар йили мусулмонлар дунёнинг турли томонларидан келиб, бу қиссани ёдга оладилар. Бу улуғ фидокорлик қиссасини ўзлари қайтадан яшайдилар. Иброҳим алайҳиссалом ва Исмоил алайҳиссаломдек Аллоҳнинг йўлида ҳар қандай қурбон беришга тайёр эканликларини тиллари, диллари ва амаллари билан изҳор этадилар. Фидокорлик аломати сифатида қурбонликлар сўядилар. Бу ҳаракатлари билан иймон байроғини янада юқори кўтардилар. Аллоҳга бўлган итоатларининг энг гўзал томонларини намоён қиладилар. Аллоҳга таслим бўлишни тажрибаларидан ўтказадилар.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло яна айтадики: «Ва кейингилар ичида унинг учун (олқишлар) қолдирдик». (108 оят) Дунё тургунча келадиган авлодлар уни мақтаб-олқишлаб ўтадиган қилиб қўйдик. «Иброҳимга салом бўлсин!» (109 оят) Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ салом айтмоқда! Саломини қиёматгача боқий мўъжизаси Қуръонни Карим орқали эълон қилмоқда! Бу ҳол зот алайҳиссаломнинг қадрлари нақадар юксаклигини яна бир бор кўрсатади.

БАЙТУЛЛОҲНИНГ ҚУРИЛИШИ

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга ва у кишининг солиҳ амалли зурриётларига имомлик ваъда қилганлигини аввал ўрганган эдик. Ўша имомликнинг кўринишларидан бири-Байтуллоҳни қуриш ва унга тегишли ишлар бўлди.

Имом Бухорий Аблulloҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган узун қиссада, жумладан, шу иборалар ҳам бор:

«Иброҳим:

«Эй Исмоил, Аллоҳ менга бир иш буюрди», деди. Исмоил:

«Роббингиз буюрган ишни адо этинг», деди.

«Сен ёрдам берасанми?» деди.

«Ёрдам бераман», деди.

«Аллоҳ менга мана шу ерга уй қуришни буюрди», деб кичик тепалик ва унинг атрофини кўрсатди. Ана ўшанда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтара бошладилар. Ўғил тош таширдилар, ота қурардилар».

«Бақара» сурасида бу жараён қуйидагича ёритилади:

«Иброҳим билан Исмоил «Эй Роббимиз, биздан қабул эт, албатта, Сенинг Ўзинг эшитувчи, билувчи зотсан», деб байтнинг пойдеворларини кўтараётганини эсла.

«Роббимиз, икковимизни Ўзингга мусулмон бўлганлардан қил ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил, бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт. Албатта, Сенинг Ўзинг тавбаларни кўплаб қабул этувчи, раҳмли зотсан».

«Роббимиз, уларга ўзларининг ичидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Пайғамбар юбор. Албатта, Сенинг Ўзинг азиз ва ҳикматли зотсан». (127-129 оятлар)

Юқоридаги оятлар Байтуллоҳнинг қурилиш жараёнини жонлантириб кўз олдимизга олиб келади.

Ота-бола Пайғамбарлар Аллоҳ таолонинг амрига бўйсуниб, дарҳол иш бошладилар. Қалблари тўла тақво ила:

«Эй Роббимиз, биздан қабул эт, албатта, Сенинг Ўзинг эшитувчи, билувчи зотсан», деб илтижо айлаб, дуо қилдилар. Бу жуда улкан мақомдир. Салафи солиҳлардан Вуҳайб ибн ал-Вард раҳматуллоҳи алайҳи ушбу оятни ўқиганларида йиғлаб туриб:

«Эй Роҳманнинг халили! Роҳманнинг байтининг пойдеворларини кўтариб турибсан-у, яна қабул бўлмай қолармикан, деб кўрқяпсанми?!» деган эканлар. Улкан қалблар, етишган шахслар ана шундай ҳассос бўладилар.

Иброҳим ва Исмоил алайҳимассалом Байтуллоҳни қураб эканлар, фурсатни қулай билиб, кўнгилларидаги бошқа дуоларни ҳам қилиб олдилар:

«Роббимиз, икковимизни сенга мусулмон бўлганлардан қил...»

Ўзлари мусулмон бўла туриб, яна шу дуони қиляптилар. Ҳидоятда бардавом бўлиш учун Аллоҳдан ёрдам умиди. Бутун борлиғи ила Аллоҳга таслим бўлишдан ажрамаслик умиди. Ва улар шу билан бирга ўзларига насиб бўлган иймон неъматидан, зурриётлари ҳам баҳраманд бўлишини тиламоқдалар:

«...ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил», демоқдалар.

Ақида иши муҳим иш, у мўмин инсон учун энг аҳамиятли масаладир. Шунинг учун аввалги оятларда аҳли ҳарамга ризқ сўраган ота-бола Пайғамбарлар энди зурриётларига Аллоҳдан иймон-ислом сўрамоқдалар.

Улар яна Аллоҳдан:

«Бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт», деб сўраяптилар. Биз, «ибодатларимизни» деб таржима қилган сўз арабчада «манасикана» дейилган. «Маносик» сўзи аслида ибодат маъносини англатса ҳам, урфда ҳаж ибодатлари маъносида ишлатилади. Шунинг учун бу дуода, мана, Сенинг уйингни қуряпмиз, энди уни ҳаж қилишни ҳам Ўзинг ўргат, деган маъно бўлади. Дуонинг охирида Аллоҳнинг уларни умидвор қилган сифатлари ҳам қўшиб айтиляпти:

«Албатта, Сенинг Ўзинг тавбаларни кўплаб қабул этувчи, раҳмли зотсан».

Учинчи оятда Иброҳим ва Исмоил алайҳимассалом Аллоҳ таоло томонидан катта неъмат-зурриётларига ўз ичларидан Пайғамбар юборишини сўрамоқдалар.

«Роббимиз, уларга ўзларининг ичидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Пайғамбар юбор».

Ўша Пайғамбар уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб беради. Китобни, яъни, Аллоҳнинг китобини ўргатади. Ўқишни, маъноларини, унга амал қилишни ва унга тааллуқли бошқа нарсаларни ўргатади. Ҳикматни ҳам ўргатади. «Ҳикмат»нинг маъноси-ҳар бир нарсани ўз жойига қўйиш демакдир. Уламоларимиз «ҳикмат»дан мурод-Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари, деганлар. Мазкур Пайғамбарнинг вазифаларидан бири-уларни поклашдир. Яъни, ширк, куфр ва ёмон одатлардан поклашдир.

Аллоҳ таоло Иброҳим ва Исмоил алайҳимассаломнинг дуоларини кўп асрлардан сўнг истижобат қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборди. У киши Иброҳим ва Исмоил алайҳимассаломнинг зурриётларидан бўлиб, дуодаги барча сифатлар у кишида мужассам.

Чин дилдан қилинган дуо, албатта, қабул бўлади. Лекин қабул қилувчи Зот қачон хоҳласа, ўшанда қабул қилади. Одамлар буни тушунмай шошилади, ноумид бўлади, холос.

ҲАЖНИНГ БОШЛАНИШИ

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга фақат Байтуллоҳни қуриш шарафинигина бермади. Балки уни қуришдан асосий мақсад бўлган ҳаж ибодатини йўлга қўйишдек буюк бахтни ҳам айни ўша зотга раво кўрди.

Ана ўша инсоният тарихидаги энг улкан ҳодисалардан бири қандай кечганлигини «Ҳаж» сурасининг ушбу ояти карималаридан ўрганамиз:

«Биз Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб: «Менга ҳеч нарсани шерик қилма, Байтимни тавоф қилгувчилар, (ибодатда) қоим тургувчилар ҳамда рукуъ, сужуд қилгувчилар учун поклагин.

Одамларни ҳажга чақир, улар сен томон пиёда, узоқ-узоқ йўллардан юриб, озиган уловлар устида келсинлар.

Ва ўзларига бўладиган манфаатларга шоҳид бўлсинлар. Маълум кунларда уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (сўйишда) Аллоҳнинг исмини зикр қилсинлар. Бас, улардан енглар ва бечора ва фақирларга ҳам егизинглар.

Сўнгра ўзларидаги кирларни кетказсинлар, назрларига вафо қилсинлар ва «қадимги уй»ни тавоф қилсинлар», деганимизни эсла. (26-29 оятлар)

Демак, Байтуллоҳни қуриш иши Аллоҳ таолонинг Ўзининг бевосита кўрсатмалари асосида бўлган.

«Биз Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб...»

Ҳатто Каъбаи Муаззамани қаерга қуришни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи белгилаб берган. Белгилаб берганда ҳам, Ўзининг Пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломга белгилаб берган.

Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссалом билан Аллоҳ таолонинг амрига мувофиқ кўрсатилган жойга Байтуллоҳни қуриб битирганларидан сўнг, Аллоҳдан қуйидаги фармон келди:

«Менга ҳеч нарсани шерик қилма...»

Яъни, менга дунёдаги ҳеч бир нарсани шерик келтирма. Байтнинг эгасига ширк келтириш мумкин эмас. Унинг шериги йўқ.

«...Байтимни тавоф қилгувчилар, (ибодатда) қоим тургувчилар ҳамда рукуъ, сужуд қилгувчилар учун поклагин».

Байтуллоҳнинг эгаси Аллоҳ таоло томонидан, унинг қурувчиси Иброҳим алайҳиссаломга айтилаётган бу сифатлар мусулмонларда мавжуд. Демак, Байтуллоҳга, Масжидул Ҳаромга мусулмонлар ҳақлидирлар.

«Одамларни ҳажга чақир...»

Эй Иброҳим, одамларни ҳаж ибодатига чақир.

«...улар сен томон пиёда, узоқ-узоқ йўллардан юриб, озиган уловлар устида келсинлар».

Энг узоқ юртлардан ҳам келсинлар. Пиёда юриб бўлса ҳам, келсинлар. Йўл узоқлигидан, машаққатлилигидан уловлари озиб-ҳориб кетса ҳам, келсинлар.

Байтуллоҳнинг эгаси унинг қурувчисига шундай деб турганидан кейин, бировнинг мусулмонларни ундан тўсишга ҳеч ҳақлари йўқ.

«Ва ўзларига бўладиган манфаатларга шохид бўлсинлар».

Байтуллоҳни ҳаж қилишда ҳар бир ҳожи учун кўплаб дунё ва охираат манфаатлари бор. Ҳажда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатлар кўп. Ҳажга келувчилар, аввало, Аллоҳга ибодат қилади, тақвоси зиёда бўлади, қолаверса, бир-бирлари билан танишадилар, ўзаро фикр ва тажриба алмашадилар, фойдали маслаҳатлар оладилар, шунингдек, савдо-сотик, тижорат ҳам қиладилар. Уларнинг бу манфаатларидан баҳраманд бўлишга ҳақлари борлигини Аллоҳнинг Ўзи эълон қилиб қўйган.

«Маълум кунларда уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (сўйишда) Аллоҳнинг исмини зикр қилсинлар».

Ҳаж палласи Аллоҳни зикр қилиш авжига чиқадиган мавсум. Бу мавсумнинг авжи эса, ийд кунлари бўлиб, унда зикр қурбонлик сўйиш жараёнида яна авжланади. Ҳар бир ҳожи Аллоҳни йўлида барча нарсани қурбон қилиш рамзи сифатида Аллоҳнинг номини зикр этиб туриб, туя, мол, қўй каби чорва ҳайвонларини қурбонлик қилади.

«Бас, улардан енглар ва бечора ва фақирларга ҳам егизинглар».

Қурбонлик қилувчи ҳожи қурбонлигидан ўзи эса ҳам бўлади, бева-бечора, фақир-фуқароларга егизса ҳам бўлади.

Масжидул Ҳаромнинг эгаси Аллоҳ таолонинг бу амрига қарши мусулмонларни ўша манфаатлардан, қурбонлик қилишдан, Аллоҳнинг номини зикр этишдан тўсишга Қурайш кофирларининг нима ҳаққи бор?

«Сўнгра ўзларидаги кирларни кетказсинлар...»

Қурбонлик қилиб бўлганидан кейин, ҳожига эҳромдан чиқишга рухсат бўлади. Шунда унинг учун эҳром вақтида мумкин бўлмаган соч олдириш ёки қисқартиришга, қўлтиқ остидаги ва бошқа жойлардаги тукларни, тирноқларни олишга изн берилади. Ҳожи бу ишларни бажариб, ювиниб-таранади. Оятда

«...ўзларидаги кирларни кетказсинлар...» дейишдан мақсад шу.

«...ва «қадимги уй»ни тавоф қилсинлар».

«Қадимги уй»дан мурод Каъбатуллоҳ. Бу тавофни фарз тавоф, ифоза тавофи, дейилади. Бу тавофсиз ҳаж ҳаж бўлмайди. Шунинг адо этишлик билан ҳаж ибодати ҳам тугайди.

Масжидул Ҳаромнинг тарихи ва унда қилинадиган амаллар ана шулардан иборат. Аллоҳ таоло у ернинг ҳурматини сақлашга чақирган. У ерда маълум ишларни ҳаром қилган. Бунга ҳамма амал қилиши керак.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга қариган чоғларида ато этган ҳалим ўғил-Исмоилга боғлиқ ҳодисалар ана шулардан иборат. Энди гапни бошқа тарафдан эшитинг.

ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ МЕҲМОНЛАРИ

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга Исмолидан бошқа фарзанд беришни ҳам ирода қилган эди. Ана ўша хурсандчилик хабарни ўзига хос бир услубда етказишни ирода қилди.

Бу ҳолни бизга «Зарият» сурасидаги оятлар очиқлаб беради:

«Сенга Иброҳимнинг карамли меҳмонларининг хабари келмадими?» (24 оят)

Иброҳим алайҳиссалом ҳузурига келган меҳмонлар ёш, хушрўй йигитлар сувратидаги фаришталар эди. Уларни Аллоҳ таоло «карамли» деб сифатлади, чунки улар Аллоҳнинг ҳузурларида мукаррам эдилар.

Иброҳим алайҳиссаломнинг бундан хабарлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам улар кириб у зотга салом берганларида алик олдилар-да, танимаётганларини изҳор қилдилар.

«Улар унинг ҳузурига кириб, «Салом» деганларида, у «Салом, нотаниш қавмлар», деди». (25 оят)

Сўнгра:

«Аҳлига бориб, семиз бузоқни (пишириб) келтирди». (26 оят)

Ушбу оятда Иброҳим алайҳиссаломнинг ниҳоятда меҳмондўст зот эканликларини очиқ-ойдин кўрсатилмоқда. Ҳузурларига нотаниш кишилар келиб салом беришлари билан алик олиб, меҳмонларга билдирмай, дарров аёлларига бориб семиз бузоқни пиширтириб олиб келишлари сахийлик ва меҳмондўстликнинг юқори даражадаги аломатларидандир.

«Уни уларга яқин сурди ва: «Емайсизларми?» деди». (27 оят)

Яъни, меҳмонлар олдиларига қўйилган гўшти емай ўтираверганларидан сўнг Иброҳим алайҳиссалом бузоқ гўштини уларга яқинроқ суриб, «Емайсизларми?» дедилар.

Фаришталар овқат емайдилар, шунинг учун улар яна овқатни емай ўтиравердилар. Одатда, меҳмон мезбондан норози бўлса, унга ёмонликни раво кўрса, овқатини емайди. Шунинг учун ҳам Иброҳим алайҳиссалом:

«Улардан хавфсиради. Улар «қўрқма», дедилар ва унга илмли ўғил башоратини бердилар». (28 оят)

Яъни, Иброҳим алайҳиссаломда, таомларини емаётган меҳмонлардан қўрқиш аломатлари пайдо бўлди. Буни меҳмонларнинг ўзлари ҳам сездилар-да, у кишига «қўрқма, биз Аллоҳ тарафидан юборилган фаришталармиз, сенга бир илмли ўғил фарзанд кўришининг башоратини олиб келдик», дедилар.

Бу гапларни Иброҳим алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам эшитиб турган эканлар.

«Бас, хотини қичқириб келди ва ўз юзига шапалоқ тушириб, «қари, туғмас хотин-а?!» деди». (29 оят)

Маълумки, Иброҳим алайҳиссалом тўқсон ёшларигача фарзанд кўрмаганлар. Сўнгра кичик хотинлари Биби Хожар онамиздан Исмоил алайҳиссаломни кўрганлар. Ундан сўнг ҳозир ҳикоя қилинаётган ҳодисалар бўлиб ўтган. Башорати берилаётган фарзанд, Исҳоқ алайҳиссалом, аёл эса катта хотинлари, Биби Сора эканлиги оят сиёғидан билиниб турибди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг хотинлари ўзларининг туғмасликларини яхши билардилар, бунинг устига қариб-қартайиб, фарзанд кўришдан бутунлай умидлари узилган эди. Шунинг учун ҳам хабарни эшитиб даҳшатга тушдилар.

Одатда хотинлар бирор ғайри табиий хабарни эшитсалар, ҳайрат ва таажжубларини «Вой шўрим!» дея юзларига шапатилаб (ёки шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан) ифодалайдилар. Шу сингари Иброҳим алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам ўз юзларига шапалоқ билан урдилар. Чунки бу Аллоҳнинг амри эканини, хабарни фаришталар келтирганини у киши англай олмаган эдилар. Бу ҳақиқатни у кишига фаришталарнинг ўзлари англайдилар.

«Улар: «Сенинг Роббинг шундай деди. Албатта, Унинг Ўзи ҳақим ва олимдир», дедилар». (30 оят)

Яъни, фаришталар Иброҳим алайҳиссаломнинг аёлларига: «Бунақа даҳшатга тушма, ажабланма ҳам, бу гапларни сенинг Парвардигоринг айтди, у ҳамма нарсага қодир-хоҳласа, туғмасга ҳам, қари кампирга ҳам фарзанд бераверади», деган маънодаги гапни айтдилар. Дарҳақиқат шундай ҳам бўлди. Аллоҳ катта ёшдаги икки қари бандасига илмли, кейинчалик Пайғамбар бўладиган Исҳоқ исмли ўғил фарзанд берди.

Аллоҳ таоло ота-онанинг қўшилишидан фарзанд дунёга келишини асосий қоида қилиб қўйган. Бу қоидага кишилар шунчалик ўрганиб кетишганки, кўплари ҳақиқий яратувчи Аллоҳ эканини унутиб, иш фақат эру хотин билан битаверади, деган бузуқ ақидага ҳам борадилар. Бандалар Аллоҳни эсдан чиқармасликлари учун яратганнинг Ўзи баъзи қолларда юқоридаги қоидани «бузиб» туради. Баъзи кишиларга фақат ўғил беради, қизга зор қилиб қўяди. Баъзиларга фақат қиз беради, улар ўғилга зор бўлишади. Баъзиларга ўғил-қизни аралаш беради. Баъзиларни эса бутунлай фарзандсиз қилиб қўяди. Демак, эр-хотиннинг қўшилиши асосий омил эмас, Аллоҳнинг иродаси асос эканини мазкур ҳолатлар доимо эсимизга солиб турмоғи лозим.

Қариб қолган аёлларнинг туғмаслиги ҳам умумий қоида. Айниқса, улар ёшлиқларидан туғмас бўлиб ўтган бўлсалар. Бу ҳам кишиларнинг онгига сингиб кетган. Ҳатто Иброҳим алайҳиссаломдек улуғ Пайғамбарнинг аёллари ҳам бу қоидадан ташқарига чиқишни хаёлларига сиғдирма олмадилар. Лекин Аллоҳнинг Ўзига ҳамма нарса осон. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Меҳмонларнинг ким эканини очиқ-ойдин билиб олган Иброҳим алайҳиссалом уларга савол бера бошладилар.

«У: «Эй элчилар! Сизнинг ишингиз надир?» деди». (31 оят)

Иброҳим алайҳиссалом меҳмонлар фаришталар эканликларини билдилар. Улардан Аллоҳ ўзларига илмли ўғил фарзанд беришни ирода қилганлиги ҳақидаги хушxabарни ҳам эшитдилар.

Лекин улуғ Пайғамбар бўлган у зот бу фаришталарни бошқа ишлари борлигини сезиб турган бўлсалар керак. Улардан,

«Эй элчилар! Сизнинг ишингиз надир?» деб сўрадилар.

«Улар: «Албатта, биз жиноятчи қавмга юборилганмиз». (32 оят)

«Уларнинг устидан лойдан (пиширилган) тошларни ташлаш учун.

Роббинг ҳузурида исрофчилар учун белгилаб қўйилганларни», дедилар». (33-34 оятлар)

Оятдаги «жиноятчи қавм»дан мурод Лут қавмидир. Бу қавм инсоният тарихида бўлмаган улуғ жиноятни содир этган. Улар ўзларига эркак билан эркакнинг жинсий алоқа қилишини раво кўрдилар.

Бу жиноятдан уларни Пайғамбар Лут алайҳиссалом кўп қайтардилар, лекин самара бермади. Оқибатда улар Аллоҳнинг азобига дучор бўлдилар.

Ўша жиноятчи қавмга Аллоҳ таоло ирода қилган азобни етказиш ушбу, Иброҳим алайҳиссалом билан суҳбатлашиб турган фаришталарга топширилган эди. Шу билан бирга уларга йўл-йўлакай Иброҳим алайҳиссаломга илмли ўғил башоратини бериб ўтиш ҳам топширилган эди.

Аммо Иброҳим алайҳиссалом уларни саволга тутиб қолганларидан кейин ўзларининг бажаришлари лозим бўлган асосий ишлари ҳақида ҳам ахборот бера бошладилар.

Улар: «Албатта, биз жиноятчи қавмга юборилганмиз...», дедилар.

Яъни, аслида биз Аллоҳ таоло томонидан жиноятчи Лут қавмига юборилганмиз.

«Уларнинг устидан лойдан (пиширилган) тошларни ташлаш учун».

Яъни, ўша жиноятчи қавм аъзолари устидан лойдан пиширилган қаттиқ тошларни ташлаб ўлдиришимиз керак.

«Роббинг ҳузурида исрофчилар учун белгилаб қўйилганларни», дедилар».

Ўша лойдан пиширилган қаттиқ тошлар Аллоҳ таоло томонидан исрофчилар учун белгилаб қўйилган-баъзи ривоятларда айтилишича, ҳар гуноҳкорни ўлдириш керак бўлган тошга унинг исми ёзилиб қўйилган эди.

ИСҲОҚНИНГ БЕРИЛИШИ



Юқоридаги Иброҳим алайҳиссаломга фаришталар томонидан хушxabари берилган илмли фарзанд Исҳоқ эди.

Бу маънони «ас-Сафот» сураси очиқ-ойдин баён қилади: «Яна Биз унга солиҳлардан бир Пайғамбар бўлажак Исҳоқнинг хушxabарини бердик». (112 оят) Иброҳим алайҳиссаломнинг Аллоҳ таоло томонидан мукофотланишлари юқорида зикр этилган нарсалар билан кифояланиб қолмади. Аллоҳ таоло у кишига яна бир ўғил кўришлари, унинг исми Исҳоқ бўлиши, у ҳам солиҳлардан, Пайғамбарлардан бўлишининг хушxabарини берди.

Аммо бу билан ҳам кифояланмади, яна зиёда қилди: «Ва унга ҳам, Исҳоққа ҳам барака бердик. Икковларининг зурриётидан гўзал амал қилгувчи ҳам, ўзига очиқ-ойдин зулм қилгувчи ҳам бўлур». (113 оят) Яъни, Иброҳимга ҳам, Исҳоққа ҳам барака бердик. Уларнинг наслидан Пайғамбарлар чиқадиган қилиб қўйдик. Барака шундан иборат. Икковларининг зурриётидан ким ўша Пайғамбарларга эргашса, гўзал иш қилган бўлади. Қайси бири эргашмаса, ўзига ўзи очиқ-ойдин зулм қилган бўлади.

ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Қуръони Карим Иброҳим алайҳиссаломнинг шахсларига, қиссаларига алоҳида эътибор қаратганини ўрганиб чиқмоқдамиз. Каломи илоҳийда у зотнинг қиссалари, фаолиятлари ва даъватларидан ташқари шахсий фазилатлари ҳам батафсилроқ ёритилади. Келинг ана шу масалага тегишли баъзи ояти карималарни ўрганиб чиқайлик. Аллоҳ таоло «Наҳл» сурасида Иброҳим алайҳиссаломни васфларида қуйидагиларни айтади: «Албатта, Иброҳим Аллоҳнинг итоат қилгувчи, ҳаққа мойил уммати эди. Мушриклардан бўлган эмас». (120 оят) Ушбу ояти карима Иброҳим алайҳиссаломни «уммат» деб атамоқда. Бу оятдаги «уммат» сўзига «имом» ҳамда «миллат» маънолари берилган. Иккинчи маънога келсак, Иброҳим алайҳиссалом бир ўзлари бутун бошли бир миллат-умматга тенг келган, деган маънони англаймиз.

Агар «уммат»дан «имом» маъносини олсак, «йўлбошчи»ни тушунамиз. Дарҳақиқат, бир умматни тўғри йўлга бошловчи имомга унга эргашганларнинг

ҳам ажри-савоби берилади. Шунинг учун икки маъно бир-бирини тўлдириб келади, деб ҳар иккисини ҳам олаверган маъқул. Иброҳим алайҳиссаломнинг яна бир сифатлари, «Аллоҳга итоат қилгувчи», Унга бўйинсуниб, ибодат қилувчи эканларидир. Бошқа бир сифатлари, «ҳаққа мойил» эканликларидир. Яъни, ҳақ динга мойил бўлганлар, нотўғри йўлларга юрмаганлар. Энг муҳим сифатлари, «мушриклардан бўлган эмас». Шундай экан, у кишини ўз раҳнамолари деб даъво қилаётган араб мушрикларида Иброҳим алайҳиссаломнинг қайси сифатлари бор? Бирортаси ҳам йўқ-ку! Шунингдек, уларда Иброҳим алайҳиссаломнинг кейинги оятларда келадиган сифатлари ҳам йўқ: «Унинг неъматларига шукр қилгувчи эди. У зот уни танлаб олди ва сиротул мустақиймга ҳидоят қилди». (121 оят) Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳнинг неъматларига ҳам сўзларида, ҳам амалларида шукр қилгувчи эдилар. Мушрикларга ўхшаб, оғизда тан олиб, амалда бошқача ибодат қилиб куфр келтирмас эдилар. Ушбу сифатлари учун Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломни танлаб олди ва тўғри йўлга ҳидоят қилди. «Унга бу дунёда яхши (ҳаёт) бердик. Охиратда эса, у, албатта, солиҳлардандир». (122 оят) Иймони ва шукр қилгани туфайли, мазкур гўзал сифатларга эга бўлгани туфайли бу дунёда у кўплаб яхшиликларга эришди. Охиратда эса, албатта, аҳли солиҳлардан бўлади. Демак, икки дунёнинг саодатига эришиши муқаррар. Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида Иброҳим алайҳиссаломни Ўзига дўст-халил қилиб олганини бутун оламга эълон қилади: «Яхшилик қилувчи бўлган ҳолида юзини Аллоҳга таслим қилган ва Иброҳимнинг тўғри динига эргашган кимсанинг динидан ҳам яхшироқ дин борми? Ва Аллоҳ Иброҳимни дўст тутган эди». (125 оят) Ушбу оятдаги савол бир нарсани билиш учун берилаётган савол эмас. Балки бор нарсани иқроор қилиш учун айтилаётган тасдиқ саволидир. «Юзини Аллоҳга таслим қилиш»-мусулмон бўлишдир. «Иброҳимнинг тўғри динига эргашин» ҳам мусулмонликдир. «Аллоҳга юзини таслим қилиш» ибораси ҳар бир ишни иймон билан, Парвардигори Оламга ихлос қилган ҳолда бажаришга айтилади. Қилган яхши амалнинг қабул бўлишига иймон қанчалик шарт бўлса, ихлос ҳам (яъни, ишни Аллоҳнинг розилиги учун ихлос билан адо этиш) шунчалик шартдир. Иброҳим алайҳиссаломнинг миллати-дини Ислом эди. Аллоҳ таоло бошқа оятларда ҳам бу ҳақиқатни баён этган. Демак, оятда Исломдан ўзга ҳақиқий дин йўқ, дейилмоқда ва бу динга одамларни янада қизиқтириш учун Иброҳим алайҳиссаломни Аллоҳ таоло Ўзига дўст тутганини таъкидламоқда. «Ва Аллоҳ Иброҳимни дўст тутган эди». Шунинг учун ҳам Иброҳим алайҳиссалом «Халилуллоҳ» лақабини олганлар. Иброҳим алайҳиссаломни «Худ» сурасида ҳам ажойиб сифатлар ила васф қилинади: «Албатта, Иброҳим ҳалийм, тазарруъли ва У зотга тез қайтувчидир». (75) Ҳалиймлик сифати, ғазабга сабаб бўладиган ҳоллардан четланувчи, босиқ ва тез аччиқланмайдиган кишига нисбат берилади. «Тазарруъли» деб таржима қилган сўзимиз ояти каримада «аввоҳ» деб келган бўлиб, «кўп оҳ урувчи» жуда тақводор, тазарруъ ила кўп дуо қилувчи шахс, деган маънони англатади. Оятдаги «мунийб» сифатини «У зотга тез қайтувчи» деб таржима қилдик, бу ҳам ҳар бир нарсада Роббига тез қайтувчи шахс, деганидир. Қуръони Каримда Иброҳим алайҳиссаломнинг ушбу сифатлари бир неча бор такрорланган. У зотнинг айни шу сифатлари доимо Аллоҳ таолога тазарруъ ила дуо қилишга етакларди. Қуръони Каримда Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳалимлик, оввоҳлик ва мунийблик ила қилган дурдона дуоларидан гўзал намуналар келган.

ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ДУОЛАРИ

Иброҳим алайҳиссалом ва у кишига эргашган мўминларнинг «Мумтаҳина» сурасида келган Аллоҳ таолога илтижолари: «Эй Роббимиз, фақат Сенга

таваккал қилдик, фақат Сенгагина қайтдик ва қайтиб борадиган жой ҳам фақат Сенгагинадир». (4 оят) Яъни, эй Роббимиз, биз барча ишларимизда фақат Сенинг Ўзинггагина суяндик. Гуноҳларимиздан тавба қилиб фақат Сенинг Ўзинггагина қайтдик. Ва охиратда ҳам қайтиб борадиган жойимиз фақат Сенинг Ўзинггинадир. Келаси оятда Иброҳим алайҳиссалом билан у кишига эргашган мўминларнинг Аллоҳ таолога илтижолари давом этади. «Эй Роббимиз, бизни кофирларга фитна қилиб қўймагин ва бизни кечиргин. Эй Роббимиз, албатта, Сен, Ўзинг ғолибсан ва ҳақимсан». (5 оят) «Фитна» сўзи бир неча хил маънода, жумладан, синов, азоб, адашув ва куфр маъноларида ишлатилади. Шунга биноан оятнинг маъноси бир неча хил чиқиши мумкин. «Эй Роббимиз, бизни кофирларга фитна қилиб қўймагин ва бизни кечиргин».

1. Эй роббимиз, бизни кофирларнинг йўлдан тойишларига сабаб қилиб қўйма. Яъни, бизни ёмон ишлардан пок сақлагин, токи, улар динга кирмоқчи бўлиб турганларида айниб қолишмасин, дегани.

2. Эй роббимиз, бизни кофирлар қўлида азобланишга дучор қилмагин.

3. Эй роббимиз, уларни бизнинг устимиздан ҳоқим қилмагилки, бизни диндан чиқармасинлар ва ҳоказо. «Эй Роббимиз, албатта, Сен, Ўзинг ғолибсан ва ҳақимсан». Эй Роббимиз Сен, Ўзинг ғолиблик сифатинг ила бизга кофирлар устидан ғалаба ато қилгин. Эй Роббимиз Сен, Ўзинг ҳақимлик сифатинг ила бизнинг ишларимизни ҳикматли бўлишини насиб этгин. Иброҳим алайҳиссаломнинг «Шуаро» сурасида келган дуолари: «Эй Роббим, менга ҳикмат ҳадея эт ва мени солиҳларга қўшгин». (83 оят) Эй Роббим, менга ҳикмат-илм бергин, у билан тўғрини нотўғридан, яхшини ёмондан, фойдани зарардан ажратадиган бўлай. «...ва мени солиҳларга қўшгин». Иброҳим алайҳиссалом улуғ Пайғамбар бўла туриб, Аллоҳдан ўзларини аҳли солиҳларга қўшишини сўрашлари улкан камтаринлик намунасидир. Айни чоқда, у зот аҳли солиҳларнинг мартабасини ҳам кўтармоқдалар. «Ва менга кейин келгувчилар ичида содиқ мақтовлар бўладиган қилгин». (84 оят) Яъни, ўтиб кетганимдан кейин ҳам одамлар мени қиёматгача яхшилик билан эслаб юрадиган қилгин. «Ва мени наъийм жаннати ворисларидан қилгин». (85 оят) Яъни, мени неъматли жаннатга киритгин. «Ва отамни мағфират қил. Албатта, у адашганлардан бўлди». (86 оят) Иброҳим алайҳиссалом ўзларининг кофир оталари ҳақиқага, отанинг Аллоҳга душманлиги аён бўлмасидан олдин, дуо этиб мағфират сўраганлар. «Ва қайта тирилтириладиган кунда мени шарманда қилмагин». (87 оят) Қиёмат кунида шарманда қилмагин. «У кунда на мол манфаат берар ва на болалар». (88 оят) Ҳа, у кунда иймон ва солиҳ амалдан бошқа ҳеч нарса фойда бермайди. «Магар ким Аллоҳ ҳузурига тоза қалб ила келса, (ўша манфаат топар)». (89 оят) Энди Иброҳим алайҳиссаломнинг фазилатлари ҳақида келган ҳадиси шарифлардан бирини ҳам зикр этишга ижозат бергайсиз. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга анбиёлар кўрсатилди. Қарасам, Мусо шанувалик эркакларга ўхшаган одам экан. Ийсо ибн Марям алайҳиссаломни кўрдим. Қарасам, кўрган одамларим ичида Урва ибн Масъудга жуда ҳам ўхшаш экан. Иброҳим Аллоҳнинг унга саловотлари бўлсинни ҳам кўрдим. Қарасам, кўрган одамларим ичида сизнинг соҳибингизга ўхшар экан. Яъни, ўзлари соллаллоҳу алайҳи васаллам. Жиброил алайҳиссаломни кўрдим. Қарасам у кўрган одамларим ичида Диҳяту ибн Халифага ўхшар экан», дедилар». Муслим ривоят қилган. Шарҳ: Ушбу ривоятда зикр қилинаётган кўрсатилиш Исро кечаси, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам осмонларга чиққанларида бўлган. Урва ибн Масъуд розияллоҳу анҳу буғдой ранг, сочлари елкасига тушган гўзал инсон бўлган эканлар.

Диҳяту ибн Халифа розияллоҳу анҳу Диҳятул Калбий номи ила машҳур саҳобий бўлганлар. У киши розияллоҳу анҳу гўзал ҳиндомли зот бўлганлар. Бу ерда

Иброҳим алайҳиссаломнинг ташқи қиёфалари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшашлиги фазл сифатида зикр қилинмоқда.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Набий Иброҳим алайҳиссалом Қадумда саксон ёшларида ўзларини хатна қилдилар», дедилар».

ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ВАФОТЛАРИ

Иброҳим алайҳиссалом 175 йил умр кўрганларидан сўнг бу дунёни тарк этдилар. У зотни оила аъзолари ал-Макфийла номли ғорга, завжалари Биби Соранинг ёнларига дафн қилдилар. У жой ҳозирда фаластиннинг Халил шаҳридадир.



(Ғарбда Лот)

Тахминан мил.авв. 2 мингйиллик бошларида

Аллоҳ таоло Лут алайҳиссаломнинг исми шарифларини Қуръони Каримда 27 марта зикр қилган. У зотга тегишли ояти карималар Ҳуд, Ҳижр, Ҳаж, Шуаро, Намл, Анкабут, Сод, Қоф, Қамар, Таҳрим, Анъом, Аъроф, Анбиё ва ас-Сафот сураларида келган. Аллоҳнинг пайғамбарларининг машҳурларидан бўлмиш Лут алайҳиссалом Ироҳим алайҳиссаломнинг акалари Ҳороннинг ўғли бўлганлар. Аллоҳ таоло у зотни ҳам Иброҳим алайҳиссаломнинг вақтларида пайғамбар қилиб юборган. Яъни, Иброҳим алайҳиссалом Лут алайҳиссаломга амаки бўладилар.

Дастлаб Лут алайҳиссалом ҳам Иброҳим алайҳиссаломга иймон келтириб, у зотнинг йўлидан юрганлар. Бу ҳақда «Анкабут сурасида: «Бас, унга Лут иймон келтирди ва: «Албатта, мен Роббимга ҳижрат қилгувчиман. Албатта, У азиз ва ҳақимдир», деди». (26 оят)

Яъни, Иброҳим алайҳиссаломга Лут иймон келтирди. Аввал айтилганидек, Лут алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга жиян бўлар эди. Лут алайҳиссалом амакилари Иброҳим алайҳиссаломга иймон келтирган биринчи одам бўлдилар. Шунингдек, ўша пайтда Иброҳим алайҳиссаломга хотинлари Биби Сора ҳам иймон келтирган эдилар.

Тафсирчи уламоларимиз оятдаги: «Албатта, мен Роббимга ҳижрат қилгувчиман» жумласини ким айтгани тўғрисида икки хил фикр билдирганлар. Баъзилари, бу гапни Лут алайҳиссалом айтган, десалар, кўплари, Иброҳим алайҳиссалом айтган, дерлар. Нима бўлганда ҳам, Аллоҳга ҳижрат қилиш, дунёдаги барча нарсани ташлаб, Аллоҳ таолога томон интилиш туйғуси Иброҳим алайҳиссаломда ҳам, Лут алайҳиссаломда ҳам кучли бўлган. Аллоҳ таолонинг азиз-ғолиб, барчадан устун эканлигига ва ҳар нарсани ҳикмат билан қилишига ҳам

уларнинг ишончлари юқори даражада бўлган. Ҳамма нарсадан кечиб, фақат Аллоҳни деганлари учун ҳам Аллоҳ таоло уларга барча яхшиликларни кутганларидан зиёда қилиб берган.

Кейинчалик, Лут алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг изнлари билан Урдуннинг Садум деган жойига кетдилар.

Ҳа, Иброҳим алайҳиссалом у кишини сўлим яйловлари бор жойларга, Урдун дарёсининг шарқига жойлаштирдилар.

Шундай қилиб, Аллоҳ изни билан улар Ўлик денгиз ўрнидаги Садум номли шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли яшайдиган жойларда истиқомат қилдилар ва ўша ерлар аҳолисига Пайғамбар этиб юборилдилар.

ЛУТ ПАЙҒАМБАР БЎЛДИЛАР

Аллоҳ таоло «ас-Сафот» сурасида: Албатта, Лут ҳам юборилган Пайғамбарлардандир», (133 оят) деб узотнинг пайғамбарликларини тасдиқлайди.

Шуаро сурасида эса пайғамбарлик ҳақидаги хабар Лут алайҳиссаломнинг ўзлари томонидан айтилади: «Лут қавми Пайғамбарларни ёлғончи қилди». (160 оят)

Улар Ўлик денгиз яқинидаги шаҳар-қишлоқларда яшаганлар.

Ўшанда уларга биродарлари Лут деди: «Қўрқмайсизларми?! Албатта, мен сизларга ишончли Пайғамбарман. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар. Мен сизлардан бунинг учун ҳақ-ажр сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина Роббул Олабийн зиммасидадир». (161-164 оятлар)

ҚАВМНИ ИНСОҒГА ЧАҚИРИШ



Лут алайҳиссалом пайғамбар бўлиб келган Садум шаҳари аҳолиси дунёдаги энг ёмон гуноҳлардан бирига мубтало эдилар. Улар баччабозлик ила шуғулланар эдилар. Уларнинг пайғамбарлари Лут алайҳиссаломнинг бош вазифаларидан бири уларни шу қабиҳ ишдан қайтариш бўлди.

Аллоҳ таоло «Анкабут» сурасида бу ҳақда қуйидагиларни айтади: «Ва Лутни (ҳам юбордик). Ўшанда у ўз қавмига: «Албатта, сиз ўзингиздан олдин ўтгани оламлардан ҳеч ким қилмаган фоҳиша ишни қилмоқдасиз». (28 оят)

Яъни, биз Лутни ҳам Пайғамбар қилиб юбордик. Ўшанда у қавмига улар дунёда ҳеч ким содир этмаган фоҳиша ишни қилишаётганини айтди.

Бу фоҳиша иш нима экани ҳаммага маълум. Бу қавм жинсий бузуқликка берилган эди. Ушбу оятда мазкур бузуқликни Лут қавмидан олдин инсоният тарихида ҳеч ким қилмагани ҳам таъкидланмоқда. Кейинги оятда Лут алайҳиссалом мазкур фоҳиша ишни очиқ баён этадилар:

«Сизлар эркакларга яқинлик қилиб, йўлни кесасизми ва тўплантилариингизда мункир иш қилурмисиз?!» деди. Унинг қавмининг жавоби: «Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга Аллоҳнинг азобини келтир», дейишдан бошқа бўлмади». (29 оят)

Лут алайҳиссалом қавмга уларнинг хатолари нақадар катта эканини англатишда давом этиб: «Сизлар эркакларга яқинлик қилиб, йўлни кесасизми ва тўплантилариингизда мункир иш қилурмисиз?!» деди.

Лут қавмининг қилган фаҳш амали эр кишининг эр кишига шаҳват ила жинсий яқинлик қилишидан иборат эди. Пайғамбар Лут алайҳиссалом бу ерда ўша амални эслатмоқдалар. Оятдаги «йўлни кесасизми» ибораси бошқа маънодан олингандир. Аслида «йўл кесиш» маъноси қароқчилик қилиш, одамларнинг йўлини тўсиб, озор бериш, молу мулкларини тортиб олиш маъноларини ифодалашда ишлатилади. Бу ерда эса, кишиларнинг йўлини тўсиб, фоҳиша ишга мажбур қилганларини англатиш учун ишлатилмоқда. Лут қавми бу ишга ўта мубтало бўлганидан, йўловчиларни тўсиб, зўрлаш даражасига бориб етган эдилар.

«...ва тўплантилариингизда мункир иш қилурмисиз?!»

Лут қавми бу ишга муккаларидан кетганликларидан тўп-тўп бўлиб олиб, очиқчасига қилишар эди. Улар на ўзларидан, на бошқалардан уялишарди.

Бу ишлари оддий фаҳш эмас, балки ўтакетган ёвузлик, инсонийлик доирасидан чиқиб кетишдир. Бундай даражага етган одамлар дарҳол тавба қилиб, ўзларини ўнгламасалар, оқибати ёмон бўлиши аниқ кўриниб қолган эди.

Шунинг учун ҳам Лут алайҳиссалом қавмларини юқоридаги гаплар билан бу йўлдан қайтишга даъват қилдилар. Хўш, қавм бу даъватга қандай жавоб берди?

«Унинг қавмининг жавоби: «Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга Аллоҳнинг азобини келтир», дейишдан бошқа бўлмади».

Табиати бузилиб, ҳирсга берилган бу фоҳиша қавмга ўзларидан чиққан Пайғамбар Лут алайҳиссаломнинг даъвати заррача ҳам таъсир қилмади. Балки туғёнга кетган қавм ўз Пайғамбарига истеҳзо билан, агар гапинг рост бўлса, бизга Аллоҳнинг азобини келтир, дейишди. Бу ҳол Лут алайҳиссалом учун катта синов эди. Шаҳвоний лаззатга берилган қавмнинг иймон ва дину диёнат билан ҳам, Аллоҳнинг амри ва Пайғамбарнинг даъвати билан ҳам ҳеч қандай иши йўқ эди. Улар қилаётган гуноҳлари учун азоб келишидан ҳам қўрқмай қўйган эдилар. Ана ўшанда Лут алайҳиссаломнинг Аллоҳ таолога ёлборишдан бошқа чоралари қолмади. «У: «Эй Роббим, менга бузғунчи қавмларга қарши ўзинг нусрат бер», деди». (30 оят) Бу бузғунчи қавмга ҳеч қандай насиҳат, даъват фойда бермади. Энди, уларга қарши Аллоҳнинг ўзи нусрат бермаса, бошқа илож йўқ эди.

НОБАКОР ҚАВМ ИЛА ТОРТИШУВНИНГ ДАВОМ ЭТИШИ

Ўтган қиссалар мазмунидан Пайғамбарлар ўз умматларига бир хил даъват ила келганини ва қавмлар эса, уларни турли ҳийла ва баҳоналар ила инкор қилганларини билиб олган эдик. Лут алайҳиссалом қиссаларида, у зот дафъатан ўз қавмларининг улкан қабиҳ ишлари-баччабозликларини қоралашга бошлайдилар. Анъом сурасида Аллоҳ таоло бу ҳолатни қуйидагича васф қилади: «Ва Лутни (юбордик). Унинг ўз қавмига: «Сиздан олдин оламларда ҳеч ким қилмаган фоҳиша ишни қиласизларми?! Албатта, сизлар аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қилмоқдасизлар. Йўқ! Сизлар исрофчи қавмсиз!» деганини эсла». (80-81 оят)


Дарҳақиқат, улар қилаётган фоҳиша ишни, умуман, бирор-бир оламда одам зоти қилмаган эди. Улар, умуман, инсонлик, жонзотлик табиатига зид ишни қилишни ҳаммадан бурун бошлаган эдилар. Бу ҳолни Лут алайҳиссалом:

«Албатта, сизлар аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қилмоқдасизлар», деб таърифламоқдалар. Аллоҳ таоло инсонни эркак ва аёл жинсида яратди. Ҳар бирига ўзига хос аъзолар ва жусусиятлар берди. Жумладан, инсон наслини бардавом этиш учун ҳар бирини ўзига хос таносул аъзолари билан яратди. Инсон наслини эркак ва аёлнинг қўшилиши натижасида пайдо бўладиган қилди. Бу қўшилишдан икковлари ҳам табиий лаззат оладиган бўлдилар. Бунинг учун уларда зарур аъзолар-ҳис-туйғу, ҳужайралар ва шу каби анвойи моддаларни халқ қилди. Ушбу қўшилишдан ҳосил бўладиган лаззат ва рағбатга нисбатан бўлган қизиқишни фарзанднинг ғоят қаттиқ азоб билан туғилиши, унинг тарбияси каби машаққатларни ҳам унутадиган даражада қудратга айлади. Аллоҳ таоло инсон зотини жинсий яқинлик йўли билан яратиб, унинг насли покиза йўл билан кўпайиб туришини ирода ва ҳаётий зарурат қилди. Бу йўлдан тажовуз қилганлар ва Аллоҳ иродасига зид бориб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қиладиганлар ақидаси бузуқ ва тубан кишилар ҳисобланадилар. Шу боисдан мазкур қиссада худди шу фоҳишалик бош масала қилиб кўтарилади. Бинобарин, Лут алайҳиссалом бу ёруғ оламда ҳеч бир зот қилмаган улкан гуноҳга биринчи бўлиб қўл урган қавмларини: «Йўқ! Сизлар исрофчи қавмсиз!» деб таърифламоқдалар. Хўш, бу пасткаш қавм ўз Пайғамбарининг бу гапига нима деб жавоб қилди? «Қавмнинг жавоби: «Уларни қишлоғингиздан чиқариб юборинг, чунки улар жуда ҳам покиза бўлаверадиган одамлар экан», дейишларидан бошқа нарса бўлмади». (82 оят) Инсофни кўринг. Инсон табиатига мувофиқ иш қилган, ҳалолу пок бўлиб, бошқаларни покизаликка чақирган кишилар юртларидан ихрож қилинар эканлар. Уларнинг «айблари» битта-жуда ҳам покиза одам бўлганликлари. Инсонийлик қиёфасини йўқотган қавм шу даражага етар экан-да. Ўзлари инсоният бўйнига тавқи лаънат бўлиб осиладиган амалларни тап тортмай қилаётганлари етмаганидек, уларга ўхшашни хоҳламаган, инсонлигини йўқотмаган, Аллоҳнинг амрида юришга ҳаракат қилганларни покизаликда айблайдилар. Бу доимо рўй бериб келаётган ҳол. Ҳозир ҳам ана шундай покиза зотларнинг кўплари ё қамоқда, ёхуд сургунда, жила қурса, тазйиқ ва таҳдид остидадирлар.

ЛУТ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ДУОЛАРИ

Табиати бузилиб, ҳирсга берилган бу фоҳишачи қавмга ўзларидан чиққан Пайғамбар Лут алайҳиссаломнинг даъвати заррача ҳам таъсир қилмади. Балки туғёнга кетган қавм ўз Пайғамбарига истеҳзо билан, агар гапинг рост бўлса, бизга Аллоҳнинг азобини келтир, дейишди.

Бу ҳол Лут алайҳиссалом учун катта синов эди. Шаҳвоний лаззатга берилган қавмнинг иймон ва дину диёнат билан ҳам, Аллоҳнинг амри ва Пайғамбарнинг даъвати билан ҳам ҳеч қандай иши йўқ эди. Улар қилаётган гуноҳлари учун азоб келишидан ҳам қўрқмай қўйган эдилар. Ана ўшанда Лут алайҳиссаломнинг Аллоҳ таолога ёлборишдан бошқа чоралари қолмади. «У: «Эй Роббим, менга бузғунчи қавмларга қарши Ўзинг нусрат бер», деди». (Анкабут сураси 30 оят) Бу бузғунчи қавмга ҳеч қандай насиҳат, даъват фойда бермади. Энди, уларга қарши Аллоҳнинг Ўзи нусрат бермаса, бошқа илож йўқ эди.



АЗОБ ФАРИШТАЛАРИНИНГ КЕЛИШИ

Аллоҳ Лут алайҳиссаломнинг бу дуоларини қабул этди. Фоҳиша қавми ҳалок қилиш учун фаришталарни юборди. Ўша фаришталарга йўл-йўлакай Иброҳим алайҳиссаломга фарзанд кўришлари ҳақидаги башорат-хушxabарни етказиш ҳам топширилган эди. Шу мақсад ила улар аввал Иброҳим алайҳиссалом ҳузурларига келдилар. Бунинг тафсилотини «Анкабут» сурасидан ўрганамиз:

«Бизнинг элчиларимиз Иброҳимга хушxabарни келтиришганида: «Албатта, биз ушбу шаҳар аҳлини ҳалок қилгувчидирмиз. Албатта, унинг аҳли зулм қилгувчилардан бўлдилар», дедилар». (31 оят) Иброҳим алайҳиссалом билан фаришталар орасида бўлиб ўтган суҳбат тафсилоти бошқа сураларда келган. Бу ерда эса, сиёққа мос жиҳатларигина келтирилади. Лут алайҳиссалом Аллоҳдан нусрат сўраб, дуо қилган эдилар. У зотнинг дуосини Аллоҳ таоло ижобат қилганини ушбу оятдан билмоқдамиз.

Фаришталар Иброҳим алайҳиссаломга: «Албатта, биз ушбу шаҳар аҳлини ҳалок қилгувчидирмиз», дедилар. Яъни, Лут қавми истиқомат қиладиган Садум шаҳрини ҳалок этамиз. Бунинг сабаби унинг аҳли зулм қилувчи бўлганларидир. «Албатта, унинг аҳли зулм қилгувчилардан бўлдилар», дедилар».

Ҳа, Аллоҳ йўллаган Пайғамбарнинг гапига кирмай, гуноҳ қилишда бардавом бўлишдан ҳам катта зулм борми ўзи?! Жияни Лут яшаб турган шаҳарнинг ҳалок этилиши ҳақидаги хабарни эшитган Иброҳим алайҳиссалом дарҳол ташвишга тушиб савол бердилар. «У: «Унда Лут бор-ку?!» деди. Улар: «Биз унда ким борлигини яхши билурмиз. Биз, албатта, унга ва унинг аҳлига нажот берурмиз. Магар унинг хотини ҳалок бўлгувчилардан бўлгандир», дедилар».

(32 оят) Иброҳим алайҳиссалом бутунлай ҳалокатга учраши лозим бўлган шаҳарда Лут алайҳиссалом бор-ку, сизларга барибирми, ҳалок қилаверасизларми, деган маънода фаришталардан: «Унда Лут бор-ку?!» деди. Бу гапда савол аралаш эътироз бор эди. Фаришталар буни тўла тушунган ҳолда қониқарли жавоб бердилар: «Улар: «Биз унда ким борлигини яхши билурмиз. Биз, албатта, унга ва унинг аҳлига нажот берурмиз», дедилар. Яъни, ўша Садум шаҳрида ким борлигини яхши биламиз. Жумладан, Лут борлигини ҳам яхши биламиз. Эй Иброҳим, сен уни ўйлаб, безовта бўлма, биз, албатта, Лутга ва унинг аҳлига, яъни, унга иймон келтирганларга ҳалокатдан нажот берамиз. «Магар унинг хотини ҳалок бўлгувчилардан бўлгандир», дедилар».

Чунки у хотин жиноятчи қавмнинг ёнини оларди, уларнинг жиноятларини инкор этмасди. Иброҳим алайҳиссалом билан бўлган суҳбатдан сўнг фаришталар Лут алайҳиссалом томон жўнаб кетдилар.

ФАРИШТАЛАРНИ ЛУТ АЛАЙҲИССАЛОМ ҲУЗУРЛАРИГА КЕЛИШЛАРИ

Мазкур хушрўй йигитлар шаклидаги фаришталар Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳузурларига қандоқ қилиб меҳмон шаклида кириб келган бўлсалар Лут алайҳиссаломнинг ҳузурларига ҳам шундоқ ҳолда кириб келдилар.

Бу ҳолатни «Анкабут» сурасида қуйидагича васф қилинади: «Элчиларимиз Лутга келишганида, у улар сабабли маҳзун бўлди ва келишларидан юраги сиқилди. Улар: «Сен хавфсирама ва маҳзун ҳам бўлма, албатта, биз сени ва аҳлингни қутқаргувчилармиз. Магар хотининг ҳалок бўлгувчилардан бўлгандир».

(33 оят) Лут алайҳиссаломнинг Аллоҳ юборган фаришталарни кўриб хафа бўлишларига сабаб бор эди. Аввалло, элчи-фаришталар навқирон, ҳуснли йигитлар қиёфасида келган эдилар. Қолаверса, Лут алайҳиссалом уларнинг элчи-фаришталар эканидан ҳали-ҳануз хабар топмаган эдилар. Ёш ва чиройли меҳмон йигитларга жиноятчи қавм тажовуз қилиб, мезбон Лут алайҳиссаломни шарманда этишлари мумкин эди. Шу сабабли Лут алайҳиссалом уларни кўриб маҳзун бўлдилар ва юраклари сиқилди.

Бу ҳолни сезган фаришталар у зотга тасалли бериб: «Сен хавфсирама ва маҳзун ҳам бўлма», дедилар. Улар Лут алайҳиссаломни хотиржам этиб, нима иш қилишларини айтдилар. «...албатта, биз сени ва аҳлингни қутқаргувчилармиз», дедилар. Яъни, шаҳар аҳолисининг ҳаммасини ҳалок қиламиз, аммо сени ва сенинг аҳлингни ҳалокатдан қутқарамиз «Магар хотининг ҳалок бўлгувчилардан бўлгандир», дедилар». Яъни, у сенинг хотининг бўлса ҳам, ҳалок қиламиз. Сўнгра фаришталар сўзларида давом этиб дедилар: «Албатта, биз ушбу шаҳар аҳолиси бошига фосиқлик қилганлари туфайли осмондан азоб туширгувчимиз», дедилар». (34 оят) Аллоҳ таоло бу қавмни қилмишига яраша жазолади.

ЖИНОЯТЧИ ҚАВМ ҲАЛОКАТИ

Жиноятчи қавмнинг жазоланиши қандоқ бошланганини «Қамар» сурасидаги ушбу ояти карима баён қилиб беради: «Улар ундан меҳмонларини топширишни сўрадилар. Бас, кўзларини кўр қилдик. Менинг азобим ва огоҳлантиришларимни тотиб кўрсинлар». (37 оят)

Аввал ҳам айтилганидек, маълум ва машҳур бўлганидек, Лут қавми ўзларидан олдин ҳеч ким қилмаган қабиҳ жиноятни, эркакларнинг ўзаро жинсий алоқа қилиш жиноятини қилишга мубтало бўлган эди. Бу борада иш шу даражага бориб етдики, «Улар ундан меҳмонларини топширишни сўрадилар».

Жиноятчи қавм ўз Пайғамбарлари Лут алайҳиссаломдан у кишининг ҳузурларига меҳмон бўлиб келган ёш йигитларни фоҳиша иш қилиш учун ўзларига топширишни талаб қилдилар. «Бас, кўзларини кўр қилдик». Ана ўшанда Биз мазкур фоҳишачи қавмнинг кўзини кўр қилдик. «Менинг азобим ва огоҳлантиришларимни тотиб кўрсинлар». Аллоҳнинг амрига исён қилишнинг оқибати нима бўлишини билиб қўйсинлар. Лут алайҳиссаломнинг жонадонларига ёш, ҳушрўй йигитлар билан баччабозлик қилиш ниятида у зотнинг уйларига ёпирилиб келган жиноятчи қавм меҳмонлари ўзларига топрилишларини талаб қилди. Пайғамбар алайҳиссалом қавми бу жинойи мақсаддан қайтаришга кўп уриндилар, ҳеч фойда бермайди. Йигитлардан бири ташқарига чиқди ва баъзи бир ҳаракатлар қилди. Шунда фоҳишакор қавмнинг кўзлари кўр бўлиб қолди ва тумтарақай бўлиб, келган жойларига қайтиб кетиш учун йўл ахтариб қолишди.

Ана шундан кейин меҳмонлар ўз ҳақиқатларини ошкор қилдилар:

Гап шу ерга етганда фаришталар ҳақиқатни ошкор қилдилар: «Улар: «Эй Лут, биз Роббингнинг элчиларимиз, булар сенга ҳаргиз тега олмаслар. Бас, кечанинг бир бўлагида аҳлинг ила юргин ва сизлардан хотинингдан бошқа ҳеч ким ўгирилмасин. Чунки уларга етадиган мусибат у(аёл)га-да етгувчидир. Уларга тайин қилинган вақт, субҳдир. Субҳ яқин эмасми?!» дедилар». (Ҳуд сураси 81 оят) Ёш йигитлар камқувват, ўзларини ҳимоя қила олмайдиган меҳмонлар эмас, балки Аллоҳнинг элчилари-мазкур жиноятчи қавми ҳалок қилиш учун юборилган қувватли фаришталар эди. Улар Лут алайҳиссаломга у киши мустаҳкам паноҳда-Аллоҳ таолонинг ҳимоясида эканликларини эслатдилар: «Улар: «Эй Лут, биз Роббингнинг элчиларимиз, булар сенга ҳаргиз тега олмаслар». Яъни, золим қавмдан ҳеч кўрқма, улар сенга ҳеч қачон заррача зарар еткиза олмайдилар. Буни сенга биз-Роббингни элчилари айтмоқдамиз, дедилар. Сўнгра эса, у зот алайҳиссаломга қутулиш йўлини ўргатдилар: «Бас, кечанинг бир бўлагида аҳлинг ила юргин ва сизлардан хотинингдан бошқа ҳеч ким ўгирилмасин».

Демак, кўрсатма бўйича Лут алайҳиссалом аҳларини олиб, кечанинг бир бўлагида диёрларини ташлаб чиқишлари керак эди. Кечаси улардан ҳеч ким қолмай чиқиб кетиши керак эди. Тонггача улгуриш керак эди. Лут алайҳиссаломнинг аҳлидан фақат бир киши-у зотнинг хотинлари қолиб кетади. Ё чиқмай, шаҳарда қолиб ёки кетаётиб ўгирилиб ортда қолиб, балога гирифтор бўлишига Аллоҳнинг ҳукми чиққан эди. Бунинг сабабини ояти каримада:

«Чунки уларга етадиган мусибат у(аёл)га-да етгувчидир», деб баён қилинмоқда. Шунинг учун у аёл қавм билан бирга ҳалок бўлади.

Бу аёл улуғ Пайғамбарнинг жуфти ҳалоли бўлишига қарамай, гуноҳкорлик қилгани учун золим қавмга қўшилиб ҳалок бўлишини Аллоҳ таоло ирода қилган эди. Ҳалок бўлиш вақти ҳам Аллоҳ таоло томонидан белгиланган. «Уларга тайин қилинган вақт, субҳдир». Эътибор ва мулоҳаза ила қараладиган бўлса, кўп ҳалокатлар субҳ вақтида юз бериши маълум бўлади. Бу пайтни Аллоҳ таоло баракали қилиб қўйган. Лекин гуноҳкор ва кофир қавмлар кечаси билан гуноҳ ишларни қилиб, айна тонг-субҳ чоғида ғафлат уйқусига кетган бўладилар.

«Субҳ яқин эмасми?!» дедилар». Албатта, яқин.

«Амримиз келган пайтда у ўлкани остин-устун қилдик ва устидан кетма-кет сопол тошларни ёғдирдик. Уларга Роббинг ҳузурида белги қўйилган эди ва улар золимлардан узоқ эмасдир». (Ҳуд сураси 82-83 оятлар) Яъни, ўша золим қавм яшаган ўлкани ҳалок қилиш ҳақидаги «Амримиз келган пайтда у ўлкани остин-устун қилдик». Мазкур диёрнинг номи Садум бўлиб, ривоятларда келишича, Аллоҳнинг амри ила фаришталар Садумни борлигича кўтариб чаппа айлантириб қўйганлар. Яъни, ернинг остини устига айлантириб қўйганлар. Садум бутун аҳолиси ва бор-йўғи ила ер остига кўмилган. Фақиҳлардан, Лут қавмининг жиноятини қилганларни, яъни, баччабозлик ила шуғулланганларни ётқизиб туриб устидан деворни йиқитиш керак, деганлар ва бу ҳукмларига айнан шу ҳолатни далил қилиб келтирадилар. Аллоҳ таоло яратган соф инсоний табиатга тамоман зид иш қилган бундай нобакорларга бу ҳам оз. Шунинг учун Аллоҳ таоло: «ва устидан кетма-кет сопол тошларни ёғдирдик», демоқда.

Яъни, Садум остини устига қилиб туриб, яна устидан кетма-кет сопол тошлар ёғдирдик. Биз «сопол» деб таржима қилган маъно оятда «сажжил» лафзи ила келган. Бунинг маъносини бир сўз билан англашиб бўлмайди. Луғат уламолари бу сўзнинг маъноси ҳақида лойи қаттиқ қотиб қолган тош, ҳам деганлар. Баъзи уламоларимизнинг баён қилишларича, Лут қавми истиқомат қилган диёрлар беш шаҳар-қишлоқдан иборат бўлган, уларнинг каттаси Садум деб номланган. Аллоҳ таоло уларнинг барчасини остин-устин қилиб ташлаганидан сўнг, устидан лойи қотиб қолган тош ёғдирган. «Уларга Роббинг ҳузурида белги қўйилган эди». Яъни, тошларга белги қўйилган эди. Уламоларимиз айтишларича, ким ўлиши керак бўлса, ўша одамнинг исми ёзилган тош унга тегиб ўлдирар экан. Ўлка остин-устин қилинганида ўлмай тирик қолганларни ўша тошлар қувиб етиб уриб ўлдирган. «ва улар золимлардан узоқ эмасдир».

Яъни, тошлар золим қавмларга жуда яқиндир. Золимлар у тошлардан қочиб қутула олмаслар. Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳу алайҳи ушбу тош билан ўлдирилганларни ҳужжат қилиб, Лут қавми амалини қилганларнинг ҳукми, олдин баланд жойдан улоқтириб, кейин тошбўрон қилишдир, деганлар.

Машҳур муҳаддислар Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимни Лут қавмининг амалини қилаётган ҳолда топсангиз, қилувчини ҳам, қилинувчини ҳам ўлдирилинг», деганлар. Шу ерга келганда Иброҳим алайҳиссалом, Лут алайҳиссалом ва у кишининг қавми қиссаси ожирига етади. Бу қисса ҳам, аввалгиларига ўхшаб, ваъз-насихат ва ибратларга бой. Шунингдек, унда осий, гуноҳкорларга эслатма, таҳдид бор.

Мулоҳаза қилсак, бу қиссада аввалги қиссаларга ўхшаб гап бевосита иймон ҳақида, Пайғамбар, унга келган илоҳий ваҳийни инкор қилиш ва унинг оқибатлари ҳақида бормайди. Балки, иймонсизлик туфайли жамиятда тарқаладиган ижтимоий касаллик ва унинг оқибатлари ҳақида айтилади.

Бу касалликлар ҳам иймонсизлик оқибатида, Аллоҳнинг амрига, Пайғамбарининг кўрсатмаларига юрмаслик оқибатида келиб чиқаётган эди. Аллоҳ таоло уларни хоҳлаган пайтда ҳалок қилиши мумкинлигини эслатиб қўймоқда.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

СОДОМ ВА ГОМОРРА ШАҲАРЛАРИ

Лут Пайғамбар(а.с.) Иброҳим Пайғамбар(а.с.) билан бир даврда яшаган ва у Иброҳим Пайғамбар(а.с.)га қўшни бўлган қавмга элчи қилиб юборилган эди.

Лут (а.с.)нинг қавми, бутун оламда ўша кунга қадар ҳеч ким қилмаган бир фаҳш - бесоқолбозлик билан шуғулланар эдилар. Лут (а.с.) одамларга энг оғир гуноҳлардан бири бўлиб ҳисобланган бу фаҳшдан воз кечишни айтганда ва уларга Аллоҳнинг хабарини етказганда, улар унга рад жавобини бердилар, унинг Пайғамбар эканлигини инкор этдилар ва ўзларининг жирканч ҳаёт тарзини давом эттирдилар. Бунинг оқибатида, бу қавм Аллоҳ томонидан даҳшатли бир фалокатда ҳалок этилди. Лутни ҳам (пайғамбар қилиб юбордик). Ўз қавмига айтди: «Шундай (ёмон) фаҳш ишни қиласизми? Сизлардан олдин бутун оламда ҳеч ким уни қилмаган эди. Сизлар хотинлар қолиб, шаҳват билан (нафси қондириш учун) эркакларга «келасиз». Ҳа, сизлар исрофгар қавмдирсизлар.» («Аъроф» сураси, 80-81-оятлар) Улар устига (азобни) ёмғирдек ёғдирдик. Бас, жиноятчилар оқибати қандай бўлганига боқинг! («Аъроф» сураси, 84-оят) Биз фосиқ (фаҳш ишларни қилувчи) бўлганлари учун бу қишлоқ аҳли устига осмондан азоб (тош) ёғдирувчидирмиз. Биз ақл юргизадиган қавмга (ибрат учун) у (қишлоқ)дан аниқ асорат қолдирганмиз. («Анкабут» сураси, 34-35-оятлар) Лут (а.с.) яшаган ва кейинроқ ҳалок қилинган бу шаҳар Тавротда «Содом» деб номланган. Қизил денгизнинг



шимолида яшаган бу қавм Қуръонда ёзилганларга уйғун бир тарзда ҳалок этилганлиги маълум бўлди. Археологик қазишмалар бу шаҳарнинг Ўлик денгиз яқинида, яъни ҳозирги кундаги Исроил-Иордания чегарасида бўлганлигини аниқлади. Олимларнинг фикрига кўра, мазкур ҳудуд катта

миқдордаги олтингугурт моддаси билан қопланган. Шу сабабдан у ерда на ҳайвон ва на ўсимлик каби ҳеч бир ҳаёт шакли учрамайди ва бу ҳудуд ҳалокатнинг бир рамзи сифатида сақланиб қолган. Олтингугурт вулқон портлашлари натижасида пайдо бўладиган элементдир. Бинобарин, Қуръонда билдирилган ҳалокат шакли зилзила ҳамда вулқон портлашлари бўлганлигига доир аниқ далиллар мавжуд. Немис археологи Вернер Келлер бу ҳудуд тўғрисида қуйидагиларни маълум қилади: Аниқ шу ҳудуд орқали ўтган бу улкан ёриқнинг асоси билан биргаликда, Содом ва Гоморрани ўз ичига олган Сиддим водийси бир куни ер қаърига равона бўлган эди. Уларнинг вайрон бўлиши кучли зилзила ва унинг кетидан портлашлар, чақмоқлар, табиий газнинг чиқиши ҳамда умумий катта ёнғин натижасида юз берган...

Ернинг чўкиши синиқнинг бор бўйича пастда ҳаракатсиз ётган вулқон кучларини қўзғатган. Башан яқинидаги Иорданиянинг юқори водийсида ҳануз сўнган вулқоннинг юксак кратерлари мавжуд; катта майдонга ёйилган лава ва чуқур базальт қатламлари оҳақтошли юза устидан жой олган. Бу лава ва базальт қатламлари у ерда бир замонлар вулқон отилганлиги ва зилзилалар содир бўлганлигидан дарак берувчи муҳим далиллардир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Лут кўли ёки Ўлик денгиз бевосита сейсмик фаол ҳудуд, бошқача сўзлар билан айтганда зилзила белбоғи узра ётади:

Ўлик денгизнинг асоси Рифт водийси номли тектоник ботикликда жойлашган. Бу водий шимолдаги Галили денгизи (Баҳр Табарейя)дан жанубдаги Арабах водийсининг ўртасигача 300 километр (186 миля)га чўзилган.

Лут қавмининг бошига тушган фалокатнинг техник жиҳати геологлар томонидан амалга оширилган тадқиқотда аниқланди. Бунга кўра, Лут қавмини бутунлай йўқ қилган зилзила Ер қобиғидаги жуда узун бир ёриқ натижасида ҳаракатга келган. Иордан дарёси ўзининг 190 км (118 миля)лик масофаси бўйича жами 180

метр (590 фут) пастлайди. Бу ҳамда Ўлик денгизнинг денгиз сатҳидан 400 метр пастликда эканлиги, бу ер ва унинг атрофида бир замонлар буюк бир геологик ҳодиса содир бўлганлигини исботловчи далиллардандир.



Иордан дарёси ва Ўлик денгизнинг бундай қизиқ структураси бу ҳудуд орқали ўтувчи ёриқ ёки синиқнинг фақатгина бир қисмини ташкил этади.

Бу ёриқ Таурус тоғларининг этакларидан бошланади ва Ўлик денгизнинг жанубий қирғоқларидан ўтиб, жануб томонга йўналади ва Арабистон чўли орқали Ақаба кўрфазига етиб боради. У ердан Қизил денгизни кесиб ўтиб, Африкада ниҳояга етади. Бу ҳудудларда кучли вулқон ҳаракатлари кузатилади. Улар шундай ҳажмда содир бўладики, қора базальт ва лава Исроилдаги Галили тоғларида, Иорданиянинг баланд ясситоғ қисмларида, Ақаба кўрфазига ва бошқа яқин ерларда учраши мумкин.



Бу қолдиқлар ва географик хусусиятлар Ўлик денгиз бўйида буюк бир геологик ҳодиса содир бўлганлигидан дарак беради. National Geographic журналининг 1957 йил декабрь ойи нашри бу мавзу юзасидан қуйидаги маълумотларни келтиради: Беҳосил биёбон бўлган Содом тепалиги Ўлик денгиз узра тик қад кўтарган. Ҳалигача Содом ва Гоморра шаҳарларининг харобаларини ҳеч ким топа олгани йўқ, лекин олимларнинг фикрларига кўра, бу шаҳарлар ушбу қояларнинг қаршисидаги Сиддим водийси бўлган.

Эҳтимол, зилзиладан сўнг Ўлик денгизнинг тошқин сувлари уларни ютиб юборган бўлиши мумкин. Ҳалокатга юз тутган бу шаҳарга оид маълумотлардан бири, худди «Ҳижр» сурасининг 76-оятда ваҳий қилингани каби, бу шаҳарларнинг ҳали ҳам асосий йўл устида эканлиги ҳақидадир. Географлар бу ҳудудни Арабистон ярим оролидан Сурия ва Мисрга қадар чўзилган Ўлик денгизнинг жануби-шарқидаги бир йўл устида бўлганлигини аниқладилар.

ИСМОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМ

(Ғарбда Ишмаел)

Тахминан мил.авв. XX аср охиридан, XIX аср охиригача асрлар

Қуръони Карим Исмоил алайҳиссаломнинг исмларини ўн марта тилга олган. У зот Бақара, Оли Имрон, Нисо, Анъом, Иброҳим, Марям, Анбиё ва Сод сураларида зикр қилинганлар. Исмоил алайҳиссалом асосан ўз оталари Иброҳим алайҳиссалом билан бирга эсга олинишлари ҳаммага маълум.

ИСМОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ НАСАБЛАРИ



Исмоил алайҳиссалом пайғамбарлар ичида энг насаби машҳур, яъни, ота-онаси машҳур зотлардан бирлари десак муболаға қилмаган бўламиз. У киши алайҳиссалом Халилур Роҳман Иброҳим алайҳиссалом ва Биби Ҳожарлардан дунёга келгандирлар. Исмоил алайҳиссалом ўзларининг зурриётлари ичидан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам чиққанликлари билан ҳам машҳурлар. Шундоқ қилиб Исмоил алайҳиссалом ота тарафдан ҳам ўзларидан машҳур зотга, фарзанд тарафдан ҳам ўзларидан машҳур зотга боғланадилар.

Исмоил алайҳиссаломнинг оналари мисрлик бўлиб, ўша ернинг подшоҳи томонидан Биби Сорага, у киши эса ўз эрлари Иброҳим алайҳиссаломга ҳады қилинган эдилар. Аллоҳ таолонинг ваъдасига биноан, қариб қартайиб қолган чол Иброҳим алайҳиссаломдан ҳомиладор бўлган Ҳожар онамиздан Исмоил алайҳиссалом дунёга келдилар. Кейин оилавий сабабларга кўра, Аллоҳ таолонинг ҳикмати асосида гўдак Исмоилни онаси билан Иброҳим алайҳиссалом ўсимликсиз чўлда қолдириб

кетдилар. Қайтиб кетаётиб Иброҳим алайҳиссалом ўзларининг машҳур дуоларини ҳам қилдилар. «Эй Роббимиз, ҳақиқатда, мен ўз зурриётимдан, Сенинг Байтул Ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирдим. Эй Роббимиз, намозни тўқис адо этишлари учун. Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин ва уларни мевалардан ризқлантиргин. Шояд шукр қилсалар». (Иброҳим сураси 37 оят)

Кейин нималар бўлганини Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларидан ўрганамиз. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аёллардан биринчи бўлиб белбоғ боғлаш Исмоилнинг онаси томонидан бўлган. У Сорага бўлган ўзининг таъсирини кетгазиш учун белбоғ боғлаган. (Ўша вақтда фақат хизматкорлар белбоғ боғлашар эди. Биби Ҳожар биби Соранинг олдида ўзини у билан тенг кундош эмас, балки унинг хизматкори қилиб кўрсатиш учун шондоқ қилганлар.) Сўнгра Иброҳим уни ва унинг эмизаётган ўғли Исмоилни олиб келиб, байтнинг ўрнига қўйиб кетган. Замзам устидаги катта дарахт остига. Масжиднинг юқори тарафига. Ўша пайтда Маккада бирор киши ҳам, сув ҳам йўқ эди. У икковларининг олдиларига бир хурмоси бор халта ва сувли меш қўйди. Сўнгра Иброҳим ортига қайтиб кетди. Исмоилнинг онаси унга эргашиб: «Эй, Иброҳим! Бизни инс ҳам йўқ, жин ҳам йўқ, бирор нарса ҳам унмайдиган водийга ташлаб қаёққа кетмоқдасан?!» деди. У буни бир неча марта такрорлади. У эса унга ўтрилиб қарамас эди. Шунда: «Аллоҳ сени шунга амр қилдими?» деди. «Ҳа», деди. «Ундоқ бўлса бизни зое қилмайди», деди-да ортига қайтди.

Иброҳим эса ўз йўлида давом этди. Қачонки у тепалик йўлидан ўтганида, улар уни кўрмайдиган бўлганда байтга юзланиб ўша калималар ила дуо қилди ва икки қўлини кўтарди: «Эй Роббимиз, ҳақиқатда, мен ўз зурриётимдан, Сенинг Байтул Ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирдим», деб язкурунгача айтди. Исмоилнинг онаси Исмоилни эмизиб, ҳалиги сувдан ичиб турди. Мешдаги сув тамом бўлганда чанқай бошлади. Ўғли ҳам чанқади. Унга қараса, у тўлғаниб типирчилар эди. Унга назарим тушмасин деб юриб кетди. У ўзига энг яқин бўлган тоғ Сафони кўрди. Унинг устига чиқиб, бирор кишини кўрармиканман деб водий томон назар сола бошлади. Ҳеч кимни кўрмади. Кейин Сафодан тушди. Водийга етганида кўйлагининг этагини кўтариб қаттиқ ҳаракат қилган инсондек саъйи қилиб водийдан ўтди. Сўнгра Марвага келди. Унинг устига чиқиб, бирор кишини кўрармиканман деб водий томон назар сола бошлади. Ҳеч кимни кўрмади. Етти марта ана шундоқ қилди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу, Пайғамбар: «Ана ўша одамларни иккиси орасидаги саъйидир», дедилар», деди. У Марвага чиққан пайтида бир овоз эшитди. Ўзига ўзи, жим, деди. Сўнгра қулоқ осди. Яна ўша овозни эшитди. Шунда у:

«(Овозингни) эшитдирдинг. Агар имконинг бўлса менга ёрдам бер», деди. У қараса Замзамнинг ўрнида фаришта турибди. Товони ила ёки қаноти ила излаяпти. Охири сув чиқди. У(Ҳожар) сувни тўса бошлади. Икки қўли билан бундоқ қилиб ҳовучлаб олиб, мешга қуя бошлади. Ҳовучлаб олгандан кейин у яна отилиб чиқар эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ Исмоилнинг онасини раҳмат қилсин. Агар Замзамни тек қўйганида ёки сувни ҳовучлаб олмаганида Замзам кўриниб турадиган булоқ бўлар эди», дедилар.

У ичди ва боласини эмизди. Фаришта унга: «Зое бўлишдан кўрқма. Бу ерда Байтуллоҳ бор. Уни манави бола ва унинг отаси бино қилади. Албатта, Аллоҳ Ўз аҳлини зое қилмайди», деди.

Байтнинг ўрни тепаликка ўжаш кўтарилган ер эди. Селлар келса ўнг ва чап томонларидан ўтиб кетар эди. Ана шундоқ давом этди. Бир вақт Журҳумдан ёки журҳум аҳли байтидан бир гуруҳ рафиқлар Кадаа йўлидан келиб, ўтиб қолдилар. Улар Макканинг паст томонига тушдилар. Бас, айланиб учаётган қушни кўрдилар. Улар, албатта. Бу қуш сув бор жойда айланади, бу водийда билишимизча сув йўқ эди, деб бир ёки икки одамни юбордилар. Улар қайтиб келиб сувнинг хабарини бердилар. Улар борсалар, сув олдида Исмоилнинг онаси турибди. Улар: «Сенинг ҳузурингга тушишимизга изн берасанми?» дедилар. «Майли. Лекин сувда сизларнинг ҳаққингиз йўқ», деди. «Хўп», дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом: «Бу нарса Исмоилнинг онасига ёқиб тушди. У унси улфатни ҳуш кўрарди. Улар ўша ерга тушдилар. Аҳлларига ҳам одам

юбордилар. Улар ҳам келдилар. Улардан бир қанча аҳли байтлар бўлди. Бола йигит бўлди. Улардан арабчани ўрганди. У йигит бўлиб уларнинг кўзига нафис кўринди, уларга ёқиб қолди. У вояга етганида уни ўзларидан бир аёлга уйлантиришди. Исмоилнинг онаси вафот этди. Иброҳим ўзи қолдириб кетгандан хабар олиш учун келди. Исмоилни топмади. Хотинидан уни сўради.

«Бизга бирор нарса топиб келгани кетди», деди. Сўнгра у уларнинг маъишатларидан, қол-аҳволларидан сўради. «Биз жуда ёмон ҳолдамиз. Биз торчиликдамиз, оғирчиликдамиз», деб унга шикоят қилди. «Эринг келса, унга салом айтгин ва унга айтгинки, эшигининг остонасини алмштирсин», деди у.

Исмоил келиб худди бир нарсани сезгандек бўлди ва: «Ҳузурингизга биров келдими?» деди. «Ҳа. Бундоқ, бундоқ чол келди. У биздан сени сўради. Мен унга хабар бердим. Мендан маъишатимиз қандоқлигини сўради. Мен унга торчилик ва қийинчиликдалигимиз ҳақида хабар бердим», деди аёл.

«Сенга бирор нарса таъйинладими?» деди у. «Ҳа. Менга саломини сенга етказишимни амр қилди ва эшигининг остонасини ўзгартиришингни айтди», деди аёл.

«Ана ўша отам. У менга сен билан ажрашишимни амр қилибди. Сен аҳлингнинг олдига бор», деб уни талоқ қилди. Сўнгра улардан бошқа аёлга уйланди. Бас, Иброҳим улардан Аллоҳ хоҳлаганича ғойиб бўлди. Сўнгра яна келди. Яна уни топмади. Унинг хотини олдига кирди. Кейин у ҳақида сўради. «Бизга бирор нарса топиб келгани кетди», деди.

Сўнгра у, ҳолингиз қандоқ, деб уларнинг маъишатларидан, қол-аҳволларидан сўради. «Биз яхшимиз, кенгчиликдамиз», деб Аллоҳга шукрлар айтди.

«Таомингиз нима?» деди.

«Гўшт», деди.

«Шаробингиз нима?» деди.

«Сув», деди.

«Эй, бор Худоё! Уларга гўшт ва сувда барака бергин!» деди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтдилар:

«Ўша кунда уларнинг дони йўқ эди. Агар бўлганида, албатта, у ҳақида ҳам дуо қилган бўлар эди. У иккиси ила аҳли Маккадан бошқалар яшай олмайди».

«Эринг келганда унга салом айтиб қўй ва унга эшигининг остонасини сотиб олишни амр қил», деди. Исмоил келиб:

«Ҳузурингизга биров келдими?» деди.

«Ҳа. Бир гўзал кўринишдаги чол келди. Мендан сенинг ҳақингда сўради. Мен хабар бердим. Кейин маъишатимиз ҳақида сўради. Мен, биз яхшимиз, деб хабар бердим», деди аёл.

«Сенга бирор нарса таъйинладими?» деди у.

«Ҳа. Менга саломини сенга етказишимни амр қилди ва эшигингни остонасини ўзагартирмаслигингни айтди», деди.

«Ана ўша отам. Остона сенсан. Сени тутиб қолишимга амр қилибди», деди.

Бас, Иброҳим улардан Аллоҳ хоҳлаганича ғойиб бўлди. Сўнгра яна келди. Исмоил Замзам яқинидаги катта дарахт остида камон ўқини созлаётган эди. Уни кўриши билан у томон турди ва ота-болага, бола-отага қиладиган нарсани қилди. Сўнгра у:

«Эй Исмоил, Аллоҳ менга бир иш буюрди», деди.

«Роббингиз буюрган ишни адо этинг», деди Исомил.

«Сен ёрдам берасанми?» деди. Исмоил:

«Ёрдам бераман», деди Исмоил:

«Аллоҳ менга мана шу ерга уй қуришни буюрди», деб кичик тепалик ва унинг атрофини кўрсатди.

Ана ўшанда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтара бошладилар. Исмоил тош таширди, Иброҳим қуради. Бино кўтарилганда манави тошни олиб келиб унга

қўйиб берди. Бас, у у (тош)нинг устига чиқиб олди. У бино қуради. Исмоил унга тош олиб берарди. Икковлари:

«Эй Роббимиз, биздан қабул эт, албатта, Сенинг Ўзинг эшитувчи, билувчи зотсан...», дер эдилар».

Бухорий «Бадъул халқ»да ривоят қилган.

Исмоил алайҳиссаломнинг кўпгина хабарлари оталари пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломнинг хабарлари ила чамбарчас боғлиқ экани ҳаммага маълум. Иброҳим алайҳиссалом қариган чоғларида кўрган ўғилларини қурбонлик қилишга уринганларида Исмоил алайҳиссаломнинг қанчалик юксак одоб ила бу ишга бош эгиб берганлари ҳам маълум. Шунингдек у зотнинг Байтуллоҳни бино қилишда оталарига ёрдам берганлари ҳам маълум. Бу ишларнинг барчасида Иброҳим алайҳиссалом биринчи шахс бўлганлари учун биз уларнинг тафсилотини ўша зотнинг қиссаларида келтирдик. Бу ерда қайтариб ўтирмаймиз.

Энди Қуръони Каримда Исмоил алайҳиссалом ҳақларида келган баъзи оятларни ўрганмиз.

Аллоҳ таоло «Қаҳф» сурасида айтади:

«Ва китобда Исмоилни эсла. Албатта, у ваъдасига содиқ ҳамда Расул ва набий бўлган эди». (54 оят)

Эй Муҳаммад, илоҳий китоб-Қуръонда Исмоилнинг қиссасини эсла. Исмоил, ҳеч шубҳасиз, ваъдасига содиқ зот эди. Содиқлик ҳар бир Пайғамбарнинг сифатидир. Аммо, Исмоил алайҳиссалом бошқа Пайғамбар алайҳиссаломлардан ўзларининг ваъдага садоқатлари билан ажралиб турганлар.

«...ҳамда Расул ва набий бўлган эди».

У зотнинг Расул ва набий эканликларига шак-шубҳа йўқ. Демак, Исмоил алайҳиссалом халойиқни ҳидоят йўлига чақирганлар.

«У аҳлини намозга ва закотга буюрар эди ва Робби наздида рози бўлган эди». (55 оят)

Маълум бўладики, Исмоил алайҳиссаломнинг шариатларида ҳам намоз ва закот ибодатлари бўлган. Бўлганда ҳам, алоҳида зикрга сазовор, юксак мақомли ибодатлардан экан.

«...ва Робби наздида рози бўлган эди».

Яъни, Роббининг розилигига сазовор бўлган эди.

Бақара сурасида Аллоҳ таоло қуйидагиларни айтади:

«...Ва Иброҳим ва Исмоилга: «Уйимни тавоф қилувчилар, муқим турувчилар, рукуъ ва сажда қилувчилар учун поклаб қўйинглар», деб амр қилдик».

(125 оят) Яъни, Байтуллоҳни атрофдан келиб тавоф қилувчилар, муқим турувчилар, рукуъ ва сажда қилувчилар учун поклаб қўйишни буюрган эдик. Бу ҳам Иброҳим алайҳиссалом билан бир қаторда Исмоил алайҳиссаломнинг мақомлари улуғ эканига далолатдир.

Шунингдек, «Анбиё» сурасида: «Ва Исмоил, Идрис ва Зул-кифлни эсла. Уларнинг ҳар бири сабр қилгувчилардандир. Ва уларни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, улар солиҳлардандир», дейди. (85-86 оятлар)

Ушбу зикр этилган ояти карималарда Исмоил алайҳиссаломнинг бир неча сифатлари зикр қилинмоқда:

1-Сиддиқлик.

2-Набийлик.

3-Олий мақом соҳиблиги.

4-Сабр қилувчилик.

5-Аллоҳнинг раҳматига кириш.

6-Солиҳлик.

Аллоҳ таоло «Сод» сурасида қуйидагиларни келтиради:

«Исмоил, ал-Ясаъ ва Зул-Кифлни ҳам эсла. Барчалари ахёрлардандир». (48 оят) Бу уч Пайғамбар ҳаётида ҳам эслашга лойиқ ибратли ҳодисалар бўлиб ўтган. Улар ҳам Аллоҳнинг ҳузуринда ахёр-энг яхши бандалардан бўлганлар. Уларни Аллоҳ таоло ахёрлардан деб алоҳида мадҳ этмоқда.

Ана ўша Пайғамбарларнинг ҳаётидан, Аллоҳ йўлидаги курашишларидан, дин йўлидаги фидокорликларидан, бало-офатларга, машаққатларга сабрларидан, турли синовларга бардош беришларидан, кофирлар, мушриклар ва мунофиқлардан келган озорларни кўтара билишларидан ибрат, ўрнатки олиш керак. Исмоил алайҳиссалом ўзлари яшаб ўтган муҳитдаги арабларга пайғамбарлик қилдилар. Исмоил алайҳиссалом ўн икки ўғил ва бир қиз фарзанд кўрганлар. У зотнинг ўғилларининг барчаси араб қабилаларига ота бўлганлар. Исмоил алайҳиссаломдан тарқалган арабларни араби-мастаъраба деб номланади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насаблари ҳам Исмоил алайҳиссаломдандир. Исмоил алайҳиссалом ўз қизларини укаларининг ўғли ал-Йис ибн Исҳоққа турмушга берганлар.

Исмоил алайҳиссалом 137 йил умр кўриб кейин бу дунёни тарк қилганлар. У зот оналари Биби Ҳожарнинг ёнларига, Каъба ҳижрига дафн қилинганлар. У зотга Аллоҳ таолонинг соловотлари ва саломлари бўлсин.



(Ғарбда Исаак)

Тахминан мил.авв. XX аср охирлари, XVIII ўрталари

Қуръони Каримда Аллоҳ таоло Исҳоқ алайҳиссаломни ўн еттита оятда номларини тилга олган. Жумладан у зотни зикрлари Бақара, Оли Имрон, Нисо, Анъом, Ҳуд, Юсуф, Иброҳим, Марям, Анбиё, Анкабут, ас-Саффот ва Сод сураларида келган.

ИШОҚ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ НАСАБЛАРИ

У зот Иброҳим алайҳиссаломнинг Биби Сорадан бўлган ўғиллари. Исҳоқ алайҳиссалом оталари Иброҳим алайҳиссалом юз ёшга, оналари Биби Сора ҳам катта ёшга етиб қолганларида Аллоҳ таолонинг инояти ила туғилганлар. У кишининг башоратлари ва сифатлари ҳақида ас-Саффот сурасида қуйидагилар айтилган: «Яна Биз унга солиҳлардан бир Пайғамбар бўлажак Исҳоқнинг хушxabарини бердик». (112 оят)

Иброҳим алайҳиссаломга берилаётган башорат Аллоҳ таоло у кишига яна бир ўғил кўришлари, унинг исми Исҳоқ бўлиши, у ҳам солиҳлардан, Пайғамбарлардан бўлишининг хушxabаридир. Аммо бу билан ҳам кифояланмади, яна зиёда қилди: «Ва унга ҳам, Исҳоққа ҳам барака бердик. Икковларининг зурриётидан гўзал амал қилгувчи ҳам, ўзига очиқ-ойдин зулм қилгувчи ҳам бўлур». (113 оят)

Яъни, Иброҳимга ҳам, Исҳоққа ҳам барака бердик. Уларнинг наслидан Пайғамбарлар чиқадиган қилиб қўйдик. Барака шундан иборат. Икковларининг зурриётидан ким ўша Пайғамбарларга эргашса, гўзал иш қилган бўлади. Қайси бири эргашмаса, ўзига ўзи очиқ-ойдин зулм қилган бўлади.

Иброҳим алайҳиссалом ўз ўғиллари Исҳоқ алайҳиссаломга ота томон қариндошларнинг қизларидан уйланишни таъйинлаган эканлар. Шунинг учун Исҳоқ алайҳиссалом амакиваччаларининг қизи Рифқага уйланган эканлар. Улар икки ўғил кўришди. Бири ал-Ийс. Иккинчиси Яъқуб. Исроил лақабини олган Яъқуб алайҳиссаломдан Бани Исроил тарқалди ва у зотнинг сулолаларидан пайғамбарлар чиқди.

ИСҲОҚ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ПАЙҒАМБАРЛИКЛАРИ

У зот ўзлари яшаб ўтган Фаластин ва Шом ерларидаги Канъонийларга пайғамбар бўлганлар. Пайғамбарларнинг улуғлари ва кўплари ўтган бу ерларда у киши қандоқ Пайғамбарлик қилганлари ҳақидаги маълумотлар Қуръони Каримда зикр қилинмаган. Исҳоқ алайҳиссаломнинг исми шарифлари келган ояти карималарни ўрганадиган бўлсак у зотнинг зикрлари асосан бошқа пайғамбарлар, хусусан оталари Иброҳим алайҳиссалом, акалари Исмоил алайҳиссалом ва ўғиллари Яъқуб алайҳиссаломлар билан биргаликда келади. Фақат биргина оятда Исҳоқ алайҳиссаломнинг ёлғиз исмлари келган, холос. Унда ҳам оталари Иброҳим алайҳиссаломга ишора бор. Бу ҳолатларни ўрганиб чиқадиган бўлсак, Иброҳим ва Яъқуб алайҳиссаломлар ўз вақтларидаги катта пайғамбар шухрати сабабли бир оз кам зикр қилинганлар, десак бўлаверса керак. Чунки Иброҳим алайҳиссаломнинг зикрлари Қуръони Каримда қанчалик кўп эканини ўрганиб чиқдик. Бунинг устига Лут алайҳиссалом ва Исмоил алайҳиссаломлар ҳам бор. Ана ўша эътибордан Исҳоқ алайҳиссаломни бошқалар билан бир қаторда эсга олиниб ўшаларга сифатларда ҳам, фаолиятда ҳам шерик эканликларига ишорат қилинган бўлса керак.

У ЗОТНИНГ ВАФОТЛАРИ

Исҳоқ алайҳиссалом 180 ёшга кириб бу дунёни тарк этдилар. У зот Халил шаҳри яқинидаги оталари Иброҳим алайҳиссалом дафн қилинган ғорга дафн қилинди.



(Ғарбда Жакоб)

Тахминан мил.авв. XIX аср ўрталари, XVIII охири

Аллоҳ таоло ўз бандаси ва пайғамбари Яъқуб алайҳиссаломни ўз китоби Қуръони Каримда ўн олти жойда зикр этган. Яъқуб алайҳиссаломнинг зикри

Бақара, Оли Имрон, Нисо, Анъом, Ҳуд, Юсуф, Марям, Анбиё, Анкабут ва Сод сураларида келган.

ЯЪҚУБ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ НАСАБЛАРИ

Яъқуб алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг набиралари, Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғилларидир. У кишининг оналари Рифқа бинти Батавъл ибн Ноҳур ибн Озардир. У киши икки экизакнинг биридир. Акалари ал-Ийс олдин туғилган экан. У зот унинг ортидан туғилгани учун Яъқуб-ортдан келар номи ила аталган эканлар. Яъқуб алайҳиссаломнинг лақаблари Исроил бўлган. Уламолар Исроил сўзининг маъноси ҳақида бир неча хил фикрлар, жумладан, Абдуллоҳ ёки Руҳуллоҳ деган фикрни айтадилар.

ЯЪҚУБ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ҲАЁТЛАРИ

Яъқуб алайҳиссалом Фаластин ерларида дунёга келдилар. Оталари Исҳоқ алайҳиссаломнинг тарбияларини олиб ўсдилар. У кишининг оналари Бобилга бориб тоғалари Лобоннинг олдида истиқомат қилишни таъинлаган эди.

Яъқуб алайҳиссалом Бобил томон йўл олдилар. Йўлда бир башоратли туш кўрдилар. Уйғониб ўша туш кўрган ерларида Аллоҳ учун бир уй қуришга аҳд қилдилар ва ўша ерга тошдан белги қўйдилар. Кейинчалик эса ўша ерда Байтул Мақдисни қурдилар. Тоғалариникига борсалар, у кишининг иккита қизи бор экан. Улардан бирининг номи Роҳил, иккинчисиники Лийъа экан. Турли сабабларга кўра ва ўша даврнинг шариасти изн бергани учун Яъқуб алайҳиссалом опа-сингилга уйланидилар. Опа-сингилларга оталари Лобон биттадан чўри ҳадя қилибди. Роҳилга Балҳо номли чўрини, Лийъага Залфа номли чўрини. Улар ўз навбатларида чўриларини эрлари Яъқуб алайҳиссаломга ҳадя қилибдилар. Шундоқ қилиб Яъқуб алайҳиссалом тўрт хотинли бўлиб қолибдилар. Аллоҳ таоло Яъқуб алайҳиссаломга барча хотинларидан ўн иккита ўғил ато қилди.

Лийъа номли хотинларидан олти бола кўрдилар;

1-Рубийл.

2-Шамъун.

3-Ловий.

4-Яҳузо.

5-Ийсохор.

6-Зоблун.

Ушбу ўғилларнинг бири бўлмиш Ловийнинг наслидан кейинчалик Мусо алайҳиссалом туғилганлар.

Яҳузонинг исми эса яҳудийларга ном бўлиб қолган.

Яъқуб алайҳиссалом Роҳил номли аёлларидан икки ўғил кўрдилар;

7-Юсуф алайҳиссалом

8-Бинямин.

Яъқуб алайҳиссалом Балҳо номли аёлларидан ҳам икки ўғил кўрдилар;

9-Дан.

10-Нафтали.

Яъқуб алайҳиссалом Залфа номли аёлларидан икки ўғил кўрдилар;

11-Жад.

12-Ашир.

Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн икки ўғилларидан ҳар бири Бани Исроилнинг асботларидан бир сибтга ота бўлганлар. Уларнинг Биняминдан бошқаси Бобилда туғилганлар. Биняман эса Фаластинда туғилган.

ЯЪҚУБ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ПАЙҒАМБАРЛИКЛАРИ

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида айтадики:

«Айтинглар: «Аллоҳга ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, асботларга туширилган нарсага, Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва Пайғамбарларга Роббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз ва биз Унга мусулмонлармиз». (136 оят)

Аллоҳ таоло мусулмонларга, Аллоҳга ва Қуръонга иймон келтирамиз, деб айтинглар, демоқда. Айни чоғда, Аллоҳ таоло томонидан бошқа Пайғамбарларга туширилган нарсаларга ҳам иймон келтирамиз, деглар. Жумладан, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб алайҳиссаломларга туширилган нарсаларга иймон келтирамиз. Бу рўйхатда асботлар ҳам саналган. «Асбот» сўзи «сибт»нинг кўплиги, «сибт» эса, набира маъносини билдиради. Қуръони Каримда зикри келган «асботлар»дан мурод-Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн икки нафар ўғлидан тарқалган зурриётлари. Демак, мусулмонлар уларнинг Пайғамбарликларига ҳам иймон келтиришлари лозим. Улул-азм Пайғамбарлардан бўлган Мусо алайҳиссаломга тушган Тавротга, Ийсо алайҳиссаломга тушган Инжилга иймон келтириш лозим. Шунингдек, номлари зикр қилинмаган бошқа Пайғамбарларга туширилган нарсаларга иймон келтириш лозим. Мусулмонлар эълон қилиши лозим бўлган яна бир гап: «Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз», дейишдир. Яъни, ҳаммаларига баробар иймон келтирамиз, бирорталарини ажратмаймиз. Пайғамбарларни бирдай кўриш, уларга бирдек иймон келтириш ва уларни тенг эъвозлаб, ҳурмат қилиш мусулмон умматининг асосий қонидасидир. Шунга кўра, бу уммат барча илоҳий шариатларнинг меросхўри бўлди. Чунки мазкур Пайғамбарларнинг барчасига тушган дин Ислом бўлган. Шунинг учун ҳам бу уммат ҳамманинг олдида баралла қилиб: «Биз Унга мусулмонлармиз», (яъни, ягона Аллоҳга) деб эълон қила олади. Ана ўша пайғамбарлар ичида, Аллоҳ таоло ваҳий тушириб ҳамма пайғамбарлар учун бир бўлган Ислом динини берганлар ичида Яъқуб алайҳиссалом ҳам бор. У киши яҳудий ёки насроний динида бўлмаганлар. Ушбу ҳақиқатни Аллоҳ таоло «Бақара» сурасидаги қуйидаги икки оятда таъкидлайди: «Ёки: «Албатта, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва асботлар яҳудий ва насроний бўлган», дейсизларми?! «Сизлар билимдонроқми ёки Аллоҳми?» дегин. Ҳузурдаги Аллоҳдан бўлган гувоҳликни беркитган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Ва Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир». (140 оят)

Яҳудийларнинг, фақат яҳудий бўлганларгина ҳидоят топади, деган даъволарига ва насронийларнинг, фақат насронийларгина ҳидоятдадир, деган даъволарига қарши яна битта кучли раддия келяпти. Уларни ожиз қолдирадиган савол бериляпти. «Ёки: «Албатта, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва асботлар яҳудий ва насроний бўлган», дейсизларми?! «Сизлар билимдонроқми ёки Аллоҳми?» дегин». Ҳўш, яҳудий ва насронийлар бу саволга нима деб жавоб қиладилар? Улар Иброҳимни, Исмоилни, Исҳоқни, Яъқубни ва асботларни яҳудий ёки насроний дейин десалар, ҳамма, жумладан улар ўзлари ҳам яхши биладиларки, «яҳудий» ва «насроний» деган исмлар мазкур Пайғамбар алайҳиссаломлардан неча замонлар кейин пайдо бўлган. Агар уларнинг яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаганларини тан олайн десалар, унда, фақат яҳудий ва насронийларгина ҳидоятдалар, деган даъволарини қандай тушуниш керак? Ахир, бу даъвога кўра, мазкур Пайғамбар алайҳиссаломлар ҳам ҳидоят топмаган бўлиб чиқадилар. Ҳолбуки, яҳудий ва насронийлар ўзларини айнан ўша улуғ Пайғамбарларнинг насли, уммати ҳисоблаб, шу билан фахрланиб юришибди. Хуллас, яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам бу саволга жавоб беришдан ожиздирлар. Бу савол қаршисида тил тишлашдан бошқа чоралари қолмайди.

Аллоҳ таоло худди шу услубда Пайғамбар алайҳиссаломга ўргатиб: «Сизлар билимдонроқми ёки Аллоҳми?» дегин», дейди. Бу савол яҳудий ва насронийларни баттар мот қилади, чунки улар асло, биз Аллоҳдан кўра билимдонроқмиз, дея олмайдилар. Аксини, яъни, Аллоҳ биздан билимдонроқ, десалар, унда Аллоҳнинг сўзларига ишонишлари шарт: Аллоҳ ўтган барча Пайғамбарларни яҳудий демаган, насроний демаган, балки уларнинг мусулмон бўлганларини қайта-қайта таъкидлаган. Уларга тилларини тишлаб жим қолишдан ўзга чора йўқ. Сўнгра уларнинг энг катта айбларидан яна бири фош этилади: «Ҳузурдаги Аллоҳдан бўлган гувоҳликни беркитган кимсадан ҳам золироқ одам борми?» Албатта, йўқ. Ҳаммани яратган, ҳамманинг Робби бўлган Аллоҳни ўзи гувоҳликка раво кўрса-ю, у ношукр банда бу гувоҳликни ўрнида адо этмай беркитса, албатта, у энг катта золим бўлади-да. Ҳолбуки, «Аллоҳ қилаётган ишларингиздан гофил эмасдир».

Ҳа, албатта, Аллоҳ таоло уларнинг қилаётган ишларидан гофил эмас. У зот барча нарсани билиб турибди. Вақти келганда ҳисоб китобини қилади.

У ЗОТНИНГ ШАРИАТЛАРИДАН НАМУНА

Аллоҳ таоло Яъқуб алайҳиссалом «Исроил» номи ила бир марта, «Оли Имрон» сурасида зикр қилгандир: «Таврот тушишидан олдин Исроил ўзига ҳаром қилгандан бошқа ҳамма таом Бани Исроилга ҳалол эди. «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, Тавротни келтириб ўқинглар», деб айт!» (93 оят)

Исроилдан мурод аввал баён қилинганидек, Яъқуб алайҳиссаломдирлар. Ривоятларда келишича, Яъқуб алайҳиссалом оғир касал бўлиб ётганларида, агар Аллоҳ шифо берса, энг яхши кўрган таомларини-туянинг гўшти ва сутини емасликни назр қилган эканлар. Аллоҳ бу назрни қабул қилди. Шунингдек, Аллоҳ таоло Бани Исроилдан содир бўлган гуноҳлар туфайли уларга иқоб сувратида баъзи ҳайвонларни ҳамда мол билан қўйнинг чарвисини ҳаром қилган эди. Ҳолбуки, булар Таврот тушишидан олдин Бани Исроилга ҳалол эди.

Ушбу оятдан Яъқуб алайҳиссаломнинг шариатларида таомларнинг ҳалол ҳаромлиги, назр аташ каби ҳукмлар бўлганини билиб оламиз.

ЯЪҚУБ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ВАСИЯТЛАРИ

«Ислом» сўзида бўйсунуш, тоат, ихлос маънолари бор. Барча пайғамбар, жумладан, Иброҳим алайҳиссаломнинг ва у зотнинг набиралари Яъқуб алайҳиссаломнинг ҳам динлари, миллатлари-Ислом. Иброҳим алайҳиссалом ва Яъқуб алайҳиссаломлар ўзлари мусулмон бўлишлари билан кифояланиб қолмадилар, балки ушбу Ислом миллатини маҳкам тутишга васият қилдилар. Ўша васият «Бақара» сурасидаги кейинги икки оятда келади:

«Иброҳим ўша (миллат)ни болаларига васият қилди. Яъқуб ҳам: «Эй болаларим, албатта, Аллоҳ сизларга динни танлади, сизлар мусулмон бўлмасдан туриб ўлмасиз», деди». (132 оят) Иброҳим алайҳиссалом ва у кишининг набиралари Яъқуб алайҳиссалом ҳам ўз фарзандларига васият қилиб: «Эй болаларим, албатта, Аллоҳ сизларга динни танлади», дедилар.

Демак, бу дин-Аллоҳ ихтиёр қилган дин. Бошқа нарсага юз тутишга ўрин йўқ. «...сизлар мусулмон бўлмасдан туриб ўлмайсиз», деди». Мусулмон бўлиб яшаб, мусулмон бўлиб ўлишга ҳаракат қилишдан бошқа йўл йўқ. «Ёки Яъқубга ўлим ҳозир бўлиб, у ўз болаларига: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» деганида, улар: «Сенинг илоҳингга ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг илоҳига, ёлғиз илоҳга ибодат қиламиз ҳамда биз Унга мусулмон бўлувчимиз», деганларида гувоҳ бўлганмисиз?!» (133 оят) Яъқуб

алайҳиссаломга ўлим вақти етганда атрофларида видолашиш учун йиғилиб, жимгина бош эгиб турган авлодларига васият қилаётиб: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» деб сўрадилар. У зотнинг ўлимдан аввал фикрларини ишғол қилиб турган бирдан-бир ташвиш, дину диёнат, ақийда ташвиши эди. Болаларини шунинг учун атрофларига тўпладилар. Ушбу масалада хотирларини жам қилиб кетмоқчи эдилар. Болаларининг ҳам жавоблари тайёр экан. Дарҳол: «улар: «Сенинг илоҳингга ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг илоҳига, ёлғиз илоҳга ибодат қиламиз ҳамда биз Унга мусулмон бўлувчимиз», дейишди. Исмоил алайҳиссалом Яъқуб алайҳиссаломга амаки бўлсалар ҳам, ота дейишди, чунки амаки ҳам гоҳида ота ўрнида ҳисобланади. Улар, ёлғиз илоҳга ибодат қиламиз, дейишди. Бани Исроилга ўхшаб, «Узайр Аллоҳнинг ўғли», деб худога ширк келтирмадилар. Насронийларга ўхшаб, «Ийсо Аллоҳнинг ўғли» ёки «Аллоҳ учтанинг учинчиси», демадилар. Араб мушрикларига ўхшаб, Лот, Уззо ва бошқа бутларни Аллоҳга шерик қилишмади ёки «фаришталар Аллоҳнинг қизлари» демадилар. Ҳам бошқа динларни эмас, айнан Исломни айтдилар, биз Унга мусулмон бўлувчимиз, дедилар.

ЯЪҚУБ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ВАФОТЛАРИ

Ўғиллари Юсуф алайҳиссаломнинг йўқолишларидан қаттиқ хафа бўлган Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзлари кўрмай қолган эди. Кейин у кишини топганларидан сўнг кўзлари ҳам тузалди ва ҳаммалари Юсуф алайҳиссалом ҳукмдорлик қилаётган Мисрда келиб яшай бошладилар. Уша пайтда Яъқуб алайҳиссалом 130 ёшда эдилар. Мисрда 17 йил яшаганларидан кейин у зот 147 ёшларида вафот этдилар. Яъқуб алайҳиссалом вафотларидан олдин Юсуф алайҳиссаломга ўзларини оталари Исҳоқ алайҳиссаломнинг ёнларига дафн қилишни васият қилган эдилар. У зот Халилдаги машҳур ғор ичига дафн қилинди.



(Ғарбда Жосепҳ)

Тахминан мил.авв. XVIII-XVII асрларда яшаганлар

“Юсуф” сураси...

...Бу сураи каримада бошқаларидан фарқли ўлароқ, кўпроқ оилавий муносабатлардаги салбий ўринларга, ҳукмрон доиралар ичидаги ихтилофларга, уларнинг атрофидагиларнинг ҳолатларига эътибор берилган. Диний-маънавий тарбия бўлмагани туфайли бой-зодагон оилаларнинг баъзи аъзолари «тўқликка шўхлик» қилишларидан намуналар келтирилган. Бу қиссада хаёлий гаплар йўқ, лирик чекинишлар ҳам, ўқувчиларни қизиқтириш учун тўқилган ёлғонлар ҳам йўқ. Бу Аллоҳнинг ваҳий қилиб юборган Қуръони. Бу қиссани ўқиш ҳам, эшитиш ҳам ибодат. Бошидан охиригача ибрат, ваъз-насихат...

Қуръони Каримда Юсуф алайҳиссаломнинг исмлари 26 марта келган. Шундан 24 таси «Юсуф» сурасида, бир марта «Анъом»да ва яна бир марта «Мўмин» сурасида.

У ЗОТНИНГ НАСАБЛАРИ

Юсуф алайҳиссаломнинг насаблари ҳақидаги энг ажойиб гап пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Имом Бухорий ривоят қилган қуйидаги сўзларидир: «Албатта, у каримдир, каримнинг ўғли бўлган каримнинг ўғлидир. Юсуф ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳимдир». У кишининг оналари Роҳил бинти Лобондир. Юсуф алайҳиссалом Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн икки ўғилларидан биридирлар ва уларнинг ичидан чиққан ягона пайғамбардирлар.

ЮСУФ ҚИССАСИ

Юсуф сураси битта қиссани аввалидан охиригача, бошқа нарсаларни аралаштирмай ҳикоя қилган ягона сурадир. Фақат қисса тамом бўлгандан кейин, суранинг охирида пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилган маънолар келади.

Юсуф алайҳиссаломнинг исмлари бу сурадан бошқа яна икки жойда зикр қилинади, холос. Бу сураи каримада бошқаларидан фарқли ўлароқ, кўпроқ оилавий муносабатлардаги салбий ўринларга, ҳукмрон доиралар ичидаги ихтилофларга, уларнинг атрофидагиларнинг ҳолатларига эътибор берилган. Диний-маънавий тарбия бўлмагани туфайли бой-зодагон оилаларнинг баъзи аъзолари «тўқликка шўжлик» қилишларидан намуналар келтирилган.

Бу қиссада хаёлий гаплар йўқ, лирик чекинишлар ҳам, ўқувчиларни қизиқтириш учун тўқилган ёлғонлар ҳам йўқ. Бу Аллоҳнинг ваҳий қилиб юборган Қуръони. Бу қиссани ўқиш ҳам, эшитиш ҳам ибодат. Бошидан охиригача ибрат, ваъз-насихат. Келинг, биргаликда Қуръони Каримда бу қисса қандай ҳикоя қилинганини ўрганиб чиқайлик.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

«Алиф. Лом. Ро. Ушбулар очиқ-ойдин китобнинг оятларидир». (1) Алиф, лом, ро каби ўзингизга таниш ҳарфлардан таркиб топган оятлар жамланиб, ушбу очиқ-ойдин китобни вужудга келтиргандир. Бу китоб ҳарфларининг инсонга ёт бўлган жойи йўқ. Улар араб тилининг ёзув белгилари. Аллоҳ таоло китобини шу ҳарфлар ила араб тилида нозил қилишни ирода этди. «Биз уни арабий Қуръон этиб нозил қилдик, шоядки ақл ишлатсангиз». (2)

Ҳа, ул китоб, оятлари ўша ўзингиз билган ҳарфлардан ташкил топган китоб арабий-араб тилидаги Қуръондир. Уни Аллоҳ таоло нозил қилди.

«шоядки ақл ишлатсангиз». Шоядки ақл юритиб, бундай мўъжизакор китобни фақат Аллоҳ таолонинг ўзигина келтира олиши мумкинлигини англаб етсангиз.

Кейинги оятдан гап асосий мавзуга кўчади, ушбу сура гўзал қиссадан иборат экани ҳақида сўз очилади: Эй Пайғамбари охири замон!

«Биз сенга ушбу Қуръонда ваҳий қилган нарсамиз ила энг гўзал қиссани ҳикоя қилурмиз. Агарчи ундан олдин сен бундан беҳабарлардан бўлсанг ҳам». (3)

Яъни, Қуръон деб номланган илоҳий китобимизни ваҳий ила нозил этиш жараёнида энг гўзал қиссани ҳам сенга айтиб берамиз. Сен қавминг ичида ўқиш-ёзишни ўрганмаган, бунақа қиссалардан хабарсиз кишилардан бири эдинг. Энди эса, Аллоҳнинг инояти ила булардан хабардор бўласан ва уларни халққа етказасан.

ЮСУФ ТУШ КЎРДИ

Шундан сўнг бевосита Юсуф алайҳиссаломнинг қиссаси бошланади. Юсуф алайҳиссалом кўрган тушини отаси Яъқуб алайҳиссаломга сўзлаб бераётганини тасвирлаш билан қиссага кирилади: Эй Пайғамбар! «Юсуф отасига: «Эй отажоним, мен ўн битта юлдузни ҳам қуёш ва ойни кўрдим, уларнинг менга сажда қилаётганларини кўрдим», деганини эсла». (4)

Бу тушни кўрганда Юсуф алайҳиссалом ёш бола эди. Одатда ёш болалар бунчалар аниқ ва башоратли туш кўрмайдилар. Яъқуб алайҳиссалом кичик ўғли Юсуфдан кўрган тушини эшитиб, шу гаплар хаёлидан ўтди. Бу туш улуғ келажакдан башорат эканини англади. Аммо бу башоратдан ҳамма ҳам хурсанд бўлавермаслигини, жумладан, Юсуфнинг ўғай акалари рашк қилишлари мумкинлигини ҳисобга олиб, мушфиқ оталарга хос эҳтиёткорлик билан у киши ўғиллари Юсуфга: «У: «Эй ўғилчам, тушингни акаларингга айтмагин. Яна улар сенга бирор ҳийла қилмасинлар. Албатта, шайтон инсонга очиқ-ойдин душмандир». (5) Яъни, сенинг тушингни эшитсалар, рашклари келиб, уларни шайтон йўлдан уриб қўямасин ва бирон макр-ҳийла ишлатиб, сенга зарар етказмасинлар. Сўнгра Яъқуб алайҳиссалом сўзларида давом этиб, яна қуйидагиларни айтди: «Шундай қилиб, Роббинг сени танлаб олади, сенга тушларнинг таъбирини ўргатади ва сенга ва Яъқуб аҳлига, худди оталаринг Иброҳим ва Исҳоққа батамом қилганидек, Ўз неъматини батамом қилиб беради. Албатта, Роббинг билгувчи ва ҳикматли зотдир», деди». (6)

Аллоҳнинг Пайғамбари бўлмиш Яъқуб алайҳиссалом ўғли Юсуф кўрган тушни ана шундай таъбир қилган эди. Бу туш Юсуфнинг келажакда боболари Иброҳим ва Исҳоқ алайҳимуссаломлар каби Пайғамбар бўлишидан дарак берар эди.

Пайғамбар бўлгунча эса, Аллоҳ таоло унга тушларнинг таъбирини ўргатади. Бу неъматлар фақат Юсуфнинг ўзигагина эмас, Яъқуб Пайғамбар алайҳиссаломнинг бошқа фарзандларига ҳам берилишига башорат бор эди. Аллоҳ таоло бу ишларни Ўз илми ва ҳикмати ила амалга оширади. «Батаҳқиқ, Юсуф ва унинг оғаниларига сўровчилар учун оят-ибратлар бор эди». (7) Яъни, Юсуф ва унинг ака-укалари қиссасида ажойиб ибратли аломат-белгилар жуда ҳам кўпдир. Ким сўраса, эътибор берса, диққат билан ўрганса, кераклигича ваъз-насихат, ибрат ва ўрнак олади. Энди қисса воқеалари ривожлана бошлайди.

АКАЛАРНИНГ ШУМ НИЯТИ

«Ўшанда улар: «Албатта, Юсуф ва унинг укаси отамизга биздан кўра маҳбуброқлар, ҳолбуки, биз кўпчиликмиз. Албатта, отамиз очиқ-ойдин адашувдадир». (8) Яъни, Юсуфнинг акалари (улар ўн киши бўлиб, оналари бошқа эди), отамиз биздан кўра укамиз Юсуф ва унинг ота-она бир, туғишган укаси икковини яхши кўради, аслида улардан кўра бизга кўпроқ эътибор бериши керак эди, отамиз бу ишда адашмоқда, дедилар. Юсуф ва унинг укасига рашк қилиб, Аллоҳнинг Пайғамбари бўлмиш оталари Яъқуб алайҳиссаломга тухмат қилдилар, у зотга залолатни муносиб кўрдилар. Ўзаро шивир-шивир шу даражага бориб етиб, оталарини адашувда, адашув бўлганда ҳам очиқ-ойдин адашувда, деб ҳукм чиқардилар. Сўнгра яна-да каттароқ ишга журъат қилдилар: «Юсуфни ўлдиришлар ёки узоқ ерга олиб бориб ташланглар, шунда отангизнинг юзи сизга холи қолади. Бундан кейин солиҳ қавмдан бўлиб оласизлар», дедилар». (9) Бу уларнинг ўзаро маслаҳатлари эди. Улар нима қилиб бўлса ҳам, Юсуфни йўқотиб, оталари фақат ўзларига эътибор бериши учун ҳаракатга тушиб қолдилар. Шайтон васвасага солганда шундай бўлади. Ҳар қандай гуноҳни ҳам тап тортмай қилаверишга чорлайди. Шу ишни қилмасанг



бўлмас, қилавер, ҳеч гап бўлмайди, жуда бўлмаса, тавба-тазарруъ қилиб, яна аҳли солиҳлардан бўлиб олаверасан, деб қизиқтиради. Аслида эса, тавба

бунақа бўлмайди. Тавба-билмасдан, жоҳиллик билан содир этган гуноҳига надомат чекиш ва Аллоҳдан кечирришни ўтиниб сўраш ҳамда бу гуноҳдан тўла чекиниб, зинҳор унга бошқа қайтмасликдир. Аммо ўтириб олиб, маслаҳатлашиб, ишнинг гуноҳлигини билиб туриб, сўнг тавба этсам, яна аҳли солиҳлардан бўлиб қолавераман, дейиш, масиҳийларда бўлгани каби, черковга бориб, келажакда бир гуноҳ иш қилмоқчи эканини эътироф этиб, ўша гуноҳни ювиш учун пул тўлаб, «мағфират чиптаси» сотиб олишнинг бир тури, холос.

Юсуфнинг акалари ҳам шайтон васвасасига учиб, худди шунга ўхшаш амал қилмоқчи бўлишди. Лекин ичларидан қайси биринингдир виждони бу қабиҳликни кўтара олмади. Машъум фикр унга оғир келиб, шунинг учун гуноҳдан узоқроқ бир таклиф киритиб: «Улардан бир сўзловчи: «Юсуфни ўлдирманглар. Агар бирон иш қилмоқчи бўлсангиз, уни қудуқнинг қаърига ташланглар, баъзи йўловчилар олиб кетади», деди». (10) Ана ўшанда Юсуфдан қутулмасизлар, отангизнинг юзи сизга холи қолади. Гапнинг маъносидан, сўзловчи бу ишга қўшилмоқчи эмас-у, лекин кўпчиликнинг райига қарши чиқа олмайётганга ўхшайди. Аввало уларни Юсуфни ўлдиришдан қайтариши, қолаверса, «агар бирон иш қиладиган бўлсак», демасдан, «бирон иш қиладиган бўлсангиз», дейиши ҳам унинг кимлигини кўрсатиб турибди. Акалар гапни бир жойга қўйиб, режани амалга ошириш учун ҳаракатга тушдилар. Бориб, оталарини аврай бошладилар.

«Улар: «Эй отамиз, сен нега Юсуфни бизга ишонмайсан? Ҳолбуки, биз унга ихлос қилувчилармиз». (11) «Эртага уни биз билан юбор, еб-ичиб, ўйнаб келадир. Албатта, биз уни муҳофаза қилувчилармиз», дедилар». (12)

Жуда усталик билан айтилган гаплар. Аввал оталарига бир оз ҳужум қилиб, у кишини ўзларига ишонмасликда айблаб: «Эй отамиз, сен нега Юсуфни бизга ишонмайсан?» дейишмоқда. Аслида, уларга ишонмасликдан эмас, Юсуфнинг кичкиналигини эътиборга олиб эҳтиёт қилаётган бўлишлари мумкин-ку, ахир. Аммо улар оталарининг йўқ деб қолишларидан чўчиб, баланддан келдилар. Шу билан бирга: «Ҳолбуки, биз унга ихлос қилувчилармиз», бизнинг қалбимиз мусаффо, унга нисбатан ихлосга тўла, ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмаймиз, деб ўртадан шубҳани кўтармоқчи бўлдилар. Гапларининг сўнггида Юсуфнинг ўзларига қўшиб беришликни сўраб: «Эртага уни биз билан юбор, еб-ичиб, ўйнаб келади», дедилар. Сўнгга, яна шубҳа бўлмасин, деб изидан:

«Албатта, биз уни муҳофаза қилувчилармиз», дея орқасидан қўшиб қўйдилар.

Катта ўғилларидан бу сўзларни эшитган Яъқуб алайҳиссалом уларга уэр аралаш, раддия қилиб: «У: «Уни олиб кетишингиз мени хафа қилади. Сиз ундан ғофил қолсангиз, уни бўри еб кетишидан кўрқаман», деди». (13)

Яъқуб алайҳиссалом катта ўғилларига, уни сизларга ишониб, қўшиб юбора олмайман, деган маънодаги сўзни юмшоқроқ қилиб айтдилар. «Сиз ундан ғофил қолсангиз, уни бўри еб кетишидан кўрқаман», деди».

Юсуфдан ажраб қолиш у киши учун оғир эканини ҳам таъкидладилар. Лекин катта ўғилларини режага айланган мақсадлари тинч қўймас эди. Энди улар оталарини ўзларини камситишда айблаб бўлса-да, мақсадга эришмоқчи бўлдилар. «Улар: «Агар биз кўпчилик бўлиб туриб, уни бўри еб кетса, унда биз зиёнкорлардан эканмиз-да?!» дедилар». (14) Бу гап оталарига қаттиқ таъсир кўрсатиш учун айтилган эди. Улар, агар биз кўпчилик бўла туриб, биттаю битта укамизни ҳимоя қила олмай, бўрига егизиб юборсак, нима деган одам бўлдик, унда биз зиёнкор, ҳеч нарсага арзимайдиган, индамай бўрига ем бўлиб кетаверадиган одамлар эканмиз-да, демоқчи бўлдилар. Бунга ўхшаш гаплар одамга, албатта, қаттиқ таъсир қилади. Яъқуб алайҳиссалом ҳам ноилож қолиб, Юсуфни акаларига қўшиб юбордилар.

ШУМ НИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

«Уни олиб кетиб, қудуқ қаърига ташлашга қарор қилганларида, Биз унга: «Сен, албатта, уларга бу қилмишларининг хабарини берурсан, ўшанда улар сени сезмаслар ҳам», деб ваҳий қилдик». (15)

Ниҳоят, Юсуфнинг акалари ўзларининг машъум ниятларига етдилар. Уни қудуқ қаърига ташлаш ҳақидаги қарорларини амалга оширдилар. Қудуқ қаърида қалби хавфга тўлиб, ўлимни кутиб ўтирган ёш Юсуфга ваҳий келди:

«Унга: «Сен, албатта, уларга бу қилмишларининг хабарини берурсан, ўшанда улар сени сезмаслар ҳам», деб ваҳий қилдик».

Яъни, сен хафа бўлма, қўрқма ҳам, вақти-соати келиб, акаларингга ўзингга қилган жиёнатларининг хабарини берасан. Ўшанда вазият шу даражада ўзгарган бўладики, акаларинг сени танимайдилар ҳам.

Аллоҳ таоло бу башоратни қудуқ ичида бечора ҳолда ўлимни кутиб ўтирган Юсуфга айтмоқда. Қудуқда ўлим хавфи остида ўтирган одамнинг бирдан-бир фикри қандай қилиб бўлса ҳам, у ердан қутилиб чиқиш бўлади. Аммо ўзини шу ҳолга солганларга қилмишларини айтиб беришини ва ўшанда тажовузкорлар унинг Юсуф эканини хаёлларига ҳам келтирмасликларини фақат Аллоҳ таологина башорат қила олади. Ўзининг суюкли бандаси, бўлажак Пайғамбари Юсуфнинг қудуққа ташланиши ҳам, аслида, беҳикмат эмас. Балки рўй беражак катта ҳодисалар ва мартабалар сари бир поғона бўлган, ҳолос. Юсуф ўша ҳолда қудуқ қаърида қолди. Акалар эса, қилар ишни қилиб қўйиб, уйга равона бўлдилар ва:

ОТАНИ АЛДАШ

«Кечқурун йиғлаган ҳолларида оталарига келиб: (16)

«Эй отамиз, биз Юсуфни нарсаларимиз олдига қолдириб, ўзимиз қувлашиб кетсак, уни бўри еб қўйибди. Агар ростгўй бўлсак ҳам, сен бизга ишонмассан», дедилар». (17)

Ундай бемаза ишларни қиладиган ҳар бир шахс, ўз қилмишларини яшириш учун дастлаб айюҳаннос солади. Шу одат бўйича улар ҳам оталарига ўзлари тўқиб қўйган ёлғонни ишлатдилар. Ҳийла қилишда оталарининг уларга ҳадиксираб айтган гапидан фойдаландилар. Яъқуб алайҳиссалом: «Сиз ундан ғофил қолсангиз, уни бўри еб кетишидан қўрқаман», деган эдилар. Улар бу ҳоллари билан, биз ёшлик қилибмиз, сенинг гапингга кирсак бўлар экан, худди айтганингдек бўлди, биз ўйинга берилиб, ғофил қолибмиз, Юсуфни бўри еб кетибди, дейишмоқчи бўлишди ва бу гапнинг орқасидан: «Агар ростгўй бўлсак ҳам, сен бизга ишонмассан», дедилар». Бу ҳам қиларини қилиб қўйиб, баҳона ахтарганларнинг услубларидан биридир.

ЁЛҒОН ДАЛИЛ

«Ва унинг ёлғон қонга бўялган кўйлагини келтирдилар. У: «Йўқ! Сизга ҳавои нафсингиз бирор ишни зийнатлаб кўрсатибди. Энди чиройли сабр (дан бошқа чорам йўқ). Сиз васф қилаётган нарсада ёрдам сўраладиган зот ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи», деди». (18) Ўғиллар оталарини ишонтириш мақсадида ашъвий далил, деб Юсуфнинг кўйлагини ёлғондан қонга бўяб олиб келишди. Аммо Аллоҳнинг Пайғамбари Яъқуб алайҳиссалом гап нимада эканини тушундилар. Юсуфни бўри емагани ҳам у кишига аён бўлди. «У: «Йўқ! Сизга ҳавои нафсингиз бирор ишни зийнатлаб кўрсатибди», деди».

Йўқ! Юсуфни бўри еб кетибди, деган гапларингиз ёлғон. Сизлар бошқа иш қилгансизлар. Ўша ишни сизга ҳавои нафсингиз зийнатлаб кўрсатган, дедилар. Сўнгра: «Энди чиройли сабр (дан бошқа чорам йўқ)». Яъни, жигаргўшам, кичкинтойим Юсуфдан айрилиш мен учун катта мусибат, бу мусибатга сабр қиламан, холос. Сабр қилганда ҳам чидамсизлик, дод-вой ва турли номуносиб ҳоллар билан эмас, балки чиройли йўсинда сабр қиламан, дедилар. Сўнгра бундай пайтларда ёрдам сўраладиган манбани ҳам эслатдилар: «Сиз васф қилаётган нарсада ёрдам сўраладиган зот ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи». Яъни, сиз менга сифатлаб бераётган ҳодисада-Юсуфнинг йўқолишида менга ягона Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ёрдам қила олмайди. Шунинг учун Унинг Ўзидангина ёрдам сўрайман. Улар шундай туриб турсин. Энди қудуқ қаърида қолган Юсуфдан хабар эшитайлик:

«СУЮНЧИ БЕРИНГЛАР! БУ БОЛА-КУ!»



«Ва йўловчилар келиб (қудуққа) сувчиларини юбордилар. Бас, у челагини ташлади ва: «Суюнчи беринглар! Бу бола-ку!», деди. Уни тижорат моли сифатида яшириб қўйдилар. Зотан, Аллоҳ уларнинг нима қилаётганларини билгувчи зотдир». (19) Йўловчи савдо карвони дам олиш учун Юсуф ташланган қудуққа яқин жойга қўнди. Улар сувчиларини қудуқдан сув олиб келиш учун юбордилар. Биттаси қудуққа челақ ташлади. Юсуфни кўриб, қувониб кетди:

«Суюнчи беринглар! Бу бола-ку!», деди». Қарашса, ростданам ҳусн-чиройда тенги йўқ бир ёш бола. Савдогарнинг кўнгли доим тижоратда бўлади. Нимани кўрса, тижоратга қўйишни ўйлайди. Дарҳол Юсуфни ҳам савдога қўйишга, сотиб фойда олишга қарор қилдилар. Ерли аҳоли кўриб, болани таниб, биздан олиб қўймасин, дея уни яшириб қўйдилар.

Аммо: «Зотан, Аллоҳ уларнинг нима қилаётганларини билгувчи зотдир». Бечоралар ожиз фикрлари билан яширинча иш юритмоқчи бўладилар. Бандадан яшириш мумкиндир. Аммо Аллоҳдан яшириб бўлмайди.

АРЗОН БАҲОГА СОТИШ

«Ва уни арзон баҳога, санокли дирҳамларга сотдилар. Улар унга қизиқмаган эдилар». (20) Чунки қилмишлари фош бўлишидан кўрқдилар. Юсуфнинг ҳур инсон эканлиги, наслининг қанақалиги ошкор бўлиб қолса, бошларига нималар келишини яхши билардилар. Шунинг учун уни нима қилиб бўлса ҳам, тезроқ сотишга ҳаракат қилдилар.

«УНИ ЯХШИЛАБ ЖОЙЛАШТИР»

«Ва уни Мисрда сотиб олган (одам) ўз хотинига: «Уни яхшилаб жойлаштир, шояд бизга манфаат берса ёки бола қилиб олсак», деди. Мана шундай қилиб, унга тушларнинг таъбирини ўргатишимиз учун Юсуфни жойлаштириб қўйдик. Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар». (21)

Ушбу оятдан тижоратчилар Юсуфни Мисрда олиб келиб сотганлари маълум бўлмоқда.

«Ва уни Мисрда сотиб олган (одам) ўз хотинига: «Уни яхшилаб жойлаштир, шояд бизга манфаат берса ёки бола қилиб олсак», деди».

Бу одам Юсуфни кўриши биланоқ унда яхшилик борлигини, оддий қул эмаслигини англаган кўринади. Бўлмаса, ким ҳам ўзи сотиб олган қулни яхшилаб жойлаштиришни хотинига буюриб, қул болани фарзанд қилиб олишни ният этарди. Аллоҳ таоло ҳар ишга қодир. Акалари томонидан қудуққа ташланган, савдогарлар томонидан қул қилиб сотилган, бир иш қилишга ихтиёри йўқ Юсуф ҳақида Аллоҳ таоло энди: «Мана шундай қилиб, унга тушларнинг таъбирини ўргатишимиз учун Юсуфни жойлаштириб қўйдик», деб турибди.

Аллоҳнинг тадбири бўлмаса, карвон қаёқдаю қудуқ қаърида ўтирган Юсуф қаёқда? Карвон тўхтамай, ўтиб кетса ҳам бўлаверарди. Аммо тўхтади. Сувчисини юборди. У Юсуфни кўрди. Уни сотиб, фойда қилишмоқчи ҳам бўлдилар. Беркитиб қўйишмаса, бирорта маҳаллий одам уни кўриб, Мисрга бормаи қолиб кетиши ҳам мумкин эди. Лекин Аллоҳ уларнинг кўнглига беркитиб қўйишни солди. Уни Мисрда сотиб олган кишининг қалбида эса, меҳр-шафқат уйғотди. Мана шундай қилиб, уни энг яхши жойга жойлаштирди. Бу ҳам келажакда бўладиган улуг ишлар томон бир қадам силжиш эди. «Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир». Ғолиб сифати ила У зот юқорида айтилганларни қилди. «Лекин одамларнинг кўпи билмаслар». Жумладан, Юсуфнинг акалари ҳам билмайдилар.

ҲУКМ ВА ИЛМ

«Вояга етган вақтида унга ҳукми ва илми бердик. Гўзал иш қилгувчиларни шундай мукофотлармиз». (22) Яъни, Юсуф вояга етганда унга ҳамма нарсада тўғри ҳукм чиқариш ва илм фазлини бердик. Бу фазл унга гўзал амал қилгани учун берилди. Биз: «Гўзал иш қилгувчиларни шундай мукофотлармиз».

Юсуф вояга етиб, ҳар бир ишда тўғри ҳукм чиқарадиган соҳиби илм бўлган чоғида яна имтиҳонга учради:

АЁЛ УНДАН НАФСИНИ ХОҲЛАДИ

«У уйида бўлган аёл ундан нафсини хоҳлади. Эшикларни беркитиб: «Бу ёққа кел!» деди. У: «Аллоҳ сақласин! Ахир, у жойимни яхшилаб берган хўжам-ку! Албатта, золимлар нажот топмаслар», деди». (23) Яъни, Юсуф тушган уйдаги аёл-уни карвон эгаларидан сотиб олган кишининг хотини ундан нафсини қондиришини хоҳлади. У билан фаҳш иш қилмоқчи бўлди. «Эшикларни беркитиб: «Бу ёққа кел!» деди». Бу тасарруфотлар хотин Юсуфни жуда ҳам қаттиқ севиб, унга етишишга азму қарор қилганини кўрсатади. Бўлмаса, аёл киши ҳеч қачон уйдаги хизматкор йигитга эшикларни беркитиб туриб, бу ёққа кел, деб очикдан-очик айтмайди. Аммо, Юсуф хотин ўйлаган енгилтак йигитлардан эмас. У Аллоҳдан кўрқади, Аллоҳ унга ҳар бир нарсада тўғри ҳукм чиқаришни амр қилган ва илм берган. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳаром ишга бормади. «У: «Аллоҳ сақласин! Ахир у жойимни яхшилаб берган хўжам-ку! Албатта, золимлар нажот топмаслар», деди». Яъни, бундай ҳаром ишни қилишдан Аллоҳ сақласин, демоқда. Кейин у яхшиликни унутадиган одам ҳам эмас. Шунинг учун ҳам, ахир у, яъни, уй эгаси-хотиннинг эри, жойимни яхшилаб берган хўжам-ку, деди. Менга шунча яхшилик қилган инсонга хиёнат этиб, хотинининг гапига кириб, фаҳш иш қиламанми? Агар шундай қиладиган бўлсам, золимлардан бўламан.

«Албатта, золимлар нажот топмаслар, деди». Аммо хотиннинг зулм, хиёнат, адолат, риоят, Аллоҳдан кўрқиш, деган нарсалар билан иши йўқ эди.

«Батаҳқиқ, хотин унга интилни. У ҳам, агар Роббининг бурҳон-ҳужжатини кўрмаганида, у (хотин) га интилар эди. Ундан ёмонлик ва фаҳш ишларни

узоқлаштириш учун шундай қилдик. Албатта, у Бизнинг мухлис бандаларимиздандир». (24 оят) Юсуф гапга кирмай, унинг таклифини рад этгандан кейин, хотин ниятига етиш учун унга томон интилиб қолди. Аслида, бунақа пайтларда эркак киши аёлга интилимасмиди? Ҳолбуки, Юсуф эркаклиги комил инсон эди. Унда ҳам бошқа эркакларда бўлгани каби майл бор эди. У ҳам аёлга интилиши мумкин эди. Аммо унинг бошқалардан фарқли жойи-Роббининг бурқон-ҳужжати кўрган эди, ўшандай ҳужжатни кўриб туриб ҳам ҳаром ишга юрганида, ҳақиқий мўмин бўлолмас эди. Агар шу ҳужжат бўлмаганида, у ҳам хотинга интилган бўларди. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг инояти ила бўлмоқда. «Ундан ёмонлик ва фаҳш ишларни узоқлаштириш учун шундай қилдик». Биз қилган тадбир туфайли у ёмонлик ва фаҳш ишлардан, жумладан, у уйида турган аёл хоҳлаган бузуқликдан ҳам узоқ бўлди. Унга бунчалик ишларни раво кўрганимиз беҳуда эмас. «Албатта, у Бизнинг мухлис бандаларимиздандир». Хотин Юсуфга интилиб, у хотиндан қочиб: «Эшик томон чопишди. Хотин унинг кўйлагини орқасидан юлиб олди. Эшик олдида У(хотин)нинг хожасига дуч келишди. У(хотин): «Сенинг аҳлингга ёмонлик хоҳлаганининг жазоси фақатгина қамалмоқ ёки аламли азобдир», деди».

(25 оят) Хотиннинг нафси шу даражага етган эдики, Юсуфга интилибгина қолмай, уни қувишга тушди. Юсуф ҳам фоҳиша ишга умуман бормаслигининг таъкиди сифатида эшик томон қочди. Хотин қочаётган Юсуфнинг кўйлагидан ушлаб тортган эди, кўйлакнинг бир парчаси қўлида юлиниб қолди. Шу пайт кутилмаган иш содир бўлди: «Эшик олдида у(хотин)нинг хожасига дуч келишди». Хотиннинг эри келиб қолди. Нима қилиш керак?

Маккор хотин ўзини йўқотмай, дарҳол ҳужумга ўтди: «Сенинг аҳлингга ёмонлик хоҳлаганининг жазоси фақатгина қамалмоқ ёки аламли азобдир», деди».

Яъни, Юсуф менга-сенинг аҳлингга ёмон ният билан ҳамла этди, бузуқлик қилишни хоҳлади. Энди унинг жазоси ёки қамоқ, ёки аламли азоб бўлиши керак, деди. Хотиннинг бу бўҳтони қаршисида Юсуф ҳам жим турмади:

«У: «Унинг ўзи менинг нафсимни хоҳлади», деди. У(хотин)нинг аҳлидан бир гувоҳ гувоҳлик берди ва: «Агар унинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, бас, хотин рост айтибдир, у ёлғончилардандир». (26 оят)

«Агар унинг кўйлаги орт томондан йиртилган бўлса, бас, хотин ёлғон гапирибдир, у ростгўйлардандир», деди». (27 оят)

Юсуф хотиннинг бўҳтонини рад этиб, очиқчасига:

«Унинг ўзи менинг нафсимни хоҳлади», деганидан сўнг ким ҳақ эканини аниқлаш заруратга айланди. Бундай ҳолларда бир томоннинг фойдасига, иккинчи томоннинг зарарига ҳукм чиқариб, ҳақни изҳор қилиш учун далил керак бўлади. Худди шу ишга хотиннинг аҳлидан бир киши гувоҳлик берди. У гувоҳ ким эканлиги, ёши, қачон келгани, воқеадан қандоқ хабардор бўлгани айтилмайди. Лекин муҳими ва кераги айтилади. Афтидан, гувоҳ ақл-заковатли ва тадбиркор ҳамда одил одам бўлса керак, бу ҳодисадаги бирдан-бир ашъвий далилдан жуда ўринли фойдаланган. У ҳам бўлса, Юсуф кўйлагининг йиртиғидир. Хотин, Юсуф менга ҳамла қилди, демоқда. Юсуф эса, йўқ, унинг ўзи менга ҳамла қилди, деб рад этмоқда. Воқеани ҳеч ким кўрмаган. Фақатгина кўйлак йиртилган. Шунга қараб аниқлаш мумкин.

Мазкур гувоҳ ҳакамликни худди шу бирдан бир нозик нуқтадан чиқарди.

«У(хотин)нинг аҳлидан бир гувоҳ гувоҳлик берди ва: «Агар унинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, бас, хотин рост айтибди, у ёлғончилардандир».

Агар кўйлак олд томондан йиртилган бўлса, Юсуф ҳамла қилган, хотин эса, ҳимояланиш чоғида кўйлакнинг олдида йиртиб олган бўлади. У ҳолда хотиннинг даъвоси тўғри, Юсуф ёлғончи бўлади. «Агар унинг кўйлаги орт томондан йиртилган бўлса, бас, хотин ёлғон гапирибди, у ростгўйлардандир», деди».

Агар кўйлак орт томондан йиртилган бўлса, хотин ҳамла қилган бўлади. Хотин қочаётган Юсуфни тутиш учун ортидан ташланиб, кўйлакни йиртган бўлади. У ҳолда хотин ёлғон гапирган, Юсуф эса, ростгўй бўлади. Оқилона гап, одилона ҳукм. «Эр унинг кўйлагини орт томонидан йиртилганини кўрган пайтда: «Албатта, бу (иш) сиз хотинларнинг макрингиздир. Албатта, сиз хотинларнинг макри жуда зўрдир», деди». (28 оят) Эр Юсуфнинг кўйлаги орт томонидан йиртилгани кўргач, ҳамма нарсани тушунди. Лекин бу ишга оддий қаради. Ўзига ўхшаган оқбилақларга ўхшаб, хотинига бир нарса демади. Очиқ-ойдин айбдор бўлиб турган хотинга бир оғиз ҳам гап айтмай, умумий қилиб: «Албатта, бу (иш) сиз хотинларнинг макрингиздир. Албатта, сиз хотинларнинг макри жуда зўрдир» Худди бу айбни барча хотинлар қиладигандек эди. Шу билан ўзини ўзи алдаган оқбилақ эр ўзига хиёнат қилаётганида устидан чиқиб қолган хотинига ҳам бирор оғиз гап айтишга ярамади. Бир оз ўтиб, хиёнатчи хотиннинг оқбилақ эри Юсуфга қараб: «Эй Юсуф, сен бу ишни унут. Сен, хотин, гуноҳингга истиғфор айт. Албатта, сен хато қилгувчилардан бўлдинг», деди». (20 оят) Айшу ишратга берилган табақалар орасида бунақа ҳодисалар тез-тез учраб туради. Шунинг учун ҳам эр бу номуссизликка тузукроқ чора кўришнинг ўрнига, ёпиғлиқ қозонни ёпиғлиқ ҳолида қолдиришга ҳаракат қилди. Оиласининг айбини очиши мумкин бўлган бирдан-бир шахсга-Юсуфга қарата: «Эй Юсуф, сен бу ишни унут», деди. Яъни, эсингдан чиқариб юбор. Туя кўрдингми, йўқ. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверсин. Ичкарида нима бўлса, бўлаверсин. Ичкаридаги гап ташқарига чиқмаслиги керак. Лекин Аллоҳнинг билиши билан ишлари йўқ. Асосий айбдорга-хотинга нима жазо? Ўз аҳлидан бўлган шохиднинг олдида фаҳш ишга урингани ашъвий далил билан собит бўлган хотинга эр нима жазо белгилайди? Бунинг жазоси ҳам ўша зодагон табақанинг ўзига хос: «Сен, хотин, гуноҳингга истиғфор айт. Албатта, сен хато қилгувчилардан бўлдинг», деди». Сен хато қилдинг. Сени ҳар қандай жазога тортса бўлади, майли, гуноҳингга истиғфор айтиб, кечирим сўраб қўйсанг, бўлди. Шу билан иш битади.

МИШ-МИШ ТАРҚАЛДИ

Лекин ҳар қанча уринмасинлар, барибир шаҳар аёллари ўртасида бу гап тарқаб кетди. Чунки зебу зийнатга, айшу ишрат, кайфу сафога берилган табақага шунақа иш керак, бир гапнинг учини топсалар, бўлди, унга қўшиб-чатиб, оламга дoston қилиб юборадилар. «Шаҳардаги аёллар: «Азизнинг хотини хизматкорининг нафсини хоҳлабди. Унга жуда ҳам муҳаббат қўйиб қолган экан-да! Биз у (аёл)ни, албатта, очиқ-ойдин адашувда деб биламиз», дейишди». (30) Ушбу оятда биринчи марта «Азиз» деб эрнинг кимлиги, унинг мансаби зикр этилмоқда. Бундан аввал эса, Юсуфни Мисрда сотиб олган киши, хотиннинг эри, хотиннинг хўжайини каби сифатлар билан васф қилиниб келинаётган эди. «Азиз» ўша вақтдаги бош вазир. Мисрда подшоҳлар «фиръавн», бош вазир эса «азиз» деб аталган. Демак, юқорида юз берган машмашалар ҳукмдор табақада бўлаётган экан. Бу доираларда доимо шундай бўлади. Аёлнинг ўзини эмас, кимнинг хотини эканлигини айтиб туриб айблаш ҳам хотинларнинг қизиқ бир ҳолати. Бузуқ тоифаларнинг йўсини шу-да ўзи. «Азизнинг хотини хизматкорининг нафсини хоҳлабди». Бошқа вақтда зикр қилмасалар ҳам, бунақа ишлардан кейин хотиннинг кимнинг хотини эканини чертиб айтишади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ҳозиргача у одамнинг кимлиги айтилмай келгандир. «Унга жуда ҳам муҳаббат қўйиб қолган экан-да!» Юрагидан уриб қолган экан-ку. Уни кўрмаса, туролмас экан. «Биз у (аёл)ни, албатта, очиқ-ойдин адашувда деб биламиз, дейишди».

Шунчалик улуғ одамнинг хотини ҳам шунақа ишни қиладими! Қаранг-а: қанақа хотин экан! Залолатга кетмаган бўлса, бундай қилмасди. Кўзини ёғ босиб қолган. Тўқликка шўхлик-да. Азизнинг хотини ҳам анойи эмас.

«БУ КАРАМЛИ ФАРИШТАНИНГ ЎЗИ-КУ!»

«У уларнинг макри ҳақида эшитган вақтда, уларга одам юбориб чақирди. Уларга суяниб ўтирадиган жой тайёрлади. Ва ҳар бирларига пичоқ берди. Сўнгра (Юсуфга): «Уларнинг олдига чиқ!» деди. Уни кўрган чоғларида лол қолдилар, қўлларини кесдилар. Ва: «Ё пок Парвардигоро! Бу башар эмас! Бу карамли фариштаннинг ўзи-ку!» дейишди». (31)

Бош вазирнинг уйига меҳмонга чақирилганликларидан миш-миш тарқатган аёллар ҳам юқори табақадан эканлиги маълум бўлади.

«У уларнинг макри ҳақида эшитган вақтда, уларга одам юбориб чақирди. Уларга суяниб ўтирадиган жой тайёрлади».

Шаҳардаги аёлларнинг миш-мишларидан хабардор бўлган Азизнинг хотини уларнинг ҳаммасини меҳмонга чақирди. Ўша вақтнинг урфига биноан суянчиқли ўринларни ҳам тайёрлаб қўйди. Ўзи олдиндан тузиб қўйган режа бўйича: «ҳар бирларига пичоқ берди».

Меҳмондорчиликда дастурхондаги ноз-неъматлардан кесиб, еб ўтиришарди.

«Сўнгра (Юсуфга): «Уларнинг олдига чиқ!» деди».

Мени маломат қилган оғзи полвон хотинлар сени бир кўриб қўйсин!

«Уни кўрган чоғларида лол қолдилар».

Юсуф меҳмонларнинг ҳузурига чиқди. Аёллар унинг ҳусну жамолини кўриб, бошлари айланиб, лол қолдилар, ҳайратга тушдилар ва беихтиёр, қўлларидаги пичоқлар ила: «Қўлларини кесдилар». Бу ҳол уларнинг ҳушлари бошидан учганлигининг таналаридаги тамғаси, ҳужжат-далили бўлиб қолди. Азизнинг хотини беҳудага улардан ҳар бирининг қўлига пичоқ бермаган ва кесиб ейиладиган таомларни тайёрламаган эди. Юсуфнинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлиш ўзининг бошидан ўтган, шунинг учун бошқа аёлларнинг ҳоли нима бўлишини ҳам яхши билар эди. Меҳмон аёллар тамоман ўзларини йўқотдилар. Қўллари кесилганини ҳам сезмасдан, ҳайрат ва ҳаёжонларини яшира олмай, беихтиёр: «Ё пок Парвардигоро! Бу башар эмас! Бу карамли фариштаннинг ўзи-ку!», дейишди». Ана шунда Азизнинг хотини уларнинг бу ҳолини, Юсуфнинг ҳусну жамоли олдига таажуб ва ҳайрат ила лол бўлганларини кўриб, ўзини ёғиб сезди. Энди у ўзини маломат қилган аёллар устидан кула бошлади.

«У: «Сиз мени маломат қилган эдингиз. Ҳа, мен ундан нафсини хоҳладим, бироқ у ўзини сақлади. Агар у менинг амримни бажармаса, албатта, қамалур ва хор бўлгувчилардан бўлур», деди». (32) Мазкур масалада бошқани маломат қилиб турган аёллар ундан ҳам баттар аҳволга тушиб, ҳаёжонларини яшира олмай қолганидан кейин Азизнинг хотини сипо гапни йиғиштириб, пардасиз, беҳаё гапга ўтди. «Сиз мени маломат қилган эдингиз».

Азизнинг хотини хизматкорининг нафсини хоҳлабди, демаганмидингиз? Хизматкорим шу йигит. Ҳа, қани айтнинг-чи, ўзингизга нима бўлди? Нимага қўлингизни кесиб олдингиз? Нимага буни башар эмас, малак, демоқдасиз? Қандоқ бўлар экан? Гапириш жуда осон. «Ҳа, мен ундан нафсини хоҳладим, бироқ у ўзини сақлади». Энди азизнинг хотин фаҳш ишни хоҳлаганини ҳам яширмай қўйди. Юсуфнинг поклигини ҳам тан олди. Аёл фахрлана бошлади. Мисрнинг казо-казо аёллари ошиқу беқарор бўлиб қолган йигит унинг хизматкори эди. Унинг қўли остида эди. Унинг айтганини қилар эди. Аёллар олдига фахр билан: «Агар у менинг амримни бажармаса, албатта, қамалур ва хор бўлгувчилардан бўлур, деди». Яъни, мен айтган фаҳш ишни қилмаса, уни қаматаман ва хору зор қиламан, деди. Бу гапларни эшитган Юсуф алайҳиссалом

дарҳол: «У: «Эй Роббим, улар мени чорлаётган нарсадан кўра мен учун қамоқ маҳбуброқдир, бу (аёл)ларнинг макрини мендан ўзинг нари қилмасанг, уларга мойил бўлиб, жоҳиллардан бўлиб қоламан», деди». (33) Энди Юсуфни фақат Азизнинг хотини эмас, меҳмонга келган аёллар ҳам яхши кўриб қолишган эди. У аёллар ҳам Азизнинг хотинини қўллаб-қувватлашарди. Шунинг учун ҳам Юсуф алайҳиссалом: «Эй Роббим, улар мени чорлаётган нарсадан кўра, мен учун қамоқ маҳбуброқдир», демоқдалар. Улар-ана у хотинлар чорлаётган ҳаром ишни қилишдан кўра, менга қамоқ яхшироқдир. Дарҳақиқат, Юсуф қийин имтиҳонга учраган эди. Шунинг учун ҳам, ўзларига ишончлари етарли бўлса-да, банда эканликларини назарда тутиб, Аллоҳ таолодан ёрдам сўрамоқдалар: «Бу (аёл)ларнинг макрини мендан ўзинг нари қилмасанг, уларга мойил бўлиб, жоҳиллардан бўлиб қоламан», деди. «Бас, Робби унинг (дуосини) ижобат қилиб, уларнинг макрини ундан нари қилди. Албатта, Унинг Ўзи эшитгувчи ва билгувчи зотдир». (34) Аллоҳ қайси йўл билан бўлса ҳам, Юсуфни бу фитнадан қутқарди. Муҳими шу бўлгани учун қандай қилиб, нима восита билан қутқаргани айтилмади. Асосийси, банда чин қалбдан Аллоҳга илтижо қилиб сўраса, Аллоҳ унинг дуосини ижобат этиб, сўраганини беришидир. «Бас, Робби унинг (дуосини) ижобат қилиб, уларнинг макрини ундан нари қилди». Юсуф алайҳиссалом ҳам жуда қийин ҳолатга тушиб қолишларига қарамай, собит турдилар, ўзларини ҳаромдан олиб қочдилар ва Аллоҳдан тинмай ёрдам сўрадилар, оқибати хайрли бўлди. Аллоҳ хотинларнинг макрини у кишидан нари қилди. «Албатта, Унинг Ўзи эшитгувчи ва билгувчи зотдир». Бандаси илтижо қилса, сўраса, албатта, эшитади, банданинг ҳолини ва ниятини билади ҳамда шунга қараб, ўзи билиб тасарруф қилади.

ЮСУФ ҚАМОҚДА

«Сўнгра оят-аломатларни кўрганларидан кейин уларга уни бир муддат қамашлари аён бўлди». (35) Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг, Азиз ва унинг атрофидагиларга, хотиннинг аҳлига Юсуфнинг беайб эканлиги аломатлари зоҳир бўлиб, кўзлари билан кўрганларидан кейин, уни бир муддат қамашлари аён бўлди. Қизиқ ва мантиқсиз иш, лекин аччиқ ҳақиқат. Одатда, соғлом жамиятда биров тухматга учраса, текширганларида унинг айбсизлиги аён бўлса, узр айтиб, ҳақиқат тикланади. Буларнинг жамияти бўлса, кўйлакнинг орт томонидан йиртилганини кўрди. Хотин кўпчиликнинг олдида, мен унинг нафсини хоҳладим, аммо у ўзини олиб қочди, деб эътироф қилди. Шунингдек, бошқа аломатлар ҳам бўлгандир. Қисқаси, Юсуф алайҳиссаломнинг покликлари юз фоиз исбот қилингандан кейин «Сенинг поклигинг собит бўлди. Баракалла, кел, энди сени қамаб қўяйлик», дейишмоқда. Бундай ажойиботлар айни ишрат кетидан тушиб, ор-номусни йўқотган ҳукмдор, зодагон табақаларда бўлиши мумкин, холос. Ҳамма фитнани кўзғаган, айбнинг борини қилган ва кўпчилик олдида, «ишни мен қилдим», деб фахрланиб турган хотинга эса, ҳеч гап бўлгани йўқ.

Аммо пок бўла туриб, ўзини тутган бечорани беғуноҳлиги аниқ бўлгандан сўнг ўзларининг обрўларини сақлаш учун қамашмоқда. Авом халқ унинг қамалганини эшитса, ҳа, ўзидан бир гап ўтган бўлса керак, бўлмаса, қамашмасди, дейди-да. Шундай қилиб, Юсуф алайҳиссаломнинг бошларига янги синов келди. У киши қамоққа тушди.

ТУШ ТАЪБИРИ СЎРАШ

«У билан қамоққа иккита йигит ҳам кирди. Улардан бири: «Мен тушимда, шароб тайёрлаб юрибман», деди. Бошқаси эса: «Мен бошимда нон кўтариб юрибман, қуш ундан емоқда», деди. «Бизга бунинг таъбирини хабар қил. Биз сени, шубҳасиз, яхши амал қилгувчилардан, деб билмоқдамиз». (36)

Қамоқда турли одамлар бор эди. Жумладан, Юсуф алайҳиссаломга ўхшаб олий табақа истаган ишни қилмай, уларнинг қаҳрига учраганлар ҳам. Юсуф алайҳиссаломнинг ақл-заковати, тақвоси, художўйлиги ошкор кўришиб турганидан қамоқдаги одамлар у зотга кўнгилларини очадиган, маслаҳат сўрайдиган бўлишди.

«У билан қамоққа иккита йигит ҳам кирди».

Яъни, Юсуф алайҳиссалом қамалганда, бошқа икки йигит ҳам банди эди. Бир куни ўша икки йигит у кишининг ҳузурларига келишди:

«Улардан бири: «Мен тушимда, шароб тайёрлаб юрибман», деди».

Яъни, узумни сиқиб, ундан хамр-шароб тайёрлаб юрибман, деди. Бошқаси эса: «Мен бошимда нон кўтариб юрибман, қуш ундан емоқда», деди».

Иккинчи йигитнинг туши ҳам ўзига хос эди. Икковлари ҳам тушларининг таъбирини билишни хоҳлардилар.

«Бизга бунинг таъбирини хабар қил. Биз сени, шубҳасиз, яхши амал қилгувчилардан, деб билмоқдамиз».

Шунинг учун ҳузурингга келдик. Бўлмаса, келмас эдик, дейишди.

ҚАМОҚДА ДИНГА ДАЪВАТ

Ҳақиқий даъватчи Аллоҳнинг йўлига даъват қилишда ҳар бир ҳолатдан унумли фойдаланади. Юсуф алайҳиссалом ҳам йигитларнинг эҳтиёж туфайли ҳузурларига келишганини даъват учун қулай фурсат билди. Кўнгилларини тўқ қилиш учун аввал уларни қизиқтираётган масалада гап очиб қўйиб, сўнгра даъватга ўтдилар:

«У: «Мен сизларга ризқ бўладиган таом келгунига қадар унинг қандай эканининг хабарини берурман. Бу иш менга Роббим таълим берган нарсалардандир. Чунки мен Аллоҳга иймон келтирмайдиган ва охиратга кофир бўлган қавмнинг миллати-динини тарк этган одамман». (37)

Юсуф алайҳиссалом ўзларига умид билан қараб турган икки йигитга латофат билан жавоб бердилар. Дастлаб, улар тушунолмай қийналаётган жумбоқни ечиш осон иш эканлигига ишора қилдилар.

«У: «Мен сизларга ризқ бўладиган таом келгунига қадар унинг қандай эканининг хабарини берурман», деди.

Яъни, келажакда етадиган ризқнинг хабарини бериш имкони борлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, бу фазлнинг ҳақиқий масдарига далолат қилиб:

«Бу иш менга Роббим таълим берган нарсалардандир», деб қўшиб қўйдилар.

Шу билан бирга, ўзларига Парвардигори Олам бошқа нарсаларни ҳам таълим берганлигини билдирдилар ва ўша Роббоний таълим асосида иш олиб бораётганлари ҳақида хабар бериб:

«Чунки мен Аллоҳга иймон келтирмайдиган ва охиратга кофир бўлган қавмнинг миллати-динини тарк этган одамман», дедилар.

Демак, у кишининг ақидалари ва даъват қилаётган динлари бошқа динлар қатори Аллоҳга ва охират кунига иймон келтиришга асосланган. Бу икки унсур ҳамма Пайғамбарларнинг ақидасидир. Сўнгра Юсуф алайҳиссалом сўзларини давом эттирдилар:

«Ва оталарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубнинг миллати-диниға эргашдим. Биз учун Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш мумкин эмас эди. Бу бизга ва одамларга Аллоҳ берган фазл эди. Лекин одамларнинг кўплари шукр қилмаслар». (38)

Юсуф алайҳиссалом бу сўзлари билан куфрни тарк этибгина қолмай, ҳидоят, иймон йўлиға юриш зарурлигини ҳам қамоқдаги шерикларига англамоқдалар. Уларни куфр миллатини ташлаб, иймон миллатига эргаштишга даъват қилмоқдалар.

«Ва оталарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубнинг миллати-диниға эргашдим».

Бу миллат холис тавҳид миллатидир. Унда куфр ва ширкдан асар ҳам йўқ.

«Биз учун Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш мумкин эмас эди».

Агар шундай бўладиган бўлса, мўмин бўлмасдик.

«Бу бизга ва одамларга Аллоҳ берган фазл эди».

Ҳидоятга эришиб, тавҳид йўлида юриш катта бахт. Бу бахтни эса, фақат Аллоҳнинг Ўзигина бера олади. Ўзини билган одам учун бу улкан фазлдир. Унга шукр этиш, ўша ҳидоятда собитқадам бўлиш зарур.

«Лекин одамларнинг кўплари шукр қилмаслар».

Оқибатда, бу тенгсиз фазилатдан бебаҳра қоладилар.

«Эй ҳамзиндон дўстларим, турли-туман Робблар яхшими ёки Ёлғизу Қаҳҳор Аллоҳми?» (39)

Юсуф алайҳиссаломнинг ҳибсдаги шерикларига берган ушбу савол ҳар бир инсон ўйлаб кўриши лозим бўлган саволдир. Ҳамма нарсага ҳукми ўтадиган, бутун борлиқни Ўзига бўйсундира оладиган, Қаҳҳор сифатига соҳиб ёлғиз Аллоҳни Робб-тарбиякунанда деб билган яхшими ёки бу сифатларнинг тариқчасига эга бўлмаган турли-туман худоларни Робб-тарбиякунанда қилиб олган яхшими?

Ҳақ жавоб битта: Қаҳҳор зот бўлмиш ёлғиз Аллоҳни Робб-тарбиякунанда қилиб олишдан бошқа яхшилик йўқ. Чунки:

«Сизлар ундан ўзга, ўзингиз ва ота-боболарингиз номлаб олган исмларга, Аллоҳ уларга бирон ҳужжат нозил қилмаган нарсаларга ибодат қилмоқдасизлар. Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир, У фақат Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди. Ана ўша тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар». (40)

Қаҳҳор сифатига эга бўлган ёлғиз Аллоҳни Робб деб билиш тўғри бўлгандан кейин Унга ибодат қилиш, яъни, Унга бўйинсуниш, Унинг айтганини қилиш, Унгагина сиғиниш керак.

«Сизлар Ундан ўзга, ўзингиз ва ота-боболарингиз номлаб олган исмларга, Аллоҳ уларга бирон ҳужжат нозил қилмаган нарсаларга ибодат қилмоқдасизлар».

Яъни, бўйинсунмоқдасиз, уларни рози қилиш учун уринмоқдасиз, сиғинмоқдасиз. Ҳолбуки, сиз ибодат қилаётган нарсалар ўзингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган номлар, холос. Улар турли-тумандир. Баъзиларни ўзингиз ёки ота-боболарингиз қўл билан тош-ёғочдан йўниб олгансизлар. Баъзилари эса, ҳайвонлар ёки ўзингизга ўхшаган одамлардир. Яна баъзилари турли-туман урф-одат, тузум ёки фирқалардир. Буларнинг ҳеч бири инсонлар учун парвардигор бўлишлик салоҳиятига эга эмаслар. Аллоҳ уларнинг Робб бўлишлари ҳақида бирон ҳужжат ҳам нозил қилган эмас. Аслида:

«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир».

Демак, ер юзида бандалар устида ҳукми юрадиган биттагина зот бор, у ҳам бўлса, Аллоҳ таолодир. Ҳаммага, ҳамма нарсага фақат Унинг ҳукмигина жорий бўлмоғи лозим. Ҳамма фақат Унинг ҳукми билангина яшамоғи лозим. Ундан ўзганинг ҳукм чиқаришга ҳаққи йўқ. Ҳукм қилиш хос бўлган зот Аллоҳдир.

«У фақат Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди».

Ундан ўзгага ибодат қилманг, бўйинсунманг, ҳукмига юрманг, рози қилишга уринманг ва сиғинманг.

«Ана ўша тўғри диндир».

фақат Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилишлик, Ундан ўзгага ибодат қилмаслик энг тўғри диндир-бўйинсунишликдир, ибодат қилишликдир, ҳукмига юришликдир.

«Лекин одамларнинг кўпи билмаслар».

Шунинг учун бу одамлар Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб, турли низомларнинг, ўзларига ўхшаган одамларнинг, фирқаларнинг ҳукмига юрадилар. Бу билан ўша тоғутларга ибодат қиладилар.

Шу билан Юсуф алайҳиссаломнинг зиндондаги дўстларини Аллоҳнинг йўлига даъват қилишлари охирига етади. Энди икки йигитнинг фикрларини ишғол қилиб турган масалага, улар кўрган тушларни таъбир қилишга ўтадилар:

ТУШ ТАЪБИРИ

«Эй ҳамзиндон дўстларим, сизлардан бирингиз хўжасига хамр соқийлиги қилади. Бошқаси бўлса, осилади ва қушлар унинг бошидан ейди. Сиз билмоқчи бўлган иш битди», деди». (41)

Юсуф алайҳиссалом туш таъбирини айтишда жуда риоя билан, одоб билан иш тутдилар. Ҳалиги йигитларга, сенинг тушингнинг таъбири бу, сеники бу демадилар. Балки тушининг таъбири нохуш бўлган шахсга оғир ботмаслиги учун:

«сизлардан бирингиз хўжасига хамр соқийлиги қилади. Бошқаси бўлса, осилади ва қушлар унинг бошидан ейди», дедилар.

Албатта, шунинг ўзи ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб турибдики, тушида шароб сиқаётган йигит яна бориб, хўжаси-подшоҳ саройида соқий бўлиб хизмат қилар экан. Тушида бошида нон кўтариб юрган, ўша нондан қушлар чўқиб еяётганини кўрган шахс эса, осилади ва қушлар келиб, бошини ейди.

«Ва у ўзи икковларидан нажот топгувчи деб билган шахсга: «Хўжанг ҳузурида мени эсга ол», деди. Шайтон унга хўжасига эслатишни унуттирди. Бас, у қамоқда бир неча йил қолди». (42)

Юсуф алайҳиссалом икки ҳамзиндон дўстларига тушларининг таъбирини айтиб бўлганларидан сўнг, улардан нажот топади, деб билган шахсга, яъни, соқийга:

«Хўжанг ҳузурида мени эсга ол», дедилар.

Чунки туш таъбири бўйича, бу йигит яна саройга кириб, хўжаси подшоҳга соқий бўлиши кутилди. Худди ўша подшоҳ Юсуф алайҳиссаломни суриштирмай-нетмай, турли иғво-бўхтонлар асосида қамашга амр қилган эди. Унга яқин бўлган соқий қамоқда ноодил ҳукм ила бир мазлум ётганини эслатса, бирор кушойиш бўлармикан, деган хаёлга бордилар.

Дарҳақиқат, тушнинг таъбири тўғри чиқди. Ҳалиги йигит қамоқдан озод бўлиб, яна подшоҳга соқийлик қила бошлади. Аммо Юсуф алайҳиссаломнинг илтимосини бажо келтирмади.

«Шайтон унга хўжасига эслатишни унуттирди».

Яъни, шайтон соқийга подшоҳ ҳузурида Юсуф алайҳиссаломни эслатишни унуттирди. Оқибатда:

«Бас, у қамоқда бир неча йил қолди».

Бу эса, бандалар воситаси ила эмас, фақат Аллоҳ таолонинг хоҳиши ила ишлар ҳал бўлишидан бир дарс эди. Аллоҳга муқарраб бўлган бандалар доимо унинг ўзидан сўрашлари ва кутишлари лозимлигининг яна бир таъкиди эди.

ПОДШОҲ ТУШ КЎРДИ

«Подшоҳ: «Мен тушимда еттита семиз сигирни еттита ориқ сигир еяётганини ва еттита яшил бошоқни ва шунча қуруғини кўрмоқдаман. Эй аъёнлар, агар туш таъбирини қиладиган бўлсангиз, менга тушимнинг фатвосини беринг», деди».

(43)

Миср подшоҳининг «кўрмоқдаман» деб айтишидан мазкур тушни бир эмас, бир неча марта кўрганлиги маълум бўлади. У фақат шу тушни кўраверганидан кейин аъёнларини тўплаб, уларга тушни айтган ва таъбир қилишларини сўраган.

«Улар: «Бу алғов-далғов тушдир. Биз бундай туш-ларнинг таъбирини билувчи эмасмиз», дедилар». (44)

Биз «алғов-далғов туш» деб таржима қилган маъно оятда «адғасу ахломин» деб келган. Араб тилида «адғас» деб ҳўлу қуруқ аралаш ўт боғламига айтилади, «аҳлом» эса, «ҳулм»нинг жами бўлиб, уйқуда кўрилган бўш хаёл маъносида ишлатилади.

Аслида, аъёнлар подшоҳ тушининг яхшиликка далолат қилмаслигини билсалар ҳам, қандайдир кўнгилсизликка ишора эканлигини англасалар ҳам, бу ҳақда ҳеч нарса демадилар.

Ҳукмдорлар атрофидаги аъёнларнинг доимий одати бу. Ҳукмдорга ёқадиган гапларни ташишда бир-бири билан мусобақа қилишади. Аммо унга ёқмайдиган гап бўлса, айтишдан ўзларини тортадилар. Миср подшоҳининг аъёнлари ҳам худди шу ишни қилдилар. Ўзларини четга олиб, бу алғов-далғов туш экан, бунақа тушларнинг таъбирини билмаймиз, деб қутулдилар.

Подшоҳ ҳузурида аъёнлар иштирокида туш ҳақида баҳс қизиганда, ўша ерда хизмат қилиб юрган соқийнинг эсига қамоқда тушининг таъбирини айтиб берган шахс, яъни, Юсуф алайҳиссалом тушди. Унинг туш таъбирини айтишдаги илмини ҳаётида синаб кўрганидан, у ҳақда жамоатга, подшоҳга хабар беришни лозим топди.

«Ва иккисидан нажот топгани анча муддат ўтгандан сўнг хотирлаб: «Бунинг таъбирининг хабарини сизга мен бераман. Мени юборинг», деди». (45)

Яъни, Юсуф алайҳиссалом билан қамоқда бўлган икки йигитдан қутулиб чиққани бир неча йиллар ўтгандан сўнг Юсуфни ва унинг туш таъбири билимдони эканини хотирлаб, подшоҳ ва аъёнларга:

«Бу тушнинг таъбирининг хабарини сизга мен бераман. Мени юборинг», деди.

Яъни, мени Юсуфнинг ҳузурига юборинг, деди. Уни юбордилар.

БИЗГА ТАЪБИР АЙТ

У қамоққа кириб, Юсуфни топди, унга қараб:

«У: «Юсуф, эй ростгўй зот, бизга еттита семиз сигирни еттита ориқ сигир еяётганини ва еттита яшил бошоқни ва шунча қуруғининг таъбирини айт. Шоядки одамларга қайтиб борсам, улар ҳам билсалар», деди». (46)

Соқий йигит Юсуф алайҳиссаломни «сиддиқ»-ростгўй зот, деб атамоқда. Чунки, у Юсуфнинг ростгўйлигини тажрибада синаб кўрган. Сўнгра у подшоҳнинг тушини таъбир қилиб беришни сўради, кейин уларга бориб етказиши зарурлигини ҳам таъкидлади. Юсуф алайҳиссалом унга қуйидагиларни айтдилар:

«У: «Кетма-кет етти йил зироат қиласизлар. Йиғиштириб олган ҳосилингни бошоғида қолдиринг. Магар озгина ейдиганингни (қолдирмасангиз ҳам бўлур)». (47)

Яъни, подшоҳ тушида кўрган еттита семиз сигир ва яшил бошоқнинг таъбири шулки, етти йил жуда серҳосил келади. У йилларда сизлар кетма-кет дон экиб, зироат қиласизлар. Ҳосил тўплайсизлар. Ўшанда тўплаган

ҳосилларингизни бошоғида қолдиринг. Яхши сақланади. Чиримайди, қурт-қумурсқалар тешиб кетолмайди. Фақат ўзингиз учун ейишга ярашасини олсангиз, бўлаверади.

«Сўнгра, ундан кейин еттита шиддатли (йил) келур, улар олдиндан тайёрлаб қўйганингизни ейдилар. Магар озгина асраб қўйганингизгина қолур». (48)

Яъни, серҳосил етти йилдан кейин яна шунча шиддатли, қаҳатчилик йиллари келади. Подшоҳнинг тушидаги етти ориқ сигир ва қуруқ бошоқ шунга ишорат. Ўша етти шиддатли, қаҳатчилик йили ўзидан олдинги етти серобчилик йилини ейди.

Бошқача қилиб айтганда, етти мўл-кўлчилик йилида тўпланган ҳосилни етти қаҳатчилик йилида ейсизлар. Фақат уруғ учун сақлаб қўйган озгина донгина ейилмай қолади.

«Сўнгра ундан кейин бир йил келадик, унда одамлар сероб қилинурлар ва унда (меваларни) сиқурлар», деди». (49)

Бу оятда келатган башорат подшоҳнинг тушидан ташқаридадир. Яъни, Миср подшоҳи кўрган тушда бундай йилга таъбир қилинадиган ишора йўқ. Бу кейингиси Юсуф алайҳиссаломнинг Пайғамбарлик мўъжизаларидир.

Етти йиллик серобчиликдан кейинги етти қаҳатчилик йили тугаб, ундан сўнгра келадиган йилда ниҳоятда серобчилик бўлар экан. Унда одамлар устидан барака ёғиб, фаровонлик, мўл-кўлчилик бўлар, одамлар еганларидан ташқари турли меваларни сиқиб, лаззатли ичимликлар ҳам тайёрлашар экан.

Юсуф алайҳиссалом соқийга ушбу гапларни айтганларидан кейин бу кўриниш тамом бўлади.

«УНИ МЕНГА КЕЛТИРИНГЛАР»

Келаси оятда эса, қиссанинг навбатдаги бошқа бир кўриниши тасвирга чиқади. Унда соқийдан Юсуф алайҳиссалом айтган таъбирни эшитган Миср подшоҳнинг сўзи келтирилади:

«Подшоҳ: «Уни менга келтиринглар», деди. Унга элчи келган пайтда: «Хўжанг ҳузурига қайтиб бор ва ундан қўлларини кесган хотинларнинг ҳоли нима бўлганини сўра, албатта, Роббим уларнинг макрини билгувчидир», деди». (50)

Соқийдан хабарни эшитган подшоҳ Юсуф алайҳиссаломни ҳузурига олиб келишни амр этиб:

«Уни менга келтиринглар, деди».

Подшоҳнинг амри билан элчи тезда Юсуф алайҳиссаломнинг олдиларига, қамоқхонага келди ва хушxabарни етказди. Бундай хабар ҳар қандай одамни қувончга солиши табиий. Беайб ҳолда йиллаб қамоқда ётган инсонни қамашга амр қилган одамнинг ўзи яхши ниятда ҳузурига чорлаётир.

Бундай пайтда ҳар қандай одам чақириққа зудлик билан лаббай, деб жавоб берар ва подшоҳ ҳузурига учиб борар эди. Аммо Юсуф алайҳиссалом бундай қилмадилар. Туш таъбирини сўраб келишганда, умумхалқ манфаатини кўзлаб, ҳеч қандай шарт қўймай, содиқлик билан уни таъбир қилиб, кўрилиши лозим бўлган чораларни батафсил сўзлаб берган эдилар, лекин шахсларига тегишли хабар келганда, қамоқдан чиқмай туришга қарор қилдилар.

«Унга элчи келган пайтда: «Хўжанг ҳузурига қайтиб бор ва ундан қўлларини кесган хотинларнинг ҳоли нима бўлганини сўра, албатта, Роббим уларнинг макрини билувчидир», деди».

Юсуф алайҳиссалом қамоқдан чиқишдан аввал подшоҳга ҳам, бошқаларга ҳам ўзларининг беайб эканликларини билдириб қўйишни ва орани очиқ қилиб олишни хоҳладилар. Қамалишларига сабаб бўлган ҳодисани қайта текширишни талаб қилдилар. Лекин бу ишда ҳам юксак одоб намунасини кўрсатдилар. Асосий айбдорни-Азизнинг хотинини эмас, кўпчиликни, яъни, қўлларини кесган

хотинларни эсга олдилар. Аллоҳ таоло ишнинг ҳақиқатини билиб турибди, лекин бандалар ҳам бу ҳақиқатни билиб қўйишини хоҳладилар. Шу боис ҳам элчидан подшоҳ олдига қайтиб бориб, қўлларини кесган хотинларнинг қоллари нима бўлганини сўрашни илтимос қилдилар.

«У: «Юсуфнинг нафсини хоҳлаган вақтингиздаги ишингиз нима эди?» деди. Улар: «Аллоҳ сақласин! Биз унда бирон ёмонлик сезмадик», дедилар. Азизнинг хотини: «Энди ҳақиқат зоҳир бўлди. Мен унинг нафсини хоҳладим. Албатта, у содиқлардандир», деди». (51)

Ночор ҳолда қолган, тушнинг таъбиридан кейин келажакда Юсуф алайҳиссаломга кўп муҳтож бўлишини сезган подшоҳ у зотнинг талабларини дарҳол амалга оширди. Хотинларни тўплаб:

«Юсуфнинг нафсини хоҳлаган вақтингиздаги ишингиз нима эди?» деди».

Улардан тўқликка шўхлик қилиб, Юсуфнинг чиройига маҳлиё бўлиб, унинг нафсини хоҳлаб, йўлдан уришга ҳаракат қилган пайтларида бўлиб ўтган ишларнинг тафсилотини, хусусан, Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги фикрларини сўради. Ҳамма нарса аён бўлганини, инкор қилишдан фойда йўқ эканини англаб етган хотинлар очиғини айтдилар.

«Улар: «Аллоҳ сақласин! Биз унда бирон ёмонлик сезмадик», дедилар».

Шу эътирофлари билан шаҳар аёллари Юсуф алайҳиссаломни оқладилар. У кишининг қамалишига сабаб бўлган шахслар энди келиб, у кишидан ҳеч қандай ёмонлик кўрмаганларини айтмоқдалар. Вақтида эса, қаматишга ҳаракат қилган эдилар. Воқеанинг асосий «қаҳрамони»–Азизнинг хотини ҳам шу ерда. У ўзига алоҳида савол берилишини кутиб турмади. Ҳақиқатни кўпчилик олдида эътироф этиб:

«Энди ҳақиқат зоҳир бўлди. Мен унинг нафсини хоҳладим. Албатта, у содиқлардандир.

Юсуф алайҳиссаломга муҳаббати тушган бу аёл яна жим турмади. Ҳамма нарсани очиқ айтди. Бўлиб ўтган ишга ўзи сабабчи бўлганини, Юсуф алайҳиссаломда айб йўқлигини ва у киши содиқлардан эканликларини кўпчилик олдида эълон қилди. Шу билан бирга, бу қилаётган тасарруфининг сабабини ҳам тушунтириб, қуйидагиларни айтди:

«Бу мен унга йўғида орқасидан хиёнат қилмаганимни, албатта, Аллоҳ хоинларнинг макрини тўғрилиқка йўлламаслигини билиши учундир». (52)

Яъни, гуноҳимни эътироф қилиб, унинг пок эканини эълон этишимдан ўша одам билиб қўйсинки, мен унга орқасидан хиёнат қилмадим. Ва яна билсинки, Аллоҳ хиёнаткорларнинг макри-ҳийласини ҳеч қачон ҳидоятга бошламас.

«Ва ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, ёмонликка ундовчидир. Албатта, Роббим мағфиратли ва билгувчи зотдир», деди». (53)

Мен бу гапларни нафсимни оқлаш учун айтаётганим йўқ. Аслида, нафс эгасини доимо ёмонликларга ундаб туради. Магар Аллоҳ раҳм қилган зотнигина нафси ёмонликка ундамайди. Энг муҳими:

«Албатта, Роббим мағфиратли ва билгувчи зотдир».

У Ўзининг Ғофир сифати ила бандаларидан ўтган гуноҳларни мағфират қилади.

У Ўзининг Олимлик сифати ила бандалари нима қилаётганини билиб турибди.

Ҳамма томондан-ҳам қўлларини кесган хотинлар, ҳам Азизнинг хотини томонидан Юсуф алайҳиссаломнинг покликлари исбот этилганидан кейин:

«Подшоҳ: «Уни менга келтиринглар, уни ўзимга хос кишилардан қилиб оламан», деди. У билан гаплашганда эса: «Албатта, сен бугунги кунда ҳузуримизда маконатли ва ишончли кишилардансан», деди». (54)

Подшоҳга Юсуф алайҳиссаломнинг пок эканликлари маълум бўлганидан сўнг, уни қамоқдан чиқариб олиб келишни амр қилди ва у зотни ўзига хос кишилардан қилиб олишини айтди.

«Подшоҳ: «Уни менга келтиринглар, уни ўзимга хос кишилардан қилиб оламан», деди».

Юсуф алайҳиссаломни қамоқдан чиқариб олиб келганларидан сўнг, у киши билан гаплашди ва суҳбат сўнггида бу қарорини у кишига ҳам билдириб:

«Албатта, сен бугунги кунда хузуримизда маконатли ва ишончли кишилардансан», деди».

Бу янгилик олдида Юсуф алайҳиссалом бошқалар каби эсанкираб қолмадилар.

Подшоҳ «ҳазрати олийларининг» оёқларига йиқилмадилар, унга мақтов сўзларини ҳам айтмадилар, ўзларига кўрсатилган юсак ишончни оқлашга ваъда ҳам бермадилар. Балки обрўларини сақлаган қолларида подшоҳга қараб:

«У: «Мени ернинг хазиналари устига қўй. Албатта, мен муҳофаза қилувчи ва билувчиман», деди». (55)

Бу ўзига ишонган, қўлига олган ишни тўла-тўқис адо этишга кўзи етган одамнинг гапи. Оммага, халққа қайси жойда кўпроқ фойда келтириши мумкинлигини билган шахснинг гапи. Юсуф алайҳиссалом подшоҳга ўзларини қайси ишга қўйишини айтишлари билан бирга, бу ишга лаёқатлари борлигини ҳам билдириб:

«Албатта, мен муҳофаза қилувчи ва билувчиман», дедилар.

Яъни, хазинани қандай муҳофаза қилиш-сақлаш ва уни қандай тасарруф қилишни билувчиман, дедилар. Туш таъбирига кўра, Миср ўлкаси келажакда худди шундай сифатларни ўзида мужассам қилган одамга муҳтож эди. Эл-юртни қийинчиликлардан сақлаш учун Юсуф алайҳиссаломга ўхшаш ҳалол-пок, омонатли, жиғилдони ва ҳамёнини эмас, халқни, элу улуснинг ғамини ейдиган, Аллоҳдан кўрқадиган, тақводор одам керак эди. Юсуф алайҳиссалом худди ўша одам ўзлари эканликларини баён қилдилар. Бу ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг тадбири билан амалга ошаётган эди. Шунинг учун ҳам Юсуф алайҳиссаломнинг подшоҳга айтган:

«Мени ернинг хазиналари устига қўй», деган гапларига подшоҳ нима жавоб қилгани зикр этилмай, Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзлари келмоқда:

«Шундай қилиб, Юсуфга ер юзида маконат бердик, уни ўзи хоҳлаган жойга ерлаша оладиган қилдик. Ўз раҳматимизни, кимни хоҳласак, ўшанга муяссар этурмиз ва гўзал амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмасмиз». (56)

«Шундай қилиб» яъни, Юсуфнинг беайб эканлигини изҳор қилиб, подшоҳнинг кўнглини унга бурдик.

«Юсуфга ер юзида маконат бердик, уни ўзи хоҳлаган жойга ерлаша оладиган қилдик».

Юсуфнинг кўнглига хазинага омилликни сўраб олишни солдик. Бу билан Юсуфга ер юзида-Миср ўлкасида ёки бутун ер юзида маконат бердик. Уни жойлаштириб, турли имкониятларга эга қилиб қўйдик. У ўша ердан хоҳлаган жойига жойлашадиган, хоҳлаган ишини қиладиган салоҳиятга эга бўлди.

«Ўз раҳматимизни, кимни хоҳласак, ўшанга муяссар этурмиз».

Ўша шахсга қийинчиликдан сўнг осонлик, ночорликдан сўнг имконлик, жавф-хатардан сўнг омонлик, хорликдан сўнг фаровонлик берамиз.

«ва гўзал амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмасмиз».

Эҳсон қилувчилар, Аллоҳга иймон келтириб, унга тақво қилиб, ибодатида собитқадам бўлувчилар, эртами-кечми барибир ажрларини олурлар. Уларнинг ажри ҳеч қачон зое бўлмас. Бу дунёнинг ўзида кўражаклар.

«Иймон келтирган ва тақво қилганлар учун, албатта, охиратдаги ажр яхшироқ бўлур». (57)

Иймонли ва тақводор кишилар қилган гўзал амаллари учун бу дунёнинг ўзидаёқ яхши-яхши ажр-мукофотларга эришадилар, аммо уларга охиратда бериладиган ажр-мукофотлар бундан ҳам яхшироқдир.

Шундай қилиб, Юсуф алайҳиссалом бошига тушган қийинчиликларга, қамоқ ва туҳматларга қарамай, гўзал амалларини қилаверганликларининг мукофоти ўлароқ, улкан мақомга эришиб, у ерда ҳам омонат билан кўпчилик манфаати йўлида хизматларини давом этдириб бордилар. Кунлардан бир кун:

ОҒА-ИНИЛАР КЕЛДИЛАР

«Юсуфнинг оға-инилари келдилар ва унинг ҳузурига кирдилар. Бас, у уларни таниди. Улар эса, уни танимадилар». (58)

Кейинги оятлардан Юсуф алайҳиссаломнинг акалари таом излаб келишгани маълум бўлади.

Етти йиллик қаҳатчилик туфайли уларнинг юрти Канъонга ҳам очарчилик етган эди. Юсуф алайҳиссаломнинг ҳусни тадбирлари ва Аллоҳ берган имконларни ишга солишлари туфайли Миср аҳли бу қаҳатчиликдан катта зарар кўрмади. Ҳатто бошқа ўлкалар улардан озиқ-овқат борасида ёрдам сўраб кела бошлади. Мисрда озиқ-овқат сероблигини эшитиб, Юсуф алайҳиссаломнинг оға-инилари ҳам шу ёққа келишди.

«Юсуфнинг оға-инилари келдилар»

Табиийки, ёрдам сўровчилар дастлаб шу ишнинг бошида турган биринчи шахс Юсуф алайҳиссаломга учрашлари лозим. Шунинг учун:

«Унинг ҳузурига кирдилар. Бас, у уларни таниди».

Чунки доим улар ҳақида сўраб-суриштириб турар эдилар. Хусусан, давлатнинг катта мансабига ўтирганларидан сўнг, бунга имконлари кўпайган бўлиши турган гап. Сўнгра Юсуф алайҳиссаломдек мақом эгаси ҳузурига узоқдан келган меҳмонларни киритишидан олдин сарой хизматчилари уларнинг кимлигини, мақсадларини, қаердан келганликларини сўраб суриштирадилар ва бу ҳақда раҳбарга хабар берадилар. Шу туфайли оға-иниларини таниш Юсуф алайҳиссалом учун қийин бўлмади.

«Улар эса, уни танимадилар».

Чунки уни қудуққа ташлаганларидан сўнг, ўлди, уни бўри еб кетди, деб эълон қилишган эди. Шу сабабли уни нафақат ўзлари, балки бошқалар ҳам унутиб юборишни хоҳлар эдилар ва унутиб юборган эдилар ҳам. Уларнинг бундан кейинги муомалалари ҳам шу ҳолатда кечади. Яъни, Юсуф алайҳиссалом ҳаммани таниб-билиб муомала қиладилар, оға-инилари эса, билмасдан.

Уларни таниб туриб, яхши қабул қилиб, меҳмондўстлик кўрсатиб, улардан ўзларига керакли маълумотларни билиб олган Юсуф алайҳиссалом:

«Уларнинг жиҳозларини юклаган вақтда: «Менинг ҳузуримга ота бир инингизни олиб келинг. Кўраяпсизларми? Мен ўлчовни тўла қилмоқдаман ва мен энг яхши мезбонман». (59)

«Агар уни ҳузуримга олиб келмасангиз, унда сизга менинг даргоҳимда ўлчаб бериш йўқ ва менга яқин ҳам келманглар», деди». (60)

Оға-иниларини яхшилаб меҳмон қилиб, суҳбат давомида улардан керакли гапларни олиб бўлган Юсуф алайҳиссалом уларга сўраган нарсаларини-озиқ-овқатни ҳам бердилар. Жўнаб кетишларидан олдин молларини юклаш, йўлга тайёргарлик кўриш пайтида, янаги сафар ота бир иниларини ҳам олиб келишни тайинладилар. Агар уни олиб келсалар, улар учун яхши бўлишини таъкидлаб, ўлчовни тўла қилаётганлари ва мезбонликни яхшилаб жойига қўяётганларини эслатдилар. Шу билан, ўша ота бир инингизни бирга олиб келсангиз, яна тўла ўлчовда керакли нарса оласиз ва яхши меҳмон бўласиз, демоқчи бўлдилар. Аксинча бўлса, уларга ҳеч нарса ўлчаб берилмаслигини ва ўзларига яқин кела олмасликларни ҳам таъкидлаб қўйдилар.

«Улар: «Уни отасидан сўраб олиб келишга уринамиз. Биз бу ишни, албатта, қиламиз», дедилар». (61)

Яъни, улар ўша ота бир иниларини олиб келиш ўзларига боғлиқ эмаслигини англатдилар. Отасидан сўраб кўрамиз, дедилар. Аммо бу ишга алоҳида аҳамият беришларини таъкидлаб:

«Биз бу ишни, албатта, қиламиз», дедилар».

Шунда Юсуф алайҳиссалом:

«У ўз йигитларига: «Уларнинг сармояларини юклари ичига солиб қўйинглар. Шояд улар аҳлларига борганларида буларни таниб, қайтиб келсалар», деди». (62)

Бу гапдан Юсуф алайҳиссаломнинг оға-инилари матоҳ айирбошлаш учун ўша вақтнинг пулидан ташқари, юртларидаги маҳсулотлардан ҳам олиб келганлари маълум бўлади.

Улар шу сармояларга Мисрдан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиб кетишни қасд қилган эдилар. Юсуф алайҳиссалом ўша келтирган сармоя маҳсулотларига яраша озиқ-овқатни ўлчаб бердилар. Энди эса, хизматчи йигитларига:

«Уларнинг сармояларини юклари ичига солиб қўйинглар», демоқдалар.

Бу ҳам меҳмонга ҳурмат, сахийлик аломати. Шу билан бирга, бу ишни қилишда Юсуф алайҳиссалом бошқа бир мақсадни ҳам кўзлаган эдилар.

«Шояд улар аҳлларига борганларида буларни таниб, қайтиб келсалар».

Яъни, сармояларини ўзларига қайтариб беришлик уларда Мисрга яна қайтиб келишга рағбат уйғотса.

Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлиб чиқди.

ОТА ИЛА БАҲСЛАШУВ

«Оталари ҳузурига қайтиб борганларида: «Эй отамиз, бизга ўлчаб бериш ман этилди. Биз билан инимизни юбор, ўлчаб оламиз ва, албатта, биз уни муҳофаза қилувчилармиз», дедилар». (63)

Кўринишидан, Яъқуб алайҳиссаломнинг юртида озиқ-овқат масаласи ўта муҳим муаммога айланган, ҳамманинг фикри-зикри шу масалани ҳал этишга қаратилганга ўхшайди. Шунинг учун узоқ сафардан қайтган ўғиллар олиб келган юкларини очмай туриб, бошқа масалаларга эътибор ҳам бермасдан, яна орқага қайтиб, озиқ-овқат олиб келиш чораларини изламоқдалар ва гапни шундан бошламоқдалар.

Улар, агар энди укаларини бирга олиб бормасалар, озиқ-овқат ўлчаб бериш ман қилинишининг хабарини бермоқдалар. Эҳтимол, шу йўл билан оталарини кўндириш осон деб ўйлашгандир.

Яна бунинг орқасидан:

«албатта, биз уни муҳофаза қилувчилармиз», деб ваъда ҳам бермоқдалар.

Ўғилларидан бу гапни эшитган Яъқуб алайҳиссалом қуйидаги жавобни бердилар.

«У: «Уни сизларга худди акасини ишонганимдек ишониб топширайми? Аллоҳнинг Ўзи энг яхши муҳофазачи ва Унинг Ўзи раҳмлиларнинг энг раҳмлигидир», деди». (64)

Сизга ишониб, унинг акаси Юсуфни топширган эдим, нима бўлди. Энди бунисини ҳам сизга топширайми? Сиз яхши муҳофаза қиламиз, сақлаймиз, деб ваъда бермоқдасиз. Менга ваъдангизнинг кераги ҳам йўқ, мен бу ваъдага ишонмайман ҳам. Аввало, боламини Аллоҳнинг Ўзи сақласин, Унинг Ўзи раҳм қилсин.

«Аллоҳнинг Ўзи энг яхши муҳофазачи ва Унинг Ўзи раҳмлиларнинг энг раҳмлигидир».

Оталаридан бу гапни эшитган ўғиллар бориб, юкларини очдилар.

«Юкларини очган пайтда, сармояларининг ўзларига қайтарилганини билдилар. «Эй отамиз, яна нима истаймиз? Мана, сармояларимиз ўзимизга қайтарилибди. Яна аҳлимизга зод келтирурмиз, укамизни муҳофаза қилиб, бир туя зиёда (юк) ўлчови оламиз. Бу озгина ўлчовдир», дедилар». (65)

Улар юкларини очиб, сармояларининг ўзларига қайтарилганини кўрганларида, Юсуф алайҳиссалом кутган ҳолат юзага келди. Мисрга кичик ўғилни юборишга кўнмай турган оталарини кўндириш учун қайтиб келган сармояларини рўқач қила бошладилар:

«Юкларини очган пайтда, сармояларининг ўзларига қайтарилганини билдилар.Эй отамиз, яна нима истаймиз? Мана, сармояларимиз ўзимизга қайтарилибди».

Бундан бошқа яна нима керак ўзи? Ҳар биримизга озиқ-овқатни тўла ўлчаб берган бўлса, яна сармояларимизни ҳам олмасдан, қайтариб солиб қўйган бўлса. Сен эса, укамизни бизга қўшиб беришга кўнмай ўтирибсан. Агар қўшиб берсанг, биз Мисрга бориб:

«Яна аҳлимизга зод келтирурмиз».

Зоддан мурод, озиқ-овқатдир.

«укамизни муҳофаза қилиб, бир туя зиёда (юк) ўлчови оламиз».

Яъни, қўрқмай укамизни бизга қўшиб юборавер, биз, албатта, укамизни муҳофаза қиламиз ва уни олиб борганимиз учун аввалгидан бир туя зиёда озиқ-овқатга эга бўламиз,

«Бу озгина ўлчовдир», дедилар».

Яъни, яна бир туя озиқ-овқатни ўлчаб бериш Мисрдаги саҳий зот учун ҳеч нарса эмас, озгина ўлчов, холос.

Уларнинг бу гапларидан Юсуф алайҳиссаломнинг озиқ-овқат танқис чоғларида тежамкорлик сиёсати юргазганликлари кўриниб турибди. Ўзга юртлардан келганларга хоҳлаганларича эмас, балки фақат бир туяга юк бўладиган миқдордагина озиқ-овқат сотар эканлар.

Ушбу ҳужжатлар ва ёлворишлар қаршисида Яъқуб алайҳиссалом ҳам юмшадилар. Ўғилларига қараб:

«У: «Токи менга, албатта, ҳузуримга қайта келтиришингиз ҳақида Аллоҳдан васийқа бермагунингизча, уни зинҳор сиз ила юбормасман. Магар (ҳалокатга) ўралиб қолсангиз, бошқа гап», деди. Унга васийқаларини берганларида, у: «Айтган гапларимизга Аллоҳ вакилдир», деди». (66)

Юсуф алайҳиссаломни акаларига ишониб топшириб, панд еган Яъқуб алайҳиссалом бу сафар ишни пухтароқ қилдилар. Кичик ўғилни акаларига қўшиб, Мисрга юборишдан олдин уларга оғир шарт қўйдилар.

«У: «Токи менга, албатта, ҳузуримга қайта келтиришингиз ҳақида Аллоҳдан васийқа бермагунингизча, уни зинҳор сиз ила юбормасман».

Уларга Яъқуб алайҳиссалом укаларини қайтариб олиб келишга ваъда бериб, Аллоҳ номига қасам ичмасалар, уни зинҳор қўшиб юбормасликларини таъкидладилар. Шу билан бирга, ҳамма нарсани тушунган, англаб етган инсон сифатида:

«Магар (ҳалокатга) ўралиб қолсангиз, бошқа гап», дедилар.

Яъни, ундай ҳолатда маъзурсизлар.

Демак, ўғиллар, агар ҳалокатга учраб ноилоҳ қолмасак, албатта, укамизни соғ-саломат қайтариб олиб келамиз, деб Аллоҳнинг номи ила қасам ичишлари керак эди. Улар укаларини муҳофаза қилиш учун қўлларидан келадиган барча чорани кўришга қасам ичишлари керак эди. Ўғиллар бу шартни бажардилар.

Улар:

«Унга васийқаларини берганларида, у: «Айтган гапларимизга Аллоҳ вакилдир», деди».

Бу билан Яъқуб алайҳиссалом орадаги ваъданинг аҳамиятини яна бир бор таъкидлаб қўйдилар. Сўнгра, ўғилларига баъзи насиҳатлар қилдилар.

БИТТА ЭШИКДАН КИРМАНГЛАР

«У: «Эй ўғилларим, битта эшикдан кирманглар, турли эшиклардан киринглар. Мен сизлардан Аллоҳнинг ҳеч нарсасини қайтара олмайман. Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир. Унгагина таваккал қилдим. Таваккал қилгувчилар фақат Унгагина таваккал қилсинлар», деди». (67)

Яъқуб алайҳиссалом ўғилларига манзилга етганларида шаҳарга бир эшикдан эмас, бўлиниб, турли эшиклардан киришларини насиҳат қилдилар.

«У: «Эй ўғилларим, битта эшикдан кирманглар, турли эшиклардан киринглар», деди.

У зот Аллоҳнинг белгилаган тақдирини ўзгартириб бўлмаслигини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам сўзлари давомида:

«Мен сизлардан Аллоҳнинг ҳеч нарсасини қайтара олмайман», дедилар.

Яъни, Аллоҳ сизларга тақдир қилган бирор нарсани ўзгартира олмайман, демоқдалар. Сўнгра умумий қоидани эслатиб:

«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир», дедилар.

Яъни, бу дунёдаги ҳамма ишлар фақат Аллоҳнинг ҳукми ила бўлади. Бошқанинг ҳукми билан эмас. Шунинг учун ҳам мен фақат:

«Унгагина таваккал қилдим».

Унгагина суяндим, Ундан ўзгага суянмадим.

«Таваккал қилгувчилар фақат Унгагина таваккал қилсинлар».

Яъқуб алайҳиссалом шунча нарсани билиб туриб, яна ўғилларига бир эшикдан эмас, турли эшиклардан киринглар, дейишларининг сабаби келаси оятда баён қилинади:

«Оталари амр этган томондан кирдилар. Зотан, бу улардан Аллоҳнинг ҳеч бир нарсасини қайтара олмас эди. Магар Яъқубнинг кўнглидаги эҳтиёж бўлиб, уни қондирди, холос. Албатта, у Биз таълим берганимиз туфайли билим соҳиби эди. Лекин кўпчилик одамлар билмаслар». (68)

Яъни, ўғиллар кўзлаган манзилга етиб борганларида оталари насиҳатига амал қилиб, ҳаммалари бир эшикдан эмас, турли-турли эшиклардан кирдилар.

«Оталари амр этган томондан кирдилар».

Лекин уларнинг бу амали:

«Зотан, бу улардан Аллоҳнинг ҳеч бир нарсасини қайтара олмас эди».

Яъни, Аллоҳ тақдир қилган нарса бир эшикдан кирсалар ҳам, турли эшикдан кирсалар ҳам, албатта, бўларди. Буни Яъқуб алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам яхши билардилар. Аммо шунга қарамай, ўғилларига турли эшиклардан киришни насиҳат қилишлари,

«Яъқубнинг кўнглидаги эҳтиёж бўлиб, уни қондирди, холос».

Яъни, кўнглига бир айтиб қўйиш тушиб, айтиб қўйди, холос. Бу ерда бошқа ҳеч қандай сир-асрор йўқ. Гапни кўпайтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Бу ҳақиқатларни Яъқуб алайҳиссаломнинг ўзи жуда яхши билади.

«Албатта, у Биз таълим берганимиз туфайли билим соҳиби эди».

У Бизнинг Пайғамбаримиз эди. Биз унга шунга ўжшаш нарсаларни яхшилаб ўргатганмиз. У буларни яхши биларди.

«Лекин кўпчилик одамлар билмаслар».

Шунинг учун турли гапларни кўпайтириб юрадилар.

«МЕН АКАНГМАН»

Шаҳарга кирган оға-инилар:

«Юсуфнинг олдига кирганларида, у инисини ўзига яқин жойлаштирди ва: «Мен акангман, улар қилган нарсалардан хафа бўлма», деди». (69)

Улар Юсуф алайҳиссаломнинг ҳузурларига кирган вақтларида, у зот меҳмонларни яна яхши кутиб олдилар, изват қилдилар. Кичик укаларини ёнларига олиб, бошқаларига билдирмай,

«Мен акангман», деб ўзларини танитдилар. Акалари олдин қилган ишлардан хафа бўлмаслигини айтиб:

«Улар қилган нарсалардан хафа бўлма», деди».

ЮСУФ ФОЙДАСИГА ҲИЙЛА

Сўнгра вақти соати келиб, меҳмонлар ўз юртларига қайтиб кетадиган бўлиб, «Уларнинг жиҳозларини ҳозирлаган пайтда, инисининг юкига бир сув идишни солиб қўйди. Сўнгра жарчи: «Эй карвондагилар, сизлар ўғридирсизлар», деб жар солди». (70)

Яъни, Юсуф алайҳиссалом оға-иниларининг жиҳозларини ҳозирлаётган ходимларига айтиб, кичик укасининг юкига бир сув идиш қўштириб қўйдилар. Улар жўнаб кетганларидан сўнг, орқаларидан бир одам юбориб, уларни ўғрилиқда айблади.

«Сўнгра жарчи: «Эй карвондагилар, сизлар ўғридирсизлар», деб жар солди».

Бўлиб ўтган сирдан беҳабар кетаётган карвон ортидан жарчи бақриб жар солди. Уларни ўғрилиқда айблади. Карвондагилар бу гапдан таажжубда қолдилар ва:

«Улар (ортларидан келганларга) қараб: «Нима йўқотдингиз?» дедилар». (71)

Демак, карвон ортидан фақат овоз чиқариб жар солган киши эмас, бошқалар ҳам борган экан. Оға-инилар уларга қараб туриб:

«Нима йўқотдингиз?» дедилар».

Уларнинг бу гапи ўғрилиқ қилмаганларига ишончлари комиллигини билдириб турибди. Ўзларига ўғрилиқ айби қўйилаётган бўлса ҳам, «Нима йўқотдингиз?» дейишмоқда. Яъни, бир нарсани йўқотиб қўйиб, бизни ўғри қилмоқчимисизлар, демоқчи бўлишди.

«Улар: «Подшоҳнинг идишини йўқотдик. Уни келтирган кишига бир туя юк. Мен унга кафилман», деди». (72)

Яъни, хизматкорлардан бири ҳамманинг номидан юқоридаги гапларни айтди. Лекин карвондагилар ўзларининг айбсиз эканликларига ишончлари комил эди. Шунинг учун бу гапга жавоб ўлароқ:

«Улар: «Аллоҳга қасамки, ўзингиз биласиз, биз ер юзида фасод учун келган эмасмиз, биз ўғрилар бўлган эмасмиз», дедилар». (73)

Улар қасам ичдилар ва шу билан бирга ходимларга ўзларининг ким эканликларини улар ҳам билишларини эслатдилар.

Яъни, келиб-кетиб, ўзаро муомала давомида ҳукмдорлар ҳам, ходимлар ҳам оға-иниларнинг аслзода, Пайғамбарзода, ҳалол-пок киши эканликларини билган эдилар.

Ака-укалар ўзларига қўйилаётган айбга қарши ўша сифатларни ходимларнинг ёдларига солдилар.

Бу билан гўё:

«Биз ўғрилар бўлган эмасмиз», дедилар».

Яъни, биз ҳеч қачон ўғрилиқ қилган эмасмиз, бу амал бизга ёт, дедилар.

«Улар: «Агар ёлғончи бўлиб чиқсангиз, жазоси нима?» дедилар». (74)

Яъни, агар биз ўғри бўлган эмасмиз, деган гапингиз ёлғон чиқиб, ўғрилигингиз исбот бўлиб қолса, унинг жазоси нима бўлади, дедилар.

«Улар: «Унинг жазоси, кимнинг юкида топилса, ўшадир. Бас, унинг жазоси ўшадир. Золимни шундай жазолаймиз», дедилар». (75)

Яъни, бизнинг қонун-қоидамиз бўйича, ўғирланган нарса кимнинг юкидан чиқса, ўша одам жазоланади, дедилар. Шу билан икки томон йўқолган сув идиш кимнинг юкидан чиқса, ўшани жазолашга келишиб олдилар. Сўнгра юкларни тафтиш қилиш бошланди. Ушбу ҳодиса ва тортишувлар Юсуф алайҳиссалом ҳузурларида бўлаётган эди.

«У инисининг юкидан олдин уларнинг юкидан (тафтиш) бошлади. Сўнгра у (сув идиш)ни унинг юкидан чиқариб олди. Шундай қилиб, Юсуф фойдасига ҳийла қилдик. У подшоҳнинг дини бўйича инисини олиб қола олмас эди. Магар Аллоҳ хоҳласагина, бўлиши мумкин эди. Кимни хоҳласак, ўшанинг даражасини кўтарамиз. Ҳар бир илм эгаси устидан билувчи бор». (76)

Яъни, Юсуф алайҳиссалом ходимларига аввал оға-иниларининг юкларини тафтиш қилишни буюрдилар.

«У инисининг юкидан олдин уларнинг юкидан (тафтиш) бошлади».

Чунки биринчи бўлиб, кичик уканинг юклари тафтиш қилинсаю дарҳол йўқолган сув идишни топиб олинса, оға-инилари гумон қилиб қолишлари мумкин.

«Сўнгра у (сув идиш)ни унинг юкидан чиқариб олди».

Навбат келиб, кичик уканинг юклари тафтиш қилинган эди, сув идиш ўша ердан чиқди.

«Шундай қилиб, Юсуф фойдасига ҳийла қилдик».

Яъни, тадбир қилдик. Агар шундай қилмасак:

«У подшоҳнинг дини бўйича, инисини олиб қола олмас эди».

Яъни, Миср подшоҳининг қонуни бўйича, ўғрига бошқа жазо берилар эди, уни олиб қолиш мумкин эмас эди. Шунинг учун оға-иниларнинг ўзларини эътироф қилдириб, Яъқуб алайҳиссалом дини ҳукми бўйича амал қилишга-ўғрини олиб қолишга йўл очилди.

Бу ерда ўғрини жазолаш ҳукмини подшоҳнинг дини дейилмоқда. Демак, дин фақат эътиқод ва баъзи ибодатларни адо этишдангина эмас, балки инсон ҳаётининг ҳамма томонини қамраб олувчи ҳукмлардан ҳам иборат экан.

«Магар Аллоҳ хоҳласагина, бўлиши мумкин эди».

Шунга ўхшаш бирор тадбир билан олиб қолинар эди.

«Кимни хоҳласак, ўшанинг даражасини кўтарамиз».

Хоҳлаган эдик, Юсуфнинг даражасини кўтардик.

«Ҳар бир илм эгаси устидан билгувчи бор».

Ҳамма нарсани биламиз, деб юрганларнинг устидан ҳам билгувчи бор. Бу дунёдаги билгувчилик Аллоҳ таолога бориб тақалади. У ҳамма билгувчилар устидан билгувчидир.

Кичик укаларининг юкидан сув идишнинг чиққанини кўриб, акалар даҳшатга тушдилар.

«Улар: «Агар бу ўғирлаган бўлса, бундан олдин унинг акаси ҳам ўғирлаган эди», дедилар. Юсуф буни кўнглига тугиб қўйди, уларга ошкор қилмади. У: «Ўзингиз ёмонроқ турумдасиз. Аллоҳ сиз васф қилаётган нарсани яхши билгувчи зотдир», деди». (77)

Улар ўзларини оқлаш учун навбатдаги ёлғонни гапирдилар. Аввал Юсуф ҳақида оталарига ёлғон тўқиб келган эдилар. Энди Юсуф алайҳиссаломнинг ўзларига у киши ва укалари ҳақида ёлғон тўқимоқдалар.

«Улар: «Агар бу ўғирлаган бўлса, бундан олдин унинг акаси ҳам ўғирлаган эди», дедилар».

Улар, кичик ўғай ука ўғрилиқ қилган бўлса, бу ажабланарли эмас, унинг туғишган акаси ҳам олдин ўғрилиқ қилган эди, бу иш уларнинг табиатида бор ўзи, дейишмоқчи. Шу билан ўзларини оқлашмоқчи. Аммо:

«Юсуф буни кўнглига тугиб қўйди, уларга ошкор қилмади».

Уларнинг бу ёлғонларини Юсуф алайҳиссалом кўнгилга тугиб қўйдилар. Уларнинг ёлғон гапирётганларини ошкор қилмадилар. Уларга,

«У: «Ўзингиз ёмонроқ турумдасиз. Аллоҳ сиз васф қилаётган нарсани яхши билгувчи зотдир», деди.

Яъни, сиз буни айбламоқдасиз, аммо аслида ўзингиз бундан кўра ёмонроқ ҳолдасиз. Ёлғон гапириб, бировни ёмонотлиқ қилмоқдасиз. Ҳолбуки, Аллоҳ сиз васф қилаётган ишларни жуда яхши билади. Ким ўғрию ким тўғрилигини, ким яхшию ким ёмонлигини ўзи яхши билади.

Бу гапдан сўнг улар бир оз ўзларига келдилар. Оталарига Аллоҳнинг номи билан қасам ичиб, берган ваъдалари ёдларига келди.

«Улар: «Эй Азиз, бунинг катта ёшли чол отаси бор. Бас, биримизни унинг ўрнига ол. Биз сени яхшилиқ қилувчилардан эканлигингни кўрмоқдамиз», дедилар». (78)

Боланинг қари отаси борлигини айтиб, Азизнинг раҳмини келтиришмоқчи бўлишди. Унинг ўрнига хоҳлаган бошқа биттасини олиб қолишни таклиф қилишди. Ортидан ундан доимо яхшилиқ кўриб келаётганларини эслаб, мақтаб ҳам қўйишди.

Уларнинг бу таклифларига жавобан:

«У: «Нарсамизни ҳузуридан топган одамдан бошқани олиб қолишимиздан Аллоҳ сақласин. Акс ҳолда, албатта, золимлардан бўлиб қоламиз», деди». (79)

Бошқа ўринларда бўлгани каби, бу сафар ҳам Юсуф алайҳиссалом нозик ибораларни ишлатиб, ҳеч кимнинг ҳаққига ноҳўя гап айтмадилар. «Ўғрининг» ё «айбдорнинг ўрнига» демасдан,

«нарсамизни ҳузуридан топган одамдан бошқани олиб қолишимиздан Аллоҳ сақласин», дея марҳамат қилдилар. Чунки ҳақиқатда ука ўғри ҳам, айбдор ҳам эмас эди. Юсуф алайҳиссалом шунчалик эътибор билан гапирдиларки, бирорта ҳам ҳақиқатдан узоқ сўз чиқмади.

ХУФЁНА МАСЛАҲАТ

«Ундан умидни узган чоғларида, четга чиқиб, хуфёна маслаҳат қилдилар. Катталари: «Отангиз сиздан Аллоҳ номи билан васийқа олганини ва бундан олдин Юсуф ҳақида қилган айбингизни билмайсизларми?! Мен токи отам менга изн бермагунча ёки Аллоҳ ҳукм чиқармагунча бу ердан қимирламасман. У ҳукм чиқарувчиларнинг энг яхшисидир». (80)

«Отангиз олдига қайтинглар, бас, унга: «Эй отамиз, ҳақиқатда ўғлинг ўғрилиқ қилди. Биз фақат ўзимиз билган нарсага гувоҳлик бердик, холос. Биз ғайбни билувчи эмас эдик». (81)

«Биз бўлган шаҳардан сўра ва у ерда биз учраган карвондан сўра, биз, албатта, ростгўйларданмиз, денглар», деди». (82)

Оға-иниларнинг каттаси бўлиб ўтган воқеадан кейин масъулиятни ҳис этди. Отаси олдига қайтиб боришга журъат қила олмади. Ака-укалар хуфёна маслаҳатлашиб олишгач, у четга чиқиб, иниларига:

«Отангиз сиздан Аллоҳ номи билан васийқа олганини ва бундан олдин Юсуф ҳақида қилган айбингизни билмайсизларми?!», деди.

Яъни, бу иш биринчиси эмас, аввал ҳам Юсуфни олиб чиқиб кетиб, унингсиз қайтган эдигиз. Энди эса, отамизга Аллоҳ номи билан қасам ичиб, ваъда берганимизга қарамай, яна унинг укасини ҳам йўқотдик.

«Мен токи, отам менга изн бермагунча ёки Аллоҳ ҳукм чиқармагунча бу ердан қимирламасман».

Яъни, отам айбимни кечиб, ҳузурига боришимга рухсат бермагунча ёки Аллоҳ таолонинг Ўзи бу ҳақда бирор ҳукм чиқармагунча Мисрдан ҳеч қаерга қимирламайман. Отамга ваъда берган эдик. У рози бўлиб, ўзи рухсат берса ё Аллоҳ бир ҳукм чиқарса, юртимизга қайтишим мумкин. Ахир, Аллоҳнинг ҳукмини бажармай иложим йўқ, Чунки:

«У ҳукм чиқарувчиларнинг энг яхшисидир».

Сизлар, эй укаларим, юртимизга қайтиб боринглар ва отамизга бўлиб ўтган воқеани айтиб беринглар, деб оятда келган гапларни ўргатди. Укалари бориб унинг ўргатганларини оталарига айтдилар. Шунда:

«ОҲ, ЮСУФ!»

«У: «Йўқ, сизга ҳавои нафсингиз бир ишни яхши кўрсатмиш. Бас, чиройли сабр (қиламан). Шоядки Аллоҳ уларнинг ҳаммасини ҳузуримга жамлаб келтирса. Албатта, Унинг Ўзи билгувчи ва ҳикматли зотдир», деди». (83)

Яъқуб алайҳиссалом худди шу гапни Юсуф алайҳиссаломни йўқотган кунларида ҳам айтган эдилар. Энди йиллар ўтиб, кичик ўғлини йўқотган куни ҳам шу гапни такрорладилар, кетидан Аллоҳ таолонинг марҳаматидан умид узмаганларини билдириб қўйдилар.

«Шоядки Аллоҳ уларнинг ҳаммасини ҳузуримга жамлаб келтирса».

Ҳам Юсуфни, ҳам укасини ва катта ўғлини, ҳаммасини бирга қайтарса.

«Албатта, Унинг Ўзи билувчи ва ҳикматли зотдир».

Ҳамма ишни билиб ва ҳикмат-ла қилади. Юсуф ва унинг укасининг йўқолишида ҳам Аллоҳнинг бир ҳикмати бордир.

«Ва улардан юз ўғирди ҳамда: «Оҳ, Юсуф!» деб кўзларига оқ тушди. Бас, у дардини ютувчидир». (84)

Яъқуб алайҳиссалом чиройли сабр қилдилар, мусибат сабабчилари бўлмиш ўғилларига осилмадилар. Улардан юз ўғириб, ғам-қайғуга тушдилар. Дарду аламни ичларига ютдилар. Бу ишлар ўз таъсирини кўрсатди. У кишининг кўзларига оқ тушиб, кўрмайдиган бўлиб қолдилар.

Рашкчи фарзандлар эса, шу ерда ҳам ҳиқду ҳасадларини яшира олмадилар. Оталарининг Юсуф ва кичик укаси учун фироқ дардида ёнаётганларини кўра олмай,

«Улар: «Аллоҳга қасамки, токи мадордан кетгунингча ёки ҳалок бўлувчилардан бўлгунингча, Юсуфни зикр қилаверасан», дедилар». (85)

Яъни, йўқ бўлиб кетган Юсуфни эслайвериб, ҳолдан тоясан ёки бир йўла ҳалок бўласан, дейишди.

Уларнинг бу ҳасад тўла гапларига жавобан:

АЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИДАН НОУМИД БЎЛМАНГЛАР

«У: «Албатта, мен дарду ҳасратимдан фақат Аллоҳнинг Ўзига шикоят қилмоқдаман ва Аллоҳдан сиз билмаган нарсани билурман». (86)

Яъни, Юсуф учун чекаётган ғам-ғуссамни сизга ҳам, бошқа бировга ҳам айтаётганим йўқ. Мен дарду ҳасратимни фақат Аллоҳнинг Ўзига айтиб йиғламоқдаман. Энг муҳими эса, менга Аллоҳнинг Пайғамбари ўлароқ, ундан сиз билмайдиган нарсаларнинг хабари келиб туради.

«Эй ўғилларим, боринглар, Юсуфни ва унинг укасини яхшилаб изланглар, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Ҳақиқатда Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмларгина ноумид бўлурлар», деди». (87)

Чунки кофирлар Аллоҳга ишонмайдилар, шунинг учун улар озгина мусибатдан ҳам дарров умидсиз ҳолга тушиб қоладилар. Мўмин киши эса, ғам-ғуссага кўмилиб қолган пайтида ҳам умидини узмайди. Чунки у ҳамма нарсага қудрати етадиган Аллоҳга ишонади ва ҳар лаҳзада Аллоҳ таоло уни ғам-ғуссадан қутқариб олишидан умид қилиб туради. Уни ҳеч нарса ноумид қила олмайди.

МЕН ЮСУФМАН

Оталаридан бу гапларни эшитган ўғиллар йўлга чиқдилар. Учинчи бор Мисрга келдилар. Учинчи бор Юсуф алайҳиссаломга учрадилар.

«Унинг ҳузурига кирганларида: «Эй Азиз, бизни ва аҳлимизни зарар тутди ва арзимаган сармоя келтирдик. Бас, бизга ўлчовни тўлиқ қилиб бер ва садақа ҳам бер. Аллоҳ, албатта, садақа қилувчиларни мукофотлайдир», дедилар». (88)

Гапларидан кўриниб турибдики, уларнинг аҳволи оғир. Аввалгидек бор нарсаларини озиқ-овқатга алмаштиришга имконлари ҳам қолмаган. Олиб келган моллари жуда арзимас. У молларга яраша эмас, балки кўпроқ озиқ олсалар ҳам, эҳтиёжлари қонмайди. Садақага муҳтожлар. Аввалги гердайишларидан асар ҳам йўқ. Юсуф алайҳиссалом ўзларини танитиш вақти етганини англадилар ва акаларига қараб:

«У: «Жоҳиллик пайтингизда Юсуфга ва унинг инисига нима қилганларингизни биласизларми?», деди». (89)

Шунда акаларининг кўз-қулоқлари ялт этиб очилди. Кўзлари Азиз сиймосида Юсуфни кўрди, қулоқлари унинг овозини эшитди. Ва:

«Улар: «Э-э, ҳали сени сени Юсуфмисан?!» дедилар. У: «Мен Юсуфман, мана бу иним. Аллоҳ бизга марҳамат кўрсатди. Ҳақиқатда ким тақво ва сабр қилса, Аллоҳ, албатта, гўзал иш қилувчиларнинг ажрини зое қилмагай», деди». (90)

Юсуфнинг акалари шошиб қолдилар. Чунки улар билан анчадан бери муомала қилаётган Миср бош вазири бир вақтлар ўзлари ҳасад орқасида қудуққа ташлаб юборган укалари Юсуф бўлиб чиқишини ҳеч кутмаган эдилар.

«Улар: «Э-э, ҳали сени сени Юсуфмисан?!» дедилар».

Улар кўзларига ҳам, қулоқларига ҳам ишонмай, яна бир бор тасдиқлаб олмоқчи бўлдилар. Шунда Юсуф алайҳиссалом:

«Мен Юсуфман, мана бу иним. Аллоҳ бизга марҳамат кўрсатди», дедилар.

Узоқ айрилиқдан сўнг бизни учраштирди. Ҳолимизга раҳм қилди. Обрў-эътибор берди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки:

«Ҳақиқатда, ким тақво ва сабр қилса, Аллоҳ, албатта, гўзал иш қилувчиларнинг ажрини зое қилмагай».

Биз ҳам қўлимиздан келгунча тақво ва сабр қилдик, оқибатда шу даражага эришдик, дедилар.

«Улар: «Аллоҳга қасамки, ҳақиқатда Аллоҳ сени биздан устун қилди. Биз эса, хатокорлардан бўлдик», дедилар». (91)

Оғалар бор ҳақиқатни эътироф қилдилар. Ўзларининг хато қилганларини ҳам тан олдилар. Аллоҳ таоло уларнинг қасдларию қилмишларига қарамай, укаларини ҳар нарсада устун қилиб қўйганини ҳам эътироф этдилар.

Ана шу пайтда Юсуф алайҳиссалом яна юксак одоб ва ахлоқ намунасини кўрсатдилар.

«У: «Бугунги кунда сизларни айблаш йўқ. Сизларни Аллоҳ мағфират қилгай. У раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғидир», деди». (92)

Ўтган ишга саловот. Бугун сизни биров айбламоқчи эмас, уялтирмоқчи ҳам эмас. Гуноҳларни кечирувчи Аллоҳнинг Ўзи. У энг раҳмли зот.

«Менинг мана бу қўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташлангиз, кўзи очилур. Сўнгра аҳлингиз ила жам бўлиб ҳузуримга келинглар». (93)

Юсуф алайҳиссалом акалари ила гаплашиб ҳамма нарсадан, жумладан, оталари Яъқуб алайҳиссаломнинг фарзанд фироғида йиғлаб кўзлари ожиз бўлиб қолганини ҳам билган эдилар. Шунинг учун акаларига ўзларининг бир дона кўйлаklarини бериб,

«Менинг мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташлангиз, кўзи очилур», дедилар.

Юсуф алайҳиссаломнинг бу гапларидан ажабланишга ҳеч ҳожат йўқ. Аввало, Яъқуб алайҳиссалом ҳам, Юсуф алайҳиссалом ҳам Аллоҳнинг Пайғамбарлари, ораларида мўъжиза бўлиб, бир кўйлак сабабли дардга шифо етиши ғаройиб иш эмас. Иккинчидан, тажриба кўрсатадики, фарзанд доғида хасталикка чалинган мушфиқ ота-оналар фарзандларини кўрганларида ёки хабарларини эшитганларида Аллоҳ таолодан дарҳол уларга шифо етган.

Учинчидан, илмий баҳслар бу иш ҳақиқат эканини, кийимда қолган ҳид, ҳабиб инсоннинг дардига даво бўлишини тасдиқлади.

«Сўнгра аҳлингиз ила жам бўлиб ҳузуримга келинглар».

Яъни, отамнинг кўзлари очилгандан кейин ҳаммангиз аҳли аёлингиз билан биргаллашиб менинг ҳузуримга, Мисрга келинглар, дедилар.

Акалар Юсуф алайҳиссаломнинг илтимосларини бажо қилишга киришдилар.

ЮСУФНИНГ ҲИДИНИ СЕЗМОҚДАМАН

«Карвон йўлга чиққан вақтда оталари: «Мени ақлдан озган деманглар-у, албатта, мен Юсуфнинг ҳидини сезмоқдаман», деди». (94)

Яъни, Юсуфнинг кўйлагини олган карвон йўлга чиқиб, Мисрдан жўнаб кетган вақтда Яъқуб алайҳиссалом ҳузуридагиларга,

«Мени ақлдан озган деманглар-у, албатта, мен Юсуфнинг ҳидини сезмоқдаман», деди».

Юсуф алайҳиссаломнинг ҳиди Яъқуб алайҳиссаломга қандай етиб борганини Аллоҳнинг Ўзи билади.

Лекин у кишининг гапларига олдиларида турганлар ишонмадилар.

«Улар: «Аллоҳга қасамки, сен эски адашувингдасан», дедилар». (95)

Яъни, йўқ бўлиб кетган Юсуфдан ҳали ҳам умидворсан-а, дедилар. Лекин иш бошқача бўлиб чиқди.

«Хушхабарчи келган чоғида у (кўйлак)ни унинг юзига ташлаганида, яна кўрадиган бўлди. У: «Сизларга мен Аллоҳдан сизлар билмайдиган нарсани биламан, демаганмидим?!» деди». (96)

Ушбу ояти кариманинг сиёқидан карвондаги ўғиллардан олдин уларнинг хушхабарчиси Яъқуб алайҳиссаломнинг олдиларига етиб келган. Бирор кишини сен олдинроқ бориб отамизга хушхабарни етказ, бу кўйлакни бер, кўзлари очилса ажаб эрмас, деган бўлсалар керак.

«Хушхабарчи келган чоғида у (кўйлак)ни унинг юзига ташлаганида, яна кўрадиган бўлди».

Ўғиллар юборган хушхабарчи келиб, Яъқуб алайҳиссаломнинг юзларига кўйлакни ташлаган эди. Юсуф алайҳиссаломнинг ҳидлари урган кўйлак баҳона Аллоҳнинг иродаси ила Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзлари очилиб, қайтадан кўрадиган бўлдилар. Шунда олдиларида тургаларга:

«У: «Сизларга мен Аллоҳдан сизлар билмайдиган нарсани биламан, демаганмидим?!», деди».

Сиз бўлсангиз мени масҳара қилиб кулдингиз. Сен эски адашувингдасан, дедингиз.

Шу ерга келганда ўғиллар ўз хатоларини тўла тан олдилар.

«Улар: «Эй отамиз, гуноҳларимиз учун истиғфор айт. Албатта, биз хатокорлардан бўлган эканмиз», дедилар». (97)

Яъни, эй отамиз, биз Аллоҳнинг ҳузурда гуноҳкор бўлибмиз. Сиз Аллоҳнинг Пайғамбарисиз, дуоסי мақбул зотсиз. Энди Аллоҳга истиғфор айтиб, бизнинг гуноҳимизни кечишини тилаб беринг, дедилар.

Ўғилларининг бу сўровига жавобан:

«У: «Сизлар учун Роббимга сўнгра истиғфор айтаман. Албатта, Унинг Ўзи мағфират қилгувчи ва раҳмли Зотдир», деди». (98)

Эътибор берадиган бўлсак, Яъқуб алайҳиссалом ўғилларининг, эй отамиз, гуноҳларимиз учун истиғфор айт, дейишлари ила даржол дуога қўл кўтармадилар, балки,

«У: «Сизлар учун Роббимга сўнгра истиғфор айтаман», деди.

Уламоларимиз, бу дуо яхши қабул бўладиган пайтда ҳаққингизга дуо қиламан, деганларидир, деб тушинтирганлар.

Шу билан бирга у киши ўғилларининг умидворлигини ошириш учун, «Албатта, Унинг Ўзи мағфират қилгувчи ва раҳмли Зотдир», деди».

Аллоҳ таоло Ўзининг мағфират қилувчилик сифати ила бандаларининг гуноҳларини кечиради. Аллоҳ таоло Ўзининг раҳимлилик сифати ила гуноҳкорларга ҳам раҳм кўрсатади, дедилар.

Шундан сўнг ҳаммалари Яъқуб алайҳиссалом бошчиликларида юртлари Канъондан Мисрга қараб йўлга тушдилар. Қуръони Карим уларнинг сафарлари ҳақида ҳеч нарса демайди. Балки сўзни улар Юсуф алайҳиссалом ҳузурларига киришлари саҳнасидан улаб кетади.

«МИСРГА ОМОНЛИКДА КИРИНГЛАР»



«Юсуф ҳузурига кирган чоғларида у отаси ва онасини ўзига яқинлаштирди ва: «Аллоҳнинг хоҳиши ила Мисрга омонликда киринглар!» деди». (99)

Яъни, Юсуф алайҳиссалом ота-онасини ўзига хос эҳтиром ва иззат ила қаршиладилар. Уларга алоҳида муомалада бўлдилар. Иззат-икромларини жойига қўйдилар. Ҳамда улар Миср ерида, ўзлари бош вазир бўлиб турган юртда омонликда эканликларини эълон қилдилар. Сўнгра:

«Ота-онасини тахтга кўтарди. Улар унга сажда қилиб йиқилдилар. У: «Эй отажон, бу

аввал кўрган тушимнинг таъбиридир, Роббим уни ҳаққа айлантирди. Дарҳақиқат, У менга яхшилик қилди. Мени қамоқдан чиқарди. Шайтон мен билан акаларимнинг орасини бузгандан сўнг, сизларни биёбондан олиб келди. Албатта, Роббим нимани хоҳласа, ўшанга латифдир. Албатта, Унинг Ўзи билгувчи ва ҳикматли зотдир», деди». (100) Бу ояти каримада узоқ айрилиқдан сўнг дийдор топишиб, сўрашиб бўлганларидан кейинги ҳолатларнинг тасвири келтирилмоқда. Юсуф алайҳиссалом: «Ота-онасини тахтга кўтарди».

Яъни, баланд ўриндикқа ўтқазди. Ана шундан сўнг: «Улар унга сажда қилиб йиқилдилар». Бу ҳол қандай бўлганини Аллоҳнинг Ўзи билади. Аммо қадимги тафсирчиларимиз бу ҳақда турли фикрлар айтганлар. Баъзилари, салом маъносида бошларини бир оз эгдилар, дерлар. Бошқалари, берилган бу неъмат учун Аллоҳга шукр саждаси қилдилар, дерлар. Яна бирлари, ўша вақтда

катталарнинг оёғига йиқилиб сажда қилиш бор эди, лекин Ислом шариатида бекор қилинган, деган фикрни айтганлар. Нима бўлса ҳам, ояти карима матнидан Юсуф алайҳиссаломга сажда қилганлари аён. Уларнинг ўзига сажда қилганини кўрган Юсуф алайҳиссалом: «Эй отажон, бу аввал кўрган тушимнинг таъбиридир, Роббим уни ҳаққа айлантирди», дедилар.

У кишининг суранинг бошида зикр этилган тушларидаги ўн битта юлдуз-оғанилари, қуёш билан ой-ота-оналари бўлиб чиқди. Аллоҳ таоло неча йиллардан сўнг бу тушни ҳақиқатга айлантирди.

Сўнгра Юсуф алайҳиссалом ўзларига Аллоҳ томонидан берилган неъматларни эсладилар:

«Даҳақиқат, У менга яхшилик қилди. Мени қамоқдан чиқарди».

Аллоҳ таоло у кишига кўп яхшиликларни қилди. Жумладан, у кишини қамоқдан чиқариши ҳам ўша яхшиликларнинг бири бўлди. Яна энг катта яхшиликлардан бири:

«Шайтон мен билан акаларимнинг орасини бузгандан сўнг, сизларни биёбондан олиб келди».

Мана энди биргалашиб, хурсанд бўлиб ўтирибмиз.

«Албатта, Роббим нимани хоҳласа, ўшанга латифдир».

Яъни, хоҳлаган нарсасини нозик услублар ила амалга оширгувчидир.

«Албатта, Унинг Ўзи билгувчи ва ҳикматли зотдир».

Ҳамма нарсани билиб ва ҳикмат ила амалга оширади.

Сўнгра Юсуф алайҳиссалом мухлис банда ўлароқ, ўз Роббилари Аллоҳ таолога шукрлар айтиб, илтижо қилдилар.

«Эй Роббим, ҳақиқатда менга мулк бердинг ва менга тушларнинг таъбирини ўргатдинг. Эй осмонлару ерни яратган зот! Сен дунёю охиратда менинг валийиймсан. Мени мусулмон ҳолимда вафот этдиргин ва солиҳларга қўшгин».

(101)

Ушбу оятда Юсуф алайҳиссалом Аллоҳ таолога неъматларини бергани учун шукрлар айтиш билан бирга охиратнинг неъматини ҳам беришини сўрамоқдалар.

«Эй Роббим, ҳақиқатда менга мулк бердинг»

Мисрга бош вазир бўлдим. Ҳукмга, обрў-мартабага, молу мулкка эга қилдинг.

«ва менга тушларнинг таъбирини ўргатдинг».

Буниси илм неъматини эди.

«Эй осмонлару ерни яратган зот! Сен дунёю охиратда менинг валийиймсан».

Эгамсан-дўстимсан. Бу дунёда менга эгалик ва дўстлик қилиб, улкан неъматларингни бердинг, энди охиратда ҳам эгалик ва дўстлик қилиб, менга неъматлар бергин.

«Мени мусулмон ҳолимда вафот этдиргин ва солиҳларга қўшгин».

Менинг асосий мақсадим шу. Чунки молу мулк, ҳукму мансаб ҳаммаси ўткинчи нарсалар. Боқийси эса, мусулмон бўлиб ўлиш ва охиратда аҳли солиҳларга қўшилишдир.

Шу билан Юсуф алайҳиссаломнинг қиссалари тамом бўлди. Энди бу қиссага таълиқотлар келади, Пайғамбаримиз Муҳаммадга соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоблар қилинади.

«Бу ғайб хабарлардан бўлиб, уни сенга ваҳий қилмоқдамиз. Улар макр қилиб, ишлари ҳақида гап бириктирганларида олдиларида бўлмаган эдинг». (102)

Яъни, ушбу сурада келтирилган қисса сен учун ғайбнинг иши эди. Сенинг ундан хабаринг йўқ эди. Биз:

«Уни сенга ваҳий қилмоқдамиз».

Бу қиссани сенга ваҳий орқали билдирмоқдамиз. Йўқса, у ҳақида ҳеч нарса билмас эдинг. Чунки:

«Улар макр қилиб, ишлари ҳақида гап бириктирганларида олдиларида бўлмаган эдинг».

Улар ҳасад қилиб, Юсуфни йўқотиш учун макр-ҳийла ишлатиб, маслаҳатлашиб, гапни бир жойга қўяётганларида бирга эмас эдингки, бу гаплардан хабардор бўлсанг.

Одамлар ибрат олиб, ўзларини ўнгласинлар, тўғри йўлга тушсинлар, деган мақсадда сенга бу қиссани ваҳий қилмоқдамиз. Дарҳақиқат, қадимда кечган ушбу қиссани сир-асрорларигача қолдирмай, сендек беҳабар бир одамга билдиришимиздан одамлар таъсир олиб, иймонга чоғланишлари зарур.

Кейин келадиган бир неча оятларда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ўзига хос масалани баён қилади.

Сураинг сўнгги оятида яна қиссанинг ибрат учун келтирилиши таъкидланади: «Батаҳқиқ, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бор эди. Бу (Қуръон) тўқима гап эмас, лекин ўзидан олдин келганни тасдиқлаш ва ҳар бир нарсани батафсил қилиш, ҳидоят ҳамда иймон келтирганлар учун раҳматдир». (111)

Ҳа, ўтган умматларнинг, жумладан Юсуф алайҳиссалом ва замондошларининг қиссаларида ҳам ақл ишлатган ҳар бир киши учун ибрат бор.

Ҳа, бу Қуръон ва унинг қиссалари тўқима-уйдирма эмас, балки олдинги илоҳий китобларда келган нарсаларнинг тасдиғидир. Одатда ёлғон, тўқима гап бир-бирини тасдиқлай олмайди. Бирпасда ўртада хилоф чиқиб, сири фош бўлиб қолади.

Шунингдек, Қуръон ҳар бир нарсани муфассал баён қилувчидир. Агар тўқилган ва уйдирма бўлганида бундай бўла олмас эди.

Яна, Қуръон ва унинг қиссалари ҳидоятдан иборатдир, ёлғон ва уйдирма ҳеч қачон ҳидоят бўлган эмас, бўла олмайди ҳам.

Қуръон иймон келтирганларга раҳматдир. Ёлғон ва уйдирма ҳеч кимга раҳмат бўлган эмас, бўлмайди ҳам.

Шундай қилиб, аввалидан охиригача битта қиссадан иборат бўлган Юсуф сураси Қуръон қиссалари ақл эгалари учун ибрат эканлиги ҳақидаги оят билан тамом бўлди.

Аmmo бу сураи ўрганиш жараёнида ҳосил бўлган фикрлар тугамайди. Хусусан, қиссаларни ичига олган сураи шарифаларни ўрганиш жараёнида улардан келадиган фойдалар, кўзланган мақсадлар ва бошқалар ҳақида мақомига қараб сўз юритилган эди.

Ушбу Юсуф сурасини ўрганиш жараёнида яна янги фикрлар пайдо бўлди. Жумладан, Қуръон қиссаларини тафсир қилишда асл мақсаддан узоқлашиш, кераксиз нарсаларга эътиборни тортиш, турли тафсилотларга киришиб кетиш Қуръон қиссалари равнақини бузиши аён бўлди. Шунинг учун ҳам бошидан-охиригача бир қисса-Юсуф алайҳиссалом қиссасидан иборат бўлган бу сура тафсирида мазкур тафсилотларни келтирмай, охирида алоҳида баҳс сифатида келтирмоқдамиз.

Авалло, қиссалардаги турли кераксиз тафсилотларга берилиб кетишга сабаб Қуръондаги қиссалардан кўзланган мақсадни англамаслик, улардан узоқлашиш бўлса керак, деган фикрдамиз.

Ҳолбуки, уламоларимиз Қуръони Каримдаги қиссалардан кўзланган мақсадларни очиқ-ойдин баён қилганлар.

Демак, Қуръони Каримни ўқиган, ўрганган ёки уни бировга ўргатишга уринган одам қиссалардаги мазкур маъноларга алоҳида эътибор бермоғи лозим. Ундан бошқа маъноларни топишга уриниш эса, асл мақсаддан узоқлашишдир.

Минг афсуски, эски тафсирларимизнинг кўпида худди шу асл мақсаддан узоқлашишга ҳаракат қилинганини кўрамиз. Бунга Юсуф сураси тафсирида ҳам дуч келдик.

Одатда, Қуръони Карим шахс, макон ва вақтларни тайин қилмайди. Яъни, қиссаларда бу нарсалар муҳим эмас. Юсуф сурасида ҳам шахс исмларидан

Яъқуб, Юсуф, маконотларидан Миср зикр этилган, холос. Бошқа шахслар эса, укаси, Азиз, Азизининг хотини, подшоҳ каби сўзлар билан ифода этилган. Лекин эски тафсирларимизда буларнинг ҳаммасига ном қўйиб чиқилган.

Мисол учун Азиз–бош вазир, Юсуфни Мисрда сотиб олган кишининг исми «Китфир ибн Руҳайб» ёки «Литфир» дейилган. Унинг хотинининг исмини «Роъил» ёки «Зулайҳо», Миср подшоҳининг исмини эса «Раёён ибн ал-Валид» дейишган. Табиийки, исмнинг икки хил айтилиши ҳам маълумот аниқ эмаслигига далолат қилади. Бунинг устига ҳар бир исми келтирган одам ўз фикрини қувватлаб, ўзгани танқид ҳам қилади. Лекин ҳеч ким Мисрда Юсуф алайҳиссалом даврида арабча исмлар бўлганми, деб ўйлаб кўрмайди?

Эҳтимол, қадимги уламоларимиз ўз замонлари воқелигидан келиб чиқиб, Қуръонда зикр қилинган ҳар бир нарсани аниқлаб қўйишга ҳаракат қилгандирлар. Аммо агар у ном ва исмларнинг аниқ бўлиши дин учун бирон фойда келтирадиган бўлса, Аллоҳнинг Ўзи зикр қилган бўлар эди.

Бошқа мулоҳазалардан бири, Қуръони Каримда зикр қилинган воқеаларни исроилиёт (Бани Исроил тўқиган қиссалар) билан тўлдиршига уринишдир.

Биргина мисол келтирамиз. Қуръони Каримда Азизнинг хотини ва Юсуф алайҳиссалом ўртасидаги можаро кераклигича баён қилиниб, у зот алайҳиссаломнинг поклигини айтиб, аёл ўз айбини бўйнига олиши билан ниҳоясига етади. Аммо эски тафсирларимизда айтилишича, исми Зулайҳо деб даъво қилинган бу аёлга Юсуф алайҳиссаломни уйлантирадилар. Аёл шунча йил эри билан яшаса ҳам, бокира ҳолида турганлиги зикр қилинади. Баъзиларида эса, Аллоҳ унга ёшлиги ва бакоратини қайтариб бергани ҳам айтилади.

Агар бунақа қўшимча тафсилотларда бирор фойда бўлса, Аллоҳнинг Ўзи айтмасми?!

Яна бир мулоҳаза–қиссадаги маъноларни атрофлича тушуниш учун Қуръони Каримнинг ўзига ёки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган ривоятларга эмас, бошқа масдарларга суянилган.

Бу борада Юсуф алайҳиссаломнинг ҳусни жамоллари ҳақидаги васф–баёнларни келтириш мумкин.

Қолбуки, Қуръони Каримдаги васф ҳаммасидан ўтади. Мисрнинг менман деган зодагон аёллари Юсуф алайҳиссаломни бир кўришларидаёқ ўзларини йўқотиб, ҳушлари бошидан учиб, беихтиёр қўлларини кесишлари ва «Бу башар эмас, карамли фариштадир!» дейишлари кифоя эмасми?

Ёки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган Юсуф алайҳиссаломга борлиқ ҳуснининг ярми берилгани ҳақидаги саҳиҳ ҳадис кифоя эмасми?

Яна бир мисол. Юсуф алайҳиссаломнинг инисининг юки ичидан сув идиши чиққанда акаларининг:

«Бу ўғрилиқ қилган бўлса, бундан олдин акаси ҳам ўғрилиқ қилган эди», деган гапларини исботлаш мақсадида турли ривоятлар келтирилади. Уларнинг баъзиларида Юсуф алайҳиссалом кичкиналик вақтида бир бутни бобосидан (онасининг отасидан) ўғирлаб синдирган эди, дейилади. Бошқалари эса, бошқача ривоятни келтирадилар. Ҳаммалари ҳам Юсуф алайҳиссаломдек одам ўғрилиқ қилиши мумкин эмаслигини яхши билганларидан ривоятларда у кишини, ҳақиқий ўғри эмас, дея таърифлайдилар. Аммо Юсуфни қудуққа ташлаб, оталарига, уни бўри еб кетди, деб ёлғон гапирган акалар яна бир бор ёлғон гапиришлари мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Бунга ўхшаш узундан–узоқ тортишув ва ривоят суришлар, Юсуф алайҳиссаломга ота–оналари ва биродарларининг сажда қилишлари; Юсуф алайҳиссалом агар Роббининг бурҳонини кўрмаганида аёлга мойил бўлиб қолишлари мумкинлиги тўғрисида ва бошқа мавзуларда ҳам анчагина бор. Буларнинг ҳаммаси, аввалда айтганимиздек, фикрни асосий мақсаддан бошқа томонга буради, холос.

Энди Юсуф сурасининг бош мавзуларидан бири бўлган туш масаласига тўхтайлик.

Кўриб ўтганимиздек, Юсуф сурасида воқеалар ривожи, асосан, уйқуда кўрилган тушлар билан боғлиқдир. Қисса Юсуф алайҳиссалом тушларида ўзларга ўн битта юлдуз, қуёш ва ой сажда қилаётганини кўрганларини баён қилиш билан бошланиб, ўша туш ўнгда ҳақиқатга айланиши билан тугайди.

Шунингдек, қиссадаги бурилиш нуқталари ҳам тушларга боғлиқ. Аввал Юсуф алайҳиссалом билан бирга қамалган икки йигитнинг кўрган тушлари, кейин эса Миср подшоҳининг кўрган туши.

Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломга туш таъбири илмини берганлигини неъмат деб ҳисобламоқда. Юсуф алайҳиссаломнинг тушларни тўғри таъбир қилишлари Пайғамбарлик мўъжизаси ўрнида келмоқда. Эҳтимол, ўша пайтда туш таъбири халқ ўртасида ривожланган бўлиши мумкин.

Ҳаётга назар соладиган бўлсак, баъзилар тушни тамоман тан олмайди. Баъзилар эса, ҳамма нарсани тушга боғлаб қўяди. Исломда эса, ҳақиқий мавқиф тутилади. Исломда тушга бўлган муносабат, айниқса, ушбу сурадан очиқ-ойдин билинади.

Мусулмон уламолар тушни уч турга бўладилар:

1. Аллоҳдан бўлган илҳомий тушлар. Уларга ушбу сурадаги тушлар мисол бўлади.

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрган тушлари ҳам шу хилдаги тушлардан.

Маълумки, у киши Пайғамбарликларининг дастлабки олти ойида кўрган тушлари худди тонг ёғдусидек, аниқлик билан воқеликда ҳам такрорланиб турган. Бу ҳақда саҳиҳ ривоятлар кўп.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Тўғри туш Пайғамбарликнинг қирқ олти жуъйдан биридир», деган ҳадисларини ҳам уламолар ўша олти ойга ишорат, дерлар. Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликлари йигирма уч йил бўлган. Йигирма уч йил қирқ олтига олти ойликдан иборат. Демак, ўша туш ўнгидан келиб юрган дастлабки олти ой муддат йигирма уч йиллик Пайғамбарлик муддатининг қирқ олтидан биридир.

2. Ҳаётда бўлиб ўтган нарсаларни хотирлаб, эсга олиб, сўнгра ухлагандан кейин ўша нарсаларнинг тушга кириши. Бу тушнинг эътибори йўқ. Моддапарастлар шуни ҳам туш деб биладилар.

3. Шайтон таъсири остида кўриладиган алғов-далғов тушлар. Бунинг ҳам ҳеч қандай эътибори йўқ. Шунинг учун ҳам ҳар бир кўрган тушни эътиборга олиб, таъбирини ахтаришга тарғиб қилиш ҳам йўқ.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифларида: «Агар бирортангиз ўзи яхши кўрган нарсасини тушида кўрса, бошқаларга айтсин. Ёмон кўрадиган нарсасини тушида кўрса, чап томонига уч марта туфласин-да, бошқа томонга ёнбошлаб олсин. Аллоҳдан унинг шарридан сақлашини сўрасин. Бировга бу тушини айтмасин. Шунда туш унга зарар қилмайди», деганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Муовия ибн Ҳайдатул Қушайрийдан ривоят қилган ҳадисда эса, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Туш таъбир қилинмагунча киши учун фолга ўхшаб тураверади, таъбир қилинса, воқеъликда зоҳир бўлади», деганлар.

Тобеинларнинг орасида тушларни оят ва ҳадислар асосида таъбир қилувчи машҳур кишилар ҳам бўлганлар.

Уламоларнинг фикрича, туну куннинг узунлиги бир-бирига яқин бўлган мавсумда таҳорат билан ётган одамнинг саҳар чоғи кўрган туши ҳақиқатга яқин туш бўлади.

У ЗОТНИНГ ВАФОТЛАРИ

Юсуф алайҳиссалом бир юз ўн йил умр кўрдилар. Дастлаб Мисрга дафн қилиндилар. Кейин васиятларига биноан ака-укалари хокларини Шом ерларидан Ноблусга олиб бориб кўмдилар.



(Ғарбда Шуайб)

Тахминан мил.авв. XVIII-XVII асрлар

Аллоҳ таоло Шуайбнинг исмларини Қуръон Каримда ўн марта келтирган. У зот алайҳиссалом Аъроф, Ҳуд, Шуаро ва Анкабут сураларида зикр қилинганлар.

У ЗОТНИНГ НАСАБЛАРИ

Шуайбнинг насаблари оталари Мийкил ва боболари Яшжир орқали Иброҳим алайҳиссаломнинг Мадян номли ўғилларига боради. Демак Шуайб ҳам Иброҳим алайҳиссаломнинг сулолаларидан. Шуайбнинг оналари Лут алайҳиссаломнинг қизлари бўлган.

У ЗОТНИНГ ПАЙҒАМБАРЛИКЛАРИ

Шуайбнинг пайғамбарликлари Лут алайҳиссаломдан кейин бўлган. Буни Шуайбнинг ўз қавмларига айтган гапларидан-«Ҳуд» сурасидаги қуйидаги оятдан билиб олинади:

«Эй қавмим, менга хилоф қилишингиз сизларни ё Нуҳ қавмига, ё Ҳуд қавмига ёки Солиҳ қавмига етган мусибатга ўхшаш мусибат етишига олиб бормасин. Лут қавми сизлардан узоқ эмас». (89 оят)

Яъни, Нуҳ, Ҳуд, ва Солиҳ қавмига етган мусибатлар сизга ҳам етмаслигини хоҳласангиз, менга хилоф қилишни йиғиштиринг.

Чунки ўша қавмлар Пайғамбарларига хилоф қилишлари оқибатида мусибатлар, азоб-уқубатларга дучор бўлишган эди. Сизлар ҳам менга қарши чиқмоқдасиз, агар шу хилда давом этаверсангиз, худди ўша қавмларга етган мусибатлар сизларга ҳам етиши турган гап.

«Лут қавми сизлардан узоқ эмас».

Лут қавми яшаган жойлар сизга яқин. Улар яшаган замон ҳам сиз яшаётган замондан узоқ эмас. Ибрат олинглар.

Шунингдек, Шуайб Мусо алайҳиссаломдан олдин келган пайғамбар бўлганларига «Аъроф» сурасида Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Лут, ва Шуайбларни зикр қилгандан кейин Мусо алайҳиссаломни зикр қилиб келадиган ушбу оят далил бўлади:

«Сўнгра уларнинг ортидан Мусони ўз оятларимиз ила Фиръавн ва унинг зодагонларига юбордик». (103 оят)

Яъни, Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Лут, ва Шуайблардан кейин Мусони пайғамбар қилиб юбордик.

Аллоҳ таоло Шуайбни Мадян номли жойга пайғамбар қилиб юборган. Бу ҳақиқат «Аъроф» сурасида таъкидланади:

«Ва Мадянга ўз биродарлари Шуайбни (юбордик). (85 оят)

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада Шуайб алайҳиссаломни Мадянга Пайғамбар қилиб юборганини айтмоқда.

Мадян, аслида, Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғиларидан бирининг номи бўлиб, кейинчалик ундан тарқаган қабиланинг ва улар яшайдиган диёрнинг номи бўлиб қолган. Мадянликлар ҳам асли араблар бўлиб, уларнинг ерлари Ақаба қўлтиғидан Тури Синога қадар чўзилган.

Шунингдек, Шуайбнинг қавмларини «Асҳобул айкати»-Қалин дарахтзор эгалари, деб ҳам аталади. Бу ҳам Қуръон Каримнинг таъбири. Бу ҳақда «Шуаро» сурасида қуйидагилар айтилади:

«Қалин дарахтзор эгалари Пайғамбарларни ёлғончи қилдилар. Ўшанда уларга биродарлари Шуайб деди: «Қўрқмайсизларми?!» (176-177 оятлар)

Араб тилида қалин дарахтзор-дарахтлари бир-бирига киришиб кетган ўрмон «айка» дейилади.

Бу ерда зикри келаётган «қалин дарахтзор» Мадян ўлкасидир. Бу ўлка Ҳижоз билан Ҳаластин ўртасида, Ақаба кўрфазида жойлашган. У ерда дарахтлар қалин бўлиб, шоклари бир-бирига киришиб ўсади. Шунга кўра, «айка» номи билан ҳам аталади.

У ЗОТНИНГ ҚАВМЛАРИ ИЛА ҚИССАЛАРИ

Аллоҳ таоло Шуайб алайҳиссаломни Мадянга Пайғамбар қилиб юборганидан кейин у киши ўз қавмларига панд-насиҳатлар қилишни бошладилар.

Одатдагидек, қавм у зотга қарши чиқди. Орада кураш бошланди. Бу жараёни «Аъроф» сурасидаги қуйида келадиган оятлардан ўрганамиз.

«Ва Мадянга ўз биродарлари Шуайбни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сизга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан ҳужжат келди. Бас, ўлчов ва тарозуни тўлиқ адо этинг, одамларнинг нарсаларидан камитиб қолманг ва ер юзида унинг ислоҳидан кейин бузғунчилик қилманг. Агар мўмин бўлсангиз, шундай қилмоғингиз ўзингиз учун яхшидир.

Ҳар кўчада ўтириб олиб қўрқитманг. Аллоҳнинг йўлидан Унга иймон келтирганларни тўсманг ва у(йўл)ни эгри бўлишини истаманг. Оз бўлган чоғингизда сизни кўпайтириб қўйганини эсланг. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинг.

Агар сиздан бир тоифа мен ила юборилган нарсага иймон келтирган ва бошқа тоифа иймон келтирмаган бўлса, бас, Аллоҳ орамизда ҳукм қилгунча сабр қилинглар. У ҳукм қилувчиларнинг яхшисидир», деди». (85-87 оятлар)

Аллоҳ таоло ушбу ояти карималарда аввало Шуайб алайҳиссаломни Мадянга Пайғамбар қилиб юборганини, кейин эса, у кишининг ўз қавмларига қилган панд-насиҳатларини келтирмоқда.

Шуайб алайҳиссалом ҳам Пайғамбар бўлганларидан сўзлари аввалда ўтган Пайғамбарлар ўз қавмларига такрор-такрор айтган сўзларга жуда ўхшайди:

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сизга Ундан ўзга илоҳ йўқ», деган гапларини айтдилар.

Сўнгра ҳар бир Пайғамбарнинг рисолати ўзи ҳужжат бўлишига қарамай, унинг буюк мақомини тасдиқловчи бошқа ҳужжат ҳам бериш Аллоҳга хос экани ва унга ҳам (яъни, Шуайбга) илоҳий ҳужжат берилганини таъкидлаб:

«Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан ҳужжат келди», дедилар.

Аmmo оятда Шуайб алайҳиссаломга берилган ҳужжат-мўъжиза нима эканлиги айтилмаган.

Сўнгра Ҳазрати Шуайб ўз қавмларидаги бош нуқсонлардан бирини муолажа қилишга ўтиб:

«Бас, ўлчов ва тарозуни тўлиқ адо этинг, одамларнинг нарсаларидан камитиб қолманг ва ер юзида унинг ислоҳидан кейин бузғунчилик қилманг», дедилар.

Шуайб алайҳиссаломнинг қавми кўпроқ амалий ширкка мубтало бўлганга ўхшайди. Чунки муомала ишларида Аллоҳнинг буйруғини адо этмай, бошқанинг амрини бажаришдан, ўлчов ва тарозудан уриб қолиб, бировларнинг ҳаққини ейишдан қайтаришлари шунга далолат қилмоқда.

Бу ва бу каби, Аллоҳнинг йўриқларини четлаб, бошқа йўлга юриш Аллоҳ таоло ер юзини ислоҳ қилиб қўйганидан кейин уни бузишдан иборат эканига ишора этиб Шуайб алайҳиссалом ўз қавмларига:

«ва ер юзида унинг ислоҳидан кейин бузғунчилик қилманг», демоқдалар.

Ер юзида Аллоҳ амрига номувофиқ қилинган ҳар бир амал бузғунчиликдир. Бундай амалларни қилиш мўмин инсонга ҳеч хос эмас. Мўмин инсон ҳаёти дунёда фақат Аллоҳнинг амрига амал қилиб яшайди. Бу эса, энг аввал ўзи учун манфаат ва яхшиликлар келтиради.

«Агар мўмин бўлсангиз, шундай қилмоғингиз ўзингиз учун яхшидир».

Сўнгра Шуайб алайҳиссалом ўз қавмларининг номаъқул ишларини муолажа қилишни давом эттирадилар:

«Ҳар кўчада ўтириб олиб қўрқитманг».

«Кўча»дан мурод-ҳам моддий ва ҳам маънавий йўллардир. Мадянликлар ҳар икки «кўча»да ҳам одамларни қўрқитиш билан машғул бўлганлари боисдан бу хатарли йўлдан қайтарилмоқдалар.

«Аллоҳнинг йўлидан Унга иймон келтирганларни тўсманг ва у (йўл)ни эгри бўлишини истаманг».

Бошқа ҳаддидан ошган кофирлар каби, Мадян қавми ҳам ўзлари Аллоҳнинг йўлига юрмаганлари етмаганидек, ўзгаларни ҳам бу йўлдан тўсганлар ва Аллоҳнинг йўли ўзларининг хоҳишига биноан турли томонларга бурилишини истаганлар. Бу жуда ҳам улкан гуноҳ ҳисобланади.

Шуайб алайҳиссалом ўз қавмларини гуноҳ ишлардан қайтариш билан бирга, шоядки инсофга келсалар, деган умидда бошқа Пайғамбарлар каби уларга ҳам Аллоҳ берган тансиқ неъматларни эслатадилар.

«Оз бўлган чоғингизда сизни кўпайтириб қўйганини эсланг».

Яъни, сонингиз оз эди, Аллоҳ таоло зиёда қилди, молингиз камчил эди, мўл айлади, яхшилигингиз андак эди, бисёр этди ва ҳоказо.

Шунингдек, Шуайб алайҳиссалом ўз қавмларини ўтган кофирлар оқибатидан ибрат олишга чақирдилар.

«Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинг».

Одатда, Пайғамбар келганда ҳар бир қавм икки қарама-қарши гуруҳга бўлинади. Бир гуруҳ иймонга келиб, иккинчи гуруҳ куфр келтиради. Худди шундай ҳолат вужудга келганда, Шуайб алайҳиссалом ўз қавмларини, мўминларга зулм қилмасдан, уруш-жанжал чиқармасдан, энг адолатли йўлни тутишга, уларга Аллоҳнинг ҳукми етиб келгунча сабр қилиб кутиб туришга чақирдилар:

«Агар сиздан бир тоифа мен ила юборилган нарсага иймон келтирган ва бошқа тоифа иймон келтирмаган бўлса, бас, Аллоҳ орамизда ҳукм қилгунча сабр қилинглар».

Аллоҳ ҳукми орани очиқ қилади. Аллоҳнинг ҳукми ким ҳақ эканини адолат ила исбот этади. Чунки:

«У ҳукм қилувчиларнинг яхшисидир».

Аmmo жинояткор қавм бу оқилона таклифни қабул қилмади. Сабр қилиб, Аллоҳнинг ҳукм чиқаришини кутмади.

«Унинг қавмидан мутакаббир бўлган зодагонлар: «Эй Шуайб, ёки, албатта, сени ва сен билан бирга иймон келтирганларни ўз қишлоғимиздан чиқарамиз, ёки ўз миллатимизга қайтасизлар», дедилар. У: «Гарчи ёмон кўрувчи бўлсак ҳам-а?!»

Агар сизнинг миллатингизга Аллоҳ бизга ундан нажот бергандан сўнг қайтсак, батаҳқиқ, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган бўламиз. Биз учун унга қайтиш мутлақо мумкин эмас, магар Роббимиз–Аллоҳ хоҳласагина (мумкин). Роббимиз ҳамма нарсени ўз илми ила қамраб олгандир. Аллоҳга таваккал қилдик. Эй Роббимиз, биз билан қавмимизнинг орамизни ҳақ ила очгин. Сен очувчиларнинг яхшисидирсан», деди». (85–86 оятлар)

Ўтган оятлар мазмунини теран мулоҳаза қилсак, Шуайб алайҳиссалом ҳар бир нарсени батафсил, эҳтимол кейин пайдо бўладиган саволларга ҳам жавоб бўладиган тарзда баён қила оладиган салоҳиятга эга Пайғамбар эканликларини англаймиз. Пайғамбар сифатида илк бор даъват қилганларида ҳам масалани батафсил баён этган эдилар. Энди эса:

«Унинг қавмидан мутакаббир бўлган зодагонлар: «Эй Шуайб, ёки, албатта, сени ва сен билан бирга иймон келтирганларни ўз қишлоғимиздан чиқарамиз, ёки ўз миллатимизга қайтасизлар», деганларида ҳам, тамкин билан батафсил жавоб бермоқдалар.

Зодагон кофирлар, одатдагидек, мўминларнинг йўлига тўсиқ бўлдилар. Уларга икки йўлдан бирини ихтиёр этишни таклиф қилдилар, яъни, ёки юртни ташлаб чиқиб кетиш ёки ота-боболарнинг динига қайтиш. Зодагон кофирларнинг иккинчи таклифлари алоҳида муолажа талаб қилади.

Шунинг учун ҳам Шуайб алайҳиссалом уларнинг бу таклифига ўз номларидан эмас, балки мўмин жамоат номидан жавоб бермоқдалар. Шунинг учун жавоб давомида ўз шахсларига тааллуқли бўлмаган баъзи гапларни ҳам айтишга мажбур бўлмоқдалар. Жавобларида, аввало, кофирлар таклифларидан ажабланганликларини изҳор этиб:

«Гарчи ёмон кўрувчи бўлсак ҳам-а?!» демоқдалар.

Яъни, сизнинг миллатингизни–динингизни ёмон кўриб туриб ҳам унга қайтишимиз керакми, демоқчилар.

Кейинги ояти каримада эса, нима учун қайтишлари мумкин эмаслигини батафсил изоҳлаб:

«Агар сизнинг миллатингизга Аллоҳ бизга ундан нажот бергандан сўнг қайтсак, батаҳқиқ, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган бўламиз», демоқдалар.

Яъни, сизнинг миллатингиз–ширк миллати, куфр миллати, Аллоҳ бизни ўз ҳидоятига бошлаб, ўша жаҳолат миллатларидан қутқарганидан кейин яна унга қайтсак, яна ширк ва куфрга ўзимизни урсак, Аллоҳга нисбатан улкан ёлғон тўқиган бўламиз.

Албатта, Шуайб алайҳиссалом ҳеч қачон мушрик ёки кофир бўлмаганлар. Бундай ҳол Аллоҳнинг ҳеч бир Пайғамбарга хос эмас. У зот юқоридаги фикрни жамоат номидан сўзлаяптилар, вассалом.

«Биз учун унга қайтиш мутлақо мумкин эмас, магар Роббимиз–Аллоҳ хоҳласагина (мумкин)».

Яъни, биз учун ширк ва куфр миллатига, яъни, ортга қайтиш мутлақо мумкин эмас. Биз иймон келтирдик ва унинг лаззатини татиб кўрдик. Энди ёлғиз, бир ҳолатдагина—Аллоҳ бизни адаштиришни ирода қилсагина, ортга қайтишимиз мумкин. Зеро, Унинг иродасига ҳеч қачон бас келиб бўлмайди. Чунки:

«Роббимиз ҳамма нарсани Ўз илми ила қамраб олгандир».

Аллоҳ жамики нарсани билиб турибди. Барчага қилмишига мувофиқ мукофот ёки жазо беради. Шунинг учун ҳам биз:

«Аллоҳга таваккал қилдик».

Келажакда қилажак жамики амалларимизни ҳам Унинг Ўзига топширдик. Биз фақат Аллоҳга суянамиз. Сизнинг таҳдид ва зўрлигингиз, сохта худоларингиздан заррача ҳайқмаймиз, уларга эътибор бермаймиз ҳам.

Шуайб алайҳиссалом қудрат қаёқдалигини, кимдан мадад исташ зарурлигини яхши биладилар. Шунинг учун Аллоҳ таолонинг Ўзига илтижо қилиб:

«Биз билан қавмимизнинг орамизни ҳақ ила очгин. Сен очувчиларнинг яхшисидирсан», деди.

Шу йўл билан ишни ўзининг ҳақиқий эгаси ҳукмига ҳавола қилиб, иймон ва куфр ўртасида ҳукм чиқарувчи ҳокими мутлаққа мурожаат этдилар. Шунда зодагонлар ўз табиатларига мувофиқ тарзда мўминларга таҳдид қилишга ўтдилар:

«Унинг қавмидан бўлган, куфр келтирган зодагонлар: «Агар Шуайбга эргашсангиз, у ҳолда, албатта, зиён кўрувчидирсиз», дедилар». (90 оят)

Доимо шундай бўлади. Динга душман бўлган зодагонлар, бойлар, амалдорлар аввал Пайғамбарга ёки унинг ворисларига—олимларга ва эргашувчиларга осиладилар. Унга таҳдид солиб, турли усуллар билан танлаган йўлидан қайтаришга ҳаракат қиладилар.

Бу уринишлари зое кетгач, мўминларни азоблашга, қўрқитишга ўтадилар. Мадян зодагонлари ҳам Шуайбнинг алайҳиссалом даъватларида мустаҳкам турганларини кўрганидан кейин, у кишига эргашган мўминларга таҳдид қилиб:

«Агар Шуайбга эргашсангиз, у ҳолда, албатта, зиён кўрувчидирсиз», дедилар.

Аmmo нима бўлганда ҳам оқибат—натихада куфрнинг ҳоли чатоқ бўлади:

«Бас, уларни шиддатли зилзила олди ва жойларида ўтириб қолдилар». (91 оят)

Яъни, барчалари ўринларидан жила олмай, ҳалок бўлдилар.

«Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, худди у ерда яшамагандек бўлдилар. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, ўшалар зиён кўрувчилар бўлдилар». (92 оят)

Яъни, мазкур шиддатли зилзиладан кейин Шуайб алайҳиссаломга муҳолиф бўлган кофирлар ҳалок бўлиб, батамом гумдон бўлиб кетдилар. Улар гўё ҳеч қачон ўз диёрларида яшамагандек, давру даврон суриб, айшу ишрат қилмагандек ҳолга келдилар. Улардан ном-нишон ҳам, асар ҳам қолмади.

«Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, ўшалар зиён кўрувчилар бўлдилар».

Ихтилоф бу ҳолга етганидан сўнг Шуайб алайҳиссалом:

«Кейин улардан юз ўгирди ва «Эй қавмим, батаҳқиқ, сизга Роббимнинг юборганларини етказган эдим ҳамда сизга насиҳат қилган эдим. Қандай қилиб кофир қавмларга қайғурай», деди». (93 оят)

Яъни, тўғри йўлга—ҳидоятга юришга кўнмаган саркаш қавмдан юз ўгирдилар ва ниҳоят улар Аллоҳнинг азобига гирифтор бўлганларидан сўнг, уларга бу ҳалокатнинг асл сабабини эслатиб:

«Эй қавмим, батаҳқиқ, сизга Роббимнинг юборганларини етказган эдим», дедилар.

Яъни, ўша илоҳий кўрсатмаларга амал қилиб яшаганингизда, бундай даҳшатли ҳолга тушмас эдингиз.

«ҳамда сизга насиҳат қилган эдим».

Яъни, кофир ва осий бўлиб эмас, иймонда собит туриб, Аллоҳ шариатига амал қилган ҳолда яшашингиз хайрли бўлишини етказдим ва кўплаб панд-насиҳатлар

қилдим. Аммо насиҳатларга қулоқ осмадингиз. Оқибатда амалингизга яраша барчангиз ҳалок бўлдингиз. Ўзингизга ўзингиз қилдингиз. Сизнинг бу аҳволингизга қайғуриб бўлмайди:

«Қандай қилиб кофир қавмларга қайғурай», деди.

Шу ерда қисса тугаб, Аллоҳ динини инкор қилган, Пайғамбарларни ёлғончига чиқарганларга одатда қандай муносабатда бўлиш баён қилинади:

«Қайси бир қишлоққа Пайғамбар юборсак, албатта, унинг аҳлини тазарруъ қилишлари учун зарарлар ва мусибатлар ила тутганмиз». (94 оят)

Албатта, Аллоҳ таоло Пайғамбарнинг кетидан доим бесабаб мусибат юборавермайди. Бандаларни бекордан-бекорга зарарлар ва мусибатларга гирифтор қилавермайди. Аввало, бандаларнинг ўзларидан ўтади. Улар Аллоҳ юборган Пайғамбарга, зикр этилган қиссалардаги каби, қарши чиқадилар. Аллоҳга куфр келтирадилар, одамларни иймон йўлидан тўсадилар, исён қиладилар. Шундан сўнггина Аллоҳ уларга бало-офатларини юборади.

Ояти каримадан англаш лозим бўлган мантиқлардан бири-Аллоҳнинг Пайғамбар юбормасдан бурун азоб юбормаслиги. Яъни, аввал Аллоҳ Ўз элчиси орқали тўғри йўлга даъват қилади, ваъз-насиҳатлар қилиб кўради, ниҳоят бош тортганларни азобга дучор этади. Иккинчидан, бандаларга қашшоқлик ва мусибатларни юборишдан мақсад уларни тавба-тазарруъ қилишга чорлашдир. Инсон фароғатда яшаса, кам-кўстсиз бўлса, жуда кўп нарсаларни, ҳатто яратган Холиқини ҳам эсдан чиқариб қўяди. Бошига мусибат етиб, ўзининг ожиз бир қуллигини англаб қолса, ўзига келиши муқаррар.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ўзидан кетган, куфр ва исён аҳлига турли мусибатлар юборади. Аллоҳнинг бундан мақсади ўзига бирор-бир фойда кўзлаш ёки одамларни азоблаб маза қилиш эмас. Аллоҳ беҳожат ва покдир. Парвардигорнинг муддаоси-инсонларнинг манфаати, вақтида тавба-тазарруъ қилиб ўзларини ўнглаб олишга имконият беришдир.

«Сўнгра ёмонликни яхшиликга алмаштирганмиз. Токи кўпайишиб ва «ота-боболаримизга ҳам қийинчилик ва хурсандчилик етган эди», деганларида, уларни ўзларига сездирмай тўсатдан тутганмиз». (95 оят)

Вақт-соати келиб Аллоҳ таоло мазкур ёмон ҳолатларни яхшилик ҳолатларга алмаштириб қўяди. Очлик-қашшоқлик ўрнига тўқлик фаровонлик, мусибатлар ўрнига шодлик-хуррамлик келади. Одамлар бу яхши ҳолларда янада кўпайишади. Уларнинг ададлари, мол-мулклари, орзу-ҳаваслари, нозу неъматлари зиёда бўлади. Аммо бу зиёдалик ҳам улар учун синов эканлигини англаб етмайдилар. Аллоҳ уларни шукр қилармикин, деб кўпайтириб қўйганини, яхши ҳолатларга солганини билмайдилар.

Улар:

«...ота-боболаримизга ҳам қийинчилик ва хурсандчилик етган эди», «Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлади», деб ялло қилиб юраверадилар.

Улар, қийинчиликдан кейин осончилик келиши одатдаги нарса, ота-боболаримиз замонида ҳам шундай бўлган, бизнинг давримизда ҳам шундай бўлмоқда, бундан кейин ҳам шундай бўлади, вақти келганда қийинчиликни тортдик, энди хурсандчилик келган экан, бир ётиб маза қилиб олайлик, дейишади.

Ушбу мавҳум ақида тўрига илиниб, ўзларини дунё матоҳига уришади. Фаровон турмушда бардавомлик уларни хотиржам қилиб қўяди, ҳар қандай гуноҳни тап-тортмай қилаверишади. Тўқликка шўхлик бошланади.

Ғафлат нигоҳларни мойлайди. Ана шунда Аллоҳ таоло уларни ўзларига сездирмасдан туйқусдан туттади ва азоб-уқубатларга гирифтор қилади.

«Агар қишлоқлар аҳллари иймон келтирганларида ва тақво қилганларида эди, Биз, албатта, уларга осмону ердан баракотларни очиб қўяр эдик. Лекин улар ёлғонга чиқардилар, бас, уларни қилган касблари туфайли тутдик». (96 оят)

Ушбу ояти каримада баён қилинаётган оддий ва содда ҳақиқатни инсоният тушуна олмаётгани ғоятда ажабланарли ҳол. Инсон учун осмон ва заминдан баракот эшиклари очилиши учун биргина шарт кифоя, яъни, у иймонли ва тақволи бўлиши лозим экан. Ана ўшанда инсонга осмону заминдан баракотлар эшиги ланг очиб қўйилади. Чунки иймон инсонни баракотли ҳаёт йўлига бошлайди. Чунки тақво инсонни фаровон ҳаёт йўлига солади. Иймон билан тақво бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлганидек, баракот ҳам уларга боғлиқдир.

«Агар қишлоқлар аҳллари иймон келтирганларида ва тақво қилганларида эди, Биз, албатта, уларга осмону ердан баракотларни очиб қўяр эдик».

Бу ҳақиқатга каттаю кичик ҳар бир соҳада гувоҳ бўлиши мумкин. Инсонлар ҳақиқий иймон ва тақво соҳиби бўлганлари чоқларида уларга баракотлар осмонлар ва ердан очиб қўйилганига тарих шоҳид. Шу ўринда баракот деганда фақат озиқ-овқат, кийим-кечак ва моддий фаровонликкина кўзда тутилмаслигини ҳам эслатиб қўйишимиз лозим.

Албатта, бу нарсалар ҳам баракот тизимига киради. Лекин моддапарастлар ўйлаганларидек, баракот фақат шулардагина эмас. Худди шу моддий ҳодисалар ҳақида гапирсак ҳам, иймон ва тақво баракот асоси эканини исботлаш осон.

Иймонли ва тақводор шахсни ҳамда иймонсиз бетавфиқ кимсани кўз ўнгингизга келтиринг. Баъзи ҳолларда даромади ўта чегараланган бўлишига қарамай, иймонли ва тақводор шахснинг егани ўзига ош бўлиб, бола-чақаси билан фаровон турмуш кечириётганига гувоҳ бўламиз. Иймонсиз ва бетавфиқ киши эса, даромади ҳисобсиз бўлса ҳам, етказа олмай, ўзини турли ҳаром-жариш йўлларга уриб юрганини ким кўрмаган.

Худди шу ўринда айримларда, иймон ва тақво баракотнинг асоси бўлса, нега воқеъликда мусулмонларни қашшоқлик ва ночорликда, кофирларни эса, фаровонлик ва айшу ишратда кўряпмиз, деган савол пайдо бўлиши турган гап.

Аввало, мусулмонлар ҳақиқий иймон ва чинакам қуръоний тақво талабларига тўла жавоб бера олмаётирлар. Агар айрим шахсларда иймон ва тақво шартлари мужассам бўлса ҳам, иймон ва тақво талабларига жамоат шаклида жавоб бериш имкони йўқ. Мусулмонлар Аллоҳ томонидан келган ҳақ динга, Қуръонга, шариатга соҳиб бўла туриб, иймон ва Ислом ҳамда тақводан шунчалар узоқлашиб кетганларки, улар қилган ва қилаётган ишлари олдида бугунги кўраётган жафолари ҳам оз.

Иккинчидан, кофирларнинг фаровон ҳолати фақат бир тарафлама, ҳолос. Ҳозирги давр, аввалги оятда зикр қилинганидек, Аллоҳ уларга ёмонлик ҳолатини яхшилик ҳолатига алмаштириб қўйган давр. Қолаверса, кофирлар фаровон турмуш учун омил қилиб қўйилган моддий сабабларни вужудга келтирганлар. Уларнинг иймон ва тақволари бўлмаса ҳам, ушбу моддий фаровонлик соҳасида иймонли ва тақводор шахслардан талаб қилинадиган илм, жаҳд, тиришқоқлик, қаттиқ меҳнат ва изланиш каби ҳислатларни касб қилиб олганлар. Аммо, афсуски, бу фаровонлик эгалари иймон келтириб, тақво қилсалар эди, мукамал баракот ичида яшар эдилар. Бироқ бундай қилмадилар: «Лекин улар ёлғонга чиқардилар, бас, уларни қилган касблари туфайли тутдик». Аллоҳнинг «тутиши» ўзига ҳос бўлиб, турлича ва турли вақтларда содир этилади.

У ЗОТНИНГ ВАФОТЛАРИ

Шуайб ўз қавмлари ҳалокатга учрагандан кейин бир муддат яшаб сўнгра бу дунёни тарк қилдилар. Тарихчилар, бу ҳодиса Юсуф алайҳиссаломдан кейин Мусо алайҳиссалом пайғамбар бўлишларидан олдин бўлган, дейдилар.

АЙЮБ АЛАЙҲИССАЛОМ

(Ғарбда Жоб)

Тахминан мил.авв. XVI-XV асрларда

Қуръони Каримда Айюб алайҳиссаломнинг номлари тўрт сурада тўрт марта зикр қилинган. Бу суралар Нисо, Анъом, Анбиё ва Сод сураларидир.

У ЗОТНИНГ НАСАБЛАРИ

У зот Айюб ибн Амвос ибн Зориҳ ибн ал-Йис ибн Исҳоқ ибн Иброҳимдир.

АЙЮБ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ БАЛОГА САБРЛАРИ

Қуръони Каримда ҳам, суннати мутоҳҳарада ҳам Айюб алайҳиссаломнинг ўзларига етган мусибатга сабр қилганликларидан бошқа, ҳаётлари, қавмлари ёки даъватлари ҳақида маълумотлар келган эмас. Шунинг учун биз у зотнинг зикрлари келган ояти карималарни ўрганиш ила кифояланамиз.

«Биз сенга худди Нуҳ ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиздек ваҳий юбордик. Биз Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Асбот, Йисо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулай-монларга ваҳий юбордик. Довудга эса Забурни бердик» (Нисо сураси, 163-оят).

Демак, ҳамма пайғамбарларга ваҳий юбораётган, уларни бандалар ичидан танлаб олаётган зот битта. Мазкур пайғамбарларга ваҳий юборган ўша зот уларнинг қаторида Айюб алайҳиссаломга ҳам ваҳий юбориб, у зотни ҳам Ўзига пайғамбар қилиб олган.

«Ва Биз унга Исҳоқни ва Яъқубни бердик. Барчаларини ҳидоят қилдик. Бундан олдин Нуҳни ҳам ҳидоят қилган эдик. Ва унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо, Ҳорунни ҳам (ҳидоят қилдик). Чиройли амал қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз» (Анъом сураси, 84-оят).

Бу оятда ҳам Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломни ўзининг машҳур пайғамбарлари ила бир сафда зикр қилмоқда. «Ва Айюбнинг Ўз Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени зарар тутди. Сенинг Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлигисан!» деганини эсла (Анбиё сураси, 83-оят). Аллоҳнинг пайғамбари Айюб алайҳиссаломга жуда катта зарар етгани маълум. Лекин ўша зарарнинг айнан номини Қуръони Карим аниқ айтмайди. Ушбу оятда ҳам Айюб алайҳиссаломнинг Аллоҳ таолога ёлбориб илтижо қилаётганлари келяпти, холос. Айюб алайҳиссалом ўша илтижода ҳам одобга риоя қилиб, ўзларига етган зарар нималигини айтмайдилар. Фақат зарар етганини ва Аллоҳ таоло раҳмлиларнинг раҳмиси эканини эслайдилар.

«Албатта, мени зарар тутди. Сенинг Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлигисан!»

Яъни, менга зарар етганини, унинг нималигини Ўзинг яхши биласан, Сен энг раҳмли зотсан, менга қандай раҳм қилишни ҳам Ўзинг биласан, деб илтижо қилганлар. «Бас, Биз уни (дуосини) истижобат қилдик. Унга етган зарарни кетказдик. Унга аҳлини, улар билан бирга яна шунчани ҳам бердик. Буни Ўз раҳматимиз ила ва обидларга эслатма бўлсин, деб қилдик». Аллоҳ таоло Айюб

алайҳиссаломнинг дуоларини қабул этди. «Бас, Биз уни (дуосини) истижобат қилдик. Унга етган зарарни кетказдик».

Ривоятларда келишича, у зот касал бўлган экан. Қандай касаллигини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Уламоларимиз, Айюб алайҳиссаломга етган жирканчли касалликлар ҳақида баъзи ривоятларда келган гапларда муболаға бор, пайғамбарлик мақомига ҳам тўғри келмайди, дейишади. «Унга аҳлини, улар билан бирга яна шунчани ҳам бердик». Бундан кўриниб турибдики, Айюб алайҳиссаломга етган зарар ичида аҳли аёлларини олиш ҳам бўлган экан. Фақат бир хотинигина у зот билан қолганлар. Лекин Айюб алайҳиссалом сабр қилиб, Аллоҳга ёлборганларидан кейин, Аллоҳ таоло у зотга аҳлларини қайтариб, яна шунчага кўпайтириб берди. Аллоҳ таоло бу ишларни беҳикмат қилгани йўқ. «Буни Ўз раҳматимиз ила ва обидларга эслатма бўлсин, деб қилдик». Яъни, сабрили бандаларимиз доимо раҳматимизга ноил бўлишларини билдириш ва обидларга ибрат учун шундай қилдик. Обид-ибодат қилувчи шахс. Айюб алайҳиссалом обидларнинг энг муҳлис ва машҳурларидан эдилар. Демак, обидлар ҳам синов маъносида ҳар хил балоларга учраб турадилар. Обидлик-улуғ мартаба, унга осонлик билан эришиб бўлмайди. Ҳақиқий обидлик мақомига эришиш учун банда анчагина синовлардан ўтиши керак. «Бизнинг бандамиз Айюбни эсла. Ўшанда у Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени шайтон машаққат ва азоб ила тутди», деди» (Сод сураси, 41-оят). Эй Муҳаммад, сен Бизнинг бандамиз Айюбни эсла. У ҳам кўп қийинчиликларга учраган. Бу нарса сенга ва умматларингга ўрнак бўлсин. «Ўшанда у Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени шайтон машаққат ва азоб ила тутди», деди». Бутун дунёда Айюб алайҳиссаломнинг сабри зарбулмасал бўлиб кетган. Биров ўзига сабр сўрайдиган бўлса, менга Айюб алайҳиссаломнинг сабридек сабр бер, деб сўрайди. Биров бошқа бировнинг сабрини мадҳ қилмоқчи бўлса ҳам, фалончига Аллоҳ таоло худди Айюб алайҳиссаломнинг сабридек сабр берган, деб васф этади. Айюб алайҳиссалом ҳам ҳаётида худди Довуд алайҳиссалом ва Сулаймон алайҳиссалом каби синовга дучор қилинган. У зотнинг сабри айнан ўша машаққатли синовда намоён бўлган. Лекин айнан қандай синов келгани ҳақида маълумот йўқ. Чунки муҳими синовнинг келгани, унинг тури эмас. Моҳияти ибрат учун керак. Шу боисдан ҳам, Қуръони Каримда Айюб алайҳиссалом қандай синовга учраганлари зикр қилинмаган. Ҳадиси шарифларда бу хусусда ривоят йўқ. Бани Исроил эса, одатдагидек, бошқа анбиёларга нисбатан тўқигандек, Айюб алайҳиссаломга ҳам бўҳтонлар тўқиб ташлашган. Уларнинг асосий жиноятларидан бири ҳам шудир. Маълум сабабларга кўра, жумладан, Исломни қабул этган Бани исроилликлар орқали ёки улардан айримларининг душманликлари оқибатида улар тўқиган уйдирмалар баъзи тафсир китобларимизга ҳам кириб қолган. Лекин, алҳамдулиллаҳ, муҳаққиқ тафсирчи уламоларимиз бу офатга қарши курашиб, у қиссаларнинг ботил эканини исбот қилганлар. Кўплари мусулмонларнинг зеҳнини заҳарламаслик учун ўша уйдирма қиссаларни зикр ҳам қилмайдилар. Айюб алайҳиссалом ҳақида, у зотнинг сабри ҳақида тўқилган ёлғонларнинг энг одоблисида айтилишича, у зот жуда хунук дардга мубтало бўлган эмиш. Яқинида туриб бўлмайдиган даражада ёмон аҳволга тушган эмиш. Бадани парча-парча бўлиб, узилиб тушаверармиш. Фақат бир хотинигина қолиб, бошқалар ундан нафрат қиладиган қолга келишганмиш ва ҳоказо. Бундай афсоналар пайғамбарлик мақомига мутлақо зиддир. Аллоҳ таоло бошқаларга ўрнак бўладиган хос бандасига-пайғамбарга одамлар нафрат қиладиган даражада жирканч касаллик бермайди. Қолаверса, Аллоҳ таоло бандаларга пайғамбарларнинг қиссаларидан ибрат олишни амр қилган. Улар ҳақида турли қиссалар тўқишга ёки касалининг турини ахтаришга буюрган эмас. Шунинг учун, энг тўғри йўл Қуръони Каримда ва ҳадиси шарифда келган хабарлар билан кифояланишдир. Айюб алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг солиҳ

бандаси, танлаб олган пайғамбаридир. Бошқа пайғамбарлар қатори, Аллоҳ таоло у зотни ҳам синовга солган. Ўзининг охирги пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг умматларига ибрат, тасалли бўлиши учун ўша синов ҳақида хабар бермоқда. Аллоҳ таолонинг синовини Айюб алайҳиссалом жуда ҳам гўзал сабр билан қарши олган. Афтидан, синов молу дунё, аҳли аёл ва саломатлик борасида бўлганга ўхшайди. Айюб алайҳиссалом бу синовларнинг ҳаммасига сабр қилиб, бирор лаҳза ҳам Аллоҳдан узилмай, Унга бўлган ишончи сусаймай, розилигини тилаб турган. Шайтон эса, машаққатли синов лаҳзаларида Айюб алайҳиссалом билан бирга қолган барча мухлис кишиларни васваса қилар эди. Ўша мухлислар ичида у зотнинг хотинлари ҳам бор эди. У аёлга ҳам турли томондан васваса қилинарди. Унга, агар Айюбни Аллоҳ яхши кўрганида уни балога гирифтор этмас эди, дейиларди. Бу гаплар Айюб алайҳиссаломга ҳам етиб келди. Хотини мазкур гаплардан баъзиларини айтганида, у зот имкон топганида аёлни уришга қасам ичди. «Ўшанда у Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени шайтон машаққат ва азоб ила тутди», деди». Айюб алайҳиссалом ҳамма нарса Аллоҳ таолодан бўлишини яхши билса ҳам, кўнгилсиз нарсани одоб юзасидан шайтонга нисбат берди. Шунингдек, бу шикоят билан мухлис кишиларини шайтон васвасага солаётганига, бундан ўзи ҳам озорланаётганига ишора қилди. Аллоҳ таоло у зотнинг бу илтижосига, ёлборишига муносиб жавоб берди: «Оёғинг ила тепгин! Бу чўмиладиган ва ичиладиган совуқ (сув)» (Сод сураси, 42-оят). Яъни, оёғинг билан ерни тепгин, деди. Айюб алайҳиссалом Аллоҳнинг амрига итоат этиб, оёғи билан ерни тепган эди, у ердан сув чиқди. Шунда Аллоҳ таоло: «Бу чўмиладиган ва ичиладиган совуқ (сув)», деди. Демак, шу сувга чўмилган одам шифо топади. Ундан ичилса, ички дардларга даво бўлади. Шундай бўлди ҳам. Уламоларимиз шу жойда ўта нозик бир жиҳатга эътибор берадилар. Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломга тайёр сувни кўрсатмасдан: «Оёғинг ила ерни тепгин», деди. У зот ерни тепганида, сув чиқди. Сўнгра Аллоҳ таоло: «Бу чўмиладиган ва ичиладиган совуқ (сув)», деди. Бундан Аллоҳ таоло ҳамма нарсани тайёрлаб бермайди, балки банданинг ўзида ҳаракат бўлса, ёрдам беради, деган маъно англашилади. Шунинг учун ҳар бир нарсада, жумладан, дардга даъво излашда ҳам банда Аллоҳдан ёрдам тилаган ҳолида ўзи ҳаракат қилиши керак. «Ва Биз унга аҳлини ва яна улар билан бирга мислларичани ҳам ҳадыя этдик. Бу Биздан раҳмат ўлароқ ва ақл эгаларига эслатма учун бўлди» (Сод сураси, 43-оят). Айюб алайҳиссаломга мазкур сувда чўмилиб, ундан ичиб, шифо топганидан кейин Аллоҳ таоло у зотга аҳлини қайтарди. Улар билан бирга зиёда қилиб, яна ўшанча аҳл ҳам берди. Қандай қилганини Ўзи билади. Ўлиб кетганларини тирилтирганми, қочиб кетганларини қайтарганми ёки бутунлай янгитдан берганми бу томони Аллоҳ таолонинг Ўзигагина маълум. «Бу Биздан раҳмат ўлароқ ва ақл эгаларига эслатма учун бўлди». Айюб алайҳиссаломга аҳли қайта берилиши ва яна уларнинг мислича аҳл ҳам зиёда қилиниши Аллоҳ таолонинг раҳматидир. Шунингдек, ақл эгалари учун эслатма ҳамдир. Бу ҳодисадан хабардор бўлган ҳар бир ақлли одам бошига бало-офат ва мусибат тушганида Айюб алайҳиссалом каби гўзал сабр қилса, охир-оқибат Аллоҳнинг раҳмати келишини эслайди, ибрат олади. Шундай қилиб, Айюб алайҳиссалом соғайиб кетди, аҳли ҳам икки баробар бўлиб қайтди. Энди учинчи нарса қолди. Энг оғир пайтларда ихлос билан ёнида турган вафодор хотинини имкон топганида уришга қасам ичиб қўйган эди, ўша қасамга амал қилиш қолди. Бу мушкул иш эди. Шундай вафодор ва мухлиса аёлни, оғир ва машаққатли лаҳзаларда елкадош бўлган, бало-офатларни бирга тотган инсонни мушкул ариганидан кейин юз таёқ уриш керак.

Дарҳақиқат, бу оғир муаммо эди. Лекин Аллоҳ таоло Ўз раҳмати ила бу муаммони ҳам ҳал этди. Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломга деди: «Қўлингга бир дастани ол-да, у билан ур. Қасамингни бузма», (деди). Биз уни сабрли топдик. У қандай ҳам яхши банда. Албатта, у ўта қайтгувчидир»

(Сод сураси, 44-оят). Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломга қасамини қандай адо этишни ўргатмоқда ҳамда у зотга ўзи томонидан бунчалик фазлу карам кўрсатилишининг сабабини баён қилмоқда: «Қўлингга бир дастани ол-да, у билан ур. Қасамингни бузма». Эй Айюб, неча марта уришни айтган бўлсанг, ўшанча новдани бир даста қилиб ол-да, у билан хотинингни ур. Шунда қасамингни адо этган бўласан. Қасаминг бузилмайди. Бунчалик фазлу карам кўрсатилишининг сабаби: «Биз уни сабрли топдик». Синов келганида, Айюб гўзал сабр ила сабр қилди. Бизга бўлган ишончи сусаймади. Бир лаҳза ҳам Бизнинг розилигимизни топишдан умидини узмади. «У қандай ҳам яхши банда». Айюб ниҳоятда яхши бандадир. «Албатта, у ўта қайтгувчидир». Ҳар бир нарсада Аллоҳ таолонинг Ўзигагина қайтади.

У ЗОТ ҲАҚИДАГИ ҲАДИС

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Айюб яланғоч ғусл қилаётган эди. Устидан тиллодан бўлган чигиртка (ҳайкали) тушди. Айюб уни кийимига ўрай бошлади. Шунда Роббиси унга:

«Эй Айюб! Мен сени кўриб турган нарсангдан беҳожат қилмабмидим», деди. У:

«Иззатинг ила қасамки, шундоқ бўлган. Лекин, мен Сенинг баракангдан беҳожат эмасман», деди».

Бухорий ривоят қилган.

У ЗОТНИНГ ВАФОТЛАРИ

Тарихчилар таъкидлашларича, Айюб алайҳиссалом 93 ёшларида бу дунёни тарк этганлар. У зотнинг 26 та ўғиллари бўлган. Ўшалардан бирининг исми Бишран бўлиб, у Қуръони Каримда зикри келган Зул Кифл алайҳиссаломдир.



(Ғарбда Исаиаҳ)

Тахминан мил.авв. XV-XIV асрлар

Баъзи тарихчилар бу зотни Айюб алайҳиссаломнинг ўғли дейишларини эслаб ўтдик. Бу зот ҳақларида Қуръони Каримнинг икки жойда қисқагина маълумот бор. Бошқа ҳеч қандай маълумот на Қуръонда ва на ҳадисда бор. Шунинг учун ўша маълумотларни келтирган Қуръони Карим оятларини ўрганиш ила кифояланамиз.

Аллоҳ таоло Анбиё сурасида қуйидагиларни айтади:

«Ва Исмоил, Идрис ва Зул Кифлни эсла. Уларнинг ҳар бири сабр қилгувчилардандир» (85-оят). Ушбу оятда эслатилган зотлардан Исмоил алайҳиссаломнинг қиссалари бошқа сураларда батафсил келган. Бу оятда у зотнинг сабр-тоқатларига алоҳида урғу берилмоқда. Исмоил алайҳиссалом ҳақиқатда юқори даражада сабр намуналарини кўрсатганлар. У зот ўсимлик ўсмайдиган саҳроларда сабр қилиб ўсганлар. Байтуллоҳни қуришда оталари Иброҳим алайҳиссаломга сабр ва матонат билан ёрдам берганлар. Ўзларини қурбонлик учун сўйиш амри келганида ҳам сабр қилганлар. Идрис алайҳиссалом ҳақида маълумотлар оз. Марям сурасида ҳам зикрлари ўтди. Унда қавмларининг кирдикорларига сабр қилганлари ҳақида сўз кетган эди. Ушбу оятда ҳам у зотнинг сабр сифатлари ёд этилмоқда. Зул Кифл алайҳиссалом ҳақида маълумотлар яна ҳам оз. Ҳатто баъзилар у зотни пайғамбарлар сафига қўшмайдилар ҳам. Лекин Анбиё сурасида машҳур пайғамбарлар билан бирга зикр этилиши у зотнинг пайғамбарлардан бўлганини кўрсатади. Шу билан бирга, ушбу оятда у зот ҳам сабр қилгувчилар қаторига қўшилмоқдалар. «Ва уларни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, улар солиҳлардандир» (86-оят). Сабрлари туфайли Аллоҳ таоло уларни Ўз раҳматига киритди. Яхшиликлар ато этди. Улар аҳли солиҳлардан бўлдилар. Шунинг учун ҳам Қуръонда зикр қилинмоқдалар. Аллоҳ таоло Сод сурасида марҳамат қилади: «Исмоил, ал-Ясаъ ва Зул Кифлни ҳам эсла. Барчалари ахёрлардандир» (48-оят). Бу уч пайғамбар ҳаётида ҳам эслашга лойиқ ибратли ҳодисалар бўлиб ўтган. Улар ҳам Аллоҳнинг ҳузурида ахёрлардан-энг яхши бандалардан бўлганлар. Ана ўша пайғамбарларнинг ҳаётидан, дин йўлидаги фидокорликларидан, бало-офатларга, машаққатларга сабрларидан, турли синовларга бардош беришларидан, мушриклар ва мунофиқлардан келган озорларни кўтара билишларидан ибрат олиш керак.

ҲОРУН АЛАЙҲИССАЛОМ

(Ғарбада Аорон)

Тахминан мил.авв. XIV-XIII асрлар

Қуръон Каримда Ҳорун алайҳиссаломнинг номлари йигирма марта келган. У зот Бақара, Нисо, Анъом, Аъроф, Юнус, Марям, Тоҳо, Анбиё, Мўминун, Фурқон, Шуаро, Қасас ва са-Саффот сураларида мазкурдирлар.

У киши Ҳорун ибн Имрон ибн Қоҳис ибн Ловий ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳимдирлар. Ҳорун алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломнинг туғишган акаларидир. У киши Мусо алайҳиссаломдан уч ёш катта бўлганлар.

Ҳорун алайҳиссалом ғасоҳатли, тили бурро гапга уста бўлганлар. У кишининг айна шу хусусиятларини укалари Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолодан ёрдамчи қилиб бериш-ни сўраётганларида эслаганлар:

«Биродарим Ҳорун мендан кўра тили бурророқ, уни ҳам мен билан юбор, мени тасдиқлайдир. Зеро, улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқурман», деди».

(Қасас 34) Яъни, менинг тилимда бир оз дудуқлик бор, оғам Ҳорун эса, тили бурро одам. Кофирлар билан тортишувларда иш беради. Уни ҳам мен билан бирга Пайғамбар қилиб юбор. У ҳам мен билан бирга Пайғамбар бўлиб, мени тасдиқласин. Аллоҳ таоло «Марям» сурасида Ҳорун алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари ҳақида: «Ва унга Ўз раҳматимиздан оғаси Ҳорунни Пайғамбар қилиб ҳадя этдик». (Марям 53) Ҳорун алайҳиссалом ўз укалари Мусо алайҳиссаломга ёрдамчи пайғамбар бўлганлари учун у киши қаерда зикр этилсалар бу киши ҳам этилган. Бу ҳолни Мусо алайҳиссаломнинг қиссаларини ўрганиш давомида яққол мулоҳаза қилдик. Ҳорун алайҳиссаломнинг фаолиятларидаги энг ҳассос ҳолат у зотнинг Бани Исроил ичида Мусо алайҳиссаломнинг ўрниларига қолган пайтлари бўлган. «Мусо акаси Ҳорунга: «Қавмимда менинг ўрнимни ол, яхши иш қил, бузғунчиларнинг йўлига эргашма», деди». (Аъроф 142) Мусо алайҳиссалом бу гапни Роббил оламийн билан мийқотга кетаётиб айтганлар. У киши кетганларидан кейин Бани Исроил Ҳорун алайҳиссаломга итоат қилмай бузоқни худо қилиб олганлари ва унга боғлиқ бошқа ҳодисаларни Мусо алайҳиссаломнинг қиссаларида батафсил ўрганилди. Ҳорун алайҳиссалом 122 йил яшаганларидан сўнг бу дунёни тарк этдилар. У зотнинг вафотлари Мусо алайҳиссаломнинг вафотларида ўн бир ой олдин бўлган. У киши ҳам тийғ ерида бўлган.



(Ғарбда Моисес)

Тахминан мил.авв. XIV-XIII арсларда яшаганлар

Қуръон Каримда Мусо алайҳиссалом 132 марта зикр қилинган. У зотнинг номлари Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Юнус, Ҳуд, Иброҳим, Исро, Қаҳф, Марям, Тоҳо, Анбиё, Ҳаж, Мўминун, Фурқон, Шуаро, Намл, Қасас, Анкабут, Сажда, Аҳзоб, ас-Саффот, Ғофир, Фуссилат, Шуро, Зухруф, Аҳқоф, Зарият, Нажм, Соф, Назиат ва Аъла сураларида келган.

Мусо алайҳиссалом Улул азм пайғамбарлардан бирлари. У кишининг «калиймуллоҳ» лақаблари ҳам бор. Мусо алайҳиссаломнинг ҳаётлари куфрга, исёнга, ширкка ва турли нобакорликларга карши кураш билан ўтган.

ҚИССА МУҚАДДИМАСИ

Бани Исроил Юсуф алайҳиссалом даврларида асл ватанидан Мисрга ҳижрат қилган эди. Акалари Юсуф алайҳиссаломни қудуққа ташлаб кетганидан сўнг карвондаги йўловчилар у кишини топиб олиб, Миср азизининг вазирига сотишди. Бориб-бориб Юсуф алайҳиссалом бош вазирлик мартабасига кўтарилдилар ва ота-оналари бошлиқ бутун халқини Мисрга чақирдилар.

Замон ўтиши билан улар шу жойда ўрнашиб, ўзларидан кўпайишиб, катта сонли халққа айландилар. Қавмларидан кўплаб Пайғамбарлар чиққани, қадимдан

самовий динлар билан алоқада бўлиб, Пайғамбарлар келтирган ақида ва динга эгаллиги туфайли Мисрнинг бутпарастлик динини ҳеч қабул этмас, айниқса, Фиръавн шахсига сиғинишни мутлақо истамас эдилар. Ўзини Худо ўрнига қўйган



Фиръавн уларни айнан шу сабабли эзарди. Шу билан бирга, илоҳий таълимот, илоҳий тузум ва илоҳий адолатдан хабари бор Бани Исроил қавмида Фиръавн ўз шахси, ҳукми ва худолик даъвосига қарши катта хавф-хатарни кўрарди.

Бани Исроилнинг ҳақиқатдан хабардорлигининг ўзиёқ Фиръавн учун катта ташвиш туғдирарди. Фиръавнга қолса, қани энди Бани Исроил ўзи билган ҳақиқатга амал қилмаса ва ўша ҳақиқатни ерли аҳолига ҳам ўргатмаса.

Шу мақсадда Фиръавн дастлаб уларнинг орасига тафриқа солди-ораларини бўлиб ташлади. Бани Исроилни эзиш сиёсатини олиб борди, ўзига сиғингани учун ерли аҳолини юқори қўйди. Сўнгра Бани Исроилни заифлаштириш йўлини ўйлаб топди. Ўғилларини сўйиш ва қизларини тирик қолдириш сиёсатини қўллади.

Шу йўл билан аста-секин Бани Исроилни ер юзидан умуман йўқотишни режалаштирди. Эркаклар йўқ бўлиб кетаверса, одам сони камаяди, аёлларни хоҳлаган кўйга солиш осон бўлади.

Бунинг учун баҳона ҳам топилди. Ривоятларда келишича, Фиръавн атрофидаги гумашта сеҳргар-фолбинлар подшоҳга, сенинг мулкингнинг заволи Бани Исроилдан келажакда туғиладиган бир ўғил боладир, деган хабарни етказишди.

Фиръавн мулкининг заволига чидай олмайди. Шунинг учун тахтига бўлган хавфни жонига бўлган хавфдан ортиқ кўради. Гарчи ўзи худолик даъво қилса ҳам, тахтига хавф солгани учун она қорнидаги ҳомиладан ҳам кўрқади.

Фиръавннинг гумашталари унинг бу заиф жойини яхши билишади. Шунинг учун Фиръавнга ёқмаган тоифанинг ҳомиладаги боласини ҳам унга ашаддий душман, тахтига кўз олайтирган қилиб кўрсатишга уринадилар. Келажакда Бани Исроилдан туғиладиган ҳар бир ўғил бола Фиръавн мулкининг заволи бўлиши мумкин. Шу боис, улар дарҳол ўлдирилсин, деган фармон чиқарди. Шу соатдан бошлаб, ҳар бир Бани Исроиллик ҳомиладор ёнида доя қўшилиб юрадиган бўлди.

Аёл туғиши билан доя қарар, ўғил бола бўлса, хабар берар ва жаллодлар болани ўлдиришар эди. Шундай қилиб, Фиръавн ўзининг мисли кўрилмаган шафқатсиз сиёсатини юргизди. Мусо алайҳиссаломнинг «Қасас» сурасида келадиган қиссалари худди шу маънодаги муқаддима ила бошланади: «Албатта, Фиръавн ер юзида баланд кетди. У ўша(ер)нинг аҳолисини бўлиб ташлади. Улардан бир тоифасини эзар, ўғилларини сўйиб, қизларини тирик қолдирарди. Албатта, у бузғунчилардан бўлган эди». (4 оят)



Фиръавн Миср подшоҳи. Мусо алайҳиссалом даврларида Рамсис II Фиръавн бўлганини кўпчилик таъкидлайди. Фиръавн туғёнкор, золим ва худолик даъвосини қилган подшоҳдир. Қуръони Каримда Фиръавн худонинг йўлидан чиққан фуқороларни ўз хоҳишига бўйсундиришга ҳаракат этган, кишиларга ўзини

Робб сифатида кўрсатган, ўзига бўйинсунмай, уни айтганини қилмаган, унга қул бўлишни хоҳламаган одамларга чексиз зулм ўтказган ягона ҳокими мутлақ бу шахс мустабид подшоҳ ўлароқ тавсифланади. Ушбу ояти каримадаги:

«Албатта, Фиръавн ер юзида баланд кетди», дегани Фиръавн бутун ер юзига ҳоким бўлган экан, деган маънони эмас, балки Миср ерида «баланд кетди»- такаббурлик қилди, туғёнга кетди, ҳаддан ошди, каби маъноларни беради.

«У ўша(ер)нинг аҳолисини бўлиб ташлади».

Ўзи ҳоким бўлган ер аҳолисини бўлиб ташлаш Фиръавннинг одати. Чунки Фиръавн фақат ўзини, ўз ҳаловатини, ўз тахтини ўйлайди. Тахтдан ажраб қолмаслик учун ҳар қандай пасткашликка боради. Аҳолини парчалаш эса, Фиръавнга айнан тахтни мустаҳкамлаш, шахсий роҳатини таъминлаш учун керак. Чунки Фиръавн аҳолини бўлиб ташлаб, бир-бирига қарши қилиб қўйса, улар бир-бирлари билан овора бўлиб, Фиръавн билан ишлари бўлмайди. Фиръавн аҳолини турли тоифаларга ажратиб, уларни бир-бирига қарши этиб қўяди. Тоифалар орасида ҳам низо чиқариб, уларни ҳам бир-бирига қарши қўяди. Ўзига қайси тараф яхшироқ топинса, ўшани қувватлаб, бошқаларнинг томошасини кўриб, ҳукм сураверади.

Мусо алайҳиссалом даврларидаги Миср Фиръавни ҳам шу йўлдан бориб, Миср аҳолисини бўлиб ташлаган эди.

«Улардан бир тоифасини эзар, ўғилларини сўйиб, қизларини тирик қолдирарди».

Фиръавн эзган тоифа Бани Исроил эди. У Бани Исроилни заифлаштириш йўлини ўйлаб топди. Ўғилларини сўйиш ва қизларини тирик қолдириш сиёсатини қўллади. Шундай қилиб, Фиръавн ўзининг мисли кўрилмаган шафқатсиз сиёсатини юргизди.

«Албатта, у бузғунчилардан бўлган эди».

Фиръавн ер юзида катта кетиши у ернинг аҳолисини бўлиб ташлаб, шахсига сиғинганларни ўзига яқин олиши, бошқаларни эса, эзишни ирода этиши эди.

«Биз эса, ер юзида эзилганларга беминнат неъмат беришни, уларни пешво қилишни, уларни ворислар қилишни ва ер юзида уларга имконлар беришни, Фиръавн, Ҳомон ва икковининг аскарларига улар (Бани Исроил)дан қўрққан нарсаларини кўрсатишни истаймиз». (5-6 оятлар)

Фиръавн хоҳлаган ишини ирода қилаверсин, унинг истаги ҳеч қачон амалга ошмайди. Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фақат Аллоҳ таолонинг истагани бўлади. Аллоҳ таоло нималарни истайди?

«Биз эса, ер юзида эзилганларга беминнат неъмат беришни...» истаймиз.

Ҳа, фиръавн зулмидан ер юзида эзилиб, унинг истибдоди остида азоб чекиб яшаган, оғир кунларни бошидан кечирган, ўғиллари сўйилиб, қизлари тирик қолдирилганларга Аллоҳ таоло беминнат неъмат беришни истайди. Ушал неъматнинг сон-саногини айтмайди. Миқдорини ҳам Унинг Ўзи билади.

«...уларни пешво қилишни...» истаймиз.

Эзилганлар ҳозир хору зор бўлиб юрган бўлсалар ҳам, келажакда уларнинг пешво, яхши ишларга бош-қош ва бошқаларни изига эргаштирадиган инсонлар бўлишини хоҳлаймиз.

«...ва уларни ворислар қилишни...» истаймиз.

Улар фиръавн ва унинг одамларига у ҳалок бўлганидан кейин ер юзида ворис бўлиб қоладилар.

«...ва ер юзида уларга имконлар беришни...» хоҳлаймиз.

Ҳозир эзилаётганларга кейинчалик ер юзида турли имконлар бериб, куч-қувват, молу мулк ва бошқа имкониятлар берамиз.

«...фиръавн, Ҳомон ва икковининг аскарларига улар (Бани Исроил)дан қўрққан нарсаларини кўрсатишни истаймиз».

Ҳомон-фиръавннинг вазири. У ҳар доим фиръавн қиладиган ёмонликларга бошу қош бўлиб келган.

Фиръавн, Ҳомон ва икковининг аскарлари Бани Исроилдан нима учун қўрқар эдилар? Аниқки, мулкига завола етишидан қўрқар эдилар. Аллоҳ таоло улар қўрққан нарсани айнан Бани Исроил орқали кўрсатишни ваъда қилмоқда.

Ушбу муқаддимадан кейин бевосита Мусо алайҳиссалом қиссалари бошланади...

ХАБАР ВА БАШОРАТ

«Ва Мусонинг онасига: «Уни эмизавер. Бас, (унга ёмонлик етишидан) қўрққан чоғингда уни дарёга ташла, қўрқма, хафа бўлма, Биз, албатта, уни сенга қайтаргувчимиз ва Пайғамбарлардан қилгувчимиз», деб ваҳий қилдик». (7 оят)

Уламоларимиз ушбу оятдаги «ваҳий»нинг илҳом маъносида келганини таъкидлаганлар. Чунки Мусо алайҳиссаломнинг оналари Пайғамбар бўлмаганлар, демак, у кишига ваҳий келмаслиги ҳам аниқ. Қолаверса, араб тилида, жумладан, Қуръони Каримда «ваҳий» сўзи Пайғамбарларга келган махсус хабардан бошқа маънода ҳам ишлатилади. Масалан, асаларига ваҳий қилдик, деган маъно ҳам бор.

Мусо алайҳиссалом ниҳоятда хатарли бир вақтда дунёга келганидан оналари нима қиларини билмай қолди. Фиръавннинг айғоқчилари янги туғилган гўдак ўғиллигини сезиб қолишса, уни онасидан тортиб олиб ўлдиришлари мумкин. Нима қилиш керак? Бирор чораси борми? Инсоннинг қўлида ҳеч қандай чора йўқ. Шунда Аллоҳ таолонинг Ўзи аралашди.

«Ва Мусонинг онасига: «Уни эмизавер. Бас, (унга ёмонлик етишидан) қўрққан чоғингда уни дарёга ташла...» деб билдирди.

Барибир ўлиб кетади, деб болани ташлаб қўйма, уни эмизавер, ноумид бўлма. Агар уни фиръавн одамлари ўлдиради, деб қўрқсанг, болани саватга солиб дарёга ташла. «...қўрқма, хафа бўлма...»

Боламга нима бўлар экан, деб қўрқма. Жигаргўшамдан айрилиб қоляпман, деб хафа бўлма. «...Биз, албатта, уни сенга қайтаргувчимиз ва Пайғамбарлардан қилгувчимиз, деб ваҳий қилдик».

Яъни, Биз болангни тезда ўзингга қайтарамиз ва уни ўзинг эмизасан. Келажакда эса, уни Пайғамбарлардан қиламиз.

МУСО ФИРЪАВН ОИЛАСИДА



Мусо алайҳиссаломнинг оналари кўнгилларига Аллоҳ таоло илҳом этган буйруқни бажардилар. Гўдакни саватга солиб, дарёга оқизиб юбордилар. «Бас, Фиръавн оиласи уни ўзларига душман ва ғам-ғусса бўлиши учун тутиб олдилар. Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва икковларининг аскарлари хатокорлардан бўлган эдилар». (8 оят) Ичига гўдак Мусо солинган сават дарёдан оқиб бориб Фиръавн қасридаги боққа кирди. «Бас, Фиръавн оиласи уни ўзларига душман ва ғам-ғусса бўлиши учун тутиб олдилар». Келажақда Мусо улғайиб, Фиръавн оиласига душман ва ғам-ғусса бўлишини Аллоҳ таоло ирода қилган эди. Фиръавн душман ва ғам-ғуссадан қутулишнинг барча чорасини кўрса-да, Аллоҳ Ўз иродаси ила душман ва ғам-ғуссани уларнинг ичларига солиб қўйди. Мусо ҳеч нарсага, ҳатто ўзига керак ғизони ҳам тановвул қила олмайдиган гўдак ҳолида душмanning қоқ ўртасига келиб тушди. «Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва икковларининг аскарлари хатокорлардан бўлган эдилар». Улар хато ишни била туриб қилар эдилар. Бундай одамлар ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Шунинг учун ҳам Бани Исроилнинг янги туғилган ўғил болаларини ўлдиришдан ҳам қайтмадилар. Бундай одамлар ҳузурларига дарёда оқиб келган ўғил болани дарҳол ўлдиришлари турган гап эди. Шундай қилмоқчи бўлдилар ҳам. Аммо: «Фиръавннинг хотини: «(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, у бизга фойда берса ёки уни бола қилиб олсак», деди. Ҳолбуки, улар сезмасдилар». (9 оят) Одатда ҳеч қачон юшмайидиган Фиръавнни Аллоҳ таоло энг нозик жойидан олди. Унинг хотинини ишга солди. Ўша хотиннинг қалбига гўдакнинг муҳаббатини жойлади. Фиръавннинг хотини:

«(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир», деди. Жуда ҳам истараси иссиқ, мурғак гўдак экан, кўрган одамнинг кўзи қувонади, биз ҳам уни кўриб қувониб юрайлик, деди. «Уни ўлдирманглар», деди. Тирик қолсин. Боқиб, тарбия қилиб ўстирсак, «Шоядки, у бизга фойда берса ёки уни бола қилиб олсак», деди». Боқиб ўстирганимиздан кейин у бизга фойда бериши мумкин, эҳтимол, яхшироқ бўлса, ўзимизга бола қилиб олармиз, деди. «Ҳолбуки, улар сезмасдилар». Улар Мусони келажакда ўзларига душман ва ғам-ғусса бўлишини (хотиндан бошқасига) сезмайдиган ҳолатда эдилар. Фиръавн хотинининг гапи билан гўдак Мусони ўлдирмай, боқиб олишга қарор қилдилар.


«ИЗИДАН БОР»

Дарёга боласини оқизиб юборган: «Мусонинг онасининг қалби бўшаб қолди. Мўминлардан бўлиши учун қалбини мустаҳкам боғламаганимизда, уни билдириб қўйишига сал қолди». (10 оят) Она учун дунёда янги туққан боласидан ажрашдек мусибат йўқ. Мусо алайҳиссаломнинг оналари бошига ҳам ана шу ташвиш тушди. Лекин Аллоҳ таоло у кишининг қалбига сабр солди. Акс ҳолда, боласига меҳри кўзиб, у менинг болам, деб билдириб қўйиши мумкин эди. Аллоҳ таоло у аёл Ўзига иймон келтириб, бало-офатларга ва синовларга чидайдиган мўминалардан бўлиши учун унга ўша фазилатни ато этди. Мусо алайҳиссаломнинг онаси сабр-тоқатли бўлди. Айни чоқда, Аллоҳнинг марҳаматидан умидвор бўлиб, мўминлик сифати ила жигаргўшасига қайта етишиш чорасини ахтара бошлади. «У (она) у (Мусо)нинг опасига: «Издан бор», деди. Бас, уни бир четдан кўрди. Ҳолбуки, улар сезмасдилар». (11 оят) Мусо алайҳиссаломнинг оналари у кишининг опасига, қизим, укангнинг изидан бор, дедилар. Қиз аста паналаб бориб, саватни Фиръавн боғига оқиб кирганини, улар саватдан болани чиқариб олишганини ва бошқа ҳодисаларни кўрди. Фиръавн аҳли эса бу ишларни сезмадилар.

ЭМИЗГУВЧИЛАРНИ ҲАРОМ ҚИЛИНДИ

«Ва бундан олдин унга эмизгувчиларни ҳаром қилган эдик. Бас, (опаси): «Мен сизларга уни сиз учун кафилликка оладиган ва унга насиҳатгўй бўлгувчи аҳли байтни айтиб берайми?» деди». (11 оят) Аллоҳнинг ҳикматли тадбири олдида ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Аввал Фиръавн оиласи аъзолари қалбига Мусо алайҳиссаломнинг муҳаббатини солиб, гўдакни ўлдирмасдан, боқиб олиш учун қарор қилдирди. Энди улар мурғак Мусони эмизиш учун сутли аёл қидира бошладилар. Мусонинг опалари Фиръавн қасрига яқинлашганида, улар Мусога эмизувчи аёл топа олмай хуноб эдилар. «Ва бундан олдин унга эмизгувчиларни ҳаром қилган эдик». Қанча эмизувчи аёлни келтирсалар ҳам, Мусо алайҳиссалом уларни эммадилар. Бу ҳол ҳам Аллоҳ таолонинг ҳикматли тадбири эди. Бундан хабар топган Мусонинг опалари Фиръавн оиласининг ҳеч нарсани сезмаганлигидан фойдаланиб: «Мен сизларга уни сиз учун кафилликка оладиган ва унга насиҳатгўй бўлгувчи аҳли байтни айтиб берайми?» деди». Сизларга уни эмизиб, боқиб, катта қилиб берадиган оилани кўрсатиб берайми, деди. Бу таклифга аҳли Фиръавн жон деб рози бўлдилар.

МУСО ОНАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ



«Бас, Биз уни онасига кўзи қувончга тўлиши, хафа бўлмаслиги ва, албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун қайтардик. Лекин кўплари буни билмаслар». (13 оят)

Аллоҳ таоло Ўзининг ҳикматли тадбири ила Мусо алайҳиссаломни оналарига қайтариб берди. Оятда таъкидланишича, бундан қуйидаги учта мақсад кўзланган эди:

1. «Бас, Биз уни онасига кўзи қувончга тўлиши»

Мусо алайҳиссалом ила оналарининг кўзлари қувониши. Ўзи туққан фарзандини бундай ҳодисалардан кейин яна қайта тирик ҳолда кўрган ҳар қандай онанинг кўзи қувонади.

2. «хафа бўлмаслиги»

Онанинг ўғли Мусо алайҳиссалом фироқи ила хафа бўлмаслиги. Ҳар қандай она ҳам жигаргўшаси фироқидан хафа бўлиши мумкин эди.

3. «албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун қайтардик».

Мусо алайҳиссаломнинг оналари Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билишлари. Чунки аввал Аллоҳ таоло у аёлга, Биз уни сенга қайтаргувчимиз, деб ваъда берган эди. Ана ўша ваъдасини ҳақ ила амалга оширди. Ҳа, Аллоҳ таоло нимани ваъда қилса, уни албатта бажаради. «Лекин кўплари буни билмаслар». Лекин кофирлар, мушриклар, мунофиқлар ва иймони заиф кўпгина одамлар бу ҳақиқатни билмайдилар.

МУСОГА ҲИКМАТ ВА ИЛМ БЕРИЛДИ

Шундай қилиб, Мусо алайҳиссалом оилаларидан айрилмаган ҳолда фиръавннинг қасрида тарбия топа бошладилар.

«Қачонки у вояга етиб, мукамал бўлганида, унга ҳикмат ва илмни бердик. Биз яхши амал қилгувчиларни шундай мукофотлармиз». (14 оят)

Биз «вояга етиб» деб таржима қилган «балаға ашудда» иборасини араблар жисмоний жиҳатдан вояга етиш, «мукамал бўлганида» деб ўгирган «иставо» сўзини ақлий жиҳатдан камолга етиш, деб тушунадилар.

Ҳазрати Ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Вояга етиш ўн саккиздан ўттиз ёшгача, мукамал бўлиш ўттиздан қирққача», деган эканлар.

Ана шу маъноларни эътиборга олиб, баъзи тафсирчи уламоларимиз, Мусо алайҳиссалом ушбу оятда васф қилинган пайти ўттиз ёшлар атрофида бўлганлар, деб тахмин қилишади.

«Қачонки у вояга етиб, мукамал бўлганида, унга ҳикмат ва илмни бердик».

Мусо алайҳиссалом жисмоний, ахлоқий ва руҳоний томондан ана шундай мукамал ҳолга етганларида, Аллоҳ таоло у кишига ҳикмат ва илм берди. Ана шу марҳамат зикридан кейин эса, Аллоҳ таолонинг:

«Биз яхши амал қилгувчиларни шундай мукофотлармиз», деганидан Мусо алайҳиссалом аввал ҳам яхши амаллар қилганликлари келиб чиқади.

ЎЗ ГУРУҲИДАН БЎЛГАНГА ЁРДАМ

«Ва у шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатдалик пайтда кирди. Унда уришаётган икки кишини кўрди. Буниси ўз гуруҳидан, униси эса, душманларидан эди. Бас, ўз гуруҳидан бўлган душман бўлганга қарши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо уни бир мушт уриб ўлдириб қўйди. У(Мусо): «Бу шайтоннинг ишидир. Албатта, у очик-ойдин душман ва йўлдан оздиргувчидир», деди». (15 оят)

Кунлардан бир куни сафардан қайтган Мусо алайҳиссалом:

«Шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатдалик пайтда кирди».

Шаҳардан мурод пойтахтдир. Шаҳар аҳолиси ғафлатда бўладиган пайт эса, туш вақтидир. Иссиқ юртларда, жумладан, Мисрда ҳам туш пайти шаҳар ва қишлоқ аҳолиси кундузги уйқуда бўладилар. Аҳолиси ғафлат уйқусида ётган пайтда шаҳарга кириб келган Мусо алайҳиссалом:

«Унда уришаётган икки кишини кўрди. Буниси ўз гуруҳидан, униси эса, душманларидан эди».

Мусо алайҳиссалом бири ўз қавми-Бани Исроилдан, иккинчиси душман-фиръавн қавмидан бўлган икки кишининг уришаётганини кўрдилар.

«Бас, ўз гуруҳидан бўлгани душман бўлганга қарши ундан ёрдам сўради».

Бани исроиллик киши Мусо алайҳиссаломдан қибтийга қарши ёрдам сўради. Шундан кўриниб турибдики, Мусо алайҳиссалом қавмлари ичида эзилганларга ҳар доим ёрдам бериб юрганлар. Шунинг учун ҳам ҳалиги Бани Исроиллик у зотни кўриши билан дарҳол ёрдам сўради. Мусо алайҳиссалом рози бўлдилар. Қибтийга яқин бордилар ва: «Шунда Мусо уни бир мушт уриб ўлдириб қўйди».

Бу ҳол Мусо алайҳиссалом ёш ва жуда бақувват бўлганларини кўрсатади. Катта одамни бир мушт билан ўлдириб қўйиш осон эмас.

Мусо алайҳиссалом қибтийни умуман ўлдирмоқчи эмас эдилар. Унинг ўлиб қолганини кўриб қаттиқ афсусландилар.

«У(Мусо): «Бу шайтоннинг ишидир. Албатта, у очик-ойдин душман ва йўлдан оздиргувчидир», деди».

Мусо алайҳиссалом бу кўнгилсиз ишни шайтонга нисбат бердилар ва шайтон инсон учун очик-ойдин душман ҳамда йўлдан оздирувчи эканини таъкидладилар. Айни чоқда:

«У: «Эй Роббим, албатта, мен ўзимга зулм қилдим. Бас, мени мағфират қил», деди. Шунда У зот уни мағфират қилди. Албатта, Унинг Ўзи мағфират қилгувчи, меҳрибондир». (16 оят)

Мусо алайҳиссалом бехосдан бировнинг ўлимига сабаб бўлишларини ўзларига зулм қилганлик деб баҳоладилар ва Аллоҳ таолога илтижо этиб:

«Эй Роббим, албатта, мен ўзимга зулм қилдим. Бас, мени мағфират қил», деди.

Банда хатосига иқроор бўлиб, Аллоҳдан чин қалбдан мағфират сўраса, Аллоҳ уни дарҳол кечиради. Мусо алайҳиссалом ҳам мағфират сўрадилар.

«Шунда У зот уни мағфират қилди. Албатта, Унинг Ўзи мағфират қилгувчи, меҳрибондир».

Ундан ўзга ҳеч кимнинг бандаларни мағфират қилишга ҳаққи йўқ.

«У: «Эй Роббим, менга берган неъматнинг ҳаққи-ҳурмати ҳаргиз жиноятчиларга ёрдамчи бўлмасман», деди». (17 оят)

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг мағфиратини ўзларига неъмат деб билдилар. Шунга ва Аллоҳ берган куч-қувват, ақл-заковат каби бошқа неъматларга шукр этиб, уларни фақат яхшиликка ишлатишга аҳду паймон қилдилар.

Ўзини билган одамга сал кўнгилсиз воқеа ҳам катта мусибат бўлиб кўринади ва ҳаётида катта ўзгаришга сабаб бўлади.

«Бас, у эрталаб шаҳарда кўрққан ҳолида, аланглаб кетаётган эди, бирдан кеча ундан ёрдам сўраган яна ёрдам сўраб қичқириб қолди. Мусо унга: «Албатта, сен очиқ-ойдин гумроҳсан», деди». (18 оят)

Кўнгилсиз воқеа бўлган куннинг эртасига Мусо алайҳиссалом қилмишларининг оқибатини ўйлаб:

«эрталаб шаҳарда кўрққан ҳолида, аланглаб кетаётган эди...»

Мусо алайҳиссалом тавба қилиб, тавбалари қабул бўлган, энди ундай ишларни такрорламасликка аҳд этган бўлсалар ҳам, барибир одамлардан, аниқроғи, фиръавн ва унинг қавмидан бу ҳодисага акс-садо келишидан хавфлари бор эди. Шунинг учун ҳам эртаси эрталаб, бирор хабар тарқалмадимикан, деб кўрққан ҳолларида, атрофга аланглаб, ҳар бир нарсадан ҳадиксираб борар эдилар...

«...бирдан кеча ундан ёрдам сўраган яна ёрдам сўраб қичқириб қолди».

Кеча қибтий билан уришаётиб Мусо алайҳиссаломни ёрдамга чақирган Бани Исроиллик бугун яна бошқа бир қибтий билан уришаётган экан, у Мусо алайҳиссаломдан яна ёрдам сўраб қичқириб қолди. Кечаги воқеадан таъсирланиб, унинг оқибати нима бўлар экан, деб ҳадиксираб бораётган Мусо алайҳиссалом бу ҳолни кўриб ва чақириқни эшитиб, уришқоқ қавмдошларидан хафа бўлдилар ва:

«Мусо унга: «Албатта, сен очиқ-ойдин гумроҳсан», деди».

Сенинг ҳадеб жанжал чиқараверишининг ўзи гумроҳлигингдандир, бундай ишлар нафақат сенга, балки умуман қавмимизга яхшилик келтирмайди, кеча бўлар иш бўлган эди, энди буниси нима, демоқчи эдилар. Шундай бўлса-да, мазлум халқининг, мазлум вакилига золимларга қарши яна бир бор ёрдам бермоқчи бўлдилар ва:

«Қачонки икковларига душман бўлганни тутмоқчи бўлган эди, у: «Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби, мени ўлдирмоқчимисан?! Сен ер юзида фақат жаббор бўлишни истарсан ва ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истамассан», деди». (19 оят)

Ҳа, ортиқча зулм одамларга қаттиқ таъсир ўтказди. Бепарво, ҳимматсиз кишилар, умуман, одамгарчиликдан чиқиб кетади. Ҳассос ва ҳимматли кишиларнинг эса, асаби таранглашади. Золим, мустабид ҳоким шахсига сиғинишга асосланган жамиятда турли маънавий ўлчовлар ҳам тескарисига айланиб қолади.

Мусо алайҳиссалом кечаги ишдан қаттиқ афсусланиб, бунга ўхшаш ишларни бошқа қилмасликка аҳд этган, кечаги иш оқибатидан хавфсираб, қабиладошларини «Албатта, сен очиқ-ойдин гумроҳсан», деб айблаб турган бўлсалар ҳам, ҳассос ва ҳимматли инсонликлари, зулмга қарши вужудлари қаҳру ғазабга тўлалиги сабабли чидаб тура олмадилар. Золимга қарши чиқишдан ўзларини яна тўхтата билмадилар.

«Қачонки икковларига душман бўлганни тутмоқчи бўлган эди...»

Ҷъни, ўзига ва Бани Исроилликка душман бўлган қибтийни тутмоқчи бўлган вақтларида ўша қибтий:

«Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби мени ўлдирмоқчимисан?!» деб қолди.

Демак, унинг кечаги воқеадан хабари бор. Ўз-ўзидан, у қандай қилиб хабар топди, деган савол пайдо бўлади. Бунга тахминий иловалар кўп. Балки ўша қибтий билан уришаётган Бани Исроиллик айтгандир. Эҳтимол, иккови орасидаги уриш кечаги уриш сабабли чиққандир. Чунки мазлум кишилар золимларга озгина зарар етказса ҳам, бениҳоят хурсанд бўлиб кетадилар. Ҳеч ким билмасин, деб хабарни бир-бирларига айтаверадилар. Агар душман билан тортишиб қолсалар, уларга ҳам навбат келиб қолганини, кеча фалон жойда, фалон воқеа бўлганини ҳам айтиб берадилар. Бу сўзамоллар ўзларининг бу гапларидан бошқа мазлумларга фойда борми, йўқми эканига эътибор бермайдилар. Модомики золимга оз бўлса ҳам зарар етибдими, гапириш керак, деб ўйлайдилар. Ана шу эътибордан Бани Исроиллик билан уришиб турган қибтий ўзини ушламоқчи бўлган Мусо алайҳиссаломнинг кечаги ишларидан хабардор бўлиши ҳеч гап эмас. Золимга мазлумнинг ўзига қарши чиқиши суиқасд бўлиб кўринади. Қибтий Мусо алайҳиссаломни суиқасдда айблади ва кеча ноҳосдан бўлган ишни юзларига солди. Лекин бу билан кифояланмади. У кишини айблашда давом этди:

«Сен ер юзида фақат жаббор бўлишни истайсан ва ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истамайсан», деди».

Зулм, ситам ва истибдод кучайган, шахсга сиғиниш авж олган юртда маънавий қадриятлар мезони ўзгариб қолишини қибтийнинг шу гапидан кўрса бўлади. Унинг фикрича, бутун бошли бир халқни қул қилиб олган, уларни эзиб, ўғил болаларини сўйиб, қизларини тирик қолдириб, оғир ишларда ишлатаётган фиръавн одил ва меҳрибон зот, уни жаббор ва бузғунчи дейиш гуноҳи азим, аммо қулликка қарши бош кўтарган, мазлум қабиладошини ўлимдан қутқариш учун ҳаракат қилиб, билмасдан, ноҳос бир золимни ўлдириб қўйган Мусо алайҳиссалом «жаббор» ва ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истамай» диган одам эмишлар.

Том маънода фиръавнлар ҳукмрон бўлган жамиятда ана шундай вазият вужудга келади. Фиръавнлар ва унинг гумашталари қилган зулм, истибдод айни адолат, халқ манфаати йўлида кўрилган чора бўлиб, унга ҳамду сано ва мақтовлар айтилаверади-ю, аммо бирорта мазлум ўз ҳаққини талаб қилиб қолса, уни дунёдаги энг катта жиноятчи, ҳаддидан ошган золим, исёнкор, ношукр, деб айбланади. Бу сафар Мусо алайҳиссаломга нисбатан ҳам худди шундай муносабатда бўлинди. Баъзи муфассирларимиз, мазкур итоб гапларни қибтий эмас, Бани Исроиллик айтган, дерлар. Мусо, сен ўзинг гумроҳ экансан, деб унга қараб юрганларида, мени ўлдиргани келяпти, деб кўрқиб кетганидан айтган, дерлар. Лекин кўпчилик уламолар аввалги фикрни қувватлашади.

Шу билан бу ҳодиса ҳам тугаб, ҳамма тарқалиб кетди.

«ЭЙ МУСО АЪЁНЛАР СЕНИ ЎЛДИРИШ УЧУН ТИЛ БИРИКТИРМОҚДАЛАР»

«Ва шаҳарнинг нариги четидан бир киши шошиб келиб: «Эй Мусо, аниқки, аъёнлар сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар. Бас, чиқиб кет! Албатта, мен сенга насиҳат қилгувчиларданман», деди». (20 оят)

Шаҳар четидан шошиб келган бу киши фиръавн қавмидан бўлиб, иймонга келган-у, аммо иймонини яшириб юрган одам эканлиги бошқа сурадаги оятда айтилган. Ўша одам: «Эй Мусо, аниқки, аъёнлар сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар», деб хабар етказди. Фиръавн тузумида Мусо алайҳиссаломга ўхшаш зулмга қарши бош кўтарган бир одамнинг чиқиб қолиши

ҳам катта таҳдид бўлиб кўринди. Фиръавннинг атрофидаги гумашталар, аъёнлар зулмга қарши чиққан ўша исёнкорни дарҳол йўқ қилиш учун тил бириктира бошладилар. Умуман, фиръавнлар тузумида ҳам оз бўлса-да, иймонли кишилар топилди. Аммо улар тузумдан қўрққанларидан иймонларини беркитиб юрардилар. Улар тузум ичида юргани учун унинг сирларидан хабардор бўлишлари турган гап. Баъзи сирлардан хабар топганларида, айниқса, иймон аҳлига қарши аъёнларнинг тил бириктирганини билганларида, иймонлари тақозоси билан, бу ҳақда иймонлиларга яширин хабар беришни, уларга йўл-йўриқ кўрсатишни, насиҳат қилишни бурчлари деб билардилар.

Фиръавн қавмидан бўлган мазкур мўмин киши ҳам худди шундай қилди. Фиръавн аъёнлари Мусо алайҳиссаломни ўлдириш учун тил бириктираётганларидан хабар топиши билан шаҳар четидан шошилиб келиб Мусо алайҳиссаломга ўша хабарни етказди ва у кишига йўл кўрсатиб: «Бас, чиқиб кет!» деди.

Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссалом чиқиб кетмасалар, бўлмас эди. Худолик даъво қилаётган подшоҳ Фиръавн ва унинг аъёнлари, аскарлари ҳамда қавми-ҳамма-ҳаммасига қарши ёлғиз ўзлари туришлари имконсиз нарса эди. У кишининг у ерда қолишлари ўзларига зулм бўлар, шу билан бирга, Фиръавнга қарши кураш истиқболини беркитиб қўяр эди. Шунинг учун мўмин кишининг насиҳати тўғри эди. У буни тасдиқлаши ниятида: «Албатта, мен сенга насиҳат қилгувчиларданман», деди». Ҳалиги кишидан бу хабарни эшитган Мусо алайҳиссалом, «Бас, хавфсираб, аланглаган ҳолда у ердан: «Эй Роббим, менга золим қавмлардан нажот бергин», деб чиқди». (21 оят)

Ҳа, Мусо алайҳиссалом золим қавмларнинг зулмидан қочиб, туғилган ерлари, ота-она, қариндош-уруғлари-ҳамма-ҳаммасини ташлаб, ёлғиз бошларини олиб, ҳижрат қилишга мажбур бўлдилар.

Кечагина Фиръавннинг эркатоий бўлган, айтгани айтган, дегани деган, ҳамма унинг бир оғиз сўзига интизор бўлиб турган зот бугун юртидан, халқи ичидан қўрқиб-хавфсираб, биров кўриб қолмаяптимики, деб атрофга аланглаб, номаълум томонга, номаълум халқ ичига кетмоқда эди.

Бу ҳолат у кишининг ҳақиқат учун курашгани, зулмга қарши бош кўтаргани туфайли, Фиръавн шахсига эмас, Аллоҳ таолога сиғингани сабабли юз берди.

Аллоҳга иймон келтирган одам, доимо Аллоҳга топинади, доимо ёлғиз Аллоҳдангина ёрдам сўрайди.

Мусо алайҳиссалом ҳам шундай қилдилар.

«Эй Роббим, менга золим қавмлардан нажот бергин», деб чиқди.

Ҳа, мўминларга Аллоҳ таолонинг ўзи нажот беради. Уларни золим қавмлар зулмидан Аллоҳ таолонинг ўзи қутқазади. Шунингдек, уларни тўғри йўлга ҳам Аллоҳ таолонинг ўзи бошлайди.

МАДЯН ТОМОН ЮЗЛАНИШ

Шунинг учун ҳам Мусо алайҳиссалом:

«Қачонки Мадян томон юзланганида: «Шоядки Роббим мени тўғри йўлга ҳидоят қилса», деди». (22 оят)

Мусо алайҳиссалом ёлғиз ўзлари чексиз саҳрода нотаниш жойлар томон, бу машаққатли сафарга умуман тайёргарлик кўрмасдан кетмоқда эдилар. Иймонини беркитган мўмин кишининг кутилмаган ташвишли хабаридан сўнг, дарҳол йўлга тушишга мажбур бўлган эдилар.

У киши ўзлари билмаган ҳолда Мадян номли жойга қараб бормоқда ва йўл-йўлакай Аллоҳдан умидларини узмай:

«Шоядки, Роббим мени тўғри йўлга ҳидоят қилса», деб илтижо этмоқда эдилар.

У киши алайҳиссалом ана шундоқ илтижо ила юриб кетдилар.

«Қачонки Мадян сувига етиб келгач, бир тўп одамларнинг ҳайвонларини суғораётганини кўрди ва улардан бошқа (қўйларини сувдан) қайтараётган икки аёлни кўрди. У: «Сизларга не бўлди?» деди. Улар: «Чўпонлар қайтмагунларича суғора олмаймиз, отамиз қари чол», дедилар». (23 оят)

Мусо алайҳиссалом узоқ йўл юриб, хориб-чарчаб Мадян сувига етиб бордилар. Албатта, чўл жойларда сув қудуқда бўлади. Мусо алайҳиссалом Мадян қудуғидан бир тўп одамлар ҳайвонларини суғораётганларини, шунингдек, бир четда икки аёлнинг сувга интилаётган ҳайвонларини қайтариб турганини ҳам кўрдилар.

Ҳимматли ва ҳассос эркакларга хос табиатлари жўш урган Мусо алайҳиссалом бу ҳолни сингдира олмади. Аслида, эркаклар аёлларни ҳурмат қилишлари, аввал уларнинг ҳайвонларини суғориб беришлари керак эди. Аммо бу ерда иш тескарича бўлмоқда. Эркаклар талашиб-тортишиб ҳайвонларини суғормоқдалар, нозик, кучсиз аёллар тортиниб, сувга ўзини ураётган ҳайвонларини қайтариб ҳалак бўлмоқдалар.

Доимо ҳақиқат учун курашиб келган, ҳақсизликка чидамайдиган Мусо алайҳиссалом бу сафар ҳам томошабин бўлиб тура олмадилар. У киши икки аёлга савол бериб:

«Сизларга не бўлди? деди».

Сизларга нима бўлдики, аёл бошингиз билан ҳайвонларни суғоргани келибсиз? Сизларга нима бўлдики, сувга ўзини ураётган ҳайвонларингизни қайтармоқдасиз?

Шунда аёллар мўминаларга хос иффат ва одоб билан жавоб бердилар. Ҳайвонларини сувдан қайтариш ва бу ерга келишга мажбур бўлиш сабабларини айтдилар.

«Улар: «Чўпонлар қайтмагунларича суғора олмаймиз, отамиз қари чол», дедилар».

Кучли-қувватли эркак чўпонлар билан талашиб-тортишишга одобимиз йўл қўймайди, кучимиз ҳам етмайди. Шунинг учун улар суғориб бўлгунча бир четда, ҳайвонларимизни сувдан қайтариб туришга мажбурмиз. Аслида, бизнинг бу ерга келишимиз тўғри эмас, аммо отамиз қари чол, ҳайвонларни суғора олмайди.

Шунда Мусо алайҳиссалом одобли, қадрини билган эркак сифатида иш тутдилар.

«Бас, икковларига (ҳайвонларини) суғориб берди. Сўнгра сояга қайтди ва «Эй Роббим, албатта, менга туширажагинг ҳар бир яхшиликка муҳтожман», деди». (24 оят)

Мусо алайҳиссалом ҳалиги икки аёлнинг ҳайвонларини суғориб бердилар. Буни ўзларининг эркак кишилик бурчи, деб билдилар.

«Сўнгра сояга қайтди...»

Демак, кун иссиқ экан. Аввал ҳам сояда ўтирган эдилар. Лекин қийналаётган икки аёлни кўриб, ғоятда чарчаган, ҳориб-толган, очикқан бўлсалар ҳам, туриб уларга ёрдам бердилар. Қайтиб бориб яна соядан жой олдилар. Яна ёлғиз қолдилар. Яна муҳожирлик ғурбатини ҳис этдилар. Ёлғизнинг ёри худо, деб яна Роббул Оламийнга илтижо қилиб:

«Эй Роббим, албатта, менга туширажагинг ҳар бир яхшиликка муҳтожман», дедилар.

Чунки у кишининг ҳеч кими ва ҳеч нарсаси йўқ эди. Ёлғиз ўзлари. Ёнларида ҳамроҳ ҳам, егани бир бурда нон ҳам, ётгани жой ҳам йўқ. Буларнинг бўлишидан дарак ҳам йўқ. Фақатгина Аллоҳ бор! Шунинг учун Аллоҳнинг Ўзига ёлбордилар. Нима яхшилик туширсанг, ўшанга муҳтожман, Сендан бошқа умидим йўқ, дедилар. Ҳамма нарсани кўриб тургувчи Аллоҳ Мусо алайҳиссаломнинг бу ҳолларини ҳам кўрди. Ҳамма нарсани эшитиб тургувчи Аллоҳ Мусо

алайҳиссаломнинг бу илтижоларни ҳам эшитди. Барча мушкулларни осон қилгувчи Аллоҳ Мусо алайҳиссаломнинг мушкулларини ҳам осон қилди.

«ҚҶРҚМА, ЗОЛИМ ҚАВМЛАРДАН НАЖОТ ТОПДИНГ»

«Бас, икковларидан бири ҳаё билан юриб келиб: «Отам сенга бизларга суғориб берганинг ҳаққини бериш учун чақирмоқда», деди. Қачонки унга келганида ва қиссани айтиб берганида, у: «Қўрқма, золим қавмлардан нажот топдинг», деди». (25 оят) Ўйга толиб ёлғиз ўтирган Мусо алайҳиссаломнинг олдиларига ҳалиги икки аёлнинг бири уялибгина келиб: «Отам сенга бизларга суғориб берганинг ҳаққини бериш учун чақирмоқда», деди».

Албатта, ҳайвонларни осонлик билан суғориб ўйга одатдагидан эрта қайтган қизлар билан қари оталари орасида суҳбат бўлиб ўтган. Қизлар отасига ҳайвонларини суғориб берган ғариб йигит ҳақида, унинг мардлиги, шижоатлиги, яна ўзи ёлғиз сояда ўтириб қолганлиги ҳақида сўзлаб беришган. Ўшанда оталари қизлардан бирини ўша ғариб йигитни чақириб келиш учун юборади. Мусо алайҳиссалом бу чақирқни қабул қилиб, чолнинг олдига борадилар. «Қачонки унга келганида ва қиссани айтиб берганида, у: «Қўрқма, золим қавмлардан нажот топдинг», деди». Мусо алайҳиссалом уй эгасига бошларидан ўтган қиссани гапириб бердилар. Кўпни кўрган тажрибали чол у кишининг кўнглини кўтариб, қўрқма, энди қутулиб кетдинг, деган маънони айтди. «Икки (қиз) дан бири: «Эй отажон, уни ишга ёллаб ол. Чунки ишга ёлланадиган энг яхши кимса кучли ва ишончли кимсадир», деди». (26 оят)

Мўсафид чолнинг оиласида тарбия топган қизлар билимдон, ақлли, доно, сермулоҳаза ва ифғатли бўлиб ўсганлари кўриниб турибди. Оталари қариб қолгани, уйда бошқа эркак киши йўқлигидан қизлар ҳайвонларни ўзлари боқишга, суғоришга, эркакларга арлашишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ҳол жуда ҳам ноқулай. Ёш, бақувват ва ғариб бир йигитнинг пайдо бўлиб қолиши уларнинг оиласидаги чўпонлик муоммосини ҳал қилишга қулай фурсат эди. Шунинг учун қизлардан бири отасига таклиф киритиб: «Эй отажон, уни ишга ёллаб ол», деди. Яъни, отасига Мусо алайҳиссаломни чўпонликка ёллаб олишни таклиф қилди. Кейин нима учун Мусо алайҳиссаломнинг номзодини кўрсатганини шарҳлаб: «Чунки ишга ёлланадиган энг яхши кимса кучли ва ишончли кимсадир», деди. Бу гапдан ҳам қиз олий савияли одоб соҳибаси экани кўриниб турибди. Гапни Мусо алайҳиссаломга эмас, учинчи шахсга қаратиб, ишга ёлланадиган энг яхши одам қандай бўлиши кераклиги ҳақида гапирмоқда. Зотан, ҳайвонларини суғориш ва оталарининг амри билан Мусо алайҳиссаломни чақириб келиш пайтида, у кишининг кучли ва ишончли одам эканини сезишган эди. Шундай оқила ва фозила қизларни тарбиялаган отанинг жуда маданиятли ва одобли киши бўлиши турган гап. Қизининг таклифи маъқул келганидан кейин бу ҳақда Мусо алайҳиссаломга мурожаат қилиб:

ИККИ ҚИЗИМДАН БИРИНИ СЕНГА НИКОҲЛАБ БЕРМОҚЧИМАН

«У: «Менга саккиз йил ишлаб беришинг шарти билан, шу икки қизимдан бирини сенга никоҳлаб бермоқчиман, агар ўн йилни тамомласанг, бу сенинг ишинг. Мен эса сенга машаққат қилишни истамасман. Иншааллоҳ, менинг солиҳ кишилардан эканимни кўрасан», деди». (27 оят)

Бу гаплардаги одоб, соддалик, очиқлик киши қалбини қувончга тўлдиради. Қизларининг бирида ғариб йигитга нисбатан рағбат борлигини сезган ота масалани жўнгина ҳал қилди. Мусо алайҳиссаломга мен сенга яхшилик қилай, ҳеч киминг йўқ, бечора мусофир экансан, мардикор бўлиб қўйларимни боқиб

юр, бир кунингни кўрарсан, демади. Балки ишга таклиф қилишнинг ажойиб услубини қўлади.

«У: «Менга саккиз йил ишлаб беришинг шарти билан, шу икки қизимдан бирини сенга никоҳлаб бермоқчиман...», деди.

Айни чоқда, Мусо алайҳиссаломдек йигитни куёв қилиб олиш имконини ҳам қўлдан чиқармади.

«...агар ўн йилни тамомласанг, бу сенинг ишинг».

Бизга фазлу карам кўрсатган бўласан.

«Мен эса сенга машаққат қилишни истамасман».

Ҳамма нарса содда, оддий ва осон бўлишини истайман.

«Иншааллоҳ, менинг солиҳ кишилардан эканимни кўрасан», деди.

Яъни, мен айтган гапимда тураман, нолойиқ хатти-ҳаракат қилмайман, деди.

Тафсирчи уламоларимиз бу доно, улуғ ёшдаги киши ким эканлиги ҳақида ҳар хил фикрлар айтганлар. Фикрларнинг турлича бўлишига асосий сабаб у одамнинг кимлиги Қуръони Каримда ҳам, саҳиҳ ҳадисларда ҳам очиқ-ойдин айтилмаганидир.

Мўътабар тафсирчиларимиздан Ҳофиз ибн Касир тафсирларида ўзларидан олдинги уламоларнинг кўплари, бу улуғ ёшли киши Пайғамбар Шуайб алайҳиссалом деса, бошқалари, у киши эмас, деганларини, баъзилари, у киши Шуайб алайҳиссаломнинг укасининг ўғли эди, деса, учинчи бирлари, Шуайб қавмидан бир мўмин киши эди, деганларини айтадилар.

Сўнгра ўша киши Шуайб алайҳиссалом эди ва у киши эмас эди, деганларнинг ҳужжат ва далилларини келтирадилар.

Ҳофиз ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳидан кейин ўтган тафсирчилар бу масалада асосан икки гуруҳга бўлинадилар: бир қисмлари ўша кишини Шуайб алайҳиссалом эмас эди десалар, қолганлари, Шуайб алайҳиссалом эди, дерлар.

Мусо алайҳиссаломга қайинота бўлган шахсни Шуайб алайҳиссалом дейдиган уламолар у кишининг Мадянлик эканлигига, ҳикмат билан тасарруф қилганига ва баъзи ривоятларда ўша одам Шуайб алайҳиссаломга нисбат берилганига суянадилар.

Мухолифлар эса, аввало, мазкур шахсни Шуайб алайҳиссалом деб атаган ривоятлар кучсиз эканини, уларга суяниб бўлмаслигини айтадилар. Кейин эса, Қуръонда тилга олинмагани у одамнинг Шуайб алайҳиссалом эмаслигини кўрсатади, чунки у кишидек катта Пайғамбар номининг тилга олинмаслиги мумкин эмас эди, дерлар.

Энг асосийси, тарихда, Қуръонда собит бўлишича, Шуайб алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломдан жуда аввал, Лут алайҳиссаломга яқин даврда яшаганлар. У киши Иброҳим алайҳиссалом даврларида, яъни, Мусо алайҳиссаломдан тўрт юз йил олдин ўтганлар. Шуайб алайҳиссалом қариган чоғларида қавмлари ҳалокатидан сўнг, фақат мухлис мўмин кишилар билан қолганлар, улар ҳеч қачон Пайғамбарларини қаровсиз қўйиб, ўз ҳайвонларини унинг қизларига навбат бермай суғоришлари мумкин эмас, каби далилларни келтирадилар.

Нима бўлганида ҳам Мусо алайҳиссалом доно мўйсафиддан юқоридаги таклифни қабул қилдилар.

«У (Мусо): «Бу мен билан сенинг орамиздадир. Икки муддатдан қай бирини адо қилсам ҳам, менга тажовуз қилинмас. Айтаётган нарсамизга Аллоҳ вакилдир», деди». (28 оят)

Яъни, сен айтган таклиф иккимиз орамиздаги шартномадир. Икки муддатдан-саккиз ёки ўн йилдан қайси бирини адо қилсам, мен ўзим биламан. Айтган гапимизга, тузган шартномамизга Аллоҳ шоҳиддир, дедилар.

Ана шундай қилиб, Мусо алайҳиссалом ўз давридаги энг катта давлат саройи амиридан энг катта чўлларнинг чўпонига айландилар. Энг забардаст

подшоҳнинг кўз қувончи, боқиб олган ўғлидан, энг заиф, ўрнидан қимирлаши қийин мўйсафиднинг мардикорига айландилар. Аммо буюк кишиларни бу мансаб ва меҳнатлар баландга ҳам кўтара олмайди, пастга ҳам тушира олмайди. Бундай ҳолатлар уларнинг кимлигини синайди, улардаги мардлик, мурувват, сабр-матанот ва бошқа етуклик сифатларини яна бир бор намойиш қилади. Ҳеч шубҳа йўқки, Мусо алайҳиссаломнинг ҳаётларидаги бу муҳожирлик, ғариблик, ёлланма ишчилик босқичи ўзига хос тааммул, тафаккур даври, ўтган ҳодисаларни қайта баҳолаб чиқиш, келажакка режа тузиш ва мустақбалда елкага тушажак оғирликларни кўтаришга тайёргарлик босқичи бўлган эди.

МУСО МУДДАТНИ ТУГАТИБ, АҲЛИ БИЛАН ЙЎЛГА ТУШДИ

«Мусо муддатни тугатиб, аҳли билан йўлга тушиб кетаётиб, Тур томонда узоқдан оловни кўриб қолди. У аҳлига: «Туриб туринглар, аниқки, мен узоқдан оловни кўрдим. Балки у ердан сизга бирор хабар ёки исинишингиз учун бир тутам чўғ олиб келарман», деди». (29 оят)

Мусо алайҳиссалом қайинотаси билан келишган муддатни ўтаб, аҳли аёлларини олиб Мисрга қайтиш учун йўлга чиқдилар. Йўлда, Сийна ярим оролидаги Тур тоғига яқинлашганда, тоғ томонда узоқдан бир олов ёниб турганини кўрдилар.

Шунда аҳли аёлларига, сизлар шу ерда:

«Туриб туринглар, аниқки, мен узоқдан оловни кўрдим. Балки у ердан сизга бирор хабар ёки исинишингиз учун бир тутам чўғ олиб келарман», деди».

Ва ўша олов кўринган томон қараб кетдилар.

МУҚАДДАС ТУВО ВОДИЙСИДА

Инсоният тарихидаги нодир ҳодиса ҳисобланган Туво водийсидаги ушбу сўзлашувни энг батафсил равишдаги баёни «Тоҳо» сурасида келган.

«Бас, у (олов) га келганида, нидо қилинди: «Эй Мусо.

Албатта, Мен Ўзим, сенинг Роббингдирман. Кавушларингни еч. Чунки сен муқаддас Туво водийсидасан». (11-12 оятлар)

Мусо алайҳиссалом олов кўринган маконга чўғ олиш ёки йўл билиш учун келган эдилар. Ўзлари билмаган ҳолда истаганларидан кўра хайр-баракотга-ҳидоят ва саодатга йўлиқдилар. У зот оловга яқинлашиб келганларида, Аллоҳ таоло нидо қила бошлади:

«Эй Мусо, албатта, Мен Ўзим, сенинг Роббингдирман».

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга фаришта юбормай, бевосита Ўзи нидо қилди. Мен, сенинг Роббингман, деб очиқ-ойдин айтди. Шунинг учун ҳам Мусо алайҳиссаломнинг «Калимуллоҳ-Аллоҳ билан гаплашган» деган лақаблари бор.

«Кавушларингни еч. Чунки сен муқаддас Туво водийсидасан».

Ҳозир сен ушбу муқаддас жойда туриб, Роббил Оламин ила гаплашасан, шунинг учун пок бўлиб, турли ерларни босиб келган оёқ кийимларингни ечиб, тайёрланиб тур.

«Мен сени ихтиёр қилиб олдим. Ваҳий қилинадиган нарсага қулоқ ос». (13 оят)

Яъни, Мен сени Пайғамбарликка танлаб олдим. Ҳозир сенга ўша Пайғамбарлик вазифаларингни ваҳий орқали юбораман. Ваҳийга қулоқ сол.

«Албатта, Мен Ўзим, Аллоҳдирман. Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қил ва Мени зикр этиш учун намозни тўқис адо эт». (14 оят)

Яъни, бу дунёда ибодатга сазовор бирдан-бир зот Мен Ўзимман. Мендан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, шундай бўлганидан кейин, Менга ибодат қил.

Ибодатнинг энг мукаммали бўлиши намозни ҳам мени зикр этиш учун тўқис адо эт.

«Албатта, соат (қиёмат) келгувчидир. Ҳар бир жон саъйи-ҳаракатига яраша жазо олиши учун уни махфий тутурман». (15 оят)

Қиёмат, албатта, қоим бўлади. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Лекин унинг қачон бўлишини махфий тутаман. Ҳеч ким билмайди. Бундан мақсад ҳар бир одамга қилган ишига яраша мукофот ёки жазо беришдир. Агар қиёмат қачон бўлиши махфий тугилмаса, ошкор этилса, одамлар саъйи-ҳаракат қилмай қўядилар. Инсонларнинг табиати шуни тақозо этади. Улар учун доимо бир махфий, ноаниқ нарса бўлиб туриши керак. Ўша махфий нарсага қизиқадилар, уни билишга уринадилар, унинг учун ҳаракат қиладилар.

Шунингдек, қиёмат қачон қоим бўлиши махфий бўлгани учун соғлом табиатли, тўғри йўлдаги кишилар доимо эҳтиёт бўлиб, унга тайёр турадилар. Табиати бузуқ, нотўғри йўлдагилар эса, унга ишонмайдилар, тайёргарлик ҳам кўрмайдилар.

«Ҳаргиз сени унга иймон келтирмайдиганлар ва ҳавойи нафсига эргашганлар ундан тўсмасинлар. У ҳолда ҳалок бўласан». (16 оят)

Ҳавойи нафсга эргашиб қиёматга куфрни келтириб чиқаради. Ҳавойи нафсига эргашиб, қиёматга иймон келтирмай юрганлар ўзларидан бошқаларни ҳам унга ишонишдан, иймон келтиришдан тўсишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, улар сенинг ҳам иймонингни тўсишга уринишлари мумкин. Аммо сен зинҳор уларнинг гапига қулоқ солма. Агар қулоқ солсанг, ҳалок бўласан.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга тавҳид илмидан сабоқ бериб бўлгач, гапни бошқа томонга буриб:

«Эй Мусо, қўлингдаги нима?» деб сўради.

У: «Бу асоимдир, унга суянаман, у билан қўйларимга (барг) қоқиб бераман ва унда менинг бошқа ишларим бор», деди». (17-18 оят)

Кечаси оловдан чўғ олиш ёки бирортасидан йўл сўраш мақсадида келган Мусо алайҳиссалом тўсатдан илоҳий нидони тинглаб, ғалати ҳолга тушиб қолган эдилар. Қўлларидаги нарса нима экани сўралганидан кейин ўша маҳбуб илоҳий нидо тугаб қолишини ҳис этдилар ва гапни чўзиб, Аллоҳ таоло билан илоҳи борича кўпроқ гаплашишга ҳаракат қила бошладилар. Шунинг учун ҳам, қўлингдаги нима, деган саволга «асоим» деб қўявермасдан, «унга суянаман, у билан қўйларимга (барг) қоқиб бераман ва унда менинг бошқа ишларим бор», деб чўзиб жавоб қилдилар.

«У: «Эй Мусо, уни ташла», деди». (19 оят)

Яъни, Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга асоингни ерга ташла, деди. Шунда Мусо алайҳиссалом:

«Бас, уни ташлади. Бирдан у (асо) илон бўлиб юра бошлади». (20 оят)

Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг амрини бажариб, асони ерга ташлаган эдилар, бирдан асо илон бўлиб, ҳаракат қила бошлади.

Буни кўриб Мусо алайҳиссалом қўрқиб кетдилар. Шунда:

«У зот: «Уни ол, қўрқма. Биз уни аввалги ҳолига келтирамиз». (21 оят)

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни хотиржам қилди. Қўрқмасдан уни ердан ол, Биз уни аввалги асолик ҳолига қайтарамиз, деди.

«Қўлингни қўлтиғингга тик, ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқадир. Бу бошқа бир мўъжизадир». (22 оят)

Яъни, асо ҳодисасидан кейин Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга қўлини қўлтиғига тикишни буюрди. Асода қандай мўъжиза содир бўлишини айтмаган эди, лекин қўлини қўлтиққа тикқанда нима бўлишини олдиндан айтиб қўйди:

«...ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқадир», деди.

Қўл оппоқ бўлди, аммо бу оқликда ёмонлик йўқдир. Яхшилик бор. Жуда чиройли бўлиб кўринади. Бундай бўлиши сенинг Пайғамбар эканлигингни тасдиқловчи асосдан кейинги яна бир мўъжизадир.

«Биз сенга буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (шундай қилдик)». (23 оят)

Сенга буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун аввал асо ва қўл мўъжизаларини кўрсатдик. Асо ва қўлтиққа тикқанда чиройли оқ бўлиб чиқадиган қўл Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссаломга берган улкан мўъжизалардан иккитаси эди.

«Сен Фиръавнга бор, албатта, у туғёнга кетди», деди». (24 оят)

Эй Мусо, сени Пайғамбар қилиб танлаб олдик, муқаддас Туво водийсида нидо қилдик, улкан мўъжизаларимиздан кўрсатдик. Энди сен Миср подшоҳи Фиръавн олдига бор. У шубҳасиз ҳаддан ошиб, туғёнга кетди. Уни йўлга солиш керак.

«У: «Эй Роббим, менинг қалбимни кенг қил.

Менинг ишимни осон қил.

Тилимдаги тугунни ечгин.

Сўзимни англасинлар.

Менга ўз аҳлимдан бир вазир қилиб бер.

Оғам Ҳорунни.

У билан белимни қувватла.

Уни ишимга шерик айла.

Сенга кўп тасбиҳ айтишимиз учун.

Ва Сени кўп зикр қилишимиз учун.

Албатта, Сен ўзинг бизни кўриб турувчи эдинг», деди». (24-35 оятлар)

Аллоҳ томонидан ўзига ўта масъулиятли вазифа юклатилганини чуқур ҳис этган Мусо алайҳиссалом бу амри илоҳийни қабул этдилар. Фиръавннинг олдига боришларидан олдин ҳар нарсага қодир Аллоҳ таолодан ўзларининг машаққатли ишларида зарур бўладиган ёрдамларни бир йўла сўраб олдилар. Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолодан энг аввал:

«Эй Роббим, менинг қалбимни кенг қил», деб сўрадилар.

Чунки Аллоҳнинг динига одамларни даъват қилишда қалбнинг кенг бўлиши жуда муҳимдир. Қалби тор одам даъват ишини эплай олмайди. Қалби кенг одам эса, ҳатто даъват йўлидаги машаққатлардан роҳатланади.

Кейин Мусо алайҳиссалом Аллоҳдан энгиллик сўрадилар:

«Менинг ишимни осон қил».

Аллоҳ ишини осон қилмаган инсон ҳеч нарсага эриша олмайди. Инсоннинг ўзига қўйиб берилса, нима ҳам қила олар эди у. Фақат Аллоҳ таоло ёрдам бериб, ишини осон этган одамгина бирор нарса қила олиши мумкин.

Мусо алайҳиссаломнинг Аллоҳга учинчи тилаги:

«Тилимдаги тугунни ечгин», дейишлик бўлди.

Тилнинг бурро бўлиши ҳам даъватчилар учун жуда керак. Мусонинг алайҳиссалом тилларида бир оз дудуқлик бор эди. Аллоҳдан ўша дудуқлик тугунини ечишни сўрадилар. Тилакнинг ортидан

«Сўзимни англасинлар», деб ўшанда одамлар у кишининг сўзини яхшироқ тушунишларини ҳам қўшиб қўйдилар.

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолодан сўраган тўртинчи тилак:

«Менга ўз аҳлимдан бир вазир қилиб бер».

Яъни, менга машаққатли ишларда ёрдам берадиган, оғиримни энгил қиладиган бир ёрдамчи бер, дедилар. Ўша вазир ўз аҳлларидадан бўлишини ҳам қўшиб қўйдилар. Чунки аҳлини тушуниш осон, у билан бирга ишлаш осон. Кейин Мусо алайҳиссалом вазир қилиб кимни хоҳлаётганларини очиқ айтдилар:

«Оғам Ҳорунни».

Ўзларининг катта акалари Ҳорун алайҳиссаломни Мусо алайҳиссалом яхши билишлари турган гап. Айнан Ҳорун алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга вазир бўлиш салоҳиятига эга эдилар. У киши тили ўткир ва фосоҳатли, босиқ-вазмин

ва саботли одам эдилар. Ана шу сифатларга эга бўлган оғаларини Мусо алайҳиссалом Пайғамбарликка шерик бўлишини сўрадилар.

«Уни ишимга шерик айла», дейишлари шу маънони англатади.

Мусо алайҳиссалом сўзларининг ниҳоясида бу талабларни қўйишдан қандай мақсадлари борлигини ҳам айтдилар:

«Сенга кўп тасбиҳ айтишимиз учун. Ва сени кўп зикр қилишимиз учун», деди.

Шу билан бирга, уларнинг эҳтиёжларини Аллоҳ таолонинг Ўзи билиб турганини ҳам айтиб қўйдилар:

«Албатта, Сен Ўзинг бизни кўриб турувчи эдинг».

Ҳолимизни биласан. Заифлигимизни кўряпсан. Камчиликларимиз Ўзингга маълум.

Мусо алайҳиссалом тилакларини тугатишлари билан:

«У зот: «Эй Мусо, сенга сўраганинг берилди». (36 оят)

Бир оғиз гап билан ҳал қилиб қўйди. Нимани сўраган бўлсалар, берди.

Демак, Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссаломнинг оналарига берган иккинчи, яъни: «ва Биз уни Пайғамбарлардан қилурмиз», деган ваъдаси амалга ошди.

БИРИНЧИ ТОПШИРИҚ

Аллоҳ таоло ўз бандаси Мусо алайҳиссаломни ўзига пайғамбар қилиб олганини ва у кишига акаси Ҳорунни вазир қилиб беришини эълон қилганидан кейин икковларига биринчи топшириқни берди:

«Сен ва оғанг мўъжизаларимни олиб боринглар ва Мени зикр этишда сусткашлик қилманглар». (42 оят)

Эй Мусо, сен ва оғанг Ҳорун Менинг мўъжизаларимни олиб, фиръавн ва унинг қавмига боринглар.

«...мени зикр этишда сусткашлик қилманглар».

Менинг зикрим сизларга доимо куч-қувват, сабот-бардош беради. Сизларни зоду роҳилангиз-йўл озиғингиз ҳам, қурол-аслаҳангиз ҳам шу.

«Фиръавнга боринглар! Чунки, у туғёнга кетди». (43 оят)

Қўрқмасдан, золим Фиръавнга боринглар. У туғёнга кетди. Ҳаддан ошди.

«Бас, унга юшоқ сўз айтинглар. Шояд эсласа ёки қўрқса». (44 оят)

Юшоқ сўз таъсир қилиши мумкин. Юшоқ сўз кофирни ва туғёнга кетган шахсни ҳам мулойим қилиб қўйиши мумкин. Юшоқ сўз ўйлашга мажбур қилиши мумкин. Шояд туғёнга кетган Фиръавн ҳам қилаётган ишларини эсласа ва туғённинг оқибати ёмон бўлишидан қўрқса.

«Икковлари: «Эй Роббимиз, биз унинг тезда бизга ёмонлик қилишидан ёки ҳаддан ошишидан қўрқамиз», дедилар». (45 оят)

Мусо ва Ҳорун иккаласи (алайҳумассалом):

«Эй Роббимиз, биз Фиръавн ҳузурига бориб, уни иймонга чақирсак, у дарҳол бизга ёмонлик қилиши мумкин ёки яна ҳам туғёни зиёда бўлиши мумкин, шундан қўрқамиз», дедилар.

«У зот: «Қўрқманглар! Албатта, Мен сизлар биланман, эшитаман ва кўраман». (46 оят)

Аллоҳ томонидан Мусо ва Ҳорун алайҳумассаломларга ҳал қилувчи, иккиланишга ўрин қолдирмайдиган жавоб келди:

«Ҳеч қўрманглар. Нимадан қўрқасизлар! Ахир мен сизлар биланман. Ҳамма нарсани эшитиб турибман. Ҳамма нарсани кўриб турибман. Фиръавн сизларга дарҳол ёмонлик қилгани билан нимани қойил эта олар эди. Фиръавннинг туғёни яна ҳам ошгани билан қўлидан нима келар эди?»

«Бас, унинг олдига боринглар ва унга: «Албатта, биз Роббингнинг Пайғамбарларимиз, Бани Исроилни биз билан қўйиб юбор. Уларни азоблама. Батаҳқиқ, биз сенга Роббингдан мўъжиза келтирдик. Ҳидоятга эргашган кимсага салом бўлур». (47 оят)

Албатта, бизга ваҳий қилиндики, ёлғонга чиқарганларга ва юз ўгириб кетганларга шубҳасиз азоб бўлур», денглар», деди». (48 оят)

Яъни, мен сизлар билан бирга бўлганимдан кейин, Фиръавннинг олдига дадил бораверинглар ва унга бу гапларни айтинглар:

«Албатта, биз Роббингнинг Пайғамбарларимиз»

Эй Фиръавн, билиб қўй, ҳеч шак-шубҳасиз, биз икковимиз Роббингнинг Пайғамбарларимиз. Сенга Аллоҳ таолонинг амрини олиб келдик. Ўша амрлардан бири:

«...Бани Исроилни биз билан қўйиб юбор. Уларни азоблама».

Оламларнинг Робби, жумладан сенинг ҳам Роббинг бўлмиш Аллоҳнинг амри шу. Бани Исроилни қул қилиб олиб туришга, уларни тинимсиз азоблашга сенинг ҳаққинг йўқ.

Агар бизнинг бу гапларимизга, Пайғамбарлигимизга ишонмаётган бўлсанг:

«Батаҳқиқ, биз сенга Роббингдан мўъжиза келтирдик».

Ўша мўъжиза бизнинг ҳақиқий Пайғамбар эканлигимизни тасдиқлайди. Биз Аллоҳнинг Пайғамбарлари бўлганимиз учун доимо тўғри йўлга-ҳидоятга чорлаймиз.

«Ҳидоятга эргашган кимсага салом бўлур».

Саломатлик-омонлик бўлади. Аллоҳнинг айтганини қилиб, ҳидоятда собитқадам турганлар тинч-омон яшайдилар. Яна:

«Албатта, бизга ваҳий қилиндики...»

Аллоҳнинг Пайғамбарларини «ёлғонга чиқарганларга» ва иймондан «юз ўгириб кетганларга шубҳасиз азоб бўлур».

Сен ҳам, эй Фиръавн, туғёндан қайт, ҳидоятга эргаш, турли бало-офатлардан саломат бўласан.

Сен ҳам, эй Фиръавн, Аллоҳнинг Пайғамбарларини-бизларни ёлғонга чиқарма ва иймондан юз ўгирма, йўқса, шубҳасиз азобга дучор бўлиб қоласан, денглар.

Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларга Фиръавнга нималар дейиш кераклигини ўргатганидан сўнг, муқаддас Туво водийсидаги учрашув тугайди.

Учрашув тугагани, ундан кейинги воқеалар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди.

Қисса Мусо ва Ҳорунлар алайҳумассаломлар Фиръавнга бориб, Аллоҳ уларга ўргатган гапларни айтганларидан кейин Мусо алайҳиссалом билан Фиръавн ўртасида бошланган баҳс билан давом этади.

ФИРЪАВН ИЛА БАҲС

Мусо алайҳиссалом ва Ҳорун алайҳиссаломнинг Фиръавн ила олиб борган баҳсларидан бир кўриниш «Тоҳо» сурасида қуйидагича васф қилинади:

Фиръавн:

«У: «Эй Мусо, икковингизнинг Роббингиз ким?» деди». (49 оят)

Мусо ва Ҳорун алайҳумассаломлар Фиръавнга: «Биз сенинг Роббингнинг Пайғамбарларимиз», дейишларига қарамай, Фиръавн: «Менинг Роббим ким?» деб эмас, «...икковингизнинг Роббингиз ким?» деб сўради.

Шу гапнинг ўзида у Роббни тан олмаслиги кўриниб турибди. Туғёнга кетиб, худолик даъвосини қилган кофир, ўзининг ҳар бир гапида ўша даъвосини олға сурмоқда.

Фиръавндан бу саволни эшитган Мусо алайҳиссалом унга қуйидагича жавоб бердилар:

«У: «Бизнинг Роббимиз ҳар нарсага ўз яратилишини берган ҳамда уни ҳидоятга солган зотдир», деди». (50 оят)

Мусо алайҳиссалом жуда қисқа, аммо мукамал жавоб бердилар.

Имом Замахшарий ҳам, бошқа буюк уламолар қатори, бу жавобдан қойил қолиб:

«Ё Аллоҳ! Бу қандай ажойиб жавоб! Қандай ҳам мухтасар! Қандай ҳам жамловчи! Қандай ҳам баён қилувчи! Ким инсоф билан зеҳн қўйиб, назар солса, англаб етади», деганлар.

«Бизнинг Роббимиз ҳар нарсага ўз яратилишини берган...»

Роббимиз шундай зотки, у ҳар нарсага, кўзга кўринмас ҳужайрага ҳам, кўз нури етмас улкан мавжудотларга ҳам ўзига хос яратилиш-хилқат берган. Ҳаммаси ўзига хос. Бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бири ўзига хос бир олам. Сон-саногига етиб бўлмайдиган мавжудотларнинг ҳар бирига хос хусусият, шакл-шамоил берган зот Мусо ва Ҳорун алайҳумассаломларни Фиръавн ва унинг қавмига Пайғамбар қилиб юборди.

У зот ҳар бир нарсага хилқат бериш билан кифояланиб қолгани йўқ, балки яна:

«ҳамда уни ҳидоятга солган зотдир», деди».

Аллоҳ ҳар бир мавжудотни ўзига хос хусусият, шакл-шамоил ила яратгани қаторида, ҳар бирига вазифа белгилаб, уни адо этишга ҳам йўллаб қўйгандир. Кўзга кўринмайдиган кичик ҳужайралардан тортиб, кўз нури етмас улкан махлуқотларгача ҳамма-ҳаммаси вазифасини адо этиш учун ҳаракатда. Ҳар бир зарра бурчини ўташ учун ҳаракат қилади. Ҳар бир ҳужайра вазифасини ўзига буюрилгани янглиғ тўғри адо этади. Шунингдек, осмонлар ҳам, ер ҳам, тоғу тош, дарё-денгизлар ҳам вазифаларини тўқис адо этади. Уларни бу ишга Аллоҳ ҳидоят қилган, йўллаган.

Бу жавобдан сўнг Фиръавн яна савол берди.

У: «Ўтган асрларнинг ҳоли недир?» деди». (51 оят)

Яъни, ўтган асрларда яшаб ўтган одамларнинг ҳоли нима бўлди? Улар қаёққа кетдилар? Сен айтаётган Робб уларга ҳам Роббмиди ёки йўқми? Ўтганлар унга иймон келтирмай, ибодат қилмай ўтиб кетди. Энди нима бўлади?

Аллоҳга иймони йўқ ҳар бир кофирдан тушадиган бу саволга Мусо алайҳиссалом қуйидаги жавобни бердилар:

«У: «Уларнинг илми Роббим ҳузурида, китобдадир. Роббим адашмас ва унутмас», деди». (52 оят)

Яъни, ўтган асрлар ҳақидаги барча илм Роббим ҳузуридаги китобда ёзилгандир. Қанча асрлар ўтиб, қанча одамлар яшаб, нима ишлар қилган бўлсалар, ҳамма-ҳаммаси Роббим ҳузурида турибди, китобда ёзилган. Роббим уларнинг амалларини ҳисоб-китоб қилишда адашмайди, баъзи нарсаларни унутиб ҳам қўймайди. Шунга қараб жазолайди ёки мукофотлайди.

Мусо алайҳиссалом Фиръавннинг саволига жавоб бериб бўлиб, сўзларида давом этдилар, Роббул Оламийнинг сифатларини васф қилишга киришдилар:

«У сизга ерни бешик қилган, сизга унда йўллар очган ва осмондан сув туширган зотдир». Бас, ўша (сув) ила турли набототлар жуфтларини чиқардик». (53 оят)

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига далолат қилувчи бир неча сифатлари зикр қилинмоқда.

«У сизга ерни бешик қилган» зотдир.

Гўдак учун бешик қандай қароргоҳ бўлса, ер ҳам сиз учун шундай қароргоҳ. Инсон ким бўлишидан, қай даражага етишидан қатъий назар, ер юзида бешикдаги болага ўхшайди. Унга ерни бешик қилиб, унда уни таомлантириб, ювиб-тараб турган зот Аллоҳ. Агар Аллоҳ таоло инояти билан ерни одам боласи учун бешик қилиб бермаганида, у ер юзида яшай олмас эди. У (Роббим):

«...сизга унда йўллар очган» зотдир.

Агар Аллоҳ ер юзида одамларга турли йўлларни очиб бермаганида ҳам, улар машаққатда қолар эдилар.

«...ва осмондан сув туширган зотдир».

Сув ҳаётдир. Аллоҳ одамларга осмондан сув туширмаса, инсон ҳаёти нима кечарди? Ўша сув туфайли инсон ҳаёти давом этади. Жумладан:
«Бас, ўша (сув) ила турли набототлар жуфтларини чиқардик».

Набототларнинг ҳам жуфт-жуфт экани илм тараққий этганидан сўнг маълум бўлди. Қуръони Карим эса, буни аввалдаёқ айтиб қўйган.

«Енглар ва чорваларингизни боқинглар. Албатта, бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир». (54 оят)

Эй одамлар, ўша осмондан туширилган сув ёрдамида Аллоҳ чиқариб қўйган набототлар меваларидан ўзларингиз энглар. Ўша набототлар ила чорваларингизни боқинглар. Аллоҳ уларни сизнинг фойдангиз учун чиқарган.

«Албатта, бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир».

Озгина ақлга эга бўлган одам бу низомни, бу илоҳий тадбирларни мулоҳаза қилиб кўрса, Роббул Оламийнинг биру бор эканлигига кўплаб оят-белгилар кўради.

Албатта, икки томон орасидаги баҳс-тортишув бир суҳбат ила тамом бўлмаган.

Балки, анчагина давом этган. Мусо ва Фиръавн қиссаси баён этилган сураларни синчиклаб ўргансак ушбу тортишувларнинг бошқа намунасини ҳам кўрамиз.

БАҲС ДАВОМ ЭТМОҚДА

Кўриниб турибдики, Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар зиммасидаги асосий вазифа-Бани Исроилни Фиръавн зулмидан қутқариб олиш ва уни тавҳид ақидаси асосида қайта тарбиялаш бўлган.

Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар Аллоҳ таолонинг буйруғини бажардилар. Фиръавннинг олдига бориб, лозим гапларни айтдилар. Кечагина ўзларининг орасида тарбияланган, унинг қавмидан бир кишини ўлдириб қўйиб қочиб кетган Мусодан бу гапларни эшитган Фиръавн масхаромуз ҳолатда ўтмишни эслаб, Шуаро сурасида баён қилинганидек у зотга миннат қила бошлади:

«У: «Биз сени гўдаклигингдан ўз ичимизда тарбия қилмадикми?! Умрингнинг бир неча йилини бизнинг ичимизда ўтказмадингми?!»

Ва нонкўрлардан бўлиб, қиладиган ишингни қилиб қўймадингми?!« деди». (18-19 оятлар)

Фиръавннинг миннатларидан асосий мақсади-Мусо алайҳиссалом олиб келган динни инкор қилиш эди. У Мусо алайҳиссаломнинг Пайғамбарликларини, Аллоҳнинг элчиси сифатидаги муомалаларини кўтара олмай, ўзига ўхшаганларнинг йўлини тутди. Мусо алайҳиссаломга «ўтказиб қўйган» ва ўзича у зотнинг камчиликлари деб ўйлаган ишларини юзига солди.

«Биз сени гўдаклигингдан ўз ичимизда тарбия қилмадикми?!»

Қўлимизда катта бўла туриб, энди, бизга, динимизга ва мулкимизга қарши чиқасанми? Янги дин келтирдим, деб даъво қиласанми?

«Умрингнинг бир неча йилини бизнинг ичимизда ўтказмадингми?!»

Ўша йилларда бундай гапларни айтмай, жимгина юрар эдинг-ку. Сенда бирор аломати ҳам йўқ эди. Бунинг устига, сени дарёда оқиб келаётганингда топиб олиб, қувиб-тараб, парваришлаб ўстирганимиз учун раҳмат айтиш ўрнига,

«Нонкўрлардан бўлиб, қиладиган ишингни қилиб қўймадингми?!»

Яъни, бизнинг қавмимиздан бир кишини ўлдириб қўймадингми?!»

Фиръавннинг бу даъволари қаршисида Мусо алайҳиссаломнинг тиллари тутилиб қолмади. Аллоҳ таолонинг ёрдами ила Фиръавнга бурролик билан қуйидаги жавобни бердилар:

«У (Мусо): «Ўша ишни қилган бўлсам, билмасдан қилганман.

Бас, сизлардан хавфсираб қочиб кетдим. Кейин Аллоҳ менга ҳикмат берди ва мени Пайғамбарлардан қилди.

Ўша менга қилаётган миннатинг Бани Исроилни қул қилиб олганингдандир», деди». (20-22 оятлар)

Мусо алайҳиссалом қибтийни ўлдиришлари сабабини баён қилиш билан жавоб бошладилар.

«Ўша ишни қилган бўлсам, билмасдан қилганман».

Яъни, сенинг қабиладошингни қасддан ўлдирганим йўқ. У вақтда кўп нарсаларни билмас эдим. Ўша қибтий менинг бир қабиладошим-бани исроиллик билан уришаётган экан. Қабиладошим мендан ёрдам сўради, мен унга ёрдам бераман деб қибтийни бир урсам, ўлиб қолди. Шундан кейин хатони тушундим ва:

«сизлардан хавфсираб қочиб кетдим».

Чунки сизлар мени ўлдириш пайига тушиб қолган эдингиз.

«Кейин Аллоҳ менга ҳикмат берди».

Ўзим топиб олганим ёки қуруқ даъво қилаётганим йўқ.

«...ва мени Пайғамбарлардан қилди».

Бу оддий ҳолат. Чунки мендан олдин ҳам кўплаб Пайғамбарлар ўтган. Мен улардан бириман, холос.

Энди, мени гўдаклигимдан тарбия қилганларинг, ичларингда бир неча йиллар олиб юрганларингга келсак,

«Ўша менга қилаётган миннатинг Бани Исроилни қул қилиб олганингдандир».

Сен Бани Исроилни қул қилиб олган эдинг. Уларнинг янги туғилган қизларини қолдириб, ўғил болаларини ўлдирар эдинг. Бундан қўрққан онам мени дарёга оқизди. Сизлар мени тутиб олиб боқдингиз, тарбия қилдингиз. Оиламдан жудо бўлиб ўсдим. Энди эса, менга буни миннат қилмоқдасан. Ўзингча, яхшилик қилганман, деб ўйлаётган бўлсанг керак-да?!

Мусо алайҳиссаломнинг бу сўзларини эшитган Фиръавн гапни бошқа томонга бурди. Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларнинг: «Биз Роббул Олабийнинг Пайғамбарларимиз», деганларига ишора қилиб:

«Фиръавн: «Роббул Олабийн нима?» деди». (23)

Фиръавн Мусо алайҳиссаломга энг пасткашона савол ила:

«Ўша сени Пайғамбар қилиб юборган, Роббул Олабийн, деб номлаётган нарсанг нима ўзи?» демоқда.

Бу ерда у бадбахтнинг, ўша Роббул Олабийн ким?, демай, «Роббул Олабийн нима?» дейиши ҳам эътиборга сазовордир.

Мусо алайҳиссалом эса, қисқа, аммо Роббул Олабийнни тўлиқ васф қилиб, жавоб бердилар.

«У (Мусо): «Агар англамоқчи бўлсангиз, У осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг Роббидир», деди». (24 оят)

Яъни, борлиқдаги барча нарсанинг тарбиячиси, розиқи ва тадбирчиси Аллоҳдир.

Бу гапларни эшитиб турганларга таъсир қилишидан чўчиганидан:

«У атрофидаги кишиларга: «Эшитмаяпсизларми?!» деди». (25 оят)

Қаранг, бу нималар деяпти ўзи.

Мусо алайҳиссалом эса, Роббул Олабийннинг сифатларини айтишда давом этдилар:

«У: «Сизнинг Роббингиз ва аввалги ота-боболарингизнинг Роббидир», деди». (26 оят)

Худолик даъвогари, туғёнкор Фиръавнга унинг одамлари олдида қўрқмасдан бу гапларнинг айтилиши уни тавозиндан чиқариб юборди ва:

«У: «Албатта, сизга юборилган Пайғамбарингиз жиннидир», деди». (27 оят)

Барча туғёнкорлар каби, Фиръавн ҳам ҳақ йўл даъватчиси шахсига туҳмат ёғдириб, одамларнинг ихлосини ундан қайтаришга уринди, Мусо алайҳиссаломни мажнун-жинни деб эълон қилди.

Мусо алайҳиссалом эса, бунга парво ҳам қилмай, даъватларида давом этдилар.
«У: «У зот, агар ақл юритсангиз, машриқу мағрибнинг ва улар ўртасидаги
нарсаларнинг Роббидир», деди». (28 оят)

Яъни, қуёшнинг ботиши ва чиқишини амалга оширувчи ҳам, улар орасидаги
масофаю, нарсаларнинг ҳам Робби Аллоҳдир.

БАҲС ШИДДАТЛАШДИ

Ғофир сурасида келган (25-36) оятларда икки томон орасидаги баҳс
шиддатлашганини кўрамиз.

«Мусо уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ ила келган чоғда, улар: «У билан
бирга иймон келтирганларнинг ўғилларини қатл қилинглари, қизларини тирик
қолдиририлари», дедилар. Кофирларнинг макр-ҳийласи залолатдан бошқа нарса
эмас».

Маълумки, Бани Исроилни ўзига қул қилиб олган фиръавн бу халққа турли
азоб-уқубатларни ёғдирар, нима қилиб бўлса ҳам, уларни қулликда ушлаб
туриб, ўз фойдаси учун ишлатишга уринар эди. Ўзига қарши ёш йигитлар бош
кўтариши мумкинлигини яхши билганидан, қолаверса, атрофидаги
гумашталаридан, мулкига Бани Исроилдан туғиладиган бола завола бўлишини
эшитганидан кейин, фиръавн Бани Исроилда туғиладиган қиз болага тегмасдан,
ўғил болаларни ўлдиришга фармон берган эди.

Мусо алайҳиссалом келиб, Аллоҳ таоло томонидан Пайғамбар этиб
юборилганларини айтганларидан кейин фиръавннинг хавфи яна ҳам зиёда бўлди
ва Бани Исроилнинг, яъни, Мусо алайҳиссаломга қўшилиб, иймон
келтирганларнинг ўғил болаларини ўлдириш ҳақидаги фармонини янгиледи.

«Мусо уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ ила келган чоғда улар: «У билан
бирга иймон келтирганларнинг ўғилларини қатл қилинглари, қизларини тирик
қолдирилари», дедилар».

Мусо алайҳиссалом фиръавн, Ҳомон ва Қорунга Аллоҳ таолонинг ҳузуридан ҳақ
ила келганларида, улар ўша ҳаққа қарши чора кўра бошладилар. Бошларига
биринчи келган ўй ҳаққа эргашганларни жисмонан йўқ қилиш бўлди. Улардан
туғиладиган ўғил болаларни қатл этишга амр қилдилар. Ўғил чақалоқ ким
бўлади-иймонлими, иймонсизми, ожизми, йўқми-барибир. Келажакда иймонли
бўлиши, ҳокими мутлақнинг истибдодига қарши курашиши эҳтимоли бор. Унинг
айби шу. Шунинг учун ёруғ дунёда кўз очиб улгурмасидан, ўлимга маҳкум.
Қизлар эса, тирик қолаверсинлар. Чунки ҳокими мустабидга қул, чўри,
хизматчи керак. Аммо:

«Кофирларнинг макр-ҳийласи залолатдан бошқа нарса эмас».

Кофирлар ўз мавқеъларини мустаҳкамлаш учун турли чора-тадбирлар кўрадилар.
Иймон йўлини, Ҳақни тўсиш учун бутун имкониятларини ишга соладилар. Макр-
ҳийлалар қиладилар. Аммо уларнинг барча уринишлари залолатдир-адашувдир.
Охир-оқибат, макр-ҳийлалари ўзларининг бошига бало бўлади. Улар
иймонлиларга қарши зулм ва истибдодни кучайтириб, мақсадларига эришмоқчи
бўладилар. Лекин бу нарса уларни алдайди. Уларнинг зулм ва истибдоди ошган
сайин мўминларнинг иймони мустаҳкам бўлиб, ораларидан чидамсизлари чиқиб,
сафлари софланиб бораверади. Охири, сафлар тўла тозаланиб, ҳар қандай
қийинчиликка бардош бера оладиган мўминлар жамоаси шаклланиб бўлганида,
золим ва мустабид ҳокимлар қўрққан пайт келади ва улар қўрққан иш содир
бўлади. Бу ишнинг тезлашишига эса, кофирларнинг ўзи залолат қоллари билан
ёрдам берадилар.

Ҳа, кофирларнинг иймонга, мўминларга қарши қиладиган макр-ҳийлалари
залолатдан-адашувдан бошқа нарса эмас.

«Фиръавн: «Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай. Майли, Роббига дуо қилсин. Албатта, мен унинг динингизни алмаштиришидан ва ер юзида фасод чиқаришидан қўрқмоқдаман», деди».

Фиръавн ўзи билан Мусо алайҳиссалом ўртасидаги қарама-қаршилиқни иймон билан куфр, ҳақ билан ботил ўртасидаги кураш, деб эълон қилмади.

У Аллоҳ таолонинг динига даъват қилаётган Мусо алайҳиссаломни халққа бузғунчи, одамларнинг бошини айлантирувчи шахс деб танитмоқчи бўлди. Ўзини, халқнинг холоскори, динини бузилишдан сақлаб қолувчи, ер юзида фасод ишлар қилинишига қарши турувчи фидойи қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

«Фиръавн: «Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай. Майли, Роббига дуо қилсин», деди.

Мантиқ билан муваффақиятга эриша олмаган, Пайғамбарни сеҳргар, каззоб, деб ҳам бирор наф топмаган золим подшоҳ энди куч ишлатишга ўтди. Туғёнга кетган ҳукмдор ўз тахтидан ажраб қолишдан қўрқиб, ҳар қандай пасткашлиққа тайёр эканини кўрсатди. Ҳақ йўлга даъват қилувчини ўлдиришда Аллоҳни ҳам эътиборга олмаслигини билдирди. Роббига дуо қилса, қилаверсин, мен барибир уни ўлдираман, деди. Шу билан бирга, энг қизиғи, у ўзини динни ҳимоя этаётган қилиб кўрсатди. Ер юзида бузуқилиқ бўлмаслиги учун курашяпман, деб иддао қилди.

«Албатта, мен унинг динингизни алмаштиришидан ва ер юзида фасод чиқаришидан қўрқмоқдаман», деди».

Мантиқни кўринг, ўзи Аллоҳнинг динига қарши чиқиб турибди-ю, яна диннинг ҳимоясидан гапиради. Ўзи ер юзидаги энг катта фасодни чиқариб, Аллоҳ юборган Пайғамбарни ўлдираман деб турибди-ю, ер юзида бузғунчилик бўлмасин учун ҳаракат қилмоқдаман, дейди. Шунда:

«Мусо: «Албатта, мен Роббим ва Роббингиз бўлган зотдан ҳисоб кунига иймон келтирмайдиган ҳар бир мутакаббирдан паноҳ сўрайман», деди».

Агар золим Фиръавн мени ўлдирмоқчи бўлса, эй одамлар, мен Аллоҳдангина паноҳ сўрадим. Менинг ҳам, сизнинг ҳам Роббингиз бўлмиш Аллоҳдан ҳар бир иймонсиз мутакаббирнинг ёмонлигидан паноҳ сўрадим.

МҶМИН КИШИНИНГ АРАЛАШУВИ

Шунда орага бошқа бир одам аралашди: «Фиръавн аҳлидан бўлган, иймонини беркитиб юрадиган бир мўмин киши: «Бир одамни, Аллоҳ Роббимдир, дегани учун ўлдирасизларми?! Қолбуки, у сизга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келмишдир. Агар у ёлғончи бўлса, ёлғони ўзига зарар. Агар ростгўй бўлса, унда у ваъда қилаётган баъзи мусибатлар сизга етар. Албатта, Аллоҳ исрофчи ва каззоб бўлган шахсни ҳидоят қилмас.

Эй қавмим, бугунги кунда мулк сизникидир. Ер юзида юзага чиқиб турибсизлар. Агар бизга Аллоҳнинг азоби келса, унда бизга ким ёрдам берар?!» деди. Фиръавн: «Мен сизга ўзим кўраётган нарсадан бошқани кўрсатмасман ва сизларни тўғри йўлдан бошқага йўлламаман», деди».

Фиръавн ўзича Мусо алайҳиссаломга иймон келтирганларга зулм ўтказиб, уларнинг кучини қирқиб учун, бошқаларни ҳам қўрқитиб, иймон йўлига яқинлаштирмаслик учун турли макр-ҳийлалар ишлатиб юраверади. Аммо унинг макр-ҳийласи залолат бўлгани учун ҳатто ўз аҳли ичидан ҳам мўминлар чиқиб қолди. У кўпчилик олдида Мусо алайҳиссалом билан айтишиб турганида, у зотни ўлдиришга қарор қилганини билдирганида, иймон тақозоси ила ўша мўмин ўртага тушди.

«Фиръавн аҳлидан бўлган, иймонини беркитиб юрадиган бир мўмин киши» оддий мантиқни ўртага ташлаб, туғёнга кетган золим подшоҳга қаратилган хитобни худди кўпчиликка айтаётгандек қилиб сўз бошлади:

«Бир одамни, Аллоҳ Роббимдир, дегани учун ўлдирасизларми?!» деди. Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссаломнинг «Аллоҳ Роббимдир» деган сўздан бошқа даъволар йўқ эди. Бу дегани Аллоҳ менинг яратгувчим, ризқ бергувчим, тадбиримни қилгувчи тарбиячим, дегани эди. Бу эътироф оддий ҳақиқат эди. Бунинг ёмон жойи йўқ эди. Буни ҳамма тан олиши керак эди. Бу нарса соф қалб ва оддий мантиқнинг тақозоси эди. Шунинг учун соф қалб эгаси бўлган киши томонидан бу ҳақиқат эълон этилди.

Аммо бу оддий гап халқнинг бўйнига миниб олган, халққа Аллоҳнинг эмас, ўз сўзини мажбуран ўтказаётган, халқни боқяпман, оғирини енгил қияпман, деган даъво билан юрган золим ва мустабид подшоҳ Фиръавн учун ниҳоятда хатарли эди. Агар Мусо алайҳиссалом айтаётгандек, Аллоҳ Робб бўлса, Фиръавн «робб»ликдан тушиб қолишидан қўрқар эди. Шунинг учун «Аллоҳ Роббимдир» деган шахсни «Фиръавн Роббимдир» демагани учун ўлдиришга қасд қилди.

Иймонини беркитиб юрадиган мўмин киши сўзида давом этиб:

«Қолбуки, у сизга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келмишдир», деди. У ўз-ўзидан қуруқ даъво қилаётгани йўқ. Айтаётган гапларининг ҳақ эканига сизнинг Роббингиз бўлмиш Аллоҳдан очиқ-ойдин ҳужжатлар олиб келган. Қўрқўрона ҳукм чиқаравермасдан, ўша очиқ-ойдин ҳужжатларга боқсангиз бўлмайдими?!

Сиз нега унга осилиб олдингиз? Нима учун уни йўқ қилиш, ўлдириш пайига тушдингиз?!

«Агар у ёлғончи бўлса, ёлғони ўзига зарар».

Сиз уни ёлғончи, дейсиз-у, яна ўлдиришга қасд қиласиз. Агар ёлғончи бўлса, тек қўйинг, ёлғони ўзига уради. Сиз ундан қутуласиз. Буниси биринчи эҳтимол. Энди иккинчи эҳтимол ҳам бор:

«Агар ростгўй бўлса, унда у ваъда қилаётган баъзи мусибатлар сизга етади».

Сиз уни ўлдириб юборсангиз-у, у ростгўй бўлса, ҳақиқий Пайғамбар бўлса, унда Аллоҳнинг Пайғамбарини ўлдирганларга ваъда қилинган баъзи мусибатлари сизга етади. Демак, икки эҳтимолда ҳам сиз фойда топмайсиз. Бефойда ишга уриниб нима қиласиз.

«Албатта, Аллоҳ исрофчи ва каззоб бўлган шахсни ҳидоят қилмас».

Ҳақиқий Пайғамбар бўлмаган шахснинг башараси дарҳол фош бўлади. Шунинг учун уни ўлдириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

«Эй қавмим, бугунги кунда мулк сизникидир».

Подшоҳлик, мулк, давлат сизнинг қўлингиздадир. Ўз ҳукмингизни ўтказиб турибсиз.

«Ер юзида юзага чиқиб турибсизлар».

Бошқалардан устунсизлар. Гапингиз ўтиб турибди. Бунга шукр қилмай, «Роббим Аллоҳдир», деган одамни ўлдирмоқчимисиз?! Бунинг жазоси бўлиб:

«Агар бизга Аллоҳнинг азоби келса, унда бизга ким ёрдам беради?!»

Аллоҳнинг Пайғамбарини ўлдирганингиз учун, албатта, Аллоҳдан азоб келади.

Аллоҳдан келган азобни ким қайтара олади?!

Иш бошқа томонга бурилиб кетаётганини кўрган Фиръавн дарҳол гапга аралашди.

«Фиръавн: «Мен сизга ўзим кўраётган нарсадан бошқани кўрсатмасман ва сизларни тўғри йўлдан бошқага йўллагасман», деди».

Яъни, меникдан бошқа фикрни қабул қилишингизга рози эмасман, билиб қўйинг, фақат менгина сизни тўғри йўлга бошлайман, деди.

Бу ҳам доимо «ягона тўғри қарорни қабул қиладиган» золим мустабидларга хос гап.

Иймонини беркитиб юрадиган мўмин киши фиръавнинг бу гапини эшитиб, қавми режалаштирилаётган жиноятнинг оқибатидан қаттиқроқ огоҳлантирди. Уларга ўтган умматларни ҳам мисол қилиб келтирди.

«Иймон келирган киши: «Эй қавмим, албатта, мен сизга ҳам бошқа фирқалар кунига ўхшаш кун...»

Нух қавми, Од, Самуд ва улардан кейингилар ҳолига ўхшаш ҳол бўлишидан қўрқурман. Аллоҳ бандаларга зулми ирода қилмас.

Эй қавмим, албатта, мен сизларга нидалашув кунидан қўрқурман.

У кунда ортга қараб қочурсиз. Сиз учун Аллоҳдан ҳеч бир қутқаргувчи бўлмас. Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, бас, унга ҳеч бир ҳидоятчи бўлмас.

Батаҳқиқ, бундан олдин Юсуф очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келди. Бас, сиз у ўзингизга келтирган нарсага шак келтириб, туриб олдингиз. Ниҳоят, у вафот этган пайтда: «Аллоҳ ундан кейин Пайғамбар юбормас», деддингиз. Аллоҳ шундай қилиб, исрофчи ва шубҳачи бўлган кимсани залолатга кетказди.

Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган ҳужжат-далилсиз талашиб-тортишадиганлар Аллоҳ томонидан ҳам, иймон келтирганлар томонидан ҳам қаттиқ ғазабга қолурлар. Аллоҳ шундай қилиб, ҳар бир мутакаббир ва зўровон қалбни муҳрлар», деди».

Фиръавн аҳлидан бўлган иймонли кишининг тилидан айтилаётган ушбу гапларда барча замонларда, барча маконларда ва барча жамиятлардаги муҳлис мўминнинг ўз қавмига бўлган муносабати, ўз қавмига бўлган муҳаббати ва улар ҳақида тортажак қайғу-ташвишлари ифодасини топган.

Муҳлис мўмин доимо қавмига яхшилиқни раво кўради ва уларни ёмонликдан сақлаш ташвишида бўлади. Иймон келтирган кишининг ўз қавмига айтган гапларини яхшилаб ўрганиб чиқайлик.

«Эй қавмим, албатта, мен сизга ҳам бошқа фирқалар кунига ўхшаш кун, Нух қавми, Од, Самуд ва улардан кейингилар ҳолига ўхшаш ҳол бўлишидан қўрқурман».

Мўмин киши аввалги куфр келтирган қавмлар ва фирқаларнинг бошидан ўтган кунларни, ёғилган мусибатларни яхши билади. Шунинг учун ҳам у қавмини, Аллоҳ юборган Пайғамбарга куфр келтираётганидан огоҳлантирмоқда.

«Эй қавмим, албатта, мен сизга ҳам бошқа фирқалар кунига ўхшаш кун... бўлишидан қўрқурман».

Ўтган кофир фирқаларнинг бошига тушган кун бир хилдир. Ҳаммаси ҳам бир хил оқибат билан тугаган. Ҳаммалари ҳалокатга учраган. Мўмин киши қавми бошига ҳам ана шундай ҳалокат тушиб қолишидан қўрқади.

«Нух қавми, Од, Самуд ва улардан кейингилар ҳолига ўхшаш ҳол бўлишидан қўрқурман».

Нух қавми Пайғамбарига куфр келтиргани учун тўфон балосига учраган эди. Од қавми Пайғамбарига куфр келтиргани учун қаттиқ совуқ шамол ҳалокатига йўлиқди. Самуд қавми эса, Пайғамбарига куфр келтиргани учун қаттиқ қичқириқ билан ҳалокат қилинди. Улардан кейин ўтган бошқа кўпгина кофир қавмлар ҳам турли ҳалокатларга учраганлар. Мўмин киши ўз қавмининг ҳам ўша қавмларнинг ҳолатига тушиб қолишидан қўрқади.

«Аллоҳ бандаларга зулми ирода қилмас».

Аллоҳ таоло ҳеч қачон бандаларига зулми хоҳламайди. Уларга бирор ёмонлик етишини истамайди. Аммо бандалар куфрлари, гуноҳлари билан ўзларига ёмонликни, азоб-уқубатни, бало-офатни чақириб оладилар. Ўзини яратган холиққа куфр келтирган нобакор бандаларни, кофир қавмларни ҳалок этиш эса, асло зулм эмас, балки айни адолатдир.

«Эй қавмим, албатта, мен сизларга нидалашув кунидан қўрқурман».

Яъни, қиёмат кунидан қўрқаман. У кунда жаҳаннамга тушиб, дод-вой солиб, нида қилиб қолишингиздан қўрқаман.

«У кунда ортга қараб қочурсиз».

Яъни, қиёмат куни кофирлар жаҳаннамга яқинлашганларида у ердаги шовқинни эшитиб, ортга қараб қочадилар. Лекин қаерга қочсалар ҳам, фаришталар уларни тутиб келиб, дод-войлатиб, жаҳаннамга отадилар.

«Сиз учун Аллоҳдан ҳеч бир қутқарувчи бўлмас».

Яъни, Аллоҳнинг азобидан қутқарувчи бўлмас. Аллоҳ таолонинг ўзи азоблаб турганида, ким ҳам қутқарувчи бўлаоларди.

«Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, бас, унга ҳеч бир ҳидоятчи бўлмас».

Фақат Аллоҳ таоло ҳидоят қилади, Фиръавн эмас. Шунинг учун Фиръавнинг гапига эмас, Аллоҳнинг Пайғамбарига эргашинг.

«Батаҳқиқ, бундан олдин Юсуф очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келди».

Қуръони Каримда Юсуф сурасидан бошқа икки ўринда Юсуф алайҳиссаломнинг зикрлари келган. Уларнинг биттаси мана шу оятдир.

Фиръавн аҳлидан бўлган, иймонини яшириб юрадиган мўмин киши қавмига ота-боболари Юсуф алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб келганларида у зотга қандай муомала қилганларини эслатмоқда. Гарчи Юсуф сурасида Миср подшоҳига вазир бўлиб, хазинага оид ишларни юритганлари ҳақида сўзланган бўлса ҳам, бу сурада очиқ-ойдин ҳужжатлар билан Пайғамбар бўлиб келганликларига эътибор қаратилмоқда.

«Бас, сиз у ўзингизга келтирган нарсага шак келтириб, туриб олдингиз».

Эй қавмим, сиз Юсуф алайҳиссаломнинг Пайғамбарлигига шубҳа қилиб, иймон келтирмай туриб олдингиз.

«Ниҳоят, у вафот этган пайтда: «Аллоҳ ундан кейин Пайғамбар юбормас», дедингиз».

Хуллас, Юсуф алайҳиссалом вафот этганида, ундан қутулдик, Аллоҳ томонидан Пайғамбар бўлиб келдим, дейдиган одам энди бўлмайди, дедингиз.

«Аллоҳ шундай қилиб, исрофчи ва шубҳачи бўлган кимсани залолатга кетказди».

Аллоҳ Юсуф алайҳиссалом ҳақида шубҳада туриб олган ўша ота-боболарингизни залолатга кетказгани каби, ҳар бир хусусда исрофгар бўлган ва динда шубҳа қилганларни ҳам залолатга кетказди. Мусо ҳақида исрофчи ва шубҳачи бўлманг, яна Аллоҳ сизни ҳам залолатга кетказиб қўямасин.

«Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган ҳужжат-далилсиз талашиб-тортишадиганлар Аллоҳ томонидан ҳам, иймон келтирганлар томонидан ҳам қаттиқ ғазабга қолурлар».

Ўзида ҳеч қандай ҳужжат, ҳеч қандай далил бўлмай туриб, Аллоҳ таолонинг оятларига қарши талашиб-тортишадиган кишилар Аллоҳ томонидан ҳам, мўмин бандалар томонидан ҳам қаттиқ ғазабга дучор бўлади. Сиз ҳам, эй қавмим, шу ишни қилмоқдасиз, яна мазкур ғазабга дучор бўлиб қолманг.

«Аллоҳ шундай қилиб, ҳар бир мутакаббир ва зўравон қалбни муҳрлар», деди».

Сиз ҳам Аллоҳнинг оятлари ҳақида ҳужжат далилсиз талашиб-тортишаверсангиз, мутакаббир ва зўравон қалбингизни Аллоҳ муҳрлаб қўямасин тағин.

МУСОНИНГ ИЛОҲИГА БОҚСАМ

Мўмин кишининг ташвишга тўла бу гапларидан кейин фақат тахти ҳақидагина ўйлайдиган подшоҳ бўлмиш Фиръавн ўзининг жаҳаннамий режасини давом эттиришда яна ҳам қатъийроқ иш тутгани айтилади:

Фиръавн деди: «Эй Ҳомон, менга бир баланд қаср бино қил, шояд сабабларга етсам. Осмонларнинг сабабларига етсам, сўнгра Мусонинг Илоҳига боқсам. Албатта, мен уни ёлғончи деб гумон қилмоқдаман». Шундай қилиб, Фиръавнга унинг ёмон амали зийнатланди ва у йўлдан тўсилди. Фиръавннинг макр-ҳийласи зиёнкорликдан бошқа нарса эмас».

Мўмин кишининг гап-сўзлари қавмга таъсир қилиб, иймонга келиб қолишларидан фиръавн кўрқди. Шунинг учун ҳам золим, мустабид подшоҳлар одатича, бундай вақтларда ишга солинадиган макр-ҳийлани қўллаб, билса, ҳазил, билмаса, чин, қабилида иш кўрди. Аллоҳнинг динига, даъватчисига қарши чиққан бошқа подшоҳлар каби, вазирини бу шармандаликка жалб этди.

«Фиръавн: «Эй Ҳомон, менга бир баланд қаср бино қил, шояд сабабларга етсам», деди.

У вазири Ҳомонни баланд қаср қуришга буюрди. У қаср нима учун керак бўлиб қолганини ҳам айтди. Аммо бу гапи ҳам мубҳам эди. Кейин сўзида давом этиб, бу мубҳамликни ойдинлаштирди:

«Осмонларнинг сабабларига етсам, сўнгра Мусонинг Илоҳига боқсам».

Яъни, осмонларга чиқадиган сабабларга, йўлларга етишсаму чиқиб Мусонинг худосини кўрсам.

«Албатта, мен уни ёлғончи деб гумон қилмоқдаман».

Мен Мусонинг Аллоҳ томонидан юборилган Пайғамбар эканига ишонмайман, ўзим осмонга чиқиб, унинг ёлғончи эканини исботламоқчиман, деди.

Фиръавннинг бу гаплари қайси томондан олиб қаралганда ҳам қавмни алдаш, ўзини олий мақом қилиб кўрсатиш ва Аллоҳнинг динини инкор этишдан иборат экани билинади. Бу гаплар унинг инсофга келиб, тўғри йўлга тушмаслигидан дарак берарди.

«Шундай қилиб, Фиръавнга унинг ёмон амали зийнатланди ва у йўлдан тўсилди».

Фиръавнга ўзининг ёмон ишлари гўзал бўлиб кўринаверди. У ўзининг куфрини, гуноҳини, динга қарши қилаётган ишларини яхши ҳисоблаб юраверди.

Ва оқибатда, ҳидоят йўлидан, Аллоҳнинг йўлидан тўсилди.

«Фиръавннинг макр-ҳийласи зиёнкорликдан бошқа нарса эмас».

У ўзича Аллоҳнинг даъватчисига, динига макр-ҳийла қилиб, боплаяпман, деб юраверди-ю, аслида, ўзига зиён қилганидан беҳабар қолди.

Фиръавннинг бу аҳмоқона гапидан кейин мўмин киши ҳамма нарсани очиқ-ойдин айтишга қарор қилди:

«Иймон келтирган киши: «Эй қавмим, менга эргашинглар, сизни тўғри йўлга ҳидоят қилурман.

Эй қавмим, бу дунё ҳаёти вақтинчалик бир, матоҳ, холос. Албатта, охират-ўшанинг ўзи барқарорлик диёридир.

Ким бирор ёмонлик қилса, фақат ўшанга яраша жазо олади, холос. Эркақдир, аёлдир, ҳар ким мўмин бўлган ҳолида солиҳ амал қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирурлар, у ерда ҳисобсиз ризқланурлар.

Эй қавмим, нечун мен сизни нажотга чақирсам, сиз мени дўзахга чақирурсиз?!

Сиз мени Аллоҳга куфр келтиришимга ва ўзим билмаган нарсани Унга ширк келтиришимга чақирмоқдасиз. Ҳолбуки, мен сизни азизу ўта мағфиратли зотга чақирмоқдаман.

Ҳеч шубҳа йўқки, албатта, сиз мени чақираётган нарсанинг дунёда ҳам, охиратда ҳам даъватга ҳаққи йўқдир. Албатта, қайтиб бораримиз Аллоҳгадир. Албатта, исрофчилар, айни ўшалар дўзах эгаларидир.

Ҳали мен сизга айтаётган гапларни эслайсизлар. Мен ишимни Аллоҳнинг ўзига топширдим. Албатта, Аллоҳ бандаларини аниқ кўриб тургувчидир», деди».

(Ғофир сураси 38-44 оятлар)

Ушбу етти оятдаги ташвишга йўғрилган гаплар ҳар бир мухлис мўминнинг ўз халқига, миллатига, қавмига бўлган меҳри-муҳаббати ва хайрхоҳлигидан келиб чиқадиган гаплардир. Эътибор қиладиган бўлсак, мўмин кишининг гапларида

«Эй қавмим» деган ибора кўп такрорланмоқда. Шунинг ўзи ҳам мухлис мўмин инсоннинг доимо қавмим, халқим, миллатим, деб куюнишидан далолат беради.

Аксинча, фақат ўзини ва тахтини ўйлайдиган, подшоҳлигидан айрилиб қолмаслик учун дину диёнатдан, ҳатто Аллоҳдан ҳам воз кечадиган фиръавннинг нутқида бирор марта «Эй қавмим» сўзи ишлатилгани йўқ.

Энди мўмин кишининг қавмига қилган насиҳатларини яхшилаб ўрганайлик.

«Эй қавмим, менга эргашинглар, сизни тўғри йўлга ҳидоят қилурман».

Мўмин кишининг бу гапи фиръавннинг юқоридаги, мен сизни тўғри йўлга ҳидоят қиламан, деган гапига раддия эди.

Мусо алайҳиссалом ҳақида сизга икки хил гап айтилмоқда. Фиръавн бир гапни айтмоқда, мен бошқа бир гап айтмоқдаман. Бу ишда фиръавнга эргашманглар, у сизни тўғри йўлга ҳидоят қила олмайди. Балки менга эргашинглар. Мен сизни тўғри йўлга ҳидоят қиламан, демоқчи.

Кейин эса, бу дунё ҳаёти нимаю охират нима экани ҳақидаги ҳақиқатни баён қилади.

«Эй қавмим, бу дунё ҳаёти матоҳ, холос».

Бу беш қунлик дунё ҳаёти вақтинчалик матоҳ, холос. Охиратга тайёрланиш учун берилган вақтинчалик фурсат, холос.

«Албатта, охират-ўшанинг ўзи барқарорлик диёридир».

Ҳақиқий барқарорлик, бардавомлик, ҳақиқий роҳат-фароғат фақат охиратдагина бўлади. Шунинг учун дунёни эмас, охиратни кўзлаб иш қилинг.

«Ким бирор ёмонлик қилса, фақат ўшанга яраша жазо олади, холос».

Яъни, ҳар ким қилган ёмонлигига яраша жазосини олиши турган гап.

«Эркақдир, аёлдир, ҳар ким мўмин бўлган ҳолида солиҳ амал қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирурлар, у ерда ҳисобсиз ризқланурлар».

Ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир банда иймон келтириб, яхши амал қилса, шу туфайли жаннатга киради. Ҳамда жаннатда беҳисоб ризқга эга бўлади. Демак, иймон билан солиҳ амал жаннатга киришининг ва унда беҳисоб ризқланишининг асосий омили экан.

Бу билан мўмин киши қавмига, куфр келтирманг, ёмонлик қилманг, иймонли бўлинг, яхши амал қилинг, демоқда.

«Эй қавмим, нечун мен сизни нажотга чақирсам, сиз мени дўзахга чақирурсиз?!»

Мен сизни Аллоҳга, Унинг юборган Пайғамбарига иймон келтириб, нажотга эришишга чорласам, сиз мени куфрга чақирмоқдасиз, куфрга чақиринингиз дўзахга чақиринингиздир.

«Сиз мени Аллоҳга куфр келтиришимга ва ўзим билмаган нарсани Унга ширк келтиришимга чақирмоқдасиз».

Сиз мени Аллоҳни инкор этиб, Унга ибодат қилмасликка, худолигини билмаганим нарсани Унга ширк келтириб, ўшанга ибодат қилишимга чақирмоқдасиз. Бу чақиринингиз асоссиз ва фойдасиздир.

«Ҳолбуки, мен сизни азизу ўта мағфиратли зотга чақирмоқдаман».

Мен сизни унга чақираётган зот азиз-ҳаммадан ғолиб, устун зотдир. Бунда ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Мен сизни унга чақираётган зот ўта мағфиратли зотдир. Банда қанчалик гуноҳкор бўлса ҳам, ихлос билан тавба қилса, албатта, унинг тавбасини қабул қилади. Сиз ҳам фурсатни қочирмай, тавба қилиб қолинг.

«Ҳеч шубҳа йўқки, албатта, сиз мени чақираётган нарсанинг дунёда ҳам, охиратда ҳам даъватга ҳаққи йўқдир».

Сиз мени Аллоҳни қўйиб, сохта худога ибодат қилишга чақирмоқдасиз. Аммо ўша сохта худонинг бу дунёда ҳам, охиратда ҳам даъватга ҳаққи йўқ.

«Даъват» сўзи луғатда «чақиринингиз» маъносини билдириб, диний истилоҳда дуо, ибодат ва динга, ибодатга чақиринингиз маъноларини ифода этади.

Мушриклар даъво қилаётган сохта худолар ким ва нима бўлишидан қатъи назар, бу дунёда одамларнинг дуолари ва ибодатларига лойиқ эмаслар, ҳақлари йўқ.

Уларнинг ўзлари одамларни, менга дуо ва ибодат қилинглари, деб чақириб ҳам ҳақлари йўқ.

Шунингдек, охирада ҳам ўша сохта худолар дуо қилишга, улардан ёрдам сўрашга ҳақдор эмаслар.

«Албатта, қайтиб бораримиз Аллоҳгадир».

Сохта худоларга эмас. Қиёматда фақат Аллоҳга қайтиб борилганидан кейин, бу дунёда ҳам, охирада ҳам даъватга ҳақли ягона Аллоҳнинг Ўзидир. Ҳамма бандалар фақат Аллоҳга дуо, илтижо, ибодат қилишлари ва фақат Аллоҳнинг Ўзидангина ёрдам сўрашлари лозим.

«Албатта, исрофчилар, айна ўшалар дўзах эгаларидир».

Куфр ила исён ва туғёнда исрофчи бўлганларнинг эришадиган нарсалари дўзахдир. Агар шу ҳолингизда юраверадиган бўлсангиз:

«Ҳали мен сизга айтаётган гапларни эслайсизлар».

Бир вақт келадими, бошингизга иш тушганида, мен сизга айтган гапларни эслайсиз. Аммо унда кеч бўлади.

«Мен ишимни Аллоҳнинг Ўзига топширдим».

Ҳамма ишни ҳал қилувчи У зотнинг Ўзидир.

«Албатта, Аллоҳ бандаларини аниқ кўриб тургувчидир».

Сизни ҳам, мени ҳам аниқ-равшан кўриб турибди. Ўзи адолат ила ҳукми чиқаради.

Шу билан мўмин киши ўзининг асрлар бўйи ёдда сақланадиган гапини айтиб тугатди.

«АГАР МЎЪЖИЗА КЕЛТИРГАН БЎЛСАНГ, КЕЛТИР УНИ»

Мазкур тартибуларнинг бирида Мусо алайҳиссаломни ожиз қолдириш мақсадида фиръавн у зотдан мўъжиза келтиришни талаб қилди. Бу қиссадаги саҳнани «Аъроф» сураси қуйидагича васф қилади:

«Мусо: «Эй фиръавн, албатта, мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман.

Менга Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқани айтмаслик лозимдир. Батаҳқиқ, мен сизларга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжат келтирдим. Мен ила Бани Исроилни қўйиб юбор», деди». (104-105 оятлар)

Мусо алайҳиссалом билан фиръавннинг учрашуви-Пайғамбар ила ҳукмдор, Аллоҳнинг йўлига даъват қилувчи ила Аллоҳ ҳукмини талашувчининг ўзаро учрашувидир. Мусо алайҳиссалом даставвал подшоҳга:

«Эй фиръавн», деб мурожаат қилдилар. Атайин номини айтдилар. Турли дабдабали хислатлари сифатларини гўзал ташбеҳлар билан зийнатладилар:

«албатта, мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман», дедилар. Бу билан фиръавннинг «Мен одамларнинг Робби-тарбиячиси, йўл кўрсатувчиси, ризқ берувчиси ва ҳокимиман», деб қилаётган даъволари сафсата эканини рўй-рост эълон қилдилар. Оламларнинг Робби-ягона Аллоҳнинг Ўзи эканини билдирдилар.

Сўнгра бир йўла орани очиқ қилиб:

«Менга Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқани айтмаслик лозимдир», дедилар.

Яъни, мен сенинг мулкинг, ҳукминг, давлатинг, аскаринг ва бошқа нарсаларингни эътиборга олиб ёхуд улардан кўрқиб, Аллоҳ ва дин ҳақидаги ҳақиқатларни бошқаларга ҳам, сенга ҳам ёқадиган тарзда баён қилмайман. Борини, ҳақни гапирман, хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам-шу.

Шунингдек, Мусо алайҳиссалом бу гапларни ўзлари тўқиб чиқариб гапирмаётганларини, Пайғамбарликлари ҳақ эканлигига ҳужжатлари борлигини билдириб:

«Батаҳқиқ, мен сизларга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжат келтирдим», дедилар.

Сўнгра қисқача қилиб мақсадга ўтдилар:

«Мен ила Бани Исроилни қўйиб юбор», дедилар.

Ўзини «Худо» деб билган Фиръавн Бани Исроилни қул-банда қилиб олган ва уларга Робб эканига шубҳаланмас эди. Мусо алайҳиссалом унга ҳақиқий Робб Аллоҳ эканини тушунтириб, Бани Исроилни озод қилиш ўша ягона Аллоҳнинг-ҳақиқий Роббнинг амри эканини изҳор этдилар.

Аммо туғёнга кетган Фиръавн жуда ҳам уста маккор эди. У ўз ниятини бирданига ошкор қилмайди. Мусо алайҳиссалом билан бўлаётган мулоқотда ҳам ана шу макрни ишга солди. Ўзини гўё ҳақиқат изловчиси қиёфасида кўрсатишга ҳаракат қилиб, асл ниятини мунофиқлик ила яширди:

«У: «Агар оят-мўъжиза келтирган бўлсанг, ростгўйлардан бўлсанг, келтир уни», деди». (106 оят)

Аслида, Фиръавн бу тадбир билан, Мусо алайҳиссаломни мўъжиза келтира олмай шарманда бўлишини кўзлаган эди. Ана шу ғаразли мақсадда ҳужжат-мўъжиза талаб қилди. Шунда Мусо алайҳиссалом:

«Асосини ташлаган эди... баногоҳ у аниқ аждар бўлди». (107 оят)

Мусо алайҳиссалом қўлларида ушлаб турган асоларини ерга ташладилар, асо ҳақиқий аждарга айланиб қолди. Аждар халқа солиб ҳаракат қила бошлади.

«Ва қўлини чиқарган эди... баногоҳ у назар солувчиларга оппоқ бўлиб кўринди». (108 оят)

Аслида, Мусо алайҳиссалом буғдойранг тусда эдилар. Фиръавн мўъжиза кўрсатишни талаб қилганда қўлларини қўлтиқларидан чиқарган заҳоти оппоқ тусда намоён бўлди. Кўринганда ҳам, барчанинг ҳавасини келтирадиган даражада чиройли бўлиб кўринди. Мантиқан, талаб қилинган мўъжиза рўй берганидан сўнг муқобил томон тан бериши ва даъватни қабул қилиши керак. Бу оқиллик ва мардлик аломати. Аммо нияти бузуқ, ўз нияти йўлида ҳар қандай пасткашликка тайёр ғаламислар турли иғво ва бўҳтонларни кўз юммай тўқийдилар. Одатда, бундай ишларни туғёнга кетган подшоҳ-фиръавнларнинг ён-атрофида юрган амалдорлар-бойлар ва зодагонлар қилишади. Мусо алайҳиссалом мўъжизаларини кўрганларидан кейин ҳам, ўша одатга биноан:

«Фиръавн қавмидан бўлган зодагонлар: «Албатта, бу билимдон сеҳргардир!»

Сизларни ерингиздан чиқаришни хоҳлайди. Бас, нимага амр қиласизлар?» дедилар». (109-110 оятлар)

Бошқа суранинг таъкидлашича, бу гапларни мўъжизаларга гувоҳ бўлган Фиръавн бир оз ўтиб, қўрқув тарқаб, ўзига келгандан кейин айтган. Фиръавннинг гапларини қонун деб билган зодагонлар хушомад тариқасида унинг сўзларини айнан такрорлаганлар. Ўша такрор ушбу икки оятда ифодаланмоқда.

Улар Мусо алайҳиссаломнинг мўъжизаларини кўрдилар, бу ҳақиқатда оддий нарса эмаслигини англадилар, аммо туғёнлари бу ҳақиқатни тан олишга йўл қўймади. Мусо алайҳиссаломнинг шахсларида ва даъваткор нутқларида ўзларига нисбатан улкан хатарни кўрдилар. Шу боисдан у зот хусусида

«Албатта, бу билимдон сеҳргардир!» дедилар.

Уларнинг юртида айни шу даврда сеҳргарлик ривожланиб, энг баланд чўққига чиққан, бироқ Мусо алайҳиссаломнинг мўъжизалари оддий сеҳргарлар кўрсатаётган нарсаларга ўхшамас эди. Шу боисдан улар «билимдон сеҳргар», яъни, оддий сеҳргарлардан кўра устун, илмли сеҳргар, деган бўҳтонни тўқишди. Сеҳргар бўлса нима, шунча сеҳргарларнинг бири бўлиб юраверсин-да, дейиш мантиқан тўғри. Йўқ, зодагонлар Мусо алайҳиссаломнинг сеҳргар эмаслигини билдилар. Шундан сўнг унинг даъвати уларни безовта қила бошлади. Улар Мусо алайҳиссаломдан қутулиш йўллари ахтардилар. Хуллас, одамларни унга тескари қўйиш керак, деган хулосага келишди. Шунинг учун ҳам:

«Сизларни ерингиздан чиқаришни хоҳлайди», деб иғво тўқишди.

Яъни, ерингизни эгаллаб олиб, сизларга ўзи ҳоким бўлмоқчи. Ҳар бир даъватчига унга қарши бўлган кофирлар ва ҳасадгўйларнинг муносабати ҳамиша шундай бўлган. Бундай даъватчиларни нима қилиб бўлса ҳам йўқ қилиш керак.

«Бас, нимага амр қиласизлар?» дедилар.

Мусо алайҳиссаломни нима қилиш керак? Бир қарорга келинглари. Барча замонларнинг фиръавнлари ва зодагонлари ўз даври мусоларига нисбатан шу сўзларни айтади. Ҳозир ҳам айтяптилар.

Зодагонлар маслаҳат қилишиб, бир қарорга келдилар ва фиръавнга:

«Улар: «Уни ва акасини қўйиб тургин-да, шаҳарларга тўпловчиларни юбор.

Ҳамма билимдон сеҳргарларни сенга олиб келсинлар», дедилар». (111-112 оятлар)

Яъни, Мусо ва акаси Ҳорунни ҳозирча қўйиб тургин-да, барча шаҳарларга одам юбор, улар бор билимдон сеҳргарларни тўплаб келсинлар. Улар билан Мусо орасида сеҳргарлик бўйича мубораза ўтказамиз.

МУБОРАЗА

«Сеҳргарлар фиръавнга келиб: «Агар биз ғолиб бўлсак, албатта, мукофот олсак керак?» дедилар». (113 оят)

Сеҳргарлар ўзларининг ким эканликларини, ўз қудрат ва салоҳиятларини жуда яхши билишарди. Бу бобда уларга тенг келадигани йўқлигини ҳам инкор этишмасди.

Шунинг учун, Мусо алайҳиссалом билан куч синашиш учун фиръавннинг амрига биноан тўпланиб келишгандан сўнг унга юқоридаги саволни бердилар.

«Агар биз ғолиб бўлсак, албатта, мукофот олсак керак?» дедилар».

«У: «Ҳа. Ва, албатта, менинг яқин кишиларимдан бўлурсизлар», деди». (114 оят)

Яъни, мукофот билан тақдирланишингиз тайин гап, боз устига, мен сизларни ўзимга муқарраблардан қилиб оламан. Бу ҳам барча замон фиръавнларининг одати. Ўзига қул бўлган малай-югурдакларни мукофотлашда бахиллик қилмайдилар. Бу мараз югурдаклар бошқа бегуноҳларга қанчалик кўп хиёнат қилсалар, уларни ўзларига шу қадар яқин тутадилар.

Фиръавндан кўнгилдаги жавобни олган сеҳргарлар хотиржам бўлиб, энг шимаришди ва ишга киришиб:

«Улар: «Эй Мусо, ёки сен ташла, ёки биз ташловчи бўлайлик», дедилар». (115 оят)

Сеҳргарларнинг гапларидан ўзларига ишончлари зўрлиги сезилиб турибди. Улар тезроқ фиръавннинг мукофотига соҳиб бўлиб, зудлик билан қўйнига кириб олмоқчилар.

«Эй Мусо, ёки сен ташла, ёки биз ташловчи бўлайлик», дейишларининг маъноси-аввал сен бошлайсанми ёки биз бошлаймизми, барибир биз ютамиз, деганидир.

«У: «Сизлар ташланглари», деди. Улар ташлаганларида, одамларнинг кўзини сеҳрладилар, қўрқитдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар». (116 оят)

Мусо алайҳиссалом босиқлик ва ишонч билан сеҳргарларга қараб, аввал

«Сизлар ташланглари», деди.

Шунда улар қўлларигаги арқон ва асоларини ташладилар. Бояги арқон ва асолар одамларнинг назарига илон бўлиб кўринди. Сеҳргарлар одамларнинг кўзини сеҳрлаб, яъни, бўяб қўйган эдилар. Шундай қилиб, арқон ва асоларни илонларга ўхшатиб, одамларни қўрқитдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар. Шунда:

«Биз Мусога: «Асонгни ташлагин», деб ваҳий юбордик. Бирдан у улар уйдирётган нарсани юта бошлади». (117 оят)

Уста сеҳргарларнинг кўзбўямачилиги тўпланганларни даҳшатга солиб қўйган эди. Мусо алайҳиссалом ҳам кўпчилик билан бирга содир бўлаётган воқеани кузатиб турар эдилар. Аллоҳ у зотга:

«Асонгни ташлагин», деб ваҳий юборди.

Мусо алайҳиссалом ерга асони ташладилар. Асо аждарга айланди ва бирдан сеҳргарлар намоёиш этаётган уйдирма-кўзбўямачиликларни юта бошлади. Ҳа, «Бирдан у улар уйдирётган нарсани юта бошлади».

Шунда:

«Бас, ҳақ қарор топди ва уларнинг қилаётганлари ботил бўлди». (118 оят)
Яъни, Мусо алайҳиссаломнинг амаллари ҳақ экани тасдиқланди. Қолган сеҳргарларнинг иши ботил экани ошкор бўлди. Аждар сеҳргарларнинг уйдирмаларини ютиб бўлганидан сўнг Мусо алайҳиссалом уни қўлга олган эдилар, яна асога айланди. Шунда улар:

«Ўша ерда енгилдилар ва беобрў бўлдилар». (119 оят)

Яъни, Фиръавн ва у ёллаган жодугар ва фирибгарлари баҳслашувда енгилдилар, улар «зийнат куни»-байрами асносида одамлар тўпланган жойда шарманда бўлдилар.

СЕҲРГАРЛАР ИЙМОНИ

«Ва сеҳргарлар саждага ташланиб:

«Оламларнинг Роббига.

Мусо ва Ҳоруннинг Роббига иймон келтирдик», дедилар». (120-122 оятлар)

Не боисдан сеҳргарлар биринчи бўлиб иймон келтирдилар? Чунки улар Мусо алайҳиссалом келтирган нарса сеҳр эмас, ҳақиқий илоҳий мўъжиза эканини ҳаммадан бурун англаб етдилар. Зотан, улар сеҳр нима эканини яхши билишар, ўз ишининг усталари эдилар. Аммо, начора, мағлуб бўлдилар. Оддий инсон уларни мағлуб қила олмаслиги маълум эди.

Сеҳргарларга ҳақиқат биринчи бўлиб етиб борди. Виждонлари уйғонди ва қалбларини иймон нури ёритди. Улар Аллоҳга сажда қилиш учун ўзларини ерга ташладилар. Мўмин бўлганларини эълон қилиб:

«Оламларнинг Роббига, Мусо ва Ҳоруннинг Роббига иймон келтирдик», дедилар».

Ногаҳон шу дамгача ўзини халқ учун Робб, яъни, тарбиячи, йўлбошчи, боқувчи ва ҳоким ҳисоблаб юрган:

«Фиръавн: «Мен сизга изн бермай туриб унга иймон келтирдингизми?! Албатта, бу сизнинг шаҳардан унинг аҳлини чиқариш учун қилган макрингиздир. Ҳали биласиз.

Албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қарши томонидан кесама ва ҳаммангизни осаман», деди». (123-124 оятлар)

Бу ҳам барча фиръавнга хос хусусият. У ўзига қул бўлган фуқароларнинг ҳатто Аллоҳга иймон келтиришни ҳам ундан сўраб, илтижоланиб, адо этишларини хоҳлайди. Бирор ишни унинг изнисиз қилган одам гуноҳкори азим бўлади.

Ушбу зикр қилинаётган ҳодисага назар солайлик. Фиръавн, унинг зодагонлари, сеҳргарлар аввал бошда Мусо алайҳиссаломга ишонмай туҳмат қилдилар. Баҳслашувдан кейин ҳақиқатни тушуниб етган сеҳргарлар Аллоҳ таолога иймон келтирдилар. Оддий мантиқ бўйича бошқалар, жумладан, фиръавн ҳам ҳеч бўлмаса, нима учун иймон келтирдингиз, деб сўраши лозим эди. Аммо туғёнга кетган подшоҳ бу ишни қила олмади. Унинг тасарруфлари оддий мантиққа ҳам тўғри келмайди.

«Фиръавн: «Мен сизга изн бермай туриб унга иймон келтирдингизми?!» деб сеҳргарларга таҳдид солди.

Унинг бузуқ мантиқига асосан биров Аллоҳга иймон келтирмоқчи бўлса ҳам, аввал ундан изн сўраши керак экан. Туғёнга кетган жоҳил подшоҳлар дилга иймон нури кирганда ҳар бир инсон Аллоҳдан бошқани ўйламай қўйишини ёқтирмайдилар. Бандаларнинг Аллоҳга талпинишида подшоҳлар ўзларига қарши суиқасдни кўрадилар. Шунинг учун иймон ва Исломга, дину диёнатга уринганларга:

«Албатта, бу сизнинг шаҳардан унинг аҳлини чиқариш учун қилган макрингиздир», дейди.

Туғёнга кетган фиръавн қуруқ гап билан кифояланиб қолмайди. Улар дарҳол мўминларни жисмонан йўқ қилишга киришади. Чунки у ҳар бир ҳақиқий мўмин шахсида ўз мулкига қарши таҳдид кўради. Шунинг учун ҳам фиръавн ўз сўзи давомида мўминларга қарата:

«Ҳали биласиз, албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қарши томонидан кесаман ва ҳаммангизни осаман», деди».

Яъни, аввал ўнг қўл ва чап оёғингизни ёки чап қўл ва ўнг оёғингизни кесаман, сўнгра дорга осаман.

Фиръавнининг мўминларга қарши қўллайдиган услуби шу, қўл-оёқларини кесиб, осиб. Аммо унинг бу усуллари ҳақиқий иймон нури билан чароғон бўлган қалбларга заррача қўрқинч сола олмайди. Фиръавндан юқоридаги зўравонлик ва таҳдидни эшитган мўминлар ҳам унга:

«Улар: «Албатта, биз Роббимизга қайтгувчимиз.

Сен биздан фақат Роббимизнинг оятлари келганда уларга иймон келтирганимиз учунгина ўч олмоқдасан! Эй Роббимиз, устимиздан сабр тўккин ва мусулмон ҳолимизда вафот эттиргин», дедилар».

Яъни, эй фиръавн, қўлингдан нима келса, қилавер, биз сендан қўрқмаймиз, сенинг таҳдидингга эътибор ҳам бермаймиз, зеро:

«Албатта, биз Роббимизга қайтгувчимиз».

Аввал адашиб, сенга ишониб юрган эканмиз. Аммо энди ҳамма нарса аён бўлди. Энди биз ўз Роббимизга қайтамыз. Ўз навбатида, ҳеч қандай гуноҳимиз йўқлигини ҳам яхши биламыз. Сен бизда айб деб топган нарса-Аллоҳга бўлган иймонимиз. Аллоҳни Робб-тарбиячи, йўлбошчи, боқувчи ва ҳоким, деб тан олишимиз сенга ёқмаяпти. Шунинг учун бизни айбламоқдасан, дедилар.

Сўнгра Аллоҳ таолога илтижо қилиб:

«Эй Роббимиз, устимиздан сабр тўккин ва мусулмон ҳолимизда вафот эттиргин», дедилар.

Улар ўзлари танлаган йўлни осон кечиш мумкин эмаслигини теран англаб етдилар. Иймон ва Ислом, дину диёнат ва ҳақиқат йўли гуллар тўшалган, алвон шиорлар осилган роҳат-фароҳат йўли эмаслигини яхши билдилар. Бу йўлда уларни турли машаққатлар, азоб-уқубатлар, заҳмат ва мусибатлар кутиб турганига иқроп бўлдилар. Шунинг учун ҳам Аллоҳдан тинч-омон, зиён-заҳматсиз, соғ-саломат қолишни эмас, балки, сабр-тоқатни сўрашди. Яъни, улар доимо сабр қилиб юришлари лозимлигини яхши билганларидан шундай йўл тутишди. Илтижо қилиб сўраган иккинчи нарсалари, мусулмон ҳолларида бу дунёни тарк этиш бўлди. Дунёдаги жамики мўмин-мусулмонларнинг орзуи шунима бўлса ҳам, иймони саломат қолиб, мусулмон ҳолида ўлса!

Қалбга теран ўрнашган иймон инсонга мана шундай азизлик ва қудрат бахш этади. Фиръавндек жаббор ва туғёнкор подшоҳга тик боқиб, уни назар-писанд қилмай турган оз сонли мўминлар, Мусо алайҳиссалом ила баҳс бошланишидан олдин, фиръавндан мукофот тамаъ қилиб, унга яқин кишилар қаторида бўлиш орзуида ёнаётган одамлар эдилар. Аммо Аллоҳга бўлган иймонлари уларни бир лаҳзада тамоман бошқа инсонларга айлантириб қўйди.

ЗУЛМНИНГ ЗИЁДА БЎЛИШИ

«Фиръавн қавмидан бўлган зодагонлар: «Сени ва худоларингни тарк қилса ҳам, Мусо ва унинг қавмини ер юзида бузғунчилик қилишларига йўл қўйиб берасанми?» дедилар. У: «Ўғилларини ўлдирурмиз ва аёлларини тирик қолдирурмиз ва, албатта, биз улар устидан қаҳр ўтказувчимиз», деди».

(127 оят)

Золим подшоҳ атрофидаги зодагонлар-амалдор, хизматкор ва малайларнинг энг катта хизматлари хушомад, тилеғламалик ила ўзларига қарши кишиларни подшоҳга ёмонлаб, унга душман қилиб кўрсатиш ва ниҳоят фиръавнларни мўминларга қарши гиж-гижлашдир. Миср зодагонлари фиръавнни Мусо алайҳиссаломга ва у кишининг қавмига қарши оёқлантириб:

«Сени ва худоларингни тарк қилса ҳам, Мусо ва унинг қавмини ер юзида бузғунчилик қилишларига йўл қўйиб берасанми?» дедилар.

Ҳа, фиръавннинг ҳам худолари бор эди. Кўпчилик тарихчи, диншунос ва айрим мусулмонлар орасида ҳам, фиръавн худолик даъвосини қилган деган тушунча бор. Аммо бу тушунча бирмунча ўзгариб, фиръавн ўзини Аллоҳнинг ўрнига қўйган, деган фикрга айланган. Аслида эса, фиръавн дунёни мен яратганман, унинг тадбири менинг қўлимда, деган даъвони қилгани йўқ. Фиръавн ҳам бут-санамларга сиғинарди. Фақат Робблик-халқнинг тарбиячиси, йўлбошчиси, боқувчиси ва ҳокими эканлигини даъво қилган эди. Яъни, одамлар мен айтган йўлдан юриши, мен хоҳлаган ишни қилиши; хоҳлаганимга бирор нарса беришим, хоҳлаганимни маҳкум қилишим; қонунлар менинг ҳукмим асосида бўлиши керак, деган даъвони қилган. Бошқача қилиб айтганда, Аллоҳнинг Робб-Парвардигорлик сифатига даъвогар бўлган.

Унинг қавмидан бўлган малай-зодагонлар ана шу нозик жойидан олмоқдалар. Мусо ва унинг қавми сени тарк этдилар, сенга Робб деб қарамаяптилар, сен ишонадиган худоларга ишонмай, ўзларига бошқа Робб топиб олиб, ер юзида бузғунчилик қилмоқдалар, уларни тек қўйиб қўяверасанми, дедилар. Бу ҳар жой ва ҳар замоннинг фиръавнлари қавмидан бўлган зодагонларнинг айтадиган гапларидир. Улар шундай даъволар билан фиръавнларни қўрқитиб, мўминларга қарши қўйишади. Ана шунда фиръавн туғённинг чўққисига чиқиб, аҳли иймонга қарши ғайриодамий қонунлар қабул қилади.

Зодагонлардан юқорида шарҳланган фитнани эшитган фиръавн Мусо ва унинг қавми боши устида қилич кўтарди:

«У: «Ўғилларини ўлдираамиз ва аёлларини тирик қолдираамиз ва албатта биз улар устидан қаҳр ўтказувчимиз», деди».

Уларга нисбатан бундай ваҳший ҳукмнинг жорий қилинишига асосий сабаб Аллоҳга иймонлари туфайлидир. Аммо қарор муаллифи бўлган золимлар буни ўз номи билан айтмайдилар, балки ер юзида бузғунчилик қилиб юриш, деб «сифат»лайдилар.

Бундай даҳшатли қарор янграгандан кейин:

«Мусо ўз қавмига: «Аллоҳдан ёрдам сўранглар ва сабр қилинглар. Ер Аллоҳники, уни бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга мерос қилиб берадир. Ва оқибат тақводорларникидир», деди». (128 оят)

Бу ҳол Пайғамбарларга хос вазминлик ва хотиржамликнинг олий белгиси, Аллоҳга ҳақиқий иймони бор мўминларга хос ишонч ва сабот. Мўмин фақат Аллоҳдангина мадад сўрайди, иймон йўлида бошига тушадиган мусибат ва савдоларга сабр қилади.

Мусо ўз қавмига: «Аллоҳдан ёрдам сўранглар ва сабр қилинглар», дедилар.

Яъни, Мусо алайҳиссалом ҳам қавмларига бу ҳақиқатни тушунтирдилар. Фиръавн ва унинг султону зодагонларидан қўрқмасликка, уларнинг ҳозирги такаббурлик ҳолатлари вақтинчалик эканини англашга чақирдилар. Зеро, аслида:

«Ер Аллоҳники, уни бандаларидан кимни хоҳласа ўшанга мерос қилиб берадир». Аллоҳнинг ҳукми жорий бўлгунга қадар сабр қилиш, Аллоҳдан ёрдам сўраб ҳаракат қилиш керак. Барибир, нима бўлишидан, қандай мусибат сели бошга ёғилишидан қатъи назар, матонат билан енгиш лозим. Чунки:

«оқибат тақводорларникидир».

Иймон нури билан ёлқинланган бу сўзлар холис ниятли, соф виждонли ҳар қандай қавми тинчлантиради, иймонига иймон, саботига сабот ва сабрига сабр қўшади.

ЎЗ ҚАВМИНИНГ ДАЪВАТИ

Мусо алайҳиссаломнинг ўз қавмларига айтган бу сўзларидан у зот ва ўз акалари Ҳорун алайҳиссаломнинг вазирликларида фақат Фиръавн ва унинг қавмини динга даъват қилиб, улар билан баҳслашиб юравермаганлар. Балки, ўз қавмларини ҳам динга ва дин йўлидаги азоб уқубатларга сабр қилишга чақириб борганлар.

Худди ана ўша фаолият «Юнус» сурасидаги қуйидаги оятларда очиқ-ойдин намоён бўлади.

«Мусога ўз қавмидан баъзи зурриётларгина Фиръавн ва амалдор-зодагонларининг фитна қилмоқларидан қўрққан ҳолларида иймон келтирдилар, холос. Албатта, Фиръавн ер юзида баланд кетган эди. Албатта, у исрофчилардан эди». (83 оят)

Мусо алайҳиссаломнинг шунчалик оят-мўъжизалар кўрсатишига, сеҳргарлар билан бўлган муборазада ютиб чиқишларига қарамай, кўпчилик иймон келтирмади. Фақат ўз қавмларидан баъзи «зурриётлар»гина иймон келтирдилар. Тафсирчиларимиз «зурриётлар»ни ёшлар деб талқин этганлар.

Бунинг сабаби нимада? Албатта, бу Аллоҳнинг иродасига боғлиқ иш. Лекин ҳаётда синалгани шуки, давлат бошлиғи ва унинг амалдорлари динга қарши бориб, душманлик қилиб турганларида, авом халқнинг динга берилиши қийин бўлади. Айниқса, катта ёшдагилар ўзлари ўрганиб қолган нарсани ташлаб динга ўтишга унча шошилмайдилар. Аммо ёшлар қалблари покроқ бўлганидан ҳақ динга юришлари мумкин.

Оятдан мана шу маънолар келиб чиқади. Ўша пайтдаги ёшлар-зурриётлар Фиръавн ва унинг амалдорларининг фитнасидан қўрқиб бўлса ҳам, Мусо алайҳиссаломга иймон келтирдилар. Бошқа сураларда келган хабарлардан Фиръавннинг Мусо алайҳиссаломга иймон келтирганларни оғир қийноқларга солишни айтиб, таҳдид қилгани маълум. Аслида, унинг ўзи Аллоҳнинг амрини қабул этмасдан катта хато қилган эди.

«Албатта, Фиръавн ер юзида баланд кетган эди».

У лаънати одамларни Аллоҳнинг айтганини қўйиб, ўзининг айтганига юришга мажбур қилган эди. Уларни Аллоҳнинг ибодатидан тўсган эди.

«Албатта у (туғёнда) исрофчилардан эди».

Ўз фойдаси учун ҳар қандай зулм ва ваҳшийликдан қайтмас эди. Бундай жаббор ҳукм қилаётган юртдаги мўминларга осон бўлмади. Шунинг учун ҳам иймон келтирган кишиларга қарата

«Мусо: «Эй қавмим, агар Аллоҳга иймон келтирган бўлсангиз, агар мусулмон бўлсангиз, фақат Унгагина таваккал қилинг», деди». (84 оят)

Мўмин-мусулмон одам фақат Аллоҳ таологагина суянади. Зотан, ҳақиқий иймон ва Исломнинг тақозоси шудир.

Пайғамбарларидан бу хитобни эшитган мўминлар –

«Улар: «Аллоҳгагина таваккал қилдик. Роббимиз, бизни зolim қавмларга фитна қилиб қўйма».

Ва Ўз раҳматинг ила бизга кофир қавмлардан нажот бергин», дедилар». (85-86 оятлар)

Мусо алайҳиссаломга иймон келтирган мўмин-мусулмонлар фақат Аллоҳгагина суянишларини очиқ-ойдин эълон қилдилар. Шунинг учун ҳам Аллоҳга илтижо этмоқдалар:

«Роббимиз, бизни золим қавмларга фитна қилиб қўйма».

Арабчада «фитна» сўзи синов маъносини англатади. Жумладан, темирни ўтга солиб синаб кўришни ҳам фитна дейишади. Шунингдек, фитна сўзи «алдов» ва «адашув» маъносини ҳам англатади. Ушбу оятда эса, мўминлар Аллоҳдан золим қавмларни улар устидан ғолиб қилиб қўймасликни сўрашмоқда. Чунки бу иш фитнага сабаб бўлиши мумкин. Мўминлар, уларнинг ишлари тўғри экан-да, бўлмаса нима учун бизга ғолиб келишади, деган хаёлга боришлари мумкин. Бу эса, катта фитнадир. Аслида, Аллоҳ кофирларни билдирмай олиш учун аввал уларга зоҳиран ғалаба бериб ҳам туриши мумкин. Аммо бу мўминлар гуруҳи шуни ҳам хоҳламаяптилар. Кейинги жумладан уларнинг ниятлари яна ҳам равшан билинади:

«ва Ўз раҳматинг ила бизга кофир қавмлардан нажот бергин».

Кейин Аллоҳ таоло уларга бундай шароитда нима қилиш лозимлигини ўргатганининг хабари берилади:

«Биз Мусога ва унинг биродарига: «Икковингиз қавмингиз учун Мисрда уйлар тайёрланг, уйлариңизни қибла қилиб, намозни тўкис адо этинглар ва мўминларга хушхабар бер», деб ваҳий юбордик». (87 оят)

Мўминлар оз сонли, кучсиз. Кофирлар эса, кўп, қувватли. Ҳукм, салтанат уларнинг қўлида. Кўп сонли аскарлари бор. Нима қилиш керак? Аллоҳ таоло мўминлар жамоаси раҳбарлари бўлмиш Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларга нима қилиш кераклигини ўргатиб, ваҳий йўллади:

«Икковингиз қавмингиз учун Мисрда уйлар тайёрланг», деб амр этди.

Демак, иймон келтирганлар кофир ва мунофиқларнинг фитнасидан қўрқсалар, ўзларини улардан узоқроқ тутишга ҳаракат қилишлари лозим.

Аллоҳ таоло кўрсатмалари давомида:

«Уйлариңизни қибла қилиб, намозни тўкис адо этинглар», демоқда.

Уламоларимиз бу ояти каримадаги «қибла»ни «ибодат жойи» деб таъвил қилганлар. Демак, мўминлар учун тайёрланган ўша жойларда ибодат, намоз ўқиш ила кўпроқ машғул бўлиш керак. Бу нарса руҳий ва маънавий тайёргарликнинг олий босқичидир. Чунки олдинда кўп машаққатли ишлар турибди. Узоқ ва тўсиқларга тўла йўл турибди. Ҳозирдан руҳий ва маънавий тайёргарликни пухта қилиб бориш керак. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Аллоҳ таоло бошқа бир оятда: «Эй иймон келтирганлар, сабр ва намоз ила ёрдам талабида бўлинглар», деган. Шу боис ҳам:

«Мўминларга хушхабар бер», деб ваҳий юбордик».

ТЎҚҚИЗ МЎЪЖИЗА

Кўнгли тор, бахил одамларнинг қалби ҳам қаттиқ бўлади. Турли-туман мўъжизаларни кўриб туриб ҳам ундай одамлар иймонга келмайдилар. Мисол учун, Мусо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло тўққизта турли мўъжизаларни берди. Бу тўққиз мўъжиза ҳақида Аллоҳ таоло «Исро» сурасида: «Батаҳқиқ, Биз Мусога тўққизта очиқ-ойдин оят-мўъжиза бердик», деган. (101 оят)

Биз Мусони Пайғамбар қилиб юборганимизда, унинг Пайғамбарлигини тасдиқловчи тўққизта очиқ-ойдин мўъжизани ҳам ато этдик.

Бу мўъжизалар-қўл, асо, тўфон, чигиртка, бит, бақалар, қон, очарчилик йиллари ва меваларнинг камчил бўлиши ҳодисалари эди. Ул мўъжизалар ҳақида Аъроф сурасида қуйидагича сўз кетган:

«Биз фиръавн аҳлини, шояд эсласалар, деб (қаҳатчилик) йиллар ва мевалар танқислиги ила тутдик». (130 оят)

Яъни, фиръавн ва унинг кибор қавмининг кўзлари очилсин деб баъзи мусибатларга, жумладан очарчиликка ва мевалар танқислигига дучор этдик. Ўзини англаган ҳар қандай қавм бундан тўғри хулоса чиқариб олар эди. Аммо фиръавн аҳли ўзини тамоман терс тутди. Улар:

«Улар ўзларига яхшилик етганда: «Бунга биз ҳақдормиз», дедилар. Агар уларга ёмонлик етса, Мусо ва у билан бирга бўлганлардан шумландилар. Огоҳ бўлсинларким, уларнинг шумликлари Аллоҳнинг ҳузуридан бошқа жойда эмас. Лекин кўплари билмаслар». (131 оят)

Иймонсиз ва табиати бузуқ инсонлар атрофларида рўй бераётган ҳодисаларни нотўғри талқин қилишга одатланган бўладилар. Улар ҳар қандай яхшиликни, биз қилдик, биз бунга ҳақдормиз, биздан бошқа ҳеч ким буни қила олмайди ва ҳақдор ҳам эмас, дейдилар.

«Улар ўзларига яхшилик етганда: «Бунга биз ҳақдормиз», дедилар».

Агар ёмонлик келса, бошқалардан, алалхусус, диндан ва дин аҳлидан кўрадилар.

«Агар уларга ёмонлик етса, Мусо ва у билан бирга бўлганлардан шумландилар».

Ҳа, фиръавн аҳли содир бўлган яхшилик ва хурсандчиликнинг боисини ўзларидан деб билишар, жамики ёмонликлар сабабини Мусо алайҳиссалом ва мўминларга ағдаришар эди. Аслида, ҳамма нарса, жумладан, ёмонлик ҳам Аллоҳнинг ҳузуридан дир.

«Огоҳ бўлсинларким, уларнинг шумликлари Аллоҳнинг ҳузуридан бошқа жойда эмас. Лекин кўплари билмаслар».

Ҳа, кўпчилик буни билмайди. Фиръавн аҳли ҳам билмади. Улар Мусо алайҳиссаломга иймон келтириш ўрнига, у кишига қарши иғво ва инкорни кучайтирдилар:

«Улар: «Ҳар қанча оят келтириб бизни сеҳрламоқчи бўлсанг ҳам, биз сенга иймон келтиргувчи эмасмиз», дедилар». (132 оят)

Яъни, иймон келтиришдан мутлақо бош тортдилар. Оят-мўъжизани кўришни хоҳламадилар ҳам. Балки Мусо алайҳиссалом уларни ишонтириш учун ҳар қанча уринсалар ҳам, уринишлари беҳуда кетишини олдиндан айтиб қўйдилар.

Ана шунда уларни қилмишларига муносиб тарзда жазолаш фурсати етиб келди.

«Бас, уларнинг устидан тўфон, чигиртка, мита, бақа ва қонларни очиқ-ойдин ва муфассал белгилар қилиб юбордик. Бас, улар мутакаббирлик қилдилар ва жиноятчи қавм бўлдилар». (133 оят)

Яъни, Аллоҳ таоло фиръавн ва унинг аҳли ваъз-насиҳатга қулоқ тутсин, инсофу иймонга келсин, қилаётган жиноятларидан қайтсин, деб уларга муфассал қилиб, алоҳида-алоҳида тарзда оят-белгиларни юборди.

Баъзи уламоларнинг фикрича, Исро сурасидаги «Мусога тўққизта очиқ-ойдин, оят-белги бердик», дейилишига қараганда, тўққиз йилда тўққизта оят юборган, чунончи: асо, қўл, қаҳатчилик, мева ва жонларни нуқсонга учратиш, тўфон, чигиртка, мита, бақа ва қон.

Аллоҳ таоло ҳар гал бало юборганида, фиръавн аҳли дод-вой солишиб, тавба қилишар, жиноятларини тарк этишга ва Бани Исроилни қўйиб юборишга Мусо алайҳиссаломга ваъда беришар эди. Ушбу ҳолатни қуйидаги оят баён қилади:

«Қачонки устиларига азоб тушса: «Эй Мусо, сенга берган аҳд ҳурмати, Роббингга дуо қил, агар биздан азобни кўтарсанг, албатта, сенга иймон келтирурмиз ва Бани Исроилни сен билан қўйиб юборурмиз», дер эдилар.

Қачонки устиларидаги азобни ўзлари етиб борадиган муддатга кўтарсак, қарабсанки, қасамларини бузиб турибдилар». (134-135 оятлар)

Бу ҳолат ҳақида имом Ибн Жарир Табарий Саъид ибн Жубайр розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Мусо алайҳиссалом Фиръавн ҳузурига келиб: «Бани Исроилни мен билан қўйиб юборгин», деганида Фиръавн кўнмади. Шунда Аллоҳ таоло уларнинг устига тўфон-кўп ёмғир юборди. Устиларидан сел қилиб қўйди.

Улар бу илоҳий азоб бўлса керак, деб қўрқдилар ва Мусога: «Роббингга дуо қил, биздан ёмғирни кўтарсин. Биз сенга иймон келтирамиз ва Бани Исроилни сен билан қўйиб юборамиз», дедилар.

Мусо алайҳиссалом дуо қилдилар. Сўнг улар иймон келтирмадилар, Бани Исроилни қўйиб ҳам юбормадилар. Ўша йили Аллоҳ уларга бундан олдин етишмаган турфа зироат, мева ва ўт-ўланларни ўстирди. Улар, биз орзу қилган нарса шу эди, дейишди. Аллоҳ уларнинг устидан чигиртка балосини юбориб, ўсимликларга завола етказди.

Улар ўсимликларга чигиртка етказётган зарарни кўриб, набототнинг уруғи ҳам қолмаслигига ишондилар ва:

«Эй Мусо, Роббингга дуо қилгин, биздан чигирткани кўтарсин, биз сенга иймон келтирамиз ва Бани Исроилни сен билан қўйиб юборамиз», дедилар.

Мусо алайҳиссалом дуо қилдилар. Аллоҳ улардан чигирткани кўтарди. Улар эса, иймон ҳам келтирмадилар, Бани Исроилни ҳам қўйиб юбормадилар.

Улар донларни уйда сақлашни ўрганиб олдилар ва, энди сақлаб олаверамиз, дедилар, хотиржам. Шунда Аллоҳ уларга (доннинг ўзидан чиқадиган қурт) митани юборди. Улардан бир киши тегирмонга ўн жарийб (дон) олиб борса, ўн қафийз ҳам ун чиқмайдиган бўлди. (Жарийб ва қафийзлар ўлчов birlikлари бўлиб, бир жарийб тўрт қафийзга тўғри келади).

Шунда улар: «Эй Мусо, Роббингга дуо қилгин, биздан митани кўтарсин, биз сенга иймон келтирамиз ва Бани Исроилни сен билан қўйиб юборамиз», дедилар.

Бас, Мусо алайҳиссалом Роббига дуо қилди ва улардан бу азоб кўтарилди. Аммо улар Бани Исроилни қўйиб юборишдан бош тортдилар.

Бир куни Мусо алайҳиссалом Фиръавн ҳузурида ўтирган эди, бирдан бақанинг овозини эшитиб қолди ва Фиръавнга:

«Сен ва сенинг қавминг бундан нима кўрасан?» деди. У (Фиръавн):

«Бу ҳам бир бало бўлмаса эди», деб жавоб берди.

Кечга бориб улардан ҳар бири томоғигача бақага кўмилган ҳолда ўтирар, гапирмоқчи бўлсалар, оғзиларига бақа кириб кетар эди.

Улар Мусога:

«Роббингга дуо қил, биздан манави бақаларни кўтарсин. Кейин биз сенга иймон келтирамиз ва Бани Исроилни сен билан бирга қўйиб юборамиз», дедилар.

Аллоҳ улардан (балони) кўтарди.

Лекин қавм яна иймон келтирмади.

Сўнгра Аллоҳ уларнинг устига қон балосини юборди. Анҳорлардан, қудуқлардан, идишларидан сув олмоқчи бўлсалар, янги қон чиқар эди. Улар бу ҳақда Фиръавнга арз қилиб:

«Биз қон балосига учрадик. Тоза ичимлик қолмади», дедилар. Фиръавн, албатта, У (Мусо) сизларни сеҳрлаб қўйган бўлса ажаб эмас, деди.

Улар: «Қаердан сеҳрлайди? Биз идишларимизда сув топа олмаяпмиз, янги қондан бошқа ҳеч вақо йўқ!» дейишди.

Улар келиб: «Эй Мусо, Роббингга дуо қил, биздан қон балосини кўтарсин. Кейин биз сенга иймон келтирамиз ва Бани Исроилни сен билан бирга қўйиб юборамиз», дедилар. Бало кўтарилди. Улар яна иймон келтирмадилар ва Бани Исроилни қўйиб ҳам юбормадилар».

ФИРЪАВН ТАҲДИДИ

Мусо алайҳиссаломни ақл ва мантиқ ила, сеҳргарлар ёрдами ила енга олмаслигини сезган Фиръавн ва унинг қавми туғёнкорларнинг одатига биноан дўқ-пўписага ўтди:

«Бас, қачонки Мусо уларга очиқ-ойдин оятларимиз ила келганида, улар: «Бу уйдирма сеҳрдан бошқа нарса эмас. Аввалги ота-боболаримиздан ҳам бу ҳақда эшитмаган эдик», дедилар». (Қасас сураси 36 оят)

Мусо алайҳиссалом Фиръавн ва унинг қавмига келиб, Аллоҳнинг оят-мўъжизаларини кўрсатганларида, улар иймон келтириб у кишига эргашиш ўрнига:

«Бу уйдирма сеҳрдан бошқа нарса эмас», дедилар.

Кўзларига кўриниб турган мўъжизани, кўзбўямачилик, сеҳрдан ўзга нарса эмас, у уйдирмадир, дедилар. Аллоҳнинг Пайғамбарига қарши, Аллоҳнинг мўъжизаларига қарши бундай гапни айтишга бирор далил-ҳужжатлари бормиди? Албатта, йўқ эди. Агар далил ва ҳужжатлари бўлганида, айтар эдилар. Шунинг учун ҳам улар:

«Аввалги ота-боболаримиздан ҳам бу ҳақда эшитмаган эдик», дедилар.

Ота-боболаридан эшитмаганлари учун Аллоҳнинг Пайғамбарини ёлғончи қилиб, мўъжизасини сеҳр дейишлари тўғрими?! Уларнинг ота-боболари ким эди ўзи? Дунёнинг охиригача бўладиган нарсаларни кўрсатиб кетишганми?!

Уларнинг бу тухматларига Мусо алайҳиссалом етарли жавоб бердилар.

«Ва Мусо: «Роббим Ўз ҳузуридан ким ҳидоят келтирганини ҳам, охират диёри оқибати кимга бўлишини ҳам яхши билгувчи зотдир. Албатта, золимлар нажот топмаслар», деди». (Қасас сураси 37 оят)

Яъни, кимни ҳидоят ила Пайғамбар қилиб юбориш Аллоҳ таолонинг иши. Менинг Пайғамбарлигимни сиз тан олмасангиз ҳам, Аллоҳнинг Ўзи яхши билади. Сизнинг инкорингиз билан иш ўзгариб қолмайди.

Шунингдек, Аллоҳ таоло хайрли оқибат ва нажотни Пайғамбарлар ва уларга эргашган мўминларга беради.

«Албатта, золимлар нажот топмаслар», деди».

Албатта, куфр келтириб, Аллоҳнинг Пайғамбарини инкор этиб, Аллоҳнинг оят-мўъжизаларини сеҳр деб зулм қилганлар нажот топмаслар, дедилар.

Шу ерга келганда гапга Фиръавн аралашади.

«Ва Фиръавн: «Эй аъёнлар, мен сизларга ўзимдан бошқа илоҳ борлигини билмасман. Бас, эй Ҳомон, лойга ўт ёқиб, мен учун бир баланд қаср қур, шоядки (унга чиқиб) Мусонинг илоҳини кўрсам. Албатта, мен уни ёлғончилардан деб ўйламоқдаман», деди». (Қасас сураси 38 оят)

Мусо алайҳиссаломнинг Пайғамбар бўлиб келиб, Фиръавн шахсига сиғинаётган одамларни Аллоҳга ибодат қилишга, Унинг кўрсатмалари бўйича яшашга чақиришлари Фиръавнни ташвишга солди. У шошилиш равишда ўзининг худолик даъвосини такрорлади.

«Ва Фиръавн: «Эй аъёнлар, мен сизларга ўзимдан бошқа илоҳ борлигини билмасман», деди.

Яъни, дунёда сизларнинг ибодатингизга мендан бошқа сазовор йўқ, деди. Сўнгра ўта беодобларча, Мусо алайҳиссалом васф қилаётган Аллоҳ таолонинг йўқлигини ўзича исботламоқчи бўлиб, истеҳзо ва масхара йўли билан вазирага:

«Бас, эй Ҳомон, лойга ўт ёқиб, мен учун бир баланд қаср қур, шоядки (унга чиқиб) Мусонинг илоҳини кўрсам», деб хитоб қилди.

Худолик даъвосида бўлган аҳмоқ фиръавнлар ўйламай, оғзига нима келса гапираверади. Вазирага нимани хоҳласа, буюраверади. Ҳомон лойга ўт ёқиб ғишт пишириб, ўта баланд қаср қуради, Фиръавн унга чиқиб, осмонда

Аллоҳни кўрар эмиш. Аллоҳ осмонда сенинг чиқишингга қараб турадиган зотмиди?! Сенга ўхшаган ифлос Аллоҳнинг даргоҳига бора олармиди?! Осмон сенга ўхшаш бандалар учун Аллоҳ таоло томонидан яратилган бир нарса-ку, нима учун Аллоҳни осмон билан чегаралаб қўймоқчисан?! Ушбу саволлар ҳам ўзини худо санаётган Фиръавнинг нақадар эси паст эканини тушунишга ёрдам беради. Ўша эси паст махлуқ ўзининг аҳмоқона гапи билан Аллоҳ юборган Пайғамбар Мусо алайҳиссаломни ёлғончига чиқармоқди. «У (Фиръавн) ва унинг аскарлари ер юзидан ноҳақдан такаббурлик қилдилар ҳамда ўзларини Бизга қайтарилмаслар деб гумон қилдилар». (Қасас сураси 39 оят)

Фиръавн жуда катта мутакаббир эди. У нафақат кофир, балки худолик даъвосини қилган, одамларга, мен сизларга ўзимдан бошқа илоҳ борлигини билмасман, дейишга журъат этган нобакор эди. Унинг аскарлари эса, ўша нобакорга ва унинг ноҳақ йўлига хизмат қилдилар. Улар бўлмаса, Фиръавн ўзининг ноҳақ такаббури, зулм ва истибдодини ўтказа олмас эди. Шу билан бирга, Фиръавн ва унинг аскарлари:

«ўзларини Бизга қайтарилмаслар, деб гумон қилдилар».

Ҳамма бало шундаки, улар қиёматга, вақти соати келиб Аллоҳнинг ҳузурига қайтиб боришларига, қилмишларига жавоб беришларига ишонмас эдилар.

Лекин дунёнинг иши улар ўйлаганидек эмас, Аллоҳ хоҳлаганидек бўлади.

«Бас, Биз уни ва унинг аскарларини тутдик ва денгизга отдик. Энди золимларнинг оқибати қандоқ бўлганига назар сол». (Қасас сураси 40 оят)

Охир-оқибат Аллоҳ таоло Фиръавнни ҳам, унинг аскарларини ҳам азоблаб, Қизил денгизга ғарқ қилди. Ушбу жол ояти каримада

«Бас, Биз уни ва унинг аскарларини тутдик ва денгизга отдик», деб васф қилинмоқда.

Яъни, худди бир тош ёки кесакни эътиборсизлик билан сувга отишга ўхшатишмоқда.

«Энди золимларнинг оқибати қандоқ бўлганига назар сол».

ЗОЛИМЛАРНИНГ ОҚИБАТИ

Иймон доимо куфр ва туғённинг устидан ғолиб чиқади. Сеҳргарлар билан Мусо алайҳиссалом орасидаги мубораза ҳам, бошқа талашувлар, ҳужжат далил келтиришлар ҳам, ҳамма-ҳаммаси иймоннинг куфр ва туғён устидан ғалабаси намойишига айланиб кетди.

Аммо куфр ва туғён ўзидаги моддий имкониятлар ҳамда куч-қувватни иймонга қарши ишлатаверади. Фикрий, ақлий, мантиқий ва илмий баҳсларда мағлуб бўлган Фиръавн юзидаги пардани шармандаларча сидириб ташлаб иймон аҳлини жисмонан йўқ қилишга ўтди.

Шунда Аллоҳ таолонинг ўзи Мусо алайҳиссаломга йўл кўрсатди.

Золимларнинг оқибати қандоқ бўлганига Шуаро сурасидаги қуйидаги оятлар (52-67) ила назар соламиз:

«Ва Мусога: «Бандаларим билан кечаси йўлга чиқ. Албатта, таъқиб этилурсиз», деб ваҳий юбордик». (52 оят)

Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларни Пайғамбар қилиб юбораётганида, иккинги бораверинг, мен сизлар билан биргаман, деган эди. Шунинг учун ҳам қиссанинг бошидан охиригача ушбу ҳолат ва ҳаловат алоҳида сезилиб туради. Мана Фиръавн Мусо алайҳиссалом ва Бани Исроилни тамоман йўқ қилиб ташлаш учун тайёргарлик кўриб, аскар тўплаётганида, Аллоҳнинг Ўзи Мусо алайҳиссаломга зарур йўлни кўрсатди.

«Бандаларим билан кечаси йўлга чиқ».

Яъни, тунда Бани Исроил қавмини олиб йўлга чиқ. Чунки кўпчилик билан кундузи йўлга чиқсанг, душман дарҳол сезиб қолади. Кечаси эса, ҳамма

уйқуда бўлади, тун зулматида ҳамроҳларингни биров кўрмайди. Шундай бўлса ҳам,

«Албатта, таъқиб этилурсиз».

Яъни, душман изингиздан тушар. Ортингиздан қувиб борар. Эҳтиёт бўлинг.

«Бас, фиръавн шаҳарларга тўпловчилар юборди:» (53 оят)

Яъни, фиръавн шаҳарларга аскар тўплаш учун одам юборди. Шу билан бирга, шаҳарларга кетган вакиллар Мусо алайҳиссаломга эргашган мўминларга қарши ташвиқот ишлари ҳам олиб борар эдилар. Жумладан, улар қуйидагиларни айттардилар:

«Шубҳасиз, анавилар озгина тоифадирлар». (54 оят)

Туғёнкор подшоҳларнинг тарғибот усули шундан иборатки, улар доимо рақибларини иложи борица оз, ўзларининг тарафдорларини кўп қилиб кўрсатишга уринади. Тарихчиларнинг айтишича, ўша пайтда Мусо алайҳиссалом билан бирга бўлган бани исроилликлар сони олти юз минг экан. Бу адад ўша вақт мезони билан ўлчанганда жуда катта ададдир. Шунинг учун ҳам фиръавн шаҳарларга одам юбориб, оммавий сафарбарлик эълон қилмоқда ва, айтиш чоқда, худди ўша вакиллар орқали мўминларга қарши ташвиқот ўтказмоқда. Одатда, туғёнкор ҳукмдорлар иймонли кишиларга қарши ташвиқот юритишда, уйдирмалар тўқишда ҳар бир сўзга эътибор берадилар, ўзаро маслаҳатлашиб, кейин сафсатани бошлайдилар. Фиръавннинг одамлари мўминлар ҳақида нима деяётганларига бир назар солиб кўрайлик.

«Анавилар».

Номлари ҳам айтилмайди, «Аллоҳга иймон келтирганлар» ҳам дейилмайди, «Мусога эргашганлар» ҳам дейилмайди. Шунингдек, «биздан юз ўтирганлар» ҳам дейилмайди. «Анавилар», дейилади, холос.

«Озгина тоифадирлар».

Лекин «озгина»нинг қанчалигини айтмайдилар. Олти юз минг, десалар, сир фош бўлиб қолишидан қўрқадилар. Улар ўзларича ишни жуда пухта қилдик деб ўйлайдилар. Аслида эса, ишни расво қилаётганларини билмайдилар. Ўзлари: «Анавилар, озгина тоифадирлар» деганларида, халқ ундай бўлса, нега оммавий сафарбарлик эълон қилиб, одам тўплаб юрибсизлар, деб қолишини ўйламайдилар. Ўйласа ҳам, менга нима, буйруқни бажаряпман-да, деб айтаверадилар. Вакиллар халқ ичида ташвиқотни давом эттирадилар.

«Албатта, улар бизни ғазаблантиргувчилардир». (55 оят)

Лекин оз бўлсалар ҳам, аччиғимизни чиқарадилар, холос.

«Албатта, биз ҳаммамиз ҳушёрмиз», деб». (56 оят)

Яъни, ҳаммамиз ҳушёр турамыз, анавиларга ўхшаганларга хоҳлаганларини қилишга йўл қўймаймиз.

Улар шундай қилиб, хўжайинларини ҳам, халқни ҳам, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам алдаб юраверадилар. Вақти-соати етиб, Аллоҳнинг балосига йўлиққанларида, ҳамма гаплари, барча ташвиқотлари пуч эканлиги аён бўлади. Фиръавн ва унинг қавмининг оқибати ҳам шундай бўлди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло келаси оятларда хабар бериб, бундай дейди:

«Бас, Биз уларни боғ-роғлар ва булоқлардан.

Ҳазиналар ва муҳтарам маскандан чиқардик». (57-58 оятлар)

Яъни, фиръавн ва унинг қавмини сўлим боғ-роғларидан ва сув ичаётган булоқларидан, ишлатиб турган хазиналаридан ва ҳашаматли масканларидан чиқардик. Ҳаммасини ҳалок қилдик.

«Ана шундай. Уша (нарса)ларни Бани Исроилга мерос қилиб бердик». (59 оят)

Яъни, ўша боғ-роғлар, булоқлар, хазиналар ва улуғ-ғўзал маскан фиръавн ва унинг қавмидан кейин Бани Исроилга мерос бўлиб қолди.

Ниҳоят, Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн ҳамда унинг қавми орасида бўлиб ўтган воқеаларнинг охирига келамиз. Бу кўринишни Аллоҳ таоло қуйидаги оятларда тасвирлайди:

«Бас, уларни қуёш чиқиш пайтида қувиб етдилар». (60 оят)

Яъни, Фиръавн ва унинг лашкарлари Мусо алайҳиссалом ва у кишига эргашганларни қуёш чиқиш пайтида қувиб етдилар.

«Икки жамоат бир-бирларини кўрган чоғида, Мусонинг одамлари: «Энди қўлга тушдик», дедилар. (61 оят)

Узоқдан Фиръавннинг одамларини кўришлари билан Мусо алайҳиссалом билан кетаётган бани исроилликларнинг қалбларига ғулғула тушди. Ортларидан катта сонли аскар бостириб келмоқда, олдиларида денгиз турибди, қутулиб кетишга кўзлари етмай, тамом, энди қўлга тушдик, дедилар. Оддий инсон ўлчовига асосланилса, бу тўғри тахмин эди. Одатда, бундай пайтларда қочиб қутулиб бўлмайди. Аммо Мусо алайҳиссалом бошқа фикрда эдилар. У киши Роббул Оламин ўзлари билан биргалигини бир лаҳза ҳам ёдларидан чиқармадилар. Аллоҳ таолонинг ёрдамидан ноумид бўлмадилар. Бу хотиржамликлари бир неча бор синовдан ўтган хотиржамлик эди. Шунинг учун Фиръавн аскарларининг бостириб келишини ҳам, денгиз йўлни тўсиб қўйишини ҳам, Бани Исроилнинг ваҳима кўтаришини ҳам у зот алайҳиссалом парволарига келтирмадилар. Бемалол, хотиржам гапирдилар. «У (Мусо): «Йўқ! Албатта, Роббим мен билан, У менга тўғри йўлни кўрсатур», деди». (62 оят)

Энг таҳликали, энг умидсиз чоғларда ҳам ўзини йўқотмаслик, умидсизланмаслик мўмин кишига хос хусусиятдир. Чунки ҳақиқий мўмин одам Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини, ўзига ёлборган бандасини қаровсиз ташлаб қўймаслигини яхши билади. Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссалом



айтганларидек бўлиб чиқди. Аллоҳ таолонинг Ўзи у кишини тўғри йўлга бошлади. Буни Аллоҳ таоло қуйидагича баён қилди:

«Бас, Биз Мусога: «Асонг билан денгизни ур», деб ваҳий қилдик. Бас, у (денгиз) бўлиниб, ҳар бўлаги улкан тоғдек бўлди». (63 оят)

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Ўзи мўъжиза қилиб берган асо билан денгизни уришга амр этди. Мусо алайҳиссалом асо билан денгизни урдилар. Денгиз иккига бўлинди. Икки бўлак ҳам улкан тоғдек бўлиб туриб қолди. Мусо алайҳиссалом ва Бани Исроил учун Қизил денгиздан ўтиб кетишга йўл очилди.

«Ва кейин бошқаларни ҳам яқинлаштирдик». (64 оят)



ҳаммаларини ғарқ этиб, ҳалок қилди.

Яъни, денгиз бўлингандан кейин бошқаларни, яъни, Фиръавн ва унинг аскарларини ҳам денгизга яқинлаштирдик. Бу нарса уларнинг денгизда ғарқ бўлишлари учун қилинди. «Мусо ва унга эргашганларга ҳаммаларига нажот бердик». (65 оят) Улар денгизда очилган йўлдан нариги қирғоққа ўтиб олдилар. «Сўнгра бошқаларни ғарқ қилдик». (66 оят)

Сўнгра, Бани Исроил изидан қувиб келаётган Фиръавн ва унинг аскарлари денгиз бағрига тўлиқ тушиб бўлганларидан кейин, улкан тоғдек ҳайбат-ла тўхтаб турган денгиз яна ҳаракатга келиб,

БАНИ ИСРОИЛ ОЗОДЛИҚДА

Аллоҳ таоло Бани Исроилга душман бўлган Фиръавн аҳлини ҳалок этди. Бани Исроилни эса, бошқа оятларда таъкидланганидек, ер юзига халифа қилди.

Бани Исроил бу илоҳий марҳаматни қандай қаршиолди. «Аъроф» сурасидаги ушбу (138-141) оятларда уларнинг нима амал қилишига назар солинади.

«Ва Бани Исроилни денгиздан олиб ўтдик. Бас, улар ўз санамларига берилиб сиғинаётган қавм устига келдилар. Улар: «Эй Мусо, бизга ҳам худди уларнинг худоларига ўжаш худо қилиб бер», дедилар. У: «Албатта, сиз жоҳил қавм бўлаётибсиз.

Ахир, анавилар этиб турган нарса ҳалокатдир ва қилаётган ишлари ботилдир», деди».

Золим Фиръавн ва унинг бадбахт аҳли ҳалок бўлиб, тақдир саҳнидан улоқтириб ташландилар. Туғёнга кетган подшоҳ ва унинг зодагонлари билан Пайғамбар ва унга иймон келтирганлар орасидаги кураш хотима топди. Золимлар ҳалок бўлиб, мазлумлар озод бўлдилар. Бани Исроил Фиръавн ва унинг аҳли зулмидан абадий ҳолос этилди.

«Ва Бани Исроилни денгиздан олиб ўтдик».

Улар бало-офатлардан қутулдилар. Ўз мустақилликларига эга бўлдилар. Аллоҳ уларни Қизил денгиздан ўтказгандан сўнг,

«Бас, улар ўз санамларига берилиб сиғинаётган қавм устига келдилар».

Ривоятларда қайд этилишича, ўша қавм сигирга ибодат қилаётган экан. Буни кўрган Бани Исроил аҳли:

«Эй Мусо, бизга ҳам худди уларнинг худоларига ўжаш худо қилиб бер», дедилар.

Аслида, уларни Фиръавн ва аҳлининг узоқ муддатли эзишидан, хўрлашидан ҳолос этган Аллоҳга шукр айлаб, ёлғиз Унгагина ибодат қилишлари керак эди.

Аслида, уларни даҳшатли азоб-уқубатлардан Аллоҳнинг амри ва ёрдами ила фидокорлик қилиб қутқазиб олиб чиққан Пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломнинг маслаҳатисиз ҳеч бир иш қилмасликлари лозим эди.

Лекин улар бир золим бутпараст қавмни йўл-йўлакай кўриб қолиб, уларга ҳавас қиляптилар. Аллоҳга ширк келтириб, бут-санамларга сиғинишмоқчи. Энг даҳшатлиси-тақдир саҳросида уларга Аллоҳ томонидан келган Пайғамбарлари Мусо алайҳиссалом бош бўлишини истамадилар. У зотга нисбатан гердайданча:

«Эй Мусо», деб хитоб қилмоқдалар.

У зотнинг оламларнинг Роббидан Пайғамбар бўлиб келганлари қаёқда қолди? Аллоҳнинг ибодатига чақирганлари қаёқда қолди? Пайғамбарлик, раҳнамолик ҳурматлари қаёқда қолди? Уларнинг озодлиги, эркинлиги ва яхшилиги йўлида тортган қийинчиликлари, чеккан машаққатлари қаёқда қолди?

Узоқ вақт истибдодга чидаб юрган қавм, зулмга бўйин эгиб юрган қавм, хорлик кўтариб юрган қавм, ҳар қандай пасткашликка тайёр, табиати бузуқ одамлар тўпига айланди. Бундай қавм яхшиликнинг қадрини билмайдиган, устида калтак синиб турса бошини эгиб, думини қисиб юрадиган, бир оз эркинлик етса, ҳовлиқиб, ҳаддан ошиб, ҳеч кимни танимайдиган, ўз ичларида фитна қўзиб, ўзгаларга ҳавас қиладиган бўлиб қолади.

Бани Исроил ҳам узоқ вақт давомида мисрликларга қул бўлиб, зулм ва истибдод остида яшаб, табиатлари айниб кетди.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни уларга юбориб, Фиръавн ва унинг аҳли зулмидан озод қилди. Лекин бузилган табиат бузуқлигини қилди. Улар Мусо алайҳиссаломдан ясама худо топиб беришини талаб қилишди. Мусо алайҳиссалом уларга қаттиқ раддия билдирди.

«У: «Албатта, сиз жоҳил қавм бўлаётисиз. Ахир, анавилар этиб турган нарса ҳалокатдир ва қилаётган ишлари ботилдир», деди».

Яъни, Мусо алайҳиссалом Бани Исроилга, сиз жоҳил қавмсиз, деб таъкид оҳангида айтдилар. Шунингдек, улар даъво қилаётган ва санамларига қаттиқ берилиб ибодат қилаётган қавмларнинг тутган динлари ҳалокатга олиб боришини, бажараётган амаллари ботил эканини тушунтирдилар. Ул зот ўз сўзларида давом этиб:

«Сизларга Аллоҳдан ўзгани худо қилиб берайми?! Ҳолбуки, У сизларни оламлардан афзал қилган зот-ку!» деди».

Бу сўзлардан Мусо алайҳиссаломнинг беҳад дарғазаб бўлганлари яққол сезилиб турибди. Чунки Бани Исроилнинг юқоридаги аҳволоти ҳеч бир рисолага тўғри келмас эди. Ахир, Аллоҳ таоло уларга Пайғамбар юбориб, илоҳий китоб нозил қилса, шарият бериб, ўз замонасидаги одамлардан афзал этиб қўйса-ю, улар ўз Пайғамбарларига, бизга ҳам анави қавмнинг худоларига ўхшаш худо қилиб бер, деб туришса.

Бу ғоят даражада ношукрлик ва ўтакетган шаккоклик эди.

Сўнгра Аллоҳ таоло Қуръони Карим услубини қўллаб, Мусо алайҳиссаломнинг сўзларига Ўз каломини илова қилиб Бани Исроилга хитоб қилади:

«Сизларни ёмон азобларга қўяётган, ўғилларингизни ўлдириб, қизларингизни тирик қолдираётган Фиръавн аҳлидан қутқарганимизни эсланг! Ва бу ишда Роббингиздан улуғ синов бордир».

Яъни, эй Бани Исроил, Пайғамбарингиз Мусога, бизга худди ановиларнинг худоларига ўхшаш худо қилиб бер, деб ҳаддингиздан тажовуз этманг.

Яқиндагина Фиръавн аҳлининг ситам ва азоби остида эзилганингизни, улар ўғлонларингизни ўлдириб, қизларингизни тирик қолдирса ҳам, қўлингиздан ҳеч вақо келмай жимгина яшаганингизни, ушбу азоблардан сизни Биз қутқарганимизни ҳам унутманг.

Бу ишларда, яъни, сизни азоб-уқубат ва қийинчиликда қолишингизда ҳам, кейин қутулиб озод бўлишингизда ҳам Роббингизнинг катта синови бор. Қийинчиликда сабр қилиш, осончиликда шукр қилиш керак.

ФАЗЛИ ИЛОҲИЙ ВА НОШУКУРЛИК

Юқоридаги оятларда зикр қилиб ўтилганидек, яҳудийлар такрор-такрор кофирлик, беодоблик, гуноҳкорлик ва шаккоклик қилган бўлсалар ҳам, Аллоҳ таоло уларни яна иноятга олиб, Ўз марҳаматини кўрсатди.

«Уларни ўн икки уруғ-жамоага бўлиб юбордик. Ва қавми ундан сув талаб қилган пайтда Мусога: «Асонг ила тошни ур!» деб ваҳий юбордик. У(тош)дан ўн иккита булоқ отилиб чиқди. Ҳамма одамлар ўз сувхонасини билди. Ва уларга булутни соябон қилдик, манн ва беданаларни нозил қилдик. «Сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларини енглар» (дедик). Улар Бизга зулм қилмадилар. Лекин ўзларига зулм қилар эдилар». (Аъроф сураси 160 оят) Маълумки, Исроил лақабини олган Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн иккита ўғиллари бор эди. Аллоҳ ана ўша ўн иккита ўғилдан тарқалган фарзандларнинг ҳар бирини бир жамоа-қабилга қилиб қўйди.

«Ва қавми ундан сув талаб қилган пайтда Мусога: «Асонг ила тошни ур!» дедик».

Бани Исроилнинг сувлари тугаб, ўзлари ҳам, жонворлари ҳам чанқаган пайтда, Мусо алайҳиссалом қошига келиб сув талаб қилдилар. Аллоҳ таоло у зотга асолари ила муайян тошни уришга буюрди. Мусо алайҳиссалом тошни урдилар. Шунда:

«У(тош)дан ўн иккита булоқ отилиб чиқди».

Булоқларнинг ҳар бири бир уруғга мўлжалланган эди. Бу ҳам Аллоҳнинг марҳамати. Агар булоқ битта бўлганида, сув талаш бўлиб, жанжал чиқиши мумкин эди. Аммо Аллоҳ уларга ўн иккита булоқ чиқариб берди ва:

«Ҳамма одамлар ўз сувхонасини билди».

Шу билан ҳамма сувга қонди ва бу ташвишдан холос бўлди. Аммо фақат сув билангина яшаб бўлмайди. Аллоҳ таоло яна марҳамат кўрсатди.

«Ва уларга булутни соябон қилдик, манн ва беданаларни нозил қилдик», дейди.

Саҳрода сув билан таъминлашнинг устига, Бани Исроил бошида булутни соябон бўлиб сузиб юрадиган қилиб қўйди. Улар қаерга бормасинлар, бошлари узра булут соя солиб турар эди. Таом сифатида осмондан манн (асалли ҳалво) ва бедана гўштини ҳозир қилиб қўйди. Яна Аллоҳ таоло:

«Сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларини енглар», деб мулозамат кўрсатди.

Мисли кўрилмаган илоҳий марҳамат. Бу мурувватга қанча шукрона қилинса, шунча оз.

Аммо Бани Исроил бани исроиллигига борди. Мазкур неъматлар учун шукрнинг ўрнига, куфрони неъмат қилди. Бу эса, катта зулмдир. Аммо бу билан улар Аллоҳга эмас, ўзларига зулм қилардилар.

«Улар Бизга зулм қилмадилар. Лекин ўзларига зулм қилар эдилар».

Чунки: «Уларга: «Мана бу шаҳарни маскан тутинглар, унда хоҳлаган жойингизда таом енг ва «Ҳиттатун» (гуноҳларимизни кечир) деб эшикдан сажда қилган ҳолингизда кирсангиз, сизнинг хатоларингизни мағфират қиламиз, эҳсон қилувчиларга зиёда қиламиз», деганимизни эсла.

Бас, улардан зулм қилганлари уларга айтилгандан ўзга гапни алмаштирдилар. Бас, зулм қилганлари туфайли устларига осмондан азоб юбордик». (Аъроф сураси 161-162 оят)

Мазкур ояти карималарга ўхшаш оятлар тафсири Бақара сурасида батафсил ўтди. 161-оятдаги «Мана бу шаҳар»дан мақсад-Қуддуси шарифдир. Аллоҳ таоло Бани Исроилга баъзи шартларни юклади ва Қуддуси шарифга кириб, хоҳлаган жойларида таомланиб юришларини тайинлади. Шаҳарга сажда қилган ҳоларида, яъни, Аллоҳни улуғлаб, таъзим билан «Ҳиттатун» (хатоларимизни кечиргин) деб киришлари лозим эди.

«Уларга: «Мана бу шаҳарни маскан тутинглар, унда хоҳлаган жойингизда таом енг ва «Ҳиттатун» (гуноҳларимизни кечир) деб эшикдан сажда қилган ҳолингизда кирсангиз»,

Агар улар бу шартни адо этсалар, Аллоҳ таоло хатоларини афв этишни ва (эҳсон) яхшилик қилувчиларга бундан зиёда нарсаларни ҳам беришни ваъда қилди.

«сизнинг хатоларингизни мағфират қиламиз, эҳсон қилувчиларга зиёда қиламиз»,

Аммо Бани Исроил такрор бани исроиллигини эслатди.

«Бас, улардан зулм қилганлари уларга айтилгандан ўзга гапни алмаштирдилар».

Улардан зулм қилганлари айтишлари лозим бўлган «Хиттатун» деган иборани, «Хинтатун», яъни, «буғдой» деган сўзга алмаштирдилар ва шаҳарга сажда қилган ҳолларида эмас, ортлари билан сурилиб кирдилар.

«Бас, зулм қилганлари туфайли устларига осмондан азоб юбордик».

Ана шу итоатсизлик ва зулмлари учун Аллоҳ таоло уларнинг устидан азоб туширди.

Кейинги оятларда Бани Исроилнинг бошқа кирдикори баён қилинади.

«Улардан денгиз соҳилида бўлган қишлоқ ҳақида, шанба кунида ҳаддан ошганлари, шанбалик кунларида балиқлари очик келиб, шанбалик қилмаган кунлари келмагани ҳақида сўра. Қилган фосиқликлари туфайли уларни шундай синаймиз». (Аъроф сураси 163 оят)

Оятдаги бу хитоб Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилгандир. Аллоҳ ул зотга яҳудийлардан уларнинг тарихида бўлиб ўтган машҳур воқеа ҳақида сўрашга амр қилмоқда.

«Улардан денгиз соҳилида бўлган қишлоқ ҳақида, шанба кунида ҳаддан ошганлари, шанбалик кунларида балиқлари очик келиб, шанбалик қилмаган кунлари келмагани ҳақида сўра».

Денгиз соҳилида жойлашган бир қишлоқ бўлган экан. Уни яҳудийларнинг ўзлари яхши биладилар. Ўша соҳил бўйидаги қишлоқда яҳудийлар жамоаси яшар эдилар.

Бани Исроилнинг талабларига биноан ҳафтанинг шанба куни улар учун байрам, дам олиш куни қилиб белгиланди. Бу кун уларга ишлаш ва тирикчиликка уриниш ҳаром қилинди. Соҳил бўйидаги мазкур қишлоқда яҳудийлар учун катта синов бўлди. Шанба куни балиқлар соҳилга келиб очик-ойдин кўриниб, кўзларини ўйнатиб юрар эди. Шанба кунидан бошқа куни эса ҳеч бир балиқ кўринмасди.

«Қилган фосиқликлари туфайли уларни шундай синаймиз».

Шунда Бани Исроилдан баъзилари чидаб тура олмай ман қилинган амрни буздилар. Ривоятларда келишича, улар шанба куни алоҳида тўсиқлар ташлаб, соҳилга келган балиқларни қайтиб кета олмайдиган қилиб қўйишар ва якшанба куни йиғиб олишар, шу билан бирга, биз Аллоҳнинг амрини бузганимиз йўқ, шанба куни дам олдик, ов қилганимиз йўқ, дер эдилар.

Бошқа бир гуруҳ ҳийла ила балиқ овлаган жамоага насиҳат қилиб, Аллоҳдан қўрқишга ва унга осий бўлмасликка чақирдилар.

Шунда насиҳатчи гуруҳга:

«Улардан бир жамоат: «Аллоҳ ҳалок қилувчи ёки шиддатли азоб-ла азобловчи қавмга ваъз қилиб нима қиласиз?!» деганида, улар, Роббингизга уэр бўлиши учун ва шоядки тақво қилсалар деб, дедилар». (Аъроф сураси 164 оят)

Яъни, учинчи бир гуруҳ ўзларини бошқача тутдилар. Насиҳат қилаётган жамоага мурожаат қилиб, бу осийлар қилар ишни қилиб бўлишди, энди Аллоҳ уларни ҳалок қилади ёки қаттиқ азоб билан азоблайди, уларга насиҳат қилиб нима қиласиз, барибир фойдаси йўқ, дедилар.

«Улардан бир жамоат: «Аллоҳ ҳалок қилувчи ёки шиддатли азоб-ла азобловчи қавмга ваъз қилиб нима қиласиз?!» деганида»,

Насиҳат қилувчилар эса, биз насиҳатни:

«Роббингизга уэр бўлиши учун ва шоядки тақво қилсалар деб», қилмоқдамиз, дедилар.

Яъни, Аллоҳ олдидаги бурчимизни адо этдик. Охират куни Аллоҳ сўраб қолса, узр бўлиши учун уларга насиҳат қилдик ва яна шоядки насиҳат таъсир этиб, тақво қилиб қолсалар, деган умидимиз бор эди, дедилар.

РОББ ИЛА УЧРАШУВ



Аъроф сурасидаги келгувси оятларда Мусо алайҳиссаломнинг Робби ила учрашувга ҳозирлик кўриши ва мийқод манзаралари келади.

«Ва Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашдик. Кейин эса, уни ўн (кеча) билан тугал қилдик. Бас, Роббининг белгиллаган вақти тўлиқ қирқ кеча бўлди. Мусо акаси Ҳорунга: «Қавмимда менинг ўрнимни ол, яхши иш қил, бузғунчиларнинг йўлига эргашма», деди». (142 оят)

Муфассирларимиз ривоят қилишларича, Мусо алайҳиссалом Мисрда яшаган вақтларида Бани Исроил қавмига агар Аллоҳ душманларини ҳалок қилса, бир китоб беришини ва бу китобда нимани қилиш лозим-у, нималарни қилмаслик кераклиги ҳақида баёнот бўлишини айтган эдилар.

Аллоҳ таоло Фиръавн ва унинг аҳлини ҳалок қилганидан сўнг, Мусо алайҳиссалом китоб беришни Аллоҳдан сўраганларида, Аллоҳ ул зотга ўттиз кун рўза тутишни амр қилди. Бу ҳодиса Зулқаъда ойида рўй берди. Ўттиз кун ўтиб, Мусо алайҳиссалом дарахтдан олинган мисвок билан тишларини тозалаб, мийқот-учрашув белгиланган вақтга ҳозирлик кўриб турганларида, Аллоҳ таоло Зулҳижжа ойдан ҳам ўн кун рўза тутишни амр қилди. Шу тарзда жами қирқ кун тўлиқ рўза тутдилар.

Бу ишлар ўта муҳим ҳодисага тайёргарлик эди. Мусо алайҳиссалом душман билан муборазада Аллоҳнинг мадади ила ғолиб келганларидан сўнг, бу қадар эътибор билан тадорик кўришлари ғалати туюлади.

Лекин келажакда ул зотни кутаётган улуғ воқеаларни билган одамга бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Аввало, Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг буюк дастури-Тавротни қабул қилиб олишга ҳозирлик кўрмоқда эдилар. Қолаверса, олдинда табиати касалланган қавмларини тўғри йўлга солиб, Аллоҳ дастури асосида яшашга бошлашлари керак. Бу ҳар қандай ташқи душман билан бўладиган машаққатли курашдан ҳам оғир эди. Шунинг учун Аллоҳ у зотни чиллага, ёлғиз қолиб ибодат қилишга, қалбни мустаҳкамлаб сайқаллашга амр қилди. Қирқ кун ўтиб:

«Мусо мийқотимизга келиб, Робби унга гапирганида, У: «Роббим, менга (жамолингни) кўрсатгин, Сенга назар солай», деди. У зот: «Мени ҳеч кўра олмассан. Лекин тоққа назар сол, агар у маконида собит тура олса, бас, Мени кўрасан», деди. Робби тоққа тажаллий қилганида, уни титилган қолга келтирди ва Мусо ҳушидан кетиб йиқилди. Ҳушига келгач: «Сен поксан, Сенга тавба қилдим. Мен мўминларнинг аввалгисиман», деди». (143 оят)

Башар фарзанди тарихидаги тенги ва ўхшаши йўқ ҳодиса. Робб ила банданинг учрашуви. Бутун оламларни яратган Зот билан ўша оламларнинг кичик бир заррасининг юзлашуви. Бу учрашув тафсилотини ва қандай ҳолда рўй берганини Аллоҳнинг Ўзи билади. Биз эса, Қуръонда зикр этилгани билан кифояланамиз, холос. Эҳтимол ушбу учрашув келажакдаги машаққатларни енгиб ўтиш учун Мусо алайҳиссаломга қувват ва сабот манбаи бўлар.

Эҳтимол шунинг учун учрашувдан бурун қирқ кун ҳамма нарсани тарк этиб, чилла ўтириб алоҳида ҳозирлик кўрилгандир.

Вақти-соати етиб, учрашув ўз вақтида, белгиланган жойда содир бўлди. Бу учрашув араб лафзида исми замон ва исми макон маъносини бирданига англатувчи лафз ила «миёқот», дейилади ва учрашув вақти ва замони маъносини билдиради.

«Мусо мийқотимизга келиб, Робби унга гапирганида, У: «Роббим, менга (жамолингни) кўрсатгин, Сенга назар солай», деди».

Уламоларимиз таъкидлашларича, ушбу улуғ мийқот Қурбон ҳайити куни, Тур тоғининг ўнг томонида содир бўлган. Мийқот рўй берган тарихий вақт қирқ кунлик рўза ҳақидаги ривоятдан аниқланган. Мусо алайҳиссалом Зулқаъда ойида тўла ўттиз кун ва Зулҳижжа ойида ўн кун рўза тутиб, ҳайит куни Аллоҳ билан роз айтишганлар. Мийқот Тур тоғининг ўнг томонида содир бўлгани бошқа ояти карималарда ҳам зикр этилган.

Демак, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ билан мийқотга, белгиланган вақтда, белгилик жойга келганларида, у зотга Робби бевосита сўзлади. Бу ҳол қандай содир бўлди, тафсилотини ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи билади. Мусо алайҳиссалом қандай қилиб Аллоҳнинг каломини тингладилар, буни ҳам Аллоҳнинг Ўзигина билади. Чунки бу нарса инсон ҳатто тасаввур қилиши ҳам мушкул бир ҳолдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтирганларида, ул зот тез-тез нафас олар, титраб-қақшаб, совуқ кунда ҳам терга кўмилиб кетар эдилар. Саҳобалардан бирларининг тиззалари ваҳий тушаётган пайтда Пайғамбаримизнинг тиззаларига текканда, саҳобийнинг сонлари ёрилиб кетгудек бўлган экан. Энди, бевосита Аллоҳнинг Ўзи билан гаплашиш қандай бўлишини бир оз бўлса ҳам тасаввур қилиш мумкин. Шубҳасиз, бу ўзига хос ғаройиб ва нодир бир ҳолат. Бу ҳолатнинг ғоят даражада ғаройиблигидан Мусо алайҳиссалом шавқу завққа тушиб, маст бўлиб қолганлар ва ўзларини бутунлай унутиб қўйганлар. Роббиларига бўлган муҳаббатлари зиёдалашиб, Аллоҳ каломини бевосита тинглаш шунчалик бўлса, бевосита Ўзини

кўз билан кўриш қандай бўлар экан, деб Аллоҳ таолодан жамолини кўрсатишини сўраганлар. Пайғамбарнинг бу истагига жавобан Аллоҳ таоло:

«Мени ҳеч кўра олмассан», деган.

Шу билан бирга, бу ҳолни ойдинлаштириш мақсадида нима сабабдан кўра олмаслигини амалда исбот этган.

«Лекин тоққа назар сол, агар у маконида собит тура олса, бас, Мени кўрасан», деди.

Яъни, эй Мусо, сен тоққа назар сол, у жуда ҳам улкан ва чидамли борлиқ. Унга ҳар нечук нарса таъсир ўтказа олмайди. Мен ўзимга хос тарзда унга кўринаман. Агар тоғ бу ҳолга чидаб, мавқеида собит тура олса, сен ҳам сўровингга биноан Мени бевосита кўра оласан.

«Робби тоққа тажаллий қилганида, уни титилган ҳолга келтирди».

Мазкур тажаллий қандай рўй берганини ва у нечук манзара касб этганини ҳам билмаймиз. Бизнинг билганимиз шу: Аллоҳ таоло юқоридаги гапларни Мусо алайҳиссаломга айтганидан кейин, у киши тоққа назар солдилар. Тоғ титилиб, ерга тенглашиб қолди. Маконида собит тура олмади. Мусо алайҳиссалом буни ўз кўзлари билан кўрдилар. Бу оддий ақлга сиғмас мўъжиза эди.

«ва Мусо ҳушидан кетиб йиқилди».

Чунки бўлиб ўтган ҳодиса шу даражада маҳобатли эди.

«Ҳушига келганида: «Сен поксан, Сенга тавба қилдим. Мен мўминларнинг аввалгисиман», деди».

Яъни, Мусо алайҳиссалом ўзларига келганларида, аввалги завқ ва шавқ, ҳис-ҳаяжонлар босилган эди. Кўзларини очиш билан Аллоҳни улуғлашга шошилдилар: «Сен поксан», яъни, бандаларнинг оддий назарига кўриниш даражасидан юқорисан. Мен номуносиб савол берганимдан тавба қилдим. Мен мўминларнинг аввалгисиман, дедилар.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло ул зотга хитобан:

«Эй Мусо, мен сени одамлар ичидан Пайғамбарлигим ва гаплашим ила танлаб олдим. Бас, сенга берган нарсамни ол ва шукр қилувчилардан бўл!» деди». (144 оят)

Яъни, одамлар орасидан сени танлаб олиб, Пайғамбарлигимни ато қилдим. Сени одам зоти ичидан сайлаб олиб, бевосита сўйлашдим. Ҳаммадан устун кўрдим. Шунинг учун бевосита кўринмаганимга ғамгин бўлма. Сендан талаб қилинадигани:

«Бас, сенга берган нарсамни ол ва шукр қилувчилардан бўл!».

Менинг амримни мукамал адо этсанг, сени кўриб, бошқалар ҳам буни адо қиладилар. Чунки Пайғамбарлар бошқалар учун намунадир.

«Ва унга лавҳларда ҳамма нарсадан мавъиза ва ҳар бир нарсанинг тафсилотини ёзиб бердик. «Бас, уларни қувват ила тут ва аҳлингга бужр, уларнинг энг яхшиларини олсинлар. Энди сизларга фосиқларнинг диёрини кўрсатаман», дедик». (145)

Ушбу ояти каримада зикр қилинган «лавҳлар» ҳақида тафсир уламолари кўплаб маълумотлар келтиришган, кўплаб баҳс мунозара қилишган. Аммо кейинги даврдаги муҳаққиқ тафсирчи олимларимиз, маълумотларнинг ҳаммаси ҳам ишончли манбалардан олинмаганлиги учун улар ҳақида тортишувнинг ҳожати йўқ, деган хулосага келганлар. Биз учун «лавҳлар» нимадан иборатлиги, қайси моддадан бўлгани, шакли ёки ҳажми аҳамиятсиз, балки уларга ёзилган маънолар аҳамиятлидир, дейди муфассирлар.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада Мусо алайҳиссаломга ҳамма нарсадан мавъиза ва ҳар бир нарсанинг тафсилотини ёзиб берганини баён қилмоқда. Ёзиб бериш билан бирга:

«уларни қувват ила тут», деб амр қиляпти.

Давомида Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга ўз аҳлига ҳам амр қилиб, уларга ушбуларнинг яхшиларини тутишга буюрмоқликлари зарурлигини ҳам билдирган. Ояти кариманинг охирида Аллоҳ:

«Энди сизларга фосиқларнинг диёрини кўрсатаман», деб ваъда берган.

БУЗОҚҚА ИБОДАТ

Мийқотда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга у киши кутмаган хабарни берди. Бу хабар ва унга тегишли баёнотлар «Тоҳо» сурасида қуйидагича ҳикоя қилинган:

«У зот: «Батаҳқиқ, Биз қавмингни сендан кейин фитнага дучор қилдик. Сомирий уларни адаштирди», деди». (85)

Узоқ йиллар зулм ва истибдод остида, хорликда яшаб, табиати бузилиб кетган, қулликка ўрганиб қолган Бани Исроилга ҳурлик оғир келди, уни кўтара олмади.

Мусо алайҳиссалом уларни илк бор тарк этишлари биланоқ залолатга кетдилар. Сомирийга эргашиб, бузоқнинг ҳайкалини худо қилиб олдилар. Робб мулоқотига узоқ тайёрланган ва ниҳоят қавмини қолдириб, учрашувга шошилиб етиб келган Мусо алайҳиссалом бу ишлардан беҳабар эдилар. Аллоҳ таолонинг Ўзи у кишига бу хабарни етказди.

«Бас, Мусо қавмига ғазабланган, афсусланган ҳолда қайтди. У: «Эй қавмим, Роббингиз сизга яхши ваъда қилмаганмиди?! Сизларга замон узоқ кўриндими ёки бошингизга Роббингиздан ғазаб тушишини хоҳладингизми?! Менга берган ваъдага хилоф қилибсиз?!» деди». (86)

Бани Исроилнинг залолатга кетгани ҳақидаги хабар Мусо алайҳиссаломни қаттиқ ғазаблантирди ва чуқур таассуфга солди. У зот нобакор қавмининг ҳузурига ғазабнок, афсусланган ҳолларида қайтдилар ва уларни сўроққа тута бошладилар:

«Эй қавмим, Роббингиз сизга яхши ваъда қилмаганмиди?!»

Сизларга нусрат беришни, муқаддас ерларга киришимизни, гуноҳларингизни кечиришни, Тавротни туширишни ва бошқа яхшиликларни ваъда қилмаганмиди? Ахир, бу ваъдаларни сизга яқиндагина берган эди-ку?!

«Сизларга замон узоқ кўриндими?!»

Шунинг учун аҳдни бузиб, залолатга юз тутдингизми?

«...ёки бошингизга Роббингиздан ғазаб тушишини хоҳладингизми?!»

Сизнинг қилган ишингиз Аллоҳнинг ғазабини хоҳлаётган одамнинг ишидан бошқа нарса эмас!

«Менга берган ваъдага хилоф қилибсиз?!»

Боримда қандай бўлсангиз, йўғимда ҳам шундай туришга сиз билан ваъдалашган эдик-ку?!

«Улар: «Биз сенга берган ваъдага ўз ихтиёримиз ила хилоф қилмадик. Лекин бизга у қавмининг зийнатидан оғирликлар юкланган эди. Бас, уларни ташладик, Сомирий ана шундай илқо қилди», дедилар». (87)

Халоскори ва Пайғамбари Мусо алайҳиссаломга Бани Исроилнинг айтаётган узрини қаранг. Қилар ишни қилиб қўйишган. Дунёда бундан катта жиноят йўқ. Аммо узрлари ҳеч нарсага арзимади.

«Улар: «Биз сенга берган ваъдага ўз ихтиёримиз ила хилоф қилмадик», дейишмоқда.

Узр айтишнинг энг қулай йўли-ихтиёридан ташқари иш бўлиб қолганини баҳона қилиш. Лекин ихтиёрдан ташқаридаги ўша иш иймондан кечишга, яратган Холиқни қўйиб, бузоқнинг ҳайкалига ибодат қилишга арзийдими?!

«Лекин бизга у қавмининг зийнатидан оғирликлар юкланган эди».

Яъни, бизда Фиръавн қавмининг зийнатлари, тилла тақинчоқлари бўлиб, улар ортиқча юк эди.

Уламоларнинг ривоят қилишларича, Бани Исроиллик аёллар мисрликлардан турли зебу зийнат ва тақинчоқларни қарзга олишган экан. Мисрдан чиқишаётганда ўша тақинчоқларни ҳам ўзлари ила бирга олишибди. Мусо алайҳиссалом мийқотга кетганларида, тақинчоқлар масаласи кўтарилибди. Ҳорун алайҳиссалом уларнинг ҳалол ёки ҳаромлигида шубҳага тушибдилар. Мусо қайтиб келса, сўраймиз, деб бир чуқурга олов ёқдириб, ҳамма тақинчоқларни ўша чуқурга ташлашни буюрибдилар. Бани Исроилнинг зийнатлар ҳақидаги гапида ўша тақинчоқлар кўзда тутилган.

«Бас, уларни ташладик».

Яъни, Ҳорун амр қилганидан кейин биз у тақинчоқларни чуқурга ташладик.

«Сомирий ана шундай илқо қилди».

Ояти кариманинг охиридаги ушбу жумла ҳақида тафсир уламолари икки хил маъно айтишган. Кўплар: «Шунингдек, Сомирий ҳам ташлади», деб маъно берганлар. Яъни, Сомирий ҳам ўзида бор зебу зийнатларни чуқурга ташлаган.

Баъзи уламолар эса, «Сомирий ана шунга ундади», деган маъно чиқарганлар.

Яъни, бузоқ ҳайкалига ибодат қилишга ундади, деб маъно берганлар. Уламолар орасидаги бу хилофга сабаб жумладаги «алқо» сўзидир. Бу сўз «ташлаш» маъносида ҳам, «фикр ташлаш-ундаш» маъносида ҳам ишлатилади.

Биз иккинчи тоифа уламоларнинг гапига қўшилиб, «илқо қилди-ундади» маъносини ихтиёр қилдик. Бунга сабаб аввал оятда «ташладик» сўзи «қазафа» феҳли билан англатилган. Агар Сомирий ҳам Бани Исроил каби ташлаганида «алқас-Сомириййу» демасдан, «қазафас-Сомириййу» дейилган бўлар эди.

Уламолар, Сомирий асли сомаролик бўлиб, Бани Исроилга кузатувчи-йўл кўрсатувчи одам эди, деганлар.

Бўлган воқеа шу. Тақинчоқларни оловли чуқурга ташлашган экан, Сомирий уларни эритиб, бузоқ шаклига солиб, мана шу сизларнинг худоингиз, унга ибодат қилинглари, деса, ибодат қилиб кетаверишибди. Уларнинг фикрича, бу ихтиёрларидан ташқари иш эмиш!

«Бас, у (Сомирий) уларга бўкирадиган бузоқ шаклини чиқариб берди. Улар: «Мана шу сизнинг илоҳингиз ва Мусонинг ҳам илоҳи, фақат у унутди», дедилар». (88)

Сомирий уларга тилла тақинчоқлардан овоз чиқарадиган бузоқ ҳайкали ясаб берди. Ривоятларда келишича, ҳайкалнинг ортидан шамол кирса, оғзидан бузоқнинг бўкирганига ўхшаш овоз чиқар экан. Ўша ҳайкални кўрган Бани Исроилликлар бир-бирларига:

«Мана шу сизнинг илоҳингиз ва Мусонинг ҳам илоҳи, фақат у унутди», дедилар.

Мана шу ҳайкал сизнинг илоҳингиз. Ундай бўлса, нима учун Пайғамбаримиз Мусо бизга буни айтмади, деган хаёлга борманг. Мусонинг илоҳи ҳам шу бузоқ. Аммо, Мусо буни унутиб қўйиб, тоққа излаб чиқиб кетди, дейишмоқда. Бани Исроил ўзининг гумроҳлиги билан Аллоҳнинг Пайғамбари Мусо алайҳиссаломни ҳам гумроҳга чиқарди.

«Унинг ўзларига бирон сўз қайтара олмаётганини, на зарар ва на фойдага молик бўла олмаётганини кўрмаяптиларми?!» (89)

Ахир, ҳеч бўлмаса, бир оз ўйлаб кўрмайдиларми?! Бу бузоқнинг ҳайкали уларга бирон оғиз ҳам сўз қайтара олмайди-ку, қандай қилиб уларга ва Мусога худо бўла олади? Ахир, бу ҳайкал уларга бирон зарар ёки фойда келтира олмаяпти-ку, қандай қилиб уларга ва Мусога илоҳ бўла олади?!

Бунинг устига:

«Батаҳқиқ, илгари Ҳорун уларга: «Эй қавмим, бу билан фитнага дучор қилиндингиз, холос. Шубҳасиз, Роббингиз Роҳмандир. Бас, менга эргашинг. Менинг амримга итоат қилинглари», деган эди». (90)

Ғъни, уларнинг ўзлари айбдор. Бу иш бизнинг ихтиёримиздан ташқари бўлди, дейишлари ҳам ёлғон. Қилаётган ишлари нотўғри эканини уларга Ҳорун алайҳиссалом эслатган эдилар:

«Эй қавмим, бу билан фитнага дучор қилиндингиз, холос».

Ғъни, эй қавмим, бу бузоқ сизга бир синов, холос, синовга бардош беринг, ақидангизни бузманг. Сизнинг Роббингиз бу ҳайкал-бузоқ эмас.

«Шубҳасиз, Роббингиз Роҳмандир».

Ўша Роҳман сифатли Роббингизни тарк этманг.

«Бас, менга эргашинг. Менинг амримга итоат қилинг», деган эди.

Аммо улар унга эргашмадилар, унинг амрига итоат қилмадилар.

«Улар: «То Мусо бизга қайтгунича, унга ибодат қилишда бардавом бўламиз», дедилар». (91)

Бу гап ҳам тутруқсиз одамларнинг гапи. Аллоҳнинг Пайғамбари Мусо алайҳиссаломнинг ўрнига қолган оғаси Ҳорун алайҳиссалом уларга бузоққа ибодат қилмасликни таъкидлаб айтмоқдалар-у, улар бўлса:

«То Мусо бизга қайтгунича, унга ибодат қилишда бардавом бўламиз», дедилар.

Залолатларида қолиш учун бу ҳам бир баҳона. Улар бузоқнинг гапира олишига, зарар ёки фойда етказишига далил келтиролмайдилар. Демак, залолатлари яна ҳам равшан. Аммо ўзларини ўнглаш хаёлларига келмайди. Мантиққа тўғри келса-келмаса, барибир баҳона топадилар. Мусо алайҳиссалом қайтиб келсалар, нима дейишлари ҳам аниқ. Мусо келганидан сўнг бир гап бўлар.

Мана, Мусо алайҳиссалом қайтиб ҳам келдилар. Сўроқ-саволга тута бошладилар. Аввал ўринларига қўйиб кетган оғалари Ҳорундан сўрадилар:

«У: «Эй Ҳорун, уларнинг залолатга кетганларини кўрганингда сени нима ман қилди?!

Менга эргашишингдан?! Менинг амримга осий бўлдингми?!» деди». (92-93)

Эй Ҳорун, мен сенга ҳолатни ўзгартирмасликни тайинлаб айтиб кетган эдим.

Уларнинг адашганларини кўрганингда нима учун менинг амримга бўйсуниб, йўлларини тўсмадинг? Нима учун уларни бузоқ ҳайкалига ибодат қилишдан қайтармадинг?! Ёки менинг амримга осий бўлдингми?

Мусо алайҳиссаломнинг ғазаб ва афсус билан айтган бу гапларига Ҳорун алайҳиссаломнинг ҳам асосли жавоблари бор эди:

«У: «Эй онамнинг ўғли, соч-соқолимдан тутма. Мен сенинг: «Бани Исроилни тафриқага солибсан, гапимга кирмабсан, дейишингдан қўрқдим», деди». (94)

Табиатан оғир-босиқ Ҳорун алайҳиссалом қариндошлик ҳурматини орага солиб, Мусо алайҳиссаломни бир оз ҳовурларидан туширмоқчи бўлдилар. Эй ука, дейишнинг ўрнига, эй онамнинг ўғли, деб «она» сўзини қўшишда ҳам маънони кучайтириш бор. Бошқа сураларда баён қилинганидек, Мусо алайҳиссалом ғазабланиб келиб, бир қўллари билан Ҳорун алайҳиссаломнинг пешона сочларидан, иккинчи қўллари билан эса, соқолларидан тортиб туриб, мазкур гапларни айтган эдилар. Шунинг учун Ҳорун алайҳиссалом:

«...соч-соқолимдан тутма», деб укаларини яна ҳам ҳовурларидан туширмоқчи бўлдилар. Сўнгра Бани Исроилни бу йўлдан қайтариш учун куч ила қўполлик ишлатмаганининг сабабини зикр қилди.

«Мен сенинг: «Бани Исроилни тафриқага солибсан, гапимга кирмабсан», дейишингдан қўрқдим», дедилар.

Зотан, Ҳорун алайҳиссалом Бани Исроилни залолатдан қайтаришга уринганлари юқоридаги оятларда ҳам бир оз кўрилди. Қаттиққўллик қилмаган, куч ишлатмаган бўлсалар, Бани Исроил орасида ихтилоф, келишмовчилик уйғотиб қўйишдан чўчиган эканлар. Чунки Мусо алайҳиссалом шу гапни у кишига алоҳида таъкидлаб айтган бўлсалар керак.

Оғалари Ҳорун алайҳиссаломдан бу жавобни эшитган Мусо алайҳиссалом бош бузғунчи Сомирийга қараб хитоб қилдилар:

«У: «Бу нима қилганинг, эй Сомирий?!» деди». (95)

Яъни, нима учун бу ишни қилдинг?

Бу саволга Сомирий ўзига хос маккорлик билан жавоб берди. Фирибгарларнинг тимсоли бўлмиш Сомирийнинг ҳар бир ҳаракати, гап-сўзидан фириб ёғилиб туради.

«У: «Улар кўрмаган нарсани кўрдим. Бас, Расулнинг изидан бир сиқим олдим, сўнгра уни ташладим. Ҳавои нафсим менга шундай қилишни хуш кўрсатди», деди». (96)

Тафсирчи уламоларимиз бу оятнинг тафсирида кўплаб ривоятлар келтирганлар. Мазкур ривоятларда Бани Исроил кўрмай Сомирий кўрган нарса нима? Расул ким? Сомирий унинг изидан олган бир сиқим нарса нима? ўша бир сиқим нарсани Сомирий қаёққа сочди? каби саволларга жавоблар ахтарилади.

Мазкур ривоятларнинг аксари бундай нақл этилади: Сомирийнинг Бани Исроил кўрмаганини кўргани-Жаброил алайҳиссаломнинг ҳаёт отига миниб келишлари. «Расул»дан мурод Жаброил алайҳиссалом. Изидан олинган бир сиқим эса, Жаброил алайҳиссалом миниб келган отнинг туёғи тагидан олинган тупроқ. У тупроқни сочган жойи эса, Бани Исроилнинг зеб-зийнатлари тўплаб қўйилган жой. Сомирий ана шу ишларни қилганида зийнатлар бузоққа айланиб, ундан овоз чиқадиган бўлибди.

Сомирийнинг бу гапидан фирибгар қўлга тушганда ўзини қандай тутиши билиниб турибди. Мен ҳеч нарса қилганим йўқ, ёмон ниятим ҳам йўқ эди, кўнглимга тушган ишни қилсам, ўзларидан ўзлари эргашиб кетишаверди, демоқчи бўлди.

Лекин Мусо алайҳиссалом барибир уни айбдор деб топдилар ва унга қарши ҳукм чиқардилар:

«У: «Бас, жўна! Кет! Энди сенга бу ҳаётда «тегиш йўқ» дейишинг бор, холос. Албатта, сенга хилоф қилмайдиган ваъдамиз бор. Ўзинг ибодатида бардавом бўлган илоҳингга назар солиб қўй. Биз уни, албатта, куйдирамиз, сўнгра денгизга сочиб юборамиз». (97)

Мусо алайҳиссалом Сомирийни Бани Исроилдан қувғин қилдилар. Бани Исроил одати бўйича, «тегиш йўқ» номли қувғин жазоси бор эди. Ана ўша жазо Сомирийга нисбатан қўлланди. У қувғин қилинди. Саҳроларда якка мохов ҳолида хору зор бўлиб юрди. Бирор одам кўриниб қолса, «тегиш йўқ» дер эди, холос. Яъни, мен «тегиш йўқ» жазосига маҳкум этилганман, менга тегма, мен ҳам сенга тегмайман, дерди. Бировга бундан бошқа гап айта олмас эди. Бу Сомирий учун дунёвий жазо эди. Охиратда эса:

«Албатта, сенга хилоф қилмайдиган ваъдамиз бор».

Яъни, албатта, бўладиган азобимиз бор. Унга хилоф қилиб бўлмайди. Шўрпешона бўлмасанг, жонсиз, ҳеч нарсага арзимайдиган нарсани ўзингга илоҳ қилиб оласанми?

«Ўзинг ибодатида бардавом бўлган илоҳингга назар солиб қўй».

Нимага лойиқ эканини биласан. Асли ердан чиққан бир маъдан-ку.

«Биз уни, албатта, куйдирамиз, сўнгра денгизга сочиб юборамиз».

Куйиб кетадиган нарса Худо бўла оладими? Кули денгизга сочилиб кетадиган нарса Худо бўла оладими? Турли нарсаларни ўзингизга илоҳ қилиб олаверманг:

«Албатта, сизнинг илоҳингиз Аллоҳдир, холос. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқдир. У барча нарсани Ўз илми билан қамраб олгандир». (98)

Аллоҳдан ўзга сизга зот илоҳ бўла олмайди. Ундан ўзга ҳеч қандай зот ёки нарса ибодатга сазовор эмас. Аллоҳнинг илми ҳамма нарсани қамраб олгандир.

БАНИ ИСРОИЛНИ АЗОБЛАШ ВА АФВ ҚИЛИШ

Бани Исроил тилладан ясалган бузоқ ҳайкалига ибодат қилиб, улкан гуноҳ содир этганлари, кейин афсус билан тавба қилганлари учун Аллоҳ таоло

Мусога алайҳиссалом улардан етмиш кишини ўз мийқотига олиб келишни амр қилган ва бу етмиш нафар барча Бани исроилликлар номидан Аллоҳга узр айтиб, дуо қилишлари керак эди.

«Ва Мусо мийқотимизга қавмидан етмиш кишини танлаб олди. Уларни даҳшатли зилзила тутган пайтда: «Эй Роббим, агар хоҳласанг, буларни ҳам, мени ҳам бундан олдин ҳалок қилсанг бўларди. Эсипастларимиз қилган иш туфайли бизни ҳалок қиласанми? Бу Сенинг синовингдан бошқа нарса эмас. У ила кимни хоҳласанг, адаштирасан ва кимни хоҳласанг, ҳидоятга соласан. Сен валиймизсан, бас, бизни мағфират қил ва раҳм эт. Сенинг Ўзинг мағфират қилувчиларнинг энг яхшисан». (Аъроф 155)

Мусо алайҳиссалом Бани Исроилнинг ўн икки уруғидан, бузоққа ибодат қилмаган етмиш кишини танлаб, Аллоҳнинг мийқотига олиб бордилар. Улар эса Мусо алайҳиссаломга, бизга Худонинг Ўзини кўрсат, деб туриб олдилар. Бани Исроил бани исроиллигини доимо қилади. Ҳаттоки улар орасидан танлаб олинганларнинг қилмиши шу бўлди. Бундай шаккоклик содир этганларидан сўнг, уларни даҳшатли зилзила тутиб, ўзларидан кетдилар. Шу пайт Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолога илтижо қилиб:

«Эй Роббим, агар хоҳласанг, буларни ҳам, мени ҳам бундан олдин ҳалок қилсанг бўларди. Эсипастларимиз қилган иш туфайли бизни ҳалок қиласанми?» дедилар.

Яъни, агар бизни ҳалок қилмоқчи бўлсанг, мийқотингга келишимиздан олдин, гуноҳ содир бўлган пайтнинг ўзидаёқ ҳалок қилиб юборсанг бўлар эди. Эсипаст-ақлсизларимиз қилган иш- (бузоққа ибодат қилиш) туфайли бизни- (миқотингга келганларни) ҳалок қиласанми?

«Бу Сенинг синовингдан бошқа нарса эмас».

Яъни, содир бўлган бари ҳодисалар Сенинг имтиҳонингдир.

«У ила кимни хоҳласанг, адаштирасан ва кимни хоҳласанг, ҳидоятга соласан».

Бу синов туфайли баъзилар адашади, баъзилар ҳидоят топади. Ҳар бир синовнинг натижаси шу. Кимдир бу имтиҳондан яхши ўтиб, ҳидоят топади, кимдир ўта олмай, залолатга кетади. Бизга эса, Сенинг Ўзинг мадад бергин. Чунки:

«Сен валиймизсан».

Сендан ўзга валиймиз йўқ. Синовдан ёруғ юз билан ўтишимизга Ўзинг мадад бер.

«Ва бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилиқни ёзиб қўй. Биз Сенинг Ўзингга тавба қилдик», деди. У зот: «Азобим ила кимни хоҳласам, тутаман. Раҳматим эса, ҳамма нарсдан кенгдир. Уни тақво қилганларга, закот берганларга, оятларимизга иймон келтирганга ёзажакман». (Аъроф 156)

Мусо алайҳиссалом ўз сўзларида давом этиб, Аллоҳга илтижо қилганлари кўйи:

«Ва бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилиқни ёзиб қўй. Биз Сенинг Ўзингга тавба қилдик», дедилар.

Аллоҳдан гуноҳларини кечишни сўраганларидан сўнг, у зот икки дунёнинг яхшилигини ҳам сўрадилар. Фақат охиратнинггина эмас, бу дунё ва у дунёнинг яхшилиқларини сўрадилар. Бу ҳаммага ўртак бўлиши керак. Мусо алайҳиссалом танлаб олинган етмиш нафар номидан қилган илтижолари охирида «Биз Сенинг Ўзингга тавба қилдик», дедилар.

Аллоҳ таоло бу илтижога жавобан Ўз Зотига хос бўлган умумий қонуниятни баён қилди:

«Азобим ила кимни хоҳласам, тутаман. Раҳматим эса, ҳамма нарсдан кенгдир».

Яъни, истаган бандамни азоблайман (ўз навбатида иймон келтирмаган ва гуноҳкор бўлганларни ҳам азоблашни айтиб қўйган). Аллоҳнинг раҳмати эса,

жуда ҳам кенг, Ўзи халқ қилган бу дунёдан ҳам кенг. Унинг раҳмати мўминга ҳам, кофирга ҳам, тақийга ҳам ва осийга ҳам шомилдир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло Ўз раҳматини ёзиб қўядиган, алоҳида бахтга сазовор этадиган бандаларининг сифатларини ҳам зикр қилиб ўтмоқда:

«Уни тақво қилганларга, закот берганларга, оятларимизга иймон келтирганга ёзажакман».

Аллоҳ таолонинг раҳматига шубҳасиз сазовор бўлиши, унинг раҳмати ёзилиб қолиши учун банда бир неча сифатларга эга бўлиши лозимлиги шарт қилинмоқда:

Биринчиси—тақво қилиш. Яъни, Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтиб яшаш.

Иккинчиси—закот бериш. Яъни, Аллоҳга молиявий ибодат қилиш.

Учинчиси—Аллоҳнинг оятларига иймон келтириш.

БАНИ ИСРОИЛ УСТИГА ТУРНИ КЎТАРИШ

Мусо алайҳиссалом Бани Исроилни ислоҳ қилишда давом этдилар. Аммо, Бани Исроил ҳам ўзининг қаршилигида, нобакорлигида ва тутриқсизлигида давом этди. Ана шунда уларга таҳдид тариқасида устиларига Тур тоғини келтирилди.

«Аҳду паймонларингизни олганимизни ва устингизга Турни кўтарганимизни, «Биз сизга берган нарсани қувват билан олинг ва ундаги нарсани эсланг, шоядқи тақводор бўлсангиз», (деганимизни) эсланг». (Бақара 63)

Оятда Бани Исроилдан олдин олигна ваъда, аҳд-паймон назарда тутиляпти.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо устларига кўтарилган Тур тоғи масаласини ойдинлатиб, «Улар тоат қилишдан бош тортганларида, Тур тоғини бошлари устида кўтарган», дедилар.

Оятда:

«Биз сизга берган нарсани қувват билан олинг ва ундаги нарсани эсланг, шоядқи тақводор бўлсангиз», дейилмоқда.

Яъни, Тавротни маҳкам тутинг, унда келган ҳукм, ваъз, насиҳат ва кўрсатмаларни доимо эсланг, уларга амал қилинг, агар шундай қилсангиз, тақводор бўлишингиз мумкин, дейилляпти. Хўш, Бани Исроил аҳду паймонида собит турдими? Аллоҳ берган Тавротни маҳкам тутиб, ундаги нарсаларни эслаб, амал қилдими? Бу саволнинг жавоби келгуси оятда зикр этилади.

«Сўнгра ўшандан кейин юз ўғирдингиз. Сизга Аллоҳнинг фазли бўлмаганида, албатта ютқазганлардан бўлардингиз». (Бақара 64)

Яъни, ўтган оятда зикр этилган ишлардан кейин аҳду паймонни унутиб, орқага қайтдингиз. Шунда ҳам Аллоҳ сизларга раҳм қилди, азобига олмади ёки тавба қилишни кўнгилларингизга солиб, йўл кўрсатди. Акс ҳолда, ютқазганлардан—ҳалок бўлганлардан бўлар эдингизлар.

«БАҚАРА» – СИГИР ҲОДИСАСИ

Аллоҳ таоло Бани Исроилга алоқадор машҳур «Бақара»-сигир ҳодисасини батафсил баён қилиш ила уларнинг ҳақиқий башараларини очиб беради.

«Мусо ўз қавмига: «Аллоҳ сизга сигир сўймоқни буюрмоқда», деганини эсланг. Улар: «Бизни масҳара қиляпсанми?» дедилар. У: «Жоҳиллардан бўлишимдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман», деди». (Бақара 67)

Мусо алайҳиссаломдек улуғ Пайғамбар-Бани Исроилни фиръавн азобидан қутқарган, ҳамма яхшиликларга сабаб бўлган зот яҳудийларга:

«Аллоҳ сизга сигир сўймоқни буюрмоқда»,

деб, уларга Аллоҳнинг сигир сўйишга амр этганини етказганларида, «Хўп бўлади, Аллоҳ буюрган бўлса, бош устига», дейиш ўрнига, Улар: «Бизни масхара қиляпсанми?» дедилар.

Бунақа беодоблик ва шаккокликни фақат Бани Исроил каби табиати бузуқ халқ қила олади. Бу гап Мусо алайҳиссаломга оғир ботди. Аллоҳнинг номидан одамларни масхара қилиб бўладими? Буюк Пайғамбар Аллоҳ айтмаган гапни «айтди» дея оладими? Уларнинг бу гапи ҳам Аллоҳга, ҳам Унинг Расулига нисбатан беҳурматлик бўлиши билан бирга, Мусо алайҳиссаломга нисбатан туҳмат ҳам эди. Шунинг учун ҳам у киши:

«Жоҳиллардан бўлишимдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман», дедилар.

Шундан сўнг Бани Исроил, хўп, деб бориб бир сигирни топиб сўйса, Аллоҳнинг амрини бажарган бўлар эди. Лекин уларнинг бузуқ табиати, фасод босган тафаккурлари бунга йўл қўймади. Улар яна бир шумликни бошладилар:

«Улар: «Роббингга дуо қил, унинг қандай эканини баён қилиб берсин», дедилар. У: «У зот, қари ҳам, ёш ҳам бўлмаган, икковининг ўртасидаги сигир, деяпти. Бас, буюрилган нарсани бажаринг», деди». (68)

Бани Исроил яна беодоблик қилди: Роббимиз демай,

Роббингга дуо қил, дедилар. Шу биланоқ Аллоҳга эътиқодлари йўқлигини намоёиш қилдилар:

«Улар: «Роббингга дуо қил, унинг қандай эканини баён қилиб берсин», дедилар».

Шу услуб ила сўйилиши лозим бўлган сигирнинг сифати қандай бўлишини сўрашди. Мусо алайҳиссалом одоб билан яна Аллоҳнинг сўзини уларга етказдилар:

«У зот, қари ҳам, ёш ҳам бўлмаган, икковининг ўртасидаги сигир, деяпти», дедилар.

Ҳамда мураббий сифатида уларга, энди бошқа нарсаларни сўраб ўтирманглар, дегандек қилиб:

«Бас, буюрилган нарсани бажаринг», дедилар.

Бани Исроил бошда индамай, хоҳлаган сигирни сўйса бўларди, савол бериб ўзига қийин қилиб олди. Чунки энди ўрта ёш сигирни топиш керак бўлди. Бошқаси қабул бўлмади. Шундан ибрат олиб, ўз Пайғамбарларининг иккинчи насиҳатларига амал қилиб, айтилган сигирни топиб сўйса, масала ҳал эди, аммо Бани Исроил яна яҳудийлигига борди.

«Улар: «Роббингга дуо қил, унинг рангини баён қилиб берсин», дедилар. У: «У зот, ранги сап-сарик, қараганларни хурсанд қиладиган сигир, деяпти», деди». (Бақара 69)

Шундай қилиб, улар яна ўзларига қийинчиликни кўпайтириб олдилар. Энди қари ҳам эмас, ёш ҳам эмас, ўрта ёш, ранги сап-сарик, кўрганни хурсанд қиладиган сигирни топиб сўйишлари лозим бўлиб қолди. Хўш, улар шундай сигирни ахтаришга тушишдими? Йўқ, яна савол беришди:

«Улар: «Роббингга дуо қил, унинг қандай эканини бизга баён қилиб берсин, сигир бизга ноаниқ бўлиб қолди, биз, иншааллоҳ, албатта ҳидоят топувчимиз», дедилар». (Бақара 70)

Бани Исроил Аллоҳ таолонинг амрини дарҳол бажаришга одатланмаган, набокор қавмлиги аввалдан маълум эди. Аммо бу сафар ҳаммасидан ўтиб тушди. Улар дастлаб Мусо алайҳиссаломдан сигир сўйиш ҳақидаги Аллоҳнинг амрини эшитишлари билан, инкор тариқасида, бизни масхара қиляпсанми?– дедилар.

Амр иккинчи бор такрорланганда, сўйилиши лозим бўлган сигирнинг умумий сифатини сўрашди. Сигирнинг умумий сифати баён қилиб берилиб, амри илоҳий учинчи марта такрорланганда эса, унинг ранги ҳақида савол беришди. Сўйилиши лозим бўлган сигирнинг ранги ҳам очиқ-ойдин баён этиб берилгандаг сўнг ҳам амрни бажаришга ўтмай яна савол беришди.

Келгуси ояти каримада Бани Исроилнинг охирги саволига жавоб ва қиссанинг хотимаси зикр этилади.

«У: «У зот, ўша сигир минилмаган, ер ҳайдаш, экин суғоришда ишлатилмаган, айблардан саломат, аралашган ранги йўқ, деяпти», деди. Улар: «Ана энди ҳақни келтирдинг», дедилар. Бас, уни сўйдилар. Сал бўлмаса, қила олмасдилар». (Бақара 71)

Қайта-қайта сўрайверганлари эвазига қари ҳам эмас, ёш ҳам эмас, ўрта ёш, ранги холис сап-сарик, кўрганни хурсанд қиладиган чиройли, ер ҳайдаш ёки суғоришда ишлатилмаган, айблардан саломат, ранги бир хил, бошқа ранг ҳеч аралашмаган сигирни топиб сўйишга буюрилдилар ва уни қийналиб-қийналиб топиб сўйдилар.

Хўш, шу билан Аллоҳнинг амрини адо этдиларми? Аллоҳ нима учун уларни сигир сўйишга буюрган эди ўзи? Бу саволларга жавоб кейинги оятларда келади.

Қуръони Каримда бадий услубнинг турли хиллари ишлатилган бўлиб, ушбу қиссада воқеани бошланиши охирга сурилган ва бу билан ўқувчи ва эшитувчиларнинг эътиборини жалб қилиш, қиссанинг таъсирчанлигини ошириш ва яна оддий инсоннинг ақли етиши қийин бўлган бошқа кўпгина ҳикматлар кўзланган.

Асосий сабабларидан бири эса-бу жойда Аллоҳ таоло Бани Исроилнинг жиноятларини бир-бир эсга солаётибди. Шу руҳ қиссанинг ушбу шаклда келишини тақозо этади. Яъни, бунда уларнинг жиноятлари иккита эканлиги кўринди. Биринчиси, Аллоҳнинг амрини истеҳзо қилиб, уни адо қилишга шошилмаётганлари бўлса, иккинчиси одам ўлдирганликларидир. Аксинча бўлганида, битта жиноят қилганга ўжшаб қолар эдилар.

Аслида, воқеа бундай бўлган эди. Бани Исроил қавмидан кимдир бировни ўлдириб қўяди. Ким ўлдирди, деган савол пайдо бўлади. Шунда биринчи тараф айбни иккинчи тарафга қўяди ва ўзидан жиноятни инкор этади. Иккинчи тараф ҳам ўз навбатида, айбни биринчи тарафга қўяди ва ўзини айбсиз кўрсатади. Аксига олиб, воқеанинг тепасида ҳеч ким бўлмаган, гувоҳ йўқ. Аллоҳ таоло сирни фош қилиш учун ўлдирилган шахсни гапиртирмоқчи бўлди ва Бани Исроилга бир сигир топиб сўйишга ва ўша сўйилган сигирдан бир бўлак олиб, ўликни уришга буюрди. Шунда ўлик Аллоҳнинг иродаси билан тирилиб туриб, қотил ким эканини айтиб бериши лозим эди.

Энди Қуръони Карим қиссанинг аввалини бошлайди:

«Бир жонни ўлдириб қўйиб, у ҳақида ихтилофга тушганингизни эсланг. Аллоҳ сиз беркитган нарсани чиқаргувчидир». (Бақара 72)

Ҳа, Бани Исроил ўз ичидан бир одамни ўлдириб, айбни бир-бирига ағдариб, босди-босди қилиб, қотилликни беркитиб юбормоқчи бўлган эди. Жиноятчи қавм ишни ўз қаричи билан ўлчаган эди. Улар устиларида ҳар бир нарсани билувчи, ҳар бир нарсага қодир-Алийму Қадийр сифатига эга зот-Аллоҳ таоло турганидан ғофил эдилар. Мана, энди Ул зот Бани Исроилга айбларини юзларига солиб, бўлиб ўтган ишларни улар инкор қила олмайдиган тарзда айтиб бермоқда. Аллоҳ таоло уларга хитоб қилиб:

«Бир жонни ўлдириб қўйиб, у ҳақида ихтилофга тушганингизни эсланг», демоқда.

Яъни, сизлар бир одамни ўлдириб қўйдингиз. Сўнгра буни сен ўлдирдинг, мен ўлдирганим йўқ, қабалида иш тутиб, қотилни яширмоқчи, азобдан сақлаб қолмоқчи бўлдингиз. Лекин:

«Аллоҳ сиз беркитган нарсани чиқаргувчидир».

Яъни, Аллоҳ сиз беркитиб, биров билмасин, деб уринган ҳар бир нарсани юзага чиқаручи, ошкор қилувчидир. Жумладан, ушбу қотилликни содир этган шахсни ҳам. Сиз ўзаро ихтилоф қилиб, тан олмай беркитиб юбормоқчи

бўлсангизда, Аллоҳ бари бир қотил ким эканини юзага чиқарувчидир. Бу ишни қандоқ бўлганини билмоқчи бўлсангиз, у жуда ҳам осон бўлган:

«Бас, уни у(сигир)нинг баъзи жойи билан уринг», дедик. Аллоҳ худди шундай қилиб ўликларни тирилтирур ва оят-аломатларини сизга кўрсатур. Шоядки ақл ишлатсангиз». (Бақара 73)

Қотилни аниқлаш учун ўлдирилган шахсни тирилтириш керак эди. Бунинг учун эса:

«Бас, уни у(сигир)нинг баъзи жойи билан уринг», дедик».

Яъни, ўликни сўйилган сигирнинг баъзи жойи билан уришни талаб этидик.

Шу ўринда: Аллоҳ ҳар нарсага қодир зот, ўша ўликни шартта тирилтириб қўяверса бўлмасмиди? Сигир сўйдириб, унинг баъзи жойи билан ўликни урдиришнинг нима ҳикмати бор? деган савол пайдо бўлади.

Жавоб шулки: аввало, сигир Бани Исроилнинг одатига кўра, қурбонликка сўйиладиган ҳайвон эди, шунинг учун бошқа ҳайвон эмас, айнан сигир ихтиёр этилди. Иккинчидан, улар сигирни худо қилиб олиб, унга ибодат ҳам қилишган эди. Ҳолбуки, улар сиғинишаётган нарса оддий бир ҳайвондир. Шуни билдириб қўйиш учун уни сўйишга амр этилди. Қолаверса, сўйилган ҳайвоннинг бир бўлаги ҳам жонсиздир, у билан ўлик урилса, тирилиб кетиши ёлғиз Аллоҳнинг қудратига далолатдир. Бу рамз бир восита холос, аслида, инсон ўликка қандай қилиб жон кирганини билмайди, билолмайди ҳам. Аллоҳ ўликни қандай қилиб тирилтиришини кўрсатиб қўйди, холос. Чунки Бани Исроил ҳам ўлгандан сўнг тирилишни инкор қилар эди. Битта ўликни тирилтириб, уларга кўрсатиб қўйди ва:

«Аллоҳ худди шундай қилиб ўликларни тирилтирур», деб танбеҳ берапти. Ўликни тирилтириш ҳақиқати нимадан иборат эканини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, бу илоҳий мўъжиза. Аллоҳ ушбу мўъжизасини Бани Исроилга кўрсатди. Агар хоҳласа, яна бошқа мўъжизаларни ҳам кўрсатаверади:

«... ва оят-аломатларини сизга кўрсатур».

Эски тафсирларимизнинг баъзиларида ўша сигир парчаси қайси парча эди: думими ёки бошқа жойими, деб узундан-узоқ тортишилган. Аммо айрим уламолар: «Бунинг аҳамияти йўқ, керак бўлса, Аллоҳнинг ўзи айтар эди. Аллоҳ айтмаган ва баҳс қилишни бужрмаган ишни баҳс қилиб, вақтни, ақлни бекорга сарфлашнинг нима кераги бор», дейишган. Шу гап жуда тўғри гап. Бўлиб ўтган ҳодисалар Бани Исроилнинг қалбини ларзага солиши, уларни тақвога чорлаши лозим эди. Лекин аксинча бўлди:

«Сўнгра, шундан кейин қалбларингиз қаттиқ бўлди, улар тошдек ёки тошдан ҳам қаттиқ. Ва ҳолбуки, тошларнинг баъзиларидан анҳорлар отилиб чиқади, баъзилари ёрилиб, ундан сув чиқади ва баъзилари Аллоҳдан қўрққанидан қулаб тушадир. Ва Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмас». (Бақара 74)

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Бани Исроилнинг охирги ҳодисадан кейинги ҳолатини васф қилмоқда. Шунча мўъжиза кўрган инсон, ким бўлишидан қатъий назар, қалби эриб, Аллоҳга бўлган эътиқоди зиёда бўлиши керак эди. Аммо Бани Исроилнинг қалблари қаттиқ бўлди. Қаттиқ бўлганда ҳам, тошдек қаттиқ, балки тошдан ҳам қаттиқ бўлди.

Чунки шунча қаттиқ бўлса ҳам, ҳатто тошларнинг баъзиларидан анҳорлар отилиб чиқади. Мусо алайҳиссалом асолари билан, Аллоҳнинг амрига биноан тошни урганларида, ўн икки булоқ отилиб чиққанини Бани Исроилнинг ўзи кўрди-ку! Ўша булоқларни ҳар бир қабила биттадан бўлиб олиб, сув ичди-ку! Баъзи тошлар ёрилиб, ундан сув чиқишини ҳам Бани Исроил кўрган-ку! Ҳатто тошлардан айримлари Аллоҳдан қўрққанидан қулаб ҳам тушади. Хусусан, Тур тоғига Аллоҳ таоло тажалли қилганида, у титилиб кетганини Бани Исроил ўз кўзи билан кўрган-ку! Уларнинг қалблари тошдан ҳам қаттиқ бўлганидан,

шунчалик мўъжизаларни кўриб туриб ҳам тақво йўлига, иймон йўлига юрмадилар. Бу ҳоллари бадбахтликнинг аломатидир.

БАНИ ИСРОИЛНИНГ МУҚАДДАС ЕРГА КИРИШДАН БОШ ТОРТИШИ

Бани Исроил фиръавннинг зулм ва истибдоди остида узоқ вақт яшади. Аллоҳ уларни қутқариш учун Мусо алайҳиссаломни юборди. Уларга ўзининг турли неъматларини ато этди. Охири бориб, Муқаддас ерга киришларини ирода қилди. Шунда Мусо алайҳиссалом уларни бу илоҳий амрни амалга оширишга ундаш мақсадида «Моида» сурасидаги ушбу гапни айтдилар:

«Эй қавмим, Аллоҳ сизга ёзиб қўйган муқаддас ерга кириш. Ортингизга қайтманг, бас, зиён кўргувчига айланасиз». (21)

Оятда зикр қилинаётган «муқаддас ер»дан мурод-Байтул Мақдисдир. Аллоҳнинг бу амрига шавқу завқ билан киришиш лозим эди. Аммо Бани Исроил яна яҳудийлигини қилди:

«Улар: «Эй Мусо, унда зўравон қавм бор. Улар ундан чиқмагунларича биз ҳеч қачон кирмасмиз. Агар улар чиқсалар, биз кирувчидирмиз», дедилар». (22)

Яҳудийларнинг ҳақиқий башаралари яна бир бор фош бўлди. Шу пайт:

«Улардан У зотдан қўрқадиганлардан бўлган ва Аллоҳ уларга неъмат ато этган икки киши: «Уларнинг устига эшикдан кириб боринглар. Агар унга кирсаларинг, албатта, ғолиб бўласизлар. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга таваккал қилингиз», дедилар». (23)

Мусо алайҳиссалом муқаддас ердаги аҳволни билиш мақсадида олдин ўн иккита нақиб-вакил юборган эдилар. Ушбу оятда зикри келган, Аллоҳдан қўрқувчи ва Унинг неъматига сазовор бўлган икки киши ўша нақиблардан эди.

Худди шу ўринда Аллоҳдан қўрқиш нимаю бошқадан қўрқиш нималиги равшан бўлмоқда. Аллоҳдан қўрқадиган банда ҳеч қачон бошқадан қўрқмайди. Чунки бир қалб икки хавфни кўтармайди. Аллоҳдан қўрқмаган эса, ҳаммадан қўрқади. Ушбу икки солиқ банда ҳам Аллоҳдан қўрқадиганлардан бўлганлари учун, қўрқмасдан муқаддас ерга бориб, у ерда юрган катта жуссали, бақувват ва зўравон қавмни ўз кўзлари билан кўриб келдилар. Қавмларини Аллоҳнинг амрига итоат этиб ўша зўравон қавм устига дадил бостириб бораверишга ундадилар.

Аммо Худодан қўрқмаганлар Аллоҳнинг амрига итоат этмасликларига зўравон қавмдан қўрқишларини баҳона қилдилар. Бундайларни мўмин деб бўладими? Улар мўмин бўлганларида:

«Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга таваккал қилингиз», деган чақириқ уларга таъсир қилар эди. Аммо Бани Исроилга бу чақириқ ҳам таъсир этмади.

«Улар: «Эй Мусо, модомики улар бор экан, биз зинҳор ва зинҳор у ерга кирмасмиз. Сен ўзинг Роббинг ила бориб икковлон уларга қарши уруш қилаверинглар. Биз бу ерда ўтириб турувчимиз», дедилар». (24)

Ана холос. Қўрқоқликнинг оқибати шу-да. Аввал узр-баҳона қидиришган бўлса, энди очиқдан-очиқ илоҳий амрдан бош тортмоқдалар. Шу билан бирга, уят-андишани йиғиштириб қўйиб, ўз ҳақиқатларини очдилар.

«Сен ўзинг Роббинг ила...» дедилар.

Демак, Аллоҳ Мусо алайҳиссаломнинг Робби, Бани Исроилнинг Робби эмас экан-да. Қўрқоқ бўлгандан кейин ҳол шу. Ҳамма нарсадан, ҳатто ақидадан ҳам воз кечиб юбораверилади.

«Биз бу ерда ўтириб турувчимиз».

Демак, уларга ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

Шундан кейин Мусо алайҳиссаломнинг Аллоҳга илтижо этиб, дуо қилишдан бошқа иложлари қолмади.

«У: «Эй Роббим, албатта, мен ўзим ва биродаримдан бошқага эга эмасман. Ўзинг биз билан фосиқ қавмнинг орасини ажратгин», деди». (25)
Ҳақиқий мўминнинг иши шундай бўлади. Қўлидан келганича ҳаракат қилиб, Аллоҳнинг амрини етказди. Бўлса, бўлди. Бўлмаса, ўзи ёлғиз қолса ҳам, иймон йўлидан собит қадамлар билан кетаверади.

Мусо алайҳиссалом ҳам Муқаддас ерга кириш ҳақидаги илоҳий фармонни қавмларига етказдилар. Уларни турли услублар билан бу фармони олийни бажо келтиришга ундадилар. Аммо Бани Исроил бани исроиллигига бориб, ҳеч йўлга юрмади. Шундагина Мусо алайҳиссалом Пайғамбарлик одоби ила, дарду аламга, ҳасратга тўла ушбу дуони қилдилар. Фақат ўзларию биродарлари Ҳорунга эга эканликларини, икковлари фармонни бажаришга тайёрликларини баён қилдилар. Ҳамда ўзлари билан фосиқ-диндан чиққан Бани Исроил қавми орасида ажрим чиқаришини Аллоҳдан сўрадилар.

Аллоҳ таоло Пайғамбари Мусо алайҳиссаломнинг бу дуоларини қабул этди ва қуйидаги ҳукми чиқарди:

«У: «Албатта, бу ер уларга қирқ йилгача ҳаромдир. Улар ер юзида ҳайрон бўлиб юрарлар. Фосиқ қавмлар учун хафа бўлма», деди». (26)

Бани Исроилнинг бу қилмиши учун, яъни, Аллоҳнинг амрига итоат этмагани-Муқаддас ерга кирмагани учун, Аллоҳ уларга бу муқаддас ерга киришни қирқ йилгача ҳаром қилиб қўйди. Тафсиричларимизнинг айтишларича, яҳудийлар бу муддатда Сино ярим оролидаги саҳрода 270 фарсахлик жойдан ташқарига чиқа олмай, адашиб, ҳайрон бўлиб, бир борган жойга қайта-қайта бориб юравердилар. Ана шундай ҳайронлик ва сарсон-саргардонликда қирқ йил юрдилар. Бу даврда мазкур гуноҳни содир этган, нобакор авлод ўлиб битди. Саҳрода ўсган янги авлод пайдо бўлди. Яъни, Аллоҳ тайин қилган муддат тугагунча аввалгилар муқаддас ерга кира олмай ўлиб кетдилар.

БОШҚА АЗОБЛАР

Юқорида зикр қилинган тийҳ-бир ердан чиқа олмай айланиб юриб ҳалокатга учраш. Бани Исроилнинг тузалмаслик дардига учраган бетавфиқ, нобакорлари учун эди. Улар ана ўша илоҳий жазога ўз қилмишлари туфайли йўлиқдилар.

Аммо унгача бўлган муддатда ҳам Аллоҳ таоло Бани Исроилни турли исёнлари учун турли жазоларга мубтало қилиб турган. Ана ўша жазоларнинг баъзилари ҳақида Бақара сурасида баёотлар келган. Намуна тариқасида Бани Исроил гирифтор бўлган мазкур иқоби илоҳийлардан баъзиларини ўрганамиз:

«Эй Мусо, бир хил таомга ҳеч чидай олмаймиз, Роббингга дуо қил, бизга ерда ўсадиган нарсалардан-сабзавот, тарра, саримсоқ, мош, пиёз чиқариб берсин», деганингизни эсланг. У: «Яхши нарсани паст нарсага алмаштиришни сўрайсизларми? Бирорта шаҳарга тушинг, сўраганингизни албатта, топасиз», деди. Уларга хорлик ва мискинлик ёзилди ва Аллоҳнинг ғазабига лойиқ бўлдилар. Бу Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари, Набийларни ноҳақ қатл этганлари учундир. Бу исёнга кетганлари ва ҳаддан ошганлари учундир». (Бақара 61)

Маълумки, Аллоҳ таоло Бани Исроилга осмондан манн ва бедана гўштини таом қилиб тушириб берган эди. Улар ҳеч қандай машаққатсиз дунёдаги энг олиймақом таомларни хоҳлаганларича ер эдилар.

Лекин пасткаш табиат шу ерда ҳам пасткашлик қилди. Бани Исроилликлар Мисрда фиръавн азоби остида хор-зор бўлиб юрган пайтдаги мош, саримсоқ каби таомларни қўмсаб қолдилар.

Пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломдан Аллоҳга дуо қилиб, бодринг, саримсоқ, мош, пиёз каби сабзавотлар сўраб беришини талаб қилдилар. Улар:

«Эй Мусо, бир хил таомга ҳеч чидай олмаймиз, Роббингга дуо қил, бизга ерда ўсадиган нарсалардан-сабзавот, тарра, саримсоқ, мош, пиёз чиқариб берсин», дедилар.

Мусо алайҳиссалом:

«Яхши нарсани паст нарсага алмаштиришни сўрайсизларми? Бирорта шаҳарга тушинг, сўраганингизни албатта, топасиз», деди».

Яъни, манн ва бедана каби олиймақом, яхши таомларни, мош, бодиринг, пиёз каби паст нарсаларга алмаштиришни сўрайсизларми? Сиз сўраётган нарсаларни хоҳлаган шаҳарга бориб топсаларингиз бўлади-ку? дедилар. Шундан сўнг:

«Уларга хорлик ва мискинлик ёзилди ва Аллоҳнинг ғазабига лойиқ бўлдилар».

Яъни, Бани Исроилга хорлик ва мискинлик ёзилди ва улар Аллоҳнинг ғазабига лойиқ бўлдилар. Уламоларимизнинг айтишларича, бу иш Мусо алайҳиссаломдан кейинги тарихларида рўй берган. Нима учун уларга бундай хорлик раво кўрилди, деган саволга ояти карима:

«Бу Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари, Пайғамбарларни ноҳақ қатл этганлари учундир. Бу исёнга кетганлари ва ҳаддан ошганлари учундир», деб жавоб қилмоқда.

Ояти кариманинг ушбу парчасида Бани Исроилнинг жиноятларидан тўрт хили зикр қилинмоқда:

1-Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари.

2-Пайғамбарларни ноҳақ қатл этганлари.

3-Исёнга кетганлари.

4-Ҳаддан ошганлари.

Ушбу хилдаги жиноятларни содир этганлари учун Бани Исроилга хорлик ва мискинлик ёзилди ва улар Аллоҳнинг ғазабига лойиқ бўлдилар.

Ҳеч бир уммат ўз тарихида Бани Исроилчалик каттиқ куфрга кетмаган, тажовузкорлик қилмаган ва ҳидоятни инкор этмаган. Улар ўзларининг бир қанча Пайғамбарларини ўлдирдилар, сўйдилар ва арра билан арралаб ташладилар.

Бу эса, ҳақ йўлга чақириб келган зотларга нисбатан қилинган энг ашаддий тажовузкорлик ҳисобланади. Уларнинг кофирлиги энг ёмон кофирлик, уларнинг тажовузкорлиги энг ёмон тажовузкорлик ҳисобланади.

Аллоҳ таоло шунингдек, Бани Исроилни қилган гуноҳлари жазоси сифаитда хор-зор маймунга айлантиргани ҳақида ҳам хабар беради:

«Батаҳқиқ, сизлардан шанба куни тажовузкорлик қилганларни билдингиз. Биз уларга: «Қувилган, хор-зор маймунга айланинг», дедик». (Бақара 65)

Шанба куни ҳаддан ошганларнинг қиссаси бошқа оятларда келади. Шанба куни ҳаддан ошган яҳудийлар Ййла номли жойнинг яҳудийлари эдилар.

Шанба куни-Бани Исроилнинг муқаддас кунидир. Улар ўша куни дам олиб, фақат ибодат билан машғул бўлиб, дунёни ёдга олмасликка аҳду паймон беришган.

Аллоҳ таоло уларни синаш учун худди ўша куни, яқинларидаги сув ҳавзасида балиқни кўпайтириб қўйди. Бошқа кунлари балиқ унча кўп кўринмас эди.

Яҳудийлар қаерда бўлсалар ҳам, қачон бўлса ҳам яҳудийликларини қиладилар.

Ушбу масалада ҳам улар хиёнат қилдилар, ҳийла ўйлаб топдилар. Шанба куни балиқ кўпайганда, уларни денгиздан ажратиб олиш учун ҳовузлар қилиб, ўшаларга кирган балиқларни қамаб олиб, бошқа куни овлайдиган бўлдилар.

Ўшандан кейин Аллоҳ таоло уларни ҳайвонларнинг ичида энг пасткаши, тутруғи йўғи, орсизи бўлмиш маймунга айланишга ва хор-зорликда, қувилган ҳолда яшашга амр берди.

Баъзи уламоларимиз таъкидлашларича, албатта, бу маъно шаклан маймун бўлишни тақозо қилмайди, балки маймунсифат хулқ-атвор ва табиатга эга бўлишни ҳам билдиради. Бу ҳодиса ажойиб бир ҳодисадирки, қанча ибрат олинса, шунча оз.

«Биз бу (ҳодиса) ни унинг олдидагиларга ва кейинидагиларга ва тақводорларга мавъиза қилдик». (66)

Ушбу хабарлардан Бани Исроилнинг яна икки ахлоқини билиб олса бўлади.

1. Кўп таъкидлашга қарамай, ўзларига тушган ваҳийдан, илоҳий кўрсатмалардан юз ўгириш.

2. Буйруқ ва қайтариқларга юзаки амал қилган бўлиб, аслида, хилоф иш тутиш. Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: «Яҳудийлар қилган ишни сизлар қилманглар, Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳар хил ҳийлалар билан ҳалол ҳисобламанглар», дейдилар.

МУСО ВА СОЛИҲ БАНДА ҚИССАСИ

Мусо алайҳиссалом ва солиҳ банда ҳақидаги қисса Қуръони Каримнинг энг машҳур қассаларидан биридир. Бу қиссанинг бош қаҳрамонлари ҳам Мусо алайҳиссаломдирлар. Пайғамбарлар қиссаларига бағишланган китобни бу қиссасиз тасаввур қилиш ҳам қийин.

Турли ибратларга бой бу қисса қаҳрамонлари ҳақида тафсирчи уламоларимиз турли фикрларни айтганлар. Турли тортишувлар бўлган. Ҳаттоки қиссадаги Мусо, машҳур Пайғамбар Мусо алайҳиссаломми ёки бошқа Мусоми деганлар ҳам бўлган. Шунингдек, икки денгизнинг жам бўлган жойи қаерда, солиҳ банда ким, каби саволларга ҳам, жавоблардан келиб чиққан мулоҳазаларга ҳам шарҳ ва таълиқлар кўпайган. Оқибатда баъзи тафсирларда қисса ва ундан чиқадиган ибратлар бир ёқда қолиб, тортишувларга кўп ўринлар ажратилган. Бизнинг мақсадимиз Қуръони Каримни осон йўл билан тушуниш бўлгани учун шунга мос тафсирларга эргшиб, бошқа оятлардаги каби, бу қиссада ҳам қуръоний истилоҳларга асосланиб асл маънони тушунишга ҳаракат қиламиз.

Бу қисса «Каҳф» сурсининг олтмишинчи оятидан бошланади ва саксон иккинчи оят ила тамом бўлади.

Келинг қиссани ўрганиб чиқайлик: «Мусо ўз йигитига: «Икки денгиз жамланган жойга етмагунимча, йилларни ўтказсам ҳам, юравераман», деганини эсла».

Мусо алайҳиссаломнинг бундай қарорга келишларининг сабаби Имом Бухорийнинг Саид ибн Жубайрдан қилган ривоятларида баён этилган. Унда Саид ибн Жубайр қуйидагиларни айтадилар: «Мен Ибн Аббосга:

«Навф ал-Қуноший Хизр алайҳиссаломнинг соҳиби бўлган Мусо Бани Исроилнинг соҳиби бўлган Мусо эмас, деб даъво қиляпти», дедим. Ибн Аббос:

«Аллоҳнинг душмани ёлғон айтибди. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳу бизга айтишларича, у киши Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг мана бу ҳикояларини эшитган экан:

«Мусо Бани Исроил орасида бир куни хутба қилиб турганида, одамларнинг қайсиниси энг илмли, деб сўралди. У:

«Мен», деди.

Аллоҳ уни илмни ўзига нисбат бергани учун итоб қилди. У Мусога: «Икки денгиз қўшилган жойда Менинг бир бандам бор. У сендан илмироқ», деди.

Мусо:

«Эй Роббим, мен уни қандай топаман?» деди. Аллоҳ:

«Ўзинг билан бир балиқни саватга солиб ол. Балиқни қаерда йўқотсанг, уни ўша ерда топасан», деди».

Шундан кейин Мусо алайҳиссалом йўлга тайёргарлик кўрдилар ва хизматкор йигитларига юқоридаги оятда келган азму қарорни айтдилар. У киши ўзларидан илмироқ бандани топиш учун икки денгиз жамланган жойга боришга қарор қилган эдилар.

Икковлон икки (денгиз) жамланган жойга етганларида, балиқларни унутдилар. Бас, у денгизни тешиб йўл олди».

Мусо алайҳиссалом хизматкор йигит билан юриб-юриб, икки денгиз қўшиладиган жойга етиб келдилар. Ўша жойда саватда олиб келган балиқларини унутиб қўйдилар. Балиқ эсларига келмади. Яна юриб кетавердилар. Аммо ўша жойда:

«Бас, у денгизни тешиб йўл олди».

Яъни, балиқ денгизни тешиб сузиб кетди. Балиқ сузиб кетган жой тешик бўлиб сувсиз ҳолга келиб қолди. Уни кўрган одам, бу ердан бир балиқ сузиб ўтибди, деган хулосага келадиган бўлди.

«У(ер)дан ўтганлари замон у йигитига: «Тушлигимизни келтир. Бу сафаримизда чарчоққа учрадик», деди».

Яъни, икковлари ваъда қилинган, икки денгиз жамланадиган макондан ўтгандан сўнг Мусо алайҳиссалом хизматкор йигитга тушлик овқатни келтиришни буюрдилар, сафарда чарчаб, оч қолдик, дедилар.

«У: «Буни қара, харсангга (суяниб) жойлашганимизда, мен балиқни унутибман. Фақат шайтонгина уни эслашимни унутдирибди. Ажабо, у денгизга йўл олибди», деди».

Тушлик пайти балиқ ёдларига келса, уни тушириб қўйишгани маълум бўлади. Билъакс, унинг денгизга йўл олишидан йигит ажабланмас ҳам эди. У фақатгина Мусо алайҳиссалом тушлик сўраганларидан сўнг балиқнинг йўқлигини билди. Аввалги харсанг тошга суяниб дам олган жойларида балиқ сувга тушиб, сузиб кетганини пайқаб қолди. Ҳамда бу ишдан ғоятда ажабланганини баён қилди. Мусо алайҳиссалом эса, йигитнинг ажаблаганини кўриб:

«Ана шу биз истаган нарса», деди. Бас, келган йўлларида изларига қайтдилар».

Мусо алайҳиссалом йигитнинг балиқни унутиб қўйгани, у эса, денгизга йўл олиб кетганини айтиши билан:

«Ана шу биз истаган нарса», дейишлари, шуни кутиб юрган эдик-ку, деган маънони билдиради. Чунки Мусо алайҳиссалом балиқ жонланиб, сувга тушиб сузиб кетган жойда излаб юрган нарсаларини топар эдилар. Шунинг учун балиқнинг йўқолиб қолганини эшитганларида хафа бўлмадилар, севиндилар. Ҳамда ўша балиқ сувга тушиб, сузиб кетган жойни топиш учун йигит билан биргаликда изларига қайтдилар. Қайтиб бориб, ўша белгили жойда:

«Бас, бандаларимиздан бир бандани топдилар. Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ва Ўз тарафимиздан илм ўргатган эдик».

У ерда Мусо алайҳиссаломдан илмлироқ, у киши илм ўрганиш учун излаб юрган солиҳ бандани кўрдилар. Бу бандага Аллоҳ таоло Ўз даргоҳидан раҳмат ато этган ҳамда унга Ўз тарафидан илм ўргатган эди. Бу илм Мусо алайҳиссалом биладиган илмдан бошқа илм эди. Шу боис Мусо алайҳиссалом ўша солиҳ бандадан илм ўрганиш учун уни излаб йўлга чиққан эдилар. Уни кўришлари билан:

«Мусо унга: «Сенга ўргатилган рушддан менга ҳам ўргатмоғинг учун сенга эргашсам майлими?» деди».

Мусо алайҳиссалом улкан Пайғамбар бўлишларига қарамай, ўзларидан кўра илмлироқ, ўзларига устоз бўлиши мумкин бўлган кишига ўта одоб билан мурожаат қилиб, унга шогирд тушишни сўрадилар.

«У: «Сен мен билан бирга бўлишга сабр қила олмассан.

Ўзинг хабарини иҳота қилмаган нарсага қандай сабр қиласан», деди».

Солиҳ банда бу гапи билан Мусо алайҳиссаломга ўзидаги илм оддий илм эмас, ладуний (яъни, сиртдан бошқа кўринган нарсаларнинг ичидаги, ортидаги сирларини билиш илми) эканини, бундай сирли илмларга Пайғамбар бўлса ҳам, сабр қилиши қийинлигини айтди. Бўлаётган ҳодисани иҳота эта олмаган одам унга сабр қилиб, индамай қараб тура олиши қийин эканини эслатди.

Мусо алайҳиссалом унинг бу гапига жавобан:

«У: «Инша Аллоҳ, менинг сабрли эканимни кўрурсан ва сенга ҳеч бир ишда осий бўлмасман», деди».

Яъни, Мусо алайҳиссалом шогирд сифатида устознинг оғир шартларини ҳам қабул қилдилар ва унга зинҳор осий бўлмасликка ваъда бердилар. Шунда:

«У: «Агар менга эргашадиган бўлсанг, то ўзим зикр қилиб айтмагунимча бир нарса ҳақида сўрамагин», деди».

Яъни, солиҳ банда Мусо алайҳиссаломни шогирдликка қабул қилди. Аммо шарт қўйди. Шартни ўзи баён қилиб бермагунча, Мусо алайҳиссалом ундан бирон нарса сўрамастиклари эди. У киши ундан ҳеч нарсани сўрамай эргшиб юриверса, шартни бажарган бўлади. Агар сўраса, шарт бузилади. Шунга келишганларидан кейин:

«Бас, юриб кетдилар. Кемага минганларида, уни тешиб қўйди. У (Мусо): «Буни унинг аҳлини фарқ қилиш учун тешдингми?! Жуда ғалати нарса қилдинг-ку?!» деди».

Солиҳ банда билан Мусо алайҳиссалом бориб кемага миндилар. Сузиб кетаётиб, солиҳ банда кемани тешиб қўйди.

«Бас, юриб кетдилар. Кемага минганларида, уни тешиб қўйди».

Сиртдан қараганда, унинг иши ажабланарли эди. Кема уларнинг ҳожатини чиқараётибди, кемада бошқа одамлар ҳам бор, аммо солиҳ банда кемани тешиб қўйди. Мусо алайҳиссалом бу ғалати ишга ҳайратланиб, унга: «Буни унинг аҳлини фарқ қилиш учун тешдингми?! Жуда ғалати нарса қилдинг-ку?!» деди».

Албатта, одамларни ортиб бораётган кемани биров тешса, дастлаб, демак унинг мақсади одамларни фарқ қилиш экан-да, деган ўй келади. Мусо алайҳиссаломнинг хаёлларига ҳам дарҳол шу фикр келди. Уни дарҳол солиҳ бандага айтдилар.

Мусо алайҳиссаломнинг мазкур саволларига жавобан: «У: «Сенга, албатта, мен билан бирга бўлишга сабр қила олмасан демабмидим?!» деди».

Солиҳ банда дарҳол Мусо алайҳиссаломга орадаги шартни бузганларини эслатди. Ўзи хабар бермагунча савол сўраганларини юзларига солди.

«У: «Эсимдан чиққан нарса учун мени жазолама, бу ишим учун мени қийнама», деди».

Мусо алайҳиссалом узрларини айтдилар. Эсларидан чиқиб шартни бузганликлари учун жазолаб, шогирдликдан қувмаслигини сўрадилар. Бу ишлари учун оғирликка дучор қилмаслигини тиладилар. Солиҳ банда биринчи бор у кишининг узрларини қабул қилди.

«Бас, улар юриб кетдилар. То бир болани учратганида, уни ўлдирди. У (Мусо): «Бировни ўлдирмаган бегуноҳ жонни ўлдирасанми?! Жуда мункар нарса қилдинг-ку?!» деди».

Икковлари яна биргаликда кетаётган эдилар, бир бола чиқиб қолди. Солиҳ банда болани ўлдирди. Бегуноҳ ёш болани ўлдириш ғалати иш эди. Шунинг учун Мусо алайҳиссалом бу ишга чидай олмай, солиҳ бандага эътироз билдирдилар. Унга:

«Бировни ўлдирмаган бегуноҳ жонни ўлдирасанми?! Жуда мункар нарса қилдинг-ку?!» деди».

Бу иши кемани тешгандан ҳам баттар туюлди. Чунки кўриб, билиб туриб бир маъсум гўдакни қасддан ўлдириш ҳазилакам иш эмас эди.

«У: «Сенга, албатта, сен мен билан бирга сабр қила олмайсан демабмидим?!» деди».

Мусо алайҳиссалом иккинчи марта шартни буздилар. Солиҳ бандага яна бир бор узр айтдилар.

«У: «Агар бундан кейин сендан яна бир нарсани сўрасам, мен билан биродарлик қилмай қўявер. Батаҳқиқ, мен тарафимдан узр (қабули) ни охирига етказдинг», деди».

Мусо алайҳиссалом камчиликларини тан олиб, ўзларига ўзлари ниҳойи ҳукми чиқардилар. Аввал бир марта кечирдинг, яна бир кечир, бундан кейин яна шартни бузсам, айб ўзимда бўлади, сендан ҳеч гина қиладиган жойим қолмайди, дедилар. Солиҳ банда бу сафар ҳам узрни қабул қилди.

«Бас, юриб кетдилар. То бир шаҳар аҳолисига келганларида, унинг аҳлидан таом сўрадилар. Улар икковларини зиёфат қилишдан бош тортдилар. Икковлари у ерда йиқилиб кетай деб турган бир деворни кўришди. Бас, уни турғизиб қўйди. У (Мусо): «Агар хоҳласанг, бунинг учун ҳақ олар эдинг», деди».

Яна тушуниб бўлмас ғаройиб иш содир бўлди. Икковлари юриб бориб бир шаҳарга кирдилар. Қоринлари очиқиб, ўша шаҳар аҳолисидан таом сўрадилар. Шаҳар аҳолиси уларга таом беришдан бош тортди. Бундай бахил аҳолидан ҳар қанча хафа бўлса арзирди. Аммо солиҳ банда ранжимади. Ўша ерда йиқилиб кетай деб турган девор бор экан, уни қайта тиклаб қўйди.

Бу иши Мусо алайҳиссаломга қизиқ туюлди. Девор эгалари қизғанчилик қилиб уларни меҳмон қилишдан бош тортсалар-у, уларнинг йиқилиб кетай деб турган деворини ҳақ олмасдан тиклаб қўйса. Ҳеч бўлмаса, ушбу деворларингизни тиклаганим учун ҳақ берасизлар, деса, бўлмасмиди? Пул берса, таом олиб ейишармиди?

Шу хаёлларга бориб, Мусо алайҳиссалом ишнинг зоҳиридан ҳукм чиқардилар ва солиҳ бандага:

«Агар хоҳласанг, бунинг учун ҳақ олар эдинг», деди.

Бу эса, у кишининг учинчи марта шартни бузишлари эди.

Солиҳ банда энди Мусо алайҳиссаломга шартни бузганликларини эслатиб ўтирмай, бир йўла ниҳойи ҳукми айтди:

«У: «Бу мен билан сенинг орамиздаги ажрашишдир. Энди сенга сабр қила олмаган нарсанинг таъвилини айтиб бераман», деди».

Сен учинчи марта шартни буздинг. Энди узрга жой қолмади. Бу қилиғинг икковимизнинг ажрашишимиз белгисидир. Энди сен тушуна олмай, сабр қила билмай, шартни бузиб сўраган нарсаларингнинг, ғаройиб тасарруфотларнинг сирини айтиб бераман.

«Кемага келсак, у денгизда ишлайдиган мискинларники эди. Бас, мен уни айбли қилишни ирода қилдим. Чунки ортларида бир подшоҳ бўлиб, барча кемани тортиб олаётган эди».

Сен бизни ва бошқаларни олиб кетаётган кемани тешиб қўйганимдан ажабланиб, менга эътироз билдирган эдинг. Сиртдан қараганда, ўша ишим ноҳақ эди. Аммо ишнинг моҳиятида бошқа гап бор эди. Ўша кема камбағал одамларники эди. Улар шу кеманинг орқасидан кун кўрардилар. Аммо уларнинг подшоҳлари барча бутун кемаларни тортиб олишга ҳукм чиқарган бўлиб, подшоҳлик ихтиёрига ўтказаетган эди. Мен кемани айбли қилиб қўйдим. Юзаки қараганда, кема эгалари учун зарар етказдим. Кемаларини тешдим. Аммо аслини олганда, уларга фойда қилдим. Подшоҳ одамлари айбли кемани ташлаб кетадилар. Камбағаллар бутунлай кемасиз қолгандан кўра, айбли бўлса ҳам, уни ишлатиб кун ўтказа берадилар. Сен бундан беҳабар мендан норози бўлдинг.

«Энди болага келсак, ота-онаси мўмин кишилар эди. Бас, биз унинг икковларини туғён ва куфр ила эзишидан қўрқдик».

Йўлда учраган ёш болани ўлдириб қўйганимга ҳам чидай олмадинг. Эътироз билдирдинг. Дарҳақиқат, бировга ёмонлик қилмаган, беғуноҳ бир болани бекордан-бекорга ўлдириш ҳар кимга ғаройиб иш бўлиб кўринади. Аммо бунинг ортида ҳеч ким билмайдиган ҳикмат бор. Боланинг ота-онаси мўмин кишилар эдилар. Аммо бола улғайса, кофир бўлиб, туғёнга кетиб, ота-онасини эзар эди. Ҳолбуки, ота-онаси унинг зулмига лойиқ кишилар эмасдилар. Ўша ота-онани келажакдаги ёмонликдан асраш учун болалари вояга етмасдан, куфр ва туғён содир этмасдан, ёшлигидаёқ ўлдириб қўйишни лозим топдик. Сиртдан

қараганда, ёш боланинг қатл этилиши ила ота-онага катта мусибат етди. Аммо, аслини олганда, улар жуда катта мусибатдан қутулдилар. Чунки биз келажакда уларнинг куфр ва туғён ила эзадиган болаларини ўлдирдик. Ва:

«Бас, Роббилари уларга унинг бадалига ундан кўра яхшироғини, аҳли солиҳроқ ва меҳрибонроғини беришни ирода қилди».

Келажакда кофир бўлиб, туғёнга кетиб, ота-онасига улкан мусибат етказадиган болани олиб, унинг ўрнига аҳли солиҳ ва меҳрибон фарзанд бериш, албатта, яхшиликдир.

«Деворга келсак, у шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида икковларининг хазинаси бор эди. Уларнинг оталари солиҳ одам эди. Бас, Роббинг икковларининг вояга етишини ва хазиналарини чиқариб олишини ирода қилди. Бу Аллоҳнинг раҳмати ила бўлди. Мен ўзимча қилганим йўқ. Мана шу сен сабр қила олмаган нарсанинг таъвилидир».

Таом сўрасак, қизғанчилик қилиб бермаган шаҳарликларнинг базўр турган икки деворини тиклаб қўйганим ҳам сенга мантиқсизлик бўлиб кўринди. Ҳеч бўлмаса, ҳақ олсанг бўлар эди, деб маломат қилдинг. Сен сирни тушунмай, сиртдан ҳукм чиқариб шундай дединг. Аслида, бу ишда мантиқ ва ҳикмат бор эди. Нураган ўша эски девор шаҳардаги икки етим болага тегишли эди. Деворнинг остига эса, икковларига мерос хазина кўмилган эди. Девор йиқилса, хазина очилиб, гўдак болалар ундан маҳрум бўлишлари мумкин эди. Уларнинг оталари аҳли солиҳ бўлиб ўтган эди. Шунинг учун Аллоҳ унинг етим фарзандларига ҳам яхшиликни раво кўрди. Икковлари вояга етиб, хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Менга деворни тиклаб қўйишни билдирди. Мен шундай қилдим. Энди икки етим боланинг хазиналари улар вояга етгунларича очилмай туради. Бу ишлар ҳаммаси Аллоҳнинг раҳмати ила бўлди. Мен ўзимча қилганим йўқ. Сен бўлса, ортида ҳикмати бор шу ишларни кўриб, чидаб тура олмай, шартни буздинг, турли гаплар айтдинг.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда: «Биродарим Мусога Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, сабр қилганида, Аллоҳ бизга уларнинг қиссаларини айтиб берар эди. У (Мусо) ўз шериги билан турганида, ажойиботларни кўрар эди», деганлар.

Шу жойда Мусо алайҳиссалом билан солиҳ банда қиссаси тамом бўлади.

Ушбу қисса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам ўзига хос услубда келган. Айнан ҳадиси шарифдан Мусо алайҳиссаломга устозлик қилган зот Хизр алайҳиссалом эканликларини билиб оламиз. Биз аввал Қуръони Каримдаги қиссани ўрганиб олиш мақсадида ҳадиси шарифдаги маълумотларни аралаштирмай турган эдик. Фақат ўрни келганда иккита иқтибос келтирдик, холос. Мазкур қисса энг мўътабар ҳадис китобларимизда турли ривоятларла келган.

Биз муҳаддисларнинг имоми, мўминларнинг ҳадис илмидаги амири, Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ўзларининг Саҳиҳ китоларида келтирган ривоятлардан бирини келтирамиз. У киши «Китобут Тафсир»да,

Аллоҳ таолонинг: «Бир куни Мусо ўз йигитига: «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунимча ёки узоқ муддат кезмагинимча юришдан тўхтамайман», деганини эсла»-деган қовли ҳақидаги Боб, сарлавҳали бобда қуйидагиларни ривоят қиладилар: Саъид ибн Жубайрдан ривоят қилинади: «Мен ибн Аббосдан: «Навфал ал-Баколий: «Ҳизр алайҳиссаломга ҳамсуҳбат бўлган Мусо Баний Исроилга Пайғамбар бўлган Мусо эмас»-демоқда, шу тўғрими?»-деб сўрадим. Ибн Аббос (ғазабланиб): «Аллоҳнинг душмани ёлғон гапирибди, менга Убай ибн Каъб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ривоятларини айтиб берган эди», -деди.

«Мусо алайҳиссалом Баний Исроилга хутба қилиб турган эканлар, шунда у кишидан: «Одамларнинг орасида энг билимдони ким?»– деб сўрашди. Мусо алайҳиссалом: «Мен»–деб жавоб бердилар. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга танбеҳ берди, чунки у киши «Оллоҳ билимдонроқ», демадилар. Кейин, Аллоҳ таоло:

«Икки денгиз қўшилган жойда Менинг бир бандам яшайди, у сендан билимдонроқ», деб ваҳий қилди.

Мусо алайҳиссалом: «Эй Роббим, мен ул зотни қандай топарман?»–дедилар. Оллоҳ таоло: «Бир балиқни саватга солиб, кўтариб оласан, қаерда ўша балиқни йўқотсанг, шу жойда Хизрни кўрасан», деди.

Мусо алайҳиссалом бир балиқни саватга солиб, йулга тушдилар, хизматкорлари Йушаъ ҳам бирга эрди. Юра-юра бир тепалик ёнига келиб, бошларини ерга қўйдилар-да, уйқуга кетдилар. Саватдаги балиқ эса тирилиб, ҳаракатга келди-да, денгизга тушиб, сузиб кетди. Аллоҳ таоло балиқ сузиб ўтган йўналишдаги сувни оқишдан тўхтатиб, бинонинг йўлагига ўхшатиб қотириб қуйди. Хизматкор йигит Мусо алайҳиссалом уйғонганларида балиқнинг йўқолганини айтишни унутди. Улар яна бир кеча-кундуз йўл юришди. Эртаси куни Мусо алайҳиссалом ҳамроҳларига: «Егулигимизни келтир, сафаримизда бироз машаққат тортдик»,–дедилар.

Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таоло бормоқни букрган ўша балиқ йўқолган жойгача ҳеч машаққат чекмаган эрдилар, аммо кейинги бир кечаю-кундузда қаттиқ қийналдилар. Мусо алайҳиссаломнинг ҳамроҳлари:

«Эсингиздами, бир тепалик олдида ухлаган эрдик. Ўша ерда мен балиқни йўқотган эрдим, лекин сизга айтишни унутибман. Албатта, буни менга шайтон унутдирган», деди.

Балиқ эса сирли сувратда денгизга тушиб ғойиб бўлган эди. Мусо алайҳиссалом ва ул кишининг хизматкорлари унинг қандай қилиб ғойиб бўлганини билолмай таажжубда қолишди. Кейин, Мусо алайҳиссалом: «Мана шу биз истаган нарсадур»,– дедилар-да, Хизр алайҳиссаломни излаб хизматкорлари билан орқаларига қайтдилар. Улар юра-юра ниҳоят икки денгиз бирлашган жойдаги тепалик ёнига келишди. Шу ерда кийимига уралиб олган бир кишини учратишди. Мусо алайҳиссалом салом бердилар. Хизр алайҳиссалом ул кишига жавобан: «Сизнинг ерингизда қаердан ҳам тинчлик (салом) булсин?!»– дедилар.

«Мен Мусоман», дедилар, Мусо алайҳиссалом.

«Баний Исроилнинг Мусосимисан?» дедилар Хизр алайҳиссалом.

«Ҳа, ўзингиз билган илмдан менга ҳам ўргатсангиз, деб келдим», дедилар Мусо алайҳиссалом. Хизр алайҳиссалом:

«Сен мен билан сабр қилиб юра олмайсан. Эй Мусо, менда Аллоҳ таоло билдирган шундай илм борки, уни сен билолмасан ва сенда Аллоҳ таоло билдирган шундай илм борки, уни мен билолмайман», дедилар. Мусо алайҳиссалом: «Худо хоҳласа, менинг сабрли эрканлигимни кўрасиз, сизга осийлик қилмайман», дедилар. Хизр алайҳиссалом: «Ундоқ бўлса, мен билан юргин-да, то ўзим айтмагунимча бирор нарсанинг сабабини сўрама», дедилар.

Сўнг, икковлари денгиз соҳили бўйлаб юриб кетишди. Иттифоқо бир кема соҳилга келиб тўхтади. Улар кемачи билан гаплашиб, ўзларини бирга олиб кетишга уни кўндиришди. Аммо, кемадагилар Хизр алайҳиссаломни таниб қолиб, бепул олиб кетишга рози бўлишди. Кема йўлга чиққач, кўп ўтмай Хизр алайҳиссалом болта билан кеманинг бир ёғочини кўчириб олдилар. Мусо алайҳиссалом ул кишига: «Бу қавм-ку, бизни бепул кемаларига чиқариб олдилар, сиз бўлсангиз кемаларини чўктириш учун уни тешиб қўйдингиз, таажжуб иш қилдингиз», дедилар. Шунда Хизр алайҳиссалом: «Мен сенга мен билан бирга сабр қилиб юра олмайсан, деб айтувдим-ку!» дедилар. Мусо

алайҳиссалом дарҳол узр айтиб: «Унутган нарсам учун менга танбеҳ, бериб, кўзлаган ишимни қийинлаштирманг», дедилар. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусо алайҳиссаломдан содир бўлган дастлабки хато эсдан чиқариш сабабли эди», дедилар). Кейин, бир чумчуқ келиб кема четига қўнди-да, тумшуғи билан денгиздан бир томчи сув олди. Шунда Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга: «Аллоҳнинг илми олдида мен билан сеннинг илминг мана шу чумчуқ денгиздан олган бир қатрачалиқдур, холос!» дедилар. Кейин, икковлари кемадан тушиб соҳил бўйлаб кетаётган эдилар, ногаҳон Хизр алайҳиссаломнинг кўзлари ўртоқлари билан ўйнаб юрган бир болага тушиб, бориб уни ўлдирдилар. Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссаломга: «Бегуноҳ бир покиза болани ўлдирдингиз, қандай ёмон иш қилдингиз!» дедилар. Хизр алайҳиссалом: «Мен сенга мен билан юришга ҳеч тоқат қилолмайсан, деб айтмаганмидим!» дедилар.

Бу танбеҳ аввалгисидан қаттиқроқ ва таҳдидлироқ эрди. Мусо алайҳиссалом: «Агар яна бирор нарса ҳақида сиздан сўрасам, майли мени ўзингиз билан олиб юрманг, унда айб ўзимда бўлади» деб илтимос қилдилар.

Икковлари йўлда давом этиб бир қишлоққа киришди, қишлоқ аҳлидан таом сўрашган эди, улар меҳмон қилишдан бош тортишди. Хизр алайҳиссалом ўша ерда йиқилай деб турган бир деворни кўриб, қайта тиклаб қўйдилар. Буни кўриб Мусо алайҳиссалом: «Бу қавмнинг ҳузурига келиб таом сўрадик, беришмади, меҳмон ҳам қилишмади, агар хоҳласангиз, мана шу ишингизга ҳақ олишингиз мумкин эди», деб куюндилар. Хизр алайҳиссалом: «Мана бу энди сен билан менинг фироғимиз сабабдур! Лекин мен, сенга ўзим айтиб бергунимгача сен сабр қилолмаган ишларнинг маъносини айтиб берайин: бояги кема хусусига келсак, у бечораҳол кишиларники бўлиб, улар борадирган жойда яроқли кемаларни тортиб оладиган золим подшоҳ бор эди. Ҳалиги боланинг ота-онаси эса мўмин кишилар бўлиб, куфр ва осийлик бирлан уларга кўп озор берар эрди. Шу сабабдан Аллоҳ таоло унинг ўрнига покиза ва меҳрибон фарзанд ато қилишни ирода қилди. Мана бу девор масаласига келсак, унинг остида хазина бор, у икки етим болага тегишли. Уларнинг марҳум оталари солиҳ киши бўлган бўлиб, ундан қолган ушбу хазинани Аллоҳ таоло улар вояга етгач, юзага чиқармоқни ирода қилди. Мен бу ишларни ўзим учун қилганим йўқ. Мана шулар сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидур», дедилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Қани энди, Мусо алайҳиссалом сабр қилган бўлсалар, Аллоҳ таоло бизга икковлари ҳақидаги қиссаларни баён қилиб берар эди», дедилар».

Уламоларимиз бу қиссадан кўплаб ҳикматлар, ибратлар чиқарганлар. Уларнинг барчасини эслаб, ёзиш кўп вақт ва кўп жойни талаб қилади. Шунинг учун бири-бирига қилинадиқитасини айтиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчиси, дунёдаги ҳар қандай инсон илмининг чекланганидир. Мусо алайҳиссалом Улул азм Пайғамбарлардан бўлишларига қарамай, Калимуллоҳ-Аллоҳ билан бевосита каломлашган-сўзлашган зот бўлишларига қарамай, ўз замонларидаги бандалардан бири билганларини билмадилар. Унга шогирд тушдилар.

Иккинчиси, бу дунёда содир бўладиган ишларнинг асл моҳиятини фақат Аллоҳ таолонинг ўзигагина билади.

Учинчиси, мўмин банда ўзига етган, сиртдан баъзан мусибат бўлиб кўринаётган ишлардан сабрсиз бўлмаслиги лозим. Кейин ўша иш унинг ўзи учун фойдали бўлиб чиқиши эҳтимоли борлигини унутмаслиги керак.

Тўртинчиси, ҳаёти дунёдаги баъзи бир ҳодисалар ҳам кишини фитнага учратиб йўлдан оздириши мумкинлигига ишора қилмоқда. Ва ҳоказо...

Ҳадиси шарифларда Мусо а.с. ҳақларида яна бошқа маълумотлар ҳам бор. Жумадан, «Тожул Жомеъ» китобининг «Баъзи анбиёлари фазллари» бобида қуйидаги ривоятлар келтирилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Икки киши сўкишиб қолди. Яҳудийлардан бир киши ва мусулмонлардан бир киши. Шунда мусулмон: «Муҳаммад алайҳиссаломни танлаб олган зот ила қасам!» деди.

Яҳудий эса: «Мусо алайҳиссаломни оламлар устидан танлаб олган зот ила қасам!» деди.

Ана шу пайтда мусулмон қўлини кўтариб, яҳудийнинг юзига шапалоқ туширди. Яҳудий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб ўзи билан мусулмон орасида бўиб ўтган иш ҳақида хабар берди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мени Мусодан яхши қилманглар. Одамлар хушларидан кетганда биринчи ўзига келган мен бўламан. Қарасам, Мусо Аршнинг бир томонини ушлаб турган бўлади. Билмайман, у ҳам хушидан кетиб мендан олдин ўзига келганми ёки истисно қилинганлардан бўлганми», дедилар».

Учовлари ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўлим фариштаси Мусо алайҳиссаломга юборилди. Унинг олдига келганда бир шапалоқ тушириб кўзини чиқариб қўйди. У ўз Роббисига қайтиб борди ва: «Мени ўлимни истамайдиган бир бандага юборибсан», деди. Бас, Аллоҳ унга кўзини қайтарди ва: «Унинг олдига қайт-да, унга айт, қўлини бир хўкизнинг устига қўйсин. Қўли ёпган жойдаги қиллар сонича йил унга берилади», деди. У: «Ҳа, Роббим. Сўнра нима?» деди.

«Сўнгра ўлим», деди У зот.

«Ана энди бўлди», деди.

Бас, у Аллоҳдан ўзини муқаддас ерга бир тош отишча яқинлаштиришни сўради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўша ерда бўлганимда сизларга унинг йўл бўйидаги қизил қум тепалик остидаги қабрини кўрсатар эдим», дедилар.

Икки шайх ривоят қилган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга исро қилдирилган кечада Мусонинг қизил қум тепадаги қабир олдидан ўтдим. У қабрида тик туриб намоз ўқиётган экан», дедилар».

У ЗОТНИНГ ВАФОТЛАРИ

Мусо алайҳиссалом ўз акалари Ҳорун аҳайҳиссаломдан кейин тийҳ-бани исроилликлар чиқа олмай айланиб юрган ерда вафот этдилар. У зот Бани Исроилни муқаддас ерга олиб кирмадилар. Уларни у ерга йўшаъ ибн Нун олиб кирди. Мусо алайҳиссалом 120 ёшларида бу дунёни тарк этдилар.

Мусо алайҳиссаломнинг қиссалари Қуръон Каримдаги энг кўп келган, кўп жой олган қисса эканига амалий равишда қаноат ҳосил қилдик.

Мулоҳаза қиладиган бўлсак Мусо алайҳиссалом Инсоният илоҳий таълимотлардан жуда ҳам узоқлашган бир пайтда пайғамбар бўлганлар.

У зот пайғамбар бўлиб келган қавм онгида подшоҳни Робб деб этиқод қилиш ўрнашиб қолган эди. У зот пайғамбар бўлиб келган жамият ўша пайтдаги инсон боласига оид барча нобакорларикларни ўзида мужассам қилаган жамият эди.

Улар каттаю кичик ҳар бир масалада илоҳий таълимотдан узоқлашиб ўзлари ихтиро қилган нобакорликларга амал қилишга ўтиб олган эдилар.

Шунинг учун ҳам Мусо алайҳиссалом уларга кўплаб тушинтириш ишлари олиб борган бўлсалар ҳам узотнинг ўз қавмларидан бўлган бир гуруҳ ёшлардан бошқа ҳеч ким илоҳий йўлга юрмади. Балки ул нобакорлар ўзларига пайғамбар бўлиб келган зотни ўлдиришга қасд қилдилар.

Мусо алайҳиссаломнинг фиръавн ва унинг аҳли билан бўлган мужодалалари кофир қавмнинг Аллоҳ таоло томонидан ғарқ қилиниши ила яқунланди.

Бошқа қиссаларда кофир қавм ҳалок бўлади, Пайғамбар ва унга иймон келтирганлар нажот топадилар шу билан иш тугайди. Аммо Мусо алайҳиссалом қиссаларида кофир қавм ҳалок бўлганидан кейин асосий воқеалар бошланади. Фиръавн ва унинг қавми ҳалок бўлгандан кейин Аллоҳ таолонинг пайғамбар Мусо алайҳиссалом ва у зотнинг акалари Ҳорун алайҳиссаломлар ўз қавмлари, нобакор Бани Исроил қавми ила юзма-юз қоладилар.

Узоқ муддат қулликда, азоб уқубатда яшаган бу қавм Аллоҳ таоло уни озод қилиб Ўз неъматларини ато қилгандан кейин турли ношукрликлар қилишни бошлайди. Деярли ҳар бир илоҳий неъматга қарши бир неча бани исроилий нобакорлик содир бўлади.

Мусо алайҳиссалом уларни инсофга чақиришга, шукр қилишга даъват қилишга кўп уринадилар. Аллоҳ таоло ҳам уларга танбиҳ учун турли азобларни йўллаб туради. Аммо табиати бузуқ халқ танбиҳ олмайди. Бани Исроилнинг нобакорлиги борган сари кучайиб бораверади. Охир оқибат Аллоҳ таоло уларнинг ёш болаларидан бошқалари тийҳ-давомли адашувда ўлиб биришини ирода қилади. Кофирлар ғарқ бўлиб битган бўлса, нобакорлар тийҳда юриқ битади.

Мусо алайҳиссалом фақат худолик даъвосини қилган тоғут ва унинг гумашталарию қавмига ҳамда нобакорлигу ношукрлик ботқоғига ботган ўз қавмларига қарши иш олиб бориш билан кифояланган, балки, у зотнинг солиҳ банда ила бўлганга ўхшаш шахсий маънодаги ишлари ҳам бўлган. Бу ҳам у зотнинг ҳақларидаги қиссалар ичидан ўрин олган.


Мусо алайҳиссаломнинг қиссалари Қуръон Каримда бунчалик кўп келишининг сабаларидан бири, балки, асосий сабаби, Бани Исроил илоҳий китоб Тавротга амал қилиб яшаши матлуб қавм бўлган эди. Мусулмонлар ҳам Қуръон Каримга амал қилиб яшашлари лозим умматдирлар. Ана шу маънода улар ҳаммадан кўра Бани Исроилдан кўпроқ ибрат олишлари ва улар содир этган хатоларни такрорламасликлари лозимдир. Шунинг учун ҳам Қуръон Карим бу масалага алоҳида эътибор берган.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

Қуръон Мусо Пайғамбар (а.с.)нинг ҳаётини жуда аниқ қилиб ёритади. Қуръон фиръавн ва унинг Исроил фарзандларига бўлган муносабатини сўзлаб бериш билан бир қаторда, Қадимги Миср ҳақида жуда бой маълумотларни ошкор қилади. Бу тарихий маълумотларнинг аҳамияти яқиндагина дунёнинг билимдон кишилари эътиборига тушди. Агар бу маълумотлар устида бир оз мулоҳаза юритилса, шу кунларда кашф қилинаётган барча муҳим илмий, тарихий ва археологик топилмалар билан бевосита алоқадор бўлганлиги боис, Қуръон ва ундаги маълумотлар ҳамма нарсани билгувчи зот Доно ва Қодир Аллоҳ томонидан ваҳий қилинганлигини тезда фаҳмлаш мумкин.

Бу доноликка фиръавн билан бир қаторда исми Қуръонда қайд этилган шахс-Ҳомонга Қуръонда эътибор берилганлигини мисол қилиш мумкин. Унинг исми Қуръоннинг олти жойида тилга олинган бўлиб, у фиръавннинг энг яқин тарафдорларидан бири бўлган-лигини бизга маълум қилади. Ажабланарли

томони шундаки, Тавротнинг Мусо Пайғамбар (а.с.) ҳаётига алоқадор бўлган бўлимларида Ҳомон деган исм умуман қайд этилмаган. Бироқ, Тавротнинг охирги қисмларида Ҳомон Мусо Пайғамбар (а.с.) дан тахминан 1100 йил сўнг исроилликларга кўп шафқатсизликлар келтирган Бобил қиролининг ёрдамчиси сифатида тилга олинади. Қуръон эса яқинда очилган археологик кашфиётлар билан ҳамоҳанг равишда, Мусо Пайғамбар (а.с.) нинг ҳаёти билан боғлиқ «Ҳомон» деган сўзни ўз ичига олган. Мисрча иероглиф ёзувини ўқий олиш имконияти бундан тахминан 200 йил аввал кашф қилингандан ва Ҳомон деган исм қадимги ёзувларда топилгандан сўнг айрим мусулмон бўлмаган шахслар томонидан Ислом китобига қараб отилган танқидий фикрлар ўз-ўзидан ғойиб бўлди. XX асргача Қадимги Миср ёзувлари ва шартли белгиларига тушуниб бўлмас эди. Қадимги Миср тили сўзлар эмас, балки шартли белгилар, иероглифлардан ташкил топган. Худди замонавий сўзлар каби муҳим воқеаларни ҳикоя қилувчи ва қайд этувчи бу расмлар қоя ва тошларга ўйиб солинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги асрлар оша ҳануз мавжуд бўлиб келмоқда. II



Ҳомон деган исм Миср иероглифлари XIX асрда тушунарли тилга ўгирилмагунча номаълум бўлиб келди. Иероглифлар тушунарли тилга ўгирилганда Ҳомон Фиръавннинг яқин ёрдамчиси ва «тош қазувчиларнинг бошлиғи» бўлганлиги маълум бўлди. (Қуйида Қадимги Миср қурувчи ишчиларининг тасвири туширилган.) Бу ерда аҳамиятга молик маълумот шундаки, Ҳомон Фиръавннинг амрига биноан қурилиш ишларини юритган шахс сифатида Қуръонда қайд этилган. Бу ўша пайтда бирор кишининг билиши мумкин бўлмаган маълумот Қуръонда берилган, деган маънони ҳамда унинг диққатга сазовор эканлигини англатади.

ва III асрларда насронийлик ва бошқа маданий таъсирлар натижасида Миср бугунги кунда ўлик деб ҳисобланадиган иероглиф ёзуви билан бир қаторда, ўзининг қадимий мафкураларидан умрбод воз кечди. Иероглифлардан фойдаланиб ёзилган энг охирги намуна 394- йилга бориб тақаладиган ёзувдир. Расмлар ва шартли белгилар унутилган эди ва уларни ўқиб тушунадиган бирор киши қолмаган эди. Табиийки, бу тарихий ва археологик далилларни ўрганиш имкониятини чеклар эди. Бу ҳолат бундан II аср бурунги давргача давом этиб келди. 1799 йилда, «RosettaStone» деб аталадиган ёзувли доска кашф қилиниши билан Қадимги Миср иероглифларининг сири ошкор бўлди. Бу ажойиб топилма милoddан аввалги 196 - йилга бориб тақалар эди. Бу ёзувнинг аҳамиятли томони шунда эдики, у учта турли иероглифлар, авомга хос (Қадимги Миср иератик ёзувининг соддалаштирилган шакли) ва юнон ёзув турларида ёзилган эди. Грек ёзуви ёрдамида Қадимги Миср ёзувлари биз

тушунадиган тилга ўғирилди. Бу ёзувлар Жан-Франсуа Шамполлион исми француз археологи томонидан таржима қилинди. Шу тариқа унутилган тил ва воқеаларга аниқлик киритилди ва Қадимги Мисрнинг цивилизацияси, дини ва ижтимоий ҳаёти тўғрисидаги жуда кўп маълумотлар инсоният учун фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатга келтирилди. Бу эса, ўз навбатида, инсоният тарихидаги муҳим бир эра ҳақидаги билимга кенг йўл очиб берди. Иероглифларни тушунарли тилга ўгириш орқали жуда муҳим бир маълумот ошкор бўлди: Ҳомон деган исм ҳақиқатдан Миср ёзувларида қайд этилган эди. Бу исм Венадаги Ҳоф музейида сақланаётган ёдгорликда ҳам мавжуд бўлиб, Ҳомон ва Фиръавн ўртасидаги яқин алоқани назарда тутар эди. Барча ёзувлар тўпламига асосланиб тайёрланган *People in The New Kingdom* (Янги Қиролликдаги одамлар) луғатида Ҳомон «тош қазувчи ишчиларнинг бошлиғи» деб тилга олинади. Натижада жуда муҳим ҳақиқатга аниқлик киритилди: Ҳомон Мусо Пайғамбар (а.с.) даврида Мисрда яшаган шахс бўлиб чиқди. У Фиръавннинг яқин кишиси бўлиб, худди Қуръонда таъкидлангани каби, қурилиш ишларида иштирок этган эди. Фиръавн: «Эй, одамлар! Мен сизлар учун ўзимдан бошқа (бирор) илоҳни билмасман. Бас, эй, Ҳомон! Лойни пишириб, (ғишт қуйиб) мен учун бир баланд бурж (минора) бино қил! Шоядки, мен (унинг устига чиқиб) Мусонинг илоҳини қўрсам. Мен уни ёлғончилардан деб ўйламоқдаман», - деди. («Қасас» сураси, 38-оят) Фиръавннинг Ҳомонга минора қуришни амр этишининг Қуръон оятида тасвирланиши бу археологик топилма билан тўлиқ мос келади. Мана шу ажойиб кашфиёт натижасида Қуръонга муҳолиф бўлганларнинг бемаъни даъволари янглиш ва фикран аҳамиятсиз эканлиги исботланди.

Қуръон мўъжизакорона, Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврида маълум бўлмаган ёки тушунилмаган тарихий маълумотларни бизга етказди. Иероглифларни 1700 йилнинг охиригача тушунишнинг имкони бўлмади, шунинг учун Миср манбаларидан маълумотларни аниқлаб бўлмас эди. Ҳомон деган исмнинг қадимий ёзувларда топилиши Аллоҳнинг сўзи ишончли эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

ДЕНГИЗНИНГ ИККИГА БЎЛИНИШИ

Мисрнинг Фиръавнлар номи билан маълум ҳукмдорлари ўзларини илоҳ, деб ҳисоблар эдилар. Миср халқи хурофий ақидаларга асосланган тизимни илоҳий мафкура тизимидан устун қўйган бир пайтда, Исроил фарзандлари қулликка, асоратга солинган бир даврда, Аллоҳ Мусо Пайғамбар (а.с.)ни Миср қавмига элчи қилиб жўнатди. Бироқ Фиръавн ва унинг ҳайъати, умуман олганда, Миср халқини Мусо Пайғамбар (а.с.) илоҳий динга ва Аллоҳнинг Ягоналигига даъват этганда, улар ўз бутпараст ақидаларидан воз кечишни деярли бутунлай рад этишди. Мусо (а.с.) Фиръавн ва унинг ҳайъатидегиларни Аллоҳнинг қаҳридан огоҳ қилиб, ёлғон ибодат, сиғинишга берилмасликка чақирди. Бунга жавобан улар Мусо (а.с.)га тўхмат, бўхтон тошларини отдилар. Улар уни ақлдан озганликда, жодугарликда ва ёлғончиликда айбладилар. Фиръавн ва унинг маслакдошлари ҳатто ўзларининг устларига кўплаб бахтсизликлар ёғдирилган бўлишига қарамай, Мусо Пайғамбар (а.с.)га ён беришдан бош тортдилар. Улар ҳатто Мусо (а.с.)ни ўз бошларига тушган кулфатларга сабабчи, деб билдилар ва уни Мисрдан қувғин қилиш йўллари ахтардилар.

Аллоҳ Қуръонда Мусо (а.с.) ва унга эргашган мўминларга қуйидагича эътибор қаратади: Биз Мусога: «Бандаларим (Исроил авлоди) билан тунда йулга чиққин! Албатта, сизларнинг изингизга тушилур», - деб ваҳий юбордик. Бас, Фиръавн


барча шаҳарларга (аскар) йиғувчиларни жунатди (ва деди): «Аниқки, улар озгина кишилардир. Дарҳақиқат, улар (чиқиб кетишлари билан) бизларни ғазаблантирувчидирлар! Бизлар эҳтиёткор жамоадирмиз.» Бас, уларни (фиръавн ва унга эргашганларни) боғлар ва булоқлардан айирдик. Хазиналар ва шинам маскандан ҳам. Яна уларга (хазина ва масканларга) Исроил авлодини ворис қилдик. Бас, (фиръавн лашкари) тонг пайтида уларнинг изига тушдилар. («Шуаро» сураси, 52-60-оятлар).

Қуръонда нозил этилганидек, мазкур таъқибдан сўнг бу икки жамоа денгиз қирғоғида юзма-юз келадилар. Шунда Аллоҳ денгизни қоқ иккига бўлади ҳамда Мусо (а.с.) ва унга эргашган мўминларни қутқариб, фиръавн ва унинг

одамларини ўлимга мажум қилади. Аллоҳнинг бу мадади қуйидагича ваҳий қилинади: Бас, Биз Мусога: «Асойинг билан денгазни урган!» - деб ваҳий юбордик. Бас, (денгиз) бўлиниб, ҳар бир бўлак (сув баландга кўтарилиб) улкан тоғ каби булди.

Бошқаларни (фиръавн ва унинг лашкарини ҳам) ўша (йўл) га яқинлаштирдик. Мусо ва у билан бирга бўлганларнинг барчаларини (фиръавн

таъқибидан) қутқардик. Сўнгра бошқаларни (денгазга) ғарқ қилиб юбордик. Албатта, бунда ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар. Албатта, Раббингиз қудратли ва раҳмлидир. («Шуаро» сураси, 63-68-оятлар) Яқинда мана шу воқеага боғлиқ, фиръавн даврида папирусларда ёзиб қолдирилган қуйидаги тафсилот топилди: Сарой оқ хонасининг китобларни кўриклайдиган бошлиғи Аменагонидан нусха кўчирувчи котиб Пентерҳорга:



Бу харита Мусо (а.с.)нинг Мисрни тарк этгандан сўнг юрган йулини ва денгиз бўлинган жойнинг тахминий ўрнини кўрсатади.

Ушбу мактуб сизнинг кўлингизга етганда ва сиз уни битта-битталаб ўқиганингизда, гирдобга ғарқ бўлаётганлар бошига тушган қайғули мусибатдан хабар топганингизда, юрагингизни бўрон ичра қолган баргдек, энг қаттиқ изтиробга ихтиёр этинг...

У қутилмаган ва қутулиб бўлмас офатга гирифтор бўлди.

Сардоримиз, қавмлар паноҳгардони,




Бу ҳудуддаги денгиз туби ғайриоддий риф ҳосил қилади.

мағриб ва машриқ ҳукмдорининг ҳалокатини тасвир айланг. Сувлардаги уйқу буюк бир нарсадан ёрдамга муҳтож бошқа бир нарсани жойлади. Қандайин янгилик мен сизга йўллаган янгиликка қиёс бўлсин? Қуръонда ваҳий қилинган ўтмиш воқеалари бугунги кунда ўз исботини топаётганлиги, шубҳасиз, Қуръоннинг муҳим мўъжизаларидандир. Қизил денгизни кесиб ўтиш пайтида Мусо (а.с.) ва Исроил фарзандлари гувоҳ бўлган бу мўъжиза кўплаб тадқиқотларнинг мавзуйига айланди. Археологик қидирувлар Мисрни тарк этгач, уларнинг нафақат Қизил денгизга томон олган йўлларини, балки фиръавн ва Мусо (а.с.) ҳамда унинг қавми учрашган жой тоғлар билан ўралганлигини ҳам аниқлаб берди. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

Буни бошланиш нуқтаси тарзида қабул қилиб, олиб борилган кўплаб тадқиқот ва изланишлар натижасида олимлар денгиз қандай қилиб иккига

бўлинганлигига доир ҳайратланарли хулосаларга келдилар. Бу хулосалар Қуръонда нозил қилинганлар билан тўлиқ мосдир. Қуръонда тасвирланган тарихий воқеаларнинг бугунги кунда тарихий қайдлар орқали ойдинлаштирилаётганлиги, шубҳасиз, Ислом китобининг муҳим мўъжизаларидандир. Икки рус математиги Наум Вользингер ва Алексей Андросов Мусо Пайғамбар (а.с.) чиндан ҳам денгизни иккига ажрата олганини исботладилар. Бундай мўъжизанинг содир бўлишига шубҳа билан қараган олимларга қарши, рус математиклари мўъжизанинг содир бўлишига сабаб бўлган шароитларни тадқиқ қилдилар. Ўз навбатида бу мўъжизанинг содир бўлганлигини тасдиқлашга олиб келди.



Жабал ал-Мусо номи билан маълум бўлган тоғ одатда Синай ярим оролида жойлашган, деб тахмин қилинар эди. Бироқ яқинда қилинган кашфиётлар унинг аслида Қизил денгизнинг Арабистон соҳилида эканлигини кўрсатди.



Мусо (а.с.) ва исроилликлар босиб ўтган узоқ ва машаққатли сафардан сўнг тоғлар орасидан ташқарига чиқадиган йўлак кўринган.



Бу харита Мусо (а.с.)нинг Мисрни тарк этгандан сўнг юрган йўлини ва денгиз бўлинган жойнинг тахминий ўрнини кўрсатади.

Россия Фанлар академиясининг бюллетенида чоп этилган тадқиқотга кўра, ўша пайтда Қизил денгиз юзасига яқин риф мавжуд бўлган. Ўша ердан туриб олимлар сув сатҳининг кўтарилиши паст бўлганда рифни очиқ ва қуруқ ҳолатда қолдириш учун керак бўладиган шамол тезлиги ва тўфон кучини аниқлашга киришдилар.

Натижада шу нарса маълум бўлдики, ҳар сонияда 30 метр (98,5 фут) тезликда эсадиган шамол денгизнинг чекинишига сабаб бўлиб, рифни очиқ қолдирган. Россия Фанлар академиясининг Океанография институтида фаолият кўрсатувчи Наум Вользингернинг маълум қилишича, «агарда (шарқий) шамол тун бўйи сониясига 30 метр эсганда, риф қуруқ бўларди.» У яна, «бир қирғоқдан иккинчи қирғоққа бориб тақаладиган 7 километр узунликдаги рифни босиб ўтиш учун яҳудийларнинг (улар 600 000 та эдилар) тўрт соат вақти кетган бўлар эди... сўнгра ярим соат ичида сувлар орқага қайтган бўлар эди», деб изоҳ беради. Жумладан, Вользингернинг айтишича, у ва унинг ҳамкасби бу масалани Исаак Ньютоннинг нуқтаи назаридан туриб ўрганиб чиқишган. У «Ишончим комилки, Худо Ерни физика қонунлари орқали бошқаради»,



Синай ярим оролининг бўғозга олиб чиқадиган ўша қисми.



Фиръавннинг шоҳона икки оёқли араваси Миср музейида кўргазма учун қўйилган. Шунгаўхшаш намуна денгиз бўлинган жойда олиб борилганқазишмалар давомида топилган.

деб таъкидлайди. Шу нарсани ёдда тутиш лозимки, бу табиий ҳодисанинг содир бўлиш эҳтимоли ҳар доим ҳам мавжуд. Агар Аллоҳ ирода этса, бу мўъжиза яна, шамол тезлиги, замон ва макон каби ҳамма зарурий шароитлар юзага келганда содир бўлиши мумкин. Бироқ бу ердаги ҳақиқий мўъжизавий жиҳат шундаки, бу воқеалар айнан Мусо (а.с.) ва унинг қавми деярли ғалаба қозонган пайтда содир бўлди. Мусо (а.с.) ва унга эргашган жамоа сувни кесиб ўтаман, деб турган пайтда сувнинг орқага чекиниши (сувлар фиръавн ва унинг лашкари уни кесиб ўтаётган пайтда орқага қайтишини эслатмаса ҳам бўлади) Аллоҳнинг тақводорларга берадиган мададига бир аниқ мисолдир. Дарҳақиқат, Мусо (а.с.)нинг Аллоҳга таяниши ва ишониши энг қувонарли ахлоқий қадриятлар намунасидир. Мана шундай таҳликали ҳеч бир имконсиз бўлиб кўринган вазиятда ҳам Мусо алайҳиссалом Аллоҳга бўлган ишончлари ва умидлари ила Ундан мадад келишини билдирдилар ва буюк намуна кўрсатдилар.

ФИРЪАВН ВА УНИНГ АТРОФИДАГИЛАРИ БОШИГА ТУШГАН КУЛФАТЛАР

Фиръавн ва унинг одамлари ўзларининг кўпхудолилик тизимига шунчалик содиқ эдиларки, ҳатто Мусо Пайғамбар (а.с.)нинг донолик ва мафтункор мўъжизалар билан қуролланган хабарлари ҳам уларнинг тош қотган юракларини юмшатоилмас ҳамда уларни асоссиз хурофот, бидъатлардан юз ўгиртира олмас эди. Улар бу ҳақиқатни очикчасига тан оладилар: (Улар Мусога) айтдилар: «Бизни сеҳрлаш учун ҳар қандай мўъжиза келтирсанг ҳам, биз сенга имон келтирувчи эмасмиз.» («Аъроф» сураси, 132-оят) Аллоҳ уларнинг бундай муносабатларига жавобан, димоғдор-ликларига жазо сифатида худди оятларнинг бирида «аниқ мўъжизалар» («Аъроф» сураси, 133-оят), деб тасвирланганидек, уларнинг бошига бахтсизлик ва кулфатлар ёғдирди. Бу кулфатлардан бири қурғоқчилик эди. Бунинг натижасида маҳсулдорлик камайиб кетди. Қуръоннинг бунга боғлиқ оятида шундай хабар қилинади: Фиръавн қавмини зора эслатма олсалар, деб (қаҳатчилик) йилларига ва меваларнинг тақчиллигига дучор этдик. («Аъроф» сураси, 130-оят) Мисрликларнинг қишлоқ хўжалик тизими Нил дарёси билан боғлиқ эди ва шунинг учун ҳам табиий шароитлардаги ўзгаришлар уларга ўз таъсирини ўтказмас эди. Бироқ Фиръавн ва унинг атрофидагилар ўз мағрурликлари ва Аллоҳнинг элчисини эътироф этишдан бош тортганликлари боис кўплаб азоб-уқубатларга дучор бўлдилар. Улар Мусо (а.с.)нинг огоҳлантиришларига қулоқ солиш ўрнига, уни ва Исроил қавмини ўзларининг бошларига тушган омадсизликларга балоғардон қилдилар. Шундан сўнг Аллоҳ бир неча офатларни уларга раво кўрди. Бу ҳақда бизга Қуръонда шундай хабар берилади: Шундан кейин улар устига тўфон, чигиртка, бит, бақалар ва қон (балолари)ни аниқ мўъжизалар сифатида юбордик. (Лекин) улар кибр-ҳаво қилдилар ва жиноятчи қавм- осий бўлдилар. («Аъроф» сураси, 133-оят)

Миср халқининг бошига тушган офатлар ҳақида папирусларда ёзиб қолдирилган тафсилотлар худди Қуръонда нозил қилинган тасвирларга ўхшайди. Қуръон бу фожиалар ҳақида бизни хабардор қилади. Инсоният тарихидаги бу даврнинг Ислом динида ёритилганлиги, XIX асрнинг бошларида Мисрда Ўрта қироллик даврига бориб тақаладиган Ипувер папирусларининг кашф қилиниши орқали тасдиқланди. Мазкур папирус кашф қилингандан сўнг, у 1909 йилда Голландиядаги Лейден музейига жўнатилди ва у Қадимги Миср тарихи бўйича



**Бас, қачонки, икки жамоа
бир-бирини (узоқдан)
кўргач, Мусонинг
ҳамроҳлари: «Бизлар
аниқ тугилдик», -
дедилар. (Мусо) айтди:
«Йўқ, мен билан бирга
Парвардигоримбор.
Албатта, У мени
(жавфсиз) йўлга
бошлар.» («Шуаро»
сураси, 61-62-оятлар)**

машҳур олим А.Д.Гардинер томонидан таржима қилинди. Папирусда Мисрдаги очарчилик, қурғоқчилик ва Мисрдан қулларнинг қочиби кетиши каби мусибатлар тасвирланган эди. Бундан ташқари, папирусни ёзган Ипувер бу ҳодисаларнинг шоҳиди бўлган экан. Қуйида Ипувернинг папируси Қуръонда тасвирланган бу фалокатларга қанчалик мувофиқ келишини кўришингиз мумкин: Ўлат бутун мамлакатда тарқалмиш. Қон ҳамма ердадур. Дарё қондур. Форсус, кеча кўринган оламдан ўтмиш. Ер худди қирқиб олинган зиғир каби ўз ҳолича ҳорғин қолмиш.

Қуйи Миср кўз ёшин тўқур... Бутун сарой даромадсиз ўлтирур. Буғдой ва арпа, ғозлар ва балиқлар унга тегишлидур. Форсус, дон-дун ҳар томондан тортилмиш.

Ҳамма ёқда тартибсизлик ва даҳшатли шовқин... Тўққиз кундан буён саройдан ташқари чиқиш йўқдур ва ҳеч ким ўз инисининг юзини кўра олмас. Шаҳарлар қудратли денгиз тўлқинлари тарафидан ер билан яксон бўлмиш. Ҳамма ёқда қон... Қора ўлат бутун мамлакатга ёйилмиш. Бугун ҳеч бир кимса шимолга,

Библосга сузмаётир. Мўмиёларимиз учун, кедр учун нима қила олурмиз?... Олтин етишмаётир... Одамлар инсон таъми келмиш сувдан қочурлар, сув ичгач, яна чанқаб қолурлар. Шундайин эрур бизнинг сувимиз! Шундайин эрур бизнинг толейимиз! Шундай экан, не ҳам қила олурмиз? Ҳамма нарса жароб! Шаҳарлар вайрон бўлмиш. Юқори Миср қуриб қолмиш. Истиқоматгоҳлар бир онда остин-устун бўлмиш. Бу ҳужжатга кўра, Миср халқи устига ёғилган фалокатлар Қуръоннинг ушбу масаладаги тафсилотига тўлиқ мос тушади. Бу папирус фиръавн даврида Миср бошига тушган фожиалар билан параллел бўлиб, у Қуръоннинг аслида илоҳий эканлигини яна бир мартаба исбот қилади.

ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚУРЪОНДА КЕЛТИРИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАСДИҚЛАЙДИ

Мисрда, XIX асрнинг бошларида, Ўрта қироллик даврига оид бир папирус кашф қилинди. Бу Бас, қачонки, икки жамоа бир-бирини (узоқдан) кўргач, Мусонинг ҳамроҳлари: «Бизлар аниқ тугилдик», - дедилар. (Мусо) айтди: «Йўқ, мен билан бирга Парвардигоримбор. Албатта, У мени (жавфсиз) йўлга бошлар.» («Шуаро» сураси, 61-62-оятлар) папирус Голландиядаги Лейден музейига олиб кетилди ва А.Д.Гардинер томонидан 1909 йилда таржима қилинди. Папируснинг тўлиқ матни Admonition of an Egyptian from a Hieratic Papyrus in Leiden (Лейдендаги иератик папирусдан бир мисрликнинг насиҳатлари) номли


китобда мавжуд бўлиб, унда Мисрдаги катта ўзгаришлар: очарчилик, қурғоқчилик, қулларнинг Мисрдан ўз мол-мулклари билан қочиб кетиши ва бутун ўлка узра ўлимнинг ёпирилгани таърифланади.

Мазкур папирус Ипувер исмли бир мисрлик томонидан ёзиб қолдирилган ва унинг мазмунидан шу нарса аён бўладики, бу шахс Мисрдаги фалокатларнинг шахсан шоҳиди бўлган. («The Ten Plagues - Live From Egypt (Ўн ўлат- тўғридан-тўғри Мисрдан), Рабби Мордечай Бечер, www.ohr.org.il/yhiy/article.php/838) Бу папирус фалокатлар, Миср жамиятининг ҳалокатини ва Фиръавннинг хароб бўлишини тасвирловчи энг қимматли қўлёзма ҳисобланади.



ҚУРЪОНДА «ФИРЪАВН» СЎЗИ

Иброҳим Пайғамбар(а.с.) ва Юсуф Пайғамбар(а.с.) замонидаги Миср ҳукмдори Тавротда «фиръавн» деб аталади. Ҳолбуки, бу ном аслида мазкур икки пайғамбар яшаб ўтган даврлардан анча кейин қўлланила бошланган. Қуръонда Юсуф Пайғамбар(а.с.) замонидаги Миср ҳукмдори ҳақида сўз кетар экан, унда «ҳукмдор, шоҳ, қирол ёки султон» маъноларини англатувчи «Ал-Малик» калимаси қўлланилган: Шоҳ, (бу жавобларни эшитиб): «Уни ҳузуримга олиб келингиз!» -деди... («Юсуф» сураси, 50-оят)



(Эй, Мухаммад!) Биз Сизга ўтиб кетган (авлод)лар хабарларидан шу тарзда сўзлаб берурмиз. Шунингдек, (Биз) Сизга ўз даргоҳимиздан зикр (Қуръон) келтирдик. Ким ундан юз ўгирса, бас, албатта, у қиёмат кунинда юк (гуноҳ)ни кўтарур. («Тоҳо» сураси, 99–100-оятлар)

Мусо Пайғамбар(а.с.) давридаги Миср ҳукмдори Қуръонда «фиръавн» деб юритилади. Қуръондаги бу фарқ на Таврот ва Инжилда ва на яҳудий тарихчилари томонидан эътиборга олинади. Библияда ҳар сафар Миср монархи тилга олинганда «фиръавн» сўзи ишлатилган. Қуръонда эса аксинча, яъни унда қўлланилган терминология жуда лўнда ва аниқдир. Миср тарихида «фиръавн» сўзининг ишлатилиши фақат кейинги даврларга хосдир. Бу муайян би унвон милoddан аввалги XIV асрда, Аменхотеп IV ҳукмдорлиги даврида қўлланила бошланган. Юсуф Пайғамбар(а.с.) бу даврдан камида 200 йил олдин яшаб ўтган эди.

The Britannica Encyclopedia да айтилишича, «фиръавн» сўзи Янги қиролликдан (18-сулоладан бошлаб-мил. авв. 1539-1292 й.й.) эътиборан

22-сулола(мил. авв. 945-730 й.й.) гача қўлланилган бир улуғ унвон бўлиб, улардан сўнг эса бу унвон ҳеч қўлланилмаган. Бу мавзуга оид бошқа бир маълумот Academic American Encyclopedia да келтирилган бўлиб, унда «фиръавн» номи Янги қиролликда ишлатила бошланганлиги қайд этилган.

Кўриб турганимиздек, «Фиръавн» сўзининг ишлатилиши тарихнинг маълум бир даврдан бошланади. Шу сабабдан, Қуръонда Миср ҳаётининг турли даврларида ишлатилган турли унвонлар ўртасидаги фарқнинг аниқ қайд этилиши Қуръон Аллоҳнинг сўзи эканлигини исботловчи яна бир далилдир.

МУСО ПАЙҒАМБАРНИНГ (А.С.) СЕҲРГАРЛИККА ЙЎЙИЛИШИ

Фиръавн замонидан қолган папирусларда Мусо Пайғамбар(а.с.)га мунтазам равишда сеҳргар деб мурожаат этилади. (Мазкур папируслар Британия музейида сақланмоқда.) Фиръавн ва уни ёқловчиларнинг барча уринишларига қарамай, улар ҳеч қачон Мусо(а.с.) ва Исроил фарзандларига қарши очган урушида устун кела олмаган. Бу адолатнинг идорачиси Қуёшнинг ўғли Аммоннинг катта акаси бўлган ва падари Қуёш каби абадий яшайдиган Рамсеснинг қироллиги замонида, еттинчи Пайни ойининг иккинчи кунда ёзилди... Бу мактубни олганинг замон тур, ишни бошла ва далаларнинг назоратини ўз кўлишта ол. Бугун бошқиди экинларни яксон қилмиш сув босқини каби янги офатлар хабарини олганинг замон, тушун. Ҳамтон уларни ҳирс ила еб, адо этмиш, омборлар таланмиш. Каламушлар далаларга йиғилиб келмишлар, бургалар довулга ўжарлар, чаёнлар ҳирс ила ейурлар, кичик пашшалар қолган яралар санаб бўлмас даражада кўпдур. Ва булар фуқарони маҳзун этадир... Котиб (бу ерда Мусо Пайғамбар(а.с.) назарда тутилмоқда) бутун бошоқли экинларни маҳв этмоқ мақсадини адо этди... Сеҳрлар уларнинг нони кабидур. Котиб... ёзмоқ санъатинда инсонларнинг биринчисидур. Мусо Пайғамбар(а.с.)га«сеҳргар» деган айблов тошларининг ирғитилиши ҳақида қуйидаги оятларда хабар берилади: Улар мўъжизаларимизни кўришгач, Мусога: «Эй, сеҳргар! Сенга берган ваъдасига биноан Раббингга бизлар учун дуо қил. (Агар У азобларни аритса) албатта, бизлар ҳидоят топувчидирмиз», - дедилар. («Зухруф» сураси, 49-оят) (Улар Мусога) айтдилар: «Бизни сеҳрлаш учун ҳар қандай мўъжиза келтирсанг ҳам, биз сенга имон келтирувчи эмасмиз.» («Аъроф» сураси, 132-оят)

ЗАМОНАВИЙ ИЛМ-ҒАН ТАҲЛИЛИ

Мисрдан чиқиш



Мусо ва унинг қавми Мисрдан чиқиб кетиши (уларнинг Канъон ўлкасига кўчиб ўтишларининг илк босқичи) катта аҳамиятга эга воқеа ҳисобланади. Гарчи унга баъзи ҳолатларда афсона сифатида қаралса-да, Мисрдан чиқиш воқеаси чиндан ҳам тарихда рўй бергани мутахассислар томонидан исботланган.

Эски Аҳд китобида Таврот, яъни Беш китобнинг иккинчи китоби тўлалигича Мисрдан чиқиш воқеасига бағишланган ва у ерда бу воқеага қўшимча тарзда яҳудийлар халқининг чўлда айланиб юриши ҳамда Синай тоғида Мусо ва Худо ўртасида тузилган келишув ҳақида хабар берилади. Бу воқеага Қуръонда ҳам кўп жой ажратилган: Мусо ва унинг биродари Ҳоруннинг Фиръавн билан муносабати ҳамда Мисрдан чиқиш

тафсилотлари ўндан ортиқ сурада (масалан, Аъроф, Юнус, Тоҳа ва Шуаро суралари) узун оятлар билан ҳикоя қилинади, яна бир қанча ўринларда эса қисқа оятлар ва ҳатто шунчаки Фиръавннинг исми бериб ўтилади холос. Фиръавннинг исми, Мисрликлар томонидаги энг асосий шахс, адашмасам, Қуръоннинг йигирма еттита сурасида жами 74 марта тилга олинган.

Қуръон ва Муқаддас Китоб матнларининг ҳар иккисини барабар кўриб чиқиш айниқса шу ўринда жуда қизиқарли, чунки, тўфон ҳақида кўриб ўтилган мисоллардан фарқли равишда, Мисрдан чиқиш масаласида ҳар икки китоб жуда кўп умумий нуқталарга эга. Муқаддас Китоб матнида ҳам баъзи қарама-қаршилиқлар учраса-да, қуйида кўриб ўтамузми, тарихий нуқтаи назардан у ердаги ривоят катта аҳамиятга эга. Муқаддас Китоб аввало мавзумизга алоқадор Фиръавн ёки иккита Фиръавн шахсини аниқлашга ёрдам беради. У ерда берилган маълумотлар Қуръондаги маълумотлар билан тасдиқланади ва тўлдирилади. Агар бу икки илоҳий китобга замонавий илм-фан маълумотларини ҳам қўшадиган бўлсак, Муқаддас Китоб, Қуръон ва замонавий илм-фанни ўзаро солиштириш орқали илоҳий китобда берилган бу воқеани тарих нуқтаи назаридан ўрганиб чиқишимиз мумкин.

Мисрдан чиқиш Муқаддас Китоб талқинида

Муқаддас Китобдаги ривоят яҳудийларнинг Яъқуб бошчилигида Мисрга киришлари ва унинг у ерда кейин Юсуф билан яшагани ҳақидаги хабарлар билан бошланади. Кейин Чиқиш китобида ёзилишича,

«Сўнгра Юсуф ҳақида ҳеч нарса билмаган янги подшоҳ Миср тахтига ўтирди» (Чиқиш, 1:8)

Шундан сўнг қийинчилик даври бошланди, Фиръавн яҳудийларга Пифом ва Раамсес шаҳарларини (Муқаддас Китобда улар шунақа номланган) қуришни буюрди (Чиқиш, 1:11). Яҳудийлар сонининг кўпайиб кетишига тўсиқ қўйиш мақсадида Фиръавн ҳар янги туғилган ўғил бола чақалоқларни дарёга улоқтириш ҳақида буйруқ чиқарди. Лекин Мусонинг онаси уни сақлаб қолишга ва дастлабки уч ой Фиръавн одамларидан яшириб юришга муваффақ бўлди. Уч ойдан кейин эса уни саватга солиб, дарё қирғоғига ташлаб келди. Фиръавннинг қизи уни топиб олиб, қутқарди ва кейин Мусонинг онасини болани боқиш учун энага қилиб ёллади. Маълум бўлишича, чақалоқнинг опаси болани ким олиб кетишини кутиб турган ва ўзини билмаганга солиб, энага қидираётган маликага ўз онасини тавсия қилган экан. Чақалоқ шу тариқа Фиръавннинг фарзандларидан бири сифатида тарбиялана бошланди ва унга Мусо исми берилди.

Ёшлик чоғида Мусо мамлакатни тарк этди ва Мадян шаҳрига бориб, уйланди ва узоқ вақт ўша ерда яшади. Чиқиш китобида жуда муҳим бир маълумот берилади:

«Орадан узоқ вақт ўтиб Миср подшоҳи вафот этди» (Чиқиш 2, 23)

Худо Мусога: бориб Фиръавнни топишни ва ўз биродарларининг Мисрдан чиқишларига раҳбарлик қилишни буюради (бу буйруқ ёнаётган кўчат ҳақидаги парчада берилган). Мусонинг акаси Ҳорун унга бу ишда ёрдам беради. Шунинг учун Мусо Мисрга қайтганидан кейин ўз акаси билан Фиръавннинг, ўзи туғилган вақтдаги қирол ўрнини эгаллаган янги қирол олдига боради.

Фиръавн яҳудийларнинг Мисрдан чиқиб кетишларига ижозат бермайди. Худо Мусога яна бир марта зоҳир бўлиб, Фиръавн билан қайтадан учрашишни буюради. Муқаддас Китобда маълумот берилишича, Мусо ўша вақтда саксон ёшда бўлган. Мўъжиза туфайли Мусо Фиръавнга ўзининг ғайритабiiй кучга эга эканини намойиш этади. Лекин бу ҳам ҳаммаси эмас. Худо Мисрга ўша машҳур вабо касалини юборади. Дарёлар қонга айланади, қурбақалар, чигирткалар, чивинлар ва пашшалар балоси авжига чиқади, подалар ўла бошлайди, одамларда ва ҳайвонларда турли касалликлар пайдо бўлади, оловли момақалдироқлар ёғилади, атрофни қоронғулик қоплайди ва чақалоқлар ўлими авж олади. Лекин Фиръавн барибир яҳудийларнинг кетишига рухсат бермайди. Шундан кейин улар «аёллар ва болаларни ҳисобламаганда» 600.000 киши бўлиб (Ҳали биз бу рақам жуда ошириб кўрсатилганига гувоҳ бўламиз) Раамсес шаҳридан қочиб кетишади.

«Бани Исроил «аёллар ва болаларни ҳисобламаганда» олти юз минг киши бўлиб Раамсесдан Сокхоф томон пиёда йўлга чиқишди» (Чиқиш 12:37)

Шундан сўнг Фиръавн «жанг аравасини тайёрлади ва ўз аскарларини ишга солди. У ўзи билан аскарларга тўла олти юзта жанг араваси ва Мисрдаги барча араваларни олиб чиқди... Миср подшоҳи Фиръавн Исроил халқининг изидан тушди ва улар мағрур олға кетишди» (Чиқиш 14, 6 ва 8).

Мисрликлар Мусо қавмига денгиз бўйида етиб олишди. Мусо бармоғини кўтарди ва денгиз унинг олдида иккига ажралиб, унинг қавми денгизнинг ўртасидан оёқларини ҳўл ҳам қилмай ўтиб олишди.

«Мисрликлар уларни таъқиб қилишди, Фиръавннинг бутун отлари, жанг аравалари ва отлиқлари уларнинг ортидан денгизга киришди» (Чиқиш 14:23)

«Орқага қайтган сув жанг араваларини, отлиқларни ва Бани Исроилнинг изидан денгизга келган Фиръавннинг бутун аскарларини ўз қаърига олди. Улардан бир киши ҳам омон қолмади. Аммо Бани Исроил қавми денгиз ўртасидаги қуруқ йўлдан ўтиб кетишди, денгиз сувлари уларнинг ўнг ва чап томонларига девор қилиб қўйилди» (Чиқиш 14:28-29)

Чиқиш китобининг матнидан аниқ кўриниб турибдики, Фиръавн қуваётганларнинг бошлиғи эди. У вафот этади, чунки Чиқиш китобининг матнида ёзилишича, «уларнинг биронтаси ҳам омон қолмади». Муқаддас Китобда бошқа ўринларда ҳам, масалан Забурда бу маълумот яна такрорланади: Забур китобининг 106-қисм 11-сано ва 136-қисм 13-15-саноларида Худога ҳамд айтилар экан, шундай дейилади:

«Чунки Тангри амрларига қаршилик қилдилар, Тангри Таоло иродасини менсимадилар» (Забур 106:11)

«Бани Исроилни денгиз ўртасидан ўтказди, ... Фиръавн ва лашкарин Қизил денгизга ағдарди..» (Забур 136:14-15)

Бундан келиб чиқадики, Муқаддас Китобга кўра Мисрдан чиқиш даврининг Фиръавни денгиз қаърида вафот этган. Лекин Муқаддас Китобда унинг жасади нима бўлгани ҳақида маълумот йўқ.

Мисрдан чиқиш Қуръон талқинида

Мисрдан чиқиш воқеасининг Қуръондаги талқини умумий олиб қараганда Муқаддас Китобдаги талқинга анча яқин. Лекин Қуръондаги тафсилотларни ўрганишдан олдин уларни бир жойга йиғиб чиқиш керак, чунки улар бутун китоб бўйлаб сочиб ташланган парчалардан иборат.

Қуръонда фиръавн исми кўрсатилмаган, шунинг учун ундаги оятлардан Мисрдан чиқиш даврида айнан қайси фиръавн ҳукмронлик қилгани ҳақида Муқаддас Китобда берилганидан ортиқ маълумот топиш мумкин эмас. Битта нарса маълум – унинг вазирларидан бири Ҳомон исмли одам бўлган. Бу ҳақда Қуръонда олти ўринда хабар берилади («Қосос» сураси, 6, 8 ва 38-оятлар, «Анкабут» сурасининг 39-ояти ва «Ғофир» сурасининг 24 ва 36-оятлари).

Қуръонда фиръавн яҳудийларга азоб берувчи сифатида тилга олинади:

«Ўшанда Мусо ўз қавмига деди: «Аллоҳнинг сизга бўлган неъматларини эсланг. У сизни ёмон азобларга солаётган ва ўғилларингизни сўйиб, қизларингизни тирик қолдираётган фиръавн аҳлидан қутқарди. Ва бунда Роббингиздан улкан синов бордир» («Иброҳим» сураси, 6-оят).

Яҳудийларга азоб бериш ҳақида, шунингдек, «Аъроф» сурасининг 141-оятда ҳам сўз боради. Лекин Қуръонда Муқаддас Китобдаги каби яҳудийлар томонидан қурилган шаҳарлар номи тилга олинмаган.

Мусонинг дарё соҳилига ташлаб кетилиши ҳақида «Тоҳа» сурасининг 39-40-оятлари ва «Қосос» сурасининг 7-13-оятларида хабар берилади. Қуръондаги маълумотларга кўра, Мусони фиръавн хонадони сақлаб олади. Бу ҳақда «Қосос» сурасининг 8-9-оятларида ўқишимиз мумкин:

«Бас, фиръавн оиласи уни ўзларига душман ва ғам-ғусса бўлиши учун тутиб олдилар. Албатта, фиръавн, Ҳомон ва икковининг лашкарлари хатокорлардан бўлган эдилар. Фиръавннинг хотини: «(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, у бизга фойда берса ёки уни бола қилиб олсак», деди. Ҳолбуки, улар сезмасдилар».

Исломий китобларда Мусони фиръавннинг хотини Осиё ўз қарамоғига олгани ҳақида ёзилган. Қуръонда айтилишича, чақалоқни фиръавннинг хотини эмас, балки унинг оила аъзоларидан бири топиб олади.

Мусонинг ёшлиги, унинг Мадяндаги ҳаёти ва уйланиши ҳақида «Қосос» сурасининг 13-28-оятларида маълумот берилган.

Узоқда кўринган олов ҳақидаги воқеа ҳақида эса «Тоҳа» сурасининг биринчи қисмида, «Қосос» сурасининг 30-35-оятларида учрайди.

Муқаддас Китобдаги узун тафсилотлардан фарқли равишда, Қуръонда Худонинг жазоси сифатида Мисрга юборилган ўнта бало ҳақида маълумот берилмаган, балки бешта бало қисқа суратда санаб ўтилади: тўфон, чигиртка, бит, бақа ва қон балолари («Аъроф» сураси, 133-оят).

Мисрдан чиқиш Қуръонда ҳам тасвирланган, фақат Муқаддас Китобдан фарқли равишда унинг на аниқ жуғрофий маълумотлари берилган, на одам сони кўрсатилган. Муқаддас Китобда Мисрдан чиқиш 600 минг одам ва уларнинг оила аъзолари томонидан бажарилгани айтилади, аммо бунча одамнинг узоқ вақт чўлда яшай олишларига ишониш қийин.

Қуръон яҳудийларни қувиб чиққан фиръавннинг ўлимини қуйидагича тасвирлайди:

«Бас, фиръавн аскарлари ила уларнинг ортидан таъқиб этди. Денгиз уларни ўраганича ўраб олди» («Тоҳа» сураси, 78-оят).

Яҳудийлар қутилиб қолишди. Фиръавн йўқ бўлди, аммо унинг танаси йўқолиб кетгани йўқ, бу муҳим маълумот нима учундир Муқаддас Китоб ривоятларида учрамайди.

Қуръонда, «Юнус» сурасининг 90-92-оятларида бундай дейилади:

«Ва Бани Исроилни денгиздан ўтказдик. Бас, фиръавн ва унинг аскарлари зулм ва тажовуз ила ҳолда уларни таъқиб этдилар. Токи унга фарқ бўлиш етганида: «Бани Исроил иймон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқлигига иймон келтирдим ва мен мусулмонларданман», деди. Эндими? Олдин исён қилган ва бузғунчилардан бўлган эдинг-ку?! Бугун сенинг баданингни қутқарамиз. Токи ўзингдан кейингиларга ибрат бўлгин. Албатта, кўп одамлар оятларимиздан ғофилдирлар».

Бу парчада икки ўринга қўшимча изоҳ бериб ўтиш лозим:

а) «итоатсизлик ва бузғунчилик сифатлари» дейилганда Мусонинг фиръавнга қилган мурожаатларига кўрсатилган муносабат назарда тутилмоқда.

б) фиръавннинг қутқарилиши фақат унинг жасадига тааллуқли бўлиб, унинг ўзини қанақа жазо кутаётгани ва қавми қанақа жазоланиши ҳақида «Ҳуд» сурасининг 98-оятда аниқ маълумот берилган:

«Қиёмат куни қавмини бошлаб келур. Бас, уларни дўзахга киритди. Қандай ёмон кирар жойга кириш!»

Агар бу китоблардаги маълумотларни тарих, жужрофия ва археология маълумотлари билан солиштирадиган бўлсак, Қуръон ва Муқаддас Китоб ривоятлари қуйидаги ўринларда бир-биридан фарқ қилади:

Қуръонда қуйидаги маълумотлар берилмаган:

- жой номлари, шу жумладан, Мусо қавмидаги яҳудийлар томонидан қурилган шаҳарлар номи ва Мисрдан чиқиш вақтида босиб ўтилган йўл номлари;

- Мусонинг Мадян шаҳридалигида фиръавннинг вафот этиши;

- Мусонинг фиръавнга Бани Исроил қавмини қўйиб юборишни сўраб мурожаат қилганида неча ёшда бўлгани;

- Мусо издошларининг аниқ сони. Муқаддас Китобда бу сон жуда ошириб кўрсатилган (у ерда айтилишича, 600000 одам ўз оила аъзолари билан, демак жами тахминан икки миллиондан ортиқ одамни ўзида жамлаган иттифоқ).

Муқаддас Китобда қуйидаги маълумотлар берилмаган:

- Фиръавн жасадининг ўлиmidан кейин қутқарилиши.

Ҳар икки китобда бирдек тилга олинган ва замонавий маълумотларга таққослаш мумкин бўлган умумий мавзулар эса қуйидагилар:

- Мусо қавмидаги яҳудийларга нисбатан Фиръавн томонидан кўрсатилган зулмнинг Муқаддас Китобда ёзилгани ва Қуръонда тасдиқлангани.

- Иккала китобда ҳам Миср подшоҳининг номи тилга олинмагани.

- Фиръавннинг Мисрдан чиқиш даврида вафот этиши

Илоҳий китоблар ва замонавий илм-фан орасидаги зиддиятлар

Муқаддас Китоб ва Қуръонда берилган Бани Исроил қавмининг Мисрдаги даври ва у ердан чиқиб кетиш тафсилотларида замонавий илм-фан маълумотлари билан зиддиятга киришадиган ўринлар мавжуд. Лекин бу борада матнлар бир-биридан фарқ қилади: баъзилари жуда кўп муаммоларга сабаб бўлса, баъзиларида бирон-бир зиддиятли масалани учратиш қийин.

1. Илоҳий китоблардаги баъзи маълумотлар таҳлили

Мисрдаги яҳудийлар

Айтиш мумкинки, Муқаддас Китобдаги маълумотларга асосланиб (Ибтидо 15, 13 ва Чиқиш 12, 40) яҳудийлар Мисрда 400 ёки 430 йил қолган, деган хулосага келса бўлади ва бу унчалик хато маълумот эмас. Ибтидо ва Чиқиш китобларидаги унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган бу кичик фарққа қарамасдан, ўша давр Иброҳимдан анча кейин, Яъқубнинг ўғли Юсуф ўз акалари билан Мисрга кўчиб ўтганида бошланган дейиш мумкин. Юқорида айтилган Муқаддас Китобга тегишли маълумот ва Қуръонда аниқ бир санага ишора қилмасдан фақат Мисрга кетиш ҳақида берилган хабардан бошқа бизда бу мавзуга оид ҳеч қандай маълумот йўқ.

П. Монтедан (*P. Montet*) Даниел Ропсгача (*Daniel Rops*) бўлган замонавий муфассирлар Юсуф ва Бани Исроилнинг Мисрга келиш даврини милодан олдинги 17-асрда рўй берган Гиксосларнинг Мисрга юриши билан бир вақтда бўлган ва Гиксослар ҳукмдори уларни Нил дельтаси бўйидаги Аверис шаҳрида яхши кутиб олган, деб ҳисоблашади.

Бу тахмин шу мавзудаги Муқаддас Китоб маълумотларига тамоман зид ҳисобланади (*I* Подшоҳлар, 6:1), чунки у ерда Мисрдан чиқиш воқеаси Сулаймон ибодатхонасининг қурилишидан (тахминан мил.ав. 971-йил) 480 йил олдин рўй берган, деб ёзилган. Шунга асосланиб, Мисрдан чиқиш тахминан мил.ав. 1450-йилларга тўғри келади ва демак Мисрга кириш тахминан мил.ав. 1880-1850 йилларга нисбат берилиши мумкин. Ваҳоланки, бу айнан Иброҳим яшаган давр деб тахмин қилинади, Муқаддас Китобдаги бошқа бир маълумотда эса Иброҳим ва Юсуф орасида икки юз эллик йил ўтгани ҳақида хабар бор. Демак, *I* Подшоҳлар китобидаги юқорида тилга олинган парча тарихий воқеалар кетма-кетлиги нуқтаи назаридан нотўғри [1]. Кўриниб турибдики, Бу ерда матннинг фақат мана шу *I* Подшоҳлар матнидаги тафсилоти нотўғри ҳолос, лекин бутун матндаги кичик бир хато маълумот ҳам бутун матннинг ишончлилигига бўлган тасаввурни шубҳа остида қолдиради.

Илоҳий китоблардаги маълумотлардан ташқари яҳудийларнинг Мисрдаги ҳаёти ҳақида бошқа биронта ҳужжат сақланиб қолмаган. Фақат баъзи иероглиф ҳужжатларда Миср ўлкасида Апиру, Ҳапиру ёки Ҳабиру номли ишчилар тоифаси яшагани ҳақида маълумотлар учрайди, баъзи мутахассислар уларни (тўғридир, нотўғридир) яҳудийлар деб ҳисоблашади. Бу ишчилар тоифасига қурувчилар, деҳқонлар ва чорвадорлар, ҳосил йиғувчилар ва бошқалар мансуб ҳисобланган. Аммо улар қаердан келишган? Бу саволга жавоб топиш қийин. Улар ҳақида руҳоний Де Во қуйидаги маълумотларни ёзади:

«Улар маҳаллий халққа мансуб ҳисобланишмаган, уларнинг жамиятда бирон бир синфга мансублиги ҳам номаълум, улар турли ишлар билан машғул турли мавқе одамлари деб таърифланиши мумкин».

Фиръавн Тутмос III давридаги папирусларда ёзилган маълумотларда улар «отхона ишчилари» деб номланишади. Мил.ав. 15-асрда Фиръавн Аменхотеп II шу тоифага мансуб уч минг олти юз одамни Канъондан асир сифатида олиб келгани маълум. Руҳоний Де Во ёзишича, улар Сурия-Фаластин ҳудудларида яшаган аҳолининг катта қисмини ташкил қилишган. Сет I даврида, тахминан мил.ав. 1300-йилларда, апирулар Канъондаги Бет-Шеан вилоятида сезиларли тартибсизликларга сабаб бўлишган, Рамсес II даврида эса уларнинг баъзилари Фиръавн томонидан буюрилган ишларда (*the Great Pylon of Ramesses Miamon*) тош ташиш учун жалб қилинган. Муқаддас Китобдан биламизки, Рамсес II даврида яҳудийларга шимолий пойтахт, яъни Раамсес шаҳрини қуриш топширилган. Миср қўлғезмаларида апирулар, шунингдек мил.ав. 12-асрда ва охириги марта Рамсес III даврида тилга олинади.

Лекин Апирулар ҳақидаги маълумотлар фақат Миср манбаларидагина учрайди, дейиш нотўғри, шунинг учун бу ном фақат яҳудийларга тегишлими, деган ҳақли савол туғилади. Бизнингча, бу сўз умумий маънода «мажбурлаб ишлатилган хизматкорлар» деб тушунилган ва бирор алоҳида миллатга нисбатан қўлланилмаган, кейин эса одамларнинг касбига ишора қилувчи сифат вазифасини бажара бошлаган. Шу ўринда «швейцар» сўзининг бугунги ишлатилиш доирасини қиёс учун кўриб ўтса бўлади. У аввало Швейцария аҳолисини англатса, бошқа ўринларда Франция қироллигидаги швейцариялик ёлланма аскарларни, Ватикандаги қоровулларни ёки насронийлар черковидаги ходимларни ҳам билдиради.

Нима бўлганда ҳам, Рамсес II даврида яҳудийлар (Муқаддас Китобга кўра) ёки апирулар (иероглифларда ёзилган матнларга кўра) Фиръавн буйруғига кўра амалга оширилган катта ишларга жалб қилинишган ва том маънода «мажбурлаб ишлатилган хизматкорлар» бўлишган. Шубҳа йўқки, Рамсес II яҳудийларга жуда кўп зулм қилган, чунки Чиқиш китобида номи келтирилган Раамсес ва Пифом шаҳарлари Нил дельтасининг айнан шарқий соҳилига қурилган. Замоनावий Танис ва Қантир шаҳарлари бир-биридан ўн беш миль узоқликда айнан ўша икки шаҳар ўрнида жойлашган. Рамсес II қурдирган шимолий пойтахт айнан мана шу икки шаҳар ҳудудида бўлган деб тахмин қилинади. Демак, ўша золим Фиръавн Рамсес II деган хулосага келиш мумкин.

Мусо мана шундай вазиятда дунёга келди. Унинг дарё сувларидан қай тариха қутилиб қолгани тафсилотлари юқорида айтиб ўтилди. Унга мисрча исм қўйилган: П. Монте ўзининг «Миср ва Муқаддас Китоб» (*L'Egypte et la Bible* [2]) китобида кўрсатганидек, Месв ёки Месу исмлари Ранкенинг иероглиф тиллари луғатидаги одамларнинг исмлари рўйхатида мавжуд. Мусо номи эса Қуръонда ишлатилган кўриниши, холос.

Мисрга ёғилган балолар

Шу сарлавҳа остида Муқаддас Китобда Худо томонидан юборилган ўнта жазо ҳақида маълумот берилган ва бу балоларнинг ҳар бири ҳақида атрофлича тафсилотлар бор. Уларнинг аксарияти ғайритабиий ўлчам ёки хусусиятга эга. Қуръонда улардан фақат бештаси саналган холос ва улар табиат ҳодисаларининг кучайиб кетиши деб қаралиши мумкин: тўфон, чигиртка балоси, бит балоси, қурбақалар балоси ва қон.

Чигиртка ва қурбақаларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши ҳақида Муқаддас Китобда ҳам маълумот бор. У ерда дарё сувининг қонга айланиб чор-атрофни босиб кетиши ҳақида ҳам айтилган; Қуръон эса қон балоси ҳақида гапириб, бу ҳақда бирон бир қўшимча маълумот бермайди. Шунинг учун бу борада исталганича фаразларни ўртага ташлаш мумкин.

Муқаддас Китобдаги бошқа балолар (чивинлар, пашшалар, касалликлар, момақалдиروقлар, қоронғуликлар, чақалоқлар ўлими ва чорва молларининг қирилиб кетиши) худди тўфон воқеаси тафсилотлари каби турли манбалардан олинган бўлиб, кейин битта матн холида тартиб бериб чиқилган.

Мисрдан чиқиш вақтида босиб ўтилган йўл

Қуръонда бу йўл ҳақида ҳеч қанақа маълумот берилмаган бўлса, Муқаддас Китобда у ҳақда атрофлича ҳикоя қилинади. Руҳоний Де Во ва П. Монтенинг иккаласи ҳам бу мавзуда илмий изланиш олиб боришган. Сафарнинг бошланиш нуқтаси Танис ва Қантир шаҳарлари орасидаги йўл бўлган, деб тахмин қилинади, лекин бу борада Муқаддас Китобдаги ривоятларни тасдиқловчи биронта бошқа ҳужжат йўқ. Мусо ва унинг қавми учун дарёнинг иккига бўлиниш воқеаси айнан қаерда рўй бергани ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас.

Сувнинг мўъжизавий тарзда иккига бўлиниши

Баъзи муфассирлар бу воқеани астрономик ўзгариш ёки шу атрофдаги вулқон кўчиши натижасида рўй берган ер ости силкиниши билан боғлиқ сув сурилиш ҳолати деб изоҳлашади. Яҳудийлар сувнинг қайтишидан унумли фойдаланган бўлишлари мумкин, мисрликлар эса уларнинг изидан қувиш чоғида сув яна ўз жойига келгани натижасида чўкиб кетган, деб тахмин қилса бўлади. Лекин бу ҳодисани биз юқорида илий исботини кўриб чиқдик.

2. Мисрдан чиқиш воқеасининг қадимги Миср тарихидаги ўрни

Мисрдан чиқиш воқеасининг тарихий санаси ҳақида анча аниқ маълумот топиш мумкин.

Кўп йиллар давомида Мисрдан чиқиш воқеаси даврининг фиръавни деб Рамсес II дан кейинги ҳукмдор Мернептах тахмин қилинарди. 20-аср бошларининг энг машҳур мисршуноси Масперо ўзининг «Қоҳирадаги музей зиёратчилари учун қўлланма» (*Maspero: Guide du visiteur du Musée du Caire*) китобида 1900 йилда Мернептахни «Александрия анъаналарига кўра, Мисрдан чиқиш воқеаси даврида ҳукмронлик қилган ва Қизил денгизда чўкиб ўлган фиръавн» деб таърифлаган. Мен Масперо бу фикрни қайси маълумотларга асосланиб билдирганини аниқлай олмадим, аммо унинг шу соҳа мутахассиси сифатидаги обрўси бу фикрга ишонч билан қараш мумкинлигини билдиради. П. Монтени ҳисобга олмаса, мисршунослар ёки Муқаддас Китоб матнини танқидий таҳлил қилувчилар орасида бу тахминга қарши фикр билдириш ёки уни тасдиқлаш даражасида чуқур изланиш олиб борган мутахассислар жуда кам.

Лекин охирги ўн йилликларда жуда кўп турли янги фаразлар бўрони авж олдики, уларнинг асосий мақсади Муқаддас Китобдаги фақат битта маълумот билан ўхшашликни топиш ҳолос, ваҳоланки бу янги фаразларнинг муаллифлари Муқаддас Китобнинг бошқа ўринларидаги маълумотлар билан қизиқиб ҳам кўришмаяпти. Шу тариқа келажакда ҳам янги фаразлар пайдо бўлиши мумкин, лекин булар Муқаддас Китоб ривоятларининг битта нуқтаси билан мос тушаётгандек кўринса-да, уларни Муқаддас Китобнинг бошқа ўринларидаги маълумотлар, Қуръон ҳамда тарих, археология ва бошқа фанлар билан солиштириб кўриш ҳам фойдадан холи бўлмасди.

Шу пайтгача билдирилган фаразларнинг энг ажабланарлиси Ж. де Мичелига тегишли бўлиб (*J. de Miceli, 1960*), у Мисрдан чиқиш воқеасининг аниқ санасини ҳатто кунигача кўрсатиб беради, яъни бу воқеа мил.ав. 1495 йил 9 апрель куни бошланган, деган фаразни илгари суради. Ўз маълумотларида у тўлалигича тақвимлар ҳисоб-китобига асосланган бўлиб, ўша даврда Тутмос II Мисрда ҳукмронлик қилган ва айнан Тутмос II Мисрдан чиқиш воқеаси давридаги фиръавн, деб даъво қилади. Бу фараз тасдиғини Ж. де Мичели Тутмос II нинг мўмиёланган жасадидаги тери қопламларининг ҳолати билан изоҳламоқчи бўлади. Ж. де Мичелининг айтишича, бу ҳолат тери касаллиги бўлиб, у айнан Муқаддас Китобда ривоят қилинган Мисрга юборилган балолардан бири – терининг ёрилиши асорати ҳисобланади. Лекин бу кутилмаган фараз Муқаддас Китобдаги бошқа далиллар билан мос тушмайди, айниқса Муқаддас Китобда Раамсес шаҳри тилга олингани Мисрдан чиқиш воқеасини фиръавн Рамсес давридан аввалги даврга нисбат бериш умуман мумкин эмаслигини билдиради.

Тутмос II нинг тери касаллигига келсак, битта шу маълумотнинг ўзи уни Мисрдан чиқиш воқеаси давридаги фиръавн деб тахмин қилиш учун етарли эмас. Сабаби унинг ўғли Тутмос III ва набираси Аменхотеп II ҳам айнан мана шу тери касаллиги [3] билан оғришган, демак бу наслий касаллик деб фараз қилинса тўғри бўлади. Тутмос II фарази шунинг учун ишончли деб ҳисобланмайди.

Худди шу фикрни Даниэл-Ропснинг «Муқаддас Китоб одамлари» (*Daniel-Rops: Le Peuple de la Bible*) [4] китобида билдирилган қарашга ҳам ишлатиш мумкин. У Мисрдан чиқиш воқеаси давридаги фиръавн деб Аменхотеп II ни тахмин қилади. Бу фараз аввалги фаразга қараганда бирор устунликка эга эмас. Аменхотеп II нинг отаси (Тутмос III) жуда миллатчи бўлганига эътибор қаратиб, Даниэл-Ропс Аменхотеп II яҳудийларга зулм кўрсатган, деб тахмин қилади, унинг онаси қиролича Хатшепсутга эса Мусони сақлаб олган аёл сифатини беради (лекин нима учун бундай қилганига биронта изоҳ келтирмайди).

Руҳоний Де Вонинг ўша фиръавн Рамсес II бўлган, деган тахмини бироз кучлироқ асослар устига қурилган. Бу ҳақда у ўзининг «Исроилнинг қадимий тарихи» (*Father de Vaux: Histoire ancienned'Israël*) [5] китобида тўлиқ маълумот берган. Гарчи бу тахмин Муқаддас Китобдаги ривоят билан ҳамма ўринларда мос тушмаса ҳам, унда камида битта жуда муҳим ҳужжат бор: Раамсес ва Питом шаҳарларининг айнан Рамсес II даврида қурилгани Муқаддас Китоб матнига тўла мос тушади. Шунинг учун Мисрдан чиқиш воқеаси Рамсес II подшоҳлиги давидан олдин рўй берган, деган фаразларни қабул қила олмаймиз. Дриотон ва Вандиерларнинг йилномаларига кўра (*Drioton and Vandier's chronology*) бу воқеа мил.ав. 1301 йили, Роутонинг йилномасига кўра (*Rowton's chronology*) мил.ав. 1290 йилда рўй берган. Юқорида келтирилган икки бошқача фараз ушбу инкор қилиб бўлмас далиллар олдида ўз кучини йўқотади: Муқаддас Китобда тилга олинган яҳудийларга азоб бериш воқеаси давридаги фиръавн, бу – Рамсес II.

Руҳоний Де Во тахминига кўра, Мисрдан чиқиш воқеаси Рамсес II подшоҳлиги даврининг биринчи ярми ёки ўртасига яқин рўй берган. Лекин бу тахмин ҳам ишонарли эмас, чунки руҳоний Де Вонинг ўзи тахмин қилаётган даврда Мусо ва унинг қавми Канъонга бориб ўрнашиши ҳамда Рамсес II нинг издоши, фиръавн Мернептах отасининг вафотидан сўнг Бани Исроил қавмини қайтариш учун чегара вилоятларида тинчлик ўрнатиши керак бўлади, бу ҳақда фиръавн Мернептах подшоҳлиги бешинчи йилида ўрнатилган қоятошда ёзилган маълумотлар бор.

Бу фикрга қарши иккита фикр билдириш мумкин:

а) Муқаддас Китобда ёзилишича (Чиқиш 2, 23), Миср подшоҳи Мусо Мадян шаҳрида эканида вафот этган. Чиқиш китобида Миср подшоҳи деб яҳудийларга Раамсес ва Пифом шаҳарларини мажбурлаб қурдирган подшоҳ назарда тутилган. Бу подшоҳ Рамсес II эди. Демак, Мисрдан чиқиш воқеаси фақат мана шу подшоҳ ўрнига тайинланган издоши даврида рўй бериши мумкин. Аммо руҳоний Де Во Муқаддас Китоб матнидаги Чиқиш китобининг 2-боб, 23-саносига зид фикр билдиради.

б) Энг ажабланарли нарса шундаки, руҳоний Де Во Қуддусдаги Муқаддас Китоб мактабининг директори бўлгани ҳолда Мисрдан чиқиш воқеаси ҳақида ўз

назариясида Муқаддас Китобнинг икки жойидаги аҳамиятли парча – подшоҳнинг яҳудийларни таъқиб қилиш чоғида вафот этганини эътиборсиз ташлаб кетади. Чунки бу маълумотга кўра Мисрдан чиқиш воқеасини подшоҳнинг вафот этган даврдан бошқа даврга нисбат бериш мумкин бўлмай қолади.

Яна бир марта такрорлаб ўтиш лозимки, Фиръавннинг шу воқеа натижасида вафот этгани ҳақида бирон бир шубҳага бормаса бўлаверади. Чиқиш китобининг 13 ва 14-бобларида бу ҳақда аниқ маълумот берилган:

«У жанг аравасини ҳозирлади ва халқини ҳам ўзи билан олиб йўлга чиқди..» (Чиқиш 14, 6).

«(Миср подшоҳи Фиръавн) Исроил халқининг изидан тушди ва улар эса мағрур олға кетишди» (Чиқиш 14, 8).

«Орқага қайтган сув жанг араваларини, отличларни ва Бани Исроил изидан денгизга келган Фиръавннинг бутун аскарларини ўз қаърига олди. Улардан бирор киши ҳам омон қолмади» (Чиқиш, 14:28-29)

Бу саноларга қўшимча тарзда Забур китобининг 135-боби ҳам Фиръавннинг ўлимини тасдиқлайди ва Худованд (Яҳво) «Фиръавн ва лашқарин Қизил денгизга ағдарган» деб таърифланади (Забур 135:15).

«Фиръавн ва лашқарин Қизил денгизга ағдарган» (Забур 135:15).

Демак, Мусо ҳаёти даврида битта Фиръавн Мусо Мадяндалигида, бошқаси эса Мисрдан чиқиш даврида ўлган. Бундан келиб чиқадики, Мусо даврида бир эмас, иккита Фиръавн бўлган: биттаси зулм давридаги ва бошқаси Мисрдан чиқиш давридаги Фиръавн.

Руҳоний Де Во томонидан илгари сурилган битта Фиръавн (Рамсес II) ҳақидаги назария қаноатланарли эмас, чунки у ҳамма саволларга жавоб бўла олмайди. Китобимиз давомида бериладиган мулоҳазалар ҳам унинг назарияси хато эканини исботлаши мумкин.

[1] Биз бу мавзуга кейинроқ, I Подшоҳлар матнини таҳлил қилаётганимизда, Руҳоний Де Вонинг фикрлари билан батафсил тўхталиб ўтамиз.

[2] Delachaux and Niestlé нашриёти, Нефшатель (Швейцария), 1959

[3] Тери касалликлари аломати бу Фиръавнларнинг Қоҳирадаги Миср музейида сақланаётган мўмиёларида яққол сезилиб турибди

[4] Desclée de Brouwer нашриёти, 1970, Париж

[5] J. Gabalda and Co. нашриёти, 1971, Париж

РАМСЕС II – ЗУЛМ ДАВРИ ФИРЪАВНИ, МЕРНЕПТАХ – МИСРДАН ЧИҚИШ ДАВРИ ФИРЪАВНИ

Масперо томонидан тилга олинган асл Александрия анъаналарини (Қадимий даврларга оид кўпгина ҳужжатлар Птолемейлар сулоласи ҳукмдорлик қилган Олтин асрларда Александрия шаҳрида сақланганига шубҳа йўқ, аммо у римликлар томонидан кейин йўқ қилиб ташланган ва бугунги шу йўқотишнинг ўрни сезиляпти) П. Монте холислик билан таҳрир қилиб чиққан. Бу анъаналарнинг таъсири классик насронийлик анъаналарида (20-аср бошида ёзилган дин тарихига оид китобларда, шу жумладан аббат Х.Лезетрнинг тарихида ҳам Мисрдан чиқиш воқеаси Мисрда фиръавн Мернептах ҳукмронлик қилган даврларга тўғри келади, деб ёзилган) ва анча кейин исломий анъаналарда ҳам сезилади. Мисрдан чиқиш воқеасининг фиръавн Мернептах даврида рўй бергани ҳақидаги назария П. Монтенинг "Миср ва Муқаддас Китоб" асарида ёзилган бўлиб, уни қўллаб-қувватлаш учун машҳур археолог эътибор бермай қолдирган бошқа манбалар, жумладан Қуръон оятларидан ҳам далиллар келтириш мумкин. Лекин уларга ўтишдан олдин Муқаддас Китобдаги далилларга қайтамиз. Чиқиш китобида гарчи фиръавннинг исми тилга олинмаган бўлса ҳам, "Рамсес" сўзи ишлатилган ўринлар бор. Муқаддас Китобда "Раамсес" яҳудийларни мажбурлаб ишлатиш натижасида қурилган шаҳарлардан бири. Бугун маълумки, бу шаҳарлар Нил дельтасининг шарқий соҳилидаги замонавий Танис ва Қантир шаҳарлари оралиғидаги вилоятда жойлашган. Рамсес II ўзининг шимолий пойтахтини қурдирган ҳудудда аввал ҳам бошқа қурилишлар олиб борилган, лекин ўша жойни муҳим марказга айлантириш айнан Рамсес II нинг меҳнати ҳисобланади, буни сўнги ўн йилликларда олиб борилган археологик қазишмалар ҳам исботлади. Бу шаҳарни қуриш учун қул қилинган яҳудийлар меҳнатидан фойдаланилган. Бугун "Рамсес" сўзини Муқаддас Китобда ўқир эканмиз, унинг келиб чиқишига унчалик аҳамият бермай қўйганмиз, чунки бу сўз бир юз эллик йил олдин Ж.Ф. Шампалион томонидан иероглифларнинг ўқилиш услуби аниқланганидан бери кенг қўлланила бошлади. Шунинг учун биз уни бугун ўша ўрганган услубимизда ўқиймиз, талаффуз қиламиз ва нима маъно англатишидан хабардормиз. Лекин шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, иероглифлар маъносини ўқиш тахминан мил.авв. III – асрларда имконсиз бўлган ва Рамсес исми Муқаддас Китоб ҳамда юнон ва лотин тилларида ёзилган баъзи китоблардан бошқа бирон жойда сақланиб қолмаган. Биз Рамсес исмини айнан мана шу китоблардан оламиз ва ҳатто Тацит ҳам ўзининг "Аннал" китобида "Рамсес" сўзидан фойдаланади. Муқаддас китобда ҳам у ўзгаришсиз сақланиб қолган ва Беш Китоб ёки Тавротда тўрт ўринда тилга олинади (Ибтидо 47:11, Чиқиш 1:11, 12:37, Чўлда 33:3, 5). "Рамсес" сўзининг иброний тилидаги кўриниши Муқаддас Китобда икки хил услубда ёзилади: "Râ(e)mss" ёки "Râeâmss" Муқаддас Китобнинг юнонча нусхаси Септантада у "Râmessê", лотинча Вулгата нусхаси ва француз тилидаги Клемента нусхасида (1621, 1-нашр) бир хил "Ramasses" деб ёзилган. Французча китоб айнан Шампалионнинг шу йўналишдаги изланишлари олиб борилган даврда кенг тарқалган эди. Ўзининг "Қадимги мисрликларнинг иероглиф тизими ҳақида қисқача изоҳ" китобида (1828 йил, 2-нашр, 276-саҳифа) Шампалион бу сўзнинг айнан Муқаддас Китобда ёзилиш шаклини асос қилиб олган. Шу тариқа Муқаддас Китоб Рамсеснинг исмини мўжизавий тарзда ҳам ибронийча, ҳам юнонча, ҳам лотинча нусхаларда сақлаб қолган. Юқоридаги маълумотларга асосланиб ушбу хулосаларни илгари суриш мумкин:

А) Мисрдан чиқиш воқеаси Миср тахтига Рамсес исмли подшоҳ ўтиришидан аввал рўй берган бўлиши мумкин эмас. (Мисрда шу номли ўн бир подшоҳ ўтган).

Б) Мусо Раамсес ва Питом шаҳарларини қурдирган Фиръавн, яъни Рамсес II ҳукмронлиги даврида келган.

С) Мусо Мадянда эканида тахтдаги Фиръавн (яъни Рамсес II) вафот этган. Мусо ҳикоясининг давоми Рамсес II дан кейин тахтга ўтирган Фиръавн, яъни Мернептах даврида рўй берган.

Буларга қўшимча тарзида Муқаддас Китобдаги маълумотларга асосланиб, бошқа бир муҳим воқеа – Мисрдан чиқишнинг Миср тарихида айнан қачон бўлганини аниқлаш мумкин. Муқаддас Китобда айтилишича, Мусо саксон ёшлигида Худо амрига биноан Фиръавн олдига бориб, ўз қавмининг қўйиб юборилишини сўрайди: "Фиръавн билан гаплашганида Мусо саксон, Хорун саксон уч ёшда эди" (Чиқиш 7, 7).

Бошқа ўринда эса (Чиқиш 2, 23) Муқаддас Китоб Мусо туғилган даврдаги Фиръавн Мусо Мадянда яшаб юрганида вафот этганини маълум қилади, лекин китоб матнида ҳукмдор исми ўзгартирилмасдан давом эттирилаверади. Муқаддас Китобдаги бу икки парчага асосланиб, Мусо Мисрда яшаган даврдаги иккита Фиръавннинг ҳукмдорлик вақти камида саксон йил бўлган деб тахмин қилиш мумкин.

Бизга маълумки, Рамсес II олтмиш етти йил ҳукмронлик қилган (Дриотон ва Вандиер йилномасига кўра мил.авв. 1301-1235 йиллар ёки Роутон йилномасига кўра мил.авв. 1290-1224 йиллар). Унинг ўрнини эгаллаган Мернептах қанча вақт ҳукмдорлик қилгани ҳақида эса мисршунослар аниқ фикр билдиришга ожиз. Айтиш мумкинки, у камида ўн йил ҳукм сурган, чунки руҳоний Де Во ёзишича, Мернептах ҳукмронлигининг ўнинчи йили ҳақида маълумот берувчи ҳужжатлар бор. Дриотон ва Вандиер Мернептах ҳақида икки хил тахмин билдиришган: биринчисига кўра у мил.авв. 1234-1224 йиллар оралиғида ўн йил, иккинчисига кўра мил.авв. 1224-1204 йиллар оралиғида йигирма йил ҳукмронлик қилган. Мисршунослар Мернептахнинг ҳукмронлиги қай тариқа яқун топгани ҳақида аниқ фикр билдиришмаган, аммо шуниси маълумки, унинг вафотидан сўнг йигирма беш йил давомида Мисрда жиддий ички низолар ва инқилоблар ҳукмронлик қилган. Гарчи бу ҳукмдорлик даврларига оид тарихий маълумотлар унчалик аниқ бўлмаса-да, Янги подшоҳлик даврида Муқаддас Китоб матнидаги ривоятларга мос тушадиган Рамсес II ва Менептах каби ҳукмронлиги кетма-кет саксон йил давом этган бошқа икки ҳукмдори топиш имконсиз. Мусонинг ўз қвмини озод қилишини сўраб, Фиръавн ҳузурига борган даврдаги ёшига оид Муқаддас Китобдаги маълумот фақат Рамсес II ва Мернептах Фиръавнлари ҳукмронлиги даврига мос тушиши мумкин холос. Ушбу маълумотларга асосланиб, Мусо Рамсес II ҳукмронлик даврining бошланишида туғилган, Рамсес II олтмиш етти йил ҳукмронлик қилиб, вафот этганида Мадян шаҳрида яшаётган бўлган, Мисрда яшаётган яҳудийлар масаласида Рамсес II нинг ўғли ва издоши Мернептах билан бориб суҳбатлашган. Бу воқеа Мернептах ҳукмронлигининг иккинчи ярми бошланишида рўй берган бўлса керак, чунки у йигирма ёки ўртача йигирма йил ҳукмронлик қилган, деб тахмин қилинади. Роутон фикрича, бу тахмин ҳақиқатга анча яқин. Бундан келиб чиқадикки, Мусо Мисрдан чиш воқеасига Мернептах ҳукмронлигининг охирида раҳбарлик қилган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки Муқаддас Китобда ҳам, Қуръонда ҳам Фиръавн мамлакатдан қочиб кетаётган яҳудийларнинг изидан қувиш чоғида вафот этган, деб хабар берилади. Бу назария илоҳий китобларда берилган Мусонинг гўдаклиги ва унинг Фиръавн оиласига келиб қолишига оид маълумотлар билан ҳам тўлиқ мос

тушади. Маълумки, Рамсес II вафот этганида жуда кексайиб қолганди, тахминларга кўра у тўқсон –юз ёшлар орасида вафот этган. Демак, унинг олтмиш етти йил ҳукмронлик қилгани ҳисобга олинса, ҳукмронлик даврини у 23 ёки 33 ёшида бошлаган бўлиши мумкин. Ўша ёшда у уйланган бўлиши ва (Қуръонда айтилганидек) Фиръавн хонадонидан кимдир гўдакни топиб олиши ёки Фиръавннинг хотини Нил соҳилидан топилган чақалоқни сақлаб олишни сўраши эҳтимолдан холи эмас. Муқаддас Китобда айтилишича, гўдакни Фиръавннинг қизи топиб олади. Рамсес II нинг ҳукмронлик даври бошидаги ёшига эътибор берилса, у ўша даврда ташлаб кетилган чақалоқни топиб олиш даражасида катта фарзандга эга бўлиши мумкинлиги келиб чиқади. На Қуръонда, на Муқаддас Китоб маълумотлари бу борада бир-бирига зид тушмайди. Бу назария билан Қуръон матни мукамал равишда бир-бирига мос тушади, Муқаддас Китоб билан эса у фақат бир ўринда – 1 Подшоҳлар китобидаги 6-боб 1-санодагина зиддиятга киришади холос, (бу китоб Тавротдаги китоблар орасида киритилмаган). Руҳоний Де Во бу парча ҳақида фикр билдириб, Эски Аҳд китобининг ушбу қисмидаги тарихий маълумотларни эътиборга олмасликка чақиради, чунки у ерда Мисрдан чиқиш воқеаси Сулаймон ибодатхонасининг қурилиши билан алоқадор қилиб кўрсатилган. Бу маълумотга нисбатан шубҳа билан қаралаётганининг ўзиёқ уни юқоридаги назарияга қарши қўйишга ва уни инкор қилиш учун ишлатишга имкон бермайди.

МЕРНЕПТАХ ҲУКМРОНЛИГИНИНГ БЕШИНЧИ ЙИЛИГА ОИД БИТИКТОШ МУАММОСИ

Мернептах ҳукмронлигининг бешинчи йилига оид машҳур битиктош матнларида танқидчилар бу ерда берилган назарияга эътироз бор ва Мернептах ҳукмронлиги яҳудийларни таъқиб қилиш вақтида яқун топмаган, деб даъво қилишади. Бу битиктош катта аҳамиятга эга, чунки у иероглиф билан ёзилган "Исроил" сўзи мавжуд ягона ҳужжат ҳисобланади. Мернептах ҳукмронлиги даврининг биринчи қисмига нисбат бериладиган бу ҳужжат фивадаги шу Фиръавн қабрида топилган. Битиктошда унинг Мисрга қўшни ўлкалар устидан қозонган бир талай ғалабалари санаб ўтилган, жумладан ҳужжат яқунида "янчиб ташланган ва умуман уруғи қолмаган Исроил" ҳам тилга олинади. "Исроил" сўзининг ишлатилиши яҳудийларнинг бу даврда аллақачон Канъонда қўним топганларини, бу эса Мисрдан чиқиш воқеаси Мернептах ҳукмронлигининг бешинчи йилдан аввал рўй берганини англатади. Бу изоҳ мантиқ доирасига тўғри келмайди, чунки унда айтилишича, яҳудийлар бир вақтда ҳам Канъонда, ҳам Мисрда яшаган бўлишлари мумкинлиги ҳисобга олинмаган. Руҳоний Де Во, гарчи Мисрдан чиқиш даври Фиръавни деб Рамсес II ни тан олса-да, ўзининг "Исроилнинг қадимий тарихи" китобида яҳудийларни Канъонда ўрнашишлари ҳақида бундай ёзади: "Жанубда, Исроил ҳалқига алоқадор қавмлар Кадеш вилоятида қачон қўним топа бошлагани маълум эмас, аммо у Мисрдан чиқиш воқеасидан аввал рўй бергани исботланган". Шунга асосланиб, руҳоний Де Во яҳудийларнинг баъзи гуруҳлари Мисрни Мусо ва унинг издошларидан олдин тарк этган бўлишлари мумкин, деган тахминни илгари суради. Бани Исроилга нисбат берилган Апиру ёки Ҳабиру деган ҳалқлар Сурия-Фаластин ҳудудларидан Рамсес II ва Мисрдан чиқиш воқеаси давридан анча илгари яшаганлари ҳам маълум: бизда Аменхотеп II Мисрдаги мажбурий ишларда фойдаланиш учун 8600 маҳбусни олиб келгани ҳақида маълумот берувчи ҳужжатлар бор. Шу мавзудаги ҳужжатларга кўра, Бани Исроил авмининг Сет I ҳукмронлиги даврида ҳам Канъонда мавжуд бўлганлари ва Бет-Шеан вилоятида тартибсизликлар қилишгани ҳақида маълумотлар бор. Бу ҳақда П.Монте "Миср ва Муқаддас Китоб" асарида

хабар беради. Демак, Мернептах ўз давлати чегараларида тинчликни бузганларга қарши кескин чора кўришга мажбур бўлгани мантиққа зид эмас. Мамлакатнинг ичида эса ўша даврда кейинчалик Мусо билан биргаликда Мисрни тарк этадиган яҳудийлар истиқомат қилишган. Бундан келиб чиқадики, Мернептах ҳукмдорлик даврининг бешинчи йилига оид битиктош биз илгари сураётган назарияга ҳеч қанақасига зид эмас. Шунингдек, "Исроил" сўзининг яҳудийларга нисбатан ишлатила бошланиши Мусо ва унинг қавми Канъонга келиб ўрнашган вақт билан асло алоқадор эмас. Бу сўзнинг келиб чиқиш тарихи қуйидагича:

Ибтидо китобида ёзилишича (32:28), Исроил – Иброҳимнинг набираси, Исҳоқнинг ўғли Яъқубга берилган иккинчи ном ҳисобланади. "Муқаддас Китоб – Эски Аҳднинг экуменик таржимаси" муфассирлари фикрича, бу сўз "Худо Ўзини ва Ўз кучини намойиш этмоқда" деган маънони англатиши мумкин. Бу ном битта инсонга тегишли бўлса-да, кейинчалик шу инсоннинг авлодлари унинг ҳаққи-ҳурмати шу ном билан атала бошлаган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. "Исроил" номи Мусо давридан ҳам аввал ишлатилганига шубҳа йўқ, аниқроқ қилиб айтсак, у Мусодан тахминан етти юз йил аввал пайдо бўлган. Шунинг учун унинг Фиръавн Мернептах давридаги битиктошда ишлатилгани ҳеч қанақасига Мисрдан чиқиш воқеаси ўша қоятошдаги ёзув пайдо бўлишидан олдин, яъни Мернептах ҳукмронлигининг бешинчи йилидан аввал рўй берган, деган фикрни билдирмайди. У ерда шунчаки "Исроил" номига ишора бор холос, аммо Мернептах битиктоши сиёсий жиҳатдан қарор топган халққа нисбатан ишлатилмаган, чунки у мил.авв. 13-аср охирларида ёзилган, Исроил қироллиги эса ундан уч аср кейин, мил.авв. 10-асрга келиб шаклланди. Демак, у ерда фақат баъзи одамлар гуруҳига ишора бор, холос. Бугун шуни яхши биламизки, "Исроил"нинг тарихида ўз ўрнига эга бўлиши саккиз ёки тўққиз аср давом этган шаклланиш давридан кейин рўй берган. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти сифатида кўплаб ярим кўчманчи иттифоқларнинг, айниқса, аморий ва оромийларнинг бутун ҳудуд бўйлаб тарқалиб кетишини ажратиб кўрсатиш мумкин. Худди шу даврда улар орасида пайғамбарлик берилган етакчилар пайдо бўла бошлади, жумладан Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб (Исроил). Яъқубнинг иккинчи исми кейинчалик унинг авлодларига нисбатан ишлатила бошланди ва Мернептах ҳукмронлигидан анча кейин шу номдаги иттифоқ шаклланди. Исроил қироллиги мил.авв. 931 ёки 930 йилдан то мил.авв. 721 йилгача давом этди.

Фиръавннинг Мисрдан чиқиш чоғида вафот этиши воқеасининг илоҳий китобларда берилган тафсилоти

Бу воқеа Муқаддас Китоб ва Қуръонда берилган Мисрдан чиқиш ҳақидаги ривоятларнинг энг муҳим нуқтаси ҳисобланади. Матнларда бу аниқ-равшан тасвирланган. Бу ҳақда Муқаддас Китобда нафақат Беш китоб ёки Тавротда, балки Забурда ҳам маълумот бор, бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди.

Аммо нима учундир буни насроний муфассирлари эътиборга олишмагани ажабланарли. Жумладан руҳоний Де Во Мисрдан чиқиш воқеаси Рамсес II ҳукмронлиги даврининг биринчи ярми ёки ўртасида рўй берган, деган фикрни олға суради. Унинг назариясига кўра, Фиръавннинг Мисрдан чиқиш чоғида вафот этгани ҳисобга олинмаган, бу эса ушбу воқеанинг ҳукмронлик даври якунида рўй берганини англатиши керак. Ўзининг «Исроилнинг қадимий тарихи» (*Histoire ancienne d'Israël*) китобида Қуддусдаги Муқаддас Китоб мактаби раҳбари ўз назариясининг Муқаддас

Китобдаги бошқа икки китоб – Таврот ва Забурдаги маълумотларга зид бораётганига умуман эътибор бермаган.

П. Монтенинг «Миср ва Муқаддас Китоб» (*P. Montet: L'Egypte et la Bible*) китобида Мисрдан чиқиш Мернептахнинг ҳукмронлик даврига нисбат берилади, ammo у ерда ҳам Фиръавннинг ўлими ҳақида бирон гап йўқ, ваҳоланки, қочиб кетаётган яҳудийларни қувиб чиққан қўшинларга айнан Фиръавн бошчилик қилгани очиқ-ойдин тан олинган.

Бу ажабланарли ҳолат яҳудийларнинг қарашларига тамоман зид ҳисобланади, чунки Забур 136 қисм, 15-саносида «Фиръавн ва лашкарин Қизил денгизга ағдарган» Худога миннатдорчилик билдирилган бўлиб, бу сано ҳатто ибодат чоғида ўқиладиган санолар орасида жой олган.

Чиқиш китобидаги ушбу парча ҳам юқоридаги маълумотни тасдиқлайди:

«Орқага қайтган сувлар жанг араваларини, отлиқларни ва Бани Исроил изидан денгизга келган Фиръавннинг бутун аскарларини ўз қаърига олди. Улардан бирор киши ҳам омон қолмади» (Чиқиш, 14:28-29)

Яҳудийларнинг фикрича, Фиръавн ва унинг аскарлари денгиз қаърига ғарқ бўлгани бирор шубҳа уйғотмайдиган даражада ишончли.

Худди шу матнлар насронийларнинг китобларида ҳам мавжуд. Ammo насроний шарҳловчилари барча ҳужжатларга қарамай, Фиръавн ўлими ҳақидаги хабарни кўр-кўрона ташлаб кетишади ва бу ҳақда умуман оғиз очишмайди. Уларнинг баъзилари ҳатто бу ҳақда Қуръонда маълумот берилганини эслаб ўтиб, ўқувчиларга ғайриоддий мисолларни тақдим этишади. Қуддусдаги Муқаддас Китоб мактаби раҳбарлигида амалга оширилган Муқаддас Китоб таржимасида [\[1\]](#) руҳоний Куруайе томонидан ёзилган Фиръавн ўлими ҳақидаги ушбу изоҳни учратиш мумкин: «Бу ҳақда (яъни Фиръавннинг ўлими ҳақида) Қуръонда маълумот берилган («Юнус» сураси, 90-92-оятлар). Халқ оғзаки ижодига кўра эса Фиръавн ўз аскарлари билан ғарқ бўлгач (бу воқеа Илоҳий Китобларда тилга олинмаган [\[2\]](#)) ҳозир ҳам уммон тубида яшамоқда ва денгиз мавжудотлари, яъни тюленлар ва денгиз мушукларига ҳукмронлик қилмоқда» дейишади.

Аниқки, Қуръондан беҳабар ўқувчи Муқаддас Китобда йўқ бўлган хабар ва ақлга сиғмайдиган афсона ҳақидаги маълумотларни Қуръон билан боғлайди ва ҳар иккисини ҳам бирдек мантиққа зид, деб ҳулоса чиқаради.

Аслида эса Қуръондаги матннинг асл маъноси муаллифнинг юқоридаги тахмини билан ҳеч қанақасига алоқадор эмас: «Юнус» сурасининг 92-93-оятларида айтилишича, Бани Исроил денгизни кечиб ўтишга муваффақ бўлишди, улар изидан қувишдан давом этган Фиръавн ва унинг лашкарлари эса денгиз қаърига ғарқ бўлишди. Шу чоғда Фиръавн нидо қилади:

«Ва Бани Исроилни денгиздан ўтказдик. Бас, Фиръавн ва унинг аскарлари зулм ва тажовуз ила ҳолда уларни таъқиб этдилар. Токи унга ғарқ бўлиш етганида: «Бани Исроил иймон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқлигига иймон келтирдим ва мен мусулмонларданман», деди. Эндими? Олдин исён қилган ва бузғунчилардан бўлган эдинг-ку?! Бугун сенинг баданингни қутқарамиз. Токи ўзингдан

кейингиларга ибрат бўлгин. Албатта, кўп одамлар оятларимиздан Ғофилдирлар» («Юнус» сураси, 90-92-оятлар).

Сурада Фиръавн ўлими ҳақида берилган бор маълумот мана шу. Муқаддас Китоб шарҳловчилари томонидан билдирилган тўқима маълумотлар эса Қуръонда ушбу сурада ҳам, бошқа бирон жойда ҳам учрамайди. Қуръонда фақат Фиръавннинг жасади қутқарилиши ҳақида айтилган ҳолос ва бу жуда муҳим маълумот.

Қуръон пайғамбар алайҳиссалом орқали инсониятга юборилган даврда бугун биз (тўғри ёки нотўғри равишда) Мисрдан чиқиш воқеасига алоқадор деб ҳисоблаётган Фиръавнларнинг жасадлари Нил дарёси бўйида Луксорнинг қарши тарафидаги Фиво шаҳри қабристонидagi қабрларда ётарди. Денгиз қаъридан Фиръавн жасадининг топилиши ҳақида у даврларда бирон бир маълумот бўлмаган, чунки бу топилма фақат 19-аср охирига келиб юзага чиқди. Қуръонда хабар берилишича, Мисрдан чиқиш воқеаси давридаги Фиръавннинг жасади, у қайси Фиръавн бўлишидан қатъий назар, қутқарилган. Уни ҳозир исталган зиёратчи Қоҳирадаги Миср музейининг Қирол оиласи мўмиёлари хонасида кўриши мумкин. Кўриниб турибдики, ушбу ҳақиқатнинг руҳоний Куруайе Қуръонга боғламоқчи бўлган аҳмоқона афсона билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

[1] *L'Exode (Exodus)*, 1968, 73-бет, *Les Editions du Cerf* нашриёти, Париж

[2] Муаллиф муқаддас китобга мурожаат қилаётганига шубҳа йўқ.

ФИРЪАВН ЖАСАДИНИНГ САҚЛАНИШИ

Фиръавн Мернептаҳнинг мўмиёси

Рамсес II нинг ўғли ва Мисрдан чиқиш воқеаси Фиръавни Мернептаҳнинг мўмиёланган жасади 1898 йил тадқиқотчи Лорет томонидан Фива шаҳридаги Қироллар водийида топилган ва кейин Қоҳирага олиб келинган. Жасадни ечинтириш 1907 йил 8 июл куни Эллиот Смит томонидан амалга оширилган, бу жараён ҳақида у ўзининг «Қирол оиласи мўмиёлари» (*Elliot Smith: The Royal Mummies*, 1912) китобида атрофлича маълумот беради. Ўша вақтда мўмиё баъзи қисмларидаги айрим бузилишларни айтмаса, сақланиш даражасига кўра қониқарли ҳолатда бўлган. Ўшандан бери мўмиё Қоҳира музейида зиёратчилар учун кўргазмага қўйилган бўлиб, унинг боши ва бўйни очиқ қолдирилган, танасининг қолган қисми мато билан ўраб қўйилган. Бу мўмиё шунчалик эҳтиёт қилинганки, 1972 йил Э. Смит томонидан олинган суратдан бери яқин-яқингача бу мўмиёни тўлиқ акс эттирувчи бошқа сурат олинмаган ва музей фақат ўшани расмий сурат сифатида тарқатаверган.

1975 йили Миср раҳбарияти менга Фиръавн жасадининг ёпиқ сақланиб қолган қисми билан танишиб чиқишга ижозат берди. Улар ҳатто расмга олишимга ҳам қаршилиқ қилишмади. Мўмиёнинг бугунги ҳолатини олтмиш йил аввалги сурат билан солиштирганимда, у анча ёмон аҳволга келиб қолган ва баъзи қисмлари

йўқолгани маълум бўлди. Мўмиёланган тери қопламлари ҳам одамларнинг қўли тегиши таъсирида ва вақт ўтиши натижасида анча бузилган экан.

Бу табиий бузилиш 19-аср охирида у топилган шароитдаги сақланиш ҳолати билан ҳозирги сақланиш ҳолати орасидаги фарқ таъсирида рўй берган бўлиши мумкин. Жасад Фива шаҳридаги қабрлардан топилган бўлиб, минг йиллар давомида ўша ерда сақланган. Бугун эса у оддий ойна остида сақланади ва ташқи таъсирдан ҳимояланмаган, чанг ва микроорганизмлар таъсири ҳам яққол сезилиб турибди. Мўмиё ҳарорат ўзгариши ва мавсум алмашишига қараб турли намланишларга юз тутяпти, бу эса уни тахминан уч аср давомида барча бузилишлардан холи равишда сақлаган аввалги мукамал шароитдан бутунлай фарқ қилади.

У аввалгидек ўралган ҳолда эмас, балки яланғоч ётибди, аввалгидек ёпиқ тобутда эмас очиқ жойда, булар эса Қоҳирадаги йил мавсумларида ўзгариб турадиган об-ҳаво таъсирини кескин кучайтирган. Тўғри, мўмиё некрополдаги қабрда ётганида унга қабр ўғрилари (дастлабки даврларда) ва турли кемирувчи ҳайвонлар таъсир ўтказган бўлиши мумкин, аммо ўша шароит ҳам мўмиё учун бугунги сақланаётган шароитига қараганда анча маъқул эди.

Таклифимга кўра, 1975 йил июн ойида мўмиё яна бир марта махсус текширувдан ўтказилди. Доктор Эл Мелиджи (*El Meligy*) ва доктор Рамисуслар (*Ramsiys*) ажойиб радиографик тадқиқотлар олиб боришди, доктор Мустафо Маниалави (*Mustapha Manialawiy*) эса мўмиёнинг томоғи орқали кўкрак қафасини ўрганиб чиқди. Бу мўмиё устида олиб борилган биринчи эндоскопик текширув бўлди. Натижада жасад ичидаги кўплаб муҳим ўринларни ўрганишга, уларни суратга олишга муваффақ бўлдик. Мўмиёнинг тиббий ҳолати профессор Чеккалди (*Ceccaldi*) томонидан махсус ўрганилди. Мўмиёдан ажралиб тушган баъзи парчалар қатто заррабин остида кузатилди. Бу жараёнда профессор Минио (*Mignot*) ва доктор Дюригон (*Durigon*) бор маҳоратларини ишга солишди. Афсуски, ушбу китоб нашрга тайёрланаётган вақтда [\[1\]](#) улар ҳали ўз кузатувлари ҳақида якуний хулосаларни тайёрлаб улгуришмаган эди.

Бу тадқиқотдан олинган дастлабки хулоса шундан иборатки, жасаднинг суяклари бир неча жойидан синган, баъзи суяклар етишмайди ва бу ўлимга олиб келган бўлиши ҳам мумкин. Балки бу ўзгаришлар Фиръавн ўлиmidан кейин рўй бергандир, бир нарса дейиш қийин. Тахминларга кўра, у ҳойнаҳой илоҳий китобларда ёзилганидек чўкиш натижасида ёки қаттиқ изтиробга тушиш таъсирида ёки ҳар иккиси туфайли ўлган бўлиши мумкин.

Мўмиёдаги бу жароҳатлар ва юқорида санаб ўтилган бузилишлар унинг келажак учун сақланиб қолишини мураккаблаштириши табиий ва агар тез кунларда уни таъмирлаш ишлари олиб борилмаса, аҳвол янада аянчли кўриниш олиши мумкин. Акс ҳолда биз Мисрдан чиқиш воқеаси даврида Фиръавннинг ўлими билан алоқадор бирдан-бир ҳужжатдан айрилиб қолишимиз ва Худонинг хоҳишига кўра бугунги кунгача сақланган жасадни бой беришимиз эҳтимолдан холи эмас.

Инсонларнинг тарихий обидаларга ҳурмат билан қараши, уларни сақлашга интилиши ижобий ҳолат, аммо бу мўмиёда биз ундан ҳам жиддийроқ вазият устида турганимиз аниқ: бу Мусони таниган, унинг илтимосларини рад қилган, унинг изидан қувган ва шу жараёнда ҳаётдан жудо бўлган инсоннинг мўмиёланган жасади. Унинг бугунги кунгача сақлаб қолингани Худонинг хоҳиши ва Қуръонда айтилганидек, бу жасад бошқаларга ўрнатилган сабоқ бўлиши керак [\[2\]](#).

Ким илоҳий китобларнинг ҳаққонийлиги борасида замонавий ҳужжатларни кўришга қизиқса, Қоҳира шаҳридаги Миср музейига бориб, қироллар оиласи мўмиёлари залига кирсин. Қутқарилган Фиръавн жасади ҳақидаги Қуръон оятлари ўша ерда яққол исботини топган.

© Морис Букай

[1] Китобнинг француз тилидаги биринчи нашри 1975 йил ноябрда чоп этилган.

[2] Мусонинг ҳаёт йўлига гувоҳ бўлган бошқа бир Фиръавн Рамсес II нинг мўмиёси ҳам худди Мернептах мўмиёси каби тадқиқ қилинди. У ҳам ҳозир таъмирлашга муҳтож. 1975 йил Қоҳирада ўтказилган ушбу тиббий тадқиқотлар натижалари китоб муаллифи томонидан Франция олимлар уюшмасининг баъзи аъзоларига, жумладан 'Académie Nationale de Médecine' тиббиёт миллий академиясига 1976 йилнинг биринчи ярмида маълум қилинди. Бунинг натижасида Миср раҳбарияти Рамсес II мўмиёсини «даволаш» учун Францияга жўнатишга розилик беришди. У 1976 йил 26 сентябр куни Парижга олиб келинди.

ФИРЪАВН РАМСЕС II НИНГ ЖАСАДИ



Фиръавн Рамсес II жасади асосида ишланган уч ўлчамли (3D)
фотосурат



DISCOVERY CHANNEL

Фиръавн Мернептахнинг жасади



Фиръавн ўзини илоҳ деб хисоблар эди ва Мусо Пайғамбар (а.с.) нинг «Аллоҳга имон келтир», деб қилган мурожаатларига у дўқ-пўписа билан жавоб қайтарар эди. Фиръавннинг бундай кеккайган муомаласи у сувга чўкаётиб, ўлим билан юзма-юз бўлгунча давом этди. Қуръонда таъкидланишича, Фиръавн Аллоҳнинг жазоси билан тўқнаш келган заҳоти имон келтиради: Исроил авлодини денгиздан ўтказдик. Фиръавн ва унинг лашкарлари улар ортидан зўравонлик ва зулм юзасидан эргашдилар. Унга (Фиръавнга) фарқбўлиш (соати) етишганда айтди: «Имон келтирдимки, Исроил авлоди имон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқдир. Мен ҳам мусулмонларданман.» («Юнус» сураси, 90-оят) Бироқ самимий бўлмаганлиги боис, унинг бундай имонга келиши инобатга олинмади. Аллоҳ

бу ҳақда шундай хитоб қилади: (Аллоҳ деди): «Эндими?! Ахир, сен илгари итоатсизлик қилгандинг ва бузғунчилардан эдинг-ку! Мана бугун сендан кейингиларга белги (ибрат) бўлишинг учун жасадингни қутқарурмиз. Ҳақиқатан, одамларнинг аксарияти оятларимиздан гофилдирлар.» («Юнус» сураси, 91-92-

оятлар) Фиръавнинг жасади кейинги авлод учун ибрат бўлиши тўғрисидаги маълумот унинг жасади чиримаслигини назарда тутаётган бўлиши мумкин. Қоҳирадаги Миср музейида олий табақа вакилларининг мўмиёланган таналари сакланадиган хонада кўрғазма қилиб қўйилган мўмиёланган жасад мана шу золимга тегишли, деб ҳисобланмоқда. Сувга фарқ бўлгандан сўнг Фиръавнинг жасади қирғоққа қалқиб чиққан ва мисрликлар томонидан топилиб, мўмиёланган, шу тариқа, олдиндан тайёрлаб қўйилган дафн қилиш дажмасига келтирилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.



© Ҳурун Яҳё

ДОВУД АЛАЙХИССАЛОМ

(Ғарбда Давид)

Тахминан мил.авв. 1065–965 йиллар

Аллоҳ таоло Ўз пайғамбари Довуд алайҳиссаломни Қуръони Каримда ўн олти марта зикр қилган. У зот ҳақларида Бақара, Нисо, Моида, Анъом, Исро, Анбиё, Намл, Саба ва Сод сураларида ояти карималар бор.

У зотнинг насаблари Довуд ибн Ийшаа ибн Увайд бўлиб, бориб охири Яҳуззо ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим бўлиб тугайди. Насаб илми соҳибларининг ҳаммаси Довуд алайҳиссаломни Яҳуззо ибн Яъқуб авлодидан эканларига иттифоқ қилганлар.

Довуд алайҳиссалом пайғамбар қилиб юборилишларидан аввал Бани Исроил заифлашиб, шарият йўқолиб, ширку хурофотлар кенг тарқалиб кетган эди.

Уларнинг бу ҳоллари яқин қўшнилари томонидан ғанимат фурсат билиниб, ерлари босиб олинган эди. Ўша пайтда Бани Исроил босқинчиларнинг зулми остида турли азобларга гирифтор бўлиб, хору зор ҳолда яшар эдилар.

БАНИ ИСРОИЛ УРУШ ҚИЛМОҚЧИ

Бақара сурасида келадиган ояти карималарда Бани Исроилнинг Аллоҳ йўлида уруш қилишига боғлиқ қиссаси келтирилади:

«Мусодан кейинги Бани Исроилдан бўлган аёнларни билмадингми?! Вақтики ўз набийларига: «Бизга бир подшоҳ тайин қилгин, Аллоҳнинг йўлида уруш қилайлик», дедилар. У: «Агар сизларга уруш фарз қилинса, урушмасаларингизчи?!» деди. Улар: «Бизга нима бўлибдики, диёримиздан ва фарзандларимиздан жудо қилинсақ ҳам, Аллоҳнинг йўлида урушмасак», дедилар. Уруш фарз қилинганда эса, озгиналаридан бошқалари юз ўгириб кетдилар. Ва Аллоҳ зулм қилувчиларни билувчидир» (246-оят).

Ушбу оятни Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломнинг қавмидан бўлган аёнларни эслатиш билан бошламоқда:

«Мусодан кейинги Бани Исроилдан бўлган аёнларни билмадингми?!»

Мусо алайҳиссалом вафот этиб кетганларидан кейин Бани Исроилнинг аёнларидан бир гуруҳи:

«Вақтики ўз набийларига: «Бизга бир подшоҳ тайин қилгин, Аллоҳнинг йўлида уруш қилайлик», дедилар».

Яъни, у аёнлар ўз Пайғамбарлари олдида келиб: «Бизга бир подшоҳ-бошлиқ тайин қилиб бер, унинг раҳбарлигида Аллоҳнинг йўлида урушмоқчимиз», дейишди. Уларнинг бундоқ дейишларидан қалбларида иймон ҳисси уйғониб турган пайти экани билиниб турибди. Уларнинг биз ҳақ йўлдамиз, кофирлар ботилда, бизни Аллоҳнинг Ўзи қўллайди, деган фикрлари бор. Шунинг учун «Аллоҳнинг йўлида уруш» қилмоқчилар.

Лекин қуруқ ҳавас билан иш битмаслигини англаб етмайдилар. Бу ҳақиқатни Аллоҳдан бўлган ҳидоят туфайли Пайғамбарлари тушуниб етади. Шунинг учун:

«У: «Агар сизларга уруш фарз қилинса, урушмасаларингизчи?!» деди.

Ҳозир кенгликда туриб, бир-бирингизга қизиқиб, бизга подшоҳ тайин қилгин, Аллоҳнинг йўлида уруш қилайлик, демоқдасизлар. Ҳақиқатан шу иш йўлга қўйилса, уруш фарзга айланади ва унда орқага қайтишнинг иложи қолмайди. Ортга қайтган гуноҳкор бўлади.

Бу мулоҳаза қизишиб турган тўдани янада қизитиб юборди. Урушга кириш қарорига олиб келган сабабларни зикр қилишди:

«Улар: «Бизга нима бўлибдики, диёримиздан ва фарзандларимиздан жудо қилинсақ ҳам, Аллоҳнинг йўлида урушмасак?!» дедилар».

Яъни, қайтишга йўл йўқ. Урушмасак, нима деган одам бўламиз. Кофирлар бизни диёримиздан чиқарган, фарзандларимиздан жудо қилган бўлсалар.

«Уруш фарз қилинганда эса, озгиналаридан бошқалари юз ўгириб кетдилар».

Аввалги қизиқиш, шижоат ва ҳавасдан асар ҳам қолмади. Фақат иймоний тарбия олганларгина собитқадам бўлиб қоладилар.

«Ва Аллоҳ зулм қилувчиларни билувчидир».

Бошга иш тушганда ортга қараб қочадиганлар золим эканини шу оятдан биламиз. Аллоҳ таоло уларни зулмини билиб, муносиб жазоларини беради.

ТОЛУТ ПОДШОҲ БЎЛДИ

«Набийлари уларга: «Албатта, Аллоҳ Толутни сизга подшоҳ қилиб тайинлади», деди. Улар: «У бизга қаёқдан подшоҳ бўлсин. Ундан кўра подшоҳликка биз ҳақлироқмиз. Қолаверса, унга кўпроқ мол ҳам берилмаган» дедилар. У: «Албатта, уни Аллоҳнинг Ўзи сизларга танлади ва илмда, жисмда кенглигини зиёда қилди. Аллоҳ подшоҳлигини кимга хоҳласа, ўшанга беради. Ва Аллоҳ кенг қамровли ва билувчидир», деди» (Бақара сураси, 247-оят).

Бани Исроилнинг талабига биноан, уларнинг Аллоҳ йўлида қиладиган урушларига раҳбарлик қилиш учун подшоҳ ихтиёр қилинди.

«Набийлари уларга: «Албатта, Аллоҳ Толутни сизга подшоҳ қилиб тайинлади», деди».

Подшоҳ талаб қилган ўзлари эди, шу талаб инобатга олиниб, Толут уларга подшоҳ этиб тайинланганида, улар уни ризолик ила қабул қилишнинг ўрнига, Аллоҳ таолонинг амрига исён қилишди. Аллоҳ таоло тайин қилган Толутнинг подшоҳ бўлишини инкор этишди. Унинг подшоҳликка тайинланишини хато, деб эълон қилишди. Нега?

«Улар: «У бизга қаёқдан подшоҳ бўлсин. Ундан кўра подшоҳликка биз ҳақлироқмиз. Қолаверса, унга кўпроқ мол ҳам берилмаган», дедилар.

Демак, Толутнинг подшоҳлар авлодидан эмаслиги уларнинг инкорига сабаб бўлган экан. Қолаверса, уларнинг фикри бўйича, подшоҳ бўладиган одамнинг мол-дунёси кўп бўлиши керак экан. Толутда бу ҳам йўқ. У қандай қилиб подшоҳ бўлади?

Бани Исроилнинг ушбу нотўғри мавқифига қарамай, набийлари Аллоҳ таоло нима учун Толутни уларга подшоҳ қилиб тайинлаганини баён қилди:

«У: «Албатта, уни Аллоҳнинг Ўзи сизларга танлади. Ва илмда, жисмда кенглигини зиёда қилди. Аллоҳ подшоҳлигини кимга хоҳласа, ўшанга беради. Ва Аллоҳ кенг қамровли ва билувчидир», деди».

Бани Исроилнинг Пайғамбари сабр билан, қизишмай, уларга ҳақиқатни тушунтиришга уринди. У зот аввало, сиз инкор қиладиган толутни подшоҳ қилиб Аллоҳнинг Ўзи танлади, мен ёки бошқа бирор киши танлагани йўқ, иккинчидан, Аллоҳ унинг илмда ва жисмда кенглигини зиёда қилиб қўйди, подшоҳликка энг керакли нарсалар шулар, қолаверса, Аллоҳ подшоҳлигини кимга хоҳласа, ўшанга беради, Ўзи билиб тасарруф қилади, дедилар.

«Аллоҳ кенг қамровли ва билувчидир».

Ҳамма нарсани, шу жумладан, сиз билан бизни ва биз талашаётган масалани ҳам қамраб олган. Ўзи билиб тасарруф қилади.

Лекин иккиланиб турган ва улкан ишга қадам қўйиш арафасидаги қавмнинг эҳтимолли шубҳаларини ҳам тарқатиб, ишончларини ошириш учун Толутнинг подшоҳлиги Аллоҳ таоло томонидан эканлигини тасдиқловчи мўъжиза нарсаларни ҳам айтиб ўтилади:

«Набийлари уларга: «Албатта, унинг подшоҳлигининг белгиси, сизларга Роббингиздан тобут келмоғидир, унда хотиржамлик ва Мусо ҳамда Ҳорун аҳлидан қолган қолдиқ бўлиб, фаришталар кўтариб келур. Агар мўмин бўлсаларингиз, албатта, бу нарсада сизларга белги бор», деди» (248-оят).

Толутнинг ҳақиқатда Аллоҳ томонидан тайин қилинган подшоҳ эканини Бани Исроилга исбот этиш учун уларга қоил қолдирадиган, одатдан ташқари, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган бир мўъжиза содир этиляпти.

Маълумки, Мусо алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин Йўшаъ алайҳиссалом Бани Исроилга раҳбар бўлган эдилар. Ўша пайтда уларни муқаддас ерларидан ҳайдаб чиқарган душманлари бир қанча муқаддас нарсаларини ҳам тортиб олган эди. Мазкур тортиб олинган нарсалар ичида, жумладан, Бани Исроилга хос бир машҳур тобут-сандиқ ҳам бор эди.

Мусо алайҳиссалом қачон урушга кирсалар, ўша тобутни ўз аскарларининг олдида боришини таъминлар эдилар. Шунда Бани Исроилнинг қалбига хотиржамлик тушиб, урушдан қочишмасди.

Кейинчалик у тобутга Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлардан қолган эсдаликларни солиб қўйишган эди. Жумладан, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Тур тоғида берган лавҳалар, у зотнинг ҳассаси, кийими, ковуши ҳамда Ҳорун алайҳиссаломнинг салласи бор эди.

Пайғамбарлари тобутни фаришталар кўтариб келиши Толутнинг подшоҳлигига белгидир, агар ҳақиқий мўмин бўладиган бўлсангиз, ушбу мўъжизанинг ўзи кифоя қилади, деди.

ТОЛУТ АСКАРНИ СИНАЙДИ

Кейинги оятлардаги маънога қараганда, бу иш рўй бериб, Бани Исроилда ишонч ҳосил бўлганга ўхшайди:

«Толут аскар билан чиққанда: «Албатта, Аллоҳ сизни дарё билан синовчидир, ким ундан ичса, у мендан эмас. Ва ким уни тановвул қилмаса, у, албатта, мендандир. Магар биров қўли билан бир ҳўплам ҳўпласа, майли», деди. Озгиналаридан бошқалари ундан ичдилар. У ва у билан бирга иймон келтирганлар у (дарё)дан ўтганларида, улар: «Бугун бизда Жолут ва унинг аскари билан жанг қилишга тоқат йўқ», дедилар. Аллоҳга рўбарў бўлишга ишонганлар: «Қанчадан-қанча оз сонли гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан кўп сонли гуруҳларга ғолиб келган. Аллоҳ сабрлилар биландир», дедилар» (Бақара сураси, 249-оят).

Ва, ниҳоят, Бани Исроилнинг урушдан қочмай қолган одамларини, Толутнинг Аллоҳ тайин қилган подшоҳ эканлигига ишонтирилгач, Толут улардан аскар тайёрлади.

Сўнгра уруш қилиш вақти етиб келди. Шунда Толутнинг ҳақиқий аскарбоши экани намоён бўлди. У аскарларининг ҳолатини яхши биларди. Улар авваллари мағлубиятга учраб юрган, хорликка кўникиб қолган эдилар. Душман эса, кучли, ғалабага одатланиб қолган. Ундай душманга ғолиб келиш учун мустаҳкам иродага эга бўлиш керак.

Шунинг учун Толут ўз аскарларининг иродасини синаб кўрмоқчи бўлди. Шаҳардан чиққанларида, синов шартини эълон қилди.

«Толут аскар билан чиққанда: «Албатта, Аллоҳ сизни дарё билан синовчидир, ким ундан ичса, у мендан эмас. Ва ким уни тановвул қилмаса, у, албатта, мендандир. Магар биров қўли билан бир ҳўплам ҳўпласа, майли», деди».

Йўлда бир дарё учрайди, ким иродаси кучли бўлиб, чанқоққа чидаб, унинг сувидан ичмаса, имтиҳондан ўтган бўлади. Толутнинг ҳақиқий аскарига айланади. Ким иродасизлик қилиб, дарёнинг сувидан ичиб олса, аскарликка қабул қилинмайди. Бир оз сувсизликка чидай олмаган одам урушнинг машаққатларига чидай олмаслиги турган гап. Шу билан бирга, томоқни ҳўллаб олиш учун бир ҳўплам ичишга ҳам ружсат берди.

Юриб бориб дарёга ҳам етишди:

«Озгиналаридан бошқалари ундан ичишди».

Синовдан ўтиша олмади. Оғир ишга киришишдан олдин одамларни фақат оғзаки синов эмас, балки амалий синовдан ҳам ўтказиш зарурлиги шундан билинади. Биринчи амалий синовда Толутнинг аскари ҳам сараси сарага, пучаги пучакка ажради. Синовдан ўтмаганлар ажраб қолдилар.

«У ва у билан бирга иймон келтирганлар у (дарё)дан ўтганларида улар: «Бугун бизда Жолут ва унинг аскари билан жанг қилишга тоқат йўқ», дедилар».

Иймонлилар ичида ҳам заифлар пайдо бўлди. Душманга рўбарў келганда ўзларининг озлиги, душманнинг қувватли эканини сезиб, урушда қатнаша олмасликларини, тоқатлари йўқлигини баён қилишди. Улар вазиятни ўз тарозуларига солиб кўриб, ғолиб келишларига кўзлари етмади. Шунда ҳақиқий мўминлар, ҳамма нарсани илоҳий ўлчов билан ўлчайдиганлар юзага чиқдилар.

«Аллоҳга рўбарў бўлишга ишонганлар: «Қанчадан-қанча оз сонли гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан кўп сонли гуруҳларга ғолиб келган. Аллоҳ сабрлилар биландир», дедилар».

Ҳақиқий мўминлар хатарли сўқмоқлардан қийинчиликларни енгиб ўтиб, мақсадга етадилар, Аллоҳ танлаган, муқарраб бандалар қаторига кирадилар. Ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг изни билан бўлишига ишонадилар. Шунинг учун, сонлари оз бўлса ҳам, қўрқмайдилар. Улар Аллоҳ сабр қилувчилар билан бирга эканини яхши биладилар. Аллоҳнинг Ўзидан сабр тилаб, қўрқмай, кўп сонли ва қувватли душманга қарши турадилар.

«РОББИМИЗ БИЗГА САБР ТЎККИН»

«Жолут ва унинг аскарларига рўбарў келганларида: «Роббимиз, бизга сабр тўккин, собитқадам қилгин ва кофир қавмларга қарши нусрат бергин», дедилар» (Бақара сураси, 250-оят).

Улар душман билан тўқнашганларида, дуо қилиб, Аллоҳдан сўрайдиган нарсаларини сўрашга шошилдилар. Ўша пайт дуо қабул бўладиган пайт. Ҳақиқий мўминлар ҳар доим Аллоҳни эсдан чиқармайдилар. Аллоҳнинг кўрсатмасига биноан керакли тадбирларни ишга соладилар ва ҳамма нарса қўлида бўлган зотга ёлборадилар.

«Роббимиз, бизга сабр тўккин» иборасидан сабр худди тўкиладиган нарсасидек тасаввур беради. Худди сувни тўккандек, бошидан тўкиб юборса, оқиб оёғига тушади. Сабр энг керакли нарса бўлганидан мўминлар уни аввал зикр қилишди.

«Собитқадам қилгин» – бу улуғ ишда қадамимиз тойилмасин, собит турсин. Бу иш ҳам Аллоҳнинг ёрдами билан бўладиган иш.

«Ва кофир қавмларга қарши нусрат бергин».

Мўминларнинг орзуси кофирлар устидан ғолиб чиқишдир. Уларнинг орзуси рўёбга чиқди.

ДОВУД ЖОЛУТНИ ҚАТЛ ЭТДИ



«Бас, Аллоҳнинг изни билан уларни енгдилар ва Довуд Жолутни қатл этди. Сўнгра Аллоҳ унга подшоҳлик ва ҳикматни берди ва хоҳлаган нарсасини ўргатди. Агар Аллоҳнинг баъзи (одам)ларни баъзиларига даф қилиш бўлмаса эди, ер юзи бузиларди.

Лекин Аллоҳ оламлар устидан фазл эгасидир» (Бақара сураси, 251-оят).

Толут аскарлари Жолут аскарлари устидан ғалаба қозондилар. Бу ғалаба, албатта, Аллоҳнинг изни билан бўлди. Ҳеч бир нарса Унинг

изнисиз бўлмайди. Аллоҳ Ўз иродасини мўминлар орқали юзага чиқаради. «Бас, Аллоҳнинг изни билан уларни енгдилар ва Довуд Жолутни қатл этди». Довуд Толут аскарлари ичида ёш йигит эди. Жолут эса, катта кучга эга бўлган подшоҳ, ҳамманинг қалбига даҳшат солиб турувчи аскарбоши эди. Аллоҳ таоло ушбу волим подшоҳ ва аскарбошининг ёшгина йигитча қўлида қатл бўлишини ирода қилди. Бу билан одамларга, Аллоҳ хоҳласа, ҳар қандай жаббор бўлса ҳам, бир ёш йигит унинг ўлимига сабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Шу билан бирга, бу ишнинг ортида бошқа ҳикмат ҳам бор эди: «Сўнгра Аллоҳ унга подшоҳлик ва ҳикматни берди ва хоҳлаган нарсасини ўргатди». Довуд Аллоҳнинг инояти билан Толутдан кейин Бани Исроилга подшоҳ бўлди. Унинг подшоҳлик даври

олтин давр бўлди. Аллоҳ таоло унга подшоҳликка қўшиб Пайғамбарликни ҳам берди. Шу билан бирга, унга уруш асбобларини ясашни ҳам ўргатди.

«Агар Аллоҳнинг баъзи (одам)ларни баъзиларига даф қилиш бўлмаса эди, ер юзи бузиларди». Яъни, кофирларни мўминлар билан даф қилиб турмаса, мўминларни кофирлар устидан ғолиб қилмаса, кофирлар ер юзини фасодга тўлғазиб юборадилар. «Лекин Аллоҳ оламлар устидан фазл эгасидир».

Шунинг учун баъзиларини баъзиларига даф қилиб, ишни тузатиб, тўғрилаб туради. Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга илоҳий китоб ҳам берди. Бу ҳақда Нисо сурасида: «Довудга эса Забурни бердик» (163-оят), дейди.

Тарихчилар Аллоҳ таолодан Забур берилган, пайғамбар бўлган вақтларида Довуд алайҳиссаломнинг ёшлари қирқда эди, дейдилар. Забур тўрт илоҳий китобнинг бири экани ҳаммага маълум. Унда мавъизалар, ибратлар, зикр қилинадиган дуолар бўлган. Довуд алайҳиссаломнинг овозлари жуда ҳам ширали бўлган. У зот тиловат қилганларида осмондаги қушлар ҳам тўхтаб қолар экан.

ДОВУДГА БЕРИЛГАН ФАЗЛЛАР

Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга яна бир қанча фазлларни ҳам берган эди. Бу ҳақида Сод сурасида сўз кетган: «... Қувват соҳиби бўлган бандамиз Довудни эсла. Албатта, у ўта қайтгувчидир» (17-оят). Довуд алайҳиссаломга Аллоҳ таоло ҳар жиҳатдан қувват берган эди. У зот динда бақувват эдилар. Кунора рўза тутар, кечанинг ярмида ухлаб, ярмида ибодат қилар эдилар. Подшоҳликлари ҳам кучли эди. «Албатта, у ўта қайтгувчидир».

Яъни, ҳар бир нарсада Аллоҳга тавба қилувчидир. «Тавба» сўзининг луғавий маъноси ҳам қайтишдир. «Албатта, Биз унга тоғларни бўйсундирдик. Улар у билан кечки пайту эрталаб тасбеҳ айтардилар. Тўпланган қолдаги қушларни ҳам. Барчалари У зотга ўта қайтгувчидир» (18-19-оятлар). Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга тоғларни бўйсундириб қўйган эди. Тоғлар у зот билан бирга Аллоҳ таолога эртаю кеч тасбеҳ айтар эди. Шунингдек, Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга қушларни ҳам бўйсундириб қўйган эди. Улар ҳам у зотга қўшилиб, Аллоҳ таолога эртаю кеч тасбеҳ айтар эдилар. Бунинг устига:

«Ва Биз унга мулкани қувватли қилиб бердик ҳамда ҳикматни ва ҳал қилгувчи китобни бердик» (20-оят). Биз Довудга унинг давлатини қувватли қилиб бердик. Довуд алайҳиссалом Пайғамбар бўлишлари билан бирга, подшоҳ ҳам эдилар. У зотнинг салтанатини Аллоҳ таоло кучли қилиб қўйган эди. Аскарлари кўп эди. «Ҳамда ҳикматни ва ҳал қилгувчи китобни бердик».

Биз Довудга пайғамбарликни ҳам бердик. Яна унга талашиб-тортишганлар орасидаги жанжални ҳал қилиш ҳукмини бердик. У ҳеч иккиланмай ҳукм чиқарар эди.

ДАЪВОЛАШГАНЛАРНИНГ ХАБАРИ

«Сенга даъволашганларнинг хабари келдими? Ўшанда улар меҳробга чиқишган эди. Ўшанда улар Довуднинг олдига киришган эди. Бас, у улардан кўрқиб кетди. Улар: «Кўрқма, булар икки даъволашгувчи томон. Биз бир-биримизга зулм қилдик. Бас, орамизда ҳақ ила ҳукм чиқар. Жабр қилма. Бизларни тўғри йўлга ҳидоят қил», дедилар» (Сод сураси, 21-22-оятлар). Ушбу оятлар билан бошланувчи қиссада, Довуд алайҳиссаломнинг синовга-фитнага дуч бўлганлари ҳикоя қилинади. Юқоридаги оятларда васф қилинганидек, улуғ мартабали, ҳар томонлама етук ва қувватли бўлишига қарамай, у зотнинг ҳам синовга йўлиқишларида ибрат бор. Бу синов қиссаси қисқача қуйидагича:

Довуд алайҳиссалом вақтини тақсимлаб қўйган эди. Маълум бир вақтини подшоҳлик ишларига, одамлар ўртасида қозилик қилиб, ҳукм чиқаришга ажратган эди. Қолган вақтларда маълум муддат тоат-ибодат билан машғул бўлар эди. Унда Забур тиловат қилар, Аллоҳга тасбеҳ айтар ва бошқа илтижоларни қилар эди. У зот меҳробга кириб, ибодатни бошлаганида, то ўзи қайтиб чиқмагунича ҳеч ким ҳузурига киришга рухсат ололмасди.

Кунлардан бир куни Довуд алайҳиссалом ибодат қилиб турганида тўсатдан икки кишининг меҳробга чиққанларини кўриб қолди. Ҳеч ким киролмайдиган ерга бу икки одам нима учун девордан ошиб киришди, деб у зот қўрқиб кетди. Яхши нияти бўлса, бу суратда келмас эди, деган фикр хаёлидан ўтди.

Ушбу оятларда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ўша ҳодисани эслатмоқда. «Сенга даъволашганларнинг хабари келдими?»

Демак, даъволашганлар бор экан. Бир масалани талашиб қолиб, уни ҳал қилиш учун Довуд алайҳиссаломнинг ҳузурига боришса, у зот ибодатда экан. Улар қизишганларидан, у зотнинг ибодатни тугатишини ҳам кутиб турмасдан, меҳроб устига чиқиб боришибди. «Ўшанда улар меҳробга чиқишган эди». Довуд алайҳиссалом ибодат қиладиган меҳробга чиқиб олишган эди. «Ўшанда улар Довуднинг олдига киришган эди». Даъволашган ўша икки киши ибодат қилиб турган Довуд алайҳиссаломнинг олдига изнсиз киришган эди. «Бас, у улардан қўрқиб кетди». Кутилмаганда, изнсиз, ман қилинган жойга девор ошиб кириб келишлари яхшилик аломати эмас эди. Мўмин одам Пайғамбарнинг ҳузурига



бундай суратда кириб бормайди. Ишончли одам ҳам ҳеч қачон ўзига бу ишни эп кўрмайди. Шунинг учун ҳам Довуд алайҳиссалом қўрқиб кетди. Кириб келганлар буни пайқаб, у зотни тинчлантиришга ҳаракат қилишди. «Улар: «Қўрқма, булар икки даъволашгувчи томон». Эй Довуд, сен биздан ёмонлик кутма. Биз икки даъволашувчи томонмиз. «Биз бир-биримизга зулм қилдик». Шунинг учун даъво талашиб, сенинг олдингга келдик. «Бас, орамизда ҳақ ила ҳукм чиқар». Сен бизнинг орамизда даъвомиз бўйича адолатли ҳукм чиқар. «Жабр қилма». Ҳукмингда ҳеч кимга зулм қилма. «Бизларни тўғри йўлга ҳидоят қил», дедилар». Эҳтимол, талашиб-тортишиш оқибатида биз адашгандирмиз. Сен бизни тўғри йўлга солиб қўй, дейишди. Сўнг биттаси асосий мақсадга кўчиб, деди:

«Мана бу менинг биродарим. Унинг тўқсон тўққизта совлиғи бор.

Менинг эса, биргина совлиғим бор. Бас, у: «Уни ҳам менинг кафолатимга бер», деди ва сўзлашувда мендан устун чиқди» (23-оят).

Икки даъвогарнинг бири иккинчисига очиқ зулм қилибди. У ўзининг тўқсон тўққиз совлиқ қўйига бировнинг биттагина совлиғини ҳам қўшиб олибди. Энди ўша мазлум одам Довуд алайҳиссаломга унинг устидан шикоят қилиб турибди.

Довуд алайҳиссалом арзни эшитиб бўлиб, унга жавоб берди. «У: «Дарҳақиқат, сенинг совлиғингни сўраб, ўз совлиқларига (қўшиш) билан сенга зулм қилибди. Албатта, кўп шериклар бир-бирларига зулм қилурлар. Магар иймон келтириб, солиҳ амал қилганларгина (қилмаслар). Улар жуда ҳам оз», деди. Ва Довуд Биз уни синаганимизни билди-да, тезда Роббига истиғфор айтиб, саждага йиқилди ва тавба қилди» (24-оят). (Ушбу оят сажда оятидир.)

Довуд алайҳиссалом биринчи даъвогарнинг сўзини эшитиши билан дарҳол ҳукм чиқаришга киришди ва унга: «Дарҳақиқат, сенинг совлиғингни сўраб, ўз совлиқларига (қўшиш) билан сенга зулм қилибди», деб унинг фойдасига ҳукм чиқарди. Ҳолбуки, адолат юзасидан аввал иккинчи даъволашган одамнинг ҳам гапини эшитиб туриб, кейин ҳукм чиқаришлари керак эди. «Албатта, кўп шериклар бир-бирларига зулм қилурлар», деб муносабатини яна таъкидлади.

Молни аралаштириб шерик бўлганлар доимо бир-бирларига зулм қилиб келган. Сенинг соҳибинг ҳам сенга зулм қилибди, демоқчи бўлди. «Магар иймон келтириб, солиҳ амал қилганларгина». Яъни, улардан зулм содир бўлмас, деди. Бу билан иккинчи одамга яна ҳам қаттиқроқ гап тегди. Сўнгра Довуд алайҳиссалом: «Улар жуда ҳам оз», деди».

Яъни, иймон келтириб, солиҳ амал қиладиганлар жуда оз. Лекин шу пайт хато қилганини англаб қолди. Бу оддий ҳолат эмас, ўзи учун синов эканини тушуниб етди. Дастлаб, меҳробга кирган икки киши ҳақида ёмон гумон қилган, кейин бир томонни эшитиб турибоқ ҳукм чиқариб юборган эди. Бундай йўл тутиш олиймақом, муқарраб бандаларга хос иш эмаслигини ёдга олди.

«Ва Довуд Биз уни синаганимизни билди-да, тезда Роббига истиғфор айтиб, саждага йиқилди ва тавба қилди». Бошқалар ҳақида ёмон гумон қилганига, ҳукм чиқаришда бир оз шошилганига қаттиқ афсусланди. Аллоҳ таолога истиғфор айтди, саждага бош қўйди, ибодат этиб, тавба қилди.

Муҳаққиқ тафсирчи олимларимиздан Ҷаҳриддин Розий ва Абу Ҳаййон оятдаги шу маънони таъкидлаш билан бирга, Бани Исроил Аллоҳ таолога ва Пайғамбарларга бўлган одобсизликларидан яна бирини Довуд алайҳиссалом ҳақида бўҳтонлар тўқиганини айтиб ўтадилар. Шунингдек, Бани Исроилнинг баъзи уйдирмалари айрим тафсир китобларимизга ҳам кириб қолганига қаттиқ афсус қиладилар. Шунингдек, Пайғамбар алайҳимуссаломнинг маъсумлигини, гуноҳ қилишдан сақланганларини доимо эсда тутушимиз лозим. Довуд алайҳиссалом ҳеч қандай гуноҳ қилганлари йўқ, балки бир эътиборсизлик туфайли хато содир бўлди, холос, дейдилар. «Бас, Биз унинг ўша (хатоси)ни мағфират қилдик. Албатта, унинг учун ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат бордир» (25-оят).

Яъни, Довуд алайҳиссалом учун Аллоҳ таолонинг ҳузурини муқарраблик ва гўзал оқибат бордир. Бу гап ҳам Довуд алайҳиссаломдан Бани Исроил тўқиган уйдирмалар асло содир бўлмастлигига далолатдир. Аллоҳга яқин бўлган бандалар ҳам, Аллоҳ таолонинг ҳузурини гўзал оқибати бор бандалар ҳам, ҳеч қачон гуноҳ ишларни қилмайдилар. Аллоҳ таолонинг Довуд алайҳиссаломга айтган қуйидаги сўзлари ҳам одамлар орасида ҳукм чиқаришда эҳтиёткор бўлишни яна бир бор таъкидлайди: «Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзида халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит. Ҳавои нафсга эргашма! Яна у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирмасин. Албатта, Аллоҳнинг йўлидан адашадиганларга унутганлари учун ҳисоб кунини шиддатли азоб бордир» (26-оят). Инсон зоти, аслида, Аллоҳ таолонинг ер юзидаги халифаси (ўринбосари) ҳисобланади. Бу ҳақиқат бошқа оятларда алоҳида таъкидланган. Ушбу оятда эса, зиммасига одамлар орасида ҳукм қилиш масъулияти юкланган Довуд алайҳиссаломга ўхшаш инсонларга халифалик яна ҳам оғир эканини таъкидланмоқда. «Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзида халифа қилдик».

Яъни, Биз сени ер юзида ўзимизга ўринбосар қилиб қўйдик. Сен у ерда одамларнинг баъзи ишларини бошқарасан. Бу сенга жуда катта масъулиятдир. Уни адо этишда эҳтиёт бўл. «Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит». Шундай экан, Аллоҳнинг бандалари орасида адолат билан ҳукм юрит.

«Ҳавои нафсга эргашма!» Ўзингнинг нафсингдан чиқадиган ўй-фикрларга эргашма. «Яна у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирмасин». Чунки ҳавои нафсига эргашиб доимо Аллоҳнинг йўлидан адаштириб келган. Одамлар орасида адолат билан ҳукм юритаман деган одам, албатта, Аллоҳ йўлидан адашишга дучор бўлиши турган гап. Бунинг эса, оқибати ёмон. «Албатта, Аллоҳнинг йўлидан адашадиганларга унутганлари учун ҳисоб кунда шиддатли азоб бордир».

Ҳавои нафсга эргашиб Аллоҳнинг йўлидан адашишга, бу эса, ўз навбатида, Аллоҳни унутишга олиб келади. Аллоҳнинг йўлидан адашиш дегани, Аллоҳни унутиш деганидир. Бўлмаса, Аллоҳнинг ҳукмлари турганда, бошқа ҳукм юритилар эдими?! Аллоҳнинг ҳукмидан юз ўттирганларга шиддатли азоб бордир. Аллоҳ таоло Ўз иноятига олган бандаларини эса, худди Довуд алайҳиссалом сингари, аввалдаёқ огоҳлантириб қўяди. Машҳур тафсиричларимиздан Ҳофиз Исмоил ибн Касир ушбу ояти каримага тегишли хабарлар ичида қуйидаги ривоятни ҳам келтиради: «Абу Заръа розияллоҳу анҳу халифа Валид ибн Абдулмалик олдида кирди. Валид унга: «Менга айт-чи, халифа ҳам ҳисоб-китоб қилинадими? Сен Қуръонни яхши ўргангансан, чуқур биласан», деди. У: «Эй мўминларнинг амири, айтаверайми?!» деб сўради. Валид: «Аллоҳнинг омонидасан, айтавер», деди. Абу Заръа: «Эй мўминларнинг амири! Аллоҳ учун сен ҳурматлимсан ёки Довуд алайҳиссаломга вассаламми?! Аллоҳ таоло унга халифалик ва Пайғамбарликни жамлаб берганидан сўнг унга Ўз китобида таҳдид қилиб: «Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзида халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит. Ҳавои нафсга эргашма! Яна у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирмасин. Албатта, Аллоҳнинг йўлидан адашадиганларга унутганлари учун ҳисоб кунда шиддатли азоб бордир», деган», деди».

ДОВУДНИНГ МЎЖИЗАЛАРИ

Аллоҳ таоло Сабаъ сурасида Ўз пайғамбари Довуд алайҳиссаломга берган нарсалари ҳақида қуйидагиларни айтади: «Батаҳқиқ, Биз Довудга Ўзимиздан фазл бердик. «Эй тоғлар, у билан бирга (тасбеҳни) қайтар ва қушлар ҳам» (дедик). Ва унга темирни юмшоқ қилдик» (10-оят).

Довуд алайҳиссалом Аллоҳ таолога итоатли бандалардан бўлгани учун оятда Аллоҳ таолонинг Ўзи у зотга бошқаларда йўқ нарсаларни бергани ҳақида хабар бермоқда. «Батаҳқиқ, Биз Довудга Ўзимиздан фазл бердик».

Пайғамбарлик ато этгани, илоҳий китоб бўлмиш Забурни туширгани, тоғларни ва қушларни у зотга хизматкор қилиб қўйгани, темирни юмшатиб бергани ва бошқа нарсалар Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга берган мўъжизалардир. Улардан баъзиси ушбу оятда зикр қилинмоқда. «Эй тоғлар, у билан бирга (тасбеҳни) қайтар ва қушлар ҳам» (дедик). Довуд алайҳиссалом Аллоҳ таолога тасбеҳ айтганларида, Забурни тиловат этган пайтларида тоғу тошлар ҳам, қушу ҳайвонлар ҳам у зотга қўшилар эди. «Ва унга темирни юмшоқ қилдик».

Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга темирни хамирдек юмшоқ қилиб берган эди. У зот темирни оловга солиб тобламасдан ҳам, болға билан урмасдан ҳам, нимани хоҳласалар, қўллари билан шуни ясай олар эдилар. «Ва (унга): «Совутлар қилгин ва бичимини ўлчовли қил. Солиҳ амаллар қилинглар. Албатта, Мен нима амал қилаётганингизни яхши кўриб тургувчиман, дедик» (11-оят). Яъни, Биз Довудга, ўзингга берилган хамирдек юмшоқ темирдан совут ясагин. Ўша совутларнинг бичимини ўлчовли қилгин, дедик. Довуд алайҳиссаломгача совут бир бутун тўсиқ шаклида ясалар экан. Аллоҳ таоло

Довуд алайҳиссаломга илҳом бергач, совутни ҳалқалардан улаб кийим шаклида қиладиган бўлган экан. Оятдаги, бичимини ўлчовли қил, дегани ўша совутнинг ҳалқаларини бир-бирига мослаб ўлчовли қил, деган маънони англатади. Шунинг учун бўлса керак, тарихдан бизга маълумки, айнан Довуд алайҳиссалом яшаган даврдан бошлаб "Темир асри" деб аталади. Чунки тарихда темирдан фойдаланиш шу даврдан тараққий этган. Бунга Довуд алайҳиссаломнинг мўжизаси сабаб бўлса ажаб эмас.

Айни пайтда, Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссалом ва у зотнинг аҳлларига хитобан: «Солиҳ амаллар қилинглар», демоқда. Яъни, сизларга шунчалик фазлни бериб қўйдим. Бу эса, сизларнинг яхши амаллар қилишингизни тақозо этади. Бу ишда нуқсонга йўл қўя кўрманглар. «Албатта, Мен нима амал қилаётганингизни яхши кўриб тургувчиман», дедик». Қилган амалингизга яраша мукофот ёки жазо берилади. Довуд алайҳиссалом юз ёшга етганларида бу дунёдан ўтдилар.



(Ғарбда Соломон)

Тахминан мил.авв. XI аср охири – 928 йиллар

Қуръони Каримда Сулаймон алайҳиссаломнинг муборак исмлари ўн етти марта зикр қилинган. Ул зот ҳақида Бақара, Нисо, Анъом, Анбиё, Намл, Сабаъ ҳамда Сод сураларида оятлар келган. Ул зот бир қанча мўжизалар соҳиби бўлмиш Довуд алайҳиссаломнинг ўғилларидирлар. Аллоҳ таоло Ўз пайгамбари бўлмиш Сулаймон алайҳиссаломга кўплаб мўжизалар ва катта мулк ҳам берган.

АЛЛОҲНИНГ НЕЪМАТИ

"Ва Биз Довудга Сулаймонни ҳадя қилдик. У қандай ҳам яхши бандадир. Албатта, у ўта қайтгувчидир". (Сод, 30-оят)

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга улуғ пайгамбари бўлмиш Довуд алайҳиссаломга ўзи каби солиҳ, тақводор ва Аллоҳга кўп тавба қилувчи фарзандни ато қилганлиги хабарини бермоқда.

"Батаҳқиқ, Биз Сулаймонни синадик. Унинг курсисига жасадни ташладик. Сўнгра у тавба қилди". (Сод, 34-оят)

Ушбу ояти каримадаги зикр қилинган синов нимадан иборат? Курсига ташланган жасад нима эди? Бу саволга бошқа оятларда ҳам, Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) суннатларида ҳам очиқ-ойдин жавоб йўқ. Шунинг учун ҳам турли асоссиз қисса ва ҳикоялар кўпайиб кетган.


"У: «Эй Роббим, мени мағфират қилгин ва менга ўзимдан кейин бирор кишига муяссар бўлмайдиган мулкни ҳадя этгин. Албатта, сен кўплаб атоларни бергувчисан», деди." (Сод, 35-оят)

"Бас, Биз унга шамолни бўйинсундирдик, у ирода қилган томонга майин эсаверади. Яна барча бинокор ва ғаввос шайтонларни ҳам. Ва бошқаларини ҳам

кишанланган ҳолда тўплаб (бўйсундирдик). Бу Бизнинг ато этган нарсамиздир. Инъом эт ёки тутиб қол, ҳисоб йўқ. Ва, албатта, унинг учун ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат бордир". (Сод, 36-40-оятлар)

Ушбу оятларда Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга берган мўжизаларини зикр қилмоқда. "Бас, биз унга шамолни бўйсундириб қўйдик". Сулаймон алайҳиссаломга берилган ўша шамол бир кундузда икки ойлик йўлни юриб қўяр эди. Бу бўйсундирилган шамол Сулаймон алайҳиссаломнинг амри билан, яъни қаерни ихтиёр қилсалар ўша томонга эсар эди. У киши мисдан қийинчиликсиз хоҳлаган нарсаларини ясайдиган бўлдилар. "Яна барча бинокор ва ғаввос шайтонларни ҳам. Ва бошқаларини ҳам кишанланган ҳолда тўплаб (бўйсундирдик). Бу Бизнинг ато этган нарсамиздир". Сулаймон алайҳиссаломнинг тасарруфида нафақат ҳайвонлар, балки бир қанча ҳунарли (қасрлар қура оладиган, сувга шўнғий оладиган) жинлар ҳам бор эди. Буларнинг барчасини Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга бўйсундириб қўйган эди ва булар Сулаймон алайҳиссаломга берилган неъматларидир.

НОЗИК ФИҚҲ ВА ЧУҚУР ИЛМ



"Батаҳқиқ, Биз Довуд ва Сулаймонга илм бердик. Икковлари: «Бизни кўпгина мўмин бандаларидан афзал қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», дедилар. (Намл сураси, 15-оят). Аллоҳ таоло пайгамбари бўлмиш Сулаймон алайҳиссаломни ер устида мустаҳкам жойлади, у зотга мулкни кенг қилиб қўйди, илмларини зиёда қилди, одамлар билмайдиган нарсаларни кўпини уларга ўргатди, кучлилар ва қурол-аслаҳаларни уларга бўйсундириб қўйди. Ҳатто ҳайвонлар ва жонсиз мавжудотларни ҳам ул зотнинг измига солиб қўйди.

"Ва Сулаймон Довудга ворис бўлди. У : «Эй, одамлар, бизга қуш тили ўргатилди ва ҳар бир нарсадан берилди. Бу, албатта, очиқ-ойдин фазлдир», деди". (Намл сураси, 16-оят). Ушбу оятдаги ворислик, илмга ворисликдир. Ота вафот

этгандаги болаларнинг ворислиги эмас. Чунки Довуд алайҳиссаломнинг Сулаймон алайҳиссаломдан бошқа фарзандлари ҳам кўп эди. Улар молу дунё масаласидаги меросда тенг ҳуқуқли эдилар. Аммо илм маъносидаги меросга фақат Сулаймон алайҳиссалом ворис бўлдилар. Шунинг учун ҳам «Ва Сулаймон Довудга ворис бўлди.» жумласидан кейин Сулаймоннинг алайҳиссалом «Эй одамлар, бизга қуш тили ўргатилди», деган сўзлари келмоқда. Сулаймон алайҳиссалом ўзларига Аллоҳ томонидан қушларнинг тилини англаш илми берилганлигини барча одамларга эълон қилмоқдалар. Бу эълон фахр ва риёкорлик учун эмас, балки Аллоҳнинг неъматини эслаш маъносидадир.

"Ва Довуд билан Сулаймоннинг экинзор ҳақида ҳукм қилаётганларини (эсла). Ўшанда у (экинзор) га қавмнинг қўйи кечаси тарқалиб кетган эди. Биз уларнинг ҳукмига шохид бўлган эдик". (Анбиё, 78-оят) Ўз даврининг Пайғамбари ва подшоҳи бўлмиш Довуд алайҳиссаломнинг ҳузурларига икки киши ораларида ҳукм чиқаришни сўраб келишибди. Улардан бири экинзор соҳиби, иккинчиси қўйлар эгаси экан. «Ўшанда у (экинзор) га қавмнинг қўйи кечаси тарқалиб кетган эди». Кечаси билан экинзорни пайҳон қилиб, еб битирган эди. Довуд алайҳиссалом икки томоннинг гапини эшитиб бўлиб, қўйларни экинзор эгасига

берилишига ҳукм чиқардилар. Пайҳон бўлиб йўқолган экинзор ўрнига уни пайҳон қилган қўйларни олиб бериш айна адолат эди. "Бас, Биз уни Сулаймонга фаҳмлатдик. Уларнинг ҳар бирига ҳукми ва илми берган эдик. Довуд билан бирга тасбиҳ айтсин деб тоғларни ва қушларни бўйинсундириб қўйдик. Шуларни қилгувчи бўлган Бизмиз". (Анбиё, 79-оят) Бу ҳукмдан кейин қайтиб кетаётган қўй эгаси Сулаймонни алайҳиссалом кўриб қолиб, бўлган ҳодисани у кишига айтиб берди. Шунда Сулаймон алайҳиссалом оталари Довуд алайҳиссалом олдиларига кирдилар ва «Эй Аллоҳнинг Набийи, ҳукм сиз чиқарган ҳукмдек бўлмаслиги керак эди», дедилар. Довуд алайҳиссалом: «Қандай бўлиши керак эди», дедилар. Сулаймон алайҳиссалом: «Қўйни экинзор эгасига беринг, у фойдаланиб турсин. Экинзорни эса, қўй эгасига беринг, уни тузатиб асл ҳолига келтирсин. Сўнгра ҳар ким ўз нарсасини қайтариб олади. Экинзор эгаси экинзорини эски ҳолига келгандан сўнгра қайтариб олади. Қўй эгаси ҳам қўйларини қайтариб олади», дедилар. Шунда Довуд алайҳиссалом: «Ҳукм сен чиқарган ҳукмдир», дедилар.

ҲУДҲУД ҚИССАСИ



Мазкур қисса Намл сурасида қуйидагича зикр қилинади:

"Сулаймонга жин, инс ва қушлардан бўлган аскарлари тўпланиб, тизилган ҳолда турдилар". (17-оят)

"Токи улар чумолилар водийсига келганларида, бир чумоли: «Эй чумолилар, масканларингга киринглар, Сулаймон ва унинг аскарлари сизларни билмасдан эзиб юбормасинлар», деди". (18-оят) Яъни, Сулаймон алайҳиссалом ўз аскарлари билан кетаётганда, оёқлари остидаги чумолилар яшайдиган жойга яқилашиб қоладилар. Шунда ичларидаги бир чумоли ўзига хос тилда «Эй чумолилар, масканларингга киринглар, Сулаймон ва унинг аскарлари сизларни билмасдан эзиб юбормасинлар», деди". Яъни, улар бизни майдалигимиз учун кўрмасдан эзиб қўймасинлар демоқда.

"Бас, у унинг сўзидан табассум қилди ва: «Роббим, мени Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр этишимга ва сен рози бўладиган солиҳ амаллар қилишимга муяссар этгин. Ўз раҳматинг ила мени солиҳ бандаларингга алайҳиссаломга ҳашоротларнинг ҳам тили алайҳиссаломга ҳашоротларнинг ҳам тили

қўшгин», деди" (19-оят). Сулаймон ўргатилганлиги учун чумолининг гапини эшитиб хурсанд бўлдилар. Ва Аллоҳнинг бу неъматини учун «Роббим, мени Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр этишимга ва сен рози бўладиган солиҳ амаллар қилишимга муяссар этгин. Ўз раҳматинг ила мени солиҳ бандаларингга қўшгин» деб Аллоҳга шукрона қилдилар.

«Ва қушларни текширди-да: «Нега Худхудни кўрмаётирман ёки ғойиблардан бўлдим? Албатта, уни шиддатли азобла азобларман ёки сўйиб юборурман ёхуд менга, албатта, очиқ-ойдин ҳужжат келтиражак», деди» (20-21-оятлар).

Сулаймон алайҳиссалом ўз қўшинларини текшираётганларида қушлар ичида Худхудни йўқлигини кўрадилар ва «Нега Худхудни кўрмаётирман ёки ғойиблардан бўлдим?» Яъни, нега (қушлардан бўлган) қўшин ичида Худхуд кўринмаяпти ёки қочиб кеттими? «Албатта, уни шиддатли азобла азобларман ёки сўйиб юборурман ёхуд менга, албатта, очиқ-ойдин ҳужжат келтиражак», деди». Яъни, Албатта, уни тутиб олсам бу қилмиши учун уни жазолайман ёки қатл қилиб юбораман ёки менга бу қилмишини нима сабабдан қилганлигини очиқ-ойдин тушунтириб беради.

(Худхуд Сулаймон алайҳиссаломнинг йўлқўрсатувчи ва айғоқчиси бўлган)

«Кўп ўтмасдан у келиб: «Сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим». (22-оят)

Шу пайт Худхуд учиб келиб Сабаъ халқидан муҳим бир хабар олиб келганлигини айтмоқда.

(Сабаъ Арабистон ярим оролининг жанубида, Яманда жойлашган бир мамлакат эди. Ана ўша мамлакатдан ўта муҳим бир хабар келтирганини айтди.)

«Дарҳақиқат, мен бир аёлни кўрдим. У уларнинг маликаси экан. Унга ҳар нарса берилган экан. Ҳамда унинг улуғ тахти бор экан». (23-оят)

Худхуднинг хабар беришича, ўша Сабаъ юртида бир аёл бор экан. У аёл халққа подшоҳ экан. Аёлга ҳар нарса берилган экан. Ҳамда ўша маликанинг катта тахти бор экан.

«Мен у (аёл)нинг ва қавмининг Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда қилаётганларини ва шайтон уларга амалларини зийнатлаб, йўлдан тўсаётганини кўрдим. Бас, улар ҳидоят топмаслар». (24-оят)

Гап шу ерга келганда, энг муҳим хабар чиқди. Ўша Сабаъ мамлакатига подшоҳ бўлган аёл ва унинг қавми Аллоҳга эмас, қуёшга сажда қилаётган экан. Бу нотўғри йўл. Аллоҳнинг Пайғамбари Сулаймон алайҳиссалом уларнинг бу хатоларини тузатишлари зарур. Шайтон лаънати улар қилаётган гуноҳ амалларни ўзларига чиройли кўрсатиб қўйибди. Агар шу ҳолларида юраверсалар, ҳидоят топмайдилар.

«Осмонлару ердаги сирларни ошкор қиладиган, махфий ва ошкор қилган нарсаларингизни биладиган Аллоҳга сажда қилмайдиларми?!

Аллоҳ-Ундан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ зотдир. У улуғ аршнинг Роббидир», деди. (25-26-оятлар)

«У : «Кўрамиз, рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми?

Бу мактубимни олиб бориб, уларга ташла, сўнгра четга чиқиб назар сол-чи, нима қайтарарлар», деди». (27-28-оятлар) Яъни, Сулаймон алайҳиссалом Худхуднинг гапи чин ёки ёлғонлигини аниқлаш учун маликага атаб мактуб ёзиб, Худхуднинг ўзи бориб хатни топшириши ва бир четда натижаси қандай бўлишини кузатиб туришини амр қилмоқдалар.

САБАЪ МАЛИКАСИ ҚИССАСИ

Айрим манбааларда бу маликанинг исми Билқис деб юритилади. Бироқ, Қуръонда ўша аёлнинг айнан номи зикр қилинмаганлиги ва у Сабаъ маликаси дея аталгани учун ортиқча малумотлардан четланиб Қуръон билан кифояланишни лозим деб топдик.

«У (Малика) : «Эй аъёнлар! Менга кароматли бир мактуб ташланди» (29-оят).

Малика аъёнларига мактуб ҳақида хабар бериши унинг ўз одамлари билан маслаҳатлашиб иш кўришига далолат қилади. Шу билан бирга, малика ўзи

сезган белгилар асосида мактубнинг кароматли эканини айтмоқда. Сулаймон алайҳиссалом пайғамбарлик ва подшоҳликни ўзида жамлаган киши эдилар. Ушбу ўлкани ҳокими ақлли аёл бўлиб, ҳукм чиқаришда шошқалоқлик қилмас эди. Подшоҳлар сийрати ва фотиҳлар хабари борасида унда бой тажриба бор эди. Илоҳ ва Унинг ибодати хусусида унинг ақли хиёнат қилган бўлса-да, у подшоҳларга хос такаббурликка берилмади, ўз фикрида мустабид ҳам бўлмади. Давлат аъёнлари ушбу мактубга бошқа мактублар каби кўз югуртириб чиқишди. Аслида у замонасининг энг буюк подшоҳи ва Аллоҳга даъват қилувчи Набийнинг номаси эди.

“Албатта, у Сулаймондандир, албатта, унда: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” (30-оят) Яъни, Малика бу мактубни бош сўзлариданоқ Сулаймон алайҳиссаломга тегишли эканлигини агламоқда. Чунки унда «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» яъни, “Аллоҳ номи ила бошлайман” деган жумлалар бор. Бундан келиб чиқадики, Демак, Малика Сулаймон алайҳиссаломнинг мусулмонликлари ва у кишининг даъватларидан хабардор экан.

“Менга қарши бош кўтармай, таслим бўлган ҳолингизда келинг», дейилмишдир», деди” (31-оят). Яъни, мактубда менинг даъватимга, Исломга қарши бош кўтармай, Аллоҳга таслим бўлган ҳолингизда келинглар.

“У: «Эй аъёнлар! Менга бу ишимда фатво беринглар. Сизлар шоҳид бўлмагунигизча, мен бир ишга қатъий қарор қилмасман», деди.

Улар : «Биз куч-қувват эгаларимиз ва шиддатли азму шижоат эгаларимиз. Иш ўзингга ҳавола. Нима амр қилишингни ўйлаб кўр», дедилар” (32-33-оятлар).

Малика ўз аъёнларидан бу масалада қандай йўл тутиши кераклагини ва уларнинг кўрсатмаларисиз ўзича иш юритмаслигини билдирмоқда. Аъёнлар эса «Биз куч-қувват эгаларимиз ва шиддатли азму шижоат эгаларимиз. Иш ўзингга ҳавола. Нима амр қилишингни ўйлаб кўр» маликани хотиржам қилиш ва тилёғламачилик мақсадида ўз кучлари ва қўшинлари кўплигига ишора қилишди. Бундай нарса ҳамма замон ва маконларда аъёнларнинг одатидир.

“У: «Албатта, подшоҳлар бирор шаҳар-қишлоққа кирсалар, уни вайрон қилурлар ва унинг азиз аҳлларини хор қилурлар. Ана шундай қилурлар” (34-оят).

Малика барча подшоҳларнинг табиатидан келиб чиқиб Сулаймон алайҳиссаломни ҳам ўшандай подшоҳлар сирасидан деб ўйлади. Аммо Сулаймон алайҳиссалом бунинг мутлақо акси эдилар. Чунки бошқа подшоҳлар ўз нафслари билан иш юритадилар Сулаймон алайҳиссалом эса Аллоҳнинг хоҳиши билан иш юритардилар.

“Мен уларга бир ҳадя юборурман, кўрай-чи, элчилар нима билан қайтар эканлар», деди” (35-оят). Яъни, Малика Сулаймон алайҳиссаломни синаш

мақсадида у кишига ҳадя юбришини ва у ҳадяни қабул қилсалар оддий подшоҳ бўлиб чиқишлари қабул қилмасалар, ҳақиқий пайғамбар эканликларини аниқламоқчи.

“Қачонки, (элчиси) Сулаймонга келганида, у: «Сизлар менга мол-дунё ила мадад бермоқчимисиз?! Бас, Аллоҳ менга берган нарса сизга берган нарсдан яхшидир. Аммо сизлар ҳадяларингиз билан қувонурсиз.

(Эй элчи!) Сен уларга қайтиб бор. Бас, албатта, Биз улар бас кела олмайдиган қўшин ила борурмиз ва у ердан уларни хору зор қолларида



чиқарурмиз», деди" (36-37-оятлар). Яъни, Сулаймон алайҳиссаломга уларнинг элчиси ҳадя олиб келганида, «Сизлар менга мол-дунё ила мадад бермоқчимисиз?! Бас, Аллоҳ менга берган нарса сизга берган нарсадан яхшидир. Аммо сизлар ҳадяларингиз билан қувонурсиз». Яъни, сизларнинг олиб келган бойлигингиздан кўра Аллоҳнинг менга берган рушди ҳидояти афзалдир. Ва элчига қарата бу қилмишларинг учун катта қўшин ва катта куч-қудрат билан борамиз ва ўз ерларингдан хор қилган ҳолатда қувиб чиқарамиз.

"У (Сулаймон): «Эй аъёнлар! Улар менга таслим бўлиб келишларидан олдин қайсингиз ҳузуримга у(малика)нинг тахтини келтира оладир?» деди.

Жинлардан бўлган Ифрит: «Мен уни сенга мақомингдан тургунигча келтирурман. Албатта, бунга қувватим ва ишончим бор», деди" (38-39-оятлар).

Араб тилида ёмонлиқда учига чиққан ва қувватли жин-шайтон «ифрит» дейилади. Бу сўз шайтонга ўхшаш одамга ҳам ишлатилади.

"Китобдан илми бор шахс: «Мен уни сенга кўзингни очиб югунингча келтирурман», деди. Қачонки, у(Сулаймон) у(тахт)ни ўз ҳузурда қарор топганини кўргач: «Бу Роббимнинг фазлидандир. Мен шукр қиламанми ёки куфрони неъмат қиламанми, синаш учундир. Ким шукр келтирса, ўзи учунгина шукр қилур. Ким куфрони неъмат қилса, бас, Роббим беҳожат ва карамли зотдир», деди" (40-оят).

Уламолар «китобдан илми бор шахс» нинг кимлиги ҳақида кўп фикрлар айтганлар. У Тавротни, Исмул Аъзамни биладиган, Лавҳул Маҳфуздан хабардор эди, деган гапларни айтишган. Лекин Қуръони Карим ёки Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтмаганларидан кейин, ишончли илмий далил бўлмагач, Қуръон ибораси билан кифояланиб, Аллоҳ ўша шахсни «китобдан илми бор», деб айтибди, у ёғини ўзи билади, дейишимиз тўғридир.

"У (Сулаймон): «Унинг тахтини танимайдиган қилиб қўйинг. Кўрайлик-чи, у(малика) уни танийдими ёки танимайдиганлардан бўладими?» деди" (41-оят).

Сулаймон алайҳиссалом маликани синаш учун ўз хизматчиларига маликанинг тахтини ўзгартириб қўйишларини буюрмоқда.

"Қачонки у(малика) келганида: «Сенинг тахтинг шундайми?» дейилди. У: «Худди ўшанинг ўзи», деди. «Бизга бундан илгари илм берилган эди ва мусулмон бўлган эдик».

Ва у(малика)ни Аллоҳдан ўзга ибодат қилган нарса тўсди. Албатта, у кофир қавмлардан бўлган эди" (42-43-оятлар).

Яъни, Малика келганида: «Сенинг тахтинг шундайми?» дейилди. Малика тахтни кўриб: "худди ўшанинг ўзи-ку" деб хайратга тушди. Шунда Сулаймон алайҳиссалом: Алҳамдулиллаҳки, бизларга бундан илгари илм-маърифат берилиб мусулмон бўлганмиз. "Ва у(малика)ни Аллоҳдан ўзга ибодат қилган нарса тўсди. Албатта, у кофир қавмлардан бўлган эди" Яъни, Маликани куфроний эътиқоди мусулмон бўлишидан тўсган эди.

"У(малика)га: «Саройга кир», дейилди. Қачонки уни кўрганида, сув деб ўйлаб, пойчаларини очди. У(Сулаймон): «Албатта, бу биллурдан силлиқ қилиб ясалган саройдир», деди. У(малика): «Эй Роббим, албатта, мен ўзимга зулм қилиб юрган эканман, Сулаймон ила оламларнинг Робби- Аллоҳга мусулмон бўлдим!» деди" (44-оят). Сарой олдидаги майдон ҳам биллурдан ясалган, жуда силлиқ, уни сув деб ўйлаб, кийимини кўтарди. Ана шунда малика рўй бераётган ҳодисалар оддий эмаслигига, балки Аллоҳ юборган Пайғамбарнинг мўъжизалари эканига ишонч ҳосил қилди. Аллоҳ таолонинг қудратига тан берди ва Аллоҳга иймон келтириб мусулмон бўлди.

СЕХР ИЛА КОФИР БЎЛИШ

«Ва Сулаймон подшолигида шайтонлар тиловат қилган нарсага эргашдилар. Сулаймон куфр келтиргани йўқ. Лекин шайтонлар одамларга сеҳрни ўргатиб, кофир бўлдилар. Ва Бобилда Ҳорут ва Морут номли икки фариштага тушган нарсага эргашдилар. Икковлари ҳатто: «Биз фитна-синов учунмиз, кофир бўлмагин», демасдан олдин ҳеч кимга ўргатмасдилар. Бас, икковларидан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганишар эди. Ва улар Аллоҳнинг изнисиз бирор кишига зарар етказувчи эмасдилар. Ва икковларидан зарар келтирадиган, фойда келтирмайдиган нарсани ўрганадилар. Ва, батаҳқиқ, биладиларки, уни сотиб олган кишига охиратда насиба йўқ. Агар билсалар, ўзларини сотган нарса қандоқ ҳам ёмон!» (Бақара, 102-оят)

Аллоҳ Сулаймон алайҳиссаломга берган мазкур мўъжизаларни кўриб, одамлардан баъзилари иймонга келди, иймонлиларнинг иймонлари мустаҳкамланди. Аммо кофирлар, душманлар ва шайтонлар: «Сулаймон сеҳргар, у ўз сеҳрининг кучи билан турли ҳайвонлар ила муносабатда бўлмоқда, жинларни ишлатмоқда, деган гапларни тарқатишди. Пайғамбарлик мўъжизаси илоҳий неъмат бўлиб, фақат Аллоҳ томонидан берилади. Сеҳр эса, ўргатувчидан ўрганса бўладиган, ёмонликка ишлатиладиган бир нарсадир. Шундай қилиб, мўъжиза нимаю сеҳр нима-кишиларга амалда кўрсатилган экан. Ушбу ояти карима мазкур масалани муолажа қиларкан, Сулаймон сеҳргар бўлган, деган даъвога «Сулаймон кофир бўлмаган» деган жавоб келмоқда. Шундан англашиладики, сеҳр куфрга тенглаштирилмоқда. Бу маънони «Лекин шайтонлар одамларга сеҳрни ўргатиб кофир бўлдилар», деган жумла янада таъкидламоқда. Кофирликни бўйнига олиб сеҳрни ўрганганлар нимага ишлатишади сеҳрларини? «Эр-хотиннинг ўртасини бузишга». Демак, ёмон нарсага. Сеҳрни ўрганган, уни ёмонликка ишлатганларга охиратда ҳеч қандай насиба қолмайди. Буни уларнинг ўзлари ҳам яхши биладилар. «Агар улар иймон келтириб, тақво қилганларида, гар билсалар, Аллоҳнинг ҳузуридаги савоб яхши эди» (103-оят). Агар улар бу ишларини ташлаб ягона Холиқ Аллоҳга тавба қилганларида, бу куфроний сеҳрдан кўра Аллоҳнинг ҳузуридан бўлган ажр-мукофот яхши эди.

У ЗОТНИНГ ВАФОТЛАРИ

Пайғамбарлар ичида фақат Сулаймон алайҳиссаломнинг вафотлари ибрат сифатида келтирилади. Ва ўз навбатида бузуқ ақидаларни ҳам даъволаш учун буюк дарс вазифасини ўтайди.

«Қачонки, Биз у (Сулаймон)га ўлимни ҳукм этганимизда, уларга унинг ўлими ҳақида асосини еяётган ёғоч қуртидан бошқа ҳеч бир нарса далолат қилмади. Қачонки, у йиқилганда, жинларга, агар улар ғайбни билганларида, хорловчи азобда қолмаган бўлишлари аён бўлди» (Сабаъ, 14-оят).

Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломнинг жонларини у киши жинларни ишлатиб қўйиб, асоларига суяниб турганларида олган. Жинлар эса, Сулаймон кузатиб турибди, деб ишларида давом этаверганлар. Аллоҳ таолонинг иродаси билан бир ёғоч қурти Сулаймон алайҳиссалом суяниб турган асони маълум миқдорда еганидан кейин асо жойидан сурилган ва Сулаймоннинг алайҳиссалом жуссалари ерга йиқилган. Жинлар шундагина, ўз даъволарига қарши ўлароқ, ғайб илмини билмасликларини тушуниб етганлар. Юқоридани ояти карима жинларни ғайб илмини билмасликларидан далолат қилмоқда.

ИЛЁС АЛАЙҲИССАЛОМ

(Ғарбда Элиас)

Тахминан мил.авв. IX асрлар

Илёс алайҳиссалом ҳақларида Қуръонда маълумот жуда ҳам кам. У зотнинг қаерда яшаганликлари, қайси қавмга пайғамбар қилиб юборилганликлари Қуръони Каримда келтирилмаган. Лекин бошқа манбааларда маълумотлар йўқ эмас. Муаррих Абдуллоҳ Авлонийнинг келтиришларича, Сулаймон алайҳиссаломдан кейин Бани Исроил қавми икки фирқага, яъни яҳудий ва исроилий бўлиб, тўғри йўлдан адашиб залолатга кетадилар ва Аллоҳнинг наздидаги энг улкан гуноҳ бўлган ширк амалини бажариб Баъл номли санамга ибодат қилишни бошлайдилар. Мана шундай пайта Аллоҳ таоло залолатга кетган мушрикларга Илёс алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборади. Ул зотни исмлари Каломи илоҳийда уч ўринда зикр қилинган бўлиб булар Анъом ва ас-Соффат сураларида келган. Энди у зот ҳақларида Қуръонда келган оятлар билан танишиб чиқамиз.

“Ва Закариё, Яҳё, Ийсо ва Илёсни ҳам. Ҳаммалари аҳли солиҳлардир” (Анъом 85-оят). Юқорида зикр қилинган пайғамбарлар тарки дунё, зуҳду тақвода машхур бўлганлар. Шулар қатори Илёс алайҳиссалом ҳам аҳли солиҳлардан дея мақталмоқдалар. Зотан, ҳамма Пайғамбарлар аҳли солиҳлардандир. Ушбу тўрт Пайғамбар аҳли солиҳликда алоҳида мартабага эришганлар.

“Албатта, Илёс ҳам Пайғамбарлардандир. Ўшанда у қавмига: «Тақво қилмайсизми?! Баълга ибодат қилиб, яратувчиларнинг энг яхшисини» (ас-Соффат, 123-125-оятлар). Яъни, Илёс ҳам бошқа пайғамбарлар каби у ҳам менинг пайғамбарим. Ўшанда мушрикларга Илёс алайҳиссалом: «Тақво қилмайсизми?!

Баълга ибодат қилиб, яратувчиларнинг энг яхшисини» яъни, бутун оламларнинг Парвардигорини, бутун борлиқнинг Ҳолиқи бўлмиш Аллоҳни қўйиб, ўзларингиз ясаб олган Баъл (санам)га ибодат қиласизларми?! Аллоҳдан қўрмайсизми, унга тақво қилмайсизларми?!

“Ўз Роббингизни ва аввалги ота-боболарингизнинг Робби Аллоҳни тарк этасизми?!» деди” (126-оят). Яъни, Ҳақиқий Роббингиз бўлган ҳамда аввалгиларнинг ҳам Робби бўлган ягона Аллоҳни тарк қиласизларми?!

Айни дамда Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Илёс алайҳиссаломга ҳам исбот талаб бу саркаш қавмнинг ишониши учун у зотнинг Аллоҳнинг пайғамбарликлрини тасдиқловчи мўжиза ҳам берган эди. “Бас, уни ёлғончи қилдилар. Энди, албатта, улар (азобга) ҳозир қилингувчилардир” (127-ОЯТ). Илёс алайҳиссаломнинг қавми ҳам аввалги саркаш қавмлар сингари у зотни мўжизаларини кўриб буни сеҳргарликка ёйди. Улар Илёс алайҳиссаломни пайғамбарликларини инкор қилди, у кишини ёлғончига чиқарди, очиқ ҳужжатга иймон келтирмади. Энди уларга азоб беришдан бошқа чора қолмади.

“Магар Аллоҳнинг мухлис бандаларигина (мустаснодир)” (128-оят) Яъни, фақат Аллоҳга ихлос билан ибодат қилувчилар омон қолурлар. Чунки улар Илёс алайҳиссаломнинг пайғамбарликларини тан олиб, Аллоҳга иймон келтирганлар. Мана шундай бандаларини Аллоҳ таолонинг ўзи ҳифзу-ҳимоя қиладир.

“Ва кейингилар ичида унинг учун (олқишлар) қолдирдик. Илиёсийнга салом бўлсин. Биз гўзал амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. Чунки у мўмин бандаларимиздандир” (129-132-оятлар).

Қуръони Каримда келган оятлар мана шулардан иборат. Илёс алайҳиссаломнинг вафотлари тўғрисида Қуръонда ҳам ҳадисда ҳам маълумот йўқ. Шунинг учун у кишининг вафотлари тўғрисидаги масала ихтилоfli бўлиб қолган. Баъзилар у зотни самога кўтарилиб кетганлар дейишади. Бироқ, бу маълумот ишончли бўлмаганлиги учун бу ихтилоfli масаладан четланишни лозим деб топдик.



АЛ-ЯСАЪ АЛАЙҲИССАЛОМ

(Ғарбда Элиша)

Тахминан мил.авв. VIII асрда яшаганлар

Қуръони Каримда Ал-Яъса алайҳиссалом ҳақларида маълумот ниҳятда кам. Узот Каломи илоҳийни фақатгина икки ўрнида зикр қилинганлар. Анъом сурасининг 86-оятда: “Ва Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам. Барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик. Сод сурасининг 48-оятда: “Исмоил, ал-Ясаъ ва Зул-Кифлни ҳам эсла. Барчалари ахёрлардандир”. Мазкур оятлардан Ал-Ясаъ ҳақларида чиқариладиган хулоса:

1. Бошқа пайғамбарлар каби бутун оламлардан афзаллилик.
2. Амали солиҳлик

Муаррих Абдуллоҳ Авлонийнинг келтиришича, Ал-Ясаъ алайҳиссалом Илёс алайҳиссаломдан кейин яҳудийларга пайғамбарлик қилганлар. Уларни Аллоҳнинг йўлига даъват қилишлари жудайам қийин кечган. (бу саркаш қавмнинг табиатини кўп пайғамбарларнинг қиссаларидан билиб бўлганмиз) Ал-Ясаъ алайҳиссалом ҳам яҳудий-исроил халқини Мусо алайҳиссаломнинг шариатлари бўйича даъват қилганлар. Қавмларининг ичида жудайам озчилик иймон келтирадилар. Аммо яна вақт ўтгач Аллоҳнинг динидан қайтадилар. Шунда уларнинг устига Оссурия давлати бостириб киради ва шаҳарларини истило қилиб, ўзларини қуллик асоратида бир неча муддат ушлаб турадилар.

Тарихий маълумотларга қараганда, Оссурия давлатининг босқини эрамиздан аввалги 722-йилда бўлиб ўтган. Улар шимолий подшоҳликка ҳужум уюштирию, шаҳарни вайронага айлантирганлар, ўзларини қул қилиб олишган. Жанубий подшоҳлик эса, яна 120 йил ҳукм сурган.

ЮНУС АЛАЙҲИССАЛОМ

(Ғарбда Жонаҳ)

Тахминан мил.авв. VII аср

Қуръони Каримда Юнус алайҳиссалом Нисо, Анъом, Юнус ва Вас-Саффот сураларида зикр қилинган. Анбиё сурасида эса «Зуннун», Қалам сурасида «Соҳибилхут» лақаби ила зикр қилинган.

Юнус алайҳиссалом Бани Исроилнинг анбиёларидан. Насаблари Юсуф алайҳиссаломнинг туғишган укалари Биняминга боради. У зот Юнус ибн Матто номи ила машҳур. Матто у зотнинг оналарининг исми экан. Пайғамбарлар ичида фақат Юнус ва Ийсо алайҳиссаломлар оналарига нисбат берилган эканлар.

ЮНУС АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

Юнус алайҳиссалом Аллоҳнинг пайғамбарларидан биридир. У зотни Роббил оламийн Ироқнинг Мусил вилояти яқинидаги Найнаво деган жойга пайғамбар қилиб юборган. Ўша пайтда у ернинг аҳолиси турли санамларга ибодат қилишар ва ҳар хил гуноҳ ишлар билан банд эдилар.

Юнус алайҳиссалом уларни Аллоҳ таолога иймон келтиришга, гуноҳ ишларни тарк қилишга даъват қилдилар. Лекин улар бу даъватни қабул қилмай, фисқу фасод ишларида давом этдилар.

Юнус алайҳиссалом уларни маълум муддатдан сўнг Аллоҳнинг азоби нозил бўлишидан огоҳлантирдилар. Кўнмаганларидан сўнг, аччиқлари чиқиб, мен ўз вазифамни адо этдим, энди гуноҳкорлар ичида қолмаслигим керак, деган эътиқодга бориб шаҳарни ташлаб чиқиб кетдилар. Бу ишни ўзларича, шуниси тўғри, деган фикр-ла Аллоҳнинг изнисиз қилдилар, юриб-юриб денгиз соҳилига етиб бордилар. Бир кема жўнаш олдида турган экан, унинг эгаларидан ўзларини бирга олиб кетишларини сўраган эдилар, улар рози бўлдилар.

Кема денгизга чиққанда бирдан шамол туриб, довул бошланди. Тўлқин кучланиб, кема ғарқ бўлиши хавфи туғилди. Кемачилар ҳам йўловчилар ҳам қўрқиб даҳшатга тушадилар. Тўпланиб, маслаҳат қилишади. Баъзилари, ичимизда гуноҳкор киши бор, шунинг учун ноқулай ҳолга қолмоқдамиз, дейишди.

Маслаҳат қилиб, охири қуръа ташлаб, кимнинг чекига тушса, ўша одамни қурбонлик учун денгизга ташлаб юборишга қарор қилишди. Қуръа Юнус алайҳиссаломга чиқади ва у зотни денгизга ташлаб юборишади. Аллоҳ таолонинг амри билан у зотни улкан балиқ ютиб юборади ва ҳазм қилмасдан қорнида олиб юради. Шунда Юнус алайҳиссалом хатоларини тушуниб, балиқнинг қорнида туриб ёлбориб, зорланиб Аллоҳ таолога дуо қиладилар.

Аллоҳ таоло дуоларини ижобат қилиб, балиққа амр қилади ва у Юнус алайҳиссаломни озор етказмасдан очиклик жойга олиб чиқиб ташлайди. У зотнинг баданлари балиқнинг ичида оқ ем бўлган эди, беҳуш ётиб қоладилар. Аллоҳ таоло раҳм қилиб офтобдан зарар етмаслиги учун устларига соя солиб

турувчи сербарг ошқовоқни ўстириб қўяди. Ушбу ҳолатда бир муддат ётиб, соғайиб ўзларига келадилар.

Аллоҳ таоло у зотга қавми олдига бориш учун фармон беради. Улар Юнус алайҳиссалом кетиб қолгач, азобнинг бошланиши зоҳир бўлгандан сўнг, хатоларини тушуниб тавба қилишга ўтган эдилар. Азобни қайтаришни Аллоҳдан сўраб ёлборадилар. Улар юз мингдан кўпроқ киши эди. Юнус алайҳиссалом улар ҳузурига қайтиб, барчаларини иймонга чақирадилар. Аллоҳ таоло барчаларини ҳидоятга бошлайди.

Энди Юнус алайҳиссалом ҳақларида келган оятларни ўрганиб чиқайлик:

«Биз сенга худди Нуҳ ва ундан кейинги Пайғамбарларга ваҳий юборганимиздек ваҳий юбордик. Биз Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва уларнинг асбат (набира)лари, Ийсо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймонларга ваҳий юбордик. Довудга эса Забурни бердик» (Нисо сураси, 163).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Юнус алайҳиссаломни улул азм пайғамбарлар билан бир қаторда зикр қилмоқда. Демак, у зот ҳам улардан бири экан.

Анъом сурасида эса Аллоҳ таоло Юнус алайҳиссаломни бошқа уч пайғамбар билан бирга зикр қилган.

«Ва Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам. Барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик» (86-оят).

Аллоҳ таоло Қалам сурасида Юнус алайҳиссаломнинг қиссаларини қуйидагича баён қилади:

«Роббинг ҳукмига сабр қил ва бир вақтлар ғамга тўлган ҳолда нидо қилган балиқ соҳибига ўшшама» (48-оят).

«Балиқ соҳибидан мурод Юнус алайҳиссалом. У зот қавмига аччиқ қилиб уларни ташлаб чиқиб кетганлари, кемада кетаётиб қуръага тушиб денгизга отилганлари, балиқ ютиб юборганда унинг қорнида туриб Аллоҳга ёлборганлари ҳақида маълумотлар олганмиз.

Кейинги оятда Юнус алайҳиссаломнинг қиссалари баёни давом этади.

«Агар уни Роббисининг неъматидан топмаганда, очиқ саҳро жойга, мазамматга қолган ҳолда ташланган бўларди.

Бас, уни Роббиси танлаб олди ва солиҳ бандаларидан қилди» (Анъом сураси, 49-50-оятлар).

Яъни, агар Юнус алайҳиссаломни Аллоҳнинг неъматидан излаб топмаганида, у зот ўзларини ютиб юборган балиқ томонидан очиқ саҳрога, мазамматга қолган ҳолда ташланган бўлар эдилар.

Лекин Аллоҳ таоло у зотга раҳм кўрсатди. Балиқ озор етказмай қорнидан қирғоққа чиқариб қўйди. Беҳуш ётганларида устиларида сербарг ошқовоқ соя солиб турди. Аллоҳ таоло у зотни ўзининг солиҳ бандаларидан қилди.

Анбиё сурасида эса Юнус алайҳиссалом қиссаси ўзига хос равишда келтирилади:

«Зуннунни эсла. Ўшанда у ғазабланган ҳолда чиқиб кетган эди. Бас, у Бизни ўзига (ер юзини) тор этмас, деб гумон қилди. Зулматларда туриб, Сендан ўзга Илоҳ йўқ, Сен поксан, албатта, мен золимлардан бўлдим, деб нидо қилди» (87-оят).

Зуннундан мурод, Юнус алайҳиссалом. «Нун» балиқ дегани, Зуннун эса, балиқ эгаси дегани.

«Зуннунни эсла. Ўшанда у ғазабланган ҳолда чиқиб кетган эди».

Яъни, у зот қавмига Аллоҳ таолонинг амрини етказганларида, улар қабул қилмадилар. Юнус алайҳиссалом қавмларининг қилмишларидан ғазабланиб, юртларини ташлаб чиқиб кетдилар.

«Бас, у Бизни ўзига (ер юзини) тор этмас, деб гумон қилди».

Бу гумон қавмининг саркашлигидан келиб чиққан эди. Юнус алайҳиссалом уларга, сизлар Аллоҳ амрига бўйинсунмасангиз, бошқа жой қуриб кетгани йўқ,

Аллоҳнинг ери кенг, бошқа жойга бориб даъват этсам, улар қабул қиладилар. Аллоҳ таоло мен учун ер юзини тор этиб қўймайди, дегандай иш қилган эдилар.

Уламоларимиз айтишларича, аслида у зот бошқа пайғамбарларга ўхшаб сабр қилишлари, Аллоҳнинг амрини кутишлари керак эди. Аммо бундай қилмадилар. Қавмларига зарда қилиб, юртларидан чиқиб кетдилар. Сўнгра Аллоҳ таоло, у зотни балиққа ютириб, синовга учратди. Ана ўшанда, «Зулматларда туриб», яъни, кеча зулмати, денгиз ости зулмати ва балиқ қорни зулматида туриб, Аллоҳ таолога ёлбориб:

«Сендан ўзга Илоҳ йўқ, Сен поксан, албатта, мен золимлардан бўлдим, деб нидо қилди».

Бу гап чин ихлос билан, Аллоҳнинг улуғ сифатларини эслаб, ўзининг айбдорлигини бўйнига олиб, нажот сўраб қилинган дуо эди.

«Бас, Биз уни (дуосини) ижобат қилдик. Унга ғамдан нажот бердик. Мўминларга шундай нажот берурмиз» (88-оят).

Яъни, Биз Юнуснинг дуосини қабул қилдик. Уни балиқ ичидан соғ-саломат чиқариб, ғамдан қутқардик. Мўминларни доимо шу тарзда қутқариб келганмиз.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, ким ғамга мубтало бўлса, ушбу оятдаги «Ла илаҳа илла анта, субҳанака инни кунту миназзолимийн» дуосини ўқиса, кушойиш бўлишини айтганлар.

Юнус алайҳиссалом қиссаларида даъватчилар учун катта ибрат бор. Улар ҳар қанча тўсиқларга, қийинчиликларга учрасалар ҳам сабр қилишлари керак бўлади.

ЮНУС ҚАВМИ НАЖОТИ

Аллоҳ таоло бу ҳақда Юнус сурасида қуйидагиларни айтади:

«Қани энди бирон қишлоқ иймон келтирганда унга иймони манфаат берса эди. Фақат Юнус қавми иймон келтирганларида улардан дунё ҳаётидаги хорлик азобини кушойиш қилдик ва уларни маълум вақтгача фойдалантирдик, холос» (98-оят).

Олдин ҳам Пайғамбарлар келган шаҳар ва қишлоқларнинг аҳллари иймон келтирмаганлар.

«Қани энди бирон қишлоқ иймон келтирганда унга иймони манфаат берса эди».

Лекин улар иймон келтирмадилар. Оз сонли кишилар иймон келтириб, кўпчилик куфрда қолаверди. Бу борада фақат битта қишлоқни истисно қилиш мумкин. Бутун боши билан қилган гуноҳига охирги пайтда тавба қилиб, иймонга келганда нажот топган фақат битта қишлоқ бор.

«Фақат Юнус қавми иймон келтирганларида улардан дунё ҳаётидаги хорлик азобини кушойиш қилдик ва уларни маълум вақтгача фойдалантирдик, холос».

Оятнинг маъносидан кўриниб турибдики, Юнус алайҳиссаломнинг қавмига дунё ҳаётининг хорлик азоби таҳдид солиб қолганда барчалари бирдан иймонга келганлар. Ана шунда Аллоҳ таоло уларнинг бошидан бу азобни кўтарган ва иймонлари шарофати билан маълум муддатгача фаровон турмуш ила манфаатлантирган.

Юнус алайҳиссаломнинг қавмининг қилган гуноҳлари, уларнинг бошига таҳдид солиб келган азоб, уларнинг қаттиқ тавба қилганлари ва охири нажот топганлари ҳақидаги тафсилотлар зикр қилинмаган.

Бу қавмдан бошқа ҳеч бир қавм бошига илоҳий азоб келиб қолганда, тавба қилиб нажот топмаган. Балки фиръавнга ўхшаб охирги лаҳзада келтирган иймони фойда бермай ҳалокатга учраган.

Демак, қоида шу: қайси шаҳар-қишлоқ кофир бўлса, хорлик азобига дучор бўлаверади, қайси қишлоқ иймон келтирса, ундан хорлик азоби кушойиш қилиниб, иймони туфайли манфаатлар топаверади. Лекин бу улкан ҳақиқатни ҳамма ҳам тушуниб етавермайди.

ЮНУС АЛАЙҲИССАЛОМ ҲАҚЛАРИДА ҲАДИС

Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни Тоиф аҳли тошбўрон қилдилар. У зотни оёқлари қонаган, ўзлари қийналган ҳолда кўрган Утба ва Шайба ибн Робийъаларнинг раҳмлари келди. Ўзларининг Аддос исмли насроний ғулومини чақириб:

«Узилган узумдан олиб, манаву табаққа солгинда анави одамга олиб боргин. Ундан есин», дедилар.

Аддос узумни олиб келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қўйди ва У зотга:

«Егин», деди.

У зот қўлларини узатиб, бисмиллаҳ, дедилар-да узумдан олиб едилар. Аддос ажабланиб:

«Валлоҳи, бу гапни ушбу диёр аҳли айтмайдилар», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Сен қайси юртдансан? Қайси диндасан?» дедилар.

«Насронийман. Найнаводанман», деди у.

«Солиҳ киши Юнус ибн Маттонинг қишлоғиданмисан?» дедилар у зот.

«Юнус ибн Маттони сенга нима билдирди?» деди Аддос. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У биродарим. У набий эди. Мен ҳам набийман», дедилар.

Шунда Аддос ўзини отиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошлари, оёқ-қўлларидан ўпа бошлади. У мусулмон бўлди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка билан Мадина орасида юрган эдилар. Бир водийдан ўтиб қолдилар ва:

«Бу қайси водий?» деб сўрадилар.

«Бу Азрақ водийи», дейишди.

«Худди Мусо алайҳиссаломнинг тепаликдан тушиб келаётганига назар солаётгандекман. У Аллоҳга талбия айтмоқда», дедилар у зот.

Сўнгра Ҳарша тепалиги олдидан ўтдилар ва:

«Бу қайси тепалик?» деб сўрадилар.

«Ҳарша тепалиги», дейишди.

«Худди Юнус ибн Матто алайҳиссаломнинг қизил, семиз туя устида келаётганига назар солаётгандекман. Унинг эғнида жун чопон бор. Туясининг тизгини хурмо пўстлоғидан. У киши талбия айтмоқда», дедилар у зот».

Муслим Меърожда ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳеч бир бандага мени Юнус ибн Маттодан яхши деб айтиш дуруст эмас», дедилар ва уни онасига нисбат бердилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

ЗАКАРИЁ АЛАЙҲИССАЛОМ

(Ғарбда Зачариаҳ)
Тахминан мил.авв.III-II асрлар

Қуръони Каримда Закариё алайҳиссаломнинг исмлари олти марта зикр қилинган. У зот ҳақларида Оли Имрон, Анъом, Марям, Анбиё каби сураларда оятлар келган. Қуръони Карим бизга У зот ҳақида ажойиб бир ибратли қиссани баён қилиб беради.

ИККИ ҚАРИЯ

Закариё алайҳиссалом ва у кишининг аёллари анчайин кексайиб қолишган пайтлар эди.

"Бас, уни Робби жуда яхши қабул қилиб, ниҳоятда гўзал ўстирди ва Закариёни унга кафил қилди. Закариё ҳар қачон унинг олдига, меҳробга кирганида, унинг ҳузурида ризқ кўрди. У: «Эй Марям, сенга бу қаердан?» деди. Ул: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисига беҳисоб ризқ беради», деди". (Оли Имрон, 37-оят)

Закариё алайҳиссалом Ийсо алайҳиссаломнинг оналари Марямни ўз кафилликларига олган эдилар. кафил сифатида, табиийки, унинг озиқ-овқати, ризқидан доимо хабардор бўлиб туриш лозим. Лекин ибодатхона меҳробида ибодат билан машғул бўлиб турган Марямнинг олдига қачон кирсалар, унинг ҳузурида ризқ турар эди. (Марям онамиз ҳақларида кейинги қиссамизда батафсил тўхталиб ўтамиз)

"Шу чоқда Закариё Роббига дуо қилиб: «Эй Роббим, менга Ўз ҳузуридан яхши зурриёт бергин. Албатта, сен дуони эшитувчисан», деди" (38-оят).

Закариё алайҳиссаломнинг шу пайтгача фарзандлари йўқ эди. Гарчи фарзандсиз бўлсалар ҳам, бирон марта Роббиларига эътироз ёки нола қилмаганлар. Балки ҳар доим ибодатларида Роббиларидан фарзанд умид қилардилар. Ва мана шу кун солиҳа, бокира қиз Марямни ибодат қилаётганини кўриб, унга ҳаваслари жўшиб, Аллоҳдан ўзларига солиҳ фарзанд беришни сўраб дуо қиладилар.

"Меҳробда намоз ўқиб турганида, фаришталар унга: «Албатта, Аллоҳ сенга Аллоҳдан бўлган калимани тасдиқловчи, бошлиқ, шаҳвати тийилган, солиҳлардан бўлган Набий, Яҳёнинг башоратини бермоқда», дедилар" (39-оят). Кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссаломга буюк раҳмат назари билан боқди. фарзанд берибгина қолмай, унга Ўзи Яҳё, деб исм ҳам қўйди. Буларнинг бари дунёга келаётган фарзандининг келажаги жуда қутлуғлигидан дарак берар эди. Ўша бахтли кун келди. Закариё алайҳиссаломнинг чин дилдан, ихлос билан қилган дуоларини меҳрибон Аллоҳ қабул қилди. Аллоҳнинг фаришталари келиб у кишига суюнчилик хабарини етказдилар. Аллоҳ Закариё алайҳиссаломга ўғил фарзанд беришни ирода қилди. Бу ўғил оддий ўғил эмас, аксинча, Аллоҳнинг оятларини тасдиқловчи иймонли, муслимларнинг раҳнамоси, шаҳвоний нафси тийилган солиҳ ва энг муҳими Аллоҳнинг бўлажак набийси, Яҳё исмли пайғамбаридир.

“У: «Эй Роббим, менга қандоқ ўғил бўлсин?! Ўзим улуғ ёшга кирган бўлсам, хотиним туғмас бўлса?!» деди. У зот: «Шундоқ, Аллоҳ хоҳлаганини қилади», деди” (40-оят). Яъни, Эй Роббим, ахир мен ва хотиним қариб қартайиб қолган бўлсак. Биздан қандай қилиб фарзан бўлиши мумкин? Аллоҳ бунга жавобан: «Шундоқ, Аллоҳ хоҳлаганини қилади» деб ҳамма нарсага қодир зот экенлигини билдирмоқда.

“У: «Эй Роббим, менга бир белги тайинла», деди. У зот: «Сенинг белгинг, уч кун одамларга фақат ишора билан гапиришингдир. Роббингни кўп эсла ва эртаю кеч тасбиҳ айт!» деди” (41-оят).

Яъни, Ё Парвардигоро! Менга чақалоқнинг туғилиш вақтини билдирувчи ва унга далолат қилувчи аломат кўрсатгин. Унга шундай жавоб келди: Эй Закариё, сенга шундай уч кун келадики, бу вақтда сен одамларга тилинг билан сўзлай олмайсан, бунинг учун ҳаракат қилсанг ҳам ожиз қоласан, уч кеча давомида қўлинг билан ишора қиласан, бу эса ҳам мўъжиза ҳам ишора ҳам аломатнинг биргаликда бўлган ҳолатидир. Соғлом ҳолда тилдан қолган Закариё алайҳиссалом меҳробда ибодат, тасбиҳ ва Таврот тиловати билан машғул бўлдилар. Меҳробдан чиқиб қавмларига, эртаю кеч Аллоҳга тасбиҳ айтишлар, деб ишора қилдилар. Бу билан қавмларини бирга ибодат қилишга, берилган улуғ неъмат шукронасини адо этишга чорладилар.

Мазкур оятларда кексайиб, умри ўтиб қолган, фарзанд кўришдан умидларини узган кишиларга Роббил Аъламин ўзининг куч-қудрати ила бандаларига қариган чоғларида ҳам фарзанд ато қила олишини ва бу иш Унга ҳеч нарса эмаслигини кўрсатиб қўймоқда. Шу нуқтада Закариёга алайҳиссаломга тегишли тарих хотима топади. Яҳё алайҳиссаломнинг таваллудлари, ҳаётларига тааллуқли бошқа тарихлар баён этилмай, бир йўла ул зотга китоб нозил этилиш қиссаси зикр этилади.



(Ғарбда Жоҳн)

Тахминан мил.авв. II-I асрлар

Яҳъё алайҳиссалом зухду тақвода машхур пайғамбарлардан ҳисобланадилар. У зотнинг исмлари Каломи илоҳийда беш ўринда зикр қилинган. Ул зот ҳақларида Оли Иморн, Анъом, Марям ҳамда Анбиё сураларида оятлар келган.

Яҳъё алайҳиссаломнинг насабларини аввалги қиссамизда келтириб ўтдик. Энди у зот ҳақида келган оятлар билан танишиб чиқамиз.

“Ва Закариё, Яҳё, Ийсо ва Илёсни ҳам. Ҳаммалари аҳли солиҳлардир” (Анъом, 85-оят). Мазкур ояти карима орқали Аллоҳ таоло Яҳъё алайҳиссаломни ҳам аҳли солиҳлардан (пайғамбарлар аҳлидан) эканлигини яна бир бор таъкидламоқда.

Қуръони Каримда Яҳъё алайҳиссаломнинг ҳаётлари ҳақида батафсил маълумот берилмаган. Каломуллоҳда у киши ҳақида қуйидагича оят келган.

«Эй Яҳё, китобни қувват-ла ол!» (дедик) ва унга гўдаклигидаёқ ҳукми бердик”

Аллоҳ таоло Яҳё алайҳиссаломга, илоҳий Тавротни қувват билан ол, демоқда. Оятдаги: «Унга гўдаклигидаёқ ҳукми бердик», деган жумлани уламоларимиз илму ҳикмат мазмунида таъвил қилганлар.

“Ва Ўз томонимиздан меҳрибонлик ва поклик (бердик). Ҳамда у тақводор эди. У ота-онасига меҳрибон бўлиб, жабр-ситам қилгувчи ва исёнчи эмасди.

Унга туғилган кунда ҳам, ўладиган кунда ҳам, қайта тириладиган кунда ҳам саломлар бўлсин” (13-15-оятлар).

У зот Аллоҳга ибодат қилиш вазифасини ўта мукамал ҳолда ва чиройли суратда (кўриниш) адо этишга имкон топардилар, у зот ёшлигиданоқ ибодатни севардилар, Аллоҳга доимо ва ҳеч малолланмаган ҳолда ибодат қилардилар, шундай экан у зот одамлар

орасида Мусо алайҳиссаломга нозил бўлган "Таврот" илмининг энг илмли шахсига айландилар, кофирларнинг ҳужум қилишидан ҳам ўзларига азоб беришидан ҳам кўрқмаган ҳолда ундан азм-у шижоат, қувват ва журъат ила илм олар эдилар. Ота-оналарига жудаёам меҳрибон бўлганлар, уларни қаттиқ ҳурмат қилиб севардилар. Аллоҳ таоло ўз пайғамбарига саломини йўлламоқда.

ШАҲИДЛИК

Муаррих Абдуллоҳ Авлонийнинг ёзишича, Яҳёё алайҳиссалом аввали одамларни Мусо алайҳиссаломнинг шариатлаи бўйича даъват қилганлар. Кейинчалик Ийсо алайҳиссалом янги шариат билан келганларида, Яҳёё алайҳиссалом ҳам биродарлари Ийсо алайҳиссаломнинг шариатларига даъват қила бошлаганлар. Бир куни Бани Исроил қавмининг бошлиғи Хардус исмли кимса қиз қариндоши бўлган жиянини ўз никоҳига олмоқчи бўлади. Никоҳлатиш учун у Яҳёё алайҳиссаломга Мусо алайҳиссалом шариати бўйича никоҳлаб қўйишларини талаб қилади. Яҳёё алайҳиссалом эса бу талабни рад этадилар. Чунки Ийсо алайҳиссалом олиб келган янги шариатда қиз қариндошни никоҳлаш харом қилинганди. Хардус Яҳёё алайҳиссаломни бош тортганликлари учун у зотни сўйдириб юборади. Айрим манбааларда у зотни хочга михлаб ўлдиришган дейилади. Валлоҳу Аълам.



(Ғарбда Жесус, Христос)
Милодий 1-33 йилларда яшаганлар

Қуръон Каримда Ийсо алайҳиссаломнинг муборак исмлари йигирма тўрт марта зикр қилинган. У зот ҳақларида Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Марям, Аҳзоб, Шуро, Зужруф, Ҳадид ва Соф сураларида оятлар келган. У зотнинг исмлари Ийсо, лақаблари Масийҳ, кунялари ибн Марямдир. Ийсо алайҳиссаломнинг насаблари ҳақида насоролар турли ихтилофлар қилишган. У зотнинг насаблари ҳақида иккита инжилда маълумот бор. Лекин иккови икки хил нарса айтади.

Луқо инжилида Ийсо алайҳиссаломни Ясуъ ибн Юсуф ан-Нажжор ибн Ҳоли ибн Ловий ибн Малкий...деб Яҳузо ибн Яъқуб ибн Исҳоқ дейилган.
Мутто инжилида эса Ясуъ ибн Юсуф ан-Нажжор ибн Яъқуб ибн Матон ибн ал-Яозир... деб Яҳузо ибн Яъқуб ибн Исҳоқ дейилган.
Агар бу икки насабни солиштирадиган бўлсак орадаги ихтилофдан ҳайрон қолмай илож йўқ.

Бири, Юсуф ан-Нажжор ибн Ҳоли, дейди.

Иккичиси, Юсуф ан-Нажжор ибн Яъқуб дейди.

Бу ихтилоф силсиланинг кейинги ҳалқаларида ҳам давом этаверади.

Ўйлаб кўрайлик, инжил илоҳий китоб бўлса, нима учун бир нечта. Бир Аллоҳдан бир Масийҳга юборилган бўлса. Яна унинг насабини зикр қилса. Зикир қилганда ҳам хилма хил айтса. Буни ақл бовар қилмайди. Бу ерда фақат бир нарса, Аллоҳнинг номидан Луқо, Мутто ва бошқа исми кишилар ўзлари китоб ёзган бўлишлари ва ихтилоф қилиган бўлишлари мумкин, холос.

БИБИ МАРЯМ ҲАҚИДА

Ийсо алайҳиссалом ҳақидаги ҳар бир сўз Биби Марямсиз ўтмайди. Биби Марям Ийсо алайҳиссаломнинг оналари. Шунинг учун аввал Биби Марям билан Қуръон Карим орқали танишиб олмоғимиз лозим бўлади.

«Ва Марям Имрон қизини (мисол келтирди), у фаржини пок сақлаган эди, Биз унга ўз руҳимиздан пуфладик ва У Роббисининг сўзларини ҳамда китобларини тасдиқ қилди ва итоаткорлардан бўлди». (Таҳрим 12)

Биби Марям Имроннинг қизи Аллоҳга соф эътиқодда бўлганлар ва ўзларини ҳам соф тутганлар. Яҳудийлар тухмат қилганларидек нопок бўлмаганлар. Аллоҳ таоло Жаброил фаришта орқали ўша пок жасадга ўз руҳидан «пуф» дейиши билан Ийсо алайҳиссаломни ато қилган. У киши Аллоҳнинг сўзларига ва китобларига иймон келтирганлар ҳамда итоаткор қавмлардан бўлганлар.

У кишининг оталари катта обрў эгаси ва Бани Исроилнинг улуғ уламоалридан бири эди. У фарзандсиз ҳам эди. Шунинг учун хотинлари фарзанд туғсам Байтул мақдис хизматига бераман деб назр қилиб қўйган эди.

ҚОРНИМДАГИНИ ЎЗИНГГА ХОЛИС НАЗР ҚИЛДИМ

Энди ўша Биби Марям Имрон қизининг дунёга келишлари ҳақидаги «Оли Имрон» сурасидаги оятларни ўрганайлик:

«Имроннинг хотини: «Эй Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим. Бас, мендан қабул эт. Албатта, Сенинг, Ўзинг эшитувчи, билувчи зотсан», деганини эсла!» (35)

Оятни ўқиган ёки эшитган одам дарҳол ҳазрати Имроннинг хотинлари, Биби Марямнинг оналари нақадар тақводор, художўй, бутун вужуди билан Аллоҳга ёқадиган иш қилишга уринадиган зот эканини дарров англайди. Ҳамда Аллоҳ таоло Имрон аҳлини бекорга одамлар ичидан танлаб, саралаб олмаганининг тагига тушуниб етади. Одатда, ҳомиладор аёл бўлғуси фарзандини, жигарининг бир парчасини ўзидан ҳам устун қўяди. Ҳазрати Имроннинг аёли ана шундай азиз жигарпорасини Аллоҳга холис назр қилмоқда:

«Имроннинг хотини: «Эй Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим»

Яъни, холис ният билан, бирорта шартсиз, ўртага ҳеч қандай ҳақ ҳам киритмасдан, ҳамма нарсадан озод бўлган ҳолда назр қилмоқда. Боз устига, яна Аллоҳга илтижони кучайтириб:

«...бас, мендан қабул эт. Албатта, Сенинг, Ўзинг эшитувчи ва билувчи зотсан», демоқда.

Булар олий даражадаги тақво ва Аллоҳнинг йўлидаги фидокорлик намунасидир.

«МАРЯМ» ДЕБ НОМ ҚҲЙДИМ

«Уни туққан чоқда: «Эй Роббим, мен буни қиз туғдим-ку!!» деди. Ҳолбуки, Аллоҳ у нима туққанини яхши билади. «Ва ўғил қиздек эмас. Ва мен унга «Марям» деб ном қўйдим ва, албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига шайтонир рожим шарридан паноҳ тиларман». (36)

Ўша вақтларда ибодатхоналарга фақат ўғил болалар назр қилинар эди. Имрон алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам ҳомиладорлик вақтларида, ўғил туғсам керак, деган гумон билан аввалдан назр қилган эди. Вақти соати етиб, кўзи ёриган чоғида қараса, қиз туғибди. Ўз-ўзидан савол пайдо бўлди: назрга атаб қўйилган ҳомила ўғил бўлмади, ўғил туғилганида-ку ҳеч қандай саволга ўрин қолмай, ибодатхонага топширилар эди, энди нима бўлади? Шу масалани билиш мақсадида:

«Уни туққан чоқда: «Эй Роббим, мен буни қиз туғдим-ку!!» деди».

Дарҳақиқат:

«Ҳолбуки, Аллоҳ у нима туққанини яхши билади».

Лекин Имрон алайҳиссаломнинг хотинлари назарида, ибодатхона хизматида қиз бола ўғил болачалик бўла олмайди:

«Ва ўғил қиздек эмас», дейди.

Кейин оналик меҳри жўшиб, гапнинг давомида:

«Ва мен унга «Марям» деб ном қўйдим. Ва, албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига шайтонир рожим шарридан паноҳ тилайман», деб дуо қилади.

Мусаффо оналик қалби шу-доимо ўзини қўйиб бўлса ҳам боласига, зурриёдига камол, тинчлик-омонлик ва яхшилик тилайди.

ЗАКАРИЁНИ УНГА КАФИЛ ҚИЛДИ

«Бас, уни Робби жуда яхши қабул қилиб, ниҳоятда гўзал ўстирди ва Закариёни унга кафил қилди. Закариё ҳар қачон унинг олдига, меҳробга кирганида, унинг ҳузурида ризқ кўрди. У: «Эй Марям, сенга бу қаердан» деди. «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисига беҳисоб ризқ берур», деди». (37)

Меҳрибон онаи зорнинг ихлосига яраша, холисона қилган назрига биноан, дуоларини қабул қилган ҳолда:

«Бас, уни Робби жуда яхши қабул қилиб, ниҳоятда гўзал ўстирди».

Яъни, Аллоҳ таоло қиз бола бўлса ҳам Марямни назр сифатида жуда яхши қабул қилиб олди ва у қизни ажойиб бир ҳолда ўстирди.

Шу билан бирга:

«...Закариёни унга кафил қилди».

Закариё алайҳиссалом Ҳорун алайҳиссаломнинг зурриётидан эдилар. Яҳудийларнинг «Ҳайкал» деб номланган асосий ибодатхонасининг хизматини қилиш шу авлодга насиб қилган эди. Ўша пайтда Закариё алайҳиссалом ҳайкал ибодатхонаси бошлиғи эдилар. Шундай қилиб, Марям алоҳида эътибор остида муборак бўлиб ўса борди. Аллоҳ унга Ўзи иноят кўрсатиб турди.

«Закариё ҳар қачон унинг олдига, меҳробга кирганида, унинг ҳузурида ризқ кўрди».

Закариё алайҳиссалом Марямнинг кафили сифатида, табиийки, унинг озиқ-овқати, ризқидан доимо хабардор бўлиб туриши лозим. Лекин ибодатхона

меҳробида ибодат билан машғул бўлиб турган Марямнинг олдига қачон кирса, унинг ҳузурида ризқ турар эди. Бу ризқни ўзи келтирмаганини яхши билган Закариё алайҳиссалом ажабланиб, Марямга:

«Эй Марям, сенга бу қаердан?» деди.

Пайғамбар Закариё алайҳиссаломники таажжубга солибдими, демак, у ризқнинг манбаи, албатта, эътиборга лойиқдир.

Марям эса, бу манбадан хабардор, шунинг учун бамайлихотир:

«Бу Аллоҳнинг ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисига беҳисоб ризқ беради», деди».

Бу манзарани кўриб туриб, бефарзанд юрган Закариё алайҳиссаломда фарзандли бўлиш ҳаваси янгидан уйғонди:

Шу чоқда Закариё Роббига дуо қилиб:

«Эй Роббим, менга Ўз ҳузуридан яхши зурриёт бергин. Албатта, Сен дуони эшитувчисан», деди.

МАРЯМНИНГ КАФИЛИ БЎЛИШ

Албатта, жуда ҳам кичиклик чоғида отаси Имрондан ажраб етим қолган Марямни кафилликка олиш Закариё алайҳиссалом учун ўз-ўзидан бўлмаган. Бунинг учун анча талашиб-тотишувлар ва яна бошқа ишлар бўлиб ўтган. Ана ўша ҳодисаларни «Оли Имрон» сураси қуйидагича баён қилади:

«Бу ғайб хабарлардан бўлиб, сенга ваҳий қилмоқдамиз. Улар қайсилари Марямнинг кафили бўлишига қаламларини ташлашаётганларида, олдиларида эмасдинг ва тортишаётганларида ҳам олдиларида эмасдинг». (44)

Биби Марямнинг оналарининг исми Ҳинна эди. У киши Марямни туққанларидан кейин, ваъдасига вафо айлаб, янги йўргакланган чақалоқни яҳудийларнинг «Ҳайкал» ибодатхонасига олиб келиб, у ердаги диний ходимларнинг олдига қўйибди ва:

«Бу назр қилинган қизни олинглар», дебди. Шунда улар, мен оламан-мен оламан, деб талашиб кетибдилар. Чунки қизча бошлиқлари ҳазрати Имроннинг қизи эди-да. Албатта, бу ишлар Муҳаммад алайҳиссаломга қоронғи, ғайб ишлар эди. Бу маълумотни фақат Қуръон келтирган хабардан билмоқдалар.

«Бу ғайб хабарлардан бўлиб, сенга ваҳий қилмоқдамиз».

Бир нарса устида бир неча киши талашса, яна ҳаммалари у нарсага тенг ҳақдор бўлишса, одатда қуръа ташланади. Марямга кафилликни талашганлар ҳам шу каби вазиятга тушиб қолдилар. Шунда улар ўртасида «қаламларини ташлаш» бўлиб ўтди.

«Улар қайсилари Марямнинг кафили бўлишига қаламларини ташлашаётганларида, олдиларида эмасдинг ва тортишаётганларида ҳам олдиларида эмасдинг».

Оят «қалам ташлаш»нинг тафсилотини ёритмайди. Ривоятларда келишича, улар қаламларини Урдун дарёсига ташлашган экан. Ҳамманинг қалами оқиб кетиб, Закариё алайҳиссаломнинг қаламлари оқмай туриб қолибди. Шуни аломат фаҳмлаб, Марямни у киши ўз кафолатларига олишларига рози бўлишган экан.

Ана шундоқ қилиб Марям Закариё алайҳиссаломнинг кафолатларида Байтул мақдисда яшай бошлади. Закарий алайҳиссалом Марям оддий қиз эмаслигини билдилар. Ундан ризқи қаердан келаётганини сўрадилар. Ризқни Аллоҳдан эканлигини ҳам билдилар.

ЭЙ МАРЯМ, АЛЛОҲ СЕНИ ТАНЛАБ ОЛДИ

Аммо Марямнинг ўзига бундан бошқа нарсалар ҳам билдирилган эди:

«Фаришталарнинг: «Эй Марям, албатта, Аллоҳ сени танлаб олди, поклади ва оламдаги аёллардан устунлигингни ихтиёр қилди.

Эй Марям, Роббингнинг ибодатида бардавом бўл, Унга сажда қил ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қил», деганларини эсла». (Оли Имрон 42-43)

Биби Марям бошидан кечган ҳодисанинг ҳақиқатини Қуръони Карим рўйи-рост ҳикоя қилмоқда. Яъни, Марямни Аллоҳ танлаб олганини, бошқалар каби оддий эмасликларини баён этмоқда. Шу билан бирга, у кишининг, насоролар даъво қилаётганидек, «она худо» ёки «худонинг хотини» ҳам эмасликларини билвосита таъкидламоқда.

«Эй Марям, албатта, Аллоҳ сени танлаб олди»

«Поклади» дейишликнинг улкан маъноси бор. Чунки Биби Марям ҳазрати Йисони туққанларидан кейин у кишига турли нопок тухматлар бўлади. Ҳозирдан бўлғуси у тухматлар рад этилмоқда.

«...ва оламдаги аёллардан устунлигингни ихтиёр қилди».

Ушбу жумланинг ўзи буюк бир мўъжизадир. Тасаввур қилинг: Ислом дини таълимотлари туша бошлагач, масиҳийлар билан қаттиқ тортишувлар турди. «Кимнинг дини афзал?» деган савол кўндаланг бўлди. Албатта, бундай ҳолда ҳамма ўз динининг афзаллигини изҳор қилишга уринади. Шундай бир пайтда фақат илоҳий каломгина бу жасоратли сўзни айтиши мумкин. Ўзига қарши тарафнинг вакилини, оламдаги аёлларнинг энг яхшиси, дейиш ҳазилакам гап эмас! Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳақиқий Пайғамбар бўлганликлари учунгина бу ҳақиқат ошкора айтилди.

Юқоридаги иккинчи оятда фаришталар Биби Марямни давомли тоат-ибодатда, ҳуш-ҳузурда, сужуд-рукуъда бўлишга чорламоқдалар.

«Эй Марям, Роббингнинг ибодатида бардавом бўл, Унга сажда қил ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қил», деганларини эсла».

Бу нарсалар улкан ишга тайёргарлик эди.

ЭЙ МАРЯМ, АЛЛОҲ СЕНГА ЎЗИДАН БЎЛГАН СЎЗНИНГ БАШОРАТИНИ БЕРМОҚДА

«Фаришталар: «Эй Марям, албатта, Аллоҳ сенга Ўзидан бўлган сўзнинг башоратини бермоқда, унинг исми Масиҳ, Йисо ибн Марям бу дунёю охиратда обрўли ва яқин бандалардандир.

У одамларга бешикда ҳам, қариган чоғида ҳам гапирди ва солиҳлардандир», деганларини эсла». (Оли Имрон 45-46)

Оятда келган «сўз»дан мурод Йисо алайҳиссаломдир. «Сўз» арабчада калима дейилади. Йисо алайҳиссаломнинг бир номлари «Калиматуллоҳ»дир. Чунки у кишининг дунёга келишига Аллоҳнинг «Бўл» деган сўзи, калимаси сабаб бўлган. Аллоҳ таоло ҳамма нарсага қодир. Одам атонинг жасадини тупроқдан ясади. Одам шаклида ясалган лой ерда ётган эди, Аллоҳ «Тур» деганида, жон кириб, туриб кетди.

Одатда қиз бола ўзидан ўзи ҳомиладор бўлмайди. Лекин Аллоҳ таоло Марямга унинг ҳомиладор бўлиб, Аллоҳнинг калимаси туфайли Масиҳ Йисо ибн Марям деган фарзанд кўришини фаришталар орқали билдирмоқда.

«Фаришталар: «Эй Марям, албатта, Аллоҳ сенга Ўзидан бўлган сўзнинг башоратини бермоқда, унинг исми Масиҳ, Йисо ибн Марям», дедилар.

Шу билан бирга, унинг бошқа сифатларини ҳам санаб ўтмоқда.

«...бу дунёю охиратда обрўли ва яқин бандалардандир. Одамларга бешикда ҳам, қариган чоғида ҳам гапирди ва солиҳлардандир», дедилар.

Бутунлай жонсиз, қуриб-қотган лойга бир сўз билан жон киритган Аллоҳ учун тирик жон бўлмиш Марямни бир сўз билан ҳомиладор қилиб қўйиш ҳеч мушкул эмас.

Ёш ва бокира қиз Марям бу башоратни тушунмай қолди. Бу нима сир эканини билиш учун Роббисига муножат қилди:

«У: «Эй Роббим, менга башар қўл теккизмаган бўлса, қандай қилиб болам бўлади?!» деди. У зот: «Шундай, Аллоҳ хоҳлаганини қилади. Бир ишни ирода қилса, «Бўл!» дейиши кифоя, бўлаверади», деди». (Оли Имрон 47)

Биби Марям ота-онадан туғилиб, одамлар ичида ўсган бир қиз. Унинг инсоний тушунчаси бўйича, одатда эркак билан бирга бўлмаган қиз боланинг фарзанд кўриши ақлга тўғри келмайди. Ғаришталар эса, унга бир ўғил кўришининг хабарини бериб туришибди. Шунинг учун:

«У: «Эй Роббим, менга башар қўл теккизмаган бўлса, қандай қилиб болам бўлади?!» деди».

Шунда унга қисқа ва тушунарли жавоб келади: Бу жавоб одамларни ўзининг тор ақлий муҳитидан чиқиб Аллоҳга тааллуқли оддий ҳақиқатни англашга ундайди.

«Шундай, Аллоҳ хоҳлаганини қилади. Бир ишни ирода қилса, «Бўл!» дейиши кифоя, бўлаверади».

Жумладан, пок, башар қўли тегмаган қизга ҳам «Туғ!» деса, туғаверади.

Бу қисқа савол-жавобдан кейин Марямга хушxabар олиб келган ғаришталар туғилажак боланинг сифатларини айтишда давом этади:

«Ва унга китобни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўргатади». (Оли Имрон 48)

Уламоларимиз бу ояти каримадаги «китобни» сўзи «ёзишни» ёки «илоҳий китобни» деган маънолардан бирини англатади, деганлар. Чунки араб тилида «китоб» моддаси ёзишни англатади. Умуман китоблар ҳам ёзилган нарса бўлгани учун шу ном билан аталган. Бизнинг фикримизга кўра мазкур икки маънодан бирини албатта олишимиз шарт эмас. Балки, иккисини ҳам оламиз, иккиси бир бирини тўлдириб келади. Дарҳақиқат ҳам Ийсо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло ҳам ёзишни, ҳам илоҳий китобни берган.

Шу билан бирга, Аллоҳ Марямнинг бўлажак Масиҳ Ийсо ибн Марям деб номланган ўғлига ҳикмат, Таврот ва инжилни ҳам ўргатиши хабар қилинмоқда.

Ҳикмат кишидаги малака бўлиб, гап ва ишнинг ҳаммасини ўз жойида, камчиликсиз адо этишни билдиради. Айни чоқда, Пайғамбарларнинг суннатларига ҳам ҳикмат дейилади.

Таврот Мусо алайҳиссаломга туширилган илоҳий китобдир. У Ийсо алайҳиссаломга ҳам китоб бўлишини Аллоҳнинг Ўзи айтиб турибди. Таврот Ийсо алайҳиссаломга келган диннинг асосини ташкил этади. Инжил эса, Тавротни тўлдириб келган.

Келаси ояти каримада аввалги оятнинг маъноси бевосита давом этади.

«Ва Бани Исроилга Пайғамбар қилади. У: «Албатта, мен сизга Роббингиздан оят-мўжиза келтирдим, мен сизларга лойдан қушга ўхшаш суврат ясайман, унга пуфласам, Аллоҳнинг изни билан қуш бўлади. Аллоҳ изни билан туғма кўр ва песларни тузатаман ва ўликни тирилтираман. Сизларга нимани емоқдасизу, нимани уйингизда сақлаясиз-хабарини бераман. Агар мўмин бўлсангиз, албатта, бунда сизга оят-белги бордир», дейди». (Оли Имрон 49)

Ояти кариманинг аввалидаги жумладан кўриниб турибдики, Ийсо алайҳиссалом Бани Исроилга Пайғамбар бўлганлар.

«Ва Бани Исроилга Пайғамбар қилади».

Бани Исроилнинг аввалги Пайғамбари бўлмиш Мусо алайҳиссаломга келган илоҳий китоб Таврот шунинг учун Ийсо алайҳиссаломга ҳам илоҳий китоб ҳисобланади.

Кейин оятда Ийсо алайҳиссалом Бани Исроил ҳузурига Пайғамбар бўлиб янги келган пайтда айтадиган гаплари баён қилинади:

«...албатта, мен сизга Роббингиздан оят-мўъжиза келтирдим».

Бу оят-мўъжиза у кишининг Пайғамбар эканлигини исботлашга хизмат қилади. Кейинги икки оятда ҳам Ийсо алайҳиссалом номларидан айтилаётган сўзлар давом этади:

«Ва ўзимдан аввалги Тавротни тасдиқловчи бўлиб, сизга ҳаром қилинганнинг баъзисини ҳалол қилиш учун келдим. Сизга Роббингиздан оят-мўъжиза билан келдим. Аллоҳга тақво қилинг ва менга итоат этинг.

Албатта, Аллоҳ менинг Роббим ва сизнинг Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Бу-сироти мустақимдир», дейдир». (Оли Имрон 50-51)

Ушбу ояти кариманинг аввалида Ийсо алайҳиссаломнинг:

«Ва ўзимдан аввалги Тавротни тасдиқловчи бўлиб...», деганларидан, яна бир бор, у кишининг Бани Исроилга Пайғамбар бўлиб, Мусо алайҳиссалом шариатига амал қилиб келганлари билинмоқда. У киши бор нарсани тўлдириб келганлар:

«...сизга ҳаром қилинганнинг баъзисини ҳалол қилиш учун келдим».

Аллоҳ таоло Бани Исроилнинг гуноҳлари учун уларга баъзи нарсаларни ҳаром қилган эди. Ийсо алайҳиссалом ўша ҳаром қилинган нарсаларнинг баъзисини ҳалол қилиб келдилар.

«сизга Роббингиздан оят-мўъжиза билан келдим».

Яъни, сизларга кўрсатаётган мўъжизаларда менинг ҳеч қандай фазлим йўқ. Ҳаммаси Аллоҳдандир.

«Аллоҳга тақво қилинг ва менга итоат этинг».

Демак, Ийсо алайҳиссаломнинг даъватлари Аллоҳ таолога тақво қилиш ва Унинг Расулига итоат этишдир.

«Албатта, Аллоҳ менинг Роббим ва сизнинг Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг».

Ийсо алайҳиссалом ҳам бандадирлар, асло, кейинчалик масиҳийлар даъво қилганларидек, худо эмас. У зот ҳам худди бошқалар каби, бандадирлар. Шунинг дек, у киши Пайғамбар бўлиб келган Бани Исроил ҳам Аллоҳнинг бандаларидир. Модомики Робб ва банда бўлар экан, бу ҳол банданинг Роббга ибодатини тақозо этади. Ушбу айтилганларга тўлиқ амал қилгандагина тўғри йўлда юрилган бўлади. Бахт-саодатга эришилади.

«Бу сироти мустақимдир».

Фаришталарнинг Биби Марямга ўғил кўриши хушхабари ва бўлажак фарзандининг сифатлари, Пайғамбар бўлиши, мўъжизалари, гаплари ҳақида келтирган хабарлар шу билан тамом бўлади.

МАРЯМ ЎЗ АҲЛИДАН АЖРАБ ЧИҚҚАНДА

Ана ўша гаплардан кейин Марям кшп ўйланадиган бўлиб қолди. Ўзи ёлғиз қолишни, хаёл суришни ёқтириб қолди. Қолгани нима бўлганини «Марям» сурасидаги қуйидаги ояти карималардан билиб оламиз:

«Китобда Марямни эсла. У ўз аҳлидан шарқий маконга ажраб чиққанда.

Ва улар билан ўзи орасида тўсиқ олганда, Биз унга Ўз руҳимизни юбордик. Бас, у унга бус-бутун одам бўлиб кўринди». (16-17)

Яъни, эй Муҳаммад, бу китобда (Қуръонда) Марямни эсла. Унинг ғаройиб қиссасини зикр эт.

Қисса қуйидагича:

«У ўз аҳлидан шарқий маконга ажраб чиққанда ва улар билан ўзи орасида тўсиқ олганда»

Байтул Мақдисда яшаётган озода, бокира, тақводор қиз Марям қавмидан ажралиб, шаҳарнинг шарқий томонига ёлғиз чиқди.

Нимага чиққанини Аллоҳ билади. Эҳтимол, бўйи етган қизларга хос, биров сезиши мумкин бўлмаган сирли иши бордир.

Хуллас, ўша ерга чиқиб, ўзи ва қавми орасида тўсиқ олди. Қавмидан ҳеч ким Марямни кўрмайдиган бўлди. У холи ва ёлғиз қолди. Шунда:

«Биз унга Ўз руҳимизни юбордик. Бас, у унга бус-бутун одам бўлиб кўринди». Яъни, фаришта Жаброил алайҳиссалом Марямга тўла-тўқис одам сиймосида намоён бўлди. Аллоҳ уни яратган асл ҳолатида кўринмади.

Чунки бус-бутун ҳолида кўринса, Марям буткул даҳшатга тушиши мумкин эди. Марям Жаброилни кўриши билан ҳушёр тортди.

«У: «Мен сендан Аллоҳ паноҳ беришини сўрайман. Агар тақводор бўлсанг...» деди». (18)

Марям Жаброил алайҳиссалом эркак киши сифатида хилват жойда кўриниши билан, дарҳол ўз иффиати ҳақида қайғурди ва унга Аллоҳни эслатди. Менга сенинг ёмонлигинг етишидан Аллоҳдан паноҳ тилайман. Агар Аллоҳдан кўрқсанг, менга яқинлашма, деди.

Тақводор одам, Аллоҳ таоло эслатилганда ҳар нечук ёвузликдан қайтади. Жаброил алайҳиссалом Марямнинг ҳузурига Аллоҳ томонидан элчи бўлиб келган эди. Шунинг хабарини берди:

«У: «Мен Роббингнинг элчисиман, холос, сенга бир пок ўғилни ҳадя этиш учун келдим», деди». (19)

Жаброил алайҳиссалом Марямга, таҳликага тушма, сенга тегмайман, мен Роббингнинг сенга юборган элчисиман, сенга пок бир ўғлонни тақдим этиш учун келдим, холос, деди.

Бу ҳол жуда ажойиб, одатдан ташқари ғаройиб ҳол эди.

МЕНДА ҚАЁҚДАН ЎҒИЛ БЎЛСИН

Шу боисдан Марям қаттиқ ҳайратга тушди.

«У: «Менда қаёқдан ўғил бўлсин, менга башар тегмаган бўлса, мен бузуқ ҳам бўлмасам?!» деди». (20)

Марямнинг ҳолати оддий инсоний воқеликнинг кўриниши эди. «Менга бирор эркак тегмаган бўлса, яъни, тан махрамим бўлмаса ёки бошқалар билан ношаръий алоқада бўлган бузуқи аёл бўлмасам, қаердан бола бўлиши мумкин?!» деди.

Марямнинг бу саволига Жаброил алайҳиссалом оддий воқеликдан юқори-илоҳий воқелик хулосасини баён қилди:

«У: «Ана шундай, Роббинг айтдики, бу Мен учун осондир ва уни одамларга белги қилиш учун ҳамда Биздан раҳмат бўлиш учун, бу ҳукми чиқиб бўлган ишдир», деди». (21)

Жаброил алайҳиссалом: Шундай, Роббинг ирода қилса, башар тегмаса ва бузуқи бўлмасанг ҳам фарзанд бўлавереди, деди.

«Роббинг айтдики, бу Мен учун осондир».

Ҳеч кимсанинг қўли тегмаган, бузуқлик қилмаган пок ва бокира қиз болага фарзанд ато этиш Мен учун жуда ҳам ўнғайдир, деди.

«...уни одамларга белги қилиш учун...»

Яъни, Биз сенга бу фарзандни одамларга Аллоҳнинг қудратига, холиқлигига ва тадбиркорлигига белги бўлиши учун ато қилмоқдамиз.

Одамзот Аллоҳ жорий этган табиий қоидаларга одатланиб қолган. Шу боис бу ҳодисаларнинг ҳар лаҳзада содир бўлиб туришини қонуний ёки мажбурий нарсалар деб билади. Бу қоидалар унинг кўз ўнгида кўп такрорланаверганидан шу қарорга келган. Бироқ ушбу қоидаларни жорий этган Аллоҳ учун айрим ҳолларни истисно этиш ҳам ҳеч гап эмас.

Эркак ва аёлнинг жинсий унсиятидан фарзанд пайдо бўлишини Аллоҳ таоло умумий қоида қилиб қўйган. Аслида, эркак ва аёл қўшилган тақдирда ҳам,

Аллоҳнинг хоҳиши бўлсагина, фарзанд яралади. Бу ҳақиқатни кўпчилик унутиб қўяди.

Унутиладиган ҳақиқатларни бандалар ёдига солиб туриш учун Аллоҳ таоло ҳар замонда мазкур умумий қоидаларга хилоф ишларни ҳам юзага келтиради. Баъзи бир эр ва аёлларни фарзандсиз қилиб қўяди. Агар эркак ва аёлнинг қўшилишигина бола яралишининг асосий омили бўлса, нима сабабдан барчанинг ҳам фарзанди бўлавермайди?

Шунингдек, қартайиб қолган кишилардан фарзанд бўлмаслиги ҳам умум одамлар учун табиий қоида, аммо Аллоҳ хоҳласа, Закариёга алайҳиссалом бергандек, кекса жуфтларга ҳам фарзанд ато қилаверади.

Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир, чунончи, хотини бўлмаса ҳам, эркакнинг ўзидан фарзанд пайдо қилади. Одам отадан Момо Ҳавони яратганидек. Аксинча, эркак бўлмаса ҳам, аёлнинг бир ўзидан фарзанд яратиши мумкин. Биби Марямдан Ийсо алайҳиссаломни яратгани каби. Шунингдек, Одам отани йўқдан бор қилганидек, на эр ва на аёлсиз ҳам турфа махлуқларни ҳаёт саҳнига келтиради.

Мулоҳаза қилсак, мазкур ҳодисаларнинг барчасида ҳам Аллоҳ таоло сабабчи омилларини ишга солади. Чунки У зот бу дунёни шу асосда яратган. Аслида, бир оғиз «Бўл!» деса Одам ота бино бўларди. Аммо бундай қилмади. Даставвал уни Ўз қўли билан лойдан одам шаклида ясади, бир муддатдан кейин унинг ичига жонни киритди.

Шунга ўхшаб, Закариё алайҳиссаломга ҳам тайёр ўғилни шундоқ қўлига тутқазиб қўймади. Пуштсиз кампири билан қўшилганидан кейин аёл ҳомиладор бўлди. Ҳомила пайдо бўлганининг белгиси сифатида Закариёни алайҳиссалом уч кун тилсиз қилиб қўйди. Ниҳоят, фарзанд одатдагидек табиий йўсинда дунёга келди.

Шунингдек, Одам отадан Момо Ҳавони яратишда ҳам ўзига хос бир қанча тадбирлар амалга оширилган.

У ҲОМИЛАДОР БЎЛДИ

Энди бокира Марямдан эркаксиз бола пайдо қилиш жараёни қандай кечганига келайлик. Биз ўрганаётган оятларда айтилганидек, Жаброил фаришта алайҳиссалом Марямга йўлиқди-да, унинг кўйлаги ёқасидан пуфлади.

«Бас, унга ҳомиладор бўлди. Сўнгра у билан узоқ маконга четланди». (22)

Яъни, Жаброил алайҳиссалом Марямнинг ёқасидан пуфлаганидан кейин у Ийсо алайҳиссаломга ҳомиладор бўлди.

«Сўнгра у билан узоқ маконга четланди».

Чунки, бокира қиз ҳали турмуш қурмай, туйқусдан ҳомиладор бўлиб, қавми назарига тушишдан андиша қилиши табиий бир ҳол эди.

Кейин нима бўлганини Аллоҳнинг Ўзи билади. Аммо навбатдаги оят Марямнинг тўлғоқ тутганлиги воқеаси билан бошланади:

ТЎЛҒОҚ УНИ ХУРМО ТАНАСИГА ОЛИБ БОРДИ

«Бас, тўлғоқ уни хурмо танасига олиб борди. У: «Кошки бундан олдин ўлсам эди ва бутунлай унутилиб кетсам эди», деди». (23)

Ҳомиладор бўлиб қолганидан ҳижолат бўлиб, одамлар кўзидан қочиб юрган бокира Марямни тўлғоқ тутди. Уят, андиша ва ҳижолатпазликларга тўлғоқ алами қўшилди. Боз устига, тадбир-тажрибасиз ёш қиз ўзи ёлғиз эди. Тўлғоқ азоби зўрайгач, хурмо танасини маҳкам тутди ва чидай олмай:

«Кошки, бундан олдин ўлсам эди ва бутунлай унутилиб кетсам эди», деди.

Ибодатхонада вояга етган, поклиги ва тақвosi билан машҳур бўлган бокира қиз учун эрсиз бола туғиш ўлимдан ва бутунлай унутилиб кетишдан ҳам даҳшатли эди.

МАҲЗУН БЎЛМА

Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Хижолатдан ўлимига рози бўлиб турган Марямга:

«Унинг остидан: «Маҳзун бўлма, батаҳқиқ, Роббинг остингдан оқар ариқ қилди.

Хурмо танасини силкит, сенга янги мева туширади», деб нидо қилди». (24-25)

Тафсирчи уламоларимиз ушбу ояти каримани икки хил талқин қиладилар.

Баъзилар «Унинг остидан» иборасини хурмонинг остидан маъносида, «нидо қилди» иборасини, фаришта нидо қилди мазмунида шарҳлаганлар.

Айрим уламолар эса, «Унинг остидан»ни «Марямнинг остидан» ва «нидо қилди»ни, Ийсо нидо қилди, деган мазмунда талқин этганлар.

Биз иккинчи гуруҳ фикрига қўшиламыз. Тил ва ибора жиҳатидан ҳар икки томоннинг ҳам талқини тўғри.

Лекин, бизнингча, эътибор жиҳатидан иккинчи томоннинг фикри устун. Чунки ушбу ҳодиса бошидан охиригача ғаройиботга тўла. Ийсо алайҳиссаломнинг туғилишлари баробарида гапирганлари маълум ва машҳур.

Агар юқоридаги нидо фариштанинг Биби Марямга нидоси эди, десак, ҳодисанинг ғаройиблиги йўқ бўлади. Аммо дунёга эндигина келган мурғак гўдак нидо қилди, десак, бу энг ғаройиб ҳодисанинг исботи бўлади. Бунинг устига, тўлғоқдан сўнг довдираб турган онасига нималар қилиш кераклигини ўргатди.

«Маҳзун бўлма»

Яъни, бу ҳодисадан маҳзун бўлма,

«батаҳқиқ, Роббинг остингдан оқар сув қилди».

Мазкур маконда сув йўқ эди. Аллоҳ унда сув пайдо қилди. Ундан ювинасан ва ичасан.

«Хурмо танасини силкит, сенга янги мева туширади».

У сенинг тановул қилмоғинг учундир.

Хурмо кўзи ёриган аёллар учун энг яхши таом эканлиги маълум.

Сўнг Ийсо алайҳиссалом оналарига қилган нидосини давом эттирдилар:

«Е, ич ва кўзинг қувонсин. Бас, бирор одамни кўрар бўлсанг: «Мен Роҳманга рўза назр қилдим. Бугун инсон зотига зинҳор гапирмасман», дегин». (26)

Яъни, хурмодан е, сувдан ич ва фарзандингга боқиб қувонгин. Сени бу ғаройиб ҳолда кўрган одамлар турли саволлар бериши мумкин. Сен уларга оғиз оча кўрма. Ишора билан, «Мен Роҳман сифатли Аллоҳга рўза назр қилдим, ибодатдаман. Бугун инсон зотига зинҳор гапирмайман», дегин. Биби Марямга бундай тасарруф қилиш тавсиясининг яширин ҳикмати бўлиб, бу ҳикмат воқеа ривожда намоён бўлади.

СЕН АЖОЙИБ НАРСА КЕЛТИРДИНГ-КУ

«Бас, уни кўтариб қавмига олиб келди. Улар: «Эй Марям, сен ажойиб нарса келтирдинг-ку!

Эй Ҳорун синглиси, отанг ёмон одаммас ва онанг ҳам бузуқ бўлмаган эди-ку!» дедилар». (27-28)

Биби Марям чақалоқ Ийсо алайҳиссаломни кўтариб қавми ҳузурига олиб борди. Қавм бу ҳолни кўриб ҳайратга тушди. Дарҳол Марямни тергаб, дашном бера бошлади.

Улар:

«Эй Марям, сен ажойиб нарса келтирдинг-ку!» дедилар.

Қавмнинг бу зардаси: «Бола кўтариб келишинг нимаси?» деган маънони англатарди.

Қавм Марямни тергашда давом этиб:

«Эй Ҳорун синглиси, отанг ёмон одаммас ва онанг ҳам бузуқ бўлмаган эдику!» дедилар».

Аслида, Биби Марям Мусо алайҳиссаломнинг биродари Ҳоруннинг алайҳиссалом синглиси эмас, балки ул зотнинг наслидан эди. Шунинг учун қавм Марямга Ҳоруннинг нисбатини бериб, эй Ҳоруннинг синглиси, деб мурожаат қилмоқдалар.

Улар, отанг Имрон ёмон одам эмас эди, онанг Ҳанна ҳам бузуқ хотин эмас эди, сен қандай қилиб эрга тегмай туриб бола туғиб олдинг, демоқчи бўлдилар. Қавм буни очиқ айтмаса ҳам, унинг таънасидан шу маъно англашилади. Биби Марямни зинокорликда айблашга ишорат очиқ-ойдин сезилиб турибди.

Бу ўринда Биби Марямга одамларга оғиз очмаслик ҳақида берилган тавсиянинг ҳикмати намоён бўлади. У ҳеч кимга гапириб ўтирмади-да:

«Бас, унга ишорат қилди. Улар: «Бешикдаги ёш бола ила қандай гаплашамиз?!» дедилар». (29)

Биби Марям ҳар қанча уриниб, уларга ҳақиқатни тушунтирса ҳам, улар, ўзини оқлаяпти, деб гумон қилишлари аниқ эди. Шунинг учун ўзи бир оғиз ҳам гапирмасдан, бундан сўранглар, дегандек, гўдак Ийсо алайҳиссаломга ишора қилди. Шунда қавм аввалгидан ҳам ҳайратда қолди ва:

«Улар: «Бешикдаги ёш бола ила қандай гаплашамиз?!» дедилар».

Бешикдаги бола ҳеч қачон гапирмайди.

МЕН АЛЛОҲНИНГ БАНДАСИМАН

Аммо Аллоҳ ҳар нарсага қодир. У хоҳлаган иш бўлади. Бешикдаги гўдак Ийсо алайҳиссалом тилга кирдилар.

«У: «Албатта, мен Аллоҳнинг бандасиман. У менга китоб берди ва мени Пайғамбар қилди.

Мени қаерда бўлсам ҳам, муборак қилди. Модомики ҳаёт эканман, намоз ва закотни адо этмоқни тавсия қилди».

Мени онамга меҳрибон қилди ва жабр-ситам қилгувчи, бадбахт қилмади.

Менга туғилган кунимда ҳам, ўладиган кунимда ҳам ва қайта тириладиган кунимда ҳам салом бордир», деди». (30-33)

Бешикда ётган Ийсо алайҳиссаломнинг тилларидан ёш боланинг эмас, Улул азм Пайғамбарнинг сўзлари янгради. Бу илоҳий ҳақиқатлар ҳозиргача янглиш бўлиб келаётган эътиқод, тасаввур ва тушунчаларни тўғрилайди. Ийсо алайҳиссалом таълимоти, ул зот шахси ҳақидаги ботил ғояларни муолажа қилади.

У зот алайҳиссаломнинг гапларига эътибор берайлик:

«Албатта, мен Аллоҳнинг бандасиман».

Ҳа, таъкидлаб айтаманки, «Мен Аллоҳнинг бандасиман». Аллоҳ эмасман. Унинг шериги ҳам эмасман. Училикнинг бири ҳам эмасман. Аллоҳнинг ўғли ҳам эмасман. Мен Аллоҳ бандасиман, инсонман.

«У менга китоб берди...»

Аллоҳ менга илоҳий китоб-Инжилни берди. Инжилни мен берганим йўқ.

«...ва мени Пайғамбар қилди».

Аллоҳ таоло мени Ўзига Пайғамбар қилди. Билиб қўйинглар, мен Аллоҳнинг Пайғамбариман. Мен Аллоҳ эмасман.

«Мени қаерда бўлсам ҳам, муборак қилди».

Мен қаерга борсам, Аллоҳ ұша ерни хайр-баракотли, бандаларга саодат келтирадиган макон қилиб қўйди. Менинг оёғим етган жойлардаги баракотларни ўзим ҳосил қилмайман. Бу якка ва ягона, шериксиз Аллоҳнинг қудрати.

«Модомики ҳаёт эканман, намоз ва закотни адо этмоқни тавсия қилди».

Бу ҳам менинг Аллоҳнинг бандаси эканимдан далолат. Чунки ҳаёти давомида намоз ўқиб, закот бериш банданинг вазифасидир.

«Мени онамга меҳрибон қилди...»

Марям-менинг онам. Худо эмас. Мен инсонман, мени инсон туққан. Инсон боласи онасига меҳрибон бўлганидек, мен ҳам онамга меҳрибонман. Аллоҳ мени:

«...жабр-ситам қилгувчи, бадбахт қилмади».

Онамга меҳрибон бўлганимдек, бошқа инсонларга ҳам шафқатлиман, ҳеч кимга жабр-ситам етказмайман.

«Менга туғилган кунимда ҳам...»

Башар каби туғилган зот ҳеч қачон Худо бўла олмайди. Демак, Ийсо ҳам туғилди. У Худо бўлиши мумкин эмас.

«...ўладиган кунимда ҳам...»

Демак, Ийсо ўлади. Бу сифати ҳам у зот алайҳиссаломнинг Худо бўлиши мумкин эмаслигини тасдиқлайди. Ўлиш бандага хос ҳодиса бўлиб, Худога хос эмас.

«...ва қайта тириладиган кунимда ҳам...»

Қайта тирилиш ҳам бандага хос.

«...салом бордир», деди.

Яъни, менга ҳар уч ҳолатимда-туғилган, ўлган ва қайта тирилган кунимда саломатлик, омонлик ва хотиржамлик бордир.

Диққат қиладиган бўлсак, Аллоҳнинг бандаси ва Пайғамбари бўлмиш Ийсо алайҳиссаломнинг бу сифатлари у зотдан олдин келган Яҳъё алайҳиссалом сифатларининг айнан ўзи. Бу ҳам Ийсо алайҳиссалом Худо эмас, Худонинг Пайғамбари эканини яна бир бор тасдиқлайди.

ИБН МАРЯМ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАҚ СЎЗ

Давомида Аллоҳ таоло башариятнинг тенг ярмини довдираб турган ғоят чигал масалага яқун ясайди ва Ийсо алайҳиссаломнинг кимликларини қатъий қилиб англатади.

Мана шу шубҳа қилишаётган Ийсо ибн Марям тўғрисидаги ҳақ сўздир». (34)

Бундан ўзга ҳақ сўз бўлиши мумкин эмас.

Бошқалар ул зот ҳақида фақат шубҳали ва норасо сўзлар айтадилар, холос. Баъзилар уни «худо» дедилар, баъзилар оналари Биби Марямни зинокорликда айбладилар. Турли-туман шубҳали фикрлар оламни тутди. Бу қуруқ ва асоссиз сўзларга эмас, Аллоҳнинг ҳақ каломига ишониш керак.

«Бола тутмоқ Аллоҳга ҳеч тўғри келмас. У бундан покдир. У бир ишни истаса, унга «Бўл!» дейди. Бас, бўлади». (35)

Болалик бўлиш ва уни сақлаб вояга етказиш бандага хос иш. Чунки банданинг умри қисқа, ўзидан кейин ному насаб қолдириши учун болага муҳтож бўлади. Аллоҳ эса, бунга муҳтож эмас. У доимо ва абадий боқийдир.

Шунингдек, бола бандаларга заиф бўлганликлари учун керак. Улар дунёвий ишларида болаларнинг ёрдамига муҳтождирлар. Аллоҳ таоло ҳеч қандай ёрдамчига муҳтож эмас.

«У бундан покдир».

У ҳеч нарсага ҳожатманд эмас. У ҳамма нарсага қодир. Хоҳлаган ишини хоҳлаган вақтида бажаради.

«У бир ишни истаса, унга «Бўл!» дейди. Бас, бўлади».

Бошқа бир бажарувчи, ёрдамчи, ўринбосар ёхуд муовиннинг унга кераги йўқ.

МАНА ШУ ТЎҒРИ ЙЎЛДИР

Кейинги оят Ийсо алайҳиссаломнинг қавмларига бешикда ётган ҳолда айтган гапларидан бир ҳисса ҳисобланади:

«Ва, албатта, Аллоҳ менинг Роббимдир ва сизнинг Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Мана шу тўғри йўлдир». (36)

Аллоҳ таоло барчамизнинг Роббимиз. Шу жумладан, менинг ҳам Роббимдир. Отам ёки шеригим эмас. Мен Унинг бандаси-қулиман. Мен Унга қуллик қиламан. Бас, сиз ҳам Унга қуллик қилинг.

«Мана шу тўғри йўлдир».

Ана шундан кейин Марям ўз ўғли билан алоҳида Аллоҳ таоло ато қилган қулай жойда яшаб юрдилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло «Мўминун» сурасида марҳамат қилади:

«Ибн Марямни ва унинг онасини оят-аломат қилдик ва икковларини оқар сувли қароргоҳ тепаликка жойладик». (50)

Яъни, Ийсо ибн Марям алайҳиссаломни ва у кишининг оналари Биби Марямни Аллоҳ таоло Ўз қудратига далолат қилувчи мўъжиза-аломат ўлароқ юборди. Ҳамда икковларини Байтул Мақдис еридан оқар суви бор, яшашга қулай бир тепаликка жойлади.

ИЙСОНИ ПАЙҒАМБАРЛИГИ

Шундоқ тарзда Ийсо алайҳиссалом ўсиб улғайдилар. У зот ўттиз ёшга етганларида Аллоҳ таоло пайғамбар қилиб юборди. Ийсо алайҳиссаломнинг пайғамбар этиб юборилишлари ва ўшанда у зотнинг ўз қавмларига айтган гаплари ҳақида бир қанча ояти карималар келган. Шулардан баъзиларини ўрганамиз:

«Уларнинг изларидан Ийсо ибн Марямни ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи қилиб юбордик. Унга Инжилни бердик. Унда ҳидоят ва нур бор. У ўзидан олдинги Тавротни тасдиқлагувчидир. У тақводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир». (Моида 46)

Аллоҳ таоло, яҳудийларнинг Пайғамбарлари изидан Ийсо ибн Марямни Пайғамбар қилиб юбордик, дейди. Ийсо ибн Марям алайҳиссалом ўзларидан олдинги Тавротни тасдиқловчи бўлиб келганлар. Аллоҳ таоло у зотга Инжил китобини берган.

«Унда ҳидоят ва нур бор».

Инжилда ҳам кишиларга тўғри йўлни кўрсатувчи ҳидоят ва уларни икки дунё саодат йўлларини ёритувчи нур бор.

«У ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчидир».

Яъни, Инжил Таврот шариатига баъзи ўзгаришлар киритган, холос. Шу билан бирга:

«У тақводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир».

Ҳа, илоҳий китоблардаги ҳидоятдан манфаат топиш учун тақволи бўлиш керак. Бу китоблардаги ҳидоят ва нурнинг фойдаси тақвоси борларга тегади. Тақводан холи, ғафлат босган қалбларга эса, бу нур ва ҳидоят кириб бормади. Аллоҳ туширган китобда ҳидоят мавжудлиги аниқ, нур мавжудлиги аниқ, энди ўша ҳидоят ва нурдан манафаат топиш учун очиқ-ҳассос қалб керак. Таъсирчан қалб керак. Моғор босиб, тошга, кесакка айланган қалб керак эмас.

МЕН СИЗГА ҲИКМАТНИ КЕЛТИРДИМ

«Зухруф» сурасидаги келгувси оятлардан ҳам Ийсо алайҳиссаломнинг янги пайғамбар бўлиб борган чоғларида ўз қавмларига айтган гапларидан намуна келган:

«Ийсо очиқ-ойдин ҳужжат-мўъжизалар билан келган чоғида: «Батаҳқиқ, мен сизга ҳикматни келтирдим ва баъзи сиз ихтилоф қилаётган нарсаларни баён қилиш учун келдим. Бас, Аллоҳга тақво ва менга итоат қилинглари.

Албатта, Аллоҳ менинг ҳам Роббим, сизнинг ҳам Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Мана шу тўғри йўлдир», деди». (63-64)

Ийсо алайҳиссалом қавмларига Аллоҳнинг ваҳдониятига ва ўзларининг ҳақ Пайғамбар эканликларига далолат қилувчи очиқ-ойдин оятлар, гап-сўзлар ва очиқ-ойдин мўъжизалар билан келдилар. У зот ўз қавмларига ўша пайт:

«Батаҳқиқ, мен сизга ҳикматни келтирдим...» дедилар.

Ҳикмат улугъ неъматдир. Ҳикмат Пайғамбарликдир. Яна, Ийсо алайҳиссалом қавмларига:

«...ва баъзи сиз ихтилоф қилаётган нарсаларни баён қилиш учун келдим», дедилар.

Чунки у қавм Мусо алайҳиссалом шариатлари ҳақида кўпдан-кўп ихтилофга тушган, ҳар жил мазҳаб ва фирқаларга бўлиниб кетган эди. Ийсо алайҳиссалом уларга ўша ихтилофлар ҳақидаги ҳукми баён қилиб бердилар. Ва:

«Бас, Аллоҳга тақво ва менга итоат қилинглари», дедилар.

Аллоҳга тақво қилмаслик оқибатида мазкур ихтилофлар келиб чиққан эди.

Пайғамбарга итоат этмаслик оқибатида мазкур ихтилофлар келиб чиққан эди.

Бас, энди у ихтилофларни йиғиштириб, Аллоҳга тақво қилинг ва менга итоат этинг, ана шунда иш яхши бўлади.

«Албатта, Аллоҳ менинг ҳам Роббим, сизнинг ҳам Роббингиздир».

Демак, Ийсо алайҳиссалом қавмларига: «Аллоҳ менинг Роббим», деганлар.

Аллоҳ менинг отам, деган эмаслар. Демак, Аллоҳ таоло бошқа бандаларга Робб бўлгани каби, Ийсо алайҳиссаломга ҳам Роббдир. Бу ҳақда бошқа гап бехуда.

«Бас, Унга ибодат қилинг».

Демак, Ийсо алайҳиссалом менга ибодат этинг, деган эмаслар, балки Аллоҳга ибодат қилинг, деганлар. Кимки бошқа гап айтса, ёлғон айтибди.

У кишининг ўзлари ҳам:

«Мана шу тўғри йўлдир», деди».

Яъни, Аллоҳга ибодат қилишлик тўғри йўлдир, дедилар. Лекин у кишининг қавмлари бу кўрсатмага амал қилмадилар.

АҲМАД ИСМЛИ РАСУЛНИНГ БАШОРАТИ

«Сафф» сурасида эса Ийсо алайҳиссалом ўз вазифаларидан яна бошқачаларини баён қиладилар:

«Ийсо ибн Мариям: «Эй Бани Исроил, албатта, мен ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқлаш ва мендан кейин келувчи Аҳмад исмли Расулнинг башоратини бериш учун Аллоҳ сизларга юборган Пайғамбарман», деганини эсла. Қачонки у (Аҳмад) уларга ҳақ билан келган вақтда эса, бу очиқ-ойдин сеҳрдир, дедилар». (6)

Ушбу оятда Ийсо алайҳиссаломнинг ўз умматларига айтган гаплари муҳим гаплар бўлиб, диний таълимотлардаги улкан масалаларни ўз ичига олади.

«Ийсо ибн Мариям: «Эй Бани Исроил, албатта, мен ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқлаш ва мендан кейин келувчи Аҳмад исмли Расулнинг

башоратини бериш учун Аллоҳ сизларга юборган Пайғамбарман», деганини эсла».

Биринчи масала;

«Ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқлаш учун» келганман, демоқдалар.

Масиҳий дини китобларида ҳам Ийсо алайҳиссалом тилидан: «Мен номусни йўқ қилиш учун эмас, балки тўлдириш учунгина келдим», дейилган экан.

Иккинчи масала;

«...ва мендан кейин келувчи Аҳмад исмли Расулнинг башоратини бериш учун...» келганман, демоқдалар.

Аҳмад Пайғамбаримизнинг исмлари дир. Аҳмад, Муҳаммад ва Маҳмуд исмлари Пайғамбаримизга ном бўлиб, арабча шукр, мақтов маъносини англатувчи «ҳамд» сўзидан олингандир.

Ийсо алайҳиссаломнинг ушбу башоратлари Инжилда ҳам келган. Юханно Инжилида: «Агар менга муҳаббат қилсаларингиз, васиятларимни тутинглар: мен отадан сизлар билан абадий собит бўлиш учун форқилатни талаб қиламан», дейилган.

Лекин замон ўтиши билан роҳиблар кейинги нашрларда бу сўзнинг ўрнига бошқа сўз ишлатадиган бўлишган.

Замондошларимиздан устоз Аҳмад Нажжор ғарб олимларидан бири доктор Карлу Нилинудан «Форқилат»нинг маъноси нима? деб сўрасалар, у киши:

«Роҳиблар «мъази» деб айтишади» дебди. Шунда устоз Нажжор:

«Мен роҳибдан эмас, балки юнон тили фан доктори Карлу Нилинудан сўраяпман», деб рад қилибдилар. Фақат шу гапдан кейингина ажнабий доктор:

«Бу сўзнинг асл маъноси «кўп шукр»-ҳамд, дебди.

Сўнгра устоз Нажжор арабча «ҳамд» сўзининг «Аҳмад» шаклида ишлатилишига тўғри келадими? десалар, доктор Карлу:

«Ҳа», деб жавоб қилибди.

Лекин шунчалик башоратлар бўлса ҳам «Аҳмад», яъни, Муҳаммад алайҳиссалом ҳақ дин билан Пайғамбар бўлиб келганларида улар иймон келтирмадилар. У кишига чексиз ҳурматсизлик ва душманликлар қилдилар. У зотнинг Пайғамбарликларини сеҳр деб, ўзларини сеҳргар дедилар.

Учинчи масала:

Ийсо алайҳиссалом ўз тиллари билан:

«Аллоҳ сизларга юборган Пайғамбарман», демоқдалар, худоман ёки худонинг ўғлиман, деганлари йўқ. Ийсо алайҳиссаломга келган масиҳий динига эътиқод қилувчи кишиларнинг ҳозирги ақидаси бўйича у зот худо ёки худонинг ўғли ҳисобланади. Бу эса мутлақо хато ва адашувдир.

У ЗОТНИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Одамлар ҳузурига биров келиб, мени Аллоҳ сизларга Пайғамбар қилиб юборди, деса, одамлар, бу гапингни нима билан исбот қиласан, дейишлари турган гап. Шунинг учун Аллоҳ таоло ҳар бир Пайғамбарни ўз қавмига юбориш чоғида, ўша қавмнинг ҳолига, ижтимоий, ақлий ва бошқа савияларига қараб, мўъжиза ҳам беради.

Пайғамбарга берилган мўъжиза одатдан ташқари бир иш бўлиб, ўша замон кишилари: «Оддий одамнинг қўлидан бу иш келмайди, мадомики бу ажойиб ишни бизга кўрсатдим, бу одам ҳақиқий Пайғамбар экан, унга иймон келтирайлик», дейиши керак бўлади.

Мисол учун, Мусо алайҳиссаломни Аллоҳ таоло Пайғамбар қилиб юборган жамиятда сеҳргарлик жуда ҳам ривожланган экан. Сеҳргарлар жамиятда обрўли одамлар бўлиб, турли сеҳрларни кўрсатар эканлар. Мисол учун, арқонни ерга ташласа, одамлар кўзига илон бўлиб кўринар экан. Аллоҳ таоло Мусо

алайҳиссаломга мазкур сеҳргарликнинг сеҳридан кучли мўъжизаларни берди. Яъни, қўлларидаги ҳассани ерга ташласалар, катта илон бўлиб, сеҳргарларнинг арқон-илонларини ютиб юборадиган бўлди.

Ушбу оятда Ийсо алайҳиссалом ўзларининг Бани Исроилга Пайғамбар қилиб юборилганларини тасдиқловчи мўъжизаларнинг айримларини олдиндан айтиб ҳам ўтмоқдалар:

«Ва Бани Исроилга Пайғамбар қилади. У: «Албатта, мен сизга Роббингиздан оят-мўъжиза келтирдим, мен сизларга лойдан қушга ўхшаш суврат ясайман, унга пуфласам, Аллоҳнинг изни билан қуш бўлади. Аллоҳ изни билан туғма кўр ва песларни тузатаман ва ўликни тирилтираман. Сизларга нимани емоқдасизу, нимани уйингизда сақлаяпсиз-хабарини бераман. Агар мўмин бўлсангиз, албатта, бунда сизга оят-белги бордир», дейди». (49)

Ояти кариманинг аввалидаги жумладан кўриниб турибдики, Ийсо алайҳиссалом Бани Исроилга Пайғамбар бўлганлар.

«Ва Бани Исроилга Пайғамбар қилади».

Бани Исроилнинг аввалги Пайғамбари бўлмиш Мусо алайҳиссаломга келган илоҳий китоб Таврот шунинг учун Ийсо алайҳиссаломга ҳам илоҳий китоб ҳисобланади.

Кейин оятда Ийсо алайҳиссалом Бани Исроил ҳузурига Пайғамбар бўлиб янги келган пайтда айтган гаплари баён қилинади:

«... албатта, мен сизга Роббингиздан оят-мўъжиза келтирдим».

Бу оят-мўъжиза у кишининг Пайғамбар эканлигини исботлашга хизмат қилади.

«мен сизларга лойдан қушга ўхшаш суврат ясайман, унга пуфласам, Аллоҳнинг изни билан қуш бўлади. Аллоҳ изни билан туғма кўр ва песларни тузатаман ва ўликни тирилтираман. Сизларга нимани емоқдасизу, нимани уйингизда сақлаяпсиз-хабарини бераман».

Ушбу жумлада Ийсо алайҳиссалом ўзларига Аллоҳ таоло томонидан берилган мўъжизалардан тўрттасини зикр қилмоқдалар:

а) лойдан қуш ясаб, пуфласа, Аллоҳнинг изни билан қуш бўлиши;

б) Аллоҳнинг изни билан туғма кўрни, песни тузатиш;

в) ўликни тирилтириш;

г) ўзлари кўрмай-билмай туриб Бани Исроилга улар еган ва уйда сақланаётган нарсаларни айтиб бериш...

Кўпчилик қадимги тафсирчилар, туғма кўрни, песни Аллоҳнинг изни билан тузатиб, ўликни тирилтириш мўъжизаларини эътиборга олиб бўлса керак, Ийсо алайҳиссалом даврларида тиб илми ривожланган экан, шунинг учун Аллоҳ таоло у кишига ўша вақт табиблари қўлидан келмайдиган ишларни мўъжиза қилиб берган, деганлар.

Аmmo Ийсо алайҳиссаломнинг мўъжизаларини эътибор билан ўрганилса, унда ҳаёт бериш ёки ҳаётни ўрнига қайтариш, соғлиқни жойига келтириш ва ғайбдан хабар беришлар бор. Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг изни билан бўлишлиги қайта-қайта такрорланяпти.

Ийсо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло томонидан берилган бу мўъжизаларнинг табиатини ўрганган ва ўша вақтдаги тарихий воқеликни кузатган уламоларимиз, Ийсо алайҳиссалом даврида одамлар моддапараст бўлиб кетган эдилар, деган фикрга келганлар. Улар ҳар бир нарсанинг сабаби топилса бўлди, масала ечилади, деганга ўхшаш фикрлайдиган, руҳоний, ғайбий нарсаларга мутлақо ишонмайдиган бўлиб кетишган экан. Уларнинг бу ҳолатларини муолажа қилиш учун Ийсо алайҳиссаломга мазкур мўъжизалар берилган экан.

Аллоҳ таоло «Моида» сурасида Ийсо алайҳиссаломга берган мўъжизаларини у зотга бетган неъматларидан ҳисоблайди:

«Аллоҳ: «Эй Ийсо ибн Марям, сенга ва волидангга берган неъматимни эсла. Сени муқаддас руҳ билан қўллаганимни, одамларга бешикда ҳам, катталигингда ҳам гапирганингни эсла. Сенга китобни, ҳикматни, Тавротни ва Инжилни ўргатганимни эсла. Менинг изним ила лойдан қуш шаклини ясаганингда ва унга пуфлаганингда, Менинг изним ила қуш бўлганини, Менинг изним ила туғма кўрни ва песни тузатганингни эсла. Менинг изним ила ўликларни чиқарганингни эсла. Бани Исроилга аниқ мўъжизалар келтирганингда, улардан куфр келтирганлари: «Бу очик сеҳрдан ўзга ҳеч нарса эмас», деганида, сени улардан қутқарганимни эсла», деганини ёд эт!» (110)

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, қиёмат куни Пайғамбарларни жамлаган пайтда Ийсо алайҳиссаломга айтадиган гапларини эслашни буюрмоқда.

Бу дунёда насоролар «худо», «худонинг ўғли», деб юрган Ийсо алайҳиссаломнинг ҳақиқатлари ушбу эслатмалардан аниқ билиб олинади.

Аллоҳ таоло бу ҳақиқатни барча Пайғамбарлар ҳузурида, масаланинг бош қаҳрамони Ийсо ибн Марям алайҳиссаломнинг ўзларига эслатиш билан тасдиқламоқда.

«Эй Ийсо ибн Марям! Сенга ва волидангга берган неъматимни эсла».

Авалло, насоролар «худо» деб эътиқод қилаётган Ийсонинг волидаси бор экан. Худонинг эса, онаси бўлиши мумкин эмас. Дунёга келишда онага муҳтож бўлган одам Худо бўла олмайди.

Иккинчидан, Ийсо ибн Марямга ҳам, унинг волидаси Марям бинти Имронга ҳам Аллоҳ неъмат берган экан. Бошқанинг неъматига муҳтож кишилар Худо бўлиши мумкин эмас.

«сени муқаддас руҳ билан қўллаганимни, одамларга бешикда ҳам, катта бўлганингда ҳам гапирганингни эсла».

«Муқаддас руҳ» Жаброил фаришта алайҳиссаломдир. «Гапириш» деганда эса, Аллоҳга даъват, Пайғамбарлик гаплари назарда тутиляпти. Одамларнинг оддий гапларидек гап бўлганида, бунча гувоҳлар ҳузурида ҳужжат сифатида келтирилмас эди.

Агар бешикда гапирганинг ёки доимо Пайғамбарларга хос гапирганинг учун сени «худо» деб эътиқод қилишаётган бўлса, бу нарса сени Мен Жаброил билан қўллаганим ва у орқали ўз сўзларимни юбориб турганимдан эканлигини билсинлар.

Ўз фаолиятида муқаддас руҳ ёрдамига муҳтож бўлган зот ҳеч қачон Худо бўла олмайди.

«Сенга китобни, ҳикматни, Тавротни ва Инжилни ўргатганимни эсла».

Оятдаги «китоб»дан мурод-ўқиш-ёзишдир.

Ийсо алайҳиссаломга ўқиш-ёзишни, ҳикмат билан тасарруф қилишни, ўзларидан олдин келган илоҳий китоб Тавротни ва ўзларининг китоблари бўлмиш Инжилни ҳам Аллоҳ таоло ўргатган.

Бу ҳақиқат қиёмат кунида барча Пайғамбарларнинг йиғилишда айтилиши ҳам алоҳида маъно касб этади. Ийсо ибн Марям алайҳиссаломнинг ҳақиқатларини ойдинлаштиради. Албатта, ўқиш-ёзишни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўрганишга, қолаверса, бошқа зотдан ўрганишга эҳтиёжи бор одам ҳеч қачон Худо бўла олмайди. Балки, ўша йиғилишда иштирок этаётган Пайғамбарлар каби бир Пайғамбар бўлади.

«Менинг изним ила лойдан қуш шаклини ясаганингда ва унга пуфлаганингда, Менинг изним ила қуш бўлганини, Менинг изним ила туғма кўрни ва песни тузатганингни эсла».

Эҳтимол, насоролар Ийсо ибн Марям лойдан қуш ясаганда, унга жон кириб учиб кетгани учун ёки одатда тузатиб бўлмайдиган туғма кўр ва пес касалларнинг у кишидан шифо топганлари учун Худо деб эътиқод қилишаётгандир?

Бу нотўғри тасаввур. Аввало, ушбу жамланиб турган Пайғамбарларнинг ҳаммаларига бунга ўхшаш мўъжизалар Аллоҳ томонидан берилган. Қолаверса, Ийсо ибн Марям алайҳиссалом лойдан Аллоҳнинг изни ила қуш ясаган, унга пуфлашни ҳам Аллоҳнинг изни ила пуфлаганлар, у шакл Ийсонинг изни билан эмас, Аллоҳнинг изни билан қушга айланган.

Шунингдек, туғма кўр ва пелларнинг тузалиши ҳам Аллоҳнинг изни ила бўлган. Агар баъзи мўъжизалар кўрсатган зот Худо бўлаверса, манави тўпланиб турган Пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам Худо бўлишлари керак эди. Ундан кейин, бошқанинг изни ила одатдан ташқари иш қилган киши ҳеч қачон Худо бўла олмайди.

«Менинг изним ила ўликларни чиқарганингни эсла».

Яъни, тирилтирганингни. Агар Ийсо ибн Марям алайҳиссаломни ўликларни тирилтиргани учун Худо деб айтишаётган бўлса, бу иш ҳам Аллоҳнинг изни ила бўлган. Жонни олган Аллоҳ уни қайта беришга ҳам қодир. Бошқа мўъжизалар қатори бу мўъжиза ҳам у кишини Худо деб эътиқод қилишга олиб бормаслиги керак. Бунинг устига, ушбу мўъжизалар содир бўлганда уларни очиқ сеҳр деганлар ҳам бўлган. Шу сабабдан Ийсо ни ўлдиришга очиқ қасд ҳам қилишганки, бу ҳам эслашга лойиқ ҳодиса:

«Бани Исроилга аниқ мўъжизалар келтирганингда, улардан куфр келтирганлари: «Бу очиқ сеҳрдан ўзга нарса эмас», деганида сени улардан қутқарганимни эсла».

Бани Исроил минглаб одамлар ҳузурида кўрсатилган мўъжизаларни инкор эта олмади. Аммо бу мўъжизалар Ийсога Аллоҳ томонидан Пайғамбарлигини тасдиқлаш учун ҳужжат ва далил қилиб берилганилигини эътироф қилишга бўйинлари ҳам ёр бермади. Шунда Бани Исроил ўзларига хос услуб билан бир гап тўқиб чиқардилар: «Бу очиқ сеҳрдир», дедилар ва сеҳргарни ўлдириш керак, деб Ийсо ни алайҳиссалом ўлдиришга қарор қилдилар.

Лекин Аллоҳ таоло ўз Пайғамбари Ийсо ни алайҳиссалом Бани Исроилдан қутқариб, ўзига кўтариб олди. Бу ҳам Ийсо ибн Марям Худо эмас, балки Пайғамбар бўлганини кўрсатади.

Келаси оятда ҳам Аллоҳ таолонинг Ийсо ибн Марямга алайҳиссалом берган неъматларидан бири зикр этилади:

У ЗОТНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИ

«Ийсо улардан кофирликни сезиб қолганда: «Кимлар Аллоҳ йўлида менга ёрдамчи бўлади?!» деди. Ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз, Аллоҳга иймон келтирдик ва бизнинг мусулмонлигимизга гувоҳ бўл», дедилар». (Оли Имрон 52)

Ийсо алайҳиссалом Бани Исроилга Пайғамбар бўлиб келиб, уларни даъват қилганларидан ва турли мўъжизаларни кўрсатганларидан кейин ҳам Бани Исроил йўлга тушмади.

«Ийсо улардан кофирликни сезиб қолганда: «Кимлар Аллоҳ йўлида менга ёрдамчи бўлади?!» деди».

Кўпчилик бош тортди. Куфрни ихтиёр қилди. Лекин ажаб эмаски, баъзи бир хос кишилар Аллоҳнинг дини йўлида Унинг Пайғамбарига яқиндан ёрдам берсалар?! Ҳар бир даъватнинг, ҳар бир ҳаракатнинг юзага чиқиши учун ўша даъват ва ҳаракат раҳбари атрофида жон фидо кишилар бўлиши шарт. Ийсо алайҳиссалом ҳам ўшандай одамларни топиш мақсадида юқоридаги гапни қилдилар. Бунга жавобан:

«Ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз, Аллоҳга иймон келтирдик ва бизнинг мусулмонлигимизга гувоҳ бўл», дедилар».

«Хаворий» дегани ҳолис, яқин, ишончли дўст, деганидир. Ийсо алайҳиссаломнинг ҳам шундай кишилари бор эди. Улар Пайғамбарнинг даъватларига дарҳол, лаббай, деб жавоб бердилар. Улар шу ерда Аллоҳнинг дини йўлида ёрдамчи бўлишга тайёр эканликларини эълон қилишлари билан бирга, Аллоҳга келтирган иймонларини ҳам зикр қилмоқдалар. Чунки иймон энг асосий нарса ҳисобланади.

Хаворийлар яна Ийсо алайҳиссаломдан ўзларининг мусулмонликларига гувоҳ бўлишларини ҳам сўрашмоқда. Яъни, Аллоҳнинг амрига бўйсунганликлари, Аллоҳнинг динига ва Пайғамбарига ёрдам берганликларига гувоҳ бўлишни сўрашмоқда.

Сўнгра улар Аллоҳга илтижо этиб, дуо қилишмоқда:

«Эй Роббимиз! Сен туширган нарсага иймон келтирдик ва Пайғамбарга эргашдик. Бас, бизни гувоҳлик берувчилар қаторига ёзгин», дедилар». (53)

Яъни, биз Сенинг туширган ваҳийингга иймон келтирдик, Пайғамбаринг Ийсо алайҳиссаломга эргашдик. Бас, бизни Ўзингнинг тавҳидингга, Пайғамбарингнинг ҳақлигига ва унинг тўғрилигига гувоҳлик берувчилар қаторига ёзиб қўйгин.

ЯНА БИР МЎЪЖИЗА

«Хаворийлар: «Эй Ийсо ибн Марям, сенинг Роббинг бизга осмондан тузатилган дастурхон тушира олурми?» деганларида, у: «Агар мўмин бўлсаларингиз, Аллоҳга тақво қилинглар», деганини эсла». (112)

Бу оятда хитоб Пайғамбаримизга соллаллоҳу алайҳи васаллам эслатма бўлиб келмоқда.

Айни чоқда, бу оят хаворийлар билан Ийсо алайҳиссалом ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатни ва шу суҳбат орқали Ийсо алайҳиссалом қавмларининг сиймосини (кимлигини) очиб беряпти.

Хаворийлар Аллоҳ илҳом бериб, Унга ва Унинг Пайғамбари Ийсо алайҳиссаломга иймон келтирган, ўз қавмлари ичидан Аллоҳнинг дини ва Пайғамбарига мадад бўлиш учун танлаб олинган, ижросли ва мустаҳкам иймонли кишилар экани ҳаммага маълум.

Ана шундай мумтоз гуруҳ ўз йўлбошчиси, Пайғамбарига: «Эй Ийсо ибн Марям», деб мурожаат қиляпти.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари у зотга бирор марта бунақа равишда мурожаат қилганлари йўқ. Улар доимо: «Эй Аллоҳнинг Расули»; «Эй Аллоҳнинг Набийси»; «отам-онам сизга фидо бўлсин», каби сўзлар билан мурожаат этганлар.

Қолаверса, Ийсо алайҳиссаломнинг энг яқин кишилари бўлмиш хаворийлар:

«Роббинг бизга осмондан тузатилган дастурхон тушира олурми?» дейишмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаи киромларидан бирорталари иймонга кирганидан сўнг мўъжиза кўрсатишни талаб қилмаганлар. Чунки бу иш иймонли кишига ярашмайди.

Бу иш ноқулай бўлганидан ҳам Ийсо алайҳиссалом хаворийларидан юқоридаги ноўрин саволни эшитганларидан сўнг:

«Агар мўмин бўлсаларингиз, Аллоҳга тақво қилинглар», демоқда.

Хаворийлар эса, ўз сўзларида туриб, қилаётган талаблари нима учун эканлигини шарҳлаб бермоқдалар:

«Улар: «Ундан емоқни, қалбларимиз таскин топмоғини, бизга рост гапирганингни билмоқни ва бунга гувоҳ бўлмоқни истармиз», дедилар». (113)

Хаворийларнинг Аллоҳ осмондан бизга ясатилган дастурхон тушириб берсин, деб қилаётган талабларининг бир неча сабаблари бор экан.

Биринчиси, ундан еб кўрмоқчилар. Эҳтимол таомга ҳожатлари бор. Эҳтимол Пайғамбарга яқин кишилар сифатида алоҳида ҳурматга сазовор бўлмоқчилар. Эҳтимол табаррукан қилмоқчилар.

Иккинчидан, қабларини таскин топтирмоқчилар. Иймонга келганлар-у, аммо қалблари яна ҳам таскин топишини истайдилар. Бунинг учун ўзлари эргашган Пайғамбар сўровига биноан, ўзлари иймон келтирган Аллоҳ томонидан бир мўъжизанинг бўлишини хоҳлайдилар.

Учинчидан, Пайғамбар уларга рост гапирганини билишни истайдилар. Ийсо, Аллоҳнинг Пайғамбариман, демоқда, агар гапи рост бўлса, у ўзига хос услуб билан бу даъвони исбот қилиши керак бўлади. Энг яхши исбот-мўъжиза кўрсатишдир. Ўша мўъжизани кўрсатса, рост гапирган ҳисобланади.

Тўртинчидан, ҳаворийлар ўша мўъжиза содир бўлганига гувоҳ бўлмоқчилар. Улар Ийсо алайҳиссаломга яқин кишилар сифатида бошқа кишилар томонидан турли саволларга тутилишлари турган гап. Энг кўп бўладиган савол, албатта, у зотнинг Пайғамбарлигини қандай исботлайсиз, қабилида бўлади. Ана ўшанда, кўрсатилган мўъжизанинг гувоҳи бўлганликларини айтмоқчилар. Ёки бевосита саволсиз ҳам, даъват чоғида, шубҳачиларнинг шубҳасини қайтариш пайтида, бу гувоҳликларини айтишлари мумкин.

Ҳаворийлар мана шу эътиборлар ила осмондан ясатилган дастурхон туширилишини сўрадилар. Шунда Ийсо алайҳиссалом Парвардигори Оламга мурожаат этиб, дуо қилдилар:

«Ийсо ибн Марям: «Эй бор Худоё! Роббимиз! Бизга осмондан ясатилган дастурхон туширгин, у аввалимизгаю охиригимизга байрам бўлиб қолсин. Сендан мўъжиза бўлиб қолсин. Ва бизга ризқ бергин, зотан Ўзинг энг яхши ризқ бергувчисан», деди». (114)

Ушбу дуода Ийсо алайҳиссалом Пайғамбарлик одоби ила ўз Илоҳи ва Роббиси Аллоҳ таолога ўзларининг бандаликларини, Унга ҳожатманд эканликларини билдириб, хокисорлик ила нидо қилмоқдалар. У киши Аллоҳ таолодан осмондан дастурхон туширишни, туширганда ҳам, уни хайр-барака ва хурсандчилик боиси-байрамга сабаб бўладиган қилиб туширишни сўраб дуо қилмоқдалар.

Шу билан бирга, бу дастурхон Аллоҳ томонидан мўъжиза бўлиб қолишини ҳам сўрамоқдалар. Мўъжиза сифатида туширилган дастурхон ризқ бўлиб қолишини ҳам истамоқдалар.

Аллоҳ таоло Пайғамбари Ийсо алайҳиссаломнинг бу дуоларини ижобатга олди ва қуйидаги жавобни қилди:

«Аллоҳ: «Мен, албатта, уни сизларга туширгувчиман. Бас, бундан кейин сизлардан ким куфр келтирса, уни оламларда ҳеч кимни азобламаган азоб ила азоблагайман», деди». (115)

Ҳақ таоло Ўзининг жалолига-улуғворлигига яраша жавоб берди:

«Мен, албатта, уни сизларга туширгувчиман», деди.

Уламоларимиз моида-дастурхон ҳақида Қуръони Каримдан бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ бўлишига қарамай, худди шу жумланинг ўзига таяниб: «Дастурхон тушган, чунки Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир», дейдилар.

Аллоҳ таоло дастурхон тушириш ҳақидаги сўровни ижобат қилиш билан бирга, Ўзининг доимий одатини ҳам эсга солмоқда. У одат мўъжиза талаб қилган қавм, мўъжиза келгандан кейин ҳам куфр келтирса, уни қаттиқ азобга дучор қилишдир. Бу азоб ҳам бу дунёда, ҳам у дунёда бўлади.

ЯҲУДИЙЛАРНИНГ У ЗОТГА ДУШМАНЛИГИ

Ийсо алайҳиссаломнинг даъватларини эшитган, мўъжизаларини кўрган одамлар у зотга иймон келтириб, эргаша бошладилар. Улар кундан кунга кўпайиб борди.

Бу ҳол яҳудийларни ташвишга солди. Улар Ийсо алайҳиссаломни ўлдирishга қасд қилдилар.

«Нисо сурасидаги ушбу оятларда ўша машъум ниятнинг ҳақиқати баён қилинади: «Биз Аллоҳнинг Расули Масиҳ Ийсо ибн Марямни ўлдирдик», деганлари учун (уларни лаънатладик). Ҳолбуки уни ўлдирмадилар ҳам, осмадилар ҳам, лекин уларга шундай туюлди. У ҳақида ихтилофга тушганлар унинг ўлиmidан шак-шубҳададилар. У тўғрисида уларнинг билиmlари йўқ, магар гумонга эргашарлар. Уни ўлдирмаганлари аниқдир.

Ушбу оятларда яҳудийларнинг Аллоҳнинг лаънатига учрашларига сабаб бўлган баъзи қилмишлари зикр этиляпти.

Ўша қилмишлардан биринчиси:

«Аҳдномаларини бузганлари».

Яҳудийлар аҳдномаларини қандай бузганларини ўтган оятда ҳам яққол кўрдик, ўргандик ва англаб етдик.

Иккинчиси:

«Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганликлари».

«Оят» деганда белги ва мўъжиза маънолари ҳам тушунилади. Аллоҳ таоло яҳудийларга иймонга келишлари ва тўғри йўлга тушишлари учун кўплаб оятлар-белги ва мўъжизалар кўрсатди. Бошқа сура ва оятларда уларнинг зикри келган. Аммо яҳудийлар мазкур мўъжизаларнинг барчасига куфр келтирдилар, уларни инкор этдилар.

Учинчиси:

«Пайғамбарларни ноҳақдан ўлдирганлари».

Бу ҳам маълум ва машҳурдир. Қуръонда ўрни билан бу масала ҳам керагича ёритилган. Мисол учун, яҳудийлар Закариё ва Яҳъё алайҳиссаломларни ноҳақдан ўлдирганларини эслаш кифоя қилади.

Тўртинчиси:

«қалblаримиз берк», деганлари».

Бу гапни улар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг даъватларига жавобан айтганлар. Уларни Исломга чақирганларида, масхара қилиб: «Бизнинг қалblаримиз берк, сенинг даъватинг кирмайди», деганлар. Бу билан улар, биз сенинг гапингга қулоқ ҳам солмаймиз, демоқчи бўлганлар.

Во ажабо, ҳақиқатда ҳам уларнинг қалblари берк ҳолда, унга ҳеч нарса кирмайдиган қилиб яратилганми?!

«Йўқ! Балки куфрлари сабабли Аллоҳ қалblарига муҳр босган, озгиналаридан бошқаси иймон келтирмаслар».

Яъни, аслида уларнинг қалblари ҳам бошқаларники каби яратилган, улар айтгандек, берк қилиб яратилган эмас. Аммо куфрлари сабабли Аллоҳ уларнинг қалblарини муҳрлаб, қаттиқ, бетаъсир ва берк қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам, улардан жуда ҳам оз одамлар мусулмонликни қабул қилдилар.

Бешинчиси:

«Ва куфрлари, Марямга қарши улкан бўҳтон айтганлари...»

Яҳудийларнинг ҳар бир катта гуноҳи эса олинганида куфрлари қўшиб зикр қилинади. Ушбу жумлада ҳам шундай бўлган. Улар покиза, афифа Марям онамизга ҳам бўҳтон қилганлар. Марям Юсуфи Нажжор билан зино қилди ва ҳаромдан Ийсони туғди, деганлар. Бу гапни айтишга ҳеч кимнинг тили бормади. Уни фақат яҳудий айта олиши мумкин.

Олтинчиси:

«Аллоҳнинг Расули Масиҳ, Ийсо ибн Марямни биз ўлдирдик деганлари».

Аслида, яҳудийлар Ийсо алайҳиссаломни Пайғамбар деб тан олмаганлар. Бу ердаги «Аллоҳнинг Расули» дейишлари истеҳзо ва масхара учундир. Улар Ийсо алайҳиссаломни ўлдирганликларини даъво қилдилар. Лекин бу қуруқ даъво, холос. Ҳақиқатни эса, Қуръони Карим баён қилади:

«Холбуки, уни ўлдирмадилар ҳам, осмадилар ҳам, лекин уларга шундай туюлди».

Ийсо алайҳиссаломга яҳудийлар суиқасд қилганларининг қиссаси маълум ва машҳур. Бу қиссани буюк тафсирчилардан Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи қуйидагича ривоят қиладилар:

«Аллоҳ таоло Ийсо ибн Марямни очиқ-ойдин аломатлар ва ҳидоят ила Пайғамбар қилиб юборганида, яҳудийлар у зотга берилган Пайғамбарлик ва мўъжизаларга ҳасад қилдилар. У киши кўр бўлиб туғилганларни ва песларни даволар, ўликни Аллоҳнинг изни ила тирилтирар, лойдан қушнинг шаклини ясаб унга пуфласалар, Аллоҳнинг изни ила қуш бўлиб учиб кетар эди. Шунга ўхшаш кўпгина мўъжизалар билан у кишини Аллоҳ қўллаб-қувватлаган эди. Яҳудийлар эса, у кишини ёлғончига чиқардилар, хилоф қилдилар ва имкони борича у зотга озор беришга ўтдилар. Ҳаттоки, Аллоҳнинг Пайғамбари Ийсо алайҳиссалом улар бор жойда турмайдиган бўлдилар. Кўпинча оналари билан бирга саёҳатда юришга мажбур бўлдилар. Яҳудийлар бу билан кифояланиб қолмадилар, у зотни ўша даврдаги Дамашқнинг подшоҳига чақдилар. Подшоҳ юлдузларга сиғинадиган мушриклар тоифасидан эди. Унинг миллатига, юнон, деб ном берилган эди. Яҳудийлар унга: «Байтул Мақдисда бир одам чиқиб, кишиларни фитнага солмоқда, адаштирмоқда ва фуқароларни подшоҳга қарши қўймоқда», деб хабар етказдилар. Бундан подшоҳнинг ғазаби чиқди. БайтулМақдисдаги ноибига мазкур одамдан эҳтиёт бўлиш, уни осиб, бошига тикон қўйиб, унинг шарридан одамларни сақлаш фармонини берди. Мактуб Байтул Мақдиснинг волийсига етиб келганида, у фармонни бажаришга отланди. Бир тоифа яҳудийлар билан Ийсо алайҳиссалом турган жойга борди. У киши ўзларига яқин кишилар билан бирга эдилар. Уларнинг сони ўн икки-ўн уч ёки ўн еттита эди.

Бу воқеа жума кунидан шанбага ўтар кечаси содир бўлди. Яҳудийлар уларни қамалга олдилар. Ёки улар босиб киришади, ёки ўзлари уларнинг олдига чиқишлари керак-бундан бошқа илож қолмаганини англаб етган Ийсо алайҳиссалом шерикларига: «Кимингизга менинг тусим ўтса, ўша одам жаннатда мен билан бирга бўлади», дедилар.

Бу ишга бир ёш йигит тайёрлигини билдирди. Уни хиёл ёш санадилар, юқоридаги гапни иккинчи, учинчи бор такрорладилар. Ҳар сафар фақат ҳалиги йигит ўз тайёрлигини билдирди. Ийсо алайҳиссалом: «Сен ўшасан!» дедилар. Аллоҳ таоло у йигитни Ийсо алайҳиссалом тусига киритди.

Томнинг шифтидан бир туйнук очилди. Ийсо алайҳиссаломни мудроқ олди. Шу ҳолда осмонга кўтарилдилар. У зот кўтарилганларидан кейин, шериклари ташқарига чиқдилар. Яҳудийлар қоронғуда ҳалиги йигитни, Ийсо, деб ўйлаб, ушлаб, осдилар ва бошига тикон қўйдилар».

Кўпчилик ривоятларда, Ийсо алайҳиссаломнинг тусига кирган ва қатл этилган ҳаворийларнинг ичида бўлган Яҳузо Эскурютий исмли одам. У хиёнат қилиб Ийсо алайҳиссаломнинг беркинган жойларини яҳудийларга кўрсатиб берган эди, дейилади.

Аммо ишга бу билан нуқта қўйилгани йўқ. Асосий ихтилофлар айнан ушбу воқеадан сўнг бошланди.

Таъкидланганидек, ҳодиса кечанинг қоронғусида, тўс-тўпалоннинг ичида бўлиб ўтди. Кўп нарсалар ноаниқ қолди. Шунинг учун:

«Унинг ҳақида ихтилоф қилганлар унинг ўлимидан шак-шубҳададирлар».

Аввало, ҳодисада иштирок этганларнинг ўзлари ихтилофга тушдилар. «Агар ўлдирилган Ийсо бўлса, бирга юрган одам қани? Агар ўлдирилган бирга юрган одам бўлса, Ийсо қани?» дедилар, бир-бирларига.

Лекин бирибир ўликни осиб қўйиб, биз Ийсони ўлдирдик, деб мақтаниб юришаверди.

Насоролар бўлса, баъзилари бу гапга ишонди, баъзилари «Ийсо ўлгандан кейин кўмилди. Аммо уч кундан кейин яна тирилди», дейишди.

Лекин ҳаммаларининг гапи ҳам асоссиз гаплардир. Бу нарса оятнинг сўнгида яна бир бор таъкидланади:

«У тўғрисида уларнинг билимлари йўқ, магар гумонга эргашадилар. Уни ўлдирмаганлари аниқ».

Хўш, ўлдирмаганлари аниқ бўлса, унга нима бўлган, деган саволга келаси оятда жавоб келади:

«Балки, уни Аллоҳ Ўзига кўтарди. Аллоҳ азиз ва ҳақим бўлган зотдир».

Мўмин-мусулмонларнинг Ийсо алайҳиссалом ҳақларидаги ақидалари ушбу ва бошқа оятлардан ҳамда саҳиҳ ҳадиси шарифлардан олинган. Унда ҳеч қандай ноаниқлик, шубҳа ёки гумон йўқ. Ҳаммаси аниқ ва очиқ-ойдин.

Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломни Ўзига кўтарган пайтда у зот 33 ёшда эдилар.

У ЗОТ ҲАҚИДА АҲЛИ КИТОБ АҚИДАЛАРИ

Ийсо алайҳиссаломнинг осилишлари ҳақидаги энг тўғри айида мусулмонларникидир. Бу ақида юқорида зикр қилинди.

Яҳудийлар эма у зотни ушлаб ўлдирдик, қўл оёғидан хочга мижлаб қўйик, дейдилар. Бу ёлғон.

Масихийлар эса бу масалада ақл бовр қилмайдиган эътиқод қиладилар. Улар Ийсо алайҳиссаломни худо деб ишонишларига қарамай у зотни осилиб ўлганларига ишонадилар. Уни инсоният хатоси учун фидо бўлди, дейдилар. Қандоқ қилиб худо баъзи бир яҳудийлар томонидан ўлдирилиши мумкин?!

Умуман Ийсо алайҳиссаломни худо деб эътиқод қилишнинг ўзи ақлга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам насороларнинг ўзлари бау масалада ихтилофга тушганлар.

Улардан бир тўпи, Ийсо алайҳиссаломни Аллоҳнинг ўғли, уни У зот ўз руҳидан яратган, деб эътиқод қиладилар.

Аллоҳ таоло «Тавба» сурасида бу ҳақда қуйидагиларни айтади:

«Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар. Насоролар: «Масих Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар. Бу оғизлари билан айтган гапларидир. Аввалги куфр келтирганларнинг гапига ўхшатурлар. Аллоҳ уларни лаънатласин. Қаён бурилмоқдалар?!» (30)

Аҳли китобларга нисбатан юқоридаги ҳукмларнинг чиқишига сабаб бўлган нарсаларнинг тўртинчиси, аҳли китоблардан:

«Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар».

Яъни, Аллоҳга Узайрни ширк келтирадилар.

Шунингдек:

«Насоролар: «Масих Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар».

Улар ҳам Аллоҳга Масих-Ийсони ширк келтирадилар.

Бу ишда яҳудийлар ҳам, насоролар ҳам ўзларидан олдин ўтган бутпараст мушрикларга ўхшашга уринадилар. Ҳа,

«Бу оғизлари билан айтган гапларидир. Аввалги куфр келтирганларнинг гапига ўхшатурлар».

Илмий асосда собит бўлганки, улар мазкур ақидани Юнон, Рум, Ҳинд ва Миср мушрикларидан олганлар. Асл яҳудий ва асл насроний ақидаларда бу гаплар йўқдир.

«Аллоҳ уларни лаънатласин. Қаён бурилмоқдалар?!»

«Марям» сурасида мазкур бузуқ ақидаги раддия яна ҳам кучлироқ келади:

«Улар: «Роҳман бола тутди», дедилар».

Батаҳқиқ, жуда оғир нарса келтирдингиз.

Ундан осмонлар парчаланиб, ер ёрилиб, тоғлар қулаб йиқилай, дейди.

Роҳманнинг боласи бор, деганларига (қара).

Роҳманга бола тутиш лойиқ эмасдир». (88-92)

Унинг бола тутишга ҳожати йўқ. У фарзанд талабида эмас. Бу унинг шаънига тўғри келмайди. Роҳман яккадир. У Ягона ва Биру Бордир.

Иккинчи бир тоифа насоролар, Йисо алайҳиссаломни «Аллоҳ» дейишади. Уларнинг фикрича Аллоҳ Йисонинг шаклида одамларни гуноҳлардан холос қилиш учун ерга тушган эмиш.

Аллоҳ таоло бу фосид эътиқодга «Моида» сурасида қуйидаги раддияни беради: «Аллоҳ, албатта, Масиҳ ибн Марямдир, деганлар кофир бўлдилар. Масиҳ ибн Марям эса: «Менинг Роббим ва сизнинг Роббингиз Аллоҳга ибодат қилинг. Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва унинг турар жойи дўзах бўлур. Ва золимларга нусрат берувчилар йўқдир», деди». (72)

Йисо алайҳиссаломдан кейин насоролар у зот олиб келган соф ақидани қандай қилиб бузганларини аввалги оятлар тафсирида ўргандик. Бу оятда эса, ўша залолат ботқоғига ботган насороларнинг:

«Аллоҳ, албатта, Масиҳ ибн Марямдир», деганлари куфр эканлиги, уларнинг бу ақидаси ва гапи Масиҳ ибн Марямнинг айтганларига ҳам буткул зид эканининг баёни келмоқда. Чунки Масиҳ ибн Марям алайҳиссалом ҳеч қачон насороларга, мен Худоман, менга ибодат қилинг, демаганлар. У зот алайҳиссалом ўзларига эргашганларга:

«Менинг Роббим ва сизнинг Роббингиз Аллоҳга ибодат қилинг», деганлар.

У зот ўзларини ҳам бошқалар қатори банда ҳисоблаганлар. Шу билан бирга, у киши одамларни умуман ширкдан-Аллоҳнинг шериги бор дейишдан қайтарганлар. Тавҳидга-ягона Аллоҳга эътиқод ва ибодат қилишга чақирганлар.

Масиҳ ибн Марям алайҳиссалом насороларга:

«Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва унинг турар жойи дўзах бўлур», деганлар.

Аммо Аллоҳга берган мийсоқ-аҳдногани бузган насоролар эса, Масиҳ ибн Марям, Худодир, деб Масиҳ ибн Марям ўзлари таъкидлаб айтган маълумотнинг тескарисини қилмоқдалар. Бу улар томонидан бўлаётган катта зулмдир.

«Ва золимларга нусрат берувчилар йўқдир».

Учинчи бир гуруҳ насоролар, Масиҳ учликнинг; ота, ўғил ва муқаддас руҳнинг биридир. Учта биттадир. Битта учтадир, деган ақлга сиғмайдиган эътиқодни қиладилар.

Аллоҳ таоло бу бўлмағур фикрни ҳам «Моида» сурасида фоў қилади:

«Аллоҳ учтанинг учинчисидир, деганлар, батаҳқиқ, кофир бўлдилар. Ягона илоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ! Агар айтаётганларидан қайтмасалар, улардан куфр келтирганларини аламли азоб тутадир». (73)

Насроний динидагиларнинг мантиқсиз, ўзлари ўйлаб чиқарган, ҳақиқий диний таълимотни бузиб кўрсатадиган ақидаларидан бири ушбу оятда муҳокама қилинмоқда.

Улар: «Аллоҳнинг табиати бир-бирига тенг учта кўринишдан-Ота худо, ўғил худо ва муқаддас руҳдан иборатдир.

Ўғил худо, яъни, Йисо воситаси ила бутун махлуқот Ота худога улашади. Ўғил худога фидо қилинганлик, Муқаддас руҳга «тозалаш» нисбати берилади», дейдилар.

Шу билан бирга, ўзларини тавҳид ақидасида деб даъво қиладилар.

Худди мана шу мантиқсизлик қадимдан насоролар ўртасида турли келишмовчиликларни келтириб чиқарган.

Ҳозирги кунда масиҳий динидан одамларнинг четланишида ҳам худди шу сабаб бор. Бу сафсатани бир оз ақлини ишлатган одам ҳеч қабул қила олмайди. Чунки соғлом ақл далолат қилган нарса:

«Ягона илоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ!».

Бундан бошқа гапни айтиб, бузуқ эътиқод қилиб юрганлар ботил фикрларидан қайтмоқлари лозим:

«Агар айтганларидан қайтмасалар, улардан куфр келтирганларини аламли азоб тутади».

Бу муқаррар нарса. Бўлажак аламли азобдан ҳамма тириклик пайтида қутулиб олиши мумкин. Бунинг учун:

«Аллоҳга тавба қилиб, унга истиғфор айтмайдиларми?! Зотан, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир». (74)

У зот тавба қилганларнинг тавбасини қабул этади. У зот истиғфор айтганларнинг гуноҳини кечиради.

Фурсат ўтмасдан аввал бузуқ ақидаларидан қайтиб тавба қилсинлар, тўғри ақида бўлмиш Ислом ақидасига ишонсинлар ва ўтган гуноҳларини кечишини сўраб Аллоҳга истиғфор айтсинлар.

Ийсо алайҳиссалом ҳақларидаги тўғри эътиқод қуйидагича бўлади:

«Масиҳ ибн Марям бир Пайғамбар, холос. Ундан олдин ҳам Пайғамбарлар ўтган. Унинг онаси эса, сиддиқадир. Икковлари ҳам таом ер эдилар. Биз уларга оятларни қандай баён қилаётганимизга назар сол-у, кейин уларнинг қандай бурилиб кетаётганларига назар сол». (75)

Масиҳ ибн Марям кабилар йўқ эмас. Унга ўхшашлар дунёда кўплаб ўтган. Шунинг учун оддий одамлардан Пайғамбарлик хусусиятлари ила бир оз ажралиб туриши, унга эргашганларни у ҳақида турли бўлмағур ақидаларни қилишга, ҳатто уни «худо» деб даъво қилишга олиб бормаслиги керак.

«Масиҳ ибн Марям бир Пайғамбар, холос. Ундан олдин ҳам Пайғамбарлар ўтган».

Масиҳ ибн Марямдан олдин ўтган кўплаб Пайғамбарларда ҳам Пайғамбарлик хислатлари, мўъжизалари ва сифатлари бўлган. Лекин уларни ҳеч ким «Худо» деб даъво қилмаган. Чунки ҳақиқат ўзи шу. Шунинг учун Масиҳ ибн Марямни ҳам Аллоҳнинг Пайғамбари деб билиш зарур.

«Унинг онаси эса, сиддиқадир».

Биби Марям бинти Имрон Аллоҳнинг айтганларини, амру фармонини тасдиқловчи-сиддиқадир. Содик, пок бир бандадир. Бу кишини ҳам «она Худо» деб эътиқод қилиб бўлмайди. Демак, Масиҳ ибн Марямни ҳам, унинг онаси Марям сиддиқани ҳам «худо» деб эътиқод қилиш хатодир. Биргина далилнинг ўзи уларнинг аслида кимликларини кўрсатади.

«Икковлари ҳам таом ер эдилар».

Бу оддий ҳақиқат. Бу ҳақиқатни энг ашаддий насоролар ҳам инкор эта олмайди. Марям кичиклигидан, ота-онасидан туғилганидан бошлаб одамлар ичида ўсди. Еб-ичди. Буни ҳамма кўрди. Бу ҳол у киши бу дунёдан ўтгунга қадар давом этди. Шунингдек, Масиҳ ибн Марям ҳам онасидан туғилгандан бошлаб кўпчиликнинг ичида бўлди. Доимо таом тановул қилди. Уни Аллоҳ таоло ўзига кўтаргунгача шундай давом этди. Буни ҳам ҳамма кўрди. Энди ўйлаб кўрсинлар. Бошқа нарсаларни бир ёққа қўяйлик-да, ушбу оятда келган энг оддий далилни-таомни олайлик. Таомга ҳожати тушувчи одам Худо бўла оладими?! Овқат емаса, қорни очиб, заифлашадиган киши Аллоҳ бўлиши мумкинми?! Ҳожатмандлик бандага хос сифат. Шунингдек, таомга ҳожати тушишлик, овқат емаса, қорни очишлик, сув ичмаса, чанқашлик бандага хос сифат. Бинобарин, ҳаётлари давомида таом еб ўтган Масиҳ ибн Марям ва у кишининг оналари Марям сиддиқалар ҳам Аллоҳ эмас, Аллоҳнинг бандаларидирлар.

Бу жуда ҳам оддий мантиқ. Ҳеч қандай ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо: «Биз уларга оятларни қандай баён қилаётганимизга назар сол-у, кейин уларнинг қандай бурилиб кетаётганларига назар сол». Жуда ҳам ажабланарли ҳол.

ИЙСО АЛАЙҲИССАЛОМГА ОИД ҲАДИСЛАР

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир кеча (тушда) ўзимни Каъба олдида кўрдим. Бир буғдойранг кишини кўрдим. Сен кўрган буғдойранг одамларнинг энг гўзали. Сочи қулоғининг юмшоқ еригача тушган. Сен кўрган сочларнинг энг гўзали. Яхшилаб тараб олибди. Қарасам у (соч)дан сув оқиб турибди. У икки кишига ёки икки кшининг елкаларига суяниб олиб Байтни авоф қилмоқда. Бу ким, дедим. Бу Масиҳ ибн Марям, дейилди. Сўнгра мен бошқа бир кишига дуч келдим. Сочи жингалак. Ўнг кўзи ғилай. Худди бўртиб турган узум донасига ўхшайди. Бу ким, деб сўрадим. Масиҳи Дажжол, дейилди», дедилар. Икки шайх ривоят қилган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга исро қилдирилган кечаси Мусо ибн Имрон алайҳиссалом олдидан ўтдим; буғдойранг, новача, жингалаксоч одам эканлар. Худди Шануъанинг кишиларига ўхшайди. Ийсо ибн Марямни кўрдим. Ўртача, қизғиш оқ, сочлари юмшоқ экан», дедилар. Муслим ва Термизий Тафсирда ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир янги туғилган болани, албатта, шайтон чимдилайди. Ана шунда у шайтоннинг чимдилашидан қичқиради. Фақатгина Ибн Марям ва унинг онаси бундан мустасно», дедилар.

Абу Ҳурайра: «Агар истасингиз, «Албатта, мен уни ва унинг зурриётини Сен шайтони ражимдан паноҳ қилишингни сўрайман»ни ўқинглар», деди.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен одамлар ичида бу дунёда ҳам, охиратда ҳам Ийсо ибн Марямга энг ҳақлисман», дедилар.

«Қандоқ қилиб? Эй Аллоҳнинг Расули?» дедилар.

«Анбиёлар кундошлардан бўлган оға-инилардир. Оналари турлича. Динлари бир. Бизнинг орамизда набий йўқ», дедилар У зот.

Башқа бир ривоятда: «Мен одамлар ичида Ийсо ибн Марямга энг ҳақлисман. Анбиёлар кудошларнинг авлодларидир. Мен билан унинг орамизда набий йўқ», дейилган. Иккисини учовлари ривоят қилган.

«Ийсо алайҳиссалом бир кишини ўғрилиқ қилаётганини кўрди ва унга: «Ўғирладинг», деди. У: «Йўқ! Ундан ўзга илоҳ йўқ зот ила қасам!», деди.

Шунда ийсо: «Аллоҳга иймон келтирдим ва ўзимни ёлғончи қилдим», деди. Муслим ривоят қилган.

ИЙСО ҚИЁМАТ СОАТИ БЕЛГИСИДИР

Ислом айидаси бўйича қиёмат яқин қолганда Ийсо алайҳиссалом ер юзига қайта тушадилар. Бунга «Зужруф» сурасидаги ушбу оят ва бир қанча ҳадиси шарифлар далилдир:

«Албатта, у (Ийсо) қиёмат соати илми-белгисидир. Бас, сиз у (соат) ҳақида ҳеч шубҳа қилманг ва менга эргашинг. Мана шу тўғри йўлдир». (61)

Ушбу ояти карима Ийсо алайҳиссаломнинг қиёмат куни яқинлашганда тушишларига далилдир.

«Албатта, у (Ийсо) қиёмат соати илми-белгисидир».

Яъни, вақти келиб Ийсо қиёмат кунининг белгиси бўлади. Унинг қайта тушишидан қиёмат жуда ҳам яқин қолгани билиб олинади. Бу ояти кариманинг маъносини Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламдан келган кўплаб ҳадиси шарифлар тасдиқлаган.

Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Молик ва Имом Абу Довудлар ҳазрати Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Жоним қўлида бўлган зот билан қасамки, ичингизга Ибн Марям одил ҳакам бўлиб тушиши яқиндир. Бас, у хочни синдиради, чўчқани ўлдиради, жизяни жорий қилади, молу дунёни тошириб юборганидан уни биров олмай қўяди. Ҳаттоки, бир сажда бутун дунёдан ва ундаги нарсалардан яхши бўлиб қолади».

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда эса, Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Менинг умматимдан бир тоифа то қиёмат кунигача ҳақ учун устун бўлиб жанг қиладилар. Бас, Ийсо ибн Марям тушади. Уларнинг амири унга:

«Кел, бизга намозга ўт», дейди. У:

«Йўқ. Сизлар баъзингиз баъзингизга амирсиз. Бу Аллоҳнинг ушбу умматга кўрсатган ҳурматиридир», дейди».

Ийсо алайҳиссаломнинг қайтиб тушишлари ғайбий эътиқод масалалари доирасига киради. Бунга ушбу оятда ишора бор, шунингдек, Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам унинг баёни келган. Шу икки масдардан бошқа ҳужжатга эътиқод қилиб бўлмайди.

«Бас, сиз у (соат) ҳақида ҳеч шубҳа қилманг...»

Албатта, у бўлади.

«...ва менга эргашинг».

Бу гап Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васалламнинг тилларидан айтилаётган гапдир.

«Мана шу тўғри йўлдир».

Яъни, қиёмат куни ҳақида ҳеч шубҳаланмасдан Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васалламга эргашиш энг тўғри йўлдир. Бундан бошқа тўғри йўл йўқ.

ИНЖИЛЛАР ҲАҚИДА

Биз, мусулмонлар Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломга «Инжил; номли китоб нозил қилганига иймон келтирамиз. Бусиз иймонимиз бутун бўлмайди.

Лекин ўша илоҳий китобнинг асли ҳозир йўқ.

Чунки Ийсо алайҳиссаломнинг вақтларида инжил китоб шаклида бўлмаган. Ҳеч ким ҳеч нарсани ёзмаган. У зотдан кейин баъзи кишилар ўзлари китоб ёзиб, мана шу инжил, менга қаҳий қилинди. Мен ёзиб олдим, деб чиқдилар. Аста-секин инжил ваҳий қилинганлар кўпайиб бораверди. Охири бориб уларнинг сони га етди. Уларнинг ҳар бири ўзининг инжили ҳақ эканини даъво қилар эди. Орада гап-сўз, олди-қочди кўпайди. Ихтилофлар кучайди.

Шунда император Константин 325 мелодий санада Ниқияда (Nicea) катта мажлис чақирди. Бу мажлисда икки минг қирқ саккизта патриарх қатнашган. Сўнгра турли жамоалардан икки минга ортиқ руҳоний ўнлаб инжилларни кўтариб келдилар. Император мажлис аҳли олдига мавжуд инжиллардан энг ишончлисини танлаб олиш вазифасини қўйди. Улар узоқ талашиб-тортишувлардан кейин тўрт дона инжилни танладилар.

Ҳозирда насоролар эътиқод ва амал қиладиган инжиллар ана ўша тўрт инжилдир.

1-Мутто инжили.

Бу инжил энг қадимги инжил ҳисобланади. У Ийсо алайҳиссаломдан тўрт йил кейин ёзилган. У иброний тилда ёзилган эди. Аммо ўша асл ҳам йўқ. Ҳозир бори ўшанинг таржимаси. Лекин таржимон ҳам, у қайси матндан таржима қилгани ҳам ҳозиргача маълум эмас.

Бунинг устига бу инжилнинг муаллифи Мутто Ийсо алайҳиссаломнинг ҳаворийларидан эмасди. Кейинроқ уни хоин Яҳузонинг ўрнига сайлашган эдилар.

Ана шундоқ тарихга эга ёзувни муқаддас китоб эмас, оддий ишончли китоб, деб бўладими?

2-Маркос инжили.

Бу инжил юнон тилида Ийсо алайҳиссаломдан йигирма уч йил кейин ёзилгани аниқ. Аммо уни ким ёзгани ноаниқ. Баъзи насоролар, уни Пётр ёзган, дейдилар. Бошқалари эса, уни Пётрнинг ўлиmidан кейин Маркос ёзган, дейдилар.

Бу инжилни нима дейиш мумкин? Йигирма уч йилдан сўнг, Масих алайҳиссалом гапирмаган тилда ёзилган, ким ёзгани ниқ эмас китоб, муқаддас китоб бўла оладими?

3-Лука инжили.

Бу китоб Масих алайҳиссаломдан йигирма йил кейин ёзилган. Лука у зотнинг шгирдларидан эмас. У Полнинг шогирди. Унинг устози ҳам Ийсо алайҳиссаломни кўрган эмас. Бунинг устига Пол насороликка душман бўлган яҳудийлардан экан. Шунинг учун ҳийла билан насороликка қарши кўп бузғунчиликлар қилган экан.

Бундоқ китобни муқаддас китоб, дейиш мумкинми?

4-Юҳанно инжили.

Бу инжил Ийсо алайҳиссаломдан ўттиз икки йил кейин ёзилган. Баъзи насоро тоифалари уни Ийсо алайҳиссаломнинг шогирдларидан бири Юҳанно ибн Забдий ёзган, дейдилар.

Беш юзта таниқли насоро олимлари иштирокида ёзилган Британия энсклопедияси бу китобни, қалбаки китоб, деган экан. Изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Биз фақат насороларга қаратилган ушбу оятни келтириб қўймоқчимиз, холос:

«Эй аҳли китоблар! Динингизда ҳаддан ошманг ва Аллоҳ ҳақида ҳаддан бошқани айтманг. Албатта, Масих, Ийсо ибн Марям Аллоҳнинг Пайғамбари, Марямга илқо қилган калимаси ва Ундан бўлган руҳдир. Бас, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтиринг. Уни учта деманг. Тўхтанг, ўзингизга яхши бўлади. Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдир, ўзга эмас. У ўзининг боласи бўлишидан пок бўлди. Осмонлардаги нарсалар ва ердаги нарсалар Уникидир. Вакилликка Аллоҳнинг ўзи кифоя қилур». (Нисо 171)

ХОТИМА

Мана, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ёрдами ила Қуръони Каримда номлари келган пайғамбар алайҳиссаломларнинг қиссаларини қўлдан келганича ўрганиб чиқдик. Бу ўрганишимиз асосан Қуръони Карим ва унинг тафсири ҳамда саҳиҳ ҳадиси шарифлар асосида бўлди. Шунинг учун бошқа ўрганишлардан фарқли бўлиши турган гап.

Қуръони Карим ўзининг Юсуф сурасида пайғамбар алайҳиссаломлар ҳақида сўз юритар экан:

«Батаҳқиқ, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бор эди», дейди.

Ана ўша қоидага биноан каломи илоҳийда пайғамбарларнинг қиссалари асосан ибрат учун келтирилади. Бу ҳолат уларнинг қайси суранинг қайси жойида келтирилиши, қандоқ жумла, ибора, сўз ва услуб ила ифода қилинишига ҳам ўз тасирини кўрсатган. Бир қиссанинг айна ўзи бошқа жойда келиши мумкин, лекин, ҳар жойда ўзига хос услуб, ўзига хос ибора ва ўзига хос услуб ишлатилган.

Биз ўзимизнинг ушбу камтарона уринишимизда мазкур қиссаларни турли суралардан жамлаб бир сиёққа келтириб ҳар бир пайғамбар алайҳиссаломнинг ўз қиссасини яхлит ҳолда тақдим қилиш ҳаракатида бўлдик.

Қуръони Каримнинг ожиз қолдирувчи каломи илоҳий эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу абадий илоҳий мўъжиза олдида ҳамма ҳар доим ожиз. инсон ушбу ожизликни каломи илоҳийни зеҳн солиб, тадаббур ила ўрганганда яна ҳам чуқурроқ ҳис этади. Айниқса, қайта-қайта ўрганганда ундан ҳам кўра аниқроқ ҳис этади.

Қуръони Каримни умумий тарзда ўрганилганда инсон бир хил ҳузур ҳаловат олади. Қуръони Карим оятларини маълум бир мавзуга боғлиқ ҳолда ўрганганда эса ўзига хос бошқача ҳаловат олади.

Пайғамбар алайҳиссаломлар қиссалари ҳақидаги оятларни умумий тарзда, бошқа оятларга қўшиб ўрганганимизда ўзига хос бир завқ ва шавқ ила қамралган эдик. Энди, худди ўша оятларни айрича, алоҳида қисса шаклда ўрганиш жараёнида бошқача шавқ ва завқ олдик.

Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига алоҳида китоб бағишлаганимиз учун қолган Қуръони Каримда зикрлари келган йигирма тўрт пайғамбарнинг қиссаларини батафсил ўрганиб чиқиш жараёнида кўплаб ҳулосаларга ҳам эришдик.

Аввало бу биз қиссаларини ўрганган зотлар Аллоҳнинг танланган бандалари пайғамбарларининг дур силсиласининг бир намунасидир.

Бу силсила биринчи инсон ва пайғамбар Одам отадан бошланиб, энг афзал инсон ва энг охирги пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тамом бўлади.

Қуръони каримда зикрлари келган пайғамбарларнинг ҳар бирларининг ўзларига яраша хусусиятлари бордир.

Ҳеч бир пайғамбарнинг тўлиқ ҳаёти қисса шаклида келмаган. Балки уларнинг ҳар бирларининг қиссаларидан умумий даъват, ибрат учун лозим топилган жойлари келтирилган.

Пайғамбар алайҳиссаломлардан фақат бир кишининг оналари ва туғилишлари ҳақида маълумот бор. У ҳам ибрат, мўъжиза бўлгани учундир. Бу маълумотлар Ийсо алайҳиссаломнинг оналари Биби Марямга ва у зот туғилишларига боғлиқдир.

Шунингдек, Қуръони карим одатда пайғамбарларнинг вафотлари ҳақида ҳам сўз юритмайди. Фақат Сулаймон алайҳиссаломнинг вафотлари бундан мустасно. Чунки у зотнинг вафотлари ўзига хос ҳикмат, ибрат ва мўъжиза ҳисобланади.

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг оила аъзолари ҳақида ҳам фақат ибрат учунгина сўз очилади. Бунга Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли, Лут алайҳиссаломнинг хотини, Иброҳим алайҳиссалом отаси ва бошқалар мисол бўла олади.

Аллоҳ таоло пайғамбарларни кетма-кет юбориб туриб, инсоният тўғри йўлдан қаттиқ адашганда, гуноҳ ва нобакорликка қулоғига кўмилиб кетганда ўша тўпланиб қолган муаммоларни бир йўла ҳал этиш учун Улул азм пайғамбарларни юборади.

Нуҳ алайҳиссалом худди ана шундоқ пайтда пайғамбар бўлганлар. Ўша пайтда инсоният ҳидоят йўлидан шу даражада адашган эдики, уни Нуҳ алайҳиссаломдек

улуғ пайғамбар тўққиз юз эллик йил даъват қилиш ҳам фойда бермади. Охири уларни бутунлай йўқ қилинди.

Иброҳим алайҳиссалом вақтларига келиб ҳам одамзот қаттиқ адашган эди. Ундаги гуноҳлар оддий гуноҳлар бўлмай қолган эди. Ўша пайтда ҳамма ёқни буту санам босиб кетган эди. Бу ҳам етмаганидек, ўша вақтнинг подшоҳи худолик даъвоси қиларди. Иброҳим алайҳиссаломнинг уринишлари оз бўлмади. У зотнинг жиҳодларини васф қилиш учун бир қанча оятлар кетма-кет келди.

Қуръони каримда энг кўп зикр этилган пайғамбар Мусо алайҳиссаломнинг даврларида эса аввалги барча гуноҳлар устига яна бир қанчаси қўшилиб, инсониятнинг залолатга кетуви мураккаб бир шаклни олган эди. Куфр, ширк, залолат ва ҳукмдорнинг худолик даъвосидан ташқари сеҳргарларни устун билиш, ашаддий кофирларнинг ҳалокатидан кейин Пайғамбарнинг ўз қавми улардан ҳам баттар қолга тушиб турли нобакорликларга қўл уришлари ана ўша мураккаб муаммолар жумласига киради. Шунинг учун ҳам Мусо алайҳиссалом қиссалари Қуръони Каримдан энг кўп жой олган қисса бўлиб қолган.

Йисо алайҳиссалом даврларига келиб эса ҳолат жуда ҳам чигаллашиб кетган эди. Аллоҳга турли бут ва санамларни шерик қилиш каби содда мушриклик ёнида Зоти Илоҳий ҳақида турли туман фалсафалар пайдо бўлган эди. Шунингдек, ҳамма моддапараст бўлиб унча мунча мўъжиза ёки пайғамбарнинг ҳаракатига эътибор бериш ҳам йўқ даражага келиб қолган эди. Шаддодлик учига чиққани учун ҳам ўша вақтнинг кофирлари дарҳол Аллоҳнинг пайғамбарини ўлдириш пайига тушдилар. Буларнинг ҳамаси Ҳакиму Хабир Аллоҳ таоло инсониятни поғанама-поғана аста-секин тарбиялаб келганини кўрсатади. Яна бир чуқур мулоҳаза қиладиган бўлсак, Улул азм пайғамбарлар ўзлари атрофидаги бошқа пайғамбарлардан кўпроқ ҳаракат қилганлари кўринади. Улул азм пайғамбарларга яқинда ўтган пайғамбар баъзи муаммоларни ҳам қилишга таклиф қилинганлари кўринади. Мисол учун Лут алайҳиссалом баччабозликни, Шуайб алайҳиссалом савдо-сотик ишларидаги қаллобликларни ва ҳаказо. Ҳамиша пайғамбар халқ оммаси билан бўлиб уларнинг икки дунё саодати учун саъю кўшиш қилганлар. Ҳатто истисно тариқасида подшоҳлик ва пайғамбарликни ўзларида жамлаган Довуд ва Сулаймон алайҳиссаломлар ҳам оддий халқ манфаати учун ҳаракат қилганлар. Доимо пайғамбарлар қийналиб мақсадга эришганлар. Ҳеч кимга осонлик ила мақсадга эришиш насиб қилмаган. Қуръони каримда пайғамбарлар ҳақида бирорта ҳам салбий сўз йўқ. Уларни доимо улуғлаш бор.

БОШҚА ПАЙҒАМБАРЛАР

Ҳизр Алайҳиссалом

Тажминан мил.авв. XIII аср

Ҳизр а.с тўғрисида гаплар ниҳоятда кўп, бу гапларнинг ичида ҳақиқатга яқиндан ҳақиқатга узоклари кўп. Кўпчиликнинг ичида Ҳизр а.с абадий бир зот бўлиб, у киши кимга кўринса, кимга назарлари тушса ўша банданинг хохлаган нарсасига ёрдам берар эканлар, Ҳизр а.снинг бош бармоқларининг суяги йўқ экан, фалон ерда пистончига кўринган эканлар, ундок бўлган экан, бундок бўлган экан каби гаплар ниҳоятда кўп.

Бундай гапларнинг тез-тез кўзгалиб туриши, таркалиб туриши, кўпчиликдан уламоларга ушбу саволга ўхшаш саволларнинг берилиши ҳам ҳаммага маълум.

Уламоларимиз мулохаза киладиларки, Хизр а.с тўғрисидаги саволлар, миш-мишлар, гап-сўзлар одамларда бир зумда бойиб кетиш, бир зумда ўз мушкулотларини хал қилиб олиш ва шунга ўхшаган ҳаракатсиз, тезроқ мақсадига эришиш қайфияти тарқалган пайтда, ривожланган пайтда кўпаяди.

Ана шу муаммоларни ечиш ёки мақсадига осонлик билан эришиш иштиёкидаги кишилар Хизр а.с ни излаб қоладилар.

Хизр а.с тўғрисида уламоларимиз ҳам кўп тортишганлар. Бу саволдаги каби «Хизр а.с бўлганмилар?» каби савол жуда кам учрайди, чунки бўлганлари тўғрисида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Хизр а.с бўлганлар, у киши ҳақида қисса Куръони Каримнинг «Қаҳф» сурасида келган.

Бу қиссани муфассир уламоларимиз «Мусо а.с ва солих банда қиссаси» деб атайдилар. Чунки Куръонда Хизр а.с «Хизр а.с» номи билан аталмаган балки «солих банда» деб атаган. Ана шу қиссада Мусо а.с бир куни Бани Исроил ичида ваъз-насихат, маъруза қилиб турганларида кишилардан бири «Эй Мусо, дунёда сиздан ҳам билимдонроқ одам борми?» деган саволни беради. Шунда Мусо а.с жавоб бера олмай бир оз ўйланиб қоладилар. Мана шу ҳолатдан кейин Аллоҳ субҳану ва таоло «Хар бир билувчининг устидан билувчироқ бордир» деган хабарни бериб, Мусо а.с га у кишидан кўра билимдонроқ одам борлиги, уни излаб топиш зарурлиги, топгандан кейин у кишидан баъзи бир нарсаларни ўрганишларини хабарини беради.

Ана шундан кейин Мусо а.с хизматчи йигитлари билан бирга озик-овкатларни олиб йўлга чиқадилар ва Аллоҳ айтган жойда халиги солих бандани излаб топадилар ва ўша ерда Мусо а.с «Аллоҳ ўргатган нарсалардан менга ўргатгин» деб илтимос қиладилар. Солих банда «Лекин менинг шартларим қийин, бунга сабр қилишинг керак, чидашинг керак» дейдилар. Мусо а.с сабр қилишга ваъда берадилар.

Улар сувнинг бўйида туриб гаплашган бўладилар, кемага чиқилади, кетаётиб солих банда кемани тешиб кўяди. Шунда Мусо а.с сабр қила олмай «Бизга яхшилик қилган, сафаримизда ёрдам берган, сувдан ўтказиб кўяётган одамнинг кемасини нимага тешасиз, нимага унга зарар етказасиз» деган маънода эътирозли савол берадилар. Шунда солих банда «Мен сенга сабр қила олмайсан демаган эдимми» дейди. Мусо а.с узр сўраб, бундан кейин бесабрлик қилмасликка ваъда берадилар. Курукликка чиқиб кетаётсалар бир тўп болачалар ўйнаётган экан. Шу болаларнинг ичидан бир ўғил болани чақириб халиги солих банда бир уриб ўлдириб кўяди. Мусо а.с яна чидай олмасдан «Беғуноҳ болани нимага ўлдирдингиз?» деган эътирозли саволни беради. Солих банда «Мен сенга сабр қила олмайсан демаган эдимми» деб яна айтади.

Шунда Мусо а.с «Энди яна бир бор узр сўрайман, бундан кейин шартни бузсам айб ўзимда бўлади» деган гапни айтадилар. Ана ўша воқеадан кейин бир ерга борадилар, у ернинг аҳолисидан таом сўрайдилар, ўзларининг мусофир эканликларини айтадилар. Лекин у жойнинг аҳолиси меҳмон қилмайди, таом бермайди. Чарчаб-хориб, шаҳарнинг ташқарисига чиқиб ўтирганларида кўзлари бир йиқилиб кетай деб турган деворга тушади. Солих банда туриб Мусо а.с ни ҳам чорлаб халиги деворни йиқитиб, қайта уриб кўядилар.

Шунда Мусо а.с яна сабр қосалари тўлиб «Қизиқ одам экансиз, ҳеч бўлмаса шу деворларини уриб қўйганимизга ҳақ сўрасангиз бўлар эди» дейди ва солих банда «Энди ҳақнинг битди, энди сен мен бу ишларни нима учун қилганимни ҳақиқатини билгин» деб ўтган уч ҳодисанинг ҳикматини баён қилиб берадилар.

«Биринчиси: кемани тешишга боис, ўша куни подшоҳнинг буйруғи чиққан эди, буйруқка биноан ҳар бир бутун кемани давлат ихтиёрига олиниши лозим эди,

кемачининг шу кемасидан бошка ризку-рўз топишга воситаси йўк эди, шунинг учун кемани тешиб, айбдор килинди, токи кема ўша камбагал одамнинг мулки бўлиб колсин, подшоҳликка ўтмасин, тешик бўлса ҳам шу кемадан фойдаланиб бола-чакасани бокишга, оиласини тебратишга маблағ топиб турсин. Сиртдан караганда зарарли нарса бўлиб кўринади, лекин аслида кемачи учун фойдали иш килинган.

Уриб ўлдирилган бола бўлса катта бўлганида кофир бўлиб, осий бўлиб, ота-онасига ор-номус келтирадиган, кулфат, мусибат келтирадиган бўлиши керак эди. Лекин Аллох таоло уларга ахли солих бўлганлари учун бу келажакда безори бўладиган боланинг ўрнига яхши бола беришни ирода килди, ва бу болани кичиклигидаёқ ўлдириб кўйди, кейин уларга яхши фарзандларни ато килди.

Девор ходисасига келинганда эса деворнинг остида икки етим боланинг хазинаси кўмилган эди. Уларнинг отаси ахли солих бўлган эди. Шунинг хурматида етим болалар вояга етгунича уларнинг хазинасига бегоналарнинг кўзи тушмаслигини ирода килган Аллох деворни бузиб, кайта уриб кўйишга амр килди».

Мана шу кисса тафсилоти билан Куръони Каримда келган. Лекин аввал айтганимиздек, Мусо а.сга устоз бўлган зотни Куръони Карим «Хизр» деб атамаган, балки «солих банда» деб атаган. Ана шу оятларнинг тафсирида Имом Бухорий келтирган ривоятда солих бандани «Хазр» деб аталади, биз «Хизр» деб ўрганиб колганмиз. Ана шундан Хизр а.с борлиги, Куръонда «солих банда» номи билан эсга олинганлиги ва саҳих ҳадисларда «Хизр» номи билан танилганликлари, машхур бўлганликлари келиб чиқади.

Кишилар мана шу киссадан «Хизр а.с Мусо а.с дан кейин яшаб колди, Йисо а.с ни ҳам кўрдилар, ундан кейин Мухаммад а.с даврларида ҳам яшадилар ва хозир ҳам яшамокдалар» деган гапни айтадилар ва у кишининг баржаётлиги Киёмат кунигача давом этади» дейдилар.

Ва аввалги айтиб ўтганимиздек, турли киссаларни, деди-дедиларни, ривоятларни келтирадилар. Лекин ўшаларга карасак ҳеч ким «Хизр а.с менга кўринди, мен Хизр а.с.ман деб айтди, менга фалон нарсани килди» деган ҳеч қандай ривоят йўқ. Балки ривоятларнинг кўплари «фалончига кўринган эмиш, пистончига ундок килган эмиш, яна бировга бундок килган эмиш» деган миш-мишлардан иборат, аниқ хабарга асосланган бирон нарса йўқ.

Ана шунинг учун кейинроқ баъзи бир ёлгон гаплар тўкилганлиги ҳам бор. «Хизр а.с борлар, доим бўладилар, одамларга кўриниб туради» деган уламоларимиз ҳам бор. Бу гапни кўпроқ ахли тасаввуфлар айтишади. Лекин очик-ойдин Хизр а.с нинг баржаёт эканликлари, Киёматгача бокий қолишлари ва одамларга кўриниб туришлари тўғрисида на Куръонда, на Ҳадисда, на мўътамад уламоларнинг илмий бахсларидан далил келтира олмайдилар.

Агар мабодо хозирги кундаги баъзи бир кишилар далил келтиришаётган бўлса ҳам, у далиллар нотўғри, тўқима, заиф ҳадислардан олинганлиги маълум.

Бу ҳақида «Алманорул мунис фил ҳадисис саҳихил вал заиф» деган китобда очик-ойдин илмий бахслар келган. Ана шу китобда Хизр а.с тўғрисида бир ривоятни зикр қилиб, уни нотўғри эканлиги исбот килинган. Эмишки, Расулulloх с.а.в масжидда турган эканлар ортларидан бир гап эшитиб қолибдилар. Одамлар бориб карашса ўша гапирган одам Хизр а.с эмишлар.

Иккинчи бир тўқима, ёлгон, ҳадис бўлмаса ҳам ҳадис деб аталган нарсада «Хизр ва Илос а.с лар хар йили учрашиб турадилар» деган ҳадис бор.

«Арафотда Жиброил, Микоил ва Хизр а.с учрашиб туради» деган тўқима ҳадис бор. Буларнинг ҳаммаси тўқима эканлиги, асоссиз эканлиги, мўтаъмад, эътиборли ҳадис олимлари томонидан фош этилган. Иброхим ал-Харбий р.а дан «Хизр а.с доимо баржаёт эмишлар, бокий эмишлар» деган гап бор, нима дейсиз

бу тўғрисида» дейилганида, одамларнинг ичига бундай гапни шайтон илко килган-ташлаган, бу шайтоннинг гапидир» деган жавобни берганлар. Буюк ватандошимиз, мухаддисларнинг имоми, мўминларнинг хадис бўйича амири Имоми Бухорийдан Хизр а.с ва Илос а.с хақида сўраб, «уларнинг икковлари тирикмилар» деб савол берилган экан. Шунда Имоми Бухорий хазратлари марҳамат килиб: «Бу кандок бўлиши мумкин, батахкик Набий с.а.в «Ла ябко аъла расими ати санатин мин ман хувал явма аъла зохирил арзи ахадун» деганларку деган эканлар. Яъни бу билан Имоми Бухорийнинг ўзлари ва Имоми Муслим ривоят килган бир хадисни Хизр а.с ни бархаёт эмасликларига, ва у киши Киёматгача бокий колмасликларига далил килиб келтирган эканлар. Бу хадиснинг маъноси шуки: «Янги юз йил кирганда, яъни бир аср бўлганда ер юзида турган кишилардан бирортаси колмайди» деган эканлар. Бу сахиҳ хадис, Пайгамбар с.а.в дан келган хадис, Имом Бухорий ва Имом Муслимлар ривоят килган хадис. Демак, юз йилнинг ичида бирор киши колмайди деган бўлсалар, ўша хадис айтилганидан бери неча марта юз йиллар ўтиб кетди, ким қолиши мумкин? Хизр а.с кандок килиб қолишлари мумкин?

Унда Расули Акрам а.в нинг хадислари нотўғри бўлиб чиқади-ку, агар у киши қоладиган бўлсалар, тирик бўладиган бўлса» деган эканлар Имом Бухорий.

Бошка катта уламолар ҳам Хизр а.с нинг бархаёт эмасликларига, у кишини Киёматгача бокий қолишлари мумкин эмаслигига «Анбиё» сурасидан далил келтирадилар: «Сендан олдин Биз ҳеч бир башарга абадийликни килганимиз йўқ. Агар сен ўладиган бўлсанг, улар абадий колурларми?» деган оят. Мана шу оятда ҳеч ким абадий қолиши мумкин эмаслиги таъкидланмоқда. Модомики, Муҳаммад с.а.в вафот этар эканлар, Аллохнинг афзал махлуки, Аллохнинг афзал Пайгамбари, барча пайгамбарларнинг сарвари вафот этар эканлар, бошкаларнинг қолиши мумкин эмас.

Ажли Сунна ва-жамоатнинг кўзга кўринган уламолари яна бир далилни келтирадилар, бу далил ниҳоятда кучли далил ҳисобланади: Агар Хизр а.с бардавом хаёт бўлсалар, Киёмат кунигача бокий колсалар бизнинг Пайгамбар с.а.в нинг ҳузурларига келишлари керак эди, у кишига иймон келтиришлари керак эди, у кишига байъат қилишлари керак эди, у зоти бобаракотдан таълим олишлари керак эди ва бирга ҳаракат қилишлари лозим эди. Бу ишларнинг қилинмаганлигининг ўз Хизр а.с нинг бархаёт эмасликларига далилдир.

Хизр а.с нинг бархаёт эмасликларига далиллардан яна бири – Бадр уруши қуни Пайгамбар с.а.в Аллох таолога илтижо қилиб, тазарру қилиб килган дуоларида «Аллохумма ин тахлик ҳазихил асабату ла туъбадифул арзи» деганлар. «Эй Аллохим, агар мана шу тўп одамлар ҳалокатга учраса, Сенга ер юзида ибодат қилинмас», деганлар. Яъни ўзлари билан душманга қарши жанг қилишга ҳозирланиб турган 313 кишини кўрсатиб туриб, Аллохи таолонинг пайгамбари юқоридаги гапларни айтганлар. Ана ўша 313 кишилик Бадр урушининг қатнашчилари исмлари, оталарининг исмлари, қабилаларининг исмлари билан сийрат қитобларимизда бирма-бир эслаб ўтилганлар, ёзилганлар. Ана ўшаларнинг ичида Хизр а.с йўқлар. У киши ташқарида турсалар, Набий бўлсалар, солиҳ банда бўлсалар, Аллохга ибодат қилиб турсалар, Пайгамбаримиз ва 313 кишилик гуруҳ ҳалокатга учрасалар, «Ер юзида Аллохга ибодат қиладиган колмайди» дейишлари мумкин эмас эди.

Бас, мана шу нарсаларни ўйлаб кўриш керак бўлади. Хизр а.с башар бўлсалар абадий бархаёт бўлишлари мумкин эмас.

Уламоларимиз дейишади: «Агар у киши абадий бархаёт дейдиган бўлсак, Қуръони Каримнинг оятларини инкор қилган бўлаемиз. Чунки Қуръонда Аллох таоло: «Биз сендан олдин башарга абадийликни килганимиз йўқ. Агар сен вафот этсанг, ўлсанг улар абадий колурларми?» деб турибди.

Аллох таоло бошка бир оятда «Хар бир жон ўлим шаробини тотгувчи» деяпти, ана шу оятларга хилоф бўлиб қолади.

Агар «Хизр а.с бархаётлар, Киёматгача бокийлар» дейдиган бўлсак юкорида зикр килинган хадиси шарифларга хилоф бўлиб қолади» дейди уламоларимиз. Агар аввалда айтганимиздек, Хизр а.с доимий тирик бўлсалар Пайгамбар с.а.в хузурларига келиб байъат килишлари, имон келтиришлари лозим эди.

Мана шу лозимликни Пайгамбар с.а.в ўзларининг бошка бир хадисларида баён килганлар. Бу хадисни Имом Ахмад ибн Ханбал р.а, улуг сахобий Жобир ибн Абдуллох р.а ривоят килганлар: «Пайгамбар с.а.в : Аллохга касамки, агар Мусо хозир тирик бўлса менга эргашишдан бошка нарса килиши мумкин эмас» дедилар. Уламоларимиз айтадиларки, тасаввур килайлик, Хизр а.с пайгамбар эканлар, лекин пайгамбар бўлганларида ҳам Мусо а.с дан афзал бўлишлари мумкин эмас. Мусо а.ски Расулуллох а.с га эргашишлари лозимки, хадисга биноан, Хизр а.с нинг келиб эргашишлари лозим ва лобуд бўлган.

Мана бу нарсани яхши ўрганишимиз керак. Агар Хизр а.с валий бўлсалар унда ҳам келишлари керак эди. Чунки Абу Бакрдек улуг валий инсонлар Расулуллохга эргашганлар, у кишига уммат бўлганлар. Мана шу маъноларни айтиб уламолар, мухаддислар, фукахоларнинг кўплари «Хизр а.с бархаёт» деган гаплар заиф эканлиги, уларни ривожлантиришнинг фойдаси йўқ эканлигини айтадилар. «Хизр а.с набий бўлганмилар, валий бўлганмилар» деган саволга ихтилоfli бўлганлиги учун икки хил жавоб берилган: баъзилари валий десалар, бошқалари набий деганлар. Лекин «набий» деганларнинг гаплари кучли бўлади, чунки ўша Хизр а.с киссасида келган оятларда, Хизр а.с тилидан, сураи «Кахф»да : «Мен буни ўзимча килганим йўқ» дейилган гап бор. Демак, ўзича килмаган бўлса Аллох таолодан вахий келган бўлади, ана ўша вахийга эргашиб килган бўладилар, вахий келган одам эса албатта набий бўлади.

Бас, шундок экан бу нарсаларни яхши тушуниб етишимиз керак, Хизр а.с тўғрисида уламоларимизнинг ихтилоф килганликлари ва хар тарафнинг далилларини ўрганишимиз керак, ана шунга караб кейин хулосани чиқариб оламиз.

Бас, юкоридаги гаплардан хулоса чиқариб, хар ким Аллох таолонинг Ўзидан хожатини сўраб бораварса яхши бўлади. Хизр алайхиссаломни кўриб, у кишидан бирор нарса сўраш маъносидан кўра афзали шу. Ибодатларни вақтида адо килиб, намозларни ихлос билан ўкиб, дуо кабул бўлиш шартларини ўрганиб Аллохнинг Ўзидан сўраш тажрибадан ўтган хакикат хамдир. «Хадис ва Хаёт» силсиласининг «Намоз» жузларида «Хожат намози» хакидаги хадиси шариф шарх килинган, ўша намозни ўкишга ўтиш лозим. Аллох таоло барчамизнинг хожатларимизни раво килсин! Омийн!

ЛУҚМОН ҲАКИМ

Тахминан мил.авв. XI аср

Луқмон исмли бу солиҳ инсон ҳам пайғамбарлиги ихтилоfli бўлган кишилардандир. Луқмон ҳазратлари ҳақида жуда ҳам кўплаб ривоят ва қиссалар бор. У кишининг ҳайотлари-ю, айтган сўзлари ҳақидаги қисса ва ривоятлар жудаям машхур. У зот ҳақида Қуръонда бир нечта оятлар бор ва хатто у кишига атаб бутун бошли бир суранинг номи ҳам "Луқмон" деб номланган.

Лекин бу зотнинг пайғамбар бўлганликлари ҳақида на Қуръонда ва на ҳадисда маълумот келган. "Луқмон" сурасида келган оятлар қуйидагича:

Батаҳқиқ, Биз Луқмонга: «Аллоҳга шукр қил. Ким шукр қилса, ўзи учун қиладир. Ким ношукрлик қилса, бас, албатта, Аллоҳ беҳожат ва мақталган зотдир», деб ҳикматни бердик". (12-оят)

(«Ҳикмат», аслида, ҳар бир нарсани яхшилаб ўз жойига қўйиш, деган маънони беради. Шу боисдан ҳам ҳар бир гапни тўғри сўзлаш ва ҳар бир ишни тўғри бажаришга «ҳикмат» дейилади. Аллоҳ таоло ҳазрати Луқмонга ана шундай неъматни ато қилганини ушбу оятда билдирмоқда. У кишининг исмларига «ҳаким» лақаби қўшилиб зикр қилиши сабаби ҳам шундан. Баъзи кишилар бу ҳикмат соҳиби бўлган зотни Пайғамбар деб ҳам айтишган. Аммо аксар уламоларимиз, жумладан, кўпгина тафсирчиларимиз, Ҳазрати Луқмон Пайғамбар эмас, ҳаким бўлган, дейдилар. Чунки Пайғамбарларнинг зикри келган Қуръон оятларида бу кишининг исмлари келмаган. Шунингдек, у кишининг Пайғамбар бўлганлари ҳақида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳам ҳеч бир хабар бермаганлар.

"Луқмон ўғлига ваъз-насиҳат қилиб айтганларини эсла: «Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирма. Албатта, ширк катта зулмдир» (13-оят).

«Эй ўғилчам, албатта, у(амал) агар ачитқининг бир дона уруғича бўлсаю у бир қоя тош ичида ёки осмонларда ёхуд ерда бўлса ҳам, Аллоҳ уни келтирур. Албатта, Аллоҳ ўта лутфли ва ўта хабардор зотдир" (16-оят).

Эй ўғилчам, намозни тўқис адо қил, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтар ва ўзингга етган мусибатга сабр қил. Албатта, булар азм этилажак ишлардандир" (17-оят). Одамлардан такаббурла юз ўгирма ва ер юзида кибр-ҳаво ила юрма.

Албатта, Аллоҳ ҳеч бир мутакаббир ва мақтанчоқни севмас. (18-оят)

Юришингда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир». (19-оят)

(Яъни, юришинг ўртача ва мақсадли бўлсин. Бекорчи сохта ҳаракатлар билан куч-қувватни исроф қилиб, кибру ҳаво билан ҳам юрма, жуда лапашанг бўлиб, судралма ҳам эшак бекордан-бекорга бор овози билан ҳанграб туради. Ҳеч бир сабабсиз баланд кўтарилган овознинг эшакникига ўхшатилишининг ўзи етарли. Оятда бу овоз энг ёмон эканлиги ҳам таъкидланмоқда).

У ЗОТ ҲАҚИДАГИ РИВОЯТЛАР

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Луқмон ким бўлганини биласизларми?" дедилар. Одамлар: "Аллоҳ ва Расули билгувчироқдир!" дейишди. Шунда у зот: "(Луқмон) ҳабаший бўлган", дедилар. (Ибн Мардавайҳ ривояти)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: "Судандан (яъни ҳабашлардан) олинглар! Зеро, уларнинг уч нафари жаннат аҳлининг саййидларидандир: Луқмони Ҳаким, Нажоший ва муаззин Билол" (Ибн Ҳиббон, Табароний ва Ибн Асокир ривоят қилишган).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Луқмон ҳабаший қул ва дурадгор бўлган" (Имом Аҳмад, Ибн Жарир ва Ибн Мунзир ривояти).

Саид ибн Мусайябдан ривоят қилинишича, Луқмони Ҳаким Мисрнинг лаби қалин ҳабашларидан бири. Аллоҳ унга ҳикмат берган, аммо пайғамбарликдан ман қилган. (Ибн Жарир, Ибн Мунзир ва Ибн Абу Ҳотим ривояти).

Мужоҳиддан ривоят қилинишича, Луқмони ҳаким ҳабаший қул, лаби қалин, оёғи бақувват ва Бани Исроилнинг қозиси бўлган. (Имом Аҳмад ва Имом Табарий ривояти).

Ривоятларнинг бирида Луқмон Айюб алайҳиссаломнинг жияни, яъни синглисининг ўғли бўлгани айтилган. Бироқ, Муқотилга кўра, Луқмон Айюб алайҳиссалом

холасининг ўғлидир. Ибн Касир Луқмони ҳаким Довуд алайҳиссалом даврида Бани Исроилга қозилик қилганини ёзади. У моҳир нотиклиги, ўткир фикрлари ва адолатли қарорлари билан шуҳрат қозонган. Тўғри фикрлилиги, самимияти ва орияти билан одамларнинг кўнглидан жой олган. Турли можароларга ечим топиб бериши унга катта обрў-эътибор келтирган.

Ибн Аббос ва Халид ибн Рабиъий розияллоҳу анҳумларга кўра, Луқмони ҳаким дурадгорлик билан шуғулланган. Ёшлигида ялангоёқ ҳолда чангалзор ўрмонлар ва тоғларни кўп кезиб юради. Шу сабабли оёқлари кўп озор чекади, лекин метиндай мустаҳкам бўлади. У бақувват ва чайир бўлиб ўсади. Ёввойи ҳайвонлар билан жуда кўп бор юзма-юз келгани унда матонат, жасорат ва қатъиятни мустаҳкамлайди.

Айтишларича, Луқмони ҳакимнинг қабри Фаластиннинг Рамаллоҳ шаҳри яқинидаги Сарфанд қишлоғидадир. Қатода розияллоҳу анҳунинг берган маълумотига кўра, қабр Рамаллоҳ масжиди ва бозори орасида жойлашган. Икрима Луқмони ҳаким пайғамбар бўлганини айтган, аммо Мужоҳид Луқмон пайғамбар эмас, солиҳ киши бўлганини таъкидлаган. (Ибн Жарир Табарий ривояти).

Жумҳур уламоларга кўра, Луқмони ҳаким пайғамбар бўлмаган. Унинг ҳаким бўлгани, ҳикмат, ақл-идрок, фаҳм-фаросат ва зеҳни ўзида жамлаган донишманд бўлгани ҳақиқатга яқинроқ.

Демак, Луқмони ҳаким ҳаёти ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин унинг насиҳатлари мусулмонлар орасида жудаям машҳур. Уларнинг баъзилари юқорида Қуръони Каримда келганини кўриб ўтдик. Қолганлари бошқа турли китобларда нақл қилинган.

Хуллас, Луқмони ҳакимнинг қачон ва қаерда яшаганини билишдан кўра насиҳатларига амал қилиш муҳимроқ.

ЗУЛҚАРНАЙН

Яшаган даври ихтилофи

“Сендан Зулқарнайн ҳақида сўрарлар. сен: «Сизга унинг ҳақидаги зикрни тиловат қилурман», дегин” (Каҳф, 83-оят).

Баъзи ривоятларда яҳудийлар сўраган, дейилса, бошқаларида яҳудийлар ўргатган, қурайшликлар сўраган, ҳам дейишади. Умуман олганда, одамлар Пайғамбардан (с.а.в.) Зулқарнайн ҳақида сўрашган. Қуръоннинг хабар бериши шундай. Аллоҳ Пайғамбарига савол ҳақида хабар бериб, унга қандай жавоб беришни ҳам ўзи ўргатмоқда: Ўша зикр-хабарга назар солинса, сўров Зулқарнайннинг шахси, яшаган жойи ёки замони ҳақида эмас, балки бошқа нарсалар, яъни, қилган ишлари ҳақида экани ойдинлашади. Шундай қилиб Зулқарнайн қиссаси Қуръони каримнинг Каҳф сурасида зикр қилинган. “Аллоҳ таоло Зулқарнайнга ер юзида ҳукмронлик, молу дунё, аскарлар ва бошқа катта имкониятларни берган”. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Хилол, 3-жуз, 514-бет.) Зулқарнайннинг юришлари ҳақида ҳам шундай ҳикоя қилинади: ғарбга боради, йўлида учраган қавмларнинг Аллоҳ йўлидан узоқ бўлиб кетганларини жазолайди, мўминларини мукофотлайди. Шарқ томондан кетаётганда икки тоғ орасида яшовчи, бирон гапни тушинмайдиган қавмни

учратди. Тафсир китобларида бу қавм турклар экани айтилган. Улар Зулқарнайндан ўзларини Яъжуж ва Маъжуждан сақловчи девор қуриб беришини, бунинг учун Зулқарнаинга маблағ ҳам беришларини айтишди. Зулқарнайн Аллоҳ унга ато қилган имконият билан улар учун темирдан ва мис эритмасидан мустаҳкам девор қуриб беради. Мазкур қавм Зулқарнаинга куч-қувват билан ёрдам бериб турдилар. Шу билан улар Яъжуж-Маъжуж тажовузидан сақландилар. Зулқарнайн барча яхшиликларини Аллоҳнинг раҳматидан деб билган. Бундай ҳулқ фақат ҳақиқий мўминларга хос ҳулқдир. Қуръони каримда келган бу шахснинг айнан исми зикр қилинмаган. Уламолар унинг лақаби ҳақида турли хил фикрларни билдирганлар. "Зулқарнайн" арабча сўз бўлиб, "икки қарн эгаси" маъносини англатади. "Зу" сўзи "эга", "Қарн" сўзи "шоҳ; аср, давр; авлод; бирон нарсанинг энг юқори қисми" каби маъноларни англатади. Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтади: "Унинг Зулқарнайн, деб аталишига сабаб бош кийимининг икки томони мисдан қоплама қилинганидир". Баъзи аҳли китоблар: "У Рум ва Форс юртларини эгаллаган", дейишган. Яна баъзи тоифалар: "Унинг бошида шохга ўхшаш нарса бўлган", деган фикрни билдирадилар.

Абу Туфайл Али розияллоҳу анҳунинг шундай деганини эшитган экан: "Зулқарнайн дейилишига сабаб унинг машриқ ва мағрибга етгани, яъни қуёш чиқиш ва ботиш томондаги ўлкаларни забт этганидир". Бизнингча ҳам, шу охириги фикр тўғри бўлса керак, чунки Қуръони Каримнинг 86 ва 90 оятларида ушбу маъно таъкидланади. Яна Аллоҳ билгувчироқ. "Зулқарнайн" сўзи тарихда бирор бир унвон бўлган бўлиши мумкин. Ғарб ва Шарқда ҳукмдор бўлган деб ҳисобласак, бу лақаб шу туфайли қўйилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Масалан, Шумер-Аккад подшоси Саргон I "тўрт иқлим мамлакати подшоси", Оссур подшоси Шамши-Адад I "кўпчилик шоҳи", Тиглатпаласар III "Шумер-аккад шоҳи" каби унвонларга эга бўлган. Зулқарнайн унвони ҳам ғарб ва шарқ мамлакатларини эгаллаган шоҳларга қўлланилган. Мисол учун: Доро I, Ксеркс каби форс шоҳлари ҳам ғарб-у шарққа эгалик қилган. Лекин, улар оташпараст бўлган. Қуръонда келган мўмин Зулқарнайн ҳам ғарб-у шарқдаги мамлакатларни эгаллагани учун ушбу унвон берилган бўлиши мумкин.

ИХТИЛОФЛАР

Зулқарнайнни пайғамбар ёки солиҳ банда эканлиги ҳақидаги масала тортишувлидир. Жалолиддин Суютийнинг "Тафсири Жалолайн" асарида келишича: "Зулқарнайн солиҳ киши, одил подшоҳ бўлган, пайғамбар бўлмаган.." дейилади. Турк олими Мустафо Осим Кўксол ўзининг "Пайғамбарлар тарихи" китобида Зулқарнайнни ҳам киритган. Лекин, Зулқарнайннинг пайғамбарлигини инкор этувчилар ҳам бор, дея изоҳ беради. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: "У фаришта ҳам, набий ҳам эмас, балки бир солиҳ банда эди", деган. Кўпчилик шу фикрни тўғри деб ҳисоблайди. Лекин, унинг набийлигига ишора қилуви оят бор. Аллоҳ таоло Каҳф сурасининг 86-оятда қуйидагиларни айтади:

"То (кетаётиб) кун ботадиган жойга етгач у (қуёшнинг) бир лойқа булоққа ботаётганини кўрди ва у (булоқ) олдида бир қавмни учратди. Биз: "Ей Зул-қарнайн, ё (уларни) азобга дучор қилурсан, ёки уларга яхши муомалада бо'лурсан", дедик". "У айтди: «Золим бўлган кимсани, албатта, азоблагаймиз. Сўнгра Парвардигорига қайтарилгач, У зот уни яна даҳшатли азоб билан азоблар" (87-оят). (Алоуддин Мансур, Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, 2001-йил) Аллоҳ таоло билан Зулқарнайннинг ўзаро мулоқоти бевосита ёки билвосита бўлганлиги бизга қоронғу. Лекин оятга эътибор берсак, Аллоҳ таоло ўз бандаси Зулқарнаинга хитоб қилмоқда. Демак, бундан англашиладики, Зулқарнайнни набий дейишга асос кучлироқ экан.

Зулқарнайн ҳам худди Довуд ва Сулаймон алайҳумуссаломлар каби ҳам пайғамбар, ҳам одил подшоҳ бўлган эканлиги англашилмоқда. Яна Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчи.



Зулқарнайни шахсига келсак, бу масала ҳам ҳанузгача тортишувлидир. Зулқарнайни шахси ҳақидаги қарашлар бўйича олимлар уч гуруҳга бўлинишади: диний мутахассис олимлар Зулқарнайни Иброҳим алайҳиссалом даврида яшаган шахс сифатида таъкидлашса, иккинчи тоифа тарихчи олимлар Зулқарнайни македониялик Александир деб таъкидлайдилар, учунчи тоифа аҳллари эса ҳали ҳам аниқ бир хулосага кела олишгани йўқ. Юқорида келтирилган тоифаларнинг қай бирларининг таъкидлари асослироқ ёки нотўғри эканини қуйида кўриб чиқамиз. Биринчи гуруҳ олимларнинг маълумотлари: Ибн Касрнинг "Тафсир"ида қуйидагилар келтирилган: "Азроқий ва бошқалар айтишади: "Қуръони Каримда номи келтирилган Зул-қарнайн Иброҳим алайҳиссалом даврларида яшаган ва у киши билан Байтуллоҳни тавоф қилган. Унинг вазири Хизр алайҳиссалом бўлган еди. Имом Табарий ўзларининг "Жоме-ул Баён" тафсирларида Шундай деганлар: "Зулқарнайн Миср ахлидан чиққан бўлиб, унинг исми Марзубо ибн Мардуба Юнон ибн Ёфаснинг авлодидан бўлган. Иккинчи Зулқарнайн эса, юнонистонлик Филиппнинг ўғли Искандар бўлган. У мил.ав. III асрда яшаган". Яна Ибн Касир ўз тафсирида бу масалага бошқа битта олим қарашни асосида тўхталади ва шундай дейди: "Искандар Зулқарнайни румлик (римлик) деювчиларнинг далиллари кучсиздир. Румлик иккинчи Искандар Филип (Филипп) ўғли Мақдуний (македониялик) дир". Яна Зулқарнайн тўғрисида Азроқий бундай дейдилар: "Байтуллоҳни Иброҳим (а.с) билан бирга тавоф қилишган, вазирлари Хизр (а.с) бўлган.. Искандар Мақдунийнинг вазири эса Арасту бўлган ва милоддан

тахминан 300 йил олдин ҳукмронлик қилган. Қуръондаги Зулқарнайн Иброҳим алайҳиссалом замонларида яшаган". (Ибн Касир. Тафсирул Қуръанил Аъзим, Қаҳф сурасининг тафсири. Дорул маърифат, Байрут, 3-жуз, 106-бет. 1989 йил.)

Жалолиддин Суютийнинг "Тафсири Жалолайн" асарида келишича: "Зулқарнайни... Баъзилар Иброҳим (а.с) замонларида яшаган ва Иброҳим (а.с) қўлларида исломга кирган дейишади. У Искандария шаҳрини қурган Искандар Мақдуний эмас. Чунки у мушрик бўлган ва Зулқарнайндан анча кейин яшаган". "Қуръони карим ва маънолари таржимасида"да қўйилагича изоҳ келади: "Зулқарнайнинг ким бўлгани тўғрисидаги яҳудийларнинг саволига аниқ бир жавоб йўқ. Байзовий тафсирида унинг Буюк Искандар экани, пайғамбарлиги аниқ бўлмаса-да, лекин солиқ бир банд бўлгани, баъзи олимларнинг фикри бирлиги зикр этилади. Ҳолбуки Зулқарнайн, Аллоҳнинг китобида ойдинлашишига кўра, қирол Искандардан анча олдин келган, пайғамбарлиги эҳтимоли барибир кучли кўринади". (Қуръони карим ва маънолар таржимаси", муаллифлар жамоаси, Қаҳф сураси тафсири, Анқара, 1993 й. 301-бет.)



Иккинчи гуруҳ ва унинг тарафдорлари Қуръони каримда келган Зулқарнайни македониялик Александир эканини таъкидлайдилар. Александр Македонский шарқда Искандар Мақдуний тарзида айтилади. Иккинчи гуруҳнинг бундай хулосага келишига қўйидаги сабаблар асос бўлган. Қуръони каримдаги Зулқарнайн билан Искандар Мақдунийнинг фаолиятининг ўхшашлиги. Яъни Зулқарнайн ҳам, Искандар ҳам подшоҳ, иккови ҳам шарқу ғарбга ҳукмдорлик қилган. Лекин уларнинг эътиқоди кескин фарқ қилади. Шундай бўлса ҳам, юнон-македон давлатининг раҳбари, Филип II нинг ўғли Искандар Мақдунийни Қуръони каримдаги Зулқарнайн бир шахс деб таъкидлайдилар. Ғарб шақшуносларининг аксарияти ҳам Александр Македонскийни Қуръондаги Зулқарнайн деб

ҳисоблайдилар. Масалан, Олга Бибиқованинг "Кругосвет.net" да эълон қилган мақоласида Қуръонда келган қиссалар тўғрисида фикр билдиради, шунда Зулқарнайни Александр Македонский бўлган деб тушинтиради. Бошқа Ғарб олимлари ҳам Зулқарнайн ҳақида ёзсалар, қавс ичида Александр Македонский деб қўшиб қўядилар. Раҳматуллоҳ қори Обидовнинг "Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти" номли китобида келган: "Икки шохли Искандар атамаси Македония ҳукмдорининг кейинчалик Амон(аслида Птах) худоси – буқа сифатида тасвирлаганидан келиб чиққан" (2006 й.) деган таъриф Қуръондаги Зулқарнайн билан македониялик Искандар бир шахслигига ишора қилади. Искандар Мақдуний ва ундан кейинги тарих анча яхши ўрганилган. Мақдуний ҳам "Зулқарнайн" деб ном олган бўлиши мумкин.

Учунчи гуруҳ эса Зулқарнайни ким эканлигини аниқ билмай туриб тахмин қилмаслик тарафдоридирлар. Ибн Асир "ал-Комил" ва Ибн Хишом "Сийрат"ларида шундай келган, Зулқарнайнинг исми ҳақида аниқ далил йўқ. Бу ҳақда айтилган гаплар далилсиздир. Аллоҳ таоло айтганидек, "Зулқарнайн" дейиш бизга кифоя қилади". (Тафсири Жалолайн. Қаҳф сураси. Дорус Саъда,

Истанбул. 392-бет.). Яна "Тафсири Жалолайн" китобида: "Зулқарнайн бўлиб келдими, фақат шундай аташимиз кифоя қилади" дейилади.

ТАҲЛИЛ

Энди юқорида келтирилган икки гуруҳнинг маълумотларини таҳлил қилиб кўрамиз. Биринчи гуруҳнинг маълумотга кўра, Қуръони каримда келган Зулқарнайн Иброҳим алайҳиссалом замонларида яшаган. Иброҳим алайҳиссалом орқали Аллоҳнинг динига кирган ва Байтуллоҳни тавоф қилган.

Агар кучли подшоҳ Зулқарнайн Иброҳим алайҳиссалом замонларида яшаган бўлса, унда бу маълумотни инкор қилувчи кучли ҳужжатлар топилади. Айниқса, бу унинг яшаган даврида яққол билинади. Абу Лайс Самарқандий тафсирида бунга тўғри келмайдиган маълумот берилган: "Дунёнинг деярли барча жойларини босиб олган тўртта йирик подшоҳ ўтган, шулардн иккитаси мусулмон, иккитаси мушрик - кофир. Мусулмонлари Сулаймон (а.с) билан Зулқарнайн, кофирлари Намруд ва Навухаданаср бўлган". (Абу Лайс Самарқандий. Бахрул-улум, Каҳф сураси тафсири.) Намруд Иброҳим (а.с) замонларида яшаган машҳур подшоҳ. Зулқарнайн билан Намруднинг замондош бўлишгани ишончсизроқдир. Иброҳим алайҳиссалом тахминан мил.авв. 2 мингйиллик бошида яшаганлар. Намруд ҳам шу даврда яшаган. Зулқарнайн Иброҳим алайҳиссалом замонларида яшаган бўлганда, Лут қавмига ўзи барҳам берган бўларди. Қолаверса, бу даврда машҳур подшоҳлар ҳукмронлиги давом этган. Бу даврда Мисрда Ўрта подшолик бошланган ва ўн иккинчи сулола тахтга ўтирган. Булардан: Аменемхет I мил.авв. 1985-1955, Сенусерт I 1965-1920, Аменемхет II 1922-1878, Сенусерт II 1880-1874, Сунусерт III 1874-1855, Аменемхет III 1855-1808, Аменемхет IV 1808-1799, Қиролича Нефрусбек 1799-1795 йилларда ҳукмронлик қилган. Мил.авв. XX асрда Осурияда (Олд Осиё ҳудудида) ашшурлар ўз давлатига асос солди. Бу подшолик Шамши-Адад I (мил.авв. 1824-1780 йил) анча кучайган. Бу даврда яна Бобил подшолиги ҳам ташкил топган. Миллоддан аввалги XX - XIX асрларда аморейлар Бобилда ўз давлатига асос соладилар. Сулоланинг олтинчи вакили Хаммурапи (1792-1750) ҳукмронлиги даврида анча юксалади. Мил.авв. XIX асрнинг охирида Сурияда аморейлардан бир гуруҳ қавм Ямхад деган давлат тузган. Бу давлат шимолий ва қисман жанубий Сурияни ўз назоратида ушлаб турган. Хозирги Эрон ҳудудида қадимда Элам давлати ташкил топган. Бу давлатнинг кучайиш даври ҳам айнан XX - XVIII асрлар оралиғига тўғри келади. Энди қиёслайдиган бўлсак, Зулқарнайн Иброҳим алайҳиссалом билан замондош бўлиб, у кишининг олдиларида яшаса-ю, шарқу ғарбни эгаллаган бўлса, унда қандай қилиб юқорида келтирилган давлатлар ўз ҳукмронлигини ўзининг ҳукмдорлари орқали чўққисига чиқиши мумкин? Яна бир кучли далил бор. Қуръони каримнинг хабар беришича, Зулқарнайн ўзига мурожат қилган қавмга Яъжуж ва Маъжужлардан химояланишлари учун темир ва мис эритмасининг қоришмасидан девор қуриб беради. Барчамизга маълумки, темирдан фойдаланиш мил.авв. X асрдан бошлаб кенг ёйилган. Шунинг учун ҳам бу даврни муаррихлар Темир асри деб атайдилар. Темирдан дастлаб мил.авв. XIV-XIII асрда Олд Осиё ҳудудидаги Хетт қабилалари фодаланишган. Кейинчалик қўшни минтақалардаги Месопатамия, Эрон, Кавказорти халқлари фойдаланишган. Темир металининг эриши учун 1500° С градус иссиқлик керак. Шунинг учун темирдан фойдаланиш ва унинг тарқалиши III аср давом этган. Агар Зулқарнайн Иброҳим алайҳиссалом даврларида, яъни мил.авв. XX- XIX асрларда яшаган ва ҳукмронлик қилган бўлса, темирни қаердан топди ва қандай фойдаланди? Ҳолбуки, темирдан фойдаланиш бундан 7-6 аср кейин йўлга қўйилган. У пайтларда темирни эритиш имконияти чекланган эди. Яна биринчи гуруҳнинг

маълумот беришича, Зулқарнайнинг вазири Ҳизр алайҳиссалом бўлган. Лекин бизга яхши маълумки, Ҳизр алайҳиссалом бундан 7 аср кейин Мусо алайҳиссалом замонларида яшаган ва, Мусо алайҳиссалом билан қиссалари баён қилинган. Таҳлил натижасига кўра, биринчи гуруҳнинг қарашлари ўз кучини йўқотди. Биз юқорида биринчи гуруҳнинг қарашларига зид равишда илмий ҳужжатларни келтирдик ва бу қарашларни асоссиз эканлигини исботлаб чиқдик. Энди иккинчи гуруҳнинг қарашларини таҳлил қиламиз. Иккинчи тоифанинг маълумотига кўра, Қуръони каримда зикр қилинган Зулқарнайн юнон-македон давлатининг ҳукмдори Александир. Македониялик Александир мил.авв. 356 йилда туғилган. Шарқда у Искандар номи билан машҳурдир. Искандар Македония раҳбари Филип II нинг ўғли. Искандар отаси Филип бошчилигида Юнонистонни босиб олиш учун мил.авв. 338-йил 2-августиди Херонея шаҳри яқинидаги Беотеяда юнонлар билан жанг қиладилар. Жангда Искандар бир гуруҳ жангчилар бўлинмасига бошчилик қилади ва жангда ҳал қилувчи зарбани бажаради. Натижада юнонлар македонияликлар томонидан мағлуб этилади. Филип юнон-македон қўшинини тузиб, унга ўзи қўмондон бўлиб олади. Филип мил.авв. 336-йилда форслар давлатига қарши ҳарбий тайёргарлик пайтида ўз аъёнлари томонидан ўлдирилади. Тахтга унинг ўғли Искандар ўтиради ва қайтадан Юнонистонни итоат эттиради. Искандар шарққа томон юриш бошлайди. У шарқда Кичик Осиё, Месопатамия, Эрон, жанубда Миср, Сурия ва Ўрта Осиё ҳудудлари, ҳатто Ҳиндистоннинг шимолий қисмини ҳам босиб олади. Искандарни кўпчилик фахш ишлар қилувчи, маишатпараст, лавотта (баччабозлик) қилувчи деб таърифлайдилар. Лекин, унинг шон-шухрати, улкан давлатчилиги, Аристотел каби илм-фанга умрини сарф қилган инсоннинг тарбиясини олган Искандар қандай қилиб юқоридаги таърифларга мос келиши мумкин. Агар ростдан ҳам у маишатпараст ва шаҳватпараст бўлганда, бундай давлатчиликка қандай илиб эришарди? Чунки ўзи ҳам жангларда моҳирана саркардалик билан қатнашган. Бироқ шундай бўлса ҳам, Искандарни Қуръони Каримда келган Зулқарнайн дейишга асосимиз йўқ. Қуйида уларни битта шахс эмаслигига далиллар келтирамиз. Қуръони Каримда келган Зулқарнайн ўзининг ҳарбий сафарларида аввал ғарбга қараб йўл олган. У ердаги бузғунчи қавмларни жазолаб, яхшиларини мукофотлаган. Искандар Мақдуний эса ғарбга томон умуман юриш қилмаган. Искандар Македониянинг жанубидаги қўшниси Юнонистонга, ундан кейин шарққа қараб йўл олган. Зулқарнайн шарққа сафари жараёнида бир қавмга темир ва мис эритмасидан уларга азият бераётган бузғунчилардан химояланилари учун девор қуриб беради. Искандар Мақдуний эса ҳеч қандай темир ва мис қоришмасидан ҳеч кимга девор қуриб бермаган. Агар қурган бўлганда, Искандарнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳабар берувчи юнон-рим тарихчилари, жумладан, Квинт Курсий Руф, Арриан, Аристокл каби тарихчи олимлар ўз асарларида буни қайд қилган бўлардилар. Искандар ва Зулқарнайнни ўртасидаги яна бир фарқ уларнинг эътиқодида яққол кўзга ташланади. Зулқарнайн Аллоҳгагина иймон келтирган, фақат унгагина ибодат ва итоат қиладиган, барча салтанат Аллоҳнинг марҳамати дея қабул қиладиган солиҳ киши бўлган. Искандар Мақдуний эса Аристотелдан таълим олган. Аристотел эса мусулмон бўлмаган. Искандар маъжусий ҳудоларига сиғинган. Кейинчалик Аристотелнинг фалсафий қарашлари Александрга маъқул келмайди. Аристотел фалсафаси унинг тутаётган ишларига ҳалақит бера бошлайди ва



Аристотелни ўзидан узоқлаштиришга ҳаракат қилади. Чунки бу пайтда Аристотел маъжусий эътиқодига зид равишда фалсафий фикрларини майдонга чиқараётган эди. Бу Александрнинг эътиқодига тўғри келмасди, албатта. Унинг Мисрдаги Александрия шаҳрига қурдирган "Александр маёғи" номли иншооти чўққисига юнон маъбудларининг раҳнамоси Зевснинг ҳайкали ўрнатилган. Энди шу ўринда савол туғилади: Македониялик Александр Қуръондаги солиҳ Зулқарнайн бўлса-ю, унинг қўл остидаги Аллоҳни ягона деувчи кишилар Искандар бошчилигида ўзлари қурган иншоотга юнон маъбудининг ҳайкалини қўядиларми? Алаксандр Мекедонский барча босиб олган ерларида Аллоҳнинг динини эмас, юнон маданиятини, эллинизмни тарғиб қилган. Масалан, Аристокл Аристотелнинг жияни бўлган ва доимо Искандарнинг ҳарбий юришларида иштирок этиб, воқеаларни ёзиб борган. Лекин, унинг асарида Зулқарнаинга хос сифат ва фаолият учрамайди. Тарихчиларнинг маълумот беришича, Искандар Мақдуний Ўрта Осиёдаги юриши чоғида Сўғдиёнанинг 120 000 тинч аҳолисини қириб ташлаган. Бундай қирғинбаротлик, албатта, адолатли подшоҳнинг иши эмас. Хулоса қиладиган бўлсак, Зулқарнаинни Александр Мекедонский дейдиганлар янглишадилар. Чунки биз юқорида уларнинг таъкидларини асоссиз эканини исботловчи илмий далилларни келтирдик. Яна Аллоҳ билгувчи.

Биз учунчи тоифа олимларнинг фикрига қўшилаемиз. Қуръони Каримда Зулқарнайн бўлиб келдими, демак, шу ном бизга кифоя. Уни шахсига бошқа номларни қўшиб айтиш адашишликка олиб келади. Бизга Зулқарнаинни шахсини аниқлашдан наф йўқ. Асосийси, унинг қилган ишларидан, ҳулқ-атворидан ўрнак, ибрат олишдир ва бу қиссага иймон келтиришдир. Зулқарнаинни аниқ маълумотларсиз бошқа шахс билан боғлаб, уни бир шахс деб ишониш қаттиқ адашишимизга олиб келади. Натижада гуноҳкор бўлиб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас.

Шу ўринда яна бошқа бир назарияни ҳам келтириб ўтишни лозим деб топдик. Зулқарнайн масаласи Абу Райҳон Берунийни ҳам четлаб ўтмаган. Беруний ҳам бу масалага оид маълумотларни йиғиб таҳлил қилиб чиққан. Лекин Беруний ҳам аниқ бир ечимни топа олмаган. Бироқ шундай бўлса ҳам, у қуйидаги маълумотга қониқиш ҳосил қилганлигини билдиради:

Яман подшоҳларидан бири Асад ибн Амр ал-Ҳимярий ўз шеърида Зулқарнаин билан фахрланиб, шундай дейди:

"Зулқарнайн мендан илгари мусулмон, ер юзини эгаллаган, ҳеч Кимга бўйсунмаган подшоҳ бўлган.

У, карамли ва ҳурматли Худодан подшоҳлик воситаларини сўраб, Машриқ ва Мағриб томонларига етиб борган.

Қуёшнинг ботадиган жойини – қора балчиқли булоққа ва қора ботқоққа ботаётган вақтида – қурган.

Зулқарнаиндан олдин аммам Билқис бор эди, ниҳоят унинг подшоҳлиги попишак туфайли тугади".

Шу сўзлар тўғрига ўхшайди. Чунки "зу" лақабли кишилар фақат Ямандан бўлиб, бошқа жойларда учрамаган. Уларнинг исмлари "зу" лафзидан ҳоли эмас эди. Масалан, Зулманор, Зулазъор, Зушшанотир, Зунувос, Зужадан ва бошқалар. Шу билан бирга Зулқарнайн хабарлари Қуръондаги у ҳақда айтилган ҳикояга ўхшайди. Аммо икки тўғон ўртасига қурилган тўсиққа келсак, у ернинг қайси жойида эканини Қуръондаги қиссанинг заҳир иборати аниқ кўрсатмайди.

Мамлакатлар ва шаҳарлар ҳақида хабар берадиган китоблар, чунончи "Жуғрофия" ва "Йўллар ва давлатлар ҳақида китоб" лари у миллат, яъни Яъжуж ва Маъжуж, бешинчи ва олтинчи иқлимда яшовчи Шарқ туркларидан бир синф деб кўрсатган. Шу билан бирга, Муҳаммад ибн Жарир Табарий ўзининг "Тарих" китобида ҳикоя қилишича, Озарбайжон ҳукмдори у ерни фатҳ этган кунларида ҳазар томонидан бир одамни ўша тўсиқ олдига юборган. У одам бориб тўсиқни кўрган ва уни пишиқ ва маҳкам ҳандақнинг нариги томонига жойлашган улкан,

баланд, қора бино экан, деб тавсиф қилган... Яна Аллоҳ донороқдур" (Абу Райҳон Беруний, "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китоби) Бу назарияда ҳам жон бор. Чунки Яман Арабистоннинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Пайғамбар алайҳисаломдан араб халқи ўзлари яшаб турган ҳудуддаги тарихий подшоҳлар ҳақида сўрашлари, бошқа бегона юртларда яшаб ўтган подшоҳларни сўрашларидан мантиқли ва асослироқ. Айнан Европа ва Осиё мамлакатларини эгаллаган одам ғарб-у шарққа ҳукмдор деб ҳисобланмайди. Қуръони Каримда айнан Европа ва Осиё ҳудудлари деб айтилмаган. Унда фақат ғарбга ва шарққа қараб юргани айтилган. Ер юзининг исталган нуқтасидан туриб ғарбга ва шарққа юриб, ўша даврда ернинг асл харитасини йўқлигини ҳисобга олсак, у ердаги мамлакатларни эгаллаган подшоҳ ҳам ўзининг дастлабки ҳудудига нисбатан шарқ-у ғарбнинг ҳукмдори дейилиши мумкин. Зулқарнайни айнан Европа ва Осиё мамлакатларини эгаллаган подшоҳлардан қидириш, ўша давр картографияси ибтидолигини ҳисобга олиб қарасак, бизнингча мантиққа тўғри келмаса керак. Агар Зулқарнайн сўзидаги "қарн" сўзини "шоҳ" деб қабул қилсак, у Яманлик бўлса, Сабаъ қироллигига ҳам, ғарбга Исроил-яхудий қироллигига ҳам ҳукмдорлик қилган бўлса, унинг лақаби ҳам "Икки шоҳлик (қироллик) эгаси" дейишга асослироқ бўлиши мумкин. Лекин унинг қурган девори шарқ томонга юриши чоғида қурилган. Балки, шимоли-ғарбга юриб Исроил-яхудий подшолигини эгаллаб, кейинчалик шарққа томон, яъни Месопатамия, Кавказorti томонларга юрган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Яна Аллоҳ билгувчи.

МУМТОЗ АДАБИЁТ НИМА ДЕЙДИ?



Ўрта асрларда мусулмон шоирлари орасида "ҳамса"чилик анъанаси жудаюм машҳур бўлган. Айниқса бу удум Мовароуннаҳр ва Хуросонда кучли бўлган. Барча шоирлар "ҳамса" ёзишга ва бу анъанани давом эттиришга ҳаракат қилишган. Бизга маълумки, "ҳамса" - "бешлик" дегани. Мазкур бешликка мустақил беш дoston киритилган. Буларнинг бешинчиси доимо Искандар шахсига аталган бўлади. Ҳамсачиликнинг машҳур намоёндалари Низомий Ганжавий "Искандарнома", Хусрав Деҳлавий "Ойнаи Искандарий", Абдурахмон Жомий "Хирадномаи Искандарий", Алишер Навоий "Садди Искандарий" номли дostonларини ёзишган. Хусусан, Алишер Навоийнинг дostonи "Садди Искандарий" - "Искандар девори" номи билан аталади. Бу дostonда Искандар образи

бир вақтнинг ўзида ҳам юнон-македон подшоси Филиппнинг ўғли, Арастунинг шогирди, ҳам Қуръони Каримда келган Зулқарнайн каби Яъжуж ва Маъжуждан химояланишлари учун одамларга девор қуриб берган шахс сифатида талқин этилади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, Бадиий адабиётдан тарихий ҳақиқатни қидириш ноўриндир. Алишер Навоий бу билан инсонларга тарихий маълумот бермоқчи эмас, балки идеал шоҳ образини, ҳақиқий шоҳ қандай бўлиши кераклигини, қандай йўл тутиши кераклигини кўрсатмоқчидир. Дostonга эътибор берадиган бўлсак, "Зулқарнайн" сўзи учрамайди. Навоий дostonдаги қаҳрамон ва образларга фақат Искандар шахси ва унинг атрофидаги исmlарни ишлатган. Лекин, унинг фаолияти тарихда маълум бўлган Искандарнинг фаолиятидан тубдан фарқ қилади. Дostonга эътибор берсак, донишмандлар

ичида Сукрот, Афлотун ва бошқа бир нечта файласуфлар келтирилади. Лекин, тарихдан маълумки, Сукрот ҳам, Афлотун ҳам Искандардан олдин яшаб ўтган, ammo дostonда Искандар улар билан учрашади, дуоларини олади. Бу ҳолат, албатта, тарихий ҳақиқатга зид ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ҳазрат Навоий дostonдаги образларга фақат Искандар ва унинг атрофидагиларнинг исmlарини олган, холос. Олимларнинг таҳлил натижаларига кўра, дostonдаги шоҳ Искандар фаолияти буюк мусулмон подшоси ва саркардаси Амир Темурнинг ҳаёт ва фаолиятига уйғун келган. Дostonдаги Искандар етти донишманддан маслаҳатлар, тавсиялар, дуолар олиб иш юритган. Дoston матни бўйича улар Афлотун, Сукрот, Болинус, Буқрот, Ҳурмус, Фарфинюс ва Арастулардир. Шоир бу билан шоҳнинг донишмандларнинг маслаҳати билан иш тутишни кўзда тутмоқда. Амир Темурнинг ҳам атрофида машҳур Аллоҳнинг дўстлари кароматгўй авлиё зотлар бўлган. Амир Темур доимо улар билан машварат (кенгаш) қилиб турган. Азиз авлиёларнинг дуолари билан қувватланиб турган. Шунинг натижасида қадами етган жойга исломни ёйди. Исломга катта фойда келтирди. Амир Темурнинг пирлари Хожа Шамсуддин Кулол, Саййид Амир Кулол, Мавлоно Зайнуддин, Абу Бакр Тайёбодий, Мир Саййид Барака, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд каби улў зотлар бўлган. Олимларнинг батафсил таҳлилин келтириб ўтмаймиз, чунки бизнинг мақсадимиз дostonни муҳокама қилиш эмас, балки баъзи бир тоифаларнинг шу дostonлардан илмий ҳақиқатни излаб ихтилофга бориб, натижада қаттиқ адашганликларини кўрсатишдир. Яна таъкидлаб ўтамизки, бадий асарлардан тарихий маълумот изламоқчи бўлганлар қаттиқ янглишадилар. Бадий адабиётнинг мақсадини тарихдан ҳикоя қилиш эмас, балки комил инсон тарбияси эканлигини унутмайлик.

Умумий ҳулосага келадиган бўлсак, юқоридаги маълумотлардан Зулқарнайн шахси барибир аниқланмади. Лекин, бунинг натижасида одамларнинг нотўғри қарашларини бартараф қилдик деб умид қиламиз. Шундай қилиб Зулқарнайн, Македониялик Александр ҳам, Иброҳим алайҳиссалом даврида яшаган шахс ҳам эмас. Уни қаерда яшагани, қайси даврда яшаб ўтгани бизга қоронғу. Буни фақат Аллоҳ билгувчи. Биз эса Қуръони Каримда келган Зулқарнайн номли кишининг бўлганлигига ва унинг Қуръонда келтирилган фаолиятига иймон келтирамиз.

УЗАЙР Алайҳиссалом

Қуръони Каримда Узайр алайҳиссалом ҳақларида биргина ояатда кичкинагина қисса келган. Ва яна бир ояти каримада у зотни яҳудийлар Аллоҳнинг ўғли деб, ширк келтирганликлари хабари берилади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Бақара сураси 259-оятида шундай келтиради: «Ёки шифтлари устига қулаган қишлоқдан ўтган кишига ўхшашни кўрмадингми? У: «Аллоҳ буни ўлимидан кейин қандай тирилтиради?» деди. Бас, Аллоҳ уни юз йил ўлдирди, сўнгра қайта тирилтирди. У зот: «Қанча ётдинг?», деди. У: «Бир кун ёки бир куннинг баъзисича ётдим», деди. У зот: «Балки юз йил ётдинг, таомингга ва шаробингга назар сол, ўзгаргани йўқ ва эшагингга ҳам қара. Сени одамларга ибрат қилиш учун шундай қилдик. Ва суякларга назар сол, уларни қандоқ ҳаракатга соламиз ва уларга қандоқ гўшт кийгизамиз», деди. Унга равшан бўлганда: «Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирлигини билдим»,

деди". Демак, ўша киши Аллоҳ таолонинг ҳар бир нарсага қодир эканига шубҳа билан қарарди. Шунда Аллоҳ таоло унга, ўлган нарсаларни қандай қилиб тирилтиришини тушунтириб ўтирмади-да, у банданинг ўзини тажриба қилиб қўя қолди: «Бас, Аллоҳ уни юз йил ўлдирди, сўнгра қайта тирилтирди».

Бўлиб ўтган воқеани тушуниб етиш учун Аллоҳ унга:

«Қанча ётдинг?» деди».

У одам ўзининг қанча ётганини қаердан билсин. Вақтни сезиш тирик, ҳаёт нашидасини суриб турган кишиларга хос хусусият. У бўлса, юз йил ўлиб ётди.

Бунинг устига, ҳис-туйғу одамни алдайди ҳам. Шунинг учун:

«У: «Бир кун ёки бир кунининг баъзисича ётдим», деди».

Ўзининг билганича жавоб берди. Ўзининг юз йил ўлиб ётиб, яна қайта тирилгани унга бир кун ёки бир кундан ҳам озроқ ётгандай бўлиб кўринди. Бу ҳолати ўзига тасдиқлатиб олингандан сўнг, бўлган ишнинг ҳақиқати унга айтилди: «Балки юз йил ётдинг», дейилди.

Батафсил:

Бир куни Узайр мева териш учун боққа киради. Боққа киргандан сўнг чиройли бўлиб пишиб турган меваларга бир неча муддат термулиб махлиё бўлиб қолади. Бу гўзал неъмат учун Роббига шукр қилиб мевалардан теришни бошлайди. Меваларни йиғиб бўлгач, эшагига саватини ортиб йўлга тушади. Юриб кетаётган вақтида Унинг буюк хилқатига назар солар экан Аллоҳнинг буюклиги ва қудрати ҳақида ўйлай бошлади ва у уни ўз уйига етказиб бормайдиган бошқа йўлга ўтиб қолганини унутиб қўйди у йўлдан адашди, тўғри йўлни топиш учун ўнг томон чап томонга қараб у ёқ бу ёқни қидира бошлади. Унинг кўзи қадим замонлардан бери мавжуд бўлган эски уйлари бор бир бузилган қишлоққа тушди, унда яшаган ва ўлиб кетган уларнинг фақатгина чириб кетган, қурт-қумурсқалар еб ётган ва уларда ҳашаротлар яшайдиган суякларидан бошқа ҳеч нарса қолмаганди. Қишлоқдаги бу барча нарсалар ҳароба ва ҳалок бўлганларга далолат қиларди, Узайр уларни олдида кўриб турди, уларни бундан олдин кўрмаган эди. Шундай қилиб у эшагидан тушар экан мевалар билан тўла саватчани қолдирди, сўнгра бу қишлоқнинг излари орасида пиёда юрди, бу ёқда ерга йиқилиб қолган девор у ёқда эса фақат бир қисми қолган шифт улар билан бирга бир кишининг чириб кетган суяклари ҳам бор эди. Узайр бу нарсаларнинг барчасига қараб саватни ҳам унутди ва эшакни ҳам унутди ҳамда уйига кетаётганини ҳам унутди, мана шу бузилиб ётган қишлоқ ҳақида ўйлай бошлади, ўзига ўзи шундай савол берарди: у кўриб турган барча нарса вайрон бўлган, чириган ва эскирганди. Қизиқ Аллоҳ бу жисмларни қандай қилиб парчаланган ҳолда қолдирган экан? Қандай қилиб Қиёмат кунида уларнинг шакллари одамни қайтадан яратар экан? Аллоҳ таоло бу ҳаробага айланган қишлоқни қандай қилиб яна ҳаётга қайтарар экан? Эй парвардигоро! Бу ишни қандай қиласан? Бунга қандай эришасан? У ўйлашда давом этаверди, албатта у ўзи бунга иймон келтирганди лекин бу ишнинг қандай бўлишини билишни ва қалби хотиржам бўлишни хоҳларди. Аллоҳ унга бунинг жавобини ўргатишни хоҳлади, шу жойда Узайр қараб томоша қилиб турган вақтда жасади ерга йиқилганини ҳис қилди, унинг қовоқлари ёпилиб кўзлари юмилиб қолди, бунга бир неча лаҳза ўтмасдан унинг мадори қолмади ва юраги уришдан тўхтади. Нима бўлди? Узайр ўлди! Унга эшаги эргашиб бундан кейин у ҳам ўлдими? Нималар бўляпти? Шундай ўлиб қоладими? Ёки Аллоҳ Узайрга ўзи сўраган ва ўтмишдаги бузилган қишлоқ ишидаги саволига жавобни айтадими? Узайр шу ҳолда юз йил ўтказди. У ўлган эди, ҳеч ҳаракатланмасди, шу муддат ўтгач, Аллоҳ таоло унга ҳаёт берди, уни ўз жойидан тирилтирди, уни қайтадан тирик ҳолига келтирди, Узайр ухлаб қолган сўнгра уйғонган деб ўйлади. Ҳақиқатда эса у ўлган, сўнгра Аллоҳ унга жавобни баён қилиш учун тирилтирган эди: шундай ҳолда экан осмонда бир фаришта Узайрнинг жойига яқинроқ жойга

тушади ва унга савол берди: Эй Узайр, сенинг жисминг бу ерда ҳаракатсиз ва ҳеч нарса қилмасдан қанча вақт қолиб кетганини биласанми? Узайр жавоб берди: кўп ухламадим, ўйлайманки бир кун ёки ярим кун ухладим! Фаришта шундай деди: Эй Узайр йўқ, сен ухламадинг, балки ўлган эдинг! Аллоҳ сени юз йилга ўлдирди сен буни билмадинг, бу шаҳар сен ўлган вақтда бу шаҳар бутунлай ўзгарди, сен таниган ва сени таниган одамларнинг кўпчилиги ўлдилар. Аллоҳ сенга ўша жавобни ўз кўзларинг билан кўрсатмоқчи, албатта бу сен саволингга жавоб топишинг ва Аллоҳ ўликларни қандай тирилтириши, уларни чириб кетган суякларга айлантирганидан кейин яна қайтаришини билиб олишинг учун дарс бўлади. Сен албатта юз йил ўлик ҳолда бўлдинг, сендан фақатгина ҳар хил суяклар қолди, сўнгра Аллоҳ қудрати ила уларни қайтадан жамлади ва унинг ичига руҳ пуфлади, эй Узайр сен тирилдинг, энди эса ўлишингдан олдин ўзинг билан бўлган далилларни кўрасан. Узайр ўзини ҳайрон қолдирган нарсани эшитганидан кейин жавобни тўлиқ билишга шошилди. Эй узайр, биласанки сен қишлоққа киришингдан ва саволингни беришингдан олдин бир эшак минган ва яхши егуликлар билан тўлган саватчани кўтариб олган эдинг, шундай эмасми? Узайр жавоб берди: ҳа, лекин эшак ва саватча ҳозир қаерда? У деди: кел, саватчадаги таоминг ва ичимлигингга қара, сўнгра таомингни қайтадан текшир, сен уни ўз ҳолида кўрмаяпсанми Аллоҳ уни қайтадан ҳудди сен ташлаб кетгандек қилиб қўйди. Сўнгра кел ва мана бу суякларга қара. Бу эшагининг суяклари, бироз кутиб тур, шу пайт суяк бир жойга йиғилади! Аллоҳ унга қайтадан гўшт кийгизади, бироздан кейин эса эшагинг яна ўрнидан туради! Қарагин буларнинг барчаси сенинг олдингдадир!!! Узайр фариштанing сўзини эшитганида ҳайратланди ва таом ичимлик ҳеч ўзгармасдан ўз ҳолига қайтганини ва эшакнинг эса суяклари жамланганини, устида гўшт пайдо бўлиб бироздан кейин ҳудди юз йил ичида ҳеч ўлмагандек ҳаракатланган эшакнинг жасадига айланганини кўрганида унинг ҳайрати янада ортиб борди! У киши аввалги ишни эсидан чиқариб қўйди, лекин у иймони ва саботининг тезлик билан ортиб бораётганини сизди, у ҳақиқатни кўз ўнгида кўрди, жавобни мукамал билиб олди, сўнгра иймони комил мўъминнинг овози ила шундай деди: "Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирлигини билдим". Сўнгра фаришта деди: албатта булар сен билан бўлиб ўтган ишлардир, булар сенинг кўнглинг хотиржам бўлиши ва ўликларнинг узоқ вақтдан кейин Қиёмат кунида тирилиши ва ҳаётга қайтарилишининг осон иш эканини билдириш учундир, лекин сен қарагин!? Албатта бу билимга барча мўъминлар эга бўлишлари керак, қани эй Узайр, одамларга уни ўргатиб иймонларини янада зиёда қилгин. Узайр яна йўлга тушади, у йўлни қийинчилик билан топади, унинг атрофидаги барча нарсалар янги эди. Одамлар ўзгарган (авлодлар алмашган) ва уйлари янгидан қурилган, барча барча нарсалар янгидир, Аллоҳ унга одамларга исбот қилиш ва улар Аллоҳнинг қудратига иймон келтиришлари ҳамда иймонлари янада зиёда бўлиши учун аниқ мўъжиза ва оятларни ато этди. Лекин бу узоққа чўзилмади, иймон келтирганларнинг кўпчилиги яна адашган эди, чунки улар Узайрни эъзозлаб:

"Узайр Аллоҳнинг ўғлидир", дер эдилар.

"Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар. Насоролар: «Масих Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар. Бу оғизлари билан айтган гапларидир. Аввалги куфр келтирганларнинг гапига ўхшатадилар. Аллоҳ уларни лаънатласин. Қаён бурилмоқдалар?!" (Тавба, 30-оят) "Узайр алайҳиссалом Аллоҳнинг ўғли" деган сафсата Саодат асрида яшаган баъзи яҳудийларнинг ақидаси бўлса ҳам яҳудийларнинг кўпида бундай ақида бўлмаган. Кейинги асрларда баъзи мўътабар мусулмон манбаларига кўра, Фаластин атрофида яшайдиган баъзи яҳудийлар бор эканки, ушбу ақидада бўлишгани учун уларни "азизлар" деган

ном билан аташар экан. Насронийларда эса ҳозиргача Исо Масихни Аллоҳнинг фарзанди, деган нотўғри гапга ишониб юривчилар кўпчиликини ташкил этади.

КАЗЗОПЛАР

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Токи дажжоллар ва каззоблар чиқмагунча қиёмат қоим бўлмас. Улар ўттизга яқиндирлар. Уларнинг барчалари ўзининг Аллоҳнинг расули эканини даъво қилади», дедилар». Тўртовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Дажжол-макрчи, адаштирувчи ва алдовчи.

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Токи менинг умматимдан баъзи қабилалар мушрикларга қўшилмагунча ва бутларга ибодат қилмагунларича қиёмат қоим бўлмас. Келажакда умматимда ўттизта каззоб бўлур. Уларнинг ҳар бири ўзининг набийлигини даъво қилур. Ҳолбуки, мен набийларнинг хотими-туғатувчисиман. Мен-дан кейин набий келмас», дедилар».


Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Шарҳ: Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳининг ривоят-ларида каззоблар йигирма еттита бўлиши ва улардан тўрттаси аёл кишилиги айтилган. Улардан Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаётлик даврларида чиққан учталари; Мусайлима тул Каззоб, ал-Анасий ва Ибн Сайёдлар ҳақидаги ривоятлар келаси сатрларда келади. Аммо Пайғамбар алайҳиссаломдан олдин ҳам, кейин ҳам пайғамбарлик даъвосини қилганлар чиққан. Мазкур каззоблар ичида Мужтор ас-Сақафий, Ғулом Аҳмад Қодиёний, Баҳоуллоҳ, Муқанна, Баҳофарид ва бошқа каззоблар. Қуйида уларнинг энг оммалашганларини келтириб ўтамиз.

ЗАРДУШТ

(Ғарбда Зороастр, Заратуштра)

Тахминан мил. авв. VII-VI асрларда яшаган



Зардушт ҳақидаги маълумотлар тўғрисида авестолог олимлар ҳали ҳам аниқ бир хулосага кела олишгани йўқ. Шундай бўлса ҳам, биз сизга у ҳақида илмий тадқиқотлардан келиб чиқиб, аниқроқ маълумот беришга ҳаракат қиламиз. Авестада Зардуштнинг яшаган жойи сўзлар орқали тасвирланади. Бу тасвирлар кўпроқ Хваризм (ҳозирги Хоразм)га мос келади. Шунинг учун кўп олимлар Зардуштнинг ватанини ҳозирги Хоразм деб тахмин қилишади.

Зардушт тарихий шахс бўлиб, файласуф, астролог ва шоир бўлган (айрим олимлар Зардуштнинг тарихда бўлганлигига ҳам шубҳа қиладилар). У Спитама уруғининг бой бўлмаган вакили Пурушаспаниннг ўғли бўлган. Спитама қабиласи политеистик (кўпхудолик) эътиқодда бўлишган. Уларнинг худолари қаторида Ахура

Мазда ҳам бўлган. Зардушт ёшлигидан фақат Ахура Мазда худосига сиғинган, бошқа худоларни эса тан олмаган. У ўз худосини қаттиқ яхши кўрган. У ўз худосини якка худога айлантириш учун ўзини 30 ёшида Ахура Мазданинг пайғамбари (элчиси) деб эълон қилади. Зардуштийлар бунга далил сифатида қуйидаги афсонани келтирадilar: "Бир кун эрта тонгда Зардушт сув олиш учун дарё бўйига борибди. Зилол сувида у Ахура Мазда элчиларидан бирининг сиймосини кўриб қолибди, сиймо нур билан қайси томонга боришга йўл кўрсатибди. Зардушт сеҳрли нур изидан эргашибди, кўп ўтмай олий илоҳ Ахура Мазда қаршисига бориб қолибди. У эса Зардуштни худо Ахура Мазда ва унинг эзгу амаллари ҳақидаги билимларни тарқатиш учун танлаганини маълум қилибди". Зардуштийлар Зардуштни пайғамбарлигига далил сифатида қуйидаги ривоятни келтирадilar: "У Денавр номли жойда кўзи кўр киши олдидан ўтиб кетаётиб, фалон ўсимликни олиб, сиқиб сувини кўзига қўйинглар, деган эди. Шундай қилинганда, ҳалиги одамнинг кўзи очилди". Мусулмон олимлар эса, бу Зардуштнинг мўъжизаси эмас, балки ўсимликларнинг хусусиятини яхши билишига дахлдор, дейдилар.

Ибронийлар Зардуштни Илёс алайҳиссаломнинг шогирди бўлган, деб даъво қилишади. Зардушт ўзининг "туғилиш китоби"да болалик вақтида Харронда ҳикматшунос Илёсдан илм ўрганганини айтган. Лекин Эски Аҳд китобларида ажратилган пайғамбарлар бўлимида Илёс алайҳиссалом ҳақида сўз юритилади, лекин Зардушт исми кимса учрамайди. Агар Зардушт яҳудия пайғамбарларига алоқадор шахс бўлганида зикр қилинарди. Шунинг учун ҳам самовий динлар Зардуштни пайғамбарлигини тан олишмайди.

ЗАРДУШТ НЕГА ПАЙҒАМБАРЛИКНИ ДАЪВО ҚИЛДИ?

Зардуштни бундай миссияни олиб боришига сабаблар қуйидагича бўлиши мумкин:

- 1) ўзи яшаётган ҳудудда сиёсий ва ижтимоий тарқоқлик;
- 2) қўшни халқлар ҳужумига тайёр туриш учун бирликка даъват қилиш;
- 3) ўз худосини якка худоликка айлантириш;
- 4) ҳақиқий ўтган пайғамбарлага ҳавас қилиш. (бу эҳтимол анча кучсиз)

Зардушт яшаётган заминда аҳоли тарқоқ ҳолатда яшарди. Ҳамма инсоннинг ўз худоси бор эди. Табиийки, бундай тарқоқ кун кечириш қўшни душманлардан ҳимояланишга имкон бермасди. Уларни бирлаштиришнинг бирдан бир йўли аҳолини якка худолик эътиқодида бирлаштириш эди. Зардушт ўқимишли файласуф бўлганлиги учун бу масалани жуда яхши англаб етганди. Зардушт шу йўл билангина тарқоқ қабилаларни ташқи душмандан ҳимояланиши, шунингдек, халқнинг давлатчилик тузишида якка худолик энг муҳим омил эканлигини тушиниб етди. Зардушт ўз даъватини қабиладоларидан бошлайди. Бироқ ҳали онги якка худоликка ўрганмаган аҳоли унинг даъватини қабул қилмайди, Зардуштнинг илк миссияси муваффақиятсизликка учрайди. Хусусан, ўн йил ичида атиги бир нечта эргашувчиларга эга бўлади, холос. Зардушт яшаётган жамият унинг даъватидан норозилик билдириб, секин аста уни ўз юртидан сиқиб чиқаради.

Бу ҳақда у Авестанинг илк қисми "Гата" деб номланган ваъзхонлик қўшиқларида шундай деган:

"Мен қайси ерга яширинай

Қаерга борай

Мени яқинларим, уруғим ва қабилам қувмоқда

Жамоа мени чиқариб ташлаяпти

Дуруғвантлар - кавилар, даҳйупатлар

Таълимотимни қабул этмаяпти

О, Ахура, сенинг сўзларингни қандай ифодалайман?"

У ўз юртини тарк этиб Сўғдиёна ва Марғиёна орқали Бақтрияга келади ва бу ернинг ҳукмдори Виштаспа ҳамда унинг уламоларининг ҳайрихоҳлигига эришади. Виштаспа Зардуштнинг таълимотини қабул қилади ва жангда ғалаба қозонганлиги сабабли бу таълимот халқлар орасида кенг тарқалади.

Зардуштийлик дини монотеистик дин деб аталса-да, аслида полиетистик диндир. Бунга мисол тариқасида Ахура Маздадан ташқари Митра (Қуёш худоси), Анахита (ҳосилдорлик илоҳаси), Ахраман (ўлим худоси) ва бошқаларни келтириш мумкин. Зардуштийлик дини жудайм мураккаб бир таълимотлар, ақидалар, мазҳаблар қоришмасидан ташкил топган диндир. Зардуштийлик ақидаларига кўпхудолик, оташпарастлик, маъжусийлик, манихейлик, маздакийлик ақидалари, таълимотлари қоришиб кетган.




Аввало, Ахура Мазданинг тасвири бўлмаган. Аммо зардуштийликни қабул қилган маъжусийлар ва оташпарастлар ўз худоларини ҳайкаллар, суръатлар тасвирида кўриб ўрганиб қолганликлари учун Ахура Мазданинг мавжум шамоийлини тасаввур эта олишмасди. Шунинг учун ўзларининг тасаввурида унинг тасвирини яратадилар. Зардушт тириклигида унинг ваъзлари коҳинлар томонидан ёзиб борилган. Кейинчалик унинг ваъзларини топлаб Авестанинг илк қисмларини тасниф қилишган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, зардуштийликда ҳеч қандай илоҳий ҳақиқат йўқдир. Бу дин самовий динлар қаторига кирмайди. Қолаверса, самовий динларнинг ҳеч бири Авестони ҳам, Зардуштни ҳам тан олмайди. Самовий динларга фақат ҳозирда мавжуд яҳудийлик, насронийлик ва ислом динлари киради. Зардуштга келсак, у пайғамбар ҳам, набий ҳам эмас. У оддий олим сифатига эга бўлган инсон. Авеста китобига келсак, бу китоб самовий-илоҳий китоб эмас. Унда замонавий илм-фанга зид ва қарама қарши ақидаларни учратиш мумкин. Зардуштнинг фикрлари ва қилган ишлари ўз замонасида маълум доирада ва ҳудудда эътиборга олинган бўлиши мумкин. Лекин, ҳеч қачон ва ҳеч ким уларни оламшумул аҳамиятига эга, деган эмас. Ҳозирда деярли унут бўлиб кетгани ҳам шунга далилдир. Демак, зардуштийлик самовий дин эмас, Зардушт пайғамбар эмас, "Авесто" илоҳий китоб эмас. Бу дин, шахс ва китоб инсоният тақдирида деярли сезиларли бирор из қолдирган эмас. Ҳозирда ҳеч ким улардан фойдаланаётгани ҳам йўқ. Ундан фақат олимлар тарихни ўрганиш учунгина фойдаланишмоқда, холос.

МОНИЙ

Милодий 216-277 йилда яшаб ўтган



Манихейликнинг асосчиси Сурак Патик исмли шахс ҳисобланади. Кейинчалик уни Мани – руҳ деб аташадиган бўлишди. Унинг тўлиқ номи X асрда араб тарихчиси Ибн ан-Надим томонидан "фиҳрист" китобида Мани ибн фаттак Бобак ибн Абу Барзам деб кўрсатилган. Манининг аждодлари Парфия ҳукмдорлари Аршакийларга қариндош бўлган ва ўз даврида Парфияга тобеъ бўлган Бобилда юқори лавозимлардан бирига тайинланган. Манининг Бобил яқинидаги Мардину қишлоғида эрамизнинг 216

йилида (аршакидлар сулоласи ҳукмронлиги ожирлаб, Сосонийлар ҳукмронлигига 10 йил қолганда) туғилганлигини айнан шу билан далиллайдилар. Манининг онаси – Мария ёзма манбаларда кўрсатилишича, Парфияда эътиборли Ашгания уруғидан бўлиб, у ҳам Аршакид сулоласидан эди. Манининг болалиги ва ёшлиги мамлакат шимолида, сомий тиллардан бирида сўзлашадиган халқлар орасида ўтди. Болалигиданоқ зукко ва қизиқувчан бўлган, доим хаёл сурувчан Мани, отасининг хизмати муносабати билан Бобил яқинидаги Ктесифон (ал-Мадоин) шаҳрига кўчиб ўтади. Шаҳар марказида жойлашган оташпарастлар ибодатхонаси ўз гўзаллиги ва виқори билан уни мафтун этади. Мани қадимги Бобил дини одатлари ва қонунларини яхши билган, чунки ўзи шунга эътиқод қилган ва тез-тез ибодатхонага келиб турган. Мани Ийсо Масийхнинг пайғамбарлигига ишонар, Мусо алайҳиссаломни пайғамбарлигига ишонмас эди. У христианлик ва ўзи эътиқод қилиб келган маъжусийликни қўшиб-чатиб, янги динга асос солади. Ўзини эса Тавротда башорат қилинган Ийсо алайҳиссаломнинг давомчиси Параклет (Форклит) деб атайти. (Ийсо алайҳиссаломдан кейинги сўги пайғамбар Муҳаммадур росулуллоҳдирлар) Шундай қилиб у ўз худосини Мани – “Икки моҳият руҳи ” деб атайти ва янги динга асос солади.

Монийнинг таълимоти ва тарғиботи

Шундан сўнг Мани ўз динини тарғиб этиб, фаолиятини бошлайди. Бу даврга келиб Аршакидлар сулоласи ўз ҳукмронлигини яқунламоқда эди, Сосонийлар сулоласи асосчисининг ўғли Ардашер Папаканинг ҳукмронлиги ниҳоясига яқинлашмоқда эди. Унинг ўғли Шопур I (242-273) Мани таълимотининг биринчи ҳомийси бўлди. Шопур тож кийиш маросимида Манига ўз таълимоти моҳиятини барчага сўзлаб бериш ва ваъзхонлик қилишга рухсат беради. Мани ўзини “осмондан юборилган” деб ҳисоблаб, ўз таълимотини эркин тарғиб қилишни бошлайди. Мани динининг асоси – ёруғлик ва зулмат ўртасидаги мангу курашдир. У ўзини эски-аввалги динларни ислоҳ қилувчи Маҳдий деб ҳисоблайди. Монийлик таълимоти қуйидагича:

Нур ва зулмат қадимдан бор ва у иккиси азалий;

Ҳайвон сўйиб ейиш ҳаром;

Жониворлар, олов, сув, ўсимликларга зиён етказиш ҳаром;

Мискинликни ихтиёр этиш;

Ҳирс ва шаҳватни йўқ қилиб ташлаш;

Тарки дунё қилиш ва бу дунёдан юз ўгириш;

Узлуксиз рўза тутиш;

Имкон борича садақа бериш;

Бир кунлик овқат ва бир йиллик кийим билан кифояланиб, қолганини ҳаром билиш;

жинсий алоқани умуман тарк этиш.


Янги динга илк чақириқни Мани ўз оила аъзолари ва яқинларига йўналтиради. Чунки зардуштийлик ва христианлик каби анъанавий динлар Бобил ва Эрон халқлари орасида кучли таъсирга эга эди, Мани таълимоти у ерда оммалашмади. Натижада Мани ўз динини тарғиб этиш мақсадида Шарққа йўл олди. У Хуросон, Турон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонда бўлди ва у ерда катта муваффақиятга эришди. У ерда аста-секин манихей жамоалари пайдо бўла бошлади.

Мани у ерлардан қайтганидан сўнг, унинг динини Сосонийлар сулоласининг биринчи ҳукмдори Ардашер Попаканинг ўғиллари Фируз (Пероз) ва Миршоҳ қабул қилдилар. Сулоланинг иккинчи вакили Шопур I ҳукмдорлиги даврида Манининг обрўси саройда янада ошди ва у давлатнинг диний-ғоявий маслаҳатчисига айланди. Шундан бошлаб Мани Шопур саройида хизмат қила бошлади (Эътибор

беринг, пайғамбарларга хос бўлмаган сифат ва амаллар). Мани ҳукмдорни барча тадбирларда ва мамлакат бўйлаб сафарларида кузатиб борди. 244-261 йилларда Мани Миср ва қатор Ғарбий Оврупа, Марказий ва Шарқий Осиё мамлакатларида миссионерлик фаолиятини самарали ўтказди. Бунда унга Мар Аммо каби издошлари яқиндан ёрдам бердилар. Мани ўз асарларидан бирида шундай ёзган: "Менинг диним барчага ва турли тилларда тушунарли бўлади ва узоқ мамлакатларга тарқалади". Шопур I нинг ўлимидан кейин тахтга ўғли Хурмзид I (272-283) ўтирди. Бироқ унинг ҳукмронлиги узоққа чўзилмади, ундан кейин тахтни Шопурнинг бошқа ўғли – Варахрон I (Бахром) эгаллади. У зардуштийликка эътиқод қилувчилардан эди. Шунинг учун у ҳукмронлик қилаётган даврда зардуштийлик бошқа мавжуд динларга, жумладан манижейликка нисбатан улуғлана бошлади. Зардуштликлар Мани таълимотини кескин қоралади. Варахрон I ҳукмронлиги даврида зардуштийликнинг эътиборли тарафдорларидан бири, Сосонийлар давлатининг олий ҳаками ва диний устози Картирнинг фармойишига асосан манижейлик бошқа динлар қатори тақиқланди. Ноанъанавий дин тарафдорларини таъқиб қилиш 275 йилда Манини қамоққа олиш ва 277 йилда қатл этиш билан якунланди. Диний таъқиблар натижасида зардуштийлик Эронда давлат динига айланади. Манижей жамоалари таъқиб қилинишда давом этди ва бутун Шарқ бўйлаб тарқалиб кетди. Картир даврида барча яҳудийлар, буддистлар, брахманлар, христианлар, манижейликлар қатъий таъқиб этилиб қатл қилиндилар, уларнинг худолари ва ибодатхоналари ўрнида зардуштийлик олов ибодатхоналари қурилди. Манижейликнинг муқаддас китобларига: "Шопуракон", "Тирик инжил", "Прагматея", "Кефалайя" ва бошқал кирради. Уларда манижейлик динининг моҳияти ва талаблари ифода этилган. Бу китоблар Моний томонидан ёзилган. Хулоса қиладиган бўлсак, бу шахс ва унинг таълимоти ҳам каззопликнинг бир кўринишидир. Инсон учун қанчалик муҳим ва масъулиятли бўлган Аллоҳнинг пайғоминини ҳеч нарсадан тап тортмасдан ўзлаштириб ўз манфаатлари йўлида фойдаланган, ёлғондан ўзини набий деб эълон қилган сохта пайғамбарни қандай қилиб эзгулик машали сифатида эътироф этиш ва унга эргашиш мумкин? Бундай сохтакорларнинг ўзи ҳам, таълимоти ҳам мудом мағлубликка маҳкумдир.

МАЗДАК

Милодий 470-529 йилда яшаган



Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, бу кишининг исми Маздак ибн Ҳамдодон бўлиб, Нисо аҳлидандир. Маздак сосонийлар ҳукмдори Қубод ибн Ғируз даврида Эроннинг бош қоҳини лавозимида ишлаган. У ўзини пайғамбар санаб санавийликка даъват қила бошлайди ва таълимотининг кўп жойларида мамлакатда мавжуд зардуштийлик таълимотига мухолифлик қилади. У барча одамлар (эркаклар) мол-мулк ва хотинлар масаласида бир-бирларига шерикдирлар, дейди ва буни зўрлик йўли билан тарғиб қилиш керак деган ғояни илгари суради. Унинг таълимотига кўпчилик эргашади. Унга эргашганларнинг кўпчилиги ерсиз қарам мазлум халқ бўлган. Чунки Маздак жамиятда ҳаммининг ким

бўлишидан қатъи назар мол-мулкда ва бойликда тенг ҳуқуқли бўлишини талаб қилган. Шунинг учун ҳам бу таълимот мазлум халққа малҳамдек туйилган. Қубод ҳам унга иймон келтиради. Баъзи эронликларнинг айтишича, Қубод Маздакка фақат унинг эргашувчилари кўпайган пайтда давлат учун ҳавфли бўлишидан қўрқиб, мажбурий суратда эргашган. Баъзиларнинг айтишича, Маздак ҳийлагар бўлган. У Қубоднинг ўз амакиси ўғлининг хотинини яхши кўриб қолганини билгач, усталик қилиб шу мазҳабни ўйлаб топган ва эълон қилган. Қубод уни дарров қабул қилган. Маздак Қубодга чорва молларини то ажали етгунча сўйишни ман қилган ва унга: "Ўғлинг Анушервоннинг онаси билан ётиб, ундан лаззат олмагунимча сенинг истагинг тўла муяссар бўлмайди", - деган. Шунда Қубод ноиложликдан унинг сўзини қабул этиб, ўз хотинини унинг ихтиёрига берган. Шу вақт Анушервон Маздакнинг олдига келиб, ундан онаси билан бундай иш қилмаслиги учун ялиниб ёлборади. Ҳатто оёқларига тиз чўкиб, уни ўпади. Ниҳоят Маздак Анушервоннинг онасини тинч қўйиб уни миннатдор қилган. Кейинчалик Анушервон тахтга ўтиргач, биринчи қилган иши Маздак ва унга эргашганларни ушлаб, оёқларини осмондан қилиб қудуққа ташлашдан иборат бўлди. Маздакни эса қатл эттирди. Анушервон доимо: "Маздак кунига боғлиқ бирон нарсага эътибор берсам, албатта, бурнимда унинг оёқларини ўпган вақтимдаги пайтавасининг ҳидини сезаман", дер экан. Назариётчи олимлар эса бундай айтишади: Маздакнинг асл мақсади мамлакатдаги катта имтиёз ва ерларга эга бўлиб олган зардуштийлар қоҳинларининг имкониятларини чеклашга ва жамиятдаги барча одамни ким бўлишидан қатъи назар тенг ҳуқуқли бўлишига эришиш бўлган. Маздак эркаклар 4 "3" яъни, замин, зар, зур, зан да тенг бўлишлари кераклигини ва буни зўрлик йўли билан амалга ошириш тарафдори бўлган. Буни амалга ошириш учун Маздак ўзини янги пайғамбар деб эълон қилган. Кейинчалик маздакизм тарафдорлари Араб "халифалиги" даврида ўзларини "янги пайғамбар" деб даъво қилаверишган. Буларга: Муқанна, Бобек, Кармат ва бошқалар мисол бўла олади. Маздакка эргашганлар кейинчалик ўз мазҳабларини "маздакийя" деб атайдиган бўлишди. Маздак ўзини Авестонинг шарҳловчиси ва таъвилчиси деб ҳам даъво қилган.

Хулоса қилиб айтганда, бу кимса пайғамбар ҳам, набий ҳам эмас. Маздак асос солган таълимот эса ижтимоий масалаларни ҳал қилиш ҳақида. Бу таълимотни илоҳийликка мутлақо алоқаси йўқ. Қолаверса, Маздак аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиқмаган, аксинча уларга мулк сифатида тақсимланишини йўқлаб чиққан. Анушервон Исломдан олдинги енг одил шоҳлардан бўлганлиги барчамизга сир эмас. Энди шундай қаллобликлари учун адолатли шоҳ Анушервон томонидан қатл қилинган Маздакни кўкларга кўтараётганларни мақсадлари нима эканини билмадик.

БАҲОҒАРИД ИБН МОҲ ФУРУДУН

Милодий VIII асрда яшаган

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, бу киши Нишопур вилоятларидан бири Хавоф вилоятининг Сированд деган қишлоғида туғилган. У Завзан аҳолисидан бўлиб Аббосийлар тарафдори бўлган Абу Муслим замонида яшаган. Ишининг дастлабки давридан етти йил Хитойда яшириниб, кейин ўз юртига қайтиб келади. Хитой ажойиб нарсаларидан йиғиштирилган нозик ва майин, инсон кафтига сиғадиган бир кўк кўйлак олиб келди. У кечаси "Новвусга" - (бу зардуштийларнинг

ўликларни гўштидан тозалаб, кейин суякларини кўмадиган мақбара) чиқиб тунни шу ерда ўтказди. Эрталаб у ердан тушаётганда ер ҳайдаб юрган бир деҳқон уни кўриб қолади. Баҳофарид деҳқонга ўзининг ғойиб бўлиб кетганидан буён (Хитойга кетганини эсланг) осмонда бўлганини, унга жаннат ва дўзоҳ кўринганини, худо унга ваҳий юбориб, шу кўйлакни кийгизганини ва ҳозирги соатда ерга туширганини ҳикоя қилиб беради. Содда деҳқон унинг сўзига ишониб, одамларга уни осмондан тушаётган пайтида кўрганини айтади. Баҳофарид ўзини пайғамбар кўрсатиб, даъват қилгач, маъжусийлардан кўп халқ унга эргашади. У Зардуштни пайғамбар ҳисоблаб, ўзини эса унинг давомчиси сифатида даъво қилади. У Зардушт келтирган қонун-қоидалар ўзгариб кетганини ва ўзини зардуштийлик қонунларини тузатувчиси эканлигини, бунинг учун унга худодан пинҳона ваҳий келаётганини айтади. Баҳофарид ўзига эргашганларга етти маҳал ибодат қилишликка буюради. Булар худонинг яккалиги учун ибодат, осмон ва ернинг яратилгани учун ибодат, ҳайвонлар ва уларнинг ризқлари яратилгани учун ибодат, ўлим учун ибодат, қайта тирилиб ҳисоб бериш учун ибодат, жаннат ва дўзоҳ аҳлига атаб тайёрланган нарсалар учун ибодат ҳамда жаннат аҳлининг мақталиши учун ибодат қилишдан иборат. Баҳофарид ўзига тобелар учун форс тилида китоб тузиб, уларни бир тизза устида туриб Қуёш кулчаси учун сажда қилишга, қаерда бўлмасин ибодатда юзни Қуёш томонга қаратиш, соч ва кокилларни қўйиб юбориш, овқат вақтида замзама қилмаслик, чорва молларини қаримаса сўймаслик, ичимликлар ичмаслик, ўлимтик гўштини емаслик, ўз оналари, қизлари, опа-сингилларига ҳамда ака-укаларининг қизларига уйланмаслик ва махрларини тўрт юз танга билан чеклашга буюрган. Моллари ва иш ҳақларининг еттидан бирини йўлларни ва кўприкларни тузатишга буюрган.

Абу Муслим Нишопурга келиб тушганида маъжусийларнинг раҳнамолари унинг ҳузурига тўпланиб, Баҳофарид ислом динини ва ўзларининг динларини ҳам бузиб талқин қилаётганини айтадилар. Абу Муслим уни тутиб келтириш учун Абдуллоҳ ибн Шуъбани юборади. Ибн Шуъба уни Боғдис номли тоғда қўлга тушириб, сўнгра Абу Муслимнинг ҳузурига олиб келади. Абу Муслим каззоп Баҳофаридни қатл қилади. Баҳофариднинг ўлиmidан сўнг унинг тобелари унинг таълимотини "баҳофаридийя" деб номлайдилар. Тобелари унинг динига ишонадилар ва маъжусийларнинг замзамачиларига қаттиқ душманлик қиладилар. Баҳофаридийлар "Баҳофариднинг сафдошлари: "У (Баҳофарид) саман от устида осмонга чиқиб кетди, тезда қандай кўтарилган бўлса, шундай тушади ва душманларидан ўч олади", деб даъво қилар эканлар.

МУҚАННА

Милодий VIII асрда яшаган

Араб "халифалиги" даврида турли ҳудудларда халқ қўзғолонлари кўтарилган. Бу қўзғолон бошчиларининг кўплари ўзларини атрофларига одамларни йиғиш мақсадида ўзларини "пайғамбар" деб эълон қилганлар. Уларнинг сони кўплиги учун ҳаммасини келтиришнинг иложи йўқ. Биз уларнинг ичида машҳурроқ бўлганларини келтириб ўтамиз.

Бу кишининг асл исми Ҳошим ибн Ҳаким бўлиб, Марв шаҳрининг Коза қишлоғида туғилган. Унинг бир кўзи кўр бўлганлиги сабаб юзига кўк шойидан парда тутиб юрган. Шунинг учун одамлар уни "Муқанна" – "Ниқобдор" деб аташган. Муқанна ёшлигида кундугарлук – матоларга оҳор (ранг) берувчи касби билан

шуғулланган. У ўқимишли бўлганлиги учун Хуросонда кичик лашкарбошилиқдан вазирлик даражасигача кўтарилган. Муқанна Хуросон амирининг исёнида қтнашиб, пайғамбарлик даъвосини қилгани учун зиндонга ташланган, сўнгра қочиб Марвга келганч, Муқанна ўзини худо деб даъво қилади. Инсон жасадига кирмасидан аввал унга ҳеч ким қарай олмагани учун одам жасадига кирганини айтади. У яшаётган мамлакатда мусулмонлар ҳукмрон эдилар. Маҳаллий аҳоли тилида мумулмон бўлса-да, аслида ўзларини эски динларида эдилар. Муқанна мусулмонларга қарши бош кўтаришга халқни бирлаштириш учун Маздакнинг ғояларини тарғиб қила бошлади. Муқанна Амударё орқали Кеш ва Насаф томонларига ўтади. Маҳаллий ҳукмдордан ёрдам сўраб, ўз атрофига "оқ кийимлилар" ва туркларни йиғади. Муқанна ўзига эргашганларга бошқаларнинг моллари ва хотинларини ҳалол қилди, бунга эътироз билдирганларни эса ўлдириб юборди. Маздакнинг барча ғояларини уларга қонун қилиб белгилайди. Шундай қилиб Муқанна қўзғолон ҳаракатини бошлаб юборади. "Оқ кийимлилар" қўзғолонини бостириш учун халифа Мансур 775 – йилда Жаброил ибн Яҳё бошлиқ ҳарбий кучни Мовароуннаҳрга сафарбар қилади. Аммо Жаброил қўзғолончилардан енгилди. Муқанна ўзи эгаллаб олган жойларда ўн тўрт йил ҳукмронлик қилди. Ниҳоят, 783 – йилда Муқаннанин Сом қалъасидаги қароргоҳи мусулмонлар томонидан қамал қилинади. Узоқ қамалдан сўнг курашдан тинкаси қуриган муқанначилар таслим бўладилар. Муқанна шу пайтда ўзининг тобелари унинг худо эканига ишониши учун ҳозир ўзимни оловга ташлайман-у, йўқ бўлиб кетаман, дейди. Лекин унинг ёлғони иш бермади, аксинча уни жасадини тандирдан топишди. (Ҳолбуки Худо ўлмайди, лекин у ўлди) У йўқ бўлиб кетмади, инсон жисмига хос ўлим топди. Куйган бўлса ҳам, жасади қолди. Ёлғон ва сохтакорлик доимо мана шундай шармандачиликка учрайди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида чиққан сохта пайғамбарлар

МУСАЙЛИМА ВА АЛ-АНАСИЙ КАЗЗОБЛАР

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мусайлматул Каззоб Набий алайҳиссаломнинг даврларида Мадинага келди ва «Агар Муҳаммад менга ўздан кейин ишнинг ярмини берадиган бўлса, унга эргашаман», деди. У ўз қавмидан кўп киши билан келган эди. Расулulloҳ алайҳиссалом у томон бордилар. У зот би-лан бирга Собит ибн Қайс ибн Шаммос ҳам бор эди. Расулulloҳ алайҳиссаломнинг қўлларида хурмо шожининг бўлаги бор эди. У зот шериклари ичида ўтирган Мусайлиманин устига келиб тўхадилар ва: «Агар мендан манашу бўлакни сўрасанг ҳам бермайман. Аллоҳнинг иши сенга ўтмайди. Агар қайтсанг, Аллоҳ сени бўғизлайди. Менимча сен тушимга кирган одамсан. Манабу Собит менинг ўрнимга сенга жавоб беради», дедилар ва ўгрилиб кетдилар.

Ибн Аббос айтади: «Абу Ҳурайрадан Расулulloҳ алайҳиссаломнинг «Менимча сен тушимга кирган одамсан» деган гаплари ҳақида сўрадим. Бас, у: «Расулulloҳ алайҳиссалом «Мен ухлаб ётганимда икки қўлимда иккита тилло билакузукни кўрдим. Уларнинг ҳоли мени ташвишга солди. Менга тушимда «уларга пуфла» деб ваҳий қилинди. Бас, мен иккисига пуфладим. Иккиси ҳам учиб кетди. Мен иккисини мендан кейин чиқадиган икки каззобга таъвил қилдим.

Улардан бири ал-Анасий ва бошқаси Мусайлима», деди-лар», деди». Бошқа бир ривоятда: «Мен иккисини мен ўрталарида бўлган икки каззобга; Санъо соҳиби ва Ямома соҳибига таъвил қилдим», дейилган. Икки шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Бани Ҳанийфа элчилари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганда уларнинг ичида машҳур бузғунчи Мусайлима тул Каззоб ҳам бор эди. Бу набокор аввалроқ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мактуб юборган эди. Мактубда қуйидагилар айтилганди: «Аллоҳнинг Расули Мусайлимадан, Аллоҳнинг Расули Муҳаммадга. Аммо баъд; Мен бу ишда сенга шерик бўлдим. Бу иш-нинг ярими бизгадир. Унинг ярими Қурайшгадир. Қурайш адолат қиладиган қавм эмаслар». Ушанда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қуйидаги жавобни ёзгандилар: «Бисмиллаҳар роҳманир роҳийм. Аллоҳнинг Расули Муҳаммаддан, Мусайлимага. Ҳидоятга эргашганларга саломлар бўлсин. Аммо баъд; Албатта, ер Аллоҳнинг мулкидир. Уни Ўз бандаларидан кимга хоҳласа ўшанга мерос қилур. Оқибат тақводорларникидир». Бани Ҳанийфа элчилари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирганларида Мусай-лимани У зотдан кийимлари билан тўсиб турган эдилар. Бу каззоб шу ерда ҳам ўз набокорлигини қилганди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўз султонла-ри остидаги нарсанинг бир қисмини беришларини сўраганди. Шунда У зот қўлларидаги чўпни кўрсатиб: «Сенга маншу чўпни ҳам бермайман», дегандилар. Мусайлима тул Каззоб Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин бош кўтарди. У яна пайғамбарлик даъвосини қилди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Икрийма ибн Абу Жаҳл лашкарини ўша Нажд тарафдаги, Ямомадаги Мусайлима тул Каззобга юборди. Унинг ортида мадад учун Шурҳабийл ибн Ҳасанани яна бир лашкар билан юборди. Икрийма Шурҳабийл ибн Ҳасанани кутиб турмасдан, ўзи ишни битирмоқчи бўлиб, шошилиб Мусайлиманинг аскарлари билан тўқнашди ва енгилди. Абу Бакрнинг ундан аччиғи чиқди ва Мадинага қайтиб келмасдан Яманга бориб Ҳузайфа ва Аржафага қўшилишга, улар билан бирга Аҳли маҳарга қарши уруш қилишга амр қилди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Холид ибн Валидга одам юбориб уни Мусайлима томон юришга амр қилди. Унга муҳожир ва ансорлардан иборат катта лашкарни мададга юборди. Шурҳабийл ибн Ҳасанани одам юбориб Холидни кутиб туришга амр қилди. Мусайлиманинг қирқ минг кишилик лашкари бор эди. Мусайлима ва Бани Ҳанийфаликлар Холиднинг кела-ётганини эшитиб Ямоманинг четига аскаргоҳ қилиб одам тўпладилар. Уларга жуда кўп одам қўшилди.

Холид ҳам яқинлашиб келарди. Унинг лашкари олди-да Шурҳабийл ибн Ҳасана боради. Бани Ҳанийфанинг аскаргоҳига бир кечалик йўл қолганда уларнинг Омирдан ўч олиб келаётган бир жангчи гуруҳини учратди. Бу гуруҳга Бани Ҳанийфанинг улуғларидан Мажоъа ибн Ма-рора бошлиқ эди. Холид амр қилиб бошлиқларидан бошқасини қатл этдирди. Сўнгра Холид бориб муртадлар лашкари ила тўқнашди. Икки томон қаттиқ жанг қилди. Дастлаб му-сулмонларнинг иши юришмади. Муртадлар Холиднинг чодиригача етиб келдилар ва унинг хотинини асир олмоқчи бўлдилар. Уларни Мажоъа бу ишдан қайтарди. Сўнгра мусулмонлар бирлашдилар ва Аллоҳ уларга Ўз сақинасини нозил қилди. Холид ўз одамлари ила ҳамла қилиб муртадларни ортига қайтарди. Бани Ҳанийфаликлар аччиқланиб шиддатла жанг қилдилар. Холид уруш Мусайлиманинг зиддига бўлаётганини англади. Уни яккама-якка олишувга чақирди. У олишувга чиқди ва иши оғирлашиб қолганда қочди. Унинг одамлари ҳам қочишга турди. Холид мусулмонларга нидо қилди. Улар бирдан ҳамла қилиб муртадларни шармандаларча муғлуб этдилар. Муртадларнинг қолганлари Мусайлиманинг Ҳадийқатур Роҳман номли боғига кириб олишди. У қўрғонга кириш мусулмонлар учун қийин бўлди. Ансорийларнинг шижоатлиларидан Барроо ибн Молик, мени

боғнинг ичига отинглар, деди. Шерикларни уни ўша боғнинг ичига улоқтирдилар. Унинг ёлғиз ўзи дашман билан жанг қила туриб эшикни очди. Мусулмонлар ундан кириб душманни қатл қилдилар. Қатл этилганлар ичида Мусайлима ҳам бор эди. Уни Ҳамза ибн Абдулмуттолибнинг қотили Ваҳ-ший билан яна бир ансорий ўлдирдилар. Ўша вақтда Мусайлима юз эллик ёшда эди. Шунингдек, Яманлик Асвад ал-Анасий номли каззоб ҳам пайғабарлик даъвосини қилиб чиққан эди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳу Муҳожир ибн Абу Умайя бошлиқ лашкарни Асвад Ал-Анасийнинг аскарларига қарши юборди. Муҳожир уларни енгиб Ислом ҳукмини қайтадан ўрнатди.

ИБН САЙЁДНИНГ ЗИКРИ

Пайғамбар алайҳиссаломнинг даврларида Мадинаи Мунавварада Ибн Сайёд номли бир одам бўлган. Унинг кўпгина сифатлари Дажжолнинг сифатларига ўхшаган. Кўпчилик уни Дажжол шу бўлса керак деб ўйлаган. Пайғамбар алайҳиссалом ҳам уни кўрганлар ва у билан гаплашганлар. Ибн Сайёдни гоҳида Ибн Соид номи билан ҳам аталган. Келаси сатрларда ана ўша одам ҳақида келган бешта ривоятни ўрганиб чиқамиз.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳу Расулуллоҳ алайҳиссалом билан бир тўп кишилар ичида Ибн Сайёд томон борди. Уни, ёш болалари билан Бани Мағола қўрғони олдида ўйнаб юрган-да топдилар. Ўша кунларда у балоғат ёшига етай деб қолган эди. Расулуллоҳ алайҳиссалом қўллари билан унинг орқасига урмагунларича у сезмади. Сўнгра у зот унга: «Менинг Аллоҳнинг расули эканимга шоҳидлик берасанми?» дедилар.

«Шоҳидлик бераманки, сен уммий-саводсиз-ларнинг расулисан», деди. Кейин Ибн Сайёд: «Менинг Аллоҳнинг расули эканимга шоҳидлик берасанми?» деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом ундан бош тортди-лар ва «Аллоҳга ва Унинг расулларига иймон келтирдим» дедилар. Кейин Расулуллоҳ алайҳиссалом унга: «Нимани кўрасан?» дедилар. «Мен содиқ ва козиб келади», деди. «Унда сенга иш аралаш-қуралаш бўлиб ке-тибди», дедилар Расулуллоҳ алайҳиссалом ва сўзларида давом этиб «Мен сенга бир нарсани беркитдим» дедилар.

«У дух» деган эди. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Жим бўл!» Ўз ҳаддингдан ошма!» дедилар. Шунда Умар ибн Хаттоб: «Эй Аллоҳнинг расули Менга қўйиб беринг. Унинг бўнига урай!» деди. «Бу ўша бўлса, унга устун кела олмайсан. Агар ўша бўлмаса, сенинг учун бунинг қатл этишда яхшилик йўқ» дедилар. Тўртовлари ривоят қилишган. Муслим: «Ўшанда кейин Расулуллоҳ алайҳиссалом ва Убай ибн Каъб Ибн Сайёд турган хурмозорга бор-дилар. У зот хурмо шохлари орасига беркиниб Ибн Сайёд ўзларини кўрмасидан олдин ундан бир нарса эшитиш учун яшириндилар. У эса тўшак ус-тига яхтак чопон кийиб олиб ёнбошлаб олган эди. Тушуниб бўлмайдиган овоз чиқарди. Ибн Сайёд-нинг онаси Набий алайҳиссаломнинг хурмо шох-лари орқасида турганларини кўриб ўз ўғлига: «Эй Софи! Ана Муҳаммад!» деди. Ибн Сайёд сапчиб турди. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Агар (онаси) уни тек қўйганида равшан бўлар эди», дедилар».

Шарҳ: Бу ривоятда Ибн Сайёд ҳақида бир қанча маълумотлар келган:

1. Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг бир гуруҳ саҳобалар билан унинг олдига борганлари. Афтидан Ибн Сайёд ҳақида гап кўпайиб кетган-нидан кейин Расулуллоҳ алайҳиссалом уни ўзлари кўрмоқчи бўлганлар.
2. Ўша пайтда Ибн Соид балоғат ёшига яқинлашиб қолган ёш бола экан.
3. У Пайғамбар алайҳиссаломга иймон келтирмаган.
4. Ибн Сайёд Расулуллоҳ алайҳиссаломни ўзига иймон келтиришга чақирган.
5. Ибн Сайёдга гоҳ рост, гоҳ ёлғон гапирадиган иблис келиб турган бўлган. Буни Расулуллоҳ алайҳиссалом унинг гапларидан билганлар.
6. Набий алайҳиссалом уни синаб кўришга савол ҳам берганлар ва унинг ҳаддан ошаётганини кўриб қаттиқ танбеҳ берганлар.
7. Ибн Сайёднинг нобокорлигини кўргандан сўнг ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ алайҳиссаломдан уни қатл қилишга изн сўраганлар. Аммо Расулуллоҳ алайҳиссалом у Дажжол бўлган тақдирда ҳам, бўлмаганда ҳам қатл қилишдан фойда йўқлигини уқтирганлар.
8. Пайғамбар алайҳиссалом беркиниб туриб Ибн Сайёдга билдирмай унинг гапларини эшитиб кимлигини аниқламоқчи бўлганлар. Аммо Ибн Сайёднинг онаси пайқаб қолиб жалақит берган.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссалом, Абу Бакр ва Умарлар билан бирга унга Мадинанинг баъзи йўлларида учрашдилар. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом унга: «Менинг Аллоҳнинг расули эканимга шаҳодат келтирасанми?» дедилар. «Менинг Аллоҳнинг расули эканимга шаҳодат келтирасанми?» деди у ҳам. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Аллоҳга, Унинг фаришталарига ва китобларига иймон келтирдим. Нимани кўрасан?» деди-лар. «Сув устида турган Аршни кўраман», деди. Бас, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Иблиснинг денгизда турган Аршини кўрар экансан. Яна нимани кўрасан?» дедилар. «Икки содиқни ва бир козибни ёки икки козибни ва бир содиқни кўраман», деди. «Бунинг боши айланган. Қўяверинглар», дедилар».

Шарҳ: Бу ривоят аввалгисини таъкидлаш билан бир-га Ибн Сайёднинг Иблис билан алоқадорлигини очиқ-ойдин баён қилмоқда. Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Биз ҳажга ёки умрага чиқдик. Биз билан Ибн Соид ҳам бор эди. Бир манзилга тушдик. Одамлар тарқалиб кетдилар. Мен у билан қолдим. Бас, унинг ҳақида айтилган нарсалар туфайли ўзимда унинг олдида ғалати хавфсираш сездим. У ўз матоҳларини олиб келиб менинг матоҳларим устига қўйди. Мен унга «Иссиқ кучайиб кетди. буларни анави дарахтнинг остига қўйсанг қандоқ бўларкин» дедим. У ўшандоқ қилди. Узоқдан қўйлар кўринди. У бориб бир қадаҳ кўтариб келди ва: «Ич, эй Абу Саъид», деди. «Иссиқ кучайиб кетди. сут ҳам иссиқ», дедим. Менда унинг қўлидан бир нарса ичиш ёки унинг қўлидан бир нарса олишни ёқтирмасликдан бошқа нарса йўқ эди. Бас, у: «Эй Абу Саъид! Одамлар менинг ҳақимда ай-таётган гаплардан безиб бир арқонни олиб, да-рахтнинг шохига боғлаб ўзимни бўғиб қўйсаммикан деб қасд қиламан.

Эй Абу Саъид! Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳадислари кимгадир махфий қолган бўлса бор-дир. Аммо сиз ансорийларга махфий қолган эмас. Сен одамлар ичида Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳадисларини энг яхши билув-чилардан эмасмисан?! Расулуллоҳ алайҳиссалом (Дажжол ҳақида) «у кофир» деган эмасмилар?! Мен эса мусулмонман. У зот «У бепуштдир, ундан туғилмас»

демаган эдиларми?! Мен эсам боламни Мадинада қолдириб келдим. Расулуллоҳ алайҳиссалом унинг ҳақида «У Мадинага ҳам, Маккага ҳам кирмас» демаган эдиларми?! Мен эса Мадинадан келмоқдаман ва Маккани ирода қилмоқдаман», деди.

Абу Саъид: «Хаттоки мен уни узрини қабул қилай дедим. Сўнгра у «Аmmo мен уни биламан, туғилган ерини ҳам биламан ва ҳозир у қаердалигини ҳам биламан» деди. Мен унга «Бугундан бошлаб сенга ҳалок бўлсин!» дедим», деди». Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Пайғамбар алайҳиссаломдан кейин ҳам Ибн Сайёднинг иши ноаниқлигича қолган экан. Одамларнинг ичида унинг ҳақида ҳар хил гаплар юрар ва одамлар ундан қочар эканлар. Ушбу ривоят ровийси Абу Саъид розияллоҳу анҳу ҳам уларнинг бирлари экан. Аммо тақдирнинг тақозоси ила ҳаж ёки умра сафариди Ибн Сайёд билан ҳамсафар бўлиб қолиб ноилоҳ у билан суҳбатлашиб бир қанча гаплардан хабардор бўлган эканлар.

1. Ибн Сайёд одамларнинг ўзи ҳақидаги гапларидан сиқилиб ўзини ўзи осмоқчи бўлиб юрар экан.

2. Ибн Сайёд ўзининг Дажжол эмаслигини таъкидлар экан. Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳадисларидан далиллар келтирар экан.

3. Расулуллоҳ алайҳиссалом (Дажжол ҳақида) «у кофир» деган эмасмилар?! Мен эса мусулмон-ман.

4. У зот «У бепуштдир, ундан туғилмас» демаган эдиларми?! Мен эсам боламни Мадинада қолдириб келдим.

5. Расулуллоҳ алайҳиссалом унинг ҳақида «У Ма-динага ҳам, Маккага ҳам кирмас» демаган эди-ларми?! Мен эса Мадинадан келмоқдаман ва Маккани ирода қилмоқдаман».

6. Ибн Сайёд «Дажжолни биламан» деганидан кейин Абу Саъид розияллоҳу анҳунинг унинг ҳақидаги фикри яна айниб қолган.

Ибн Умар розияллоҳу анҳу Мадина кўчларидан бирида юриб бораётиб Ибн Соидни учратиб қолди ва унга бир гап айтиб ғазабини чиқарди. Шунда у шишиб кетиб кўчани тўлдириб юборди. Бас, Ибн Умар Ҳафсанинг олдига кирди. Унга ҳалиги хабар етган эди. У (Ҳафса) унга: «Аллоҳ сенга раҳим қилсин. Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг «Албатта, у одамларга ғазаби чиққанидан хуруж қилади» деганларини бил-масмидинг?!» деди».

Шарҳ: Дажжолнинг одамларга хуруж қилишининг бошланиши ғазаби қаттиқ чиқишидан бошланар экан. Буни Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг завжаи мутоҳҳаралари ва Ибн Умар розияллоҳу анҳунинг опалари бўлмиш Ҳафса онамиз яхши билар эканлар.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Унга бошқа сафар йўлиққанамда унинг кўзи шишиб кетган экан. Шунда мен унга: «Кўзинг қачон мен кўраётганимдек бўлди?» дедим. «Билмайман», деди. «У бошингда турса ҳам билмайсанми?» дедим. «Аллоҳ хоҳласа уни сенинг манави асоингда ҳам халқ қилиб қўяверади», деди. Кейин у мен эшитган эшакнинг энг қаттиқ ханграшига ўхшаш хангради. Баъзи шерикларим мени уни асо билан урди ва синиб кетди шекилли деб ўйладилар. Аллоҳга қасамки мен буни сезганим йўқ. Сўнгра мўминларнинг онасининг олдига кириб унга сўзлаб бердим. Бас, у киши: «Ундан нима истайсан? У зотнинг «Уни одам-ларга хуруж қилдирадиган нарса ғазабининг чиқишидир» деганларини билмасмидинг?!» де-ди».

Шарҳ: Дажжолнинг кўзи бўртиб чиққан бўлар экан. Бу сифат Ибн Сайёдда ҳам пайдо бўлган экан. Унинг эшакка ўхшаб ханграши ҳам бор экан.

Муҳаммад ибн Мункадир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг Аллоҳнинг номи ила қасам ичиб Ибн Соиднинг Дажжол эканини айтаётганини эшитдим. Мен ун-га: «Аллоҳнинг номи билан қасам ичасанми?!» дедим. «Умарнинг Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларида бу ҳақда қасам ичаётганини эшит-дим. У зот унга инкор қилмадилар», деди». Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Шарҳ: Ибн Сайёднинг Дажжол деб қаттиқ ишонадиган саҳобалар ҳам бор экан. Аммо Ибн Сайёд ҳақидаги ҳамма маълумотларни солиштириб чиққандан сўнг у Дажжол эмаслиги, аммо Дажжолнинг баъзи сифатларига эга бўлган ва бир вақтлар Пайғамбарлик даъво қилган ноҳуш шахс эканлиги ғолиб бўлади.

САҚИЙҒДА КАЗЗОБ ВА ОЗОРЧИ БОР

Абу Навфал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳуни Мадийнага кетадиган йўлда осилган ҳолида кўрдим. Қурайшликлар ҳам, одамлар ҳам унинг олдидан ўтар эдилар. Абдуллоҳ ибн Умар унинг олдидан ўтаётиб тўхтади-да: «Ассалому алайка, эй Абу Хубайб!» деб уч марта такрорлади. Сўнгра «Аллоҳга қасамки, се-ни бу ишдан қайтарган эдим-ку!» деб уч марта айтди. «Аллоҳга қасамки, менинг билишимча серрўза, серқиём ва силаи раҳимни кўп қиладиган одам эдинг. Аллоҳга қасамки, сен энг ёмони бўлган уммат, энг яхши умматдир», деди-да, сўнгра юриб кетди. Бас, Абдуллоҳ ибн Умарнинг қилган иши ва гапи Ҳажжожга етди. У у(Ибн Зубайр)га одам юборди. Уни осилган шохдан туширилди ва яҳудийлар қабрига ташланди. Сўнгра унинг онаси Асмаа бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳумонинг олдига одам юборди. У киши унинг олдига келишдан бош тортди. Бас, у ўша юборган одамни яна қайта юбориб: «Албатта, келасан! Бўлмаса, сени сочингдан судраб келадиганларни юбораман!» деди. У яна бош тортди ва: «Аллоҳга қасамки, токи олдимга сочимдан судраб болиб борадиганларни юбормагунингча бормаيمان!» деди. Шунда у кавушларимни беринглар деди-да, икки қавушни олиб тезлаб юриб бориб унинг олдига кирди ва: «Аллоҳнинг душманини қандоқ қилганимни кўрдингми?» деди. «Кўрдим. Сен унинг дунёсини буздинг. У эса сенинг охиратингни бузди. Менга етган гапларга кўра сен уни «Эй икки белбоғли аёлнинг ўғли!» деб чақирибсан. Аллоҳга қасамки, икки белбоғли аёл менман. Улардан бири билан Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ва Абу Бакрнинг таомини боғлаб кўтарган эдим. Бошқаси бўлса, аёл кишига лозим бўлган белбоғ эди. Расулуллоҳ алайҳиссалом бизга Сақийғда каззоб ва озорчи борлигини айтган эдилар. Каззобни кўрдик. Аммо озорчи сендан бошқа биров эмас!» деди. У индамай туриб, чиқиб кетди». Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ривоятда Ислом тарихидаги энг қайғули ҳодисалардан бири ҳақида сўз кетмоқда. Муовия розияллоҳу анҳу ўз ўғли Язидга одамларни байъатини олгандан кейин вафот этдилар. Аммо Маккада бўлган улуғ саҳобийнинг ўғли, улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Зубайр одамларни янги халифага эмас ўзларига байъат қилишга чақирдилар. Ҳижоз аҳли у кишига байъат қилдилар. Вақти соати етиб Язид ибн Муовия Ҳижозни ҳам ўзига бўйсиндириш мақсадида Бани Сақийғ қабиласидан бўлган Ҳажжож бошчилигидаги лашкарни Мадийна ва Макка томон юборди. Ҳажжож ибн Юсуф ас-Сақайий умавий халифаларнинг амирларидан

бири бўлиб ўзининг золимилиги ила танилган ва Ҳажжож золим номини олган эди.

Ҳажжож бу муқаддас ерларга келиб мисли кўрилмаган зулмларни қилди. Маккаи Мукарраманинг ҳарамлигини ҳам бузиб Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу ва у кишининг одамларининг бирортасини қўймасликка қарор қилиб шафқатсиз уруш олиб борди. Иложи қолмагандан кейин Ибн Зубайр ва у кишининг одамлари масжидул ҳаромга кириб олдилар. Ҳажжож манжаниқ отиб Каъбаи муаззамани ҳам парчалаб ташла-ди. Ёлғиз ўзи қолган Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу қариб икки кўзи кўрмай қолган оналари Асмаа бин-ти Абу Бакр разияллоҳу анҳонинг олдиларига кирди ва: «Онажон ёлғиз ўзим қолдим, нима қилай?» деди. «Ишининг ҳақ бўлганидан кейин ёлғизлигинг узр бўлмайди. Чиқиб душман билан курашни давом этдир», она. «Ўлганимдан кейин мени қиймалармикан деган хав-фим бор», деди ўғил. «Сўйилган кўйининг теричини шилгани ила фарқ бўлмас, кўрқма, чиқ!» деди она. Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу ёлғиз ўзи жангни давом этдириб Ҳажжож одамлари қўлида ҳалок бўлдилар. Золим Ҳажжож у кишининг муборақ жасадла-рини Маккадан Мадийнага кетадиган йўлдаги хурмо да-рахтига осиб кўйишни амр қилди. Биз ўрганаётган риво-ятнинг ровийси абу Навфал гапни худди ўша ердан бошламоқда: «Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳуни Мадийнага кетадиган йўлда осилган ҳолида кўрдим. Қурайшликлар ҳам, одамлар ҳам унинг олдидан ўтар эдилар. Абдуллоҳ ибн Умар унинг олдидан ўтаётиб тўхтади-да: «Ассалому алайка, эй Абу Хубайб!» деб уч марта такрорлади». Буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу дарахтда осилиб турган мурдага салом бердилар. Бундан мурдага салом берса жоизлиги чиқади. Шу билан бирга Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ўликка эҳтиром кўрсатиб кунясини айтиб мурожат қилмоқдалар. Бир марта эмас, уч марта салом бермоқдалар. «Сўнгра «Аллоҳга қасамки, сени бу ишдан қайтарган эдим-ку!» деб уч марта айтди». Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳуга Бани Умайяга қарши чиқмаслик, улар билан тўқнашмаслик ҳақида насиҳат қилган эдилар. Аммо Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу бу насиҳатга қулоқ осмаган эдилар. «Аллоҳга қасамки, менинг билишимча серрўза, серқийём ва силаи раҳимни кўп қиладиган одам эдинг».

Дарҳақиқат, Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу кўпгина фазилатлар соҳиби эдилар. У кишининг оталари жаннат башорати берилган ўн кишининг бирлари Зубайр ибн Авом розияллоҳу анҳу, оналари Абу Бакр Сиддиқнинг қизлари Асмаа разияллоҳу анҳо эдилар. Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу Мадийнада муҳожирлардан би-ринчи бўлиб туғилган ва бунга Расулуллоҳ алайҳиссалом жуда ҳам қувонган ва унинг танглайини ўзларининг му-борак туфуткилари билан кўтарган эдилар. Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу ўзларининг кўплаб фазилатлари ичида кўп рўза тутишлари, кечалари кўп нафл намоз ўқишлари ва қариндошларга силаи раҳми кўп қилишлари билан алоҳида ажралиб турар эдилар. «Аллоҳга қасамки, сен энг ёмони бўлган ум-мат, энг яхши умматдир», деди-да, сўнгра юриб кетди». Бани Умайяликлар, ўзларининг лашкарбошилари Ҳажжож орқали Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳуни ёмон одам деб эълон қилган эди. Аммо Абдуллоҳ ибн Умар уларнинг эълонини ўзларининг бу гаплари билан чиппака чиқардилар. «Бас, Абдуллоҳ ибн Умарнинг қилган иши ва гапи Ҳажжожга етди». Ҳаммаёқда Ҳажжожнинг жосуслари изғиб юрарди. Улар катта кичик ҳар бир гапни унга дарҳол етказиб ту-рардилар. Ҳажжож Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудек улкан зотнинг бу иши ва гапи одамларга тасир қилиб Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳунинг жасади кишилар учун тасир қилишидан кўрқди. «У у (Ибн Зубайр) га одам юборди. Уни осилган шохдан туширилди ва яҳудийлар қабрига таш-ланди».

Маккаи Мукаррамада яҳудийлар қабристонини бўлмаганини эътиборга оладиган бўлсак, жасадни узоқ жойга олиб борилгани чиқади. Ҳажжож ўзининг бу номардлиги билан кифояланмади. У ўз рақибининг ўлимидан кейин унинг кексайиб кўзи кўрмай қолган она-синини ҳам хорламоқчи бўлди. «Сўнгра унинг онаси Асмаа бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳумонинг олдига одам юборди». Ҳамма Ҳажжожнинг номини эшитганда зир титирар эди. Унинг амридан бош тортиш бировнинг хаёлига ҳам келмас эди. Аммо Асмаа бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо бошқача иш тутди. «У киши унинг олдига келишдан бош тортди». Асмаа бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳонинг бу иши-дан Ҳажжожнинг ғазаби ғалаён қилди. У таҳдид қилишга ўтди. «Бас, у ўша юборган одамини яна қайта юбо-риб: «Албатта, келасан! Бўлмаса, сени сочингдан судраб келадиганларни юбораман!» деди». Ҳажжожнинг бу таҳдидан кейин ҳар қандай одам шаштидан тушиши турган гап эди. Аммо Асмаа бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо бошқача иш тутди. «У яна бош тортди ва: «Аллоҳга қасамки, токи олдимга сочимдан судраб олиб борадиганларни юбормагунингча бормайман!» деди». Ҳажжожини золимнинг шармандаси чиқди. Аммо у иш-ни шундайлигича қолишини истамади. Нима қилиб бўлса ҳам Асмаа бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳони хорламоқчи, ўзининг қилган нобокорлиги ила мақтанмоқчи бўлди. «Шунда у кавушларимни беринглар деди-да, икки кавушини олиб тезлаб юриб бориб унинг олдига кирди ва: «Аллоҳнинг душманини қандоқ қилганимни кўрдингми?» деди». Бу золимнинг фикрича Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу Аллоҳнинг душмани эмиш. Асмаа бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо ўзининг баҳодир ўғли ҳақидаги аҳмақона саволга ажойиб жавоб берди. «Кўрдим. Сен унинг дунёсини буздинг. У эса сенинг охиратингни бузди». Сен уни қатл этиб бу дунёсига зарар етказдинг. Аммо у ўзининг ўлими ила сенинг охиратингни бузди. Охиратда сен уни ўлдирганинг учун жавоб берасан, дўзахга туша-сан. «Менга етган гапларга кўра сен уни «Эй икки белбоғли аёлнинг ўғли!» деб чақирибсан». Асмаа бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳонинг лақаблари Зотуннитоқайн-икки белбоғли аёл. Эди. «Аллоҳга қасамки, икки белбоғли аёл менман. Улардан бири билан Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ва Абу Бакрнинг таомини боғлаб кўтарган эдим. Бошқаси бўлса, аёл кишига лозим бўлган белбоғ эди». Расулуллоҳ алайҳиссалом Абу Бакр розияллоҳу анҳу билан бирга ҳижратга чиққанларида уларга йўл учун та-ом бериб юборишмоқчи бўлдилар. Шошилишда таомни солгани нарса топа олмай қолдилар. Шунда Асмаа бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо ўйлаб ўтирмай белидаги белбоғни ечиб иккига бўлди-да бир бўлагига таомни ту-гди, иккинчи бўлагини яна белиган боғлаб олди. Шун он-дан бошлаб Асмаа бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо Зотуннитоқайн-икки белбоғли аёл номини олдилар. У киши Ҳажжожга қаратилган гапларда давом этиб: «Расулуллоҳ алайҳиссалом бизга Сақийфда каззоб ва озорчи борлигини айтган эдилар. Каз-зобни кўрдик. Аммо озорчи сендан бошқа биров эмас!» деди». Каззоб Сақийф қабиласидан чиқиб пайғамбарлик даъвосини қилган Мужтор ибн Абу Убайд ас-Сақафий де-ган нобокор эди. Озорчи эса, ҳозир Зотуннитоқайн-икки белбоғли аёлнинг олдиларида хўшайиб ўтирган Ҳажжож ибн Юсуф ас-Сақафий бўлди. Бу гаплардан кейин унинг шармандаси чиқди. «У индамай туриб, чиқиб кетди». Каззоплар ҳақидаги ҳикоямиз мана шулардан иборат эди. Энди қуйидаги мавзуимизда илоҳийлаштирилиб юборилган одамлар ҳақида сўзлаймиз.

ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛГАН ШАХСЛАР

Инсоният тарихида кўплаб солиҳ яхши инсонлар яшаб ўтганлар. Уларнинг қилган ишлари, тутган йўллари, гўзал ҳулқ-одоблари, илм ва амаллари халқ орасида уларнинг обрўйи, қадри, эътибори улуғланишига сабаб бўлган. Халқ бундай инсонларни доимо қадрлаб севиб келган. Мана шундай одамларни қадрлашни, севишни ҳам ўз меъёри ва чегараси бор. Агар бу чегарадан ўтилса, инсоният қаттиқ адашувга кетиши мумкин. Гарчи бу шахслар мусулмон бўлмасалар-да, ўзлари чуқур мулоҳаза ва мушоҳадалари ила борлиқни, Яратгани, инсоннинг ҳаётининг мазмун-моҳиятини англашга ҳаракат қилганлар ва ўзларининг бутун борлиқ ҳақида фалсафий қарашларни баён этганлар. Уларнинг таълимотларига эргашганлар кейинчалик таълимот асосчисини илоҳийлаштириб юбоганлар. Бу шахсларнинг барчаси ўзларининг таълимотни Тангрига олиб борувчи тўғри йўл деб ҳисоблашган. Лекин башар аҳли инсоният томонидан Тангри томонга юборилган йўлдан, Тангридан инсоният томонига юборилган йўл энг тўғри йўл эканини унутмаслиги лозим. Ягона Тангри бўлмиш Аллоҳ таолодан инсониятга келган энг тўғри йўл – Исломдир. Биз қуйида илоҳийлаштирилиб юборилган шахсларнинг энг машҳурларини келтириб ўтамиз.

БУДДА

(СИДХАРТҲА ГАУТАМА)



А
Ф
С
О
Н
А

А
Ф
С
О
Н
А

Буддавийлик асосчиси ҳақиқий тарихий шахсдир. Бу кўплаб буддавийлик билан шуғулланган тадқиқотчи олимлар бизгача етиб келган манбалар асосида исбот қилганлар. Буддавийлик асосчиси ҳақида хабар берувчи фольклор ва бадиий адабиётлар уни Сиддхартха, Гаутама, Шакьямуни, Будда, Тадхагата, Джипа, Бхагаван каби исмлар билан зикр этадилар. Бу исмларнинг маънолари қуйидагича: Сиддхартха - шахсий исми, Гаутама - уруғ исми, Шакьямуни - шаклар ёки шакия қабиласидан чиққан донишманд, Будда - нурланган, Тадхагата - шундай қилиб шундай кетган, Джина - ғолиб, Бхагаван - тантана қилувчи. Бу исмлар ичида энг машҳури Будда исми бўлиб, шу исмдан унинг динига буддавийлик (буддизм, буддийлик) номи берилган.

Ҳозирги кунда Будданинг бешта биографияси маълумдир: «Махавосту» - эрамизнинг II асрида ёзилган, «Лалитавистара» - эрамизнинг II-III асрларида юзага келган, «Буддахачарита» - Будда ғайласуфларидан бири Ашвагхошей томонидан эрамизнинг I-II асрларида яратилган, «Ниданакатха» - эрамизнинг I-асрида ёзилган ва «Абнихишкрамансутра».

Бу биографиялар орасидаги асосий зиддият Будданинг қайси йилларда яшаганлиги хусусидадир. Улар эрамиздан аввалги IX-III асрлар орасидаги турли муддатларни кўрсатадилар. Расмий буддавийлик ҳисобига кўра эса Бутама - Будда эр. ав. 623 йилда туғилиб, 544 йилда вафот этган. Бироқ, кўпчилик тадқиқотчилар унинг туғилиши эр. ав. 564 йилда, ўлими эса 483 йилда деб ҳисоблайдилар. Баъзан 560 - 480 деб тўлиқ сонлар билан кўрсатадилар.

Юқорида зикр қилинган биографияларда Будданинг ҳақиқий ҳаёти билан унинг афсонавий ҳаёти ўзаро қоришиб кетган.

Сиддхартха Шакья қабиласининг подшоҳларидан бири Шуддходананинг ўғли эди. Унинг саройи Химолай тоғлари этагида Капилавасти деган қишлоқда бўлган. (Ҳозирда Непал ҳудудида). Онаси - малика Майя. Подшоҳ ўғлини орзу ҳаваслар оғушида тарбиялар, уни ҳеч бир камчиликсиз катта қилади. Улғайиб қўшни подшоҳлардан бирининг қизи Яшадхарага уйланади ва ўғил кўриб, унга Рахула деб исм қўяди.

Ҳеч бир қийинчилик ва камчилик кўрмай ўсган бола Сиддхартха иттифиқо қариган чолни, беморни, оғир меҳнатли бир роҳибни учратади. Бундан қаттиқ таъсирлаган шахзода инсониятни қийинчилик ва азобдан қутқариш йўллари ахтариб саройни ташлаб кетади. Бу вақтда у 30 ёшда эди. У бешта роҳибга кўшилиб, улар билан қишлоқма-қишлоқ кезиб юради. Кўп вақт бу роҳибларга ҳамроҳлик қилиб, уларнинг йўлларида маълум мақсад йўқлигини ва бу йўл ўз олдига қўйган мақсади - инсониятни азоб уқубатдан қутқаришга олиб бормаслигини англайди ва роҳиблар жамоасидан ажралади.

У чакалакзор ўрмонларда кезиб, чарчаб бир дарахти тагида дам олиш учун ўтиради ва ўзига токи ҳақиқатни топмагунча шу ердан турмасликни ваъда беради.

Бу ўтиришнинг 49 куни унинг қалбидан «Сен ҳақиқатни топдинг» деган садо келади. Шу пайтда унинг кўз олдида бутун борлиқ намоён бўлади. У ҳамма жойда шошилиш, қаёққадир интилишни кўради. Ҳеч бир жойда осудалик йўқ эди. Ҳаёт ниҳоясиз узоқликни кўзлаб ўтиб кетаётган эди. Инсон ақли етмас бир куч - Кришна - яшаш, мавжуд бўлиш умиди барчанинг тинчини бузар, ҳалок қилар ва яна қайта яратар эди. Мана энди Будда кимга қарши курашиш кераклигин англади. Шу ондан у Будда - нурланган деб аталди. У тагида ўтирган дарахт эса - нурланган дарахт деб атала бошлади.

Будда ўзининг биринчи даъватини Варанаси яқинидаги Ришипатана боғида, ўзининг беш роҳиб дўстларига қилди ва ўшалар унинг биринчи шогирдлари бўлдилар.

Шу кундан бошлаб Будда ўз шогирдлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб ўз таълимотни тарқатиб ўзига янги издошлар орттиради. Будда 40 йил давомида ўз таълимотини Ҳиндистоннинг турли жойларига етказди ва 80 ёшида Куштнагара деган жойда дунёдан ўтди. Унинг жасади ҳинд удумига кўра у ерда куйдирилиб, унинг хоки 8 та будда жамоаларига бўлиб юборилди ва ҳар бир жамоа уни дафн этган жойида ибодатхона барпо этди.

Будданинг ҳаёти ҳақида турли афсоналар ҳам тўқилган. Бу афсоналарда айтилишича, Будда кўп йиллар давомида ер юзидаги турли мавжудотлар қиёфасида қайта туғилган: 84 марта руҳоний, 58 марта подшоҳ, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймун, 12 марта товуқ, 8 марта ғоз, 6 марта фил шунингдек балиқ, қурбақа, каламуш, қуён каби қиёфаларда қайта туғилган. Жами 550 марта қайта туғилган. У доимо қаерда, қай қиёфада туғилишини ўзига ўзи белгилаган.

Сўнгги марта уни худолар инсониятни тўғри йўлга бошлаши учун инсон қиёфасида яратганлар. Бу афсоналарнинг баъзиларига кўра ер юзида Гаутамага қадар 6 та будда ўтган. Шунинг учун буддавийликнинг баъзи муқаддас жойларида 7 та ибодатхона барпо этилган. 7 та Ботха дарахти ўтказилган. Баъзи афсоналар 24 та Будда авлоди ўтган деса, баъзилари минглаб Буддалар ўтган деб даъво қилади.

3. Буддавийлик таълимоти. Буддавийлик қадимий Ҳинд диний - фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, амалиёт ва назариётдан иборат диний тизим дир. Унинг асоси «Ҳаёт - бу азоб, уқубатдир» ва «нажот йўли мавжуд» деган ғоядир. буддавийлик қонуниятларига кўра инсон ўзига мослашган мавжудот бўлиб, ўзида туғилади, ўзини ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу нарса Будданинг илк даъватида мужассамлашган 4 ҳақиқатда ўз ифодасини топган.

Биринчи ҳақиқат - «Азоб уқубат мавжуддир». Ҳар бир тирик жон бошидан кечиради, шунинг учун ҳар қандай ҳаёт - қийноқ, азоб-уқубатдир.

Туғилиш - қийноқ, касаллик - қийноқ, ўлим - қийноқ, ёмон нарсага дуч келиш - қийноқ, яхши нарсадан айрилиш - қийноқ, ёмон нарсадан айрилиш - қийноқ, ўзи хоҳлаган нарсага эга бўлмаслик - қийноқ. Дунё тузилишининг асосий қонуни бир-бирига боғлиқлик. Ҳеч бир нарса маълум сабабсиз яралмайди. Лекин ҳар бир ҳодиса ёки ҳаракатнинг бирламчи сабабини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун буддавийлик дунёни шу ҳолича қабул қилишга чақиради.

Буддавийлик таълимотига кўра, ҳар қандай нарса ёки ҳодиса у хоҳ моддий ёки маънавий бўлсин Дхарма (элемент)лардан тузилган. Бу элементлар ўз хусусиятига кўра ҳаракатсиз бўлиб, уларни ҳаракатлантирувчи куч инсоннинг хаёллар ва сўзларидир. Объектив ҳақиқат бу доимий равишда ўзгариб турувчи Дхармалар оқимидир. Ҳаракатдаги Дхармалар мавжудлигининг 5 формасини яратади: тана, сезги, ҳис-туйғу, ҳаракат, англаш. Бу беш форма инсонни ташкил қилади. Инсон улар ёрдамида яшайди ва борлиқ билан алоқада бўлади, яхши ёки ёмон ишларни бажаради. Бу нарса инсоннинг ўлими билан тугалланади. Инсонни ташкил қилувчи беш форма (скандх) ўз навбатида қайта туғилади. Янги тананинг хусусиятлари асос бўлувчи беш натижани беради: фаолият, гумроҳлик, хоҳиш, истак ва норма. Бу процесс «ҳаёт ғилдираги»ни ташкил қилади. «Ҳаёт ғилдираги»да доимий равишда айланиб, инсон абадий қийноққа дучор бўлади.

Иккинчи ҳақиқат - «қийноқларнинг сабаблари мавжуддир». Инсон моддий нарсалар ёки маънавий қадриятлардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди ва доимо уларга эга бўлишга интилади. Бу интилиш ҳаёт давомийлигига олиб боради. Яхши ёки ёмон ниятлардан тузилган ҳаёт дарёси, орзулар ва интилишлар сабабли келажак ҳаёт учун карма ҳозирлайди. Демак,

қайта туғилиш, янгитдан қийноқларга дучор бўлиш давом этади. Буддистлар фикрича Буддадан кейин ҳеч ким Нирвана ҳолатига эриша олмаган.

Учинчи ҳақиқат - «қийноқларни тугатиш мумкин». Яхши ёки ёмон ниятлар, интилишлардан бутунлай узилиш Нирвана ҳолатига тўғри келади. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтайдди. Нирвана ҳолати, буддавийлар фикрича, «Ҳаёт ғилдирагидан» ташқарига чиқишдир. «Мен» деган фикрдан ажралиб, инсоннинг ҳиссий туйғулларини тўла тугатишдир.

Тўртинчи ҳақиқат - қийноқлардан қутилиш йўли мавжуддир. Бу йўл - «Саккизта нарсага амал қилиш, тўғри тушуниш, тўғри ҳаракат қилиш, тўғри муомалада бўлиш, фикрни тўғри жамлаш». Бу йўлдан борган инсон Будда йўлини тутаяди.

Бу саккиз нарсага амал қилиш медитация деб номланади. буддавийлик таълимоти асосан уч қисмдан иборат: 1. Медитация; 2. Ахлоқ; 3. Донолик.

1. Медитация:

Тўғри тушуниш;

Тўғри ният қилиш;

Тўғри ўзини тутиш;

Тўғри англаш;

Тўғри ҳаракат қилиш;

Тўғри муомалада бўлиш;

Тўғри фикр юритиш;

Тўғри гапириш;

2. Ахлоқ нормалари - Будда «Панча Шила» насиҳати:

Қотилликдан сақланиш;

Ўғрилиқдан сақланиш;

Гумроҳликдан сақланиш;

Ёлғон, қалбаки нарсалардан сақланиш;

Маст қилувчи нарсалардан сақланиш;

Тушдан кейин овқатланишдан сақланиш;

Ўйин - кулгудан сақланиш;

Зебу-зийнат, атир-упалардан сақланиш;

3. Доношмандлик - бу буддавийликнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушуниш.

Илк буддавийликнинг дхармалар табиати ҳақидаги мавҳум метафизик асослари буддавийликда икки оқим «Хинаяна» (кичик ғилдирак) ва «Махаяна» (катта ғилдирак) юзага келишига олиб келди.

Хинаяна таъкидлашича дхармалар табиатини ўрганиш ва нирванага эришиш маънавий йўл билан бўлади. Бу йўл жуда оғир ва фақат монахларгина нирвана ҳолатига етиши мумкин. Махаяна эса Будда танаси жонзотларни азобдан қутқариш учун турли жонзот формасига кириши мумкин ва ҳаёт замиридаги барча уни ўрганиши, англаши мумкин дейди. Бу нарса чексиз Будда рамларини, худоларни келиб чиқишга сабаб бўлди. Бу худоларга ишониш йўллари барчага мумкин. Шу сабабли «Катта ғилдирак» деб номланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бу таълимот асли инсон томонидан яратилган фалсафий таълимотдир. Юқорида зикр қилинганидек, Будда ўз қононасида роҳат-фароғатда кун кечирган. У кўчада кўрган инсонлар асли каста тизимининг энг қуйи табақаси - шудралар бўлган. Уларнинг бундай эзилиб яшашининг сабаби ўша даврдаги ҳиндларнинг диний эътиқоди бўйича, Шудралар худо Брахмининг товонидан яралган эмиш. Шунинг учун Шудралар, яъни ҳизматкорлар, қуллар доим таҳқирли ҳаёт кечиришган. Будда бундай тоифачиликка, нотўғри диний қарашларга қарши ғоя ўйлаб топишга, барча инсонларни рангидан, ирқидан, насабидан қатъи назар жамиятни бирликка чақиради. Вақтлар ўтиши билан Будда вафот этгандан кейин уни ўзини худо қилиб олишади. Будда пайғамбар ҳам, худо ҳам эмас. У маърифатпарвар инсон.

Лао Цзи

Мил.авв 579-499 йилларда яшаган



Лао Цзи хитойлик файласуф бўлиб, Чу подшолигининг фуқароси бўлган. Унинг асл исми Ли Эр бўлган. Лао – қария, Цзи – устоз деган маънони билдиради. Лао Цзи Чжоу саройида архив ҳодими сифатида хизмат қилган. Лао Цзи Конфутсий билан ҳам учрашган. Лао Цзи Чжоу салтанатининг инқирозга юз тутганини кўриб, истеъфога чиқади. Бундан кейин таркидунёчилик қилиб, ғарб томонга қараб сафарга чиқади. Мамлакатнинг чегарасига етиб келганда чегара бошлиғи ундан ўз юртига бирор нима қолдириб кетишини сўрайди. Ли Эр чегара бошлиғига 5000 белгидан (иероглиф) иборат қўлёзмани топширади. Бу тарихда "Даоцизм" – "эзгулик йўли" ёки "Куч ва ҳаракат ҳақида китоб" номи билан танилади. Бу китобда Лао Цзи ўзининг олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашларини

баён қилган. Асосан, инсон ҳаёт йўлининг моҳиятини тушунтириб беришга ҳаракат қилган. Хуллас, Даоцизм фалсафий таълимот бўлиб, унинг асосчиси Лао Цзидир. Вақтлар ўтиши билан хитойликлар даоцизм асосчисини илоҳийлаштириб юбордилар. Ваҳоланки, у ҳам ҳамма қатори инсон бўлган.

КОНФУТСИЙ

Мил.авв. 551-479 йилда яшаган



Конфутсийга батафсил тўхталиб ўтмаймиз, сабаби унинг ҳақида барчада етарли маълумот бор. Конфутсий Хитойнинг шарқидаги Лу князлигида туғилган бўлиб, Уч ёшга тўлганида отасидан, ўн етти ёшида онасидан айрилган. Унинг оиласида тўққиз қиз ва битта ногирон ўғил ҳам бўлган. Қисқаси ҳаётини қийинчиликлар уни фалсафа майдонига олиб кирган бўлиши мумкин. Конфутсий ўз таълимотини дин ёки диннинг бирор бир мазҳаби сифатида иддао қилмаган. Фақат у ўзининг борлиқ ҳақидаги фалсафий қарашларини баён қилган, холос. Вақтлар ўтгач унинг шогирдлари (издошлари) Конфутсийнинг фалсафий таълимотини ақийдага айлантиришни бошлайдилар. Ва шу залда вақтлар ўтган сайин Хитой халқи унинг таълимотини динга айлантириб юборишади.

Холбуки, унинг асл мақсади дин ўйлаб топиш эмас, балки мамлакатдаги парокандаликларни олдини олиш учун ишлаб чиқилган принспиал таълимот эди.

НАНАК

Милодий XV-XVI асрлар

Нанак исмли бу шахс 1469-йили Ҳиндистоннинг Панжоб ўлкасида туғилган. Уни таълимотига эргашувчилар Нанакни пайғамбар деб ҳисоблашади. Бу таълимотни Синкҳийлик дини деб атайдилар. Нанак ўн ёшидаёқ олий табақалар (мамлакатда мавжуд ҳиндуийлик динининг каста тизими табақаси назарда тутилмоқда) кастасига қабул қилинишига бағишланган маросимда – бундай табақага қабул қилинувчиларга имтиёз белгиси сифатида кийдириладиган муқаддас боғични белига боғлашдан воз кечган ва ҳамманинг худо олдида тенглигини эълон қилган. Ўттиз йил давомида у дарбадарликда ҳаёт кечирган. Шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб юрган. Ва ниҳоят, у қирқ ёшида машҳур гуру (устоз) бўлиб танилган. Айни пайтида, борган сари унинг шогирдлари ҳам кўпайган. Нанак Рави дарёсининг қирғоғида "Худонинг қасри" деб аталувчи шаҳарча бунёд этган. Гуру Нанак деҳқонлар кийимини кийиб юрган. Оила аъзолари билан деҳқончилик қилган. Шогирдлари ҳам деҳқончилик билан кун кечирган. Шундай қилиб янги дин – Синкҳийликнинг биринчи жамоаси шаклланган. Нанак яшаган замонда мамлакатда браҳманликнинг каста тизимини сақлаб қолишга тиш-тирноғи билан ҳаракат қилаётган ворис дин ҳиндуийлик ҳукмрон дин эди. Бу пайтгача ҳиндуийлик дини буддавийликни аллақачон мамлакатдан суриб чиқарганди. Нанак яшаган даврда аҳолининг ижтимоий ҳолати жудаям оғир эди. Бир томонда кастачилар тоифачиликни сақлашга уринса, бир томонда ҳиндлар мусулмонларга қарши кураш олиб бормоқда эди. Мана шундай ваъзиятда ҳинд халқини бирлаштириш учун янги таълимот зарур эди. Нанак ўзининг олам ҳақидаги фалсафий қарашлари орқали халқни бирлаштириш йўлини тутди. Синкҳийлар Нанакни кейинчалик пайғамбар, яъни Худонинг элчиси қилиб олишган.

СЎНГСЎЗ

Аллоҳнинг иродаси ила китобимиз ўз ниҳоясига етди. Китобда имконимиз борича ишончли манбаларга мурожат қилдик. Бунинг пировардида ислом пайғамбарлари ҳақидаги нотўғри тасаввурларни ҳам бартараф қилиш мақсади бордир. Каззоплар ҳақидаги воқеаларни келтиришимиздан мурод ёлғоннинг ҳеч қачон иш бермаслиги, узоқ яшамаслигини кўрсатишдан иборатдир. Агар ўқувчи келтирилган қиссалардан ўзига тўғри ва керакли хулосани чиқарган бўлса, бизнинг мақсадимиз ҳам хосил бўлади. Ҳар бир мўмин банда пайғамбарлар ҳаётини ўрганмоғи фазилятлидир. Чунки уларнинг ҳаёти-ю фаолиятлари жуда ҳам кўп ибратларга, насиҳатларга ва ўғитларга бойдир. Мўмин киши бу қиссалар орқали инсонларни Яратган Парвардигорига ишонмаса, осийлик қилса, бузғунчилик қилса, Унга бирор нимани шерик қилса, унинг оқибати қандай хотима топганини гувоҳи бўлади. Бас, шундай экан биз мўмин бандалар ҳам исломдан оғишмасдан, тўғри йўлдан юз ўгирмасдан, ерда бузғунчилик қилмасдан ҳамда Пайғамбаримиз суннатларидан чиқмаган равишда яшамоғимиз лозим бўлади. Мусулмонлар учун Пайғамбарларнинг ҳаёти, ахлоқ-у фазилятлари, Аллоҳга бўлган иймон-ишончлари, гўзал феъл-атворлари ва уларнинг Аллоҳ йўлида қилган саъй-ҳаракатларида гўзал бир намуна бордир, буюк бир дарс бордир. Вассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ.

Музаффар Не

Фойдаланилган манбалар

1. Пайғамбарлар қиссаси, Ислом.уз портали - Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ.
2. "Фурқон" дастури, Қуръони Карим маънолари таржимаси, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ.
3. Қуръони Карим маънолари ўзбекча таржимаси, Алоуддин Мансур.
4. Қуран.уз материаллари, пайғамбарлар қиссаси.
5. "Ал-Жоме ас-Саҳиҳ" Имом Бухорий.
6. Зиёнет.уз материаллари – илмий рефератлар, диссертациялар ва бошқалар.
7. "Дунё динлари тарихи" 9-синф учун дарслик, 2002 й.
8. "Илоҳий мўжизалар" Ҳорун Яҳё.
9. "Муҳтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом" Абдулла Авлоний.
10. "Дунё мўжизалари" илмий-оммабоп асар.
11. "Ўзбекистон тарихи" 7-синф учун дарслик, 2013 й.
12. "Жаҳон тарихи" 7-синф учун дарслик, 2013 й.
13. "Жаҳон тарихи", Қадимги тарих, 2013 й.
14. Инфо.ислом.уз портали мудирини Абу Муслим мақолалари.
15. е-тарих портали мақолалари.
16. Ҳилол.ком, "Қуръони Карим, Таврот, Инжил ва илм", Морис Букай.
17. Таврот, Ибтидо китоби.
18. Зиёуз.ком, "96 донишманд".
19. "Қадимги дунёнинг сир-асрорлари" илмий-оммабоп асар.
20. "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Абу Райҳон Беруний.